

812

Қосимжон СОДИҚОВ

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА
МАРКАЗИЙ ОСИЁДА КЕЧГАН
ЭТНО-ЛИНГВИСТИК ЖАРАЁНЛАР



81.2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

**ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА
МАРКАЗИЙ ОСИЁДА КЕЧГАН
ЭТНО-ЛИНГВИСТИК ЖАРАЁНЛАР**

Тошкент
«Akademnashr»
2018

29583
2018



УЎК: 811.512.1:39

КБК: 81.2 Турк-5

С 75

С 75 Содиқов, Қосимжон.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этно-лингвистик жараёнлар
[Матн] / Қ.Содиқов. – Тошкент: Akademnashr, 2018. – 352 б.

ISBN 978-9943-5458-8-5

УЎК: 811.512.1:39

КБК: 81.2Турк-5

Ушбу китобда илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этно-лингвистик жараёнлар, тил вазияти, ушбу жараёнларда туркий тилнинг тутган мавқеи тўғрисида сўз юритилади. Ёзма ёдгорликлар материалга таянган ҳолда туркий ёзма адабий тилнинг шаклланиши ва тарихий такомилли, унинг кейинги давр тилига таъсири очиб берилади.

Асар тилшунослар, манбашунослар, тарихчилар ва айни йўналишларда илмий иш бошлаган ёш изланувчиларга мўлжалланган.

Китоб «Илк ва ўрта асрларда Марказий Осиё миптақасида этно-лингвистик вазият» мавзuidaги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида ёзилди.

Тақризчилар:

филология фанлари доктори Қудратулла Омонов

филология фанлари доктори Рихситилла Алимуҳамедов

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Кенгаши нашрга тавсия этган
(2018 йил октябр ойининг йигирма бешинчи куни бўлиб ўтган 4-мажлис қарори).

ISBN 978-9943-5458-8-5

© Қосимжон Содиқов
© «Akademnashr», 2018

СЎЗБОШИ

Ўзбекистонда туркология янги босқичга кўтарила бошлади. Эсимда, ўтган юзйилликнинг 70–80- йилларида ҳам шундай кўтарилиш бўлганди: ўзбек олимлари томонидан Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибату-л-хақойиқ» асари ва бошқа бир қанча ёзма ёдгорликлар нашр этилганди ўшанда. Назаримда, эндиги ўзгарिश ва кўтарилишнинг қулочи анча кенг; мамлакатимизда мустақиллик туфайли яратилаётган имкониятлар бунга йўл очмоқда.

Яқин ўн беш-йигирма йил ичида ўзбек туркологиясида катта ишлар амалга ошди: «Девону луғати-т-турк»нинг ўзбек ва рус тилларидаги замонавий нашрлари, Алишер Навоий «Насойиму-л-муҳаббат» тазкирасининг илмий, илмий-танқидий матнлари, «Муҳокамату-л-луғатайн»нинг илмий нашри яратилди. Бу сирани яна давом эттириш мумкин.

Ёзма ёдгорликлар филологик тадқиқ этилиб, диссертациялар ёқланмоқда. Ўзбекистонда кучли туркология мактаби шаклланди.

Муҳими, ҳозирги ўзбек илмида исломдан бурунги ёзма ёдгорликларни бирламчи манбалар – тошбитиглар, ёдгорликларнинг асл қўлёзмаларидан ўқиб ўрганадиган мутахассислар етишиб чиқа бошлади.

Ғарб илмида бу соҳаларни ўрганиш ишлари эрта бошланган эди. Очиғи, ғарб шарқшунослик марказларида қадимги ёзма ёдгорликлар, шарқ қўлёзмалари тарихий-филологик жиҳатдан чуқур тадқиқ этилади; манбашунослик ва текстология соҳаси анча олдинлаб кетган. Уларда айни йўналишлар шарқшуносликнинг ўзак тармоғи саналади. Биз ҳам ўз тадқиқотларимизда айни йўналишларга кучлироқ эътибор қаратмоғимиз керак бўлади.

Мен тажриба ўрганиш учун илмий сафар билан Англиянинг Кембриж университетига борганимда, у ерда бир турколог профессорнинг дарсини кузатдим; у туркий рун битигларидан маъруза ўқиди. Ажабланирлиси, профессорнинг бакалаврлар учун ўқиган илмий маърузасини аудиторияда магистрантлар ҳам, докторантлар ҳам бирга ўтириб тинглади. Дарсни тинглар эканман, Қосимжонни эсладим; бу соҳалар бизда ҳам борлигига ич-ичимдан севишиб ўтирдим. Тарқатма материалларидан бир нечтасини унга ҳам олиб келгандим.

Қосимжон Содиқовнинг «Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этно-лингвистик жараёнлар» деб аталган монографияси туркий ёзма

ёдгорликларни ўрганиш соҳасидаги йирик тадқиқотлардан бўлибди. Китобда ёзма ёдгорликларнинг ўқилиши, матн талқини, илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этно-лингвистик жараёнлар, шарқ тилларининг ўзаро таъсири масалаларида муҳим, жўяли фикрлар айтилибди.

Яна бир жиҳати, китобда бир қатор ёдгорликларнинг ўқилиши ва талқини ҳам келтирилган. Талқинлар бутунлай янги. Туркий битиглар ўқиб чиқилган, улар чоп этилган, деб юраверган эканмиз. Талқин ва таржима-ларда ҳали гап кўп экан, китобни ўқиган киши буни тушуниб етади.

Ютуқларидан яна бири, илк ўрта асрларда кечган ижтимоий-иқтисодий, маданий, этно-лингвистик жараёнларга муаллифнинг ўз қараши бор. Буни бир мисолда келтириб ўтсам.

Ҳозирги тарих китобларида, илмий тадқиқотларда илк ўрта асрлар тарихи тўғрисида сўз юритилар экан, туркий халқларни «кўчманчилар» деб таърифланмоқда.

Туркий халқлар тарихи тўғрисида сўз юритилганда, уларни кўчманчилар эди, дейиш тўғри эмас. Чунки, ўша замонлардан қолган битиглар, қўлёзма манбалар, тарих китоблари, археологик топилмалар бу қарашларни буткул инкор этади. Бундан ташқари, кўҳна шаҳарларнинг харобаларидан чиққан архитектура ёдгорликлари, санъат асарлари, туркий хоқонлиқлар ва давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини акс эттирувчи расмий ҳужжатлар, ёзма ва оғзаки адабиёт намуналари, диний-фалсафий, илмий асарлар сақланган. Яна бир жиҳати, қадимги турклардан қолган битиглар бир эмас, бир қанча такомиллашган алифболарда битилган. Шунинг ўзиёқ қадимги туркларнинг маънавий-фалсафий, илмий-маърифий тафаккурининг нечоғлиқ юқори босқичда эканлигини исботлаб турибди.

Қадимги туркий халқларнинг турмуш тарзи кўп укладли бўлиб, уларда шаҳарчилик маданияти ҳам, деҳқончилик ҳам, чорвачилик ҳам ривожланган. Айниқса, туркий давлатчилик тарихи жуда эски замонларга илдиз отган. Китобда таъкидланганидек, яйловларда яшаб, чорвачилик, йилқичилик қилиб кун кечирган жамоани, кўчманчилар билан қориштирмаслик керак. Менимча ҳам шундай, тарихшуносликда аждодларимиз ўтмишига нисбатан айтилган хато фикрларни тўғрилашнинг вақти келди.

Иқтисоди ва маданиятида ўсиш бўлган кезларда туркий халқлар мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Улар шарқ халқлари орасида етакчи ўринда турди. Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва йилқичилик билан бир қаторда, шаҳарчилик, давлат ва жамият бошқарувида, илм-фан ва фалсафий фикрлар ривожига йирик-йирик кашфиётлар қилди.

Қ. Содиқов ўз асарида туркий халқларнинг илк ва ўрта асрлардаги ҳаёт тарзини қуйидаги турларга ажратибди:

шаҳар турмуш тарзи;

қишлоқ турмуш тарзи;

яйлов турмуш тарзи;

тоғлиқ аҳоли ва сув ёқаларида яшовчи халқнинг турмуш тарзи.

Менга, айниқса, унинг яйлов турмуш тарзи ҳақидаги қарашлари маъқул кўринди. Асарда ёзилишича, яйлов тирикчилиги ўтроқ қишлоқ турмуш тарзидан фарқли ҳолда, асосан, чорвачилик, йилқичилик билан боғлиқ юмушларни ўз ичига олади. Чорвачи ва йилқичилар йилнинг иссиқ ва илиқ фаслларида тирикчиликни яйловларда ўтказар, қишда эса қишлоқларга қайтар эди. Табиийки, яйлов ҳаёти доим бир жойдан иккинчи жойга, яхши ўтлоқли яйловларга кўчиб юришни тақазо этган. Яйловликларнинг хотини, бола-чақаси ҳам ана шу тирикчиликка кўниккан.

Серяйлов ўлкаларда яшовчи халқларда бу доимий ва одатий ҳаёт тарзига айланган эди. Йирик-йирик уруғлар, ҳатто бутун бир қавмнинг ҳаёт тарзи ана шундай кечган.

Тўғри ёзади у, мен ҳам шу фикрдаман. Узоққа бормайлик, яқин-яқингача оталаримиз, оналаримиз ўз болалигини эслаганда «шаҳар ҳовли», «дала ҳовли» деб гапиришарди. Уларнинг сўзига қараганда, қишда шаҳарда туриб, кўклам келиши билан экин-тикин, мол-ҳол қилиш учун далага чиқиб кетишар экан. Ўзбекнинг тирикчилиги ана шундай ўтган.

Ҳозирги ўзбек тилида ишлатилаётган *қишлоқ*, *яйлов* сўзларининг ўзиёқ, ота-боболаримизнинг турмуш тарзини ифодалаб турибди. Жумладан, *қишлоқ* сўзи «қишни қишлайдиган жой» деган маънони англатган (ясадиши шундай: *қишла*+<*қиш*+*ла*+*ф*>); яйлов эса *йай*, яъни «ёз» сўзидан ясалган: *йай*+*ла*+<*ф*>*йайла*ф; кейинчалик *яйлов* бўлиб кетган. Бу «ёзни ўтказадиган жой; ёзда туриладиган ер» демакдир.

Ўтмишдаги яйлов халқининг турмуши, яйлов билан боғлиқ тушунчалар эски ўзбек тилининг луғат қатламида ҳам яхши из қолдирган.

Қ. Содиқовнинг «яйлов маданияти ва адабиёти» деб атаётгани ҳам янгилик. Ҳақиқатан, яйлов турмуш тарзи тўғрисида сўз борганда, яйлов халқларида ҳам ўзига яраша маданият, санъат ва адабиёт мавжуд бўлганлигини унутмаслик керак. Шуларга боғлиқ равишда «яйлов маданияти», «яйлов санъати», «яйлов адабиёти», «яйлов цивилизацияси» тушунчалари ҳам юзага чиқади.

Турмуш ва маданиятнинг бир қатор соҳаларида яйлов ҳаёти олдинги ўринларда турган. Айниқса, спорт беллашувларида яйлов етакчилиқ қилар эди.

«Яйлов адабиёти» деганда яйловда яратилган халқ оғзаки ижоди – халқ дostonлари, халқ кўшиқлари, мақоллар, топишмоқлар, яйлов билан боғлиқ афсона ва ривоятларни кўзда тутуди у.

Унинг ёзишича, яйлов адабиётида халқ оғзаки ижоди ниҳоятда ривожланган эди. Яйловда дostonчилик, халқ шеърляти юксак даражада эди. Жумладан, яйлов турмуш тарзигина ўзбек халқ оғзаки ижодида дostonчилик анъанасини сақлаб келганлигини тан олмоқ керак. Халқ дostonлари, асосан, яйлов адабиётининг маҳсулидир: улар яйловда яратилиб, яйлов адабиёти таъсирида сайқаллашиб, ғоявий-бадий жихатдан такомиллашиб келган. Яйлов ҳаёти, яйлов адабиётининг анъаналари бўлмаганида халқ эпослари, ажойиб дostonлар аллақачон унутилиб кетган бўларди. Халқ бахшиларининг ижоди яйлов ҳаёти, турмуш тарзи билан уйғунлашиб кетган.

Халқ дostonчилари, шоирлари билан боғлиқ атамаларнинг айримлари ҳозир ҳам ишлатилади. Масалан, ўзбекларда *бахши*, қозоқларда *жиров* дейди. *Жиров* атамаси «шеър; кўшиқ» англамидаги *жир-йир* сўзидан ясалган бўлиб, «шеър айтувчи; кўшиқчи» деган маънони билдиради.

Ўзбек халқ мақолларининг катта бир гуруҳи ҳам яйлов халқининг ҳаёт тажрибалари, кузатувлари туфайли яратилган. Улар яйлов ҳаётини кўрган, турмуш қийинчиликларини бошдан кечирган, кўпни кўрган донишмандларнинг ижод маҳсулидир.

Яйловда яратилган оғзаки адабиёт ота-боболардан қолган бадий ижод ва тил анъаналарини, халқнинг турмуш тарзини ўзида яхши сақлаб келганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Яйлов адабиёти намуналарини халқ ижодининг сара асарлари деса бўлади.

«Яйлов маданияти» деганда ўтов ёки чодир тикишдан тортиб яйлов халқи томонидан яратилган барча моддий маданият ёдгорликлари, яйловда ўтказилган маданий-спорт ўйинлари кўзда тутилади.

Муаллифнинг урғулашича, яйлов турмуш тарзи қишлоқ ёки шаҳар ҳаётидан орқада қолган эмас. Кези келганда, яйлов турмуш тарзи ҳам жамият ҳаётининг ажралмас бўлаги сифатида улуғ цивилизацияларга хизмат қилган.

Ўтмишдаги турли маданиятлар синкретизми туфайли туркий халқлар шарқ халқлари орасида етакчи ўринларда туриб, кишилик цивилизацияларига ўзининг муносиб улушини кўшиб келди.

Қ. Содиқовнинг ушбу китоби туркологияда эътибор қозонажигига ишонаман.

Абдурахим МАННОНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

КИРИШ

Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлар тарихи ўша даврларда кечган мураккаб этно-лингвистик жараёнлар билан ажралиб туради. Туркий ёзма адабий тилнинг шаклланиши ва тараққиёти туркий қавмларнинг бир давлат остида бирлашуви, бу ўлкаларда кечган ижтимоий-сиёсий, маданий жараёнлар билан боғлиқдир. Бу даврда қудратли турк хоқонлиқларининг юзага келиши туркий халқлар маданияти, адабиёти ва адабий тилининг тараққиётига кенг йўл очиб берди. Давлат ва жамият бошқаруви, иш юритиш тизими, халқаро дипломатик муносабатларни изга солиш, илм-фан, маданият ва адабиёт равнақи учун хоқонлиқнинг турли ўлкаларида ягона ёзма адабий тилдан фойдаланиш эҳтиёжи туғилди.

Ўша даврларнинг ёзма адабий тили хоқонлар ва давлат арбоблари, машхур кишилар хотирасига аталган битигларда тамғаланиб қолган. Битиглар хоқоннинг ўз яқинлари, уруғи, давлат амалдорлари, тўрт тарафдаги улусга, шулар қатори келажак ўғил-қизларга қаратилган муурожаати эди. Жумладан, 732 йили улуг саркарда Кул тигин хотирасига бағишланган битиг хоқон тилидан айтилган бўлиб, шундай сўзлар билан бошланган:

Sabimīn tükāti āsidgīl: ulayu infij yāgünüm, oylanīm, biriki, oyuşum, bodunum, biryā šadapīt bāglār, yīrya tarqat, buyruq bāglār, otuz ... toquz oyuş bāglāri, bodunī, bu sabimīn ādgūti āsid, qatiydī tinlā. – «Сўзимни тугал эшитгил кетимдаги ини, жияним, ўғлоним, иттифок, уруғим, халқим, ўнгдаги шадапит беклар, чапдаги тарханлар, буйруқ беклар, ўгитиз ... тўққиз ўғуз беклари, халқи, бу сўзларимни яхшилаб эшит, диққат билан тингла» (Ка.1–2).

Хоқоннинг бу сўзлари ушбу битиг бутун туркий улусга тушунарли, улар учун умумий бўлган ёзма адабий тилда битилганлигига далил.

Марказий Осиёдаги этно-лингвистик вазият тўғрисида хабар берувчи ёзма манбалар

Илк ўрта асрлардан қолган ёзма ёдгорликлар Марказий Осиёда кечган этно-лингвистик вазият тўғрисида хабар берувчи энг ишончли манбалардир. Жанр хусусияти, характериға кўра уларни бир қанча гуруҳға бўлиш мумкин.

Қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари

Қадимги халқ оғзаки ижодининг намуналаридан бири «Бўзқурт» афсонасидир. Энг кекса турк уруғларидан бири бўлмиш А-ши-на уруғи билан боғлиқ бир афсона ўтган. Фанда уни «Эргенекон» афсонаси деб ҳам атайдилар.

А-ши-на хитойча сўз бўлиб (хитойча шакли *A-ših-na*), «Бўзқурт (бўзбўри) ўғиллари» деган маънони билдиради. Хитойча манбага таяниб, та-рих китобларида бу уруғнинг оти ана шундай атаб кетилган.

«Бўзқурт» афсонасининг туркий матни сақланган эмас. Бироқ, 629 йили ёзилган «*Sou-šu*» отли хитойча йилномада ўша турк афсонаси қисқагина ҳикоя қилинган. Унинг мазмуни шундай: Ғарбдаги денгиз бўйларида яшаган бир турк қабиласи устига қўшни қабила чериги бос-тириб келди ва ерли қабилани қирғин қилди. Улар орасидан фақат ўн ёшли бир бола тирик қолди, холос. Яқин орада изғиб юрган бир урғочи бўри болани қутқариб қолди. Ёвдан қочган урғочи бўри Као-чангнинг шимолига (Турфон водийсига) бориб яшаб қолди. Бўри одам боласини катта қилди ва ўзи унинг хотини бўлди. Замонлар ўтиб, ўша одам бола-сидан ўн ўғил кўрди. Ўғиллар катта бўлиб, шу ерлик қизларга уйланди-лар. *A-ših-na* ўғилларидан бири ўз отини ташиган қабиланинг бошли-ғи бўлди. Бу қабиланинг кейинги авлоди Олтойга кўчди ва у ерларда «турк» отини олди (Sertkaya 1995,303–304).

Туркларнинг А-ши-на (Бўзқурт ўғиллари) уруғи ўз тарихини, ке-либ чиқишини бўз бўрига боғлайди. Бўри қадимги туркларда тотемга айланган. Уларнинг бу тасаввур-қарашлари ўзлари бошқарган давлат рамзларида, бадий ижод намуналарида, санъати ва ҳайкалтарошли-гида ўз изини қолдирган.

А-ши-на сулоласи Марказий Осиёда 550–745 йиллар орасида, яқин икки юз йил ҳукум сурди. Бу давр кўк турклар замонида тўғри келади. Улар ҳукумронлик қилган давлатлар тарихда «кўк турк хоқонлиқлари» отини олган.

Ушбу сулола ҳукумронлиги даврида тикланган ёзма обидаларнинг энг эскиси биринчи хонадон даврига тегишли Буғут обидасидир. Ёд-горлик Махан тигин исмли турк шаҳзодасига атаб тахминан 581 йили тикланган.

Муҳими, Буғут мангутошининг тепа қисмига одам боласини эми-заётган бўри тасвири ишланган (қаранг: МТА,157–162). Бу белги Махан тигиннинг А-ши-на уруғидан чиққанлигини кўрсатади.

732 йили тикланган Кул тигин мангутошининг бош қисмига ҳам ча-қалоқни эмизаётган бўри ишланган.

Бўзбўри тўғрисидаги тасаввурлар кўк туркларнинг давлат сиёсий-ижтимоий қурилмаси, унинг рамзларида ҳам аксини топган. Хусусан, кўк турк давлатларининг туғ ва байроқларида бўри бошининг тасвири ишланганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

740–745 йиллар кўк турк хоқонлигининг инқирозга юз тутган даври саналади. 744 йилнинг охирларида сўнгги кўк турк хоқони уйғур-басмил-қарлуқ уюшмаси томонидан мағлубиятга учради ва туркларнинг ҳукумронлиги А-ши-на хонадонидан уйғур сулоласига тегишли Яғлақар хонадонига кўчди.

Қадимги халқ оғзаки ижодининг классик намуналаридан яна бири **Ўғузхоқон тўғрисидаги ривоятлардир**. Улар туркий халқлар оғзаки адабиётида эски замонлардан қолган бўлиб, туркий адабиёт тарихида турли вариантларда тарқалган ва ёзма манбаларда, халқ оғизларида бизгача етиб келган. Шулардан бири қадимги уйғур хатида битилган бўлиб, адабиётшуносликда «Ўғузнома» ёки «Ўғузхоқон» достони оти билан таниқли (қаранг: Содиқов 2008,14–19).

Ўғузхоқон ривоятларининг айримлари тарихий, тарихий-адабий асарларда келтирилади. Туркий халқларнинг тарихига бағишланган китобларда ўтмишда ўтган подшоҳлар қаторида Ўғузхоқон ҳам тилга олинади ва унинг турк қавмларини тузиш билан боғлиқ кечмиши ҳикоя қилинади.

Ўғузхоқон тарихларидан бири тарихчи Фазлулло Рашидиддиннинг форсча «Жомеу-т-таворих» асарида келтирилган.

«Тарих-и жаҳонгушой» асари Чингизхон даврига оид қисмининг туркий таржимасида ҳам Ўғуз ривояти берилган.

Ривоятлардан бошқа бири Мирзо Улуғбекнинг форсча «Тарих-и арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») китобининг биринчи бобида келтирилади.

Ўғузхоқон тарихи Абулғозий Баҳодирхоннинг (1603–1664) «Шажара-йи тарокима» ва «Шажара-йи турк» асарларидан ҳам ўрин олган. «Шажара-йи тарокима» муаллифининг таъкидлашича, ўша кезлар эл ичида Ўғузхоқон дostonлари кенг тарқалган эди. Бу хусусда: «Бизнинг ичимизда «Ўғузнома» кўп турур», – деб ёзади у. Бошқа китобларда битилган Ўғуз ҳақидаги тарихлар ҳам Абулғозийга маълум эди. Муаррих Ўғузхоқон тарихини оғзаки адабиётда ҳамда тарих китобларида берилган ривоятлардан олиб ёзган.

Бизгача етиб келган ривоятларнинг энг эскиси уйғур ёзувли «Ўғузхоқон» достонидир. Ушбу дoston ўз мазмуни, бадий ва тил хусусиятларига кўра бошқа вариантлардан анча фарқ қилади.

Асар қўлёзмаси ҳозир Париждаги Франция Миллий кутубхонасида сақланмоқда (Suppl. Turc, 1001). Қўлёзмада дostonнинг бошланиши ҳам, якуни ҳам йўқ. Матннинг бари 21 варақ (42 бет). У уйғур хати билан, ҳар қайси бетида 9 қатордан, тик ҳолда – тепадан пастга қараб ёзилган. Китобнинг ортиқча безаклари йўқ. Қўлёзманинг кўчирилган санаси ҳам маълум эмас. Хат услуби уни XIII–XIV юзйилликларда кўчирилган, деган хулосага олиб келади. Асар илк ўрта асрларда қоғозга туширилган эса-да, унинг шаклланиш тарихи мелоддан анча илгариги чоғларга илдиз отган (*нашрларига қаранг*: Radlof 1900,232–244; Щербак 1959,11–110; Маҳмудов, Содиқов 1994,96–117).

«Ўғузхоқон» – насрда битилган дoston. Лекин матнда ора-орада шеърый бандлар ҳам учрайди.

Асарда туркларнинг қадим инонч-эътиқоди, тасаввур-тушунчалари акс этган. Ўғуз Кўк-тангрига топинади. Дoston воқеа-ҳодисалари ана шу инонч-эътиқод билан йўғрилган.

Асар давомида хоқоннинг ҳарбий юришлари, улуғ зафарлари ҳикоя қилинади. Айрим туркий қавмларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ ривоятлар берилади.

Уйғур ёзуви «Ўғузхоқон» дostonи кейинги давр тарих китобларида берилган Ўғузхоқон ҳақидаги ривоятлардан айрим жиҳатлари билан фарқ қилади.

Ўғузхоқон тўғрисидаги дoston ва ривоятларнинг барида туркий халқларнинг тарихи мужассам. Янада муҳими, ушбу тарихларда уйғур, қипчоқ, қарлуқ, қангли, халач сингари бош туркий уруғларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ ажойиб ривоятлар берилган. Туркларнинг бу кекса уруғлари, тарихларда қайд этилувича, Ўғузхоқон замонида келиб чиққан.

Эътиборга лойиқ ери шундаки, ривоятларда, ўрни билан, ушбу қавм отларининг асл маъноси (этимологик изоҳлари) ҳам келтирилади.

Тарих китобларида ёзилишича, Ўғузхоқон жуда эски замонда ўтган ҳукмдордир. Унинг юртга эгалик даври юқорида зикр этилган кекса туркий қавмлар юзага келаётган чоғларга тўғри келади. Ўғузхоқон тарихий шахсми ёки йўқми, бундан қатъи назар, сақланиб қолган дoston ва ривоятларда бадийий образ сифатида гавдаланади.

Муҳими, «Ўғузхоқон» дostonида туркий халқлар тангриканлик (кўк-тангри) динига сиғинган кезлардаги тасаввур-қарашлари акс этган. Асарда Ўғузнинг Кўк-тангрига топиниши, ўғилларига коинот жисмлари ва улуғ нарсаларнинг оти берилгани, кўк бўри образининг учраши туркларнинг исломдан анча бурунги, хусусан, кўк-тангри инончи давридаги тасаввур-қарашларининг ифодасидир.

Мазкур дostonда, бир томондан, туркларнинг тангриканлик муҳи-тидаги қарашлари акс этган бўлса, иккинчидан, унда монийликнинг таъсирини кузатиш мумкин. Дostonнинг илдизлари тангриканлик муҳитига тармоқ отган. Шарқий турклар монийликни қабул қилганларидан сўнг, дoston қайта ишланиб, янги муҳитга мослаштирилган: кўх-на мотивлар монийликнинг тасаввурлари билан бойитилган. Айтиш мумкинки, уйғур ёзувли «Ўғузхоқон» Ўғуз дostonларининг монийлик даврида қайта ишланган, туркларнинг шу чоққача бўлган эътиқод ва тасаввурлари синкретик ҳолда мужассамлашган вариантдир.

Ўғузхоқон ҳақидаги ривоятлар ислом муҳи-тида ҳам кенг тарқалди. Қадим ривоятлар қайта ишланиб, ушбу муҳитга мослаштирилди. Бу эса, ўз навбатида, асарнинг юзйилликлар оша яшаб қолишига имкон туғдирди. Ислom муҳи-тида ҳам асарнинг янги-янги вариантлари юза-га кела бошлади. Хусусан, тарих китобларида келтирилган ривоятлар унинг ана шу жараёнда шаклланган вариантларидир.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида Хоразм адабий муҳи-тида ҳатто XVII юзйилликда ҳам Ўғуз дostonлари кенг тарқалган эди.

Асар туркий адабиёт тарихида турли вариант ва версияларда тарқалган. Уйғур ёзувли «Ўғузхоқон» дostonи – уларнинг энг эскиси. У бошқа вариантлардан ҳали ислом таъсирига берилмагани билан ажралиб туради. Тарих китобларида келтирилган ривоятлар эса унинг ислом даврида қайта ишланган вариантларидир.

Қадимги туркий халқларнинг турмуш тарзи, миллий маънавияти, инонч-эътиқоди улар яратган **мақоллар**да ҳам акс этади.

Мақол – халқнинг қирқ йил кузатиб, бир айтган сўзи. Мақолда халқнинг фалсафий қарашлари, эркин фикри ихчам, лўнда ва бадий шаклда акс этади.

«Мақол»ни қадимги турклар *saw, ögüt, qımarı söz* деган.

«Девону луғати-т-турк» асари араб тилида ёзилгани сабабли, унда мақолларни муаллиф *maşal* деб атаган. Чунки араблар «мақол»ни *maşal* дейди. Юсуф Хос Ҳожиб ҳам «Қутадғу билиг»да «мақол» англамида *öt-saw, ögüt, qımarı söz* билан бир қаторда, *masal* истилоҳини ҳам ишлатган.

Илк ўрта асрларнинг ёзма манбаларида кўпдан-кўп халқ мақоллари келтирилган. Ушбу манбалар қуйидагилардир:

(1) Улуғ тилшунос Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида туркий сўзлар маъносини жонли мисолларда очиқлаб бериш учун жумлалар, шеърий узиндилар, халқ мақолларидан келтирган. Маҳмуд Кошғарий тўплаган мақолларининг тарихий генезиси, илдизлари мелоддан бурунги даврларга бориб тақалади.

Енисей битигларидан мисол: *Er erdäm ücün, inim-äcüm uyarin ücün bāñümin tikā bertī.* – «Йигитлик шарафим учун, ака-укаларим қудрати учун мангу тошимни тикиб берди» (Е.28,4). Ёки яна: *Çab Şatun tarqan bāñüsi tikā bertim.* – «Чаб Шатун мангутошини тикиб бердим» (Е.30,3).

Кунимизга қадар сақланган турк монументал битигларининг энг кўхналари ўрхун обидаларидир. Мўғулистон ҳудудларидан топилган, Биринчи ва Иккинчи турк хоқонлиқлари, уйғур хоқонлиғи давридан қолган кўк турк ёзувидаги ёдгорликлар туркологияда ўрхун битиглари номини олган. Улар хоқонлар, шаҳзодалар, саркарда ва давлат арбоблари хотирасига тикланган қабртош ёзувларидир.

Биринчи турк хоқонлиғи замонидан қолган Буғут битигтоши, Иккинчи турк хоқонлиғи даврида яшаб ўтган давлат арбоби ва саркарда Тўнюкуқ хотирасига тикланган битигтош, Элтариш хоқоннинг кичик ўғли Кул тигин (=Кўл тигин), тўнғич ўғли Билга хоқон хотирасига тикланган битигтошлар, саркарда Алп Элэтмиш хотирасига, чамаси, 732 йили тикланган Ўнгин битиги, Кўли-чўр хотирасига битилган ёдгорликлар ана шу туркумга киради.

Битиглар улуғ йўлбошчилар, миллий қаҳрамонлар хотирасига битилган бўлиб, уларда халқ қаҳрамонларининг кўзи тириклигида олиб борган эзгу ишлари, юрт эрки ва фаровонлиги, тинчлиги йўлида қўрсатган жасоратлари ёд этилади. Битигларда тарихий воқеалар ажойиб тил билан, бадий услубда баён этилган. Муҳими, битигтош ижодкорлари ўша кезлардаёқ фикрни эл-улусга, келгуси ўғил-қизларга етказишнинг энг таъсирчан йўлини топганлар. Улар битигларда тарихий баён, расмий, монументал матнларга хос кўтаринкилик, эпитафияларга хос қайғули оҳанг – бари-барини ўзида мужассамлаштирган синкретик услубни қўллаганлар.

Кўк турк хоқонлиғи даврида шаклланган эпиграфик матн битиш анъанаси уйғур хоқонлиғи даврида ҳам давом этди. Мўюн-чўр хотирасига аталган битиг, Тариат битиглари кўк турк хоқонлиқлари даври анъаналарини сақлаган ёдгорликлардир.

Муҳими, илк ўрта асрлардан қолган эпиграфик матнларнинг айримлари кўп тиллидир. Бу эса, ўз навбатида, Марказий Осиёнинг улкан ҳудудларида, Буюк ипак йўлида кечган тил вазияти, қадимги турк хоқонлиқлари ва давлатларининг тил сиёсати, туркий халқлар билан кўшни шарқ халқлари ўртасидаги маданий-адабий алоқалар тўғрисида ҳам маълумот беради. Масалан, Буғут ёдгорлиги икки тилли (суғдча ва туркий), Кул тигин ва Билга хоқон битиглари ҳам икки тилли (туркий ва

хитойча), Қорабалғасун ва Севрейсомон ёдгорликлари эса уч тиллидир (туркий, суғдча ва хитойча).

Эпиграфик матнларнинг катта бир гуруҳини енисей битиглари ташкил қилади; уларнинг сони жуда кўп. Сибирнинг Олтой ўлкаси, Енисей, Кама дарёлари теварагидан топилган кўк турк ёзувли ёдгорликлар фанда *енисей битиглари* номини олган. Қадимги турк монументал матнлари ичида енисей битигларининг тузилиши ва услуги тамоман бошқача. Улар айри бир адабий мактабнинг маҳсули бўлиб, урхун битиглари сингари йирик-йирик эмас, каттаси – ўн олти-ўн етти сатрли. Шундай эса-да, тил ва поэтик хусусияти, аҳамиятига кўра муҳим саналади. Қизиғи, урхун битигларидан фарқли ўлароқ, ушбу битигларда кўпинча матн ўликлар тилидан сўзланади. Тўғри, уларни мархумнинг ўғил-қизи отасининг ўлимидан кейин биттирган. Лекин у ерда кечган воқеалар, мархумнинг мунгли сўзларини ўтганнинг тилидан битган. Бу нарса матннинг поэтик таъсирини оширишга хизмат қилади.

Мангутошларда мархумнинг ўз яқинлари, ёруғ дунёдан, туғишганлардан айрилиқ қайғуси, ўкинчи баён этилади. Ушбу матнларни ўликларнинг нидоси дейиш мумкин. Битигларда мунгли бир мазмун етакчи.

Мана мисоли:

Yerim-ā, yīta, subīm-a, adīriltīm. Buḡ-a, sizim-ā, yīta, bodunīm-a, kūnim-ā, qadašīm-a, adīriltīm, bōkmādim. Elim-ā, qanīm-a, bōkmādim (E.11,4–5).

Келтирилган ўрнакда *yerim, subīm, bodunīm, kūnim, qadašīm, elim, qanīm* сўзларига қўшилаётган *-a, -ā* қўшимчаси ҳаяжон, мунг, қайғуни билдиради. Матнда ҳатто *buḡ* сўзига ҳам *-a* қўшимчаси қўшилиб, ундов ҳосил қилинган: *buḡ-a* – «бу қандай мусибат-а» дегани. Матндаги *sizim-ā* – «сиз, яқинларим-а» деган маънода. Қайғу йўғрилган жумлалар *adīriltīm* («айрилдим»), *bōkmādim* («тўймадим») сўзлари билан якунланади. Мазкур сўз ва ундовлар матн оҳангдорлигини, ритмни таъминлайди.

Музмуни шундай бўлади:

«Ерим-а, эсиз, сувим-а, (баридан) айрилдим. Мусибат-а, сиз (яқинлар)им-а, эсиз, халқим-а, уруғим-а, дўст(лар)им-а, (сиздан) айрилдим, (дийдорингизга) тўймадим. Элим-а, хоним-а, (сизга) тўймадим».

Ҳозирги ўзбек аёллари орасида ҳам азада айтиб йиғлаш деган нарса бор: бошига мусибат тушган хотин-қизлар ўз дардини айтиб йиғлайди. Оҳанги енисей битигларига ўхшаб кетади.

Диний-фалсафий мазмундаги асарлар

Исломдан бурунги чоғларда яратилган диний-фалсафий асарлар даври ва мазмунига кўра уч гуруҳга бўлинади. Булар:

- (1) Буддизм муҳотида яратилган асарлар;
- (2) Монийчилик муҳотида яратилган асарлар;
- (3) Насронийлик муҳотида яратилган асарлар.

Буддизм даврида диний-фалсафий асарларга катта эътибор қаратилди. Анаткак (санскрит), тўхри (тоҳар), суғд, табғач (хитой) тилларидан туркий тилга кўплаб диний-фалсафий асарлар таржима қилинди. «Майтри симит нўм битиг», «Олтун тусли ёруғ», «Секиз юкмак», «Аби-таки сутур» сингари асарлар буддизм даври таржима адабиётининг энг нодир намуналаридандир.

Муҳими, бу даврда буддавий тушунчаларни англатувчи атамалар тизими шаклланди. Жумладан, буддавий қонун-қоидалар баён қилинган асарлар *nom bitig* дейилган.

Баъзи буддавий китоблар *nom eligi* («нўм тождори»), *č'in erdini* («чин жавоҳир») сифатлари билан ҳам улуғланган. Масалан, «Олтун тусли ёруғ» асарида: «*Altun önlüg yaruq yaltriqlıy qopta kötrülmiş nom eligi*» *atliy nom bitig*. – «Олтун тусли ёруғ ялтироқли тугал юкмак нўм тождори» отли нўм битиг» (АҲ.201,4–6). Ёки бошқа бир ўринда: *Altun önlüg yaruq yaltriqlıy qopta kötrülmiş nomluč č'in erdini*. – «Олтун тусли ёруғ ялтироқли тугал юкмак нўмли чин жавоҳир» (АҲ.34,5–7).

Қонун китобларини *nom-boqšut* ҳам дейилган (қаранг: ДТС,360; ТҲ,1,7).

Nom атамаси монийлик даври адабиётида ҳам кенг ишлатилган. Масалан, монийчилар тавбаномаси «Хуастуанивт»да *nom qutı* (нўм шаъни), *nom-törü* (қонун-қоида), *tāŋri nomı* (тангри нўми), *üč ödki nomı* (уча-ла замон нўми) сингари атамалар ишлатилган. Асарда «чин, ҳақиқий қонун-қоида»ни *ariy nom*, «сохта, ёлғон қоидалар»ни *igid nom* дейилган.

Шунинг сингари монийчи жамоа «художўй-уламо киши»ни *tāŋričī-nomčī* деб атаган.

Монийчилик муҳотида «Хуастуанивт», шунингдек, тангриларга, Монийга аталган алқовлар ва бошқа турдаги шеърий асарлар яратилди.

Муҳими шундаки, буддизм, монийчилик муҳотида яратилган йирик диний-фалсафий асарларнинг кўпи шарқ тилларидан таржималардир. Бу нарса, қадимги туркий адабиётда таржимачиликка катта эътибор қаратилгани, шарқ халқлари билан маданий-адабий алоқалар изга кўйилганидан хабар беради. Ушбу диний-фалсафий асарлар таржима

адабиётининг намуналари бўлиб, шарқ тилларида турли версияларда тарқалган эди. Улар қадимги туркий тили ва адабиётининггина эмас, бутун шарқ маънавий оламининг ёдгорликлари саналади.

Масалан, «Майтри симит нўм битиг» асарида унинг бошда анаткак (санскрит) тилида яратилгани, кейин тўхри (тоҳар) тилига, тўхри тилидан эса туркий тилга ўгирилгани қайд этилган. Ёки «Олтун тусли ёруғ» асари бошда анаткак тилида яратилган, кейин ундан тавғач (хитой) тилига, тавғач тилидан эса туркий тилга ўгирилгани маълум. Табғачлик роҳибнинг муқаддас сафарига бағишланган «Сюань-цзан кечмиши» асари VII юзйилликда табғач тилида ёзилган, X юзйилликка келиб эса, табғач-қадимги турк адабий алоқалари таъсирида Сингқу Сели тудун туркий тилга ўгирган.


Ёки монийчилар тавбаномаси «Хуастуанивт»нинг суғдча версияси ҳам, қадимги туркий версиялари ҳам бор.

Тарих китоблари

Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг исломдан бурунги тарихини ўрганишда қадимги хитой манбалари, айниқса, хитойлик сайёҳларнинг ўлкамизга қилган саёҳатлари асосида битилган эсдаликлар катта аҳамиятга эга. Ана шундай эсдаликлардан бири «Сюань-цзан кечмиши» номли асардир. Илк ўрта асрлар тарихига бағишланган илмий тадқиқотларда бу асарга тез-тез муурожаат қиладилар.

«Сюань-цзан кечмиши»нинг ҳам хитойча, ҳам қадимги туркий тилдаги версиялари бўлган. Туркий версияси бундан минг йил муқаддам Кучу уйғур давлатида «Тси-ин-чун кави нўм битиг» номи билан таржима қилинган. Ушбу обида бизгача ягона қўлёзма нусхада етиб келган бўлиб, у уйғур хатидадир. Лекин қўлёзма ҳозир бўлақларга бўлинган ҳолда Париж, Пекин, Санкт-Петербургда сақланмоқда. Аниқлашларича, қўлёзма китоб бир жойдан топилган, кейинчалик ҳар хил йўллар билан турли қўлёзма фондларига тарқаб кетган. Жумладан, Санкт-Петербургда сақланаётган қисми асарнинг 5-, 6-, 8-, 10- бўлимлари бўлиб, сайёҳнинг Ҳиндистондан ўз юртига қайтиши ва ҳаётининг сўнгги чоғларига бағишланган (*нашрига қаранг*: Тугушева 1991). Учала қўлёзмани бир ерга йиғса, тўлиқ бир асар юзага келади.

«Сюань-цзан кечмиши» тан сулоласи даврида яшаб ўтган нўмчи сайёҳ Сюань-цзаннинг муқаддас сафари тўғрисидаги мемуар бўлиб, ўзида ўнлаб афсона ва ривоятларни, буддизм фалсафаси, қадимги Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий турмушига улар яшаган ўлка-



ларнинг географияси, тарихига тегишли маълумотларни ўзида жамлаган асар (*қаранг*: Тугушева 1991; Содиқов 1997,45–50).

Эрамизнинг илк юзйилликларидан бошлаб хитойлик роҳиблар Бурхон (Будда) яшаб ўтган юртни зиёрат қилиш, шу билан бирга, буддавий йўриқлар, қонун-қоидалар битилган нўм битигларни олиб келиш мақсадида Ғарбга – Ҳиндистонга сафар қила бошладилар. Улар олис юртдан минг азоб билан муқаддас китобларни ўз ўлкасига келтирганлар. Даврининг машҳур буддашуноси, нўмчи ачари Сюань-цзан ана шундай сайёҳлардан эди. У ўн етти йил давомида (629–645 йиллар) бир юз йигирмадан ортиқ мамлакат ва ўлкаларда бўлди. Бурхон туғилган тупроқларга бориб, у ердан олти юз нўм битиг келтирди. Сўнгра теварагига мамлакатдаги буддавий сутра ва шастарларнинг кучли билимдонларини тўплаб, уларни анаткак тилидан тавғаччага таржима қилиш билан шуғулланди. Бу борада у ўз мактабини яратган.

Сюань-цзан буддавий нўм битигларнинг мағзини тушуниш ва уларни шарҳлашда ўзига қадар ўтган олимлардан анча ўзиб кетган эди. Шунинг учун будда рисоаларининг билимдони, улуғ устоз – самтсў ачари номини олган. У муқаддас сафари чоғида кўрган-кечирганларини ҳикоя қилувчи «Ғарб мамлакатлари хотиралари» («*Kirügi illär ödigi*») номли асар ёзган. Кейинчалик унинг содиқ шогирдлари Хуэй-ли (матнда *Xuilip*) ва Ян-цзун (матнда *Xintsun*) ана шу хотираларни тўлдириб, унинг асосида устознинг ҳаётига бағишланган асар ёздилар. Ҳозир фанда «Сюань-цзан кечмиши» деб аталаётган ушбу китоб Хитойда ўша пайтлардаёқ шуҳрат топган эди. Турклар орасига буддийликнинг кенг ёйилуви, хитой-турк маданий муносабатлари ва адабий алоқаларнинг таъсирида кейинчалик унинг туркий таржимаси ҳам юзага келди.

Асарни X юзйилликда яшаб ўтган таржимон, олим ва адиб бешбалиқлик Шингку Шели тудунг хитой тилидан туркий тилга таржима қилган (*tawyač tilintin bešbaliqlıy Şinqu Şeli tudun türk tilinčä ewirmiş*).

Асарнинг тўлиқ оти «*Bodisatv tayto Samtso açariniñ yoruyin uqitmaq atliñ Tsi-in cün tigmä kavi nom bitig*» («Бўдисатв тайтў Самтсў устознинг йўриғларини баён этувчи Тси-ин-чун дея аталган кави (яъни эпик) нўм битиг») деб аталган. У тарих китоби бўлуви билан бирга, буддизм даври хитой-турк адабий алоқалари, қадимги турк таржима адабиётининг тенги йўқ ёдгорлигидир.

Асарда еттинчи юзйилликнинг биринчи ярмида яшаб ўтган тавғач роҳиби Сюань-цзаннинг Ҳиндистонга қилган қутлуғ сафари билан боғлиқ воқеалар акс этган. У чоғлар буддизм Хитойга энди-энди ёйила бошлаган, ҳали она тилида дин йўриғларидан сабоқ бергучи нўм битиг-

лар оз эди. Сюань-цзаннинг истаги Будда ўтган тупроқларни зиёрат қилиш ва қутлуғ нўмларни ўрганиш бўлган. Роҳиб йўл бўйи будда сутра ва шастарларини тўплаб, уларни ўз юртига келтирди. Юртига қайтган Сюань-цзан улуг хон билан учрашганда Ҳиндистондан келтирган олти юз анаткакча (яъни санскритча) нўм-сутралардан бир сўз ҳам тавғач тилига ағдарилмагани (*Ānātkākin kelürmiš altī yüz ānātkākčā nomta bir sawī yemā tawyačča ewrilmäyūk*), агар тинч ердан жой ажратилиб изн берилса, роҳиб уларни эл-юрт учун таржима қилишга киришажагини ўтинган эди. Хон унга ҳиммат кўрсатиб, ёнига олимлардан берди ва келтирган китобларини тавғач тилига ўгиришни буюрди. Ўта машаққатли бўлган бу юмушни хотиржам бажармоқ учун мамлакат кунботаридаги бошкент саналмиш Чунан (*kedinki uluy baliq tegli Čuu-nan baliq*)дан овлоқ ва тинч (*aylaq amil*) бир ер – Қунгвуғси ибодатхонаси (*Quḡvuysi atliḡ saḡram*) ажратилди. Таржима тугагач, Сюань-цзан уларни хонга тортиқ қилди.

Сюань-цзаннинг оти матнда *Huintso* деб берилган. У матн давомида *toyin Huintso* (роҳиб Сюань-цзан), *tawyač toyin* (тавғач роҳиб) деган сифатлар, ўрни билан *Samtso ačari* (Самтсў устоз) унвони билан ҳам тилга олинади.

Асар қўлёзмаси потхи китоб шаклидадир. Китоб бутунича сақланмаган. Варақларининг кўпи йўқолган, айримлари титилиб, унинг бўлакларигина қолган. Қўлёзма кўп фойдаланилганиданми, варақларининг тевараги уринган, баъзи сатрларнинг ёзувини ҳам илғаб бўлмайди. Жумладан, китобнинг Санкт-Петербургда сақланаётган бўлаги ана шундай.

Роҳиб Сюань-цзаннинг сафар йўли жуда олис эди. У Гоби чўлларини босиб Турфонга ўтади. Ундан Қорашаҳар, Кўчу орқали Ўрта Осиёга кириб келади. Аввал Тўқмоқ шаҳрида – турк хоқонининг ўрдасида бўлади. У ердан чиқиб Сайрам, Тошкент, Самарқандга боради. Темир қопиғ орқали Қундуз ва Балхга ўтади, у ердан Ҳиндикушни ошиб Ҳиндистонга киради. Ҳиндистоннинг ўлка ва вилоятларида бўлиб, муқаддас жойларни зиёрат қилади. Қайтишда эса жанубий йўл билан Помир орқали Шарқий Туркистонга киради ва у ердан ўз ватанига ўтиб кетади.

Асарда Сюань-цзан қадам қўйган ўлкалардаги халқларнинг инонч-эътиқоди, маданияти, этнографияси, фольклори, кўйингки, сайёҳ эътиборини ўзига тортган нарсалар тўғрисида маълумот берилган. Сайёҳ кўрган-кечирганлар, ўша ўлка, унинг кишилари ёки амалдорлари билан боғлиқ қизиқ бир ҳодиса ва ё ривоят ҳикоя қилинади. Эътиборга лойиқ ери шундаки, асарда Марказий Осиё халқлари, айниқса, туркий

халқларнинг ҳаёти айрича қизиқиш билан тилга олинади. Сюань-цзан уларга тараққий этган халқлар сифатида ҳурмат билан қараган. Ҳатто бошқа халқлар тўғрисида сўз борганда ҳам баъзан улар туркларга қиёслаб қўйилади.

Асарда еттинчи юзйилликдаги Шарқ халқлари тарихининг аниқ далилларига дуч келамиз. Мана бир мисол: удун (хўтан)ликларнинг маданий ҳаёти, ёзуви тўғрисида шундай дейилади:

Kiṣisi uqu bilir. Taqī artuyraq bilig-boṣyut, ir, öt sewärlär. Törüläri, yanları adirtliḡ, köni. Qamay soydaq bu törüsintä öñisig. İki bitigi: İraqta äñätkäk üžikin ayırlayurlar, yaḡuqta öz üžiklärin tutar. Öz üžikläri yämä äñätkäkčäsi-gök ärip. İñca yana anča qıya täğšilür.

(Кишилари иқтидорли. Яна ортиғроқ билим олишни, кўшиқ ва куйни севадилар. Тўру-тузуклари (қонун-қоидалари) тўғри, адолатли. Бу жиҳатдан улар суғдлардан фарқ қилади. Икки хил ёзувлари бор: ироқда (мамлакат ташқарисида) улар анаткак (яъни, браҳма) ёзувидан фойдаланади, яқинда (Ўз юртида) ўз ёзувини кўллайдилар. Уларнинг ўз ёзуви анаткак хатидан шаклланган бўлиб, муайян белгилар билан ундан фарқланади).

Келтирилган мисолнинг ўзиёқ муҳим. Маълумки, буддизм даврида Марказий Осиё халқлари, хусусан, тоҳарлар ва турклар, муайян муддан қадимги ҳинд (браҳма) ёзувидан ҳам фойдаланганлар. Бу ёзувда битилган ёдгорликлар ҳам бор. Асарда қайд этилган далил буни яна бир бор исботлайди ва ёзув тарихи тўғрисидаги билимларимизни тўлдиради.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, Сингқу Сели таржималари бизнинг ҳозирги тушунчамиздаги бир тилдан иккинчи тилга сўзма-сўз ўғирмалар эмас. Уларда асар мазмуни сақлангани ҳолда, баён услуби, бадиий тасвир воситалари туркий тил қонун-қоидалари, турк ўқувчиси уқа оладиган кўринишга солиб берилган. Шунга кўра, улар таржималар эмас, туркий асарлар сифатида ўрганилади. Буддизм даври турк адабиётида ушбу асарларнинг ўрни беқиёс.

Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асари. Ўрта Осиё халқларининг исломдан аввалги ва илк ислом даври тарихи, этнографияси, диний-фалсафий қарашлари, фан тарихи ҳақида маълумот берувчи илмий китоблардан бири «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Осору-л-бақиййа») асаридир (Ўзбекча таржимасига қаранг: Беруний 1968). Ўрта Осиё тарихини ҳеч бир олим Берунийчалик чуқур ва илмий ёзиб қолдирган эмас.

Олим ушбу асарини ёзишда ҳозирги фанга маълум бўлмаган жуда кўп манбалардан, тарих китобларидан фойдаланган. Бироқ, Беруний

Ўқиб чиққан ёзма манбалар кунимизгача сақланган эмас. Биз фан тарихида ўшандай асарлар бўлганлигини, Ўрта Осиё халқлари тарихининг улкан қатламини, яширин саҳифаларини Берунийнинг ана шу асаридан ўқиб биламиз.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари

«Девону луғати-т-турк» («Туркий сўзлар девони») асари туркий тил-шуносликнинг бизга маълум бўлган илк йирик, шунинг билан бирга, тенгсиз улуғ ёдгорлигидир. Ўз замонида асар арабларга, қолаверса, араб тили орқали Шарқу Ғарб халқларига қадимги туркларнинг тили, маданияти, тарихи тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи қомусий китоб сифатида яратилган.

Маҳмуд Кошғарий асарнинг кириш қисмида кунимизгача сақланмаган бошқа бир асари – «*Javāhiru-n-naḥvi fi luyāti-t-tūrki*» («Туркий тилларнинг наҳвига оид гавҳарлар») асари тўғрисида ҳам сўз юритади. Лекин бу асари кунимизгача сақланган эмас.

«Девону луғати-т-турк» асарининг биттагина қўлёзмаси маълум, у ҳам бўлса, илкин эмас, кейинги даврга тегишли. Уни Муҳаммад бин-Абу Бакр Дамашқий отли котиб Шомда ҳижрий 664 йил, шаввал ойининг йигирма еттинчи куни (=милодий 1266 йил августининг биринчисида), ўзи ёзишига қараганда, Маҳмуд Кошғарий ўз қўли билан ёзган қўлёзмадан кўчириб тугаллаган. Ушбу нодир қўлёзма ҳозир Истанбулдаги Миллат кутубхонасида (Millet Genel Kütüphanesi. Kayıt No. Ar. 4189) сақланмоқда.

Қўлёзма 320 варақли (639 саҳифадан иборат) (қаранг: МК). Ҳар бетига ўн етти қатордан қилиб матн битилган. Хати чиройли, настаълиқда. Айтарли бутун бошли матн қорада, орадаги боб ва фаслларнинг сарлавҳаси, бошланишда туркий мисоллар, шунингдек, сарлавҳа қилиб берилган ҳарфлар қизилда. Баъзи сарлавҳалар қуюқ қорада ажратиб ёзилган. Матн бўйлаб туркий мисоллар қорада ёзилиб, устига қизил чизиқ тортиб қўйилибди. Мисол-тўртликларнинг қаторлари доирачалар билан ажратилган.

Муҳими, асарга Ер куррасининг харитаси ҳам киритилган бўлиб, ундаги тоғлар, чўллар, сувлик ва паст текисликлар, шаҳарлар қизил, сарик, тўқ кўк рангларда ажратиб берилган.

Қўлёзмада асар бошланишига йирик ҳарфлар билан «*Kitābu dīvāni luyāti-t-turki*» [яъни: «Турк сўзлари девони» китоби] деб сарлавҳа қўйилган (МК.1а). Ўрта асрлар туркий китобатчилигида йирик асарлар-

ни *kitāb* [яъни: «асар; китоб»] сарлавҳаси билан бошлаш русум бўлган. Афтидан, котиб туркий китобатчилик анъанасини яхши билган ва ўзи кўчирган нусхани ана шундай бошлаган.

Сарлавҳадан кейин кичик ҳарфларда асар муаллифи қайд этилади: *Ta'lif: Maḥmūd bin-al-Ḥusayn bin-Muḥammad al-Kāsharī raḥimahu-l-lahu* [яъни: «Тузувчи: Маҳмуд бин-ал-Ҳусайн бин-Муҳаммад ал-Кошғарий (Оллоҳу кишини Ўз раҳматига олсин)»] (МК.1а).

Шундан сўнг котибнинг қисқача сўз бошиси берилган. Сўз бошидан кейин басмала билан асар муқаддимасига кўчилади.

«Девону луғати-т-турк» асари эски туркий тилнинг, туркий луғатчиликнинг тенги йўқ ёдгорлигидир (*қаранг*: ДЛТ). Ушбу асари билан олим туркий лексикография илмининг тамал тошини қўйиш билан бирга, ушбу соҳани юқори босқичга олиб чиқди. Қолаверса, Маҳмуд Кошғарий туркий тилшунослик ривожигагина эмас, Шарқ тилшунослиги, хусусан, луғатшунослигига ҳам катта ҳисса қўшган олимлардан.

Асар туркий тилшуносликнинг йирик грамматикаси, шунинг билан бирга, қомусий характердаги ёдгорлиги ҳамдир. Асарда туркий тиллар илк бор араб тилшунослиги методологияси доирасида баён қилинган. Асарнинг илмий қиймати, муаллифнинг ютуқлари шуларнинг ўзи билан чекланмайди. Таъкидламоқ керак, олим туркий сўзларнинг тузилиши, тилнинг ўзига хосликларини инобатга олиб, луғат тузишнинг ўзига яраша янги бир усулини ишлаб чиқди. Шунинг билан у луғатчиликда катта кашфиёт қилди. Ютуқларидан яна бири, асарда эски туркий тилларнинг луғат бойлиги этнолингвистик, лингвокультурологик, қиёсий-типологик йўналишларда тадқиқ этилган.

Қадимги халқ мақоллари, халқ дostonлари ва қўшиқларидан олинган узиндилар, иборалар, кўплаб мисоллар, шунингдек, шева материаллари асар учун манба бўлиб хизмат қилган. Ишда сўз маъносини очиқлаш мақсадида тарихий ва этнографик маълумотлар, сўз билан боғлиқ ривоятлар ҳам келтирилади. Келтирилган мисоллар ниҳоятда бой ва турли туман; халқ ижодидан сайлаб олинган. Луғатдан ўрин олган сўзлар қатлами, ўрни билан, фонетик, морфологик, стилистик, баъзан этимологик жиҳатдан ҳам таҳлил этилган. Бу хусусиятларига кўра ўтмишда яратилган луғатлар орасида туркшуносликдагина эмас, бутун шарқ лексикографиясида унга тенглашадигани топилмайди.

«Девону луғати-т-турк» китоби икки – муқаддима ва луғат қисмларидан тузилган. Муқаддимада китобнинг яратилиш сабаби, ўша замонда турклар ишлатган ёзув, от ясалиши, отлар ва феъллардаги орттирмалар, луғатнинг тузилиш принциплари, туркий қавмларнинг баёни,

ерлашув ўрни, туркий тилнинг хусусиятлари, лаҳжалардаги фарқлар тўғрисида сўз юритилади.

Луғат қисми саккиз бўлимдан иборат. Бўлимларнинг ҳар қайсиси *kitāb* деб аталган.

Асар муқаддимаси ва ҳар қайси китоб басмала билан бошланган. Луғатда сўзлар қатъий кетма-кетликда: аввал исмлар, сўнг феъллар келтирилади. Исмлар ҳам, феъллар ҳам сўз қолипи ва ёзилиш усулига қараб муайян тизимга солинган: икки ҳарфлилардан бошланиб, сўнг уч ҳарфлилар, шу тариқа олти ҳарфлиларга қадар давом этади. Етти ҳарфлилар санокли.

Маҳмуд Кошғарий «Девону луғати-т-турк»да эски уйғур ёзуви ҳақида маълумот бериб, унинг алифбосини ҳам келтирган (*қўлёзманинг 3b-4b, 102b-бетларида*). Олимнинг туркий ёзув ҳақидаги маълумотлари ва у келтирган алифбо ўта муҳим аҳамиятга эга. Ўтмишдан қолган бундан бошқа уйғур алифболари ҳам бор. Лекин уларнинг ҳеч бири Кошғарий алифбосига ва у келтирган изоҳларга тенглаша олмайди.

Хулоса қилиб айтганда, Маҳмуд Кошғарий туркий луғатчиликка, туркий тилларнинг фонетикаси ва илмий грамматикасига асос солди, лингвистиканинг семасиология ва қиёсий типология соҳаларини бошлаб берди. Олим томонидан бошлаб берилган тилшуносликнинг айна йўналишлари, тадқиқот методологияси ўзбек тилшунослигининг кейинги такомилени ҳам белгилаб берди.

Маҳмуд Кошғарий туркий сўзлар маъносини очиқлаш мақсадида, ўрни билан, шеърий тўртликлар ва байтлар ҳам келтирган. Изоҳли луғатдаги шеърий мисоллар туркий сўзларнинг поэтик маъноларини, нозик қирраларини англашга имкон беради. Ушбу шеърлар халқ достонлари ва қўшиқларидан олинган узиндилардир. Уларни йиғиб, бир дoston ёки бир қанча қўшиққа жамлаш ҳам тўғри эмас. Асарни ёзгунга қадар муаллиф турли мазмундаги қанчадан-қанча халқ достонлари ва қўшиқларини йиғиб чиққан (бунини ўзи ҳам китобнинг кириш қисмида айтиб қўйибди). Ўшалардан олинган узиндилар асар бўйлаб сочилиб ётибди. Қолаверса, бу шеърий асарлар турли даврларга оид бўлиб, айримларининг илдизи икки-икки ярим минг йил нарига кетади.

Қўлёзмада ушбу шеърий узиндилар *vaqāla* жумласи билан бошланиб, улар қирмизи рангда сарлавҳа кўринишида ажратиб ёзилган. Ушбу жумла ўзидан кейинги шеърий матнларнинг мазмунига мувофиқ ҳолда «(Шоир) шундай деган», «(Билимли) шундай деган», «(Кўпни кўрган) шундай деган» сингари маъноларни беради.

Халқ қўшиқларидан олинган шеърий узиндиларни ҳам мазмунига кўра бир қанча туркумга ажратса бўлади: меҳнат қўшиқлари, ов қў-

шиқлари, жангнома қўшиқлар, пандномалар, лирик шеърлар сингари. Шеърлар ниҳоятда гўзал ташбеҳлар, ҳеч кимсанинг хаёлига келмас таърифларга, бадий санъатларга дуч келамиз уларни ўқиб. Кўз ўнгимизда, оддий, жўнгина кўринган шеърларда сўз санъатининг теран анъаналари, сўз усталарининг юзйилликлар оша йиққан тажрибалари жамланган. Шеърларда туркий тилнинг бой ва чексиз имкониятлари ишган солинган. Маҳмуд Кошғарий туркий сўзлар маъносини очиқлаш мақсадида келтирган шеърий узиндиларни халқ бадий тафаккурининг энг кўркли ва дилтортар, туркий лириканинг ажойиб намуналари деса бўлади.

«Девону луғати-т-турк» эски туркий тилнинг бой луғати ва мукамал тузилган грамматик асаридир. Китобда ниҳоятда бой луғат қатлами жамланган, уларнинг маънолари халқ қўшиқлари, достонларнинг узиндилари, отасўзлари, иборалар, ўша давр жонли тилидан олинган мисоллар орқали очиб берилган. Айниқса, асарда келтирилган шеърий тўртлик ва байтларнинг аҳамияти катта. Улар қадимги туркий оғзаки адабиётнинг ниҳоятда бой ўтганидан далолат беради. Луғатда берилган сўз маъноларини очиқлашда шеъриятдан мисол келтириш тарихий лексикографиянинг, аниқроғи, Маҳмуд Кошғарийнинг улуғ кашфиётидир. Ҳақиқатан, луғатларда шеърий мисоллар берилганда сўзнинг поэтик маъноси, энг нозик қирралари яхши очилар экан. Буни кейинги давр луғатчилигида ҳам кузатамиз. Хусусан, эски ўзбек тили, ўзбек классик ижодкорлари асарлари бўйича тузилган луғатлар ҳам айна анъанани сақлади.

Асарда сўзлар маъноси билан боғлиқ ҳолда туркий халқлар адабиёти, диний-фалсафий қарашлари, тарихи, маданияти, этнографиясига, географик шароити, қўйингки, турмуш тарзининг барча соҳаларига оид маълумот бор. Шу жиҳатдан у қомусий асар бўлиб, билимнинг барча соҳалари, фан тарихи учун қимматли маълумот беради.

Ёзма бадий адабиёт

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» маснавийси илк ўрта асрлар туркий ёзма адабиётининг энг йирик асаридир.

Асарда тўрт мажозий персонаж қатнашади:

Биринчиси, Кунтуғди (адолат, тўғрилиқ рамзи), асарда элиг (подшоҳ) лавозимида келади.

Иккинчиси, Ойтўлди (давлат, қут, иқбол рамзи), асарда вазир бўлиб келади.

Ўгдулмиш (ақл рамзи), асарда вазирнинг ўғлидир.

Ўдғурмиш (қаноат, офият рамзи), асарда вазирнинг яқин кишиси бўлиб келади.

Ана шу персонажларнинг ўзаро суҳбати, мунозараси орқали Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг давлат қурилиши ва бошқаруви, юрт эгасидан тортиб, барча бошқарув тизими, уларнинг бурч ва давлат олдидаги вазифалари, инсон ва унинг ахлоқи, таълим-тарбия, тугал эр (комил инсон) маънавияти ҳақидаги илғор фалсафий қарашларини баён қилади.

Бадий адабиётнинг нодир намуналаридан яна бири Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ»идир. Асар жанрига кўра, панду насихатлардан иборат. Адиб Аҳмад ўз асарини *mavā'iz maṣal* деган эди. Мана унинг айтган сўзи:

*Bitidim kitābi mavā'iz maṣal,
Oqisa, tatir til, yemiš-teg 'asal* (YugA.112,3-4).

Ушбу байтдаги *maṣal* сўзи «мақол» маъносида бўлиб, *mavā'iz maṣal* – «мақоллар; панду насихатлар» дегани.

Байтнинг маъноси шундай:

«Панду насихатлар китобини ёздим,
(Кишилар) ўқиса, тили асал егандек тотли бўлади».

Бошқа бир ўринда эса: «Отим Адиб Аҳмад, айтган сўзларим панду насихатдан иборат» (*Adib Aḥmad atim, adab-pand sōzüm*) дея таъкидлайди муаллиф (YugA.113,4).

Китоб эгасининг айтганларига қараб, асар жанрини ҳам белгиласа бўлади. Демак, «Ҳибату-л-ҳақойиқ» панду насихатлар, ўғитлар китобидир.

Асар ўн тўрт бобдан иборат бўлиб, ҳар қайси боби бирор ахлоқий-таълимий масалага бағишланади.

Анъанага кўра, бобларга сарлавҳалар ҳам қўйилган. «Қутадғу билиг»дан фарқли ўлароқ, боб сарлавҳаларининг бари арабча аталган.

Яна бир жиҳати, асар «Қутадғу билиг» сингари маснавийда эмас, тўртликлар шаклидадир. Асар 40 байт ва 101 тўртликдан тузилган. Мисралар 11 бўғинли, арузнинг *faūlun faūlun faūlun faūl* вазнига тушади.

Асарнинг кириш қисми байтлар ҳолида. Дастлабки уч боб – Тангрига ҳам, Пайғамбар алайҳис-саломга наът, тўрт эш (саҳобалар)нинг мадҳи, Амир Муҳаммад Дод испаҳсолор мадҳи қасидалар бўлиб, қофияси *а-а*,

b-a, c-a шаклидадир. Китобнинг ёзилиши ҳақидаги боб ҳам айни шаклда; қофияланиши ҳам ўшандай.

Асарнинг қолган боблари тўртликлардан тузилган, қофияланиши *a-a-b-a* шаклида. Тўртликлар шаклидаги ўғитлар мазмунан бирлашиб, асар бобларини ҳосил қилади.

Асарнинг *A* нухасида ушбу тўртликлар араб ёзувида битилган *اخري, بيت*, уйғур ёзувида битилган *ixrā, özgä, taqī* сарлавҳачалари билан ажратиб кетилган. Улар «ўзга бир шеър» деган ишорани англатади.

Қизиғи, асарнинг *B* ва *C* қўлёзмаларида бундай оралиқ сарлавҳачалар йўқ, тўртликлар бир-бирига уланиб кетаверади. Орадаги сарлавҳалар, оят ва ҳадислар бобларни ажратишга хизмат қилади.

Расмий ҳужжатлар

Мелоднинг бошлари ва илк ўрта асрларда Марказий Осиёда маънавий, ижтимоий-сиёсий фикр тараққиёти юз берди, иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Бу давр ёзма адабий тиллари тарихида икки йўналишдаги ҳужжатчилик ажралиб туради: бири – суғдий, иккинчиси эса туркий тилдаги ҳужжатчилик мактаби. Бу ҳодиса ушбу тилларнинг мавқеи, давлат иш юритиш амалиётида уларнинг кенг қўлланганлиги билан боғлиқ.

Суғд ўлкасидаги этно-лингвистик вазият, қолаверса, Марказий Осиё халқлари ҳужжатчилиги тарихини ўрганишда ўтган юзйилликнинг 30-йилларида Зарафшоннинг юқори оқимидаги Муғ қалъа деб аталувчи тарихий харобадан топилган ҳужжатларнинг аҳамияти катта. Ушбу ҳужжатлар Суғдда ҳокимлик қилган Деваштичнинг архиви бўлиб, улардан 74 таси суғдча, биттаси арабча ва биттаси туркий тилдадир (СДГМ. Вып. 1).

Бизгача етиб келган ёзма манбаларга қараганда, Суғдда расмий ҳужжатчилик, хўжалик ишлари суғд тилида, зарурат туғилганда, туркийда олиб борилган. Суғдларнинг савдо-сотиқ ишлари билан кезиб, карвон йўлларида ўрнашуви натижасида суғд тили Буюк ипак йўли бўйлаб ёйилганлиги ҳам маълум. Кунимизга қадар ўша замонлардан қолган суғдча расмий ҳужжатлар ва хатлар, хўжалик ишларига тегишли ёзмалар етиб келган. Буларнинг катта бир қисми Муғ тоғи харобаларидан чиққан. Суғдшуносликда Муғ тоғи ҳужжатлари учта китобда нашр этилган (қаранг: СДГМ). Тарихчи М. Исҳоқовнинг ҳам суғдча ҳужжатлар, хусусан, Муғ тоғидан топилган расмий ёзмалар талқинига бағишланган яхши ишлари бор (қаранг: Исҳоқов 1990; 1992).

Айни замонда Марказий Осиёда, суғд тилидаги ҳужжатчилик билан ёнма-ён туркий ҳужжатчилик ҳам юзага келди ва ривожланди. Биринчи ва Иккинчи турк хоқонлиғи, кейинчалик уйғур хоқонлиғи ва давлатларида ҳужжатлар туркий тилда олиб борилди. Муҳими шундаки, суғд ва туркий тил муҳитида юзага келган ҳужжатчилик анъаналари доимо бир-бирини тўлдириб, бойитиб келган. Умумий кўламда, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Туркий ҳужжатчилик амалиёти тарихида Турфондан топилган битиглар алоҳида ўрин тутади. Муҳим қирраси, Турфондан топилган расмий битиглар хонларнинг ёрлиқлари ёки юрт эгаларининг ўзаро ёзишмалари, дипломатик ҳужжатлар эмас. Улар йирик ер эгалари, бойлар, деҳқонлар, оддий кишиларнинг олди-бердиси, хўжаликнинг кирим-чиқими, кимгадир сотилган ер ҳужжати, ижарага олинган ер учун ёзилган тилхатлар, қарзга олинган дон-дунни, матони эвази билан қайтариш тўғрисидаги васиқалар, қулларнинг ўз беклари устидан ёзган шикоятлари ёки йирик бойларнинг ўз қулига берган эрк ҳужжатларидир (*нашрлариға қаранг*: QUV, УДД, ТХ). Битиглар жамият ҳаёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатлар тарихини ўзида яхши акс эттирган. Улар туркий расмий услубнинг юзага келиши ва тарихий тараққиётини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжатлар туркий тилнинг давлат иш юритишдаги мавқеи ҳам юқори эканини билдиради.

Ўша даврларда Марказий Осиёда ҳужжат тузиш амалиёти юқори босқичга эришганлигининг сабаби, бир томондан, маҳаллий тилларда расмий услубнинг ниҳоятда ривожлангани, ички имкониятининг кенглиги бўлса, иккинчи томондан, тиллараро ёзма услубий анъаналарнинг таъсири кучли эди: суғдий ва туркий ҳужжатчилик амалиёти бир-бири билан боғлиқ ҳолда юзага келди ва ривожланди. Ҳужжатларнинг матн тузилиши, компонентлари ва моделларнинг бир-бирига ўхшашлиги ҳам ана шу фикрни тасдиқлайди.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда юзага келган ҳужжатчилик дипломатика, қолаверса, ёзма адабий тиллар тарихида муҳим ҳодисадир. Бу, ўз навбатида, ушбу тилларда ёзма услублар, хусусан, расмий услуб юқори босқичга эришганидан далолат беради.

Кейинчалик, суғд тилининг истеъмолдан чиқиши натижасида, суғдча ҳужжатчилик амалиёти адоғига етди. Лекин илк ўрта асрларда ишлаб чиқилган расмий услуб, матн тузиш анъаналари туркий ҳужжатчилик амалиётида кейинги юзйилликларда ҳам давом этди, туркий тил ёзма услубларининг такомилига хизмат қилди.

Ёзма ёдгорликлардан келтирилган мисолларда ишлатилган транскрипция белгилари

Ёзма ёдгорликлардан олинган мисоллар мутахассисларга тушунарли бўлиши учун латин алифбоси асосидаги илмий транскрипцияда берилмоқда.

Транскрипцияда унлилар учун куйидаги белгилар ишлатилди:

a – тилнинг тагидан чиқадиган (орқа қатор), «йўғон», кенг, лабланмаган унли;

ā – тилнинг учидан чиқадиган (олд қатор), «ингичка», кенг, лабланмаган унли;

e – тилнинг учидан чиқадиган, «ингичка», «ёпиқ», лабланмаган унли.

ī – тилнинг тагидан чиқадиган, «йўғон», тор, лабланмаган унли;

i – тилнинг учидан чиқадиган, «ингичка», тор, лабланмаган унли;

o – тилнинг тагидан чиқадиган, «йўғон», кенг, лабланган унли;

ō – тилнинг учидан чиқадиган, «ингичка», кенг, лабланган унли;

u – тилнинг тагидан чиқадиган, «йўғон», тор, лабланган унли;

ū – тилнинг учидан чиқадиган, «ингичка», тор, лабланган унли.

Ундошлар учун туркшуносликда қабул қилинган *b, p, d, t, q, k, γ, g, x, z, s, č, š, y, l, m, n, ŋ, r* ҳарфларини қўладик. Буларнинг ичида: *γ* ҳарфи ўзбекча кирилл хатидаги *Ғ* га, *č* – *Ч* га, *š* – *Ш* га тўғри келади.

Шунингдек, асарнинг араб ёзувли қўлёзмаларида ишлатилган *ž* ҳарфи *ž* билан берилди.

Туркий сўзларда сўз ичи ёки сўз охирида келган *ǰ* ҳарфи транскрипцияда *ǰ* билан ифодаланди.

Араб тилидан ўзлашган сўзларда ишлатилган, араб тилигагина хос бўлган айрим товушлар учун куйидаги белгилардан фойдаланилди: *ǰ* ҳарфи учун – *ǰ*; *ħ* учун – *ħ*; *ح* учун – *ħ*; *ث* учун – *s*; *ع* учун – *'*; *ظ* учун – *z*; *ط* учун – *t*; *ض* учун – *d*; *ص* учун – *s*.

Шунингдек, арабча ва форсчадан ўзлашган сўзлардаги чўзиқ унлиларни беришда ўша унлини ифодалаган ҳарфнинг устига чизикча тортиб кетилди: *ā, ī, ū* сингари.

Китоб мутахассисларга фойдали бўлиши учун, имкон қадар, ҳаракат қилдик.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ЯШАГАН ТУРКИЙ ҚАВМЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЛКАЛАРИ БАЁНИ

Илк ўрта асрлардан қолган битигтошлар, бадий адабиёт намуналари, илмий, диний-фалсафий асарлар, тарих китоблари, расмий ҳужжатларда ўша чоғларда яшаган туркий қавмлар, қабила ва уруғлар тилга олиб ўтилган. Айрим манбаларда ўша қавмларнинг ўлкалари, тирикчилик тарзи, ижтимоий-сиёсий аҳволи, маданияти, этнографияси, адабиёти ва тили тўғрисида ҳам маълумот берилган.

Илк ўрта асрларда яшаган туркий халқлар, уларнинг ўлкалари тўғрисида хабар берувчи энг ишончли манбалардан бири Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида берилган харита ва китобда келтирилган маълумотлардир.

«ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК»ДА КЕЛТИРИЛГАН ЕР ЮЗИ ХАРИТАСИ

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» («Туркий сўзлар девони») асарида Ер юзи харитаси берилган (ДЛТ,192- бетдан кейинги рангли иллюстрацияга қаранг). Харита қадимги туркларнинг ерлашув тартиби, ўлка ва шаҳарлари, географик шароити тўғрисидаги тасаввурларимизни бойитади; историографиянинг кемтикларини тўлдиради, хато қарашларни изга солади.

Ушбу харита ўтган юзйилликнинг 30- йилларидан буён олимлар эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Харита бўйича А.Н. Бернштам, И.И.Умняков, А. Герман мақолалар ёзди. «Ислом энциклопедияси»да ҳам Маҳмуд Кошғарий харитасининг шарҳи берилган. Ўзбек олими Ҳ.Ҳасанов Маҳмуд Кошғарийга бағишланган рисоласида харита тўғрисида кенг маълумот беради (Ҳасанов 1963). Мен ҳам ўз ишларимдан бирида харита тўғрисида маълумот бериб, унинг ўқилишини келтирганман (Содиқов 2006₂,73-83).

Кези келганда, ушбу харитани Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи тузганми? ёки ўша даврдаги тайёр харитани олиб асарга киритиб қўя қолганми?

деган савол ҳам туғилиши табиий. Бу борада харитани Кошғарийнинг ўзи тузганлигига шубҳа билдирмаса ҳам бўлади. Боиси, у турк табақа ва қабилалари ҳақида маълумот берар экан, «Бу қабилаларнинг турар жойларини бу доирада кўрсатдим» деб ёзиб қўйибди (ДЛТ,24). Бошқа бир ўринда у турк шаҳарлари тўғрисида маълумот бера туриб, «Бу шаҳарлар ўрнини аниқлаш мақсадида уларнинг ҳаммасини ер шаклидаги доирада кўрсатдим» деб ёзган (ДЛТ,25). Булардан ташқари, асар давомида келтирилган географик маълумотлар харитада кўрсатилганлар билан мос тушади.

Маҳмуд Кошғарий ўз харитасини «доира» деб атаган. Чиндан-да, унинг харитаси доира шаклида бўлиб, ҳозирги хариталардаги шарқий ярим шарга тўғри келади.

Хаританинг ҳозиргилардан фарқли жиҳати Ер қутбларининг жойлашувида. Доиранинг тўрт ёғига қутбларнинг номлари ёзиб қўйилибди: унинг юқори томони – Шарқ (*aš-šarq*), пастки томони – Ғарб (*al-yarb*), ўнг томони – Жануб (*al-janūb*), чап томони – Шимол (*aš-šimāl*).

Харитада океан, денгиз ва кўллар тўқ қорамтир кўкда: дарёлар хира оч кўк, ғуборли рангда; тоғлар энли оч қизил чизиклар билан; чўллар сарғиш яшил, холдор энли чизикларда; шаҳарлар ва айрим вилоятлар сариқ доирачалар билан кўрсатилган. Мамлакат чегаралари эса қизғиш ингичка чизикларда кўрсатилган. Ушбу шартли белгиларнинг маъноси хаританинг тўрт бурчагига қизғиш рангли сиёҳ билан ёзиб қўйилибди. Мана уларнинг ўқилиши: *al-yubru-l-anhār* («ғуборли (ранг) дарёлардир»); *al-xudru-l-bihār* («яшил (ранг) денгизлардир»); *aš-šuffuru-l-rimāl* («сариқ (ранг) қумлардир»); *al-xumru-l-jibāl* («қизил (ранг) тоғлардир»).

Муҳими, харитада эътибор кўпроқ турк шаҳар ва ўлкаларига қаратилган. Теварақдаги ўлкалар нисбатан умумий масштабда бўлиб, турк мамлакатларининг чегаралари, турк элларининг қайси томонида қандай мамлакатлар жойлашганини кўрсатишга хизмат қилади. Шунинг сингари ўзига яраша белгилари билан у ўз замонида яратилган бошқа хариталардан ҳам ажралиб туради. Албатта, унда шарқий ярим шарнинг тузилиши: қуруқлик, денгиз ва дарёларнинг кўриниши замонавий хариталардагидек эмас. Бироқ, Маҳмуд Кошғарий харитаси мамлакат ва шаҳарлар, денгиз ва дарёлар, тоғу чўллар ўрнини аниқ бера олганлиги, географик отларнинг ўша давр картографияси талаблари асосида эканлиги билан муҳим. Ушбу харита ўрта асрлар Марказий Осиё, қолаверса, Шарқ картографиясининг ишончли манбаларидандир.

Харитада доирачалар билан, асосан, турк шаҳар ва ўлкалари келтирилади. Берилган доирачаларнинг умумий сони 72 та. Бироқ, доира-

чаларнинг бари ҳам ёзувли эмас. Афтидан, уни кўчираётган котиб ўзи учун керакли бўлган шаҳарларни белгилаб, ўзини қизиқтирмаганларини ёзиб ҳам қўймаган чоғи.

Хаританинг муҳим ютуқларидан яна бири, унда мамлакат ва ўлкалар – *maskan, bilād, arḍ, arāz, hudud, balda*, тоғлар – *jabal*, даштлар – *fayāf*, дарёлар – *vādī*, денгизлар – *bahr* сўзи билан қайд этилган. Чўлли ўлкаларга эса *raml* деб ёзиб қўйилибди.

Яна бир жиҳати, ушбу харита «Девону луғати-т-турк»да берилган географик маълумотларни ўзида йиғиқ бир кўринишда жамлайди. Асар давомида харитада акс этган ўлка, мамлакат ва шаҳарлар, тоғ ва сувликларга кенг таъриф берилади. Уларнинг жойлашган ери, иқлими, табиий ҳолати, тарихи, баъзан этимологияси ҳақидаги маълумотларни ҳам асардан ўқиймиз. Харитада эса ана шу маълумотларнинг бари умумлаштирилиб, яхлит тизимга туширилган.

Этиборлиси, «Девону луғати-т-турк»да муаллиф туркий қавмларнинг ерлашган ўрни тўғрисида аниқ маълумот келтиради. Унинг ёзишича, турклар аслида йигрма қабиладир («қабила» атамаси остида қавмлар кўзда тутилган). Ҳар бир қабиланинг сон-саноксиз уруғлари бор. Асарда Румдан кун чиқаргача бўлган ҳудудлардаги турк қавмлари бирма-бир санаб ўтилган. Муаллиф бу қавмларнинг юртлари «доира»да (яъни, харитада) ҳам кўрсатилганини таъкидлайди.

Асарда таъкидланишича, Румга яқин биринчи қабила *pāčānāk*; сўнг *qīwčaq*, сўнг *oʻuz*, сўнг *yāmāk*, сўнг *bašyirt*, сўнг *basmīl*, сўнг *qay*, сўнг *yabaqi*, сўнг *tatar*, сўнг *qīrqīz* келади. *Qīrqīz* лар *Šīn* яқинидадир. Бу қабилаларнинг ери *Rūm* дан кун чиқаргача чўзилган (ДЛТ,24). «Девону луғати-т-турк»ка киритилган харитада бу юртлар ғарбдан шарққа томон жойлаштириб чиқилган.

Муаллиф яна давом этади: Сўнг *čigil*, сўнг *tuxsi*, сўнг *yaʻuma*, сўнг *īyraʻaq*, сўнг *čaruq*, сўнг *čumul*, сўнг *cuʻur*, сўнг *taʻnut*, сўнг *xitay*. *Xitay* – *Šīn* дир. Сўнгга *tawʻač*; бу *Māšīn* дир (ДЛТ,24). Харитада бу қабилаларнинг юртлари жануб билан шимол ўртасида берилган.

Турк элларининг чегаралари тўғрисида ҳам Маҳмуд Кошғарийнинг ўз қарашлари бор. Чунончи, у *Qaz* сўзига изоҳ берар экан, ёзади:

Qaz – *Afrāsiyāb* қизининг оти. *Qazvīn* шаҳрини у қурган. Бу сўзнинг асли *qaz oʻynī* – «ғоз ўйналадиган жой» демакдир. Чунки у шу ерда турар ва шу ерда ўйнар эди. Шунинг учун баъзи турклар *Qazvīn* ни турк шаҳарларидан ҳисоблаганлар. Шунингдек, *Qum* шаҳри ҳам чегара ҳисобланади. Чунки *qum* туркча сўздир. *Afrāsiyāb* нинг қизи бу ерда ов қилар ва ўйнар эди. Баъзилар турк ўлкалари *Marvaš-šāhijān* дан бошланишини

сўзлайдилар. Чунки *Qaz* нинг отаси *Toḡa Alp er – Afrāsiyāb* дир. У Таҳму-расдан уч юз йил кейин *Marv* ни бино қилган.

Баъзилар бутун *Māvarāu-n-nahr* ни турк ўлкаларидан деб ҳисобла-ганлар. У *Yenkānd* дан бошланади. Унинг яна бир оти *Dīzrutn* дир. Яъни сариклигига ишора қилиб, «Мис шаҳри» дейишган. Бу *Vuxārā* га яқин-дир. Бу ерда *Afrāsiyāb* нинг қизи – *Qaz* нинг эри *Siyavuš* ўлдирилган. Маъ-жусий-оташпарастрлар ҳар йили бир кун бу ерга келиб, *Siyavuš* бўлган жой теварагида йиғлайдилар. Моллар сўйиб, қурбонлик қиладилар. Сў-йилган мол қонини унинг мозори тепасига тўкадилар. Уларнинг одати шундай. Бутун *Māvarāu-n-nahr*, *Yenkānd* дан Шарққача бўлган ўлкаларни турк шаҳарларидан деб ҳисоблашнинг асоси шуки, *Samarqand* аслида *Semizkānd*, *Taşkānd*, бу – *Šaš* дир, *Özkānd*, *Tunkānd* отларининг ҳаммаси туркчадир; *kānd* туркча «шаҳар» демақдир. Улар бу шаҳарларни қуриш-ган ва шундай отлар билан аташган. Ҳозиргача ҳам шундай келмоқда. Бу ерларда форслар кўпайгач, сўнг улар Ажам шаҳарлари каби бўлган. Ҳозир турк ўлкаларининг чегараси *Ābisgūn* денгизи билан ўралган. *Rūm* ўлкасидан ва *Özjānd* дан *Šīn* гача чўзилади. Узунлиги беш минг фарсах, эни уч минг фарсах, ҳаммаси саккиз минг фарсахдир (ДЛТ,374).

Маҳмуд Кошғарийнинг «Бутун *Māvarāu-n-nahr*, *Yenkānd* дан Шарққача бўлган ўлкаларни турк шаҳарларидан деб ҳисоблашнинг асоси шуки, *Samarqand* аслида *Semizkānd*, *Taşkānd*, бу – *Šaš* дир, *Özkānd*, *Tunkānd* отларининг ҳаммаси туркчадир; *kānd* туркча «шаҳар» демақдир. Улар бу шаҳарларни қуришган ва шундай отлар билан аташган. Ҳозиргача ҳам шундай келмоқда. Бу ерларда форслар кўпайгач, сўнг улар Ажам шаҳар-лари каби бўлган» деган маълумотлари Мовароуннаҳрнинг санаб ўтил-ган ўлкалари турклар томонидан бунёд этилгани, жой отлари бошлаб туркийда бўлиб, кейинчалик эса форсча атаб кетилганлигидан далолат беради (*Yinčū ögüz – Сурдарё, Keš (~Kāš) – Шаҳрисабз* сингари номлар-нинг юзага келиши бунга ёрқин мисолдир).

Харитада ўлка ва мамлакатларнинг жойлашув тартиби шундай:

Ўрталикда туркий эллар ва ўлкалар. Хаританинг қоқ ўртасига Бала-сағун ва Тараз оралиғидаги ерлар тўғри келади. Булар тоғли водийлар, Иссиқкўл теварақларидир.

Ўрталикдан шимоли-ғарб томонда *Šaš*, *Xvārazm*, *Tabaristān*, *Ādarbād-kān*, ундан ўтиб *Pāčānāk* юртига борилади.

Ғарби-жанубий томонда *Samarqand*, *Hojand*, *Maryīnān*, *Kāsān*.

Харитада *Maryīnān* (Марғилон) билан *Kāšyar* ўртасида икки шаҳар берилган. Бироқ, уларнинг ёзуви ниҳоятда зич, ўқиш учун қийин. Би-рини *Andijand* деб ўқиш мумкин, иккинчиси аниқсизлигича қолмоқда.

Жанубда *Kāšyar, Yārkānd*, улар ортида тоғлар оша *Qašmir* га ўтилади. Жануби-шарқда *Xotan, Uč, Barman, Kūčā*.

Шарқда Уйғур давлати (*Bilādu Uyğur*). У ерда *Bešbaliq, Čanbaliq, Qoču, Silmi, Xatunsini* шаҳарлари жойлашган.

İspijab, Tārāz, Nazal, Yawinč, İki ögüz, Kemi Talas шаҳарлари ғарбдан шарққа томон бир чизиқда жойлашган.

Маҳмуд Кошғарий ўз харитасида *Kemi Talas* ни *Kemi Tīrāz* деб берган. Бу ўринда янглишаётгани йўқ. Сабаби, у асарда *Talas* тўғрисида маълумот берар экан ёзади: *Talas – Tīrāz* исми билан машхур бўлган шаҳар. У иккита: бири «улуғ» маъносидаги *Uluğ Talas*, иккинчиси мусулмонлар чегарасидаги *Kemi Talas* дир (ДЛТ,147).

Ўрталикдан шимолга юрилса, Ўғуз давлати (*Bilādu-l-yuziyya*)дан ўтиб, Каспийга чиқилади.

Ötükān, Čumul юртлари ҳамда *Yāmāk, Bašqirt, Basmil* даштлари шимол-шарқда.

Туркий эллар ва ўлкаларни теваракда турли мамлакатлар ўраб турибди.

Жануби-шарқий томонда чўллар ва ярим доира шаклида тоғлар акс этган. Ўртада *Saddi dulqarnaun* (Зулқарнайн девори) деган ёзув бор. Тоғлар орқасида Яъжуж ва Маъжуж ерлари (*Arđu Yājūj va Mājūj*). Маҳмуд Кошғарий ўз асарида бу юртнинг жуда узоқда эканлигини таъкидлаб, «*yājūj* ва *mājūj* лар узоқда тургани, орада *Māsīn* яқинидаги денгиз тўсқинлик қилиши натижасида уларнинг тиллари ҳам маълум эмас» деб ёзган эди (ДЛТ,25).

Жанубда Ҳинд денгизи, Сарандиб юрти ва Сарандиб тоғлари, Ҳинд ва Синд мамлакати, Ғазна, унинг ортида Сужистон, Кирмон, Форс, Хузистон, Яман жойлашган.

Жануби-ғарбий чеккада Марказий Африка (Барбар, Зутт, Хабаша, Занж).

Ғарб томонда ҳам чўллар ва унинг орқасида Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Қайрувон ва бошқалар. Энг чеккада Мағриб ва Андалус (Испания). Бир томонда Курод, Шом, Миср ва Алискандарийа.

Шимол томонда Каспий денгизи (*Bahri Ābiskun*). Денгизнинг ғарби-шимолида Рус, Сақалаба (славянлар ва Шарқий Европа) ва Варанг (Болтиқбўйи ва Скандинавия) берилган. Сўнги мамлакат отини Маҳмуд Кошғарий девонда *Urañ~Varaņ* шаклларида келтиради. Бу жойнинг ўрни ва оти ҳақида у ёзади: «*Urañ – Rūm* вилояти яқинида, шимолий чегарасидаги бир жой оти. Бу сўзнинг *Varaņ* тарзида ўқилиши яхшироқ» (ДЛТ,67).

Пачанаклар юрти хаританинг шимоли-ғарбий чеккасида. Каспийнинг ғарб томонида – Табаристон ва Пачанак даштлари оралиғида *Darbandi Xazarān* (~*Xuzarān*?).

Каспийнинг шимолида қивчақ, сувар, булғар юртлари. Итил (Волга) дарёси ҳам шу ерда.

Каспийнинг юқори томонида қивчақ билан татар даштлари ўртасида *Baldatu-s-saqāli mahdiya va-l-yuziyya* («Қалин ўрмонлар ва Ғузия мамлакатлари») деган ёзув бор.

Хаританинг бир четида, Ямар сувининг юқорироғида *Baldatu-l-nisā* (Хотинлар мамлакати) берилган.

Хаританинг шарқий чеккасида *Šawu*, денгизлар ортида *Šabarqa* (Япония), сўнг *Māšīn* (Мочин).

Маҳмуд Кошғарий *tawyač* сўзининг бир нечта маъносини келтирган. Биринчиси:

Tawyač – *Māšīn* мамлакатининг оти. Бу мамлакат *Šīn* дан тўрт ойлик йўл узоқликда. *Šīn* (Чин) аслида учтадир: биринчиси, Юқори *Šīn* – бу Шарқда бўлиб, бунга *Tawyač* дейилади. Иккинчиси, Ўрта *Šīn*, буни *Xīṭay/Xaṭay* дейилади. Учунчиси, Қўйи *Šīn*, буни *Varxan* дейилади ва у *Kāšyar* дадир. Лекин ҳозир *Tawyač* ни *Māšīn*, *Xīṭay/Xaṭay* ни *Šīn* деб юритилади (ДЛТ,180–181).

Бу сўз «уйғурлар»ни ҳам англаган. Маҳмуд Кошғарий сўзнинг ушбу маъноси тўғрисида шундай ёзади: *tawyač* – *ууур*. У *tat* дир. Улар *Šīn*, яъни *Tawyač* да яшайдилар. Ҳар бир эски ва катта нарсага *tawyač eđi* дейдилар... Шоҳларнинг *tawyačxan* дейилиши ҳам шундандир, «катта ерли, эски хон» деган маънодадир (ДЛТ,181).

Битигларда бу сўз қўшалоқ *tat tawyač* шаклида ҳам ишлатилган. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича: *tat tawyač* – форсий ва турк демакдир. Биринчи сўз *tat* – «форс», иккинчи сўз *tawyač* – «турк» ўрнида қўлланади (ДЛТ,181).

Маҳмуд Кошғарий ўз асарида *Šabarqa* нинг жуда узоқда эканлигини таъкидлаб, «*šabarqa* ликларнинг узоқда туриши, *Māšīn* билан уларни катта денгиз айириб тургани учун уларнинг тиллари маълум эмас» деб ёзган эди (ДЛТ,25).

Харитадаги айрим қайд ва изоҳлар тўғрисида. Харитада географик атамалардан ташқари, айрим қайдлар ҳам ёзиб қўйилган. Чунончи, Уйғур давлати тепасида қумликлар берилган ва унинг ёнига *Fayāfi va rimālun yaγuru-l-mā'u fiyhā* («Сув сингиб кетадиган дашт ва қумликлар») деб ёзиб қўйилибди. Бу жойлар Лабнўр атрофларига тўғри келади.

Девонда бу ўлкадаги сувлар ҳақида ҳам маълумот берилган. Чунончи, Маҳмуд Кошғарий *Usmī tarīm* дарёси тўғрисида: «*Usmī tarīm* – Ислом

шаҳарларидан уйғурларгача оқадиган катта бир сув. У ерларда (уйғурларга етгач) кумга сингиб кетади» деб ёзади. Ёки *Tarīm* сўзини изоҳлаб, шундай таъкидлайди: «*Tarīm* – *Ууур* чегарасида *Kūčā* яқинидаги бир жой отидирки, уни *Usmī tarīm* дейдилар. У ерда оқадиган сув ҳам шу сўз билан аталади» (ДЛТ,159). Шу ўринда муаллиф ушбу сўзнинг луғавий маъносини ҳам беради. Унингча, «кўл ва кумликларга қуйиладиган сувларнинг қирғоқлари» *tarīm* дейилган (ДЛТ,159).

Хаританинг жанубий чеккасида *Lā yaskunu fiyha-l-xalqu liyalabati-l-barārati 'alayha* («Харорат ғалаба қилганидан у ерда одамзот яшамайди») деб ёзилган. Бу изоҳ остида Сахро-и Кабир назарда тутилмоқда.

Шимолий чеккада: *Lā yaskunu fiyha ahadun min-al-xalqi liyalabati-l-burudati 'alayha* («Совуқ ғалаба қилганидан у ерда одамзот яшамайди») деб ёзилган. Бу ерлар Европанинг шимоли ва Арктикадир.

Шимоли-шарқда: *Yuqalu fi hazihi-l-fayāfi yaskunu-n-nasnāsu* («Айтадиларки, бу даштларда носнослар (ёввойи одамлар) яшайди») ва унинг остига *Mavazi'u li-l-vuhuši* («Ваҳший ҳайвонлар жойи») деб ёзилган.

Уйғур давлатининг шимолий томонида Бешбалиқ ва Улвия юрти ўртасида *Unāsun kaširatun min-at-türki* («Бу ердаги халқларнинг кўпи турклар») деб ёзиб қўйилибди.

Харитада Ҳинд денгизи ҳам берилган. Ундан куйироқда *Sarandīb* ҳамда *Jabalu Sarandīb* («Сарандиб тоғлари») бор. Денгиз ва бу ерларнинг ўртасига *Mahbiṭu Ādam 'alayhi-s-salām* («Одам алайҳи-с-салом қадами етган жой») деб ёзиб қўйилибди. Муаллифнинг бу таъкиди Одам алайҳи-с-саломнинг ана шу ерга тушганлиги тўғрисидаги диний қарашларни бойитади, унга аниқлик киритади.

Харитада кўрсатилувиغا қараганда, турк давлатларининг ғарбий, шарқи-шимолий, жануби-шарқий чегаралари кумликлардан иборат. Бу чўллар яшил холдор рангдаги чизикларда берилган ва уларнинг ёнига *raml, ar-raml* («қум») деб ёзиб қўйилган.

Харитада қайд этилган жой отлари қуйидагилардир:

(1) шаҳар ва вилоятлар:

Sāš (Тошкент)

Samarqand

Xojand

Maryīnān (Марғилон)

Kāsān

Andijand (Андижон)

Kāšyar

Yarkānd

Xotan
Jurjan
Čawu
Uč
Barman
Küčä
Balasayun
Küşän
Barsqan
Qočiñarbaši
İspijab (Сайрам)
Ṭarāz
Nazal
Yawinč
İki ögüz
Kemi Ṭirāz [яъни, Kemi Talas]
Bešbaliq
Čanbaliq
Qoču
Silmi
Xatunsini
Ötükän
Šanču
Xvārazm (Хоразм)
Manqīšlay
Bulyar
Suvar
Jand
Pāčānäk
Darbandi Xazarān (Хазорлар девори)
Rūs (Рус)
Šaqaliba (Славян)
Almaj (?)
Varaṇ (Болтиқбўйи)
Qašmir (Кашмир)
Tabaristān
γazna
Sarandīb (Цейлон)
Māšīn (Мочин)

Ĉabarqa (Япония)

Aliskandaiyuu

(2) *maskan* (маскан) сўзи билан берилган жой отлари:

Maskanu Qīwĉaq (Қивчақ маскани)

Maskanu Ĉumul (Чумул маскани)

Maskanu Qay (Қай маскани)

(3) *fayāf* (даштлар) сўзи билан берилган жой отлари:

Fayāfi Tatar (Татар даштлари)

Fayāfi Yāmāk (Ямак даштлари)

Fayāfi Bašqirt (Башқирт даштлари)

Fayāfi Basmīl (Басмил даштлари)

(4) *bilād* (давлат) сўзи берилган жой отлари:

Bilādu Uyūr (Уйғур давлати)

Bilādu-l-yuziʻya (Ўғузия давлати)

Bilādu Sujistān (Сужистон давлати)

Bilādu Kirmān (Кирмон давлати)

Bilādu Fārs (Форс давлати)

Bilād Xūzistān (Хузистон давлати)

Bilādu Hind (Ҳинд давлати)

Bilādu Sind (Синд давлати)

Bilādu Barbar (Барбар давлати)

Bilādu-z-Zutt (Зут давлати)

Bilādu-z-Zanj (Занж давлати)

Bilādu-l-Xabaša (Хабаш давлати)

(5) *arḍ* (ер) сўзи билан берилган жой отлари:

Arḍu Āḍarbādkān (Озарбайжон ери)

Arḍu Xurāsān (Хуросон ери)

Arḍu-l-ʻIrāqayn (Икки Ироқ мамлакати)

Arḍu-l-Ḥijāz (Ҳижоз ери)

Arḍu-l-Yaman (Яман ери)

Arḍu-l-Ukrād (Курд ери)

Arḍu-š-Šām (Шом ери, Сурия)

Arḍu-l-Dayālata (Даёлама ери)

Arḍu Yājūj va Mājūj (Яъжуж ва Маъжуж ери)

Arḍu Kalim (Калим ери)

Arḍu-l-Qayrivān va ʻayrhā (Тунис ва бошқа ерлар)

(6) *balda* (мамлакат) сўзи билан берилган жой отлари:

Baldata-l-nisā (Хотинлар мамлакати)

Baldata-l-ʻUlviya (Улвия мамлакати)

Baldatu-s-saqāli mahdiya va-l-yuziya (Қалин ўрмонлар ва Ғузия мамлакатлари)

(7) *arāz* сўзи билан берилган жой оти:

Arāzi-l-Mayāriba va hiya Andalus (Мағриб ва Испания)

(8) *hudud* (худуд) сўзи билан берилган жой оти:

Hududu Misr (Миср худуди)

(9) *jabal* (тоғ) сўзи билан берилган отлар:

Jabalu Qaračıuq (Қарачуқ тоғи)

Jabalu Sarandīb (Сарандиб тоғи)

Харитада берилган денгиз, кўл ва дарёлар. Доиранинг тевараги тўқ қорамтир кўкда эканлиги қуруқлик тўрт ёқдан сув билан ўралган деган тасаввурни уйғотади.

Харитада Каспий денгизи ҳам берилган. У *Bahri Ābiskun* деб оталган.

Харитада дарёлар ниҳоятда кўп, бироқ ҳаммасининг ҳам оти ёзилган эмас. Унда айрим дарёларнинг оти қайд этилган, холос.

Харитада тоғлар орасидан чиқиб, чўл ёқалаб *Bahri Ābiskun* га бориб қуйилувчи бир дарё эътиборни ўзига тортади. Унинг ёнида *Jayhun* деган ёзуви бор. Бу ҳозирги Амударёдир. Харитада Сирдарё ҳам берилган. У ҳам *Jayhun* га параллел оқиб, ўша денгизга қуйилади. Бироқ харитада унинг оти ёзилмаган.

Жанубдаги *Bilādu Hind* (Ҳиндистон) тарафда ҳам бир дарё жойлашган. У ҳам тоғлиқлардан бошланиб, бошқа бир тараф – жанубдаги денгиз томон оқади. Унинг ёнига эса *Sayhun* деб ёзиб қўйилибди. Лекин бу Сирдарё эмас, Маҳмуд Кошғарий Ҳинд дарёсини ана шундай атаган. Ўтмишда бу дарёнинг ҳам шундай оти бўлган.

Харитада айрим дарёлар *vādī* сўзи билан берилган: масалан, *Vādī Yamar* (Ямар дарёси) сингари. Асарда берилган туркий матнда *vādī* ўрнида *suw* сўзи қўлланган: *Ertiṣ suwī*, *Yamar suwī*, *Etil suwī* сингари. Бу дарёларнинг ҳар бири тўғрисида девонда маълумот ҳам берилади. Қадимги туркий тилда «дарё»ни *ögüz* дейилган. Масалан, Кул тигин битигида Сирдарёни *Yinčū ögüz* аталган (К.39). Бу атама «Инжу дарё» деган маънони англатади.

Харитада номи берилган дарёлардан бири *Vādī Ertiṣ* (Эртиш дарёси) дир. Асарда бу дарё ҳақида Маҳмуд Кошғарий ёзади: *Ertiṣ – Yāmāk* саҳросида оқадиган бир сув(дарё)нинг номи. Бир неча тармоқ(арик)лардан иборат бўлган шу сув (дарё) ўша ер (қир)даги бир кўлга қуйилади. Уни *Ertiṣ suwī* дейилади. Бу сўз сувдан ўтишда «ким тез ўтар» маъносида қўлланадиган *ertiṣ* сўзидан олинган (ДЛТ,52).

Кул тигин битигида бу дарё *Ertiṣ ögüz*, яъни «Эртиш дарёси» деб аталган (К.37).

Харитадаги бошқа бир дарё – *Vādi İla* (Ила дарёси). Бу сув тўғрисида шундай маълумотни ўқиймиз: *İla* – бир дарё оти. У турк шаҳарларининг *Jayhūn* идир. Унинг икки қирғоғида икки турк қавми: яғма, тухси ва баъзи чигиллар яшайдилар (ДЛТ,50).

Яна бири – *Vādi Etil* (Итил дарёси). Итил ҳақида муаллиф ёзади: *Etil* – *Qiwčaq* элларида бир дарёнинг оти. У *Bulyar* денгизига қуйилади. Унинг *Rūs* ерларига қуйиладиган бир ирмоғи ҳам бор (ДЛТ,42).

Харитада *Vādi Yamar* (Ямар дарёси) ҳам бор, Маҳмуд Кошғарий келтирган шеърий парчалардан бирида бу дарёнинг оти (*Yamar suwi*) қайд этилган (қаранг: ДЛТ,45).

Шимоли-шарқ томонда бир қўл жойлашган. Ила, Эртиш, Йамар сувлари турли томондан унга келиб қуйилади.

Шундай қилиб, «Девону луғати-т-турк»да келтирилган Ер юзи харитаси туркий дунёнинг тарихий-географик ўрни, улуслар ерлашуви, давлат ва шаҳарлари тарихини ўрганишда энг ишончли манба бўлиб хизмат қилади.

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ҚАВМЛАР БАЁНИ

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида қадимги туркий қавмлар, уларнинг уруғлари тўғрисида кенг маълумот берган. Унинг таъкидлашига қараганда, турклар аслида йигирма қабиладир. Улар ҳаммаси *Nūh* пайғамбар ўғли *Yāfis*, *Yāfis* ўғли *Türk* ка бориб тақаладилар (ДЛТ,24).

Яна ҳар бир қабиланинг саноксиз уруғлари бор. Кошғарий кўрсатган тартибга кўра: *Rūm* га яқин биринчи қабила *pāčānāk*, сўнг *qiwčaq*, сўнг *oғuz*, сўнг *yāmāk*, сўнг *bašyirt*, сўнг *basmil*, сўнг *qay*, сўнг *yabaqu*, сўнг *tatar*, сўнг *qirqiz* келади. *qirqiz* лар *Šin* яқинидадирлар. Бу қабилалар ҳаммаси *Rūm* дан кун чиқаргача чўзилгандир. Сўнг *čigil*, сўнг *tuxsi*, сўнг *yaғma*, сўнг *iғraq*, сўнг *čaruq*, сўнг *čumul*, сўнг *uyғur*, сўнг *taғut*, сўнг *xitay*. *Xitay* – *Šin* дир. Сўнгра *Tawғač*; бу *Māšīn* дир.

Бу қабилалар Жануб ва Шимол ўртасидадир (ДЛТ,24).

Маҳмуд Кошғарий асарга киритилган ва ўзи уни «доира» деб атаган Ер юзи харитасида бу қабилаларнинг турар жойларини ҳам кўрсатган (ДЛТ,192- бетдан кейинги рангли иллюстрацияга қаранг).

Кошғарий «турклар аслида йигирма қабиладир» деганда туркларнинг бош, яъни ўзак қавмларини кўзда тутган ва уларни жойлашув ерига қараб муайян изчилликда келтириб ўтган. Юқорида санаб ўтилганлар туркларнинг ана шу бош қавмлари дир.

«Девону луғати-т-турк»да ора-орада булардан бошқа туркий уруғлар тўғрисида ҳам маълумот берилган. Бу уруғлар санаб ўтилган йигирмата қабиланинг қаторида йўқ. Улар Маҳмуд Кошғарий санаб ўтган ўзак қабилаларнинг ички уруғлари саналади. Бу тўғрида унинг ўзи «Яна ҳар бир қабиланинг саноқсиз уруғлари бор» дея таъкидлаган эди (ДЛТ,24).

Türk

Türk – ҳозирги туркий халқлар ота-боболарининг умумий номи. Қадимги туркий битигларда: халқ номи сифатида – *türk~türük, türk bodun*; халқнинг тили тўғрисида сўз борганда – *türkcä, türk tili*; мамлакат, юрт тўғрисида сўз борганда эса *Türk eli, türk bodun yeri* дейилган.

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича: *Türk* – Тангри ярлақағур, *Nūh* ўғлининг оти. Бу от *Nūh* нинг ўғли *Türk* авлодларига Тангри берган номдир. ... *türk* сўзи бирликда ҳам, кўпликда ҳам қўлланувчидир. Масалан: *kim-sen?* дегувчига *türk-men* дейилганда бирлик бўлса, *türk süsi atlandi* – «турк аскарлари отланди» ҳам дейилади (Бунда кўпликни билдиради) (ДЛТ,142).

Бу атама кўк турк битигларида *türük bodun* шаклида ишлатилган. Мана Кул тигин битигидан бунга мисол: *Türük bodun, toq, ariqaaq-sän, ač-saaq, tosaq ömäs-sän. Bir tudsar, ačsaaq ömäs-sän.* – «Турк халқи, тўкис ишонувчисан. Содда билан айёрни ажратмайсан. Бир тутоқсанг, соддани ҳам аямайсан» (Ка.8).

Oyuz

Маҳмуд Кошғарий санаб ўтган туркларнинг йигирмата бош қабиласи орасида *oyuz* лар ҳам бор. Тартибга кўра, *Rūm* га яқин биринчи қабилалар *račānäk*, сўнг *qiwčaaq*, сўнг *oyuz* келади (қаранг: ДЛТ,24).

Кошғарий ўғузлар тўғрисида шундай ёзади: **oyuz** – туркларнинг бир қабиласи. Ўғузлар туркманлардир. Улар йигирма икки уруғдир. Уларнинг ҳар бирининг махсус белгилари, молларига мос тамғалари бордирким, уруғларни шу тамғаларига қараб айирдилар (ДЛТ,36).

Маҳмуд Кошғарий ўғузларнинг йигирма икки уруғини ҳам бирмабир санаб ўтади, уларнинг тамғаларини ҳам кўрсатади. Олим тарафидан келтирилган ўғуз уруғлари қуйидагилардир:

Биринчиси ва бошлиқлари **qinīq** – қиниқлардир. «Замонамизнинг хоқонлари шу қиниқлар уруғидандир» дея таъкидлайди олим.

Иккинчиси, **qayūy** – қайиғлардир.

Учинчиси, **bayundur** – байундурлардир.

Тўртинчиси, **īwa** – ивалардир. Уларни **yīwa** лар ҳам деб атайдилар.

Бешинчиси, **salyur** – салғурлардир.

Олтинчиси, **awšar** – авшарлардир.

Еттинчиси, **begtili** – бегтилиллардир.

Саккизинчиси, **bügdüz** – букдузлардир.

Тўққизинчиси, **bayat** – байатлардир.

Ўнинчиси, **yazyir** – йазғирлардир.

Ўн биринчиси, **eymür** – эймурлардир.

Ўн иккинчиси, **qarabölük** – қарабўлуклардир.

Ўн учинчиси, **alqabölük** – алқабўлуклардир.

Ўн тўртинчиси, **igdär / igdir** – игдарлардир.

Ўн бешинчиси, **ürägir** – урагирлардир; **yürägir** – йурагир ҳам дейдилар.

Ўн олтинчиси, **tutirqa** – тутирқалардир.

Ўн еттинчиси, **ulayundluy** – улайундлуғлардир.

Ўн саккизинчиси, **tögär** – тўғарлардир. Баъзан *vāv* ҳарфи туширилиб, **تگر** шаклида ҳам ёзадилар.

Ўн тўққизинчиси, **pāčänäk** – пачанаклардир.

Йигирманчиси, **čuvaldar** – чувалдарлардир.

Йигирма биринчиси, **čepni** – чепнилардир.

Йигирма иккинчиси, **čaruqluy** – чаруқлуғлардир. Кошғарийнинг ёзишича: «Буларнинг сони оз, тамғалари номаълумдир» (ДЛТ,36–37).

Маҳмуд Кошғарий юқоридаги маълумотдан кейин: «Бу қабилаларни билишга кишиларнинг эҳтиёжи борлиги учун бирма-бир изоҳ бердим. Бу тамғалар уларнинг моллари ва подаларининг белгисидир. Моллари аралашиб кетганда ҳар қабила ўз молини шу тамғалардан айириб олади.

Булар асосий қабилалардир. Уларнинг ҳар бирининг аймақлари бор. Қисқартиш учун уларни ёзмадим» дея таъкидлайди (ДЛТ,37).

Маҳмуд Кошғарий келтирган Ер юзи харитасида *Oғуз* давлати ҳам берилган, у *Bilādu-l-yuziya* (яъни, Ўғузия давлати) деб аталган.

Маҳмуд Кошғарий ўғузларнинг шаҳарларини ҳам тилга олиб ўтади. Шулардан бири – *Qaračuq*. Кошғарийнинг таъкидлашича, бу – *Fārāb* шаҳрининг оти. Бу ҳам ўғуз шаҳарларидандир (ДЛТ,143).

Ёки: *Manqīšlay* – ўғузлар мамлакатадаги бир жойнинг оти (ДЛТ,185).

Шунингдек, *Suynaq* ни ҳам «ўғуз шаҳарларидан бири» дея таъкидлайди (ДЛТ,187).

Уууур

Ёзма манбаларда *уууур* атамаси «халқ», «тил, лаҳжа» ва «юрт; эл» маъноларида келади.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *Уууур* – *δū-l-qarnaun* турк шоҳи билан сулҳ қилганда қурган беш шаҳарли вилоят исми (ДЛТ,57).

Маҳмуд Кошғарий келтирган Ер юзи харитасида *Уууур* давлати ҳам берилган, у *Bilādu Uuyur* (яъни, Уйғур давлати) деб аталган.

Маҳмуд Кошғарий ўз асарида Уйғур юрти ҳақида яхши маълумот берган. Унинг ёзишича, бу вилоятда бешта шаҳар бўлиб, у ернинг аҳолиси ғирт кофирлар ва ниҳоят моҳир отувчилардир. У шаҳарларни *δū-l-qarnaun* бино қилган. (Булар) *Sūlmi*, сўнг *Qoʻchi*, сўнг *ʕanbaliq*, сўнг *Beʕbaliq*, сўнг *Yaḡibaliq* шаҳарларидир (ДЛТ,57).

Ёзма манбаларда *уууур* атамасининг этимологияси тўғрисида ҳам фикрлар билдирилган. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий бу атаманинг келиб чиқиши ҳақида шундай ёзади:

Nizāmuddīn Īsrāfīl ṭoyan tigin bin-Muḥammad Jaqir ṭonqaxan отасидан менга шундай хабар қилди: *δū-l-qarnaun Uuyur* вилоятига яқинлашгач, турк хоқони унга тўрт минг одамни йўллади. Уларнинг бошларидаги баланд қалпоқ парлари худди лочин қанотидай эди. Ўқни олдиндан қандай отсалар, орқадан ҳам шундай усталик билан отар эдилар. Буларга *δū-l-qarnaun* ҳайрон қолди ва *inān xid xurand* – булар ўзи топиб егувчилар, бошқаларга муҳтож бўлмовчилар, яъни булардан ов қочиб қутулолмайди; қачон хоҳласалар отиб ейдилар, деди. Шундан сўнг вилоят *Xidxur* деб аталди.

xā alif га (яъни [u] га) алмашди. Шунга ўхшаш бўғиз ҳарфлари ҳам бир-бирига алмашади. Айниқса, *xā* нинг *alif* га ва *alif* нинг *xā* га алмашиши ҳоллари кўп учрайди.

Китоб муаллифи *Maḥmūd* айтди: Боболаримизнинг *amīr* ни *xamīr* дейишлари шунга мисолдир. Чунки ўғузлар *alif* ни *xā* ҳарфига алмаштириб, *amīr* ни *xamīr* дейишади. Турк шаҳарларини сомонийлардан қўлга олган боболаримиз бекни بحر كين дер эдилар. Бунда ҳам *уууур* сўзида алмаштирганлари *alif* ҳарфини *xā* ҳарфига алмаштирганлар. *уууур* деган сўзда *xā* ни *alif* га алмаштиргач, *xid* даги *δāl* ни *uā* га алмаштирдилар. Сўнг *xur* даги *xā* ни *yaun* га алмаштирдилар. *xā* нинг *yaun* га алмашиб келиши кўп учрайдиган ҳодисадир. ختر غدر дегандаги каби (Шундай қилиб, *xidxur* сўзи *уууур* ҳолига келди) (ДЛТ,57).

Абулғозийнинг «Шажара-йи турк» асарида уйғур қавмининг шаклланиши қуйидаги воқеа билан боғланади: Ўғуз билан отаси Қорахон

ораларида кечган жангда амакиларининг ўғиллари Қорахон черигидан ажраб, Ўғузхон черигига бориб бирлашадилар. Ўғуз бундан мамнун бўлди ва уларга **ууғур** (яъни «қўшилган, бирлашган, уюшган») отини берди. Шу ўринда асар муаллифи ушбу сўзнинг маъноси хусусида ёзади:

Lafz-i uуғur türk tili turur, ma'nisi barçaya ma'lum turur, yapuşуur ma'nisina turur. Ayturlar: süt uyidi. Süt erkānindā biri birindin ayrilur erdi, qatiq bolyandīn soң biri birigā yapīša turur. Bu taqī ayturlar-kim, imamyа uyidim. Imām oltursa, oltura turur, tursa, tura turur. Bas, yapīşyani bolmasmu?

«Шажара-йи турк»даги *uyidi* сўзи ҳозирги ўзбекчада *ивиди* (сум *ивиб қатиқ бўлди*) шаклида ишлатилади. Ёки *уюшмоқ* феъли ҳам айни сўздан. Яна чоғиштиринг, грамматикада: *уюшиқ бўлак*.

Ууғур атамаси «Ўғузхоқон» достонида ҳам келган. Унда Ўғузхоқон ўзини Уйғур элининг хоқони (*Ууғурниң қаяни*) деб атайди. Унинг воқеаси шундай:

Oғuz qayan tört sariya jarliq jumşadi. Bildürgülük bitidi, elçilārigā berip yebārdi. Oşbu bildürgülükte bitilmiş erdi-kim: Men Uуғurniң qayani bola-men-kim, yerniң tört buluñinuң qayani bolsam keräk turur.

«Ўғуз хоқон тўрт ёққа ёрлиқ юборди. Билдиргулик битиб, элчиларидан бериб юборди. Ушбу билдиргуликда шундай деб ёзилган эди: Мен уйғурнинг хоқони бўламан, Ер юзи тўрт тарафининг хоқони бўлсам керак (ЎД,12,4–9).

Маҳмуд Кошғарий уйғурларнинг шаҳарларини, уларнинг юртидан оқиб ўтувчи сувларни ҳам тилга олади. Масалан:

Küsān – Küçā деган шаҳарнинг бошқа бир оти. У уйғурларнинг худудидир (ДЛТ,162).

Ёки: *Usmī tarīm* – ислом шаҳарларидан уйғурларгача оқадиган катта бир сув. У ерларда (уйғурларга етгач) кумга сингиб кетади (ДЛТ,65).

Їigil

Маҳмуд Кошғарийга кўра, *çigil* учта туркий қавми бирлаштиради. Бу тўғрида у шундай ёзади:

çigil – уч хил туркий қавм номи:

Биринчиси, *Barsyan* куйисидаги *Quyas* шаҳарчасида яшовчи кўчманчилар.

Иккинчиси, *Ṭigāz* яқинидаги шаҳарчада яшовчилар ҳам *çigil* деб аталадилар. Шундай аташ асослидир. Чунки *du-l-qarnayn* арғулар шахрига етганда қаттиқ ёмғир ёғиб, ерлар лой, ботқоқ бўлиб кетган ва Искандар юролмай қийналган. У хафа бўлиб, форсча *این جگئل آست in çe gil-ast?* (бу

қандай лой, бундан қутулолмаймиз?) дея ғазабланган. Сўнг у ерда бир бино қуришга буюрди, сўнг бу кунларда *Ĉigil* деб аталувчи қўрғон бино қилинди. У ерда яшовчи туркий қабилалар ҳам шу ном билан (*ĉigili*) деб аталдилар. Шундан сўнг бу ном ҳар ёққа тарқалди. Ўғузлар шаҳри у ерга ёпишган эди ва улар чигиллар билан ҳар вақт урушар эдилар. Ҳатто ора-лараридаги хусумат бугунгача сақланиб келмоқда. Ўғузлар чигиллардек кийиниб, уларнинг урф-одатларини қилувчи туркларни ҳам *ĉigil* деб атайдилар. Яъни улар *Jayhūn* дан юқори *Ėin* гача бўлган ерларда яшовчи туркий қабилаларнинг ҳаммасини ҳам *ĉigil* деб атайдилар, бу хатодир.

Учинчиси, *Kāšyar* да бир қанча қишлоқларда яшовчи туркий қабилалар ҳам *ĉigil* деб аталади. Булар ҳам бир ердан тарқалгандирлар (ДЛТ,158).

Qiwĉaq

Ёзма манбаларда *qiwĉaq* атамаси «қавм», «лаҳжа» ва «юрт; эл» маъноларида келади.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *qiwĉaq* – туркий қабилалардан бири (ДЛТ,188).

Маҳмуд Кошғарий *Etil* дарёси тўғрисида шундай ёзади:

Etil – *Qiwĉaq* элларида бир дарёнинг оти. У *Bulyar* денгизига қуйилади. Унинг *Rūs* ерларига қуйиладиган бир ирмоғи ҳам бор.

Бу сув отининг ишлатилишига қуйидаги шеърий узундини ҳам мисол келтиради:

*Etil suwī aqa turur,
Qaya tübi qaqa turur,
Baliq telim baqa turur,
Kölün taqī köšärür.*

Айтмоқдаки: *Etil* суви қаттиқ тоғ этакларига урилиб оқмоқда. У сувлардан пайдо бўлган ясама кўлчаларда балиқлар, бақалар кўпаймоқда [Этил суви қоялар тубига зарб билан урилиб оқмоқда. Тошган сувлардан ҳосил бўлган кўлчаларда балиқлар, бақалар кўпаймоқда] (ДЛТ,42).

«Ўғузхоқон» достонида *qirĉaq* нинг келиб чиқиш тарихи яхши берилган. Унинг воқеаси шундай:

Ўғуз хоқон қўшини билан Этил деган дарёга келди. Этил катта бир дарё эди. Ўғуз хоқон уни кўрди, кейин: «Этил оқимидан қандай кечиб ўтамин?» – деди. Қўшинда бир яхши бек бор эди. Унинг оти Улуғ Ўрдубек

эди. Хунарли, укувли бир киши эди. У кўрдик, қирғоқда толлар, дарахтлар бор эди. Бек бу дарахтларни кесди, дарахтларга ўтириб, дарёдан кечиб ўтди. Ўғуз хоқон бундан севиниб кулди ва шундай деди: «Эй, сен, бу ерда бек бўлгин, сен Қипчоқ деган бек бўлгин» (*Ay-ay, sen munda beg boluñ, Qipčaq degän sen beg boluñ*) деб айтди. Яна илгари кетди (ЎД.23,4–24,8).

Абулғозийнинг «Шажара-йи турк» асарида қипчоқларнинг келиб чиқиши шундай воқеага боғланади: Ўғузхоқоннинг бекларидан бири галдаги юришга кўчини (хотинини) ҳам олиб борганди. Жангда ўзи ўлди, хотини тул қолди. Беваси юкли эди, ой-қуни яқинлашиб, тўлғоқ тута бошлади. Кун совуқ, берк жой йўқлигидан хотинни катта бир ғовак дарахт ичига олиб кирдилар, у ўша ерда туғди. Бола дарахт ғовагида туғулгани учун Ўғуз унга *Qipčaq* деб от қўйди. Шу ўринда асар муаллифи яна ёзади:

Qadim türk tilindä içi boř yayačni qipčaq derlär erkändür. Anıñ ücün ol oylan yayač içindä tuydı, dep atın Qipčaq qoydılar. Bu vaqtda ham içi boř yayačni qipčaq deyturlar. Šul qipčaq turur-kim, čipčaq deyturlar.

Қипчоқни Ўғузхоқоннинг ўзи катта қилди, улғайгач, унга элу навкар бериб, Тин ва Итил сувининг ёқасидаги юртларга бош қилди, унинг юртини «Қипчоқлар эли» дейилди.

«Девону луғати-т-турк»да келтирилган Ер юзи харитасида *Qiwčaq* ўлкаси ҳам келтирилган, бу ўлка *Maskanu Qiwčaq* (яъни, Қивчақ маскани) деб аталган.

Qay

Маҳмуд Кошғарий *qay* ни «бир тоифа туркий қабилалар» деб таърифлаган (ДЛТ,377).

«Девону луғати-т-турк»да келтирилган Ер юзи харитасида *qay* лар яшайдиган ўлка ҳам келтирилган, бу ўлка *Maskanu Qay* (яъни, Қай маскани) деб аталган.

Čumul

Čumul – туркий қавмлардан бири. Маҳмуд Кошғарий санаб ўтган туркларнинг йигирмата бош қабиласи орасида *čumul* лар ҳам бор. Улар кетма-кетликда *čariq* лар билан *цууиг* нинг ўртасида берилган (ДЛТ,24).

«Девону луғати-т-турк»да келтирилган Ер юзи харитасида *čumul* лар яшайдиган ўлка ҳам келтирилган, бу ўлка *Maskanu Čumul* (яъни, Чумул маскани) деб аталган.

Yabaqu

Махмуд Кошғарийга кўра: *yabaqu* – «бир тоифа туркий халқлар»дир (ДЛТ,335).

Yaṭma

Махмуд Кошғарийнинг ёзишича: *yaṭma* – туркларнинг бир тоифаси. Уларни *qara yaṭma* деб ҳам атайдилар (ДЛТ,334).

Pāčānāk

Pāčānāk – *Rūm* га яқин турувчи туркий қабилалардан бири (ДЛТ,193). Махмуд Кошғарий санаб ўтган туркларнинг йигирмата бош қабиласи орасида *pāčānāk* лар ҳам бор (ДЛТ,24).

Асарда қайд этилишича, *pāčānāk* – ўғузларнинг бир тоифаси. Уларни *pāčān* ҳам дейилади (ДЛТ,193).

Qīrqiz

Махмуд Кошғарий *qīrqiz* ни «бир турк қабиласи» деб атаган (ДЛТ,182). У санаб ўтган туркларнинг йигирмата бош қабиласи орасида қирқизлар ҳам бор. Унинг ёзишича, *qīrqiz* лар *Ṣīn* яқинидадирлар (ДЛТ,24).

Қирқизлар ҳозирги қирғизларнинг ота-боболари. Улар қадимда Енисей бўйларида яшаган, кейинчалик улуғ кўчиш бўлиб, ҳозирги Қирғизистон тупроқларига келиб ўрнашиб қолган.

Кул тигин битигида Бумин хоқоннинг ўлими муносабати билан ўтказилган маросим тўғрисидаги жумлада бошқа халқлар қаторида *qīrqiz* ҳам тилга олинган: *Yoŭčī, sīyītčī ōṅrā kūn toysīqda bōkli, čōlgil, tabyač, tūpūt, apar, purum, qīrqiz, ūč qurīqan, otuz tatar, qītañ, tatabī – bunča bodun kālīpān sīytamīs, yoŭlamīs.* – «Азачи, йиғичи(лар), шарқдан – кун чиқардан бўкли, чўлгил, табғач, тупут, апар, пурум, қирқиз, уч қуриқан, ўтуз татар, қитан, татаби – шунча халқ келиб йиғлаган, аза тутган» (К.4).

Тўнюкуқ битигида қирқизлар билан бўлган жанглр тўғрисида сўз боради. Мана унинг баёни: *Ol sub qodī bardīmiz, sanayalī tūšūrtimiz, atīy iqa bayur ārtimiz, kūn yāmā, tūn yāmā yālū bardīmiz. Qīrqizīy uqa basdīmiz.* – «Ўша сувнинг куйи томонига бордик, (қўшинни) санагали туширдик, от(лар)ни буталарга бойлар эдик. Куну тун елиб бордик, қирқизни (ғафлат чоғида) қўққисдан босдик» (Топ.27).

Yämäk

Махмуд Кошғарий санаб ўтган туркларнинг йигирмата бош қабила-си орасида *yämäk* ҳам бор. Яшаш жойига кўра, у *oғuz* билан *başyirt* нинг ўрталиғида жойлашган (ДЛТ,24).

Кошғарийнинг ёзишича: *yämäk* – туркларнинг бир қавми. Бизнинг назаримизда улар қипчоқлардир. Лекин қипчоқлар ўзларини бошқа тоифадан деб биладилар (ДЛТ,333).

«Девону луғати-т-турк»да *yämäk* лар юрти, унинг сувлари тўғрисида ҳам маълумот берилган. Жумладан, *Ertiś* суви ана шу юртдан оқиб ўтади. Кошғарий бу дарё ҳақида ёзади:

Ertiś – *Yämäk* саҳросида оқадиган бир сув (дарё)нинг оти. Бир неча тармоқ (арик)лардан иборат бўлган шу сув (дарё) ўша ер (қир)даги бир қўлга қуйилади. Уни *Ertiś suwī* дейилади. Бу сўз сувдан ўтишда «ким тез ўтар» маъносида қўлланадиган *ertiś* сўзидан олинган (ДЛТ,52).

Qarluq

Qarluq атамаси Кул тигин битиғида ҳам келган. Мана мисоли: *Qarl[uq] uу ölürtimiz, altimiz. Az bodun yaғi [b]oltī. Qara költä süñüşdimiz.* – «Қарлукни ўлдирдик, (юртини) олдик. (Сўнг) аз халқи ёв бўлди. Қора кўлда жанг қилдик» (Кб.2).

«Ўғузхоқон» достонида *qarluq* атамаси *qayarliу* шаклида келган. Достонда *qayarliу* нинг келиб чиқиш тарихи ҳам берилган. Унинг воқеаси мана бундай:

Ўғуз хоқон бир чипор танли айғир минар эди. Ўша айғирни бек жуда севар эди. Йўлда шу айғир кўздан ғойиб бўлиб, қочиб кетди. Бу ерда катта бир тоғ бор эди. Унинг устида муз ва қорлар бор эди. Унинг чўққиси совуқдан оппоқ эди. Шунинг учун унинг оти Музтоғ эди. Ўғуз хоқоннинг оти Музтоғ орасига қочиб кетди. Бундан Ўғуз хоқон кўп вақт азият чекди. Кўшинда бир ўта жасур бек бор эди. У ҳеч нарсадан кўркмасди. Юришларда фаол, совуққа чидамли эр эди. Ўша бек тоғ орасига кириб кетди. Тўққиз кундан сўнг Ўғуз хоқонга айғирини (топиб) келтирди. Музтоғда қаттиқ совуқ бўлганидан, бек устини қор қоплаб, оппоқ бўлиб кетган эди. Ўғузхоқон севинганидан кулди ва: «Эй, сен бу ерда бекларга бошлиқ бўлгин, *Қағарлиғ* сенга абадий ном бўлсин» (*Aу sen, munda beglärgä bolyil başliу, (mä) meñläp señä at bolsun Qayarliу*), – деди. Кўп ҳадялар тортиқ қилди ва яна илгари кетди (ЎД,26,4–28,4).

Tatar

Махмуд Кошғарийга кўра: *tatar* – туркий халқларнинг бир уруғи (ДЛТ,165).

Tuxsī

Махмуд Кошғарийга кўра: *tuxsī* – туркларнинг бир тоифаси, *Quyas* да яшайдилар. Уларни *tuxsī čigil* дейдилар (ДЛТ,169).

Türgäs

Бу халқ *türgäs bodun* шаклида Кул тигин битигида тилга олинган: *Ärtis ögüzüg kăčä yoridimiz. Türgäs bodunuy uda basdimiz. Türgäs qayan süsi Bolučuda otča borča kälti, sühüşdimiz.* – «Эртис дарёсини кечиб юрдик. Тургас халқини кўкқисдан босдик. Тургас хоқон кўшини Бўлучуда ўтдай-бўрондай келди, жанг қилдик» (К.37).

Ödgiš

Махмуд Кошғарийнинг ёзишича: *Ödgiš* – аслида *ögdiš* бўлиб, ҳарфлар [товушлар] ўрни алмашиб кетин. *Özjänd* да турувчи туркий қабилалардан бири (ДЛТ,52).

Känjäk

Махмуд Кошғарийга кўра: *känjäk* – бир тоифа турклар (ДЛТ,190).

Кошғарий *Känjäk säñir* деган жой отини ҳам эслайди. Унинг таъкидлашича, у – *Ťirāz* яқинидаги шаҳарнинг оти. Бу ер қипчоқлар худудидир (ДЛТ,190).

Qalač

Qalač – туркий уруғлардан бири. Ёзма манбаларда бу сўз *xalač* шаклида ҳам келади.

«Ўғузхоқон» достонида унинг келиб чиқиш тарихи берилган. Унинг воқеаси шундай:

Ўғузхоқон йўлда катта бир уй кўрди. Бу уйнинг томи олтиндан, де-разалари кумушдан, эшиклари темирдан эди. (Лекин у) қулфланган бўлиб, очқичи йўқ эди. Кўшинда моҳир бир киши бор эди. Унинг оти Тўмурду қағул деган эди. (Ўғузхоқон) унга буйруқ қилди: «Кимсан? Шу

ерда қол, эшикни оч. Эшикни очганингдан сўнг ўрдага кел», – деди. Шу туфайли унга Қалач деб от қўйди (*Sen munda qal, ač. Qaliq(a) ačyundun soñ kel orduya, – dep dedi. Mundan aña Qalač at qoydī*). Кейин илгари кетди (ЎД.28,5–29,5).

Qaṅli

Qaṅli – туркий уруғлардан бирининг оти.

Қадимги туркий тилда *qaṅli* – «арава» дегани. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *qaṅli* – «устига оғир юк ортилган икки ғилдиракли арава»дир (ДЛТ,452). Бу атама киши отига ҳам ўтган. Кошғарий ўз луғатида сўзининг бу маъносини ҳам келтиради. Унинг ёзишича, «қипчоқлардан бир улуғ кишининг номи» ҳам *Qaṅli* дир (ДЛТ,452).

«Ўғузхоқон» достонида *qaṅli*, яъни «арава» сўзи *qaṅya* шаклида келган. Достонда қипчоқ уруғининг келиб чиқиши ҳам «арава» маъносидаги *qaṅya* сўзига боғланади. Асарда қипчоқлардан бўлган улуғ кишининг оти *Qaṅyaluy* бўлиб, бу от уруғ номига ҳам кўчган.

Унда ривоят қилинишича, бу уруғнинг келиб чиқиш воқеаси Журжит деган тузлик ерда юз беради. Бу катта юрт бўлиб, халқи кўп эди. Йилқилари, сигир, бузоқлари, олтин-кумушлари, дуру жавоҳирлари кўп эди. Бу ерда Журжитнинг хоқони ва халқи Ўғузхоқонга қарши чиқди. Уруш, жанг бошланди, ўқ ва қиличлар билан жанг қилдилар. Ўғузхоқон ғолиб келди, Журжит хоқонни енгди, уни ўлдириб, бошини кесди. Журжит халқини ўзига бўйсундирди. Урушдан сўнг Ўғузхоқоннинг аскарига, навкарларига, халқига шундай катта ўлжа тушдики, уни юклаб ортиб кетишга от, хачир, хўкиз озлиқ қилди. Ўғузхоқоннинг қўшинида моҳир, барваста, уста киши бор эди. Унинг оти Бармақлуғ Жўсун Биллиг эди. Бу уста бир арава ясади. Арава устига ўлик ўлжани [яъни мол-мулкни] қўйдилар, арава бошига тирик ўлжани [яъни асирларни] қўшдилар ва тортиб кетдилар. Навкарларнинг, кишиларнинг бари буни кўриб ҳайрон бўлди. Улар ҳам аравалар ясади. Аравалар юрганда «*qaṅya-qaṅya*» деган довуш чиқарарди. Шунинг учун уларни *qaṅya* деб атадилар. Ўғузхоқон қанғаларни кўриб кулди ва: «Арава билан жонсиз ўлжани [яъни мол-мулкни] тирик ўлжа [яъни асирлар] тортсин. Сенга *Qaṅyaluy* деб қўйилган от қанғани [яъни аравани] эслатсин» (*Qaṅya qaṅya birlä ölügni tirig yürügürsün, Qaṅyaluy seṅä at bolıyuluy qaṅya bilgürsün*), – деди ва кетди (ЎД.30,1–32,9).

Қадимги *qaṅli* уруғининг оти баъзи ўзбек топонимларида ҳам учраб туради. Масалан, Тошкентдаги Чилонзор туманининг ёқасида *Katma*

қани, Кичик қани деган маҳаллалар бор. Бу топонимлардаги қани сўзи ўша туркий уруғнинг отидир. Ёки Шош ва унинг теварагидаги ерлар тарихда Қангли давлати деб аталади.

ТУРКИЙ ЁДГОРЛИКЛАРДА ТИЛГА ОЛИНГАН ЎЗГА ҚАВМЛАР БАЁНИ

Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда туркий қавмлар билан маданий, сиёсий-иқтисодий муносабатларда яшаб келган қўшни халқлар тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилади. Куйида ана шу халқлар тўғрисида фикр юритамиз.

Тавуаъ

Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда *tabyač~tawyač* атамаси «хитой»ни билдиради: *tabyač bodun* – «хитой халқи»; *tabyač tili* – «хитой тили»; *Tabyač eli* – «Хитой мамлакати» деганидир. Кўк турк битигларида *tabyač*, «Девону луғати-т-турк»да *tawyač* шаклида келган. Кейинги варианты тўғри. Кўк турк алифбосида [w] ундоши учун махсус ҳарф бўлмагани сабабли, бу сўз матнларда ҳарфи билан ёзилган кўрилади.

Tawyač сўзи ёзма ёдгорликларда бир қанча маънода келган.

Биринчиси: *Tawyač* сўзи «эл, юрт, мамлакат» маъносида келиб, Хитойни билдиради. Жумладан, Иккинчи кўк турк хоқонлиги даврида яратилган Тўньюкүк битиги муаллиф тилидан шундай жумлалар билан бошланган: *Bilgä Toñuquq-bän. Özüm Tabyač äliñä qilintim. Türk bodun Tabyačqa körür ärti.* – (Мен) Билга Тўньюкүкман. Ўзим Табғач элида вояга етдим. (Ўша кезде) турк халқи Табғачга қарам эди (Топ.1). Битигда кечган *Tabyač äli, Tabyač* – «Хитой»ни билдиради.

Маҳмуд Кошғарий бу сўз тўғрисида шундай ёзади: *Tawyač* – *Māšīn* мамлакатининг оти. Бу мамлакат *Šīn* дан тўрт ойлик йўл узоқликда. *Šīn* (Чин) аслида учтадир: биринчиси, Юқори *Šīn* – бу Шарқда бўлиб, бунга *Tawyač* дейилади. Иккинчиси, Ўрта *Šīn*, буни *Xīṭay / Xaṭay* дейилади. Учтинчиси, Қуйи *Šīn*, буни *Varxan* дейилади ва у *Kāšyar* дадир. Лекин ҳозир *Tawyač* ни *Māšīn, Xīṭay / Xaṭay* ни *Šīn* деб юритилади (ДЛТ,180).

Иккинчиси: *Tabyač* сўзи битигларда «халқ, улус» маъносида ҳам келган. Битигларда хитойларни *tabyač, tabyač bodun* дейди. Бу ўринда: *bodun* – «халқ, улус» дегани; бу сўз *bod~bod~boy* сўзидан келиб чиққан: *bod~bod~boy* – «уруғ».

Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг маънолари тўғрисида маълумот берар экан, айрим тоифа турклар ҳам *tawyač* аталганини таъкидлайди. У ёзади: *tawyač* – *ууур*. У *tat* дир. Улар *Šin*, яъни *Tawyač* да яшайдилар...

tat tawyač – «форсий ва турк» демакдир. Биринчи сўз *tat* – «форс», иккинчи сўз *tawyač* – «турк» ўрнида қўлланади.

Менинг наздимда мен айтган изоҳ тўғрироқдир. Ислон ўлкаларидаги машхур ва муносиб тушуниш шудир. У ерларда ҳам шундай. Ҳар иккиси ҳам яхши (ДЛТ,181).

Учинчиси: Битигларда бу сўз *tawyač tili* шаклида келиб, «хитой тили»ни англатади. Масалан, X юзйилликда хитойчадан қадимги туркий тилга ўгирилган «Сюань-цзан кечмиши» асарида «хитой тили» *tawyač tili* деб аталган: *Tawyač tilintin yana bešbaliqliy Šinju Šeli tuduñ yanjirti türk tilinčä ewirmiš bodisatv tayto samtso ačariniñ yoruyin uqitmaq atliñ Tsi-in-čün tigmä kavi nom bitig*. – «Яна бешбалиқлик Шингқу Шели тудун тавғач тилидан ўгирган бўдисатв тайтў самтсў устознинг йўриғи тўғрисида ҳикоя қилгучи «Тси-ин-чун кави нўм битиг» (СЦ.V.87).

Ёки «Олтун тусли ёруғ» сутрасининг якунида асар тавғаччадан турк-уйғур тилига ўгирилган деб қайд этилган: *Bešbaliqliy Šinju Šeli tuduñ tawyač tilintin türk uуur tilinčä ikiläyü ewirmiš nom eligi sudur bitiyü tolu tükäl boldi*. – «Бешбалиқлик Шингқу Шели тутунг тавғач тилидан турк-уйғур тилига таржима қилган нўм тождори сутраси битилиб тўлиқ тугал бўлди» (АҲ.674,4–12).

Тўртинчиси: Битигларда бу сўз *tawyač edi* кўринишида ҳам келган. Ушбу бирикмадаги *ed-ед* қадимги туркийда «буюм, мол, тавар» дегани, *tawyač edi* эса «тавғачнинг нодир матоси; ўта қимматбаҳо буюм» маъносини билдиради. «Қутадғу билиг»да бунга мисол бор:

*Yayız yer yašil torqu yüzkä hadi,
Xitay arqışi yadti tawyač edi.*

«Бўз ер юзига яшил парда тортди,
(Гўё) хитой карвони тавғач молини [бутун оламга] ёйгандай бўлди» (QВН.7b.2).

Ушбу байтдаги *xitay arqışi* – «хитой карвони» деган маънони билдиради; *tawyač edi* бирикмаси – «нодир матолар, қимматбаҳо шойилар» деган англамда. Юсуф Хос Ҳожиб кўклам манзараларини тасвирлар экан, бўз ер юзига яшил парда тўртганлиги, бу кўриниш гўё хитой карвони нодир матоларни оламга ёйгандай бўлганини ташбеҳ қилмоқда.

Маҳмуд Кошғарий ҳам сўзнинг ушбу маъносига алоҳида эътибор қаратган. У *tawyač* сўзига таъриф берар экан, «ҳар бир эски ва катта нарсага *tawyač eđi* деб айтилишини» таъкидлайди (ДЛТ,181).

Бешинчиси: Сўзнинг юқорида қайд этилган «буюк; қадимги» маъносидан унинг бошқа бир янги – унвон маъноси ҳам келиб чиққан. Бунинг далилини Маҳмуд Кошғарий яхши очиб берган. Унинг ёзишича, *tawyač* сўзи хонларга унвон бўлиб ҳам келади. «Шоҳларнинг *tawyačxan* дейлиши шундандир, «катта ерли, эски хон» деган маънодадир (ДЛТ,181).

Айрим олимлар қорахонийлар қўллаган *tawyač* унвонини сўзнинг «эл, юрт, мамлакат» (Хитой мамлакати) маъносидан келиб чиққан; қорахонийлар ўзларини хитой императорлари билан тенглаштирган, дея изоҳлайдилар. Аслида эса қорахонийлар қўллаган *tawyač* унвонининг «эл, мамлакат, юрт» маъносига боғлиқлиги йўқ.

Маълумки, қорахоний хонларнинг айрими *tawyač* унвони билан юритилган. Жумладан, XI юзйилликда юртни бошқарган Буғраҳон ана шундай унвонга эга эди. «Қутадғу билиг» асарида Юсуф Хос Ҳожиб уни *Tawyač uluу Buyraхан* дея тилга олади. Мана маликнинг таърифи баён этилган ўша байт:

*Ažun tutti Tawyač uluу Buyraхан,
Qutadsu, bu ati yarutsu jihan.*

«Тавғач улуғ Буғраҳон оламни қўлга олди,
Қутли бўлсин, бу оти жаҳонни ёритсин» (QВН.7b.21).

Ёки асарнинг насрий муқаддимасида у *Mašriq maliki, Tawyač xani* дея тилга олинган (QВН.2a.14).

Демак, туркий битигларда кечган *tabyač~tawyač* сўзи «эл, юрт, мамлакат» маъносидан ташқари «эл, улус», «хитой тили», «нодир; катта, буюк», «турк хонларининг унвони» сингари маъноларда ҳам келган. Туркий битиглар устида тадқиқот олиб борганда, матнларни ҳозирги тилга ўгирганда унинг ушбу маъноларини эътибордан қолдирмаслик керак.

Tüpüt

Tüpüt – Тибетнинг бурунги оти. Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда *tüpüt* атамаси «халқ оти» (этноним) ҳамда «юрт оти» (топоним) маъноларида келади.

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича: *tüpüt* – Турк диёрида яшовчи бир қавм. Мушк олинадиган кийик шуларнинг ерида бўлади. Унинг кинди-

ги кесиб олинади. Бу мушк кутисидир. Булар бир жиноят қилиб, *Yaman* дан қочиб, денгиз йўли билан *Şin* га бориб ўрнашиб қолган *Sābit* деган кишининг авлодидир. У киши шу ерни ёқтириб, жойлашиб қолган ва авлоди кўпайган. Авлодлари кўплигидан турклар еридан бир минг беш юз фарсах ерни олганлар. Шарқ томони *Şin*, ғарб томони *Qīsmīr*, шимол томони *Uyūr* эллари, жануб томони эса *Hind* денгизидир. Уларнинг тилларида арабчанинг таъсири бор. Чунки улар «она»ни *uma*, «ота»ни *aba* дейдилар (ДЛТ,143).

Türüt юрт оти сифатида кўк турк битигларида ҳам кўп учрайди. Мана бир мисол: *Birgärü Toquz ärsänkä tägi sülädim, Türütkä kīçig [täg] mädim*. – «Жанубга – Тўқуз арсанга қадар лашкар тортдим, Тупутга бир оз етмадим» (Ка.3).

Манбаларда *Türüt tili* атамаси ҳам учрайди, бу атама ўша халқ тилини англатади. Масалан, «Олтун тусли ёруғ» сутрасининг муқаддимасида ушбу бўлим тупут тилидан таржима қилингани қайд этилган: *Türüt tilintin uyūr tiliñä ewirtim*. – «Тупут тилидан уйғур тилига ўгирдим» (АУ.30,8–9).

Soydaq

Суғдлар ва уларнинг юрти туркий ёзма ёдгорликларда *soydaq* деб аталган. Ушбу атама этноним сифатида ҳам, топоним (юрт номи) сифатида ҳам манбаларда тез-тез учраб туради. Масалан, Кул тигин битигида:

Soydaq bodun itäyin tiyin Yinçü ögüzüg kăçä Tämīr qarīyqa tägi sülädimiz. – «Суғд халқини тартибга солайин деб Йинчу дарёсини кечиб, Темир қопиққа қадар лашкар тортдик» (К.39).

Tat

Маҳмуд Кошғарий *tat* сўзининг маъноси тўғрисида шундай ёзган: *tat* – бутун туркларнинг наздида форс. Мақолда шундай келган: *Tatiy közrä, tikänig tübrä*. Маъноси: «Татнинг кўзига ур, тиканнинг тубидан кес». Яғма, тухсилар наздида бу сўз ислом динини қабул қилмаган уйғурлардир. Мен буни ўз шаҳарларида уларнинг ўзидан эшитдим. *tat tawyaç* – уйғурлар ва *şin* ликлар, демакдир. Бу ибора *tat* сўзини уйғурларга нисбатан ҳам, *şin* ликларга нисбатан ҳам қўлланишидан дарак беради. Мақол маъноси ҳам шунга олиб боради. Чунки улар вафосиздир: тиканнинг жазоси томиридан узиш бўлса, уйғурга лозими кўзига уришидир. Бошқа бир мақолда шундай келган: *Tatsiz türk bolmas, başsiz börk*

bolmas. Маъноси: Форслар бор ерда турклар албатта бор. Бошсиз бўрк бўлмагани каби, турксиз форс бўлмайди. Бош бор ерда бўрк, албатта, бор (ДЛТ,295).

Ānātkāk

Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда «ҳиндлар»ни *ānātkāk* дейилган; «санскрит тили»ни *ānātkākčā* ёки *ānātkāk tili*; «Ҳиндистон»ни эса *Ānātkāk* ёки *Ānātkāk eli* аталган.

«Олтун тусли ёруғ» асарининг илк бобларидан бирида шундай қайдни ўқиймиз: *Sekiz uluḡ orunlartaqī čaytīlarniḡ ögdisin men Amogaširi ačari ānātkāk tilintin türk uyyur tilinčā tāñri burqañ tuymış ud yilin törtünč ay tört yigirmikā aytariḡ öz iligin qoturu tegintim*. – «Саккиз улуғ ўриндаги қутлуғ ерларнинг мадҳини мен, Амогашири анаткак тилидан турк-уйғур тилига тангри бурхон туғилган сигир йили, тўртинчи ойининг ўн тўртинчи кунни ағдариб, ўз қўлим билан тугалладим» (АҲ.33,14–20).

Яна бир мисол: *bir ślök ānātkākčā azu türkčā* – «бир шлок анаткакча [санскритча] ёки туркча» (АҲ.33,24).

Toxrī

Битигларда тилга олинган *toxrī*, бу тоҳарлардир, уларнинг тили эса *toxrī tili* деб аталган. Тўхрилар ҳозирги Афғонистоннинг жануби-шарқий ўлкалари, Синжоннинг ғарбий ҳудудларида яшаган. Уларнинг ўз тили, давлати ҳам бўлган. Тўхри тили эски эроний тиллар гуруҳига тегишли бўлиб, XII–XIII юзйилликларга қадар яшади, сўнг ўлик тилга айланди.

Тўхри тили гуллаб-яшнаган чоғларда, унда кўплаб ёзма ёдгорликлар яратилган. Айниқса, буддизм даврида у санскрит билан туркий тил ўртасида боғловчи тил вазифасини ҳам бажарган: будда асарлари санскрит тилидан тўхрига, ундан эса туркий тилга таржима қилинади эди.

Масалан, «Майтри симит нўм битиг» асарида шундай қайд этилган:

Alqu šasatar nomlaray adartlayu uqtačī vaybaš šasatarlay noš suwsuz ičmiš Aryačantri bodisavt kaši ačari ānātkāk tilintin toxrī tilinčā yaratmiš, Partanarakšit Karnavažiki türk tilinčā āwirmiš Maytri simit (nom bitig). – «Борлиқ шастарларни фарқлаб, аниқ ўқитган, вайбаш шастарли шартатни ичган, Арйачантри бўдисавт устоз анаткак тилидан тўхри тилига ағдарган, (ундан олиб) Партанаракшит Карнаважики турк тилига ўгирган «Майтри симит нўм битиг» (MS.141).

Қадимги туркларда «халқ» ва «юрт» тушунчалари

Қадимги туркий тилда ижтимоий уюшмани *bodun* аталган, бу сўз ҳозирги тушунчамизда «халқ, улус» дегани. Кейинчалик бу сўз товуш ўзгаришига учраб (*d>δ>y*), *bodun*, *boyun* ҳам дейилган. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий бу сўзни *bodun* шаклида бериб, «халқ, омма» дея изоҳлайди ва у чигилча эканлигини [яъни, чигиллар уни ана шундай талаффуз қилганлигини] таъкидлайди (ДЛТ,160).

Bodun сўзи халқнинг отига қўшиб ишлатилганда, муайян халқ англашилади: *türk bodun* («турк халқи»), *oғuz bodun* («ўғуз халқи»), *qarluq bodun* («қарлуқ халқи»), *tatabi bodun* («татаби халқи»), *soғdaq bodun* («суғд халқи»), *tabғač bodun* («табғач халқи») сингари.

Матнда ишлатилишига эътибор беринг: *Bu türk bodunға yaraqliғ yauғy kälürmädim*. – «Бу турк халқига қурол-яроқли ёвни яқинлаштирмадим» (Тон.54).

Ёки бошқа мисол: *Körüg sabi antay: Toғuz oғuz bodun üzä qayan olurti, tir*. – «Кўрувчининг хабари шундай: «Тўқуз ўғуз халқи устидан (бир) хоқон тахтга ўтирди», – дер» (Тон.9).

Битигларда *bodun* сўзи, ўрни билан, «эл, мамлакат» маъносида ҳам ишлатилган. Масалан, ишлатилишига қараб, *türk bodun* деганда, «турк бўдун мамлакати / турк халқининг мамлакати»; *tabғač bodun* деганда, «табғач бўдун мамлакати / табғач халқининг мамлакати» ҳам англашилади.

Кул тигин битигидан мисол: *Tabғač bodunға bäғlik uri oғlin qul bolti, silik qiz oғlin күñ bolti*. – «Табғач мамлакатига бек бўладиган ўғли билан қул бўлди, сулув қиз ўғли билан жория бўлди» (К.7).

Туркий тил тарихида «ижтимоий уюшма, халқ» англамида *bodun~bodun* га синоним сифатида *ulus* сўзи ҳам ишлатилган.

Қадимги туркий тилда «уруғ; қабила» англамида *bod* сўзи ишлатилган. Бу сўз кейинчалик товуш ўзгаришга учраб *boy* га айланган: *bod>bod>boy*.

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича: *boy* – (йўғон унли [яъни, о] билан) «халқ; қабила; зурриёт, насл» (ўғузча). Бир-бирини танимаган икки киши учрашиб қолса, дастлаб бир-бирига салом беради, сўнг *boy kim?* деб сўрашади, «элатинг, қабиланг қанақа?, қайси элатдансан?», демакдир. Сўралган киши бунга жавобан элатим *salғur* (элатим салғур қабиласи) дейди ёки китоб бошида зикр қилинган қабилалардан бирортасининг отини айтиб жавоб беради. Сўнг улар ўзаро сўзлашадилар ёки ўз йўлларига кетадилар. Шундай қилиб, улар бир-бирларининг уруғ-аймоғини билиб олишади (ДЛТ,371).

Тўнюқуқ битигидан мисол: *Bān yoq ārtim ārsār, Qarāyan qayan, türk sir bodun yārintā bod yāmā, bodun yāmā, kiši yāmā idi yoq ārtāči ārti.* – «Мен бўлмаганимда, Қапаған хоқон, турк сир халқи ерида уруғ ҳам, халқ ҳам, киши ҳам эгалик қилолмас эди» (Топ.59–60).

Воу сўзи «уруғ, насл уруғи; қариндош-уруғ» англамларида ҳозирги ўзбек тилида ҳам сақланиб қолган: *қайин бўйлар* дейдилар, бунинг маъноси «қайин уруғлар» демак. Ёки: *буйи етган қиз; бўйи етган ўғил* деймиз. Бу «қизининг ёки ўғлининг бўйи, қомати етилиб, баланд бўйли бўлди» дегани эмас. Аксинча, «бўйи, яъни уруғи етилди; энди уни уйлантирса, турмушга берса бўлади» деганидир. Шунинг сингари, ўзбекларда уйланмаган йигит кишини *бўйдоқ*, турмушга чиқмаган қизни эса *бўй қиз* дейилади.

Ислом давридан бошлаб туркий тилда «улус» маъносида араб тилидан ўзлашган *халқ* сўзи ҳам ишлатила бошлади.

Қадимги туркларнинг ижтимоий-сиёсий, давлат уюшмаси *il~ül~el* дейилган.

Тўнюқуқ битигида унинг ишлатилишига шундай ўрнак бор: *Türk Bilgā qayan āliñā bititdim bān bilgā Toñuquq.* – «(Ушбу битигни) турк Билга хоқон элида ёздирдим мен билга Тўнюқуқ» (Топ.58).

Эски туркий тилда «юрт» маъносида *yurt* сўзи ишлатилган (*қаранг*: КТТ.5).

Ўтмишда «мамлакат, юрт» маъносида *yār~yer* сўзи ҳам ишлатилган. Бу сўз бирор улус ёки ҳукумдор номига қўшилиб, бу «ер, тупроқ», яъни «юрт»нинг ўша улусга ёки ҳукумдорга қарашли эканлигини англатади. Масалан, Тўнюқуқ битигида: *Türk sir bodun yārintā bod qalmadī.* – «Турк сир халқи ерида (бирор) уруғ қолмади» (Топ.3–4).

Қадимги туркларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий турмуш тарзини акс эттирган тушунчалар

Ёзма ёдгорликларда туркий халқнинг ижтимоий-сиёсий, маданий яшаш тарзи билан боғлиқ иккита атамани учратамиз. Бири – *türk sir bodun*, иккинчиси эса *türk yoçul bodun* атамасидир.

Биринчиси Тўнюқуқ битигида кечган. Ушбу атама матнда бешта ўринда келади (битигнинг 3,11,60,61,62- қаторлари). Масалан, ёв босқинидан кейинги мудҳиш ва аянчли воқеалар тасвирланар экан: *Türk sir bodun yārintā bod qalmadī*, дейилади битигда (Топ.3–4).

Келтирилган гапдаги *türk sir bodun* атамаси кўпдан буён олимларни ўйлантириб келаётир. Олимлар унинг маъносини турлича талқин қилдилар (*қаранг*: Содиқов 2004,38–41).

Жумладан, С.Е. Малов бу гапни рус тилига «В стране народа тюрков-сиров (?) не осталось (государственного) организма» деб таржима қилган (Малов 1951,65). У матнда кечган *türk sir bodun* атамасини «народ тюрков-сиров» деб таржима қилиб, қавсга сўроқ аломатини қўйиб кетган; «қавм, уруғ» англамидаги *bod* атамасини эса, «(государственный) организм» деб ўгирган.

«Древнетюркский словарь»да бу атама *türk sir* шаклида олинди, маъноси: «этно. название одного из тюркских племен (?)» деб изоҳланган ва қавсда сўроқ аломати қўйиб кетилган (ДТС,599).

Бу жумла Ҳ. Ўрқуннинг туркча таржимасида шундай: *Müttehit (?) Türk milletinin yerinde Boy kalmadı* (Orkun 1987,100). У битигдаги *sir* сўзини ҳозирги туркчага *müttehit*, яъни «бирлашган» деб ўгириб, қавсда сўроқ аломатини бериб кетган. Бошқа ўринларда ҳам шундай.

А. Рустамов асарнинг «Қадимги туркий тил» китобига киритилган матнида *Türk sir bodun yärintä bod qalmadı* гапни ўзбекчага «Турк сир халқи ерида [бирор бут] уруғ қолмади» деб ўгирган (Абдурахмонов, Рустамов 1982,71 ва 80- бетдаги 21, 23- изоҳларга қаранг).

Матнга эътибор қаратилса, *türk sir bodun* бирикмаси 3,11,60- қаторларда *yär* (яъни, «ер») сўзи билан бирикиб, унинг аниқловчиси бўлиб келган: *türk sir bodun yäri*. Кўринадикки, бу сатрларда айни халққа (яъни, турк сир бўдунга) тегишли ер (худуд, давлат, мамлакат) кўзда тутилмоқда. Шунга кўра, *türk sir bodun* атамаси муайян элга нисбатан қўллангани аён бўлади. Лекин бирикмадаги *sir* сўзини туркий қавмлардан бирининг оти деб тушунмаслик керак.

Таъкидлаш ўринлики, қадимги туркий тилда этнонимларнинг шаклланган қолипи мавжуд эди. Жумладан, *türk* сўзи барча туркий қавмларнинг (уюшманинг) умумий отини билдирган. Матнларда туркий қавмлар *türk bodun* деб аталган. Бирон туркий қавм кўзда тутилган тақдирда ўша қавмнинг отига *bodun* сўзини қўшиб айтилган: *oғuz bodun* – «ўғуз халқи», *toғuz oғuz bodun* – «тўғуз ўғуз халқи» сингари. Туркий бўлмаган қавмларнинг отлари ҳам ана шундай тартибда айтилаверади: *tabyaç bodun* – «табғач халқи», *soғdaq bodun* – «суғд халқи» ва б. Ана шу тартиб назарда тутилса, *türk sir bodun* бирикмасидаги *sir* сўзи қавмнинг оти эмас, балки халқнинг бир тоифаси эканлиги маълум бўлади.

Энди битигда келтирилган далиллар асосида «турк сир бўдун»нинг жойлашган худудини аниқлаб кўрайлик. Бошлаб, Қул тигин ва Билга хоқон битигларида кечган ***kök türk*** атамасига эътибор қаратсак. Ушбу атама таркибидаги *kök* сўзи рангни эмас, туркларнинг ўзагига ишора қилиб, «илдиз, асос» маъносини билдиради. Битигларда *kük* турклар яшайдиган худуд чегараси ҳам кўрсатилган:

Tört buluq qop yağı ärmis, sü süläpän tört buluqdaqi bodunuy qop almıs, qop baz qilmıs, başliyi yüküntürmis, tizligig sökürmis. İlgärü Qadırqan yışqa tägi, kirü Tämır qapıyqa tägi qonturmıs. Äkin ar[a] idi oqsuz kök türk ança olurur ärmis.

(Тўрт тараф бутунлай душман экан. Лашкар тортиб, тўрт ёқдаги халқни бутунлай олган(лар), бутунлай тобе қилган(лар). Боши борни юкунтирган(лар), тиззаси борни тиз чўктирган(лар). Шарққа – Қадирқан йишга қадар, ғарбга – Темур қопиққача манзил қилган(лар). Иккинсининг [яъни, Қадирқан ва Темур қопиғнинг] орасида хўжайинсиз, танобсиз [чекланмаган ерга эгалик қилиб] кўк турк [яъни, асл турк] шу тарзда яшар экан) (К.2–3).

Демак, матнда оти тилга олинган кўк турк халқининг ери шарқда Қадирқан йишдан тортиб, ғарбда Темур қопиққача бўлган улкан худудга чўзилган эди. Айни факт асосида хулоса қилинадиган бўлса, *kök türk* атамаси Биринчи ва Иккинчи турк хоқонлиқлари давридаги бутун туркий қавмларга нисбатан қўлланилгани аён бўлади. Демак, ўша давр турклари ана шундай аталган.

Тўнюкуқ битигида қайд этилган «*türk sir bodun yäri*» нинг чегараси эса нисбатан кичик: Шарқда Қитан, Жанубда Табғач, ғарбда Қурдан, шимолда Ўғуз эли билан ўралган (*қаранг*: Топ.14). Матнда ёзилувига қараганда, унга ўнгдан табғач, олдиндан қитан, чапдан ўғуз бирлашиб, хужум уюштирдилар (Топ.11–12). Битигда Элтариш хоқон тасарруфидаги худудгина «*türk sir bodun yäri*» деб қайд этилган (Топ.12). Муҳими, ушбу атама туркий қавмларнинг барига нисбатан қўлланган эмас. Чунончи, битигда ўн ўқ хоқони, қирқиз хоқони ҳам душман ва улар ушбу худуддан ташқаридаги улуслар деб таърифланади (Топ.19–20).

Битиг охирида Билга хоқоннинг турк сир халқини ва ўғузларни бошқариб турганлиги таъкидланади. Бу ўринда ҳам турк сир бўдун ўғузлардан айри халқ сифатида таърифланиб, уларнинг иккаласи кетмакет санаб ўтилган: *Türk Bilgä qayan türk sir bodunuy, oғuz bodunuy igidü olurur.* – «Қудратли Билга хоқон турк сир халқини, ўғуз халқини тарбият қилиб турибди» дейилади унда (Топ.62).

Демак, *türk sir bodun* атамаси туркий қавмларнинг барини эмас, муайян қисмини англатган. Шунга кўра, турк сир бўдунни кўк туркларнинг бир бўлаги дейиш мумкин. Худудига кўра, шарқий туркларга тўғри келади. Битигда келтирилган табғач, ўн ўқ хоқони, қирқиз хоқони – учови бирлашиб, шарққа – турк хоқонига қўшин тортиш тараддудида эканлиги тўғрисидаги маълумотда ҳам бунга ишора бор. Мана ўша сатрлар:

Tabyaç qayan yaғimiz ärti. On oq qayanı yaғimiz ärti. Artuq qırqız küçlüg qayan yaғimiz bolti. Ol uç qayan ögläşip, Altun yiş üzä qabsalim, tämiş, ança ögläşmiş, öñrä türk qayanıyaru sülälim tämiş.

(Табғач хоқони душманимиз эди. Ўн ўқ хоқони душманимиз эди. Буларга кўшилиб, қирқизнинг кучли хоқони (ҳам) душманимиз бўлди. Ўша уч хоқон фикрлашиб, Алтун йиш устига талон солайлик дебди, ана шундай фикрлашибди, Шарққа – турк хоқонига лашкар тортайлик, дебди) (Топ.19–20).

Мисоллардан англашиладики, Тўнжукүк битигида кечган *türk sir bodun* атамаси этнос ёки қавми эмас, балки хоқонлик ҳудудида яшовчи муайян улусни англатмоқда. Бу атама, ҳарқалай, туркий элнинг ўтроқ ҳаёт кечирувчи қисмига нисбатан қўлланган кўринади. У шаҳар халқини ҳамда қишлоқ шароитида деҳқончилик билан шуғулланувчи, ўтроқ ҳаёт кечирувчи халқни билдирган дейиш мумкин.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, битигида ишлатилган *Türk sir bodun yärintä bod qalmadi* гапани: «Турк сир халқи [яъни, ўтроқ турк халқи] ерида бирор уруғ қолмади» дея талқин қилингани маъқул.

Атамалардан бошқа бири – *türk yoçul bodun* эса «Сюань-цзан кечмиши» асарида қўлланган. Асарни нашрга тайёрлаган олима Л.Ю. Тугушева бу атамани рус тилига матн ичида «тюркский кочевой народ», асар бўйича тузган луғатида эса: *этно. «хунну»* деб ўгирган (Тугушева 1991,250–251; 376). Бу ўринда атама матн ичида келганда бирикманнинг туб маъносидан келиб чиққан ҳолда талқин қилинган, луғатда эса туркларнинг ота-боболари бўлмиш хунлар кўзда тутилган.

Ҳарқалай, *türk yoçul bodun* атамаси «ёз ойларида чорваси билан жойдан-жойга кўчиб юрувчи яйлов халқини» англатган кўринади.

Асардан олинган қуйидаги мисолларга эътибор қилинг:

Türk yoçul bodun ertiñü ayam-lig (bo)lti. – «Турк кўчманчи халқ беҳад қадр топди» (СЦ.VI.43,17–22).

Türk yoçul bodun ertiñü kötrülti. – «Турк кўчманчи халқ беҳад юксалди» (СЦ.VI.44,25–26).

Шуларга таяниб, битигларда кечган қадимги туркларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий турмуш тарзини ифода этган учта атама маъносини фарқламоқ керак:

буларнинг биринчиси, *kök türk* – Биринчи ва Иккинчи турк хоқонлиқлари давридаги туркий улуснинг ялпи отини билдирган;

иккинчиси, *türk sir bodun* – ўша замонлардаги туркларнинг бир ерда муқим ўрнашиб, ўзининг ерига-сувиغا эга бўлган, ўтроқ ҳаёт кечирувчи қисми;

учинчиси, *türk yoçul bodun* эса туркларнинг яйлов шароитида бир ердан бошқа ерга кўчиб, чорвачилик билан кун кўрувчи халқни англатган.

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ

Туркий халқлар қадимдан Евро-Осиёнинг улкан ҳудудларида яшаб келмоқда. Ерининг тузилиши ва кенглиги, иқлимнинг турли-туманлиги, табиий-географик шароити, ўсимлик дунёси туркий улусларнинг яшаш тарзига, маданияти, ижтимоий-иқтисодий аҳволига ўз таъсирини ўтказиб келган. Туркларнинг тирикчилигию турмуш тарзи, кундалик ишларидан тортиб маънавий оламигача – бари-бариси шунга бўйсунган эди.

Ҳозирги тарих китобларида, илмий тадқиқотларда илк ўрта асрлар тарихи тўғрисида сўз юритилар экан, туркий халқларни «кўчманчилар» («кочевники») деб таърифланмоқда.

Ўтмишдаги, айнан, илк ўрта асрларда яшаган туркий халқларни кўчманчилар эди, дейиш мутлақо хато ва илмий-методологик жиҳатдан асоссиздир. Чунки, ўша замонлардан қолган сонсиз-саноқсиз битиглар, тарих китоблари, археологик топилмалар бирин-кетин юзага келган қудратли хоқонлиқлар, турк давлатлари, туркий улуснинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Бундан ташқари, кўҳна шаҳар ва кентларнинг харобаларидан чиққан архитектура ёдгорликлари, шаҳар қурилиши, маданияти, қадимги туркларнинг маданий турмушига оид санъат асарлари, хоқонлиқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳолатини акс эттирувчи, давлат ва жамият бошқаруви тўғрисида қанчадан-қанча расмий ҳужжатлар, ёзма ва оғзаки адабиёт намуналари, диний-фалсафий, илмий асарлар сақланган. Энг муҳими, қадимги турклардан қолган битиглар бир эмас, бир қанча такомиллашган алифболарда битилган. Шунинг ўзиёқ, қадимги туркларнинг маънавий-фалсафий, илмий-маърифий тафаккурининг нечоғлиқ юқори босқичда эканлигини англатиб турибди.

Энди, манتيқ қилиб кўринг: кўчманчи халқда давлат бўладими, кўчманчининг ёзуви бўладими? Шаҳарчилик маданияти, деҳқончилик бўладими кўчманчида?

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қадимги туркий халқларнинг турмуш тарзи кўп укладли эди: уларда шаҳарчилик маданияти ҳам, деҳқончилик ҳам, чорвачилик ҳам бўлган. Яйловларда яшаб, чорвачилик, йилқичилик қилиб кун кечирган жамоани кўчманчилар билан қориштирмаслик керак. Булар бошқа-бошқа нарсалардир.

Ўтмишда туркий халқларнинг ҳаёти бир текис кечган эмас, унинг кечмиши жамият ва табиат қонунларига, улкан Евро-Осиё ҳудудидаги

иқлим ўзгаришларига бўйсунган ҳолда доимий юксалишу инишлардан иборат эди. Жамият ҳаётидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий юксалишлар вақт-вақти билан инқирозга ҳам учраб турган. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари тарих китобларида яхши очиб берилган (қаранг: Антонов 1984,17–21).

Шунга қарамай, иқтисоди ва маданиятида ўсиш бўлган кезларда туркий халқлар мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Улар шарқ халқлари орасида етакчи ўринда турди. Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва йилқичилик билан бир қаторда, шаҳарчилик, давлат ва жамият бошқарувида, илм-фан ва фалсафий фикрлар ривожига йирик-йирик кашфиётлар қилди.

Ўлкаларнинг табиий-географик ҳолати, ер тузилиши, иқлими, ўсимлик дунёси билан боғлиқ ҳолда ўтмишдаги туркий халқларнинг турмуш тарзи бир неча хил бўлган.

Шаҳар турмуш тарзи

Бу бевосита шаҳар ҳаёти, маданияти, хунармандчилик, тўқувчилик ҳамда тикувчилик, савдо-сотик ишлари ва шаҳар қурилиши билан боғлиқ юмушларни ўз ичига олган. Мамлакатнинг бошқарув тизими (давлат аппарати), илм-фан, санъат ва маданият, ижод ва таълим ишлари ҳам шаҳар тумуш тарзининг муайян бўлагини ташкил қилади.

Эски битиглар туркларнинг шаҳар қурилиши, маданияти, бошқарув тизими, иқтисоди, хўжалиги, ижтимоий қатлами тўғрисида ҳам яхши маълумот беради.

«Шаҳар» маъносини англатган сўзлар. Қадимги туркий тилда «шаҳар» маъносини англатадиган сўзлардан бири – *balıq* дир.

Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг этимологиясини яхши очиб берган. Унинг ёзишича: *balıq* – жоҳилия давридаги турклар ва уйғурлар тилида «шаҳар». Уйғурларнинг энг катта шаҳарларига *Beşbalıq* дейилиши шундандир. *Beşbalıq* – «беш шаҳар» демакдир. Уйғурлар бошқа бир шаҳарларига *Yañıbalıq* (янги шаҳар) дейдилар (ДЛТ,152).

Balıq сўзи билан ясалган топонимлар битигларда кўп учрайди. Масалан, Билга хоқон битигида: *Bir yılqa tört yoli süñüşdim. Äñ ilki Toyu balıqda süñüşdim.* – «Бир йилда тўрт марта жанг қилдим. Энг аввал Тўғу балиқда жанг қилдим» (X.30).

«Шаҳар» маъносини англатадиган сўзлардан яна бири *kend* дир.

Бу сўзнинг маъносини ҳам Маҳмуд Кошғарий яхши таърифлаган. Унинг ёзишича: *kend* (~*känd*) – «шаҳар». Бундан олинб *Käşğar* ни

Ordukend – «хон турадиган шаҳар; марказ» маъносида қўлланади. Чунки бу шаҳарнинг ҳавоси яхши бўлгани учун *Afrāsiyāb* шу ерда яшар эди. У қуйи *Şin* дир (ДЛТ,140).

Маҳмуд Кошғарий *kend* атамасининг бошқа бир маъносига ҳам тўхталган. У ёзади: *kend* (~*kānd*) – ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар тилида «қишлоқ». Кўпчилик турклар наздида «вилоят»дир. Шунинг учун *Fargāna* ни *Özkend* – «ўз шаҳримиз» дейдилар. *Samarqand* ни катталиги учун *Semizkend* – «семиз шаҳар» дейдилар. Буни форслар *Samarqand* тарзида қўллайдилар (ДЛТ,140).

Ёки яна чоғиштиринг, «Таржумони туркий» луғатида: *kent* – «қўй». Туркманчада *kōu* ҳам дейилади (КТТ,6).

Битигларда бу сўз *ken* (~*kān*) шаклида ҳам ишлатилган. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича: «Кунчиқар томондаги ҳар бир шаҳарга *ken* (~*kān*) дейдилар. Бу сўз *kend* (~*kānd*)нинг қисқарганидир» (ДЛТ,139).

Маҳмуд Кошғарий *Toşkent* отининг этимологияси ва кент тарихи тўғрисида ҳам яхши маълумот берган. Унга кўра: *Taşkān* – *Şaš* нинг оти. Унинг асли *Taşkend* бўлиб, «тошдан қурилган шаҳар» демакдир. *Abu Bakri Qaffāl Şaṣī* шу шаҳарда туғилиб ўсган (ДЛТ,176).

Қадимги туркий *kend~kānd* сўзи ҳозирги жой отларида кенг сақланган. Масалан, *Toşkent*, *Чимкент*, *Паркент* (*пар* – «юқори» дегани; *Паркент* – «юқори кент»), *Пискент* (*пис* – «беш»; *Пискент* – «бешкент» дегани), *Заркент*, *Панжикент* («бешкент» дегани) отларидаги *-кент*. Шунингдек, *Самарқанд* сўзининг таркибидаги *-қанд*, *Хўжанд* даги *-жанд*, *Қўқон* (тарихий оти – *Хўқанд*)даги *-қанд*, *Андижон* (тарихий оти – *Андижанд*) сўзи таркибидаги *-жанд* ҳам *kend~kānd* нинг товуш ўзгарган шакллари дир. Яна бир жиҳати, *Панжикент* – *Пискент* – *Бешбалиқ* – буларнинг учаласи бир қолипда ясалган отлардир; маъноси «бешкент» дегани.

Қадимги туркий тилда «шаҳар» маъносида *ordu* сўзи ҳам ишлатилган; «шаҳар»ни англатувчи бошқа сўзлардан фарқли ўлароқ «пойтахт»ни билдирган. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича: *ordu* – «шоҳ турадиган шаҳар, ўрда». Шунинг учун *Kāşgar* ни *Ordukend* дейдилар, яъни «шоҳлар турадиган шаҳар» демакдир (ДЛТ,63).

Унинг таъкидлашича, бу сўз шаҳарнинг оти таркибида ҳам келган. Мана унинг ёзганлари: *Ordu* – *Balasağun* яқинидаги бир шаҳар, шунинг учун *Balasağun* ни *Quzordu* ҳам дейилади (ДЛТ,63).

Ordu сўзи «хон саройи, ўрдаси» маъносида ҳам ишлатилган. Жумладан, араб сайёҳи ва тарихчиси Ибн Баттута султон Тармаширин мамлакати хотираларида «Мен у ерда «ўрду» деб аталадиган қароргоҳда бир неча кун туриб қолдим» деб ёзади (Ибн Баттута 2012,370).

Ёки Маҳмуд Кошғарийда *ordulandi* феълининг ишлатилишига *beg bir yerig ordulandi* гапи мисол келтирилган. Бунинг маъноси эса «бек бир ерни ўзига ўрда қилдирди» деб изоҳланган (ДЛТ,123).

Ўтмишда *ordu* сўздан лавозим отлари ҳам ясалган. Масалан: *ordu basi* – «шоҳлар хизматидагиларнинг оти» (ДЛТ,63).

Ordu сўзи ҳазир ҳам айрим отларда учраб туради. Жумладан, ҳозирги *урду тили* атамаси эски ўзбек тилидаги *ordu* сўзидандир. Бу атама бо-бурийлар замонидан қолган. Бошлаб у «ўрда тили, сарой тили» деган маънони англатиб, кейинчалик бутун бир халқнинг ёзма адабий тилига айланган. Мирзо Ғолиб ана шу тилда ижод қилган. *Урду тили* – ҳозирги Покистоннинг давлат тилидир.

Ёки Тошкентнинг қоқ ўртасида *Ўрда* деган жой бор. Қачонлардир бу ерда хон ўрдаси эди, *Ўрда* оти ўшандан қолган.

Яна Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, «шоҳ қасри»ни *qarsi* аталган (ДЛТ,169). Ҳозирги *Қарши* шаҳрининг оти ҳам шу сўздан олинган.

Битигларда *qorʻyan* сўзи ҳам бор. Бу сўздан жой отлари ҳам ясалган. Масалан, бу сўз Билга хоқон битигида қуйидаги жумлада келади: *Maʻyī qorʻyan qīšladuqda yut bolti.* – «Мағи қўрғон(да) қишлаганимизда (элда) ют бўлди» (X.31).

Qorʻyan сўзи ҳозирги Ўзбекистондаги баъзи жой отларида ҳам сақланган. Масалан, *Каттақўрғон*, *Оққўрғон*, *Байтқўрғон* сингари. Ёки ўзбек маҳаллаларидаги ўрамлар (ҳовли-эшикларнинг бир түпи) ҳам *қўрғон* дейилади.

Šahar ҳамда *qala* (<*qalʻa*) сўзлари туркий тилларда нисбатан кейинроқ ишлатила бошлади, улар араб тилидан кириб ўзлашган. Булар шаҳар отларида ҳам келади. Масалан, *Шаҳрисабз*. Ёки яна чоғиштиринг, Хоразм топонимларидан: *İčānqala* – «ички қалъа» дегани; *Dišanqala* – «ташқи қалъа, яъни шаҳар ташқарисидаги ўрда».

Шаҳарлар тўғрисидаги маълумотлар. Илк ва ўрта асрларда кечган туркий салтанат ва давлатларда шаҳар қурилиши такомиллашган, йирик-йирик шаҳарлар бунёд этилган эди. Ёзма манбалар, тарих китоблари, узоқ ўлкалардан бу юртларга келган сайёҳу мусофирларнинг хотираларида илк ва ўрта асрлардаги шаҳарчилик, шаҳарликларнинг турмуш тарзи, маданияти тўғрисида ёзиб қолдирганлари бор.

Жумладан, Тўньюқук битигида саркарда ўз зафарли юришлари тўғрисида ёзар экан, йигирма учта шаҳарни бўйсундирганини айтади. Мана унинг ёзганлари: *Šantuḡ baliqa, taluy-ögüzkä tāgürtim. Ūč otuz baliq sidi, usin buntatu yurtda yatu qalir ārti.* – «Шантунг шаҳрига, денгизу дарёлар

[яъни, катта сувлар] гача етказиб бордим. Йигирма уч шаҳар мағлуб бўлди. Уйқуси [яъни, тинчи] бузилиб, юртида енгилиб қолар эди» (Топ.19).

Биринчи ва Иккинчи турк хоқонлиқлари давридан қолган битигларда оти тез-тез тилга олинган шаҳарлардан бири *Ötükän* дир. От таркибидаги *kän* «шаҳар, кент»ни билдиради. Ясалиши шундай: *Ötü+kän>Ötükän*. Бу ер ўз даврининг муҳим маданий-сиёсий марказларидан бўлиб, хоқонлиқнинг пойтахти эди.

Кул тигин битигида Билга хоқон халққа қарата: *Türk qayan Ötükän yiş olursär, ältä buñ yoq* («Турк хоқони Ўтукан йишда турса, элда ташвиш йўқ») дейди (Ка.3). Ёки: *Ötükän yişda yig idi yoq ärmis, äl tutsuq yär Ötükän yiş ärmis* («Ўтукан йишда яхши ҳоким йўқ экан. Элни тутғучи ер Ўтукан йиш экан») дея урғулайди хоқон (Ка.4).

Бошқа бир ўринда эса Билга хоқон турк халқига мурожаат қила туриб, шундай дейди: *Ötükän yär olurup, arqış-tirkiş isar, näñ buñu y yoq. Ötükän yiş olursar, bāñgū äl tuta olurtaçī-sän*. – «Ўтукан ерда туриб карвон юбориб турса, ҳеч бир ташвиш йўқ. Ўтукан йишда турилса, элни мангу тутиб туражаксан» (Ка.7–8).

Ушбу шаҳар Тўнюқуқ битигида ҳам тилга олинган. Тарихчи ва адиб Тўнюқуқ уни *Ötükän yär* дейди. Мана унинг ёзганлари: *Kältürtim-ök türk bodunuy Ötükän yärkä bän özüm bilgä Tonuquq. Ötükän yäriq qonmiş täyin äsidip, biriyäki bodun, qurīyaqī, yirayaqī, öñräki bodun kälti*. – «Келтирдим ҳам турк халқини Ўтукан ерга мен ўзим билга Тўнюқуқ. Ўтукан ерга кўнибди, деб эшитиб, жанубдаги халқ, ғарбдаги, шимолдаги, шарқдаги халқ келди» (Топ.17).

Ötükän yiş сўзидаги *yiş* нинг маъноси «тепалик; ўрмон билан қопланган тепалик» дегани. Бу сўз билан ясалган жой отлари ҳам анчагина: *Altun yiş, Qadirqan yiş, Kögmän yiş* сингари. Бундан англашиладики, *Ötükän* ҳам тепаликка жойлашган шаҳар эди.

Битигларда шунинг сингари *Bäşbaliq* ва бошқа турк шаҳарлари ҳам тилга олинади.

Манбаларда кўҳна шаҳарларнинг катта-кичиклиги, кўриниши, аҳолиси тўғрисида ҳам яхши хабар берилган.

Жумладан, араб сайёҳи ва тарихчиси Ибн Баттута ўзининг «Саёҳатнома»сида Сарой шаҳри (асарда муаллиф уни ас-Саро деб тилга олган) тўғрисида шундай ёзади: «Саро шаҳрига етиб келдик. У Сарой Берка номи билан машҳур бўлиб, Ўзбекхон мамлакатининг пойтахтидир. ...

Саро – кенг водийда жойлашган жуда катта, гўзал ва аҳолиси гавжум шаҳар. Унинг ажойиб бозорлари, кенг кўчалари бор. Бир куни шаҳарнинг улуғ кишилари билан уловга миниб шаҳарни айланиш, унинг ўл-

човини аниқлашни мақсад қилиб чиқдик. Биз турган жой шаҳарнинг бир чеккасида эди. Тонг вақтида чиқиб, шаҳарнинг нариги чеккасига пешин вақтида етиб бордик. У ерда пешин номозини ўқиб, таом едик ва манзилимизга фақатгина шомга яқин етиб келдик. Бир куни шу мақсадда пиёда йўлга чиққанимизда бориб келишимизга ярим кун кетганди. Бу ерда на бир хароба ва на бир экинзор бўлиб, уйлар жуда тигиз жойлашган. Бу шаҳарда ўн учта жума номози адо қилинадиган масжид бўлиб, фақат биттасида шофеъий мазҳаби бўйича номоз ўқиладди. Шаҳарда оддий масжидлар жуда кўп. Шаҳарда ўзга тоифаларга мансуб одамлар ҳам бўлиб, улар орасида мўғуллар ҳам бор. Улар шу ўлка ва султонларга қарашли кишилар бўлиб, баъзилари мусулмон. Улар ичида «ал-Ос»лар ҳам бўлиб, улар мусулмонлардир. Шунингдек, қипчоқлар, черкеслар, руслар ва византияликлар ҳам бор. Улар насронийлардир. Бу тоифалар ўз бозорларига эга бўлган алоҳида маҳаллаларда истиқомат қилишади. Ироқ, Миср ва Суриядан келган савдогарлар ва мусофирлар тижорат молларини эҳтиётлаш мақсадида деворлар билан ўралган маҳаллада туришади. Султоннинг шаҳардаги қасри «Олтун-тош» деб аталади» (Ибн Баттута 2012,354–355).

Матнда шаҳардаги ўзга тоифаларга мансуб кишилар тўғрисида маълумот бера туриб: «Шунингдек, қипчоқлар, черкеслар, руслар ва византияликлар ҳам бор. Улар насронийлардир» дейилган. Бу ўринда қипчоқларнинг бошқа насроний халқлар билан бир қаторда тилга олинаётгани бежиз эмас. Чунки ўша кезларда Олтин Ўрда давлатининг айрим ерларида ва Европанинг унга қўшни ўлкаларида турк-христиан қипчоқлар яшар эди. Асарда ана шулар кўзда тутилган кўринади.

Сайёх Олтин Ўрданинг Сарочуқ шаҳри тўғрисида ҳам яхши хабар берган. У ёзади: «Сародан чиққанимиздан сўнг ўн кун ўтиб Сарочуқ шаҳрига етиб келдик. «Чуқ» – «кичик» демакдир. Шу тариқа улар бу шаҳар Саройча эканлигини ифодамоқчи бўлганлар. Шаҳар Улусу [яъни, Улуғсув – Урал дарёси] деб аталадиган сувга сероб дарё қирғоғида жойлашган. Дарё орқали худди Бағдоддагидек қайиқлардан кўприк қилинган. Бизнинг от-аравадаги саёҳатимиз шу ерда тугади» (Ибн Баттута 2012,358).

Ўрта асрлардаги Сарочуқ шаҳрининг харобалари ҳозирги Қозоғистон ҳудудидаги Гурьев шаҳридан 58 км. наридаги Сарайчик посёлкасида сақланиб қолган.

Матнда тилга олинган «Улусу» [яъни, Улуғсув] Урал дарёсининг туркча отидир.

Ибн Баттута қадимги Хоразм шаҳри ҳақида ҳам яхши маълумот бер-

ган. Тарихчи шундай ёзади: «Биз юқорида ҳикоя қилганимиздек, саҳрони кесиб ўтиб Хоразмга келдик. Бу – туркларнинг катта, муҳим, чиройли ва улуғвор шаҳри бўлиб, ажойиб бозорлари, кенг кўчалари, жуда кўп иморатлари ҳамда жозибадор, кўркем жойлари бор. Шаҳарда ҳаёт қайнайди, аҳолиси шунчалик кўпки, мавжланиб турган денгизни эслатади. Бир куни шаҳардан отда ўтиб бораётиб бозорга кирдим, ярмига етганимда шовур деб аталадиган жуда гавжум бир жойдан чиқиб қолдим. Одам шунчалик тумонот эдики, мен олдинга ҳам, ортимга ҳам силжий олмадим. Саросимага тушиб, анча туриб қолдим, ниҳоят кўп қийинчиликлар билан йўлга чиқиб олдим. Кимдир менга айтдики, жума кунлари бу бозор холироқ бўларкан, чунки шу куни Қайсария бозори ва бошқа бозорлар ёпиб қўйиларкан.

Жума куни от миниб жоме масжид ва мадрасага йўл олдим. Бу шаҳар султон Ўзбек қўл остида, бу ерда унинг Қутлудумур исмли улуғ амири ҳукмронлик қилади. Ушбу мадраса ва унга туташ бошқа иморатларни мазкур амир қурдирган. ...

Хоразм ёнидан Жайхун дарёси оқиб ўтади. Бу дарё жаннатдан бошланадиган тўрт наҳрнинг биридир. У Итил [Волга дарёсининг ўрта ва қуйи оқими ана шундай аталган] дарёси каби қишда музлайди, шунда одамлар унинг устида бемалол юраверадилар. Беш ой давомида дарёда муз сақланиб туради. Баъзан муз кўча бошлаган пайтида дарё узра юрганлар ҳалок бўладилар. Ёз кунлари кемаларда дарё бўйлаб Термизгача сузиб бориб, у ердан буғдой ва сули олиб келишади. Оқим бўйлаб сузиб борилса, бу иш учун ўн кун кетади» (Ибн Баттута 2012,359–360).

Келтирилган мисолда «Хоразм» дейилганда Амударёнинг қуйи оқидамидаги ҳозирги Хоразм вилояти эмас, балки ўша даврда Олтин Ўрда таркибига кирган Ўрта Хоразм давлатининг пойтахти Урганч тўғрисида сўз бормоқда. Матнда тилга олинган Ўзбек 1312–1340 йилларда юртга эгалик қилган Олтин Ўрда хонидир. Қутлудумур [яъни, Қутлуғ Темур] эса 1321 йили Хоразмга ноиб этиб тайинланган.

Араб сайёҳи ва тарихчиси Ибн Баттута султон Тармаширин мамлакати хотираларида шундай ёзади: «Яна султон Тармаширин ҳикоясига қайтсак. Мен у ерда «ўрду» деб аталадиган қароргоҳда бир неча кун туриб қолдим. Бир куни одатдагидек масжидга кириб бомдод намозини ўқидим. Номоз тугагач, кимдир менга султон ҳам шу масжидда эканлигини айтди. Мен ўрнимдан туриб, унга салом бериш учун яқинига бордим. Шайх Ҳасан ва фақиҳ Ҳисомуддин ал-Ёғий султонга менинг тўғримда, бу ерга бир неча кун муқаддам келганлигим ҳақида сўзлаб беришди. Султон менга туркий тилда мурожаат қилди: «Хушмисан, ях-

шимисан, қутлуғ ўлсун».

Бу пайтда у яшил қуддсий қабо кийган, бошига худди шу матодан тикилган шошия қўндирган эди. Султон масжиддан чиқиб ўз қабулхонаси томон пиёда йўл олди» (Ибн Баттута 2012,370–371).

Илк ва ўрта асрларнинг ёзма манбаларида йирк-йирик шаҳарлар, уларнинг аҳолиси, қурилиш ишлари тўғрисида шунинг сингари муҳим маълумотлар берилган. Ушбу маълумотлар туркий халқларда шаҳар маданияти, шаҳарсозлик тарихини ўрганишда аҳамиятлидир.

Қишлоқ турмуш тарзи

Бу қишлоқ турмуши, деҳқончилик, боғдорчилик, экин-тикин ишлари, уй ҳайвонларини боқиш, парранадачилик сингари юмушлардан иборат эди. Қишлоқ турмуш тарзи, маълум маънода, уй-жой қурилишини ҳам ўз ичига олади. Чунки, деҳқонларнинг ўтроқ ҳаёти қишлоқ жойларда ҳам уй-жой қуриш, оила шароитида муайян бир қулайликларга эга бўлиш учун шароит яратиб олиш заруратини туғдирган.

«Қишлоқ» тушунчасини англаган сўзлар. Қадимги туркий тилда «қишлоқ»ни *qīšlay* дейилган; бу «қишлайдиган, қишни ўтказадиган жой» демак. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, бу атама *qīš* сўзидан ясалган: *qīš+la+γ>qīšlay* (қаранг: ДЛТ,18).

Маҳмуд Кошғарий *qīšlay* сўзига мисол қилиб шундай мақолни ҳам келтирган: *Özgüz er – qīšlay*. Маъноси: «Ўз ишини ўзи қилиб, бошқага юкламайдиган киши қишлоққа (тоғнинг ўти мўл, қори оз бўлган кунгай томонига) эга бўлган киши кабидир» (ДЛТ,185).

Қадимги турк чигил лаҳжасида «қишлоқ»ни *uluš* ҳам дейилган.

Маҳмуд Кошғарий бу атаманинг маъносини яхши очиб берган. Унинг ёзишича: *uluš* – «қишлоқ» (чигилча). *Balasaγun* ва уларнинг юқори ёнидаги арғулилар тилида «шаҳар» демакдир. Шунинг учун *Balasaγun* шаҳарини *Quzuluš* ҳам дейилади (ДЛТ,38).

Quzuluš атоқли отидаги *quz* – «кунга терс жой», яъни «ғарб» деган маънони билдиради; *Quzuluš* – «ғарбдаги шаҳар» демак.

Қадимги *quz* сўзи ҳозирги ўзбек тилида айрим сўзлар таркибида сақланиб қолган: *кузғай*, *кузғай ер* деймиз; бу «кунга терс; кун тушмас жой»ни билдиради. Чоғиштиринг, «Девону луғати-т-турк»да: *quz tay* – қуёш тушмайдиган тоғ, тоғнинг қуёш тушмайдиган жойи (ДЛТ,365).

Яйлов турмуш тарзи

Бундай турмуш тарзи қишлоқ ҳаёти билан узвий боғланиб кетади. У ўтроқ қишлоқ турмуш тарзидан фарқли ҳолда, асосан, чорвачилик, йилқичилик билан боғлиқ юмушларни ўз ичига олади. Чорвачи ва йилқичилар йилнинг иссиқ ва илиқ фаслларида тирикчиликни яйловларда ўтказар, қишда эса қишлоқларга қайтар эди. Табиийки яйлов ҳаёти доим бир-жойдан иккинчи жойга, яхши ўтлоқли яйловларга кўчиб юришни тақазо этган. Яйловликларнинг хотини, бола-чақаси ҳам ана шу тирикчиликка кўниккан.

Серяйлов ўлкаларда яшовчи халқларда бу доимий ва одатий ҳаёт тарзига айланган эди. Йирик-йирик уруғлар, ҳатто бутун бир қавмнинг ҳаёт тарзи ана шундай кечган.

Яйлов турмуш тарзи давлат ва жамият бошқарув тизимига ҳам таъсир этиб турган. Яйловларнинг ажойиб манзараси, иқлими, тиниқ сойлари хон ва бекларни доимо ўзига тортиб келган. Шундан келиб чиқиб, хон ва бекларнинг ёзги ўрдалари ҳам сувли ва баҳаво, тинч ерларга жойлашар эди. Айрим ҳолларда ёзги ўрда бир ердан бошқа ерга ҳам кўчиб турган. Тарих китобларида, хотиралар ва ҳужжатларда булар тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўқиб қоламиз.

Жумладан, араб сайёҳи ва тарихчиси Ибн Баттута Олтин Ўрдага қилган сафарини эслаб, шундай ёзади: «Қароргоҳ турган жой (Сарой)га йўл олиб, рамазон ойининг биринчи куни у ерга етиб бордик. Бироқ бу жой бўм-бўш бўлгани учун яна келган жойимиз (Бештоғ)га қайтиб кетдик. Чунки қароргоҳ унга яқин жойга кўчган эди. Чодиримизни ўша ердаги бир тепалик устига қурдик. Бегона эканимизни билдириш учун чодир олдига байроқ тикдим. Отлар ва араваларни эса чодир орқасига жойлаштирдик. Сўнг улар «Ўрда» деб аташадиган жойга бордим. Қароргоҳ масжид ва бозорлари, халқи ва ошхоналари мўрисида осмону фалакка кўтарилаётган тутунлари билан кўчиб юривчи шаҳар эди. Улар сафар асносида ҳам овқат пишира оладилар. Одамлар от-араваларда юришар эди. Кўзланган жойга борганларида чодирлар аравалар устидан туширилиб, ўша ерга ўрнатиладди. Чунки бу чодирлар кўтарса бўладиган даражада енгил эди. Масжид ва дўконларни ҳам худди шу тарзда зудлик билан тайёр ҳолга келтирар эдилар» (Ибн Баттута 2012,333).

«Яйлов» тушунчасини англаган сўзлар. Туркий халқлар тарихида яйлов турмуш тарзи ҳам катта ўрин тутган.

Қадимги туркий тилда «яйлов» маъносида *yaylay* сўзи ишлатилган; бу «ёзни ўтказадиган жой; ёзда туриладиган ер» демак (ДЛТ,340).

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, бу атама *уау*, яъни «ёз» сўзидан ясалган: *уау+ла+у>уаулау* (қаранг: ДЛТ,18). Бу атама *қишлай* (<*қиш+ла+у*), яъни «қишни ўтказадиган жой» сўзига қарши маънони англатади. Яйловликлар қишни қишлоғда, ёзни эса яйловда ўтказганлар. Қорли-қи ровли кунлар келиши билан халқ қишлоққа кўчган. Қишни қишлаб, ёз кунлари бошланиши билан яйловларга чиқиб кетилган.

Туркий тил тарихида *уау* сўзидан ясалган *уайлади* феъли ҳам ишлатилган, бу «ёзни ўтказди» дегани. Бунга Маҳмуд Кошғарий *ер тайда уайлади* деган гапни мисол келтирган, бу «киши тоғда ёзлади, ёзни тоғда ўтказди» деганидир (ДЛТ,428).

Ёзма ёдгорликларда кенг ишлатилган яйлов билан боғлиқ яна бир сўз – *уазӣ* дир; маъноси «дашт; текислик; тузлик; кенглик» дегани. Маҳмуд Кошғарийга кўра: *уазӣ* – «бўшлиқ, очик ер» (ДЛТ,331).

«Таржумони туркий» луғатида туркча *уазӣ* сўзи арабчада «сахро» деб изоҳланган (КТТ.5).

Тўньюқуқ битигида шундай келган: *Tiliy kälürti sabi antay: Yaris yazida on tümän sü tärilti, tär.* – «Гап-сўзини [яъни, сирини] билиб келтирган хабари шундай: «Ярис даштида ўн туман [яъни, юз минг] қўшин терилди», – дер (Топ.36).

Кул тигин битигида Билга хоқон тилидан шундай дейилади: *İlgärü Şantun yazıqqa tägi sülädim, taluıqqa kiçig tägmädim.* – «Шарққа – Шантунг даштига қадар қўшин тортдим, денгизга бир оз етмадим» (Ка.3).

Ёзма ёдгорликларда «текислик; дала-туз; дашт» англамида *түз* сўзи ҳам ишлатилган. Маҳмуд Кошғарийга кўра: *түз yer* – «тўғри ер, текис ер» (ДЛТ,365).

Алишер Навоий ўзининг «Муҳокамату-л-луғатайн» асарида *түз* сўзининг маънолари тўғрисида тўхталиб, «текис дашт»ни ҳам ана шундай аташларини таъкидлаган эди: *yana түз* – «*hamvār dašt»ni derlär* (МЛ,37).

Қадимги туркий тилда қишлоқ, яйлов ҳаёт тарзи билан боғлиқ *уайлиқ* сўзи ҳам бўлган. *Уайлиқ* – «ёзлик уй-жой; эшик», яъни «чорбоғ» дегани. У «ёз» англамидаги *уау* сўзига *-лиқ* қўшимчасини қўшиб ясалган: *уау+лиқ>уайлиқ*.

«Сюань-цзан кечмиши» асарида: *Bu oq kün üzä öñi-(ö)ñi aqtarmış nomuı Ayaylıyın bütmiş orduta Edgün yaşayuluq atlıy uaylıqqa eltgü(kä) ötügçi bolti.* – «Ўша куниек бўлим-бўлим қилиб ўгирилган нўм (битиг)ни» ибодат ўрдасидан Эзгуликда яшагулик деб аталган чорбоққа ўтказишларини ўтиниб сўради» (СЦ.Х.5,9–13).

Бу сўз *уаулау* шаклида ҳам ишлатилган. Битигларда *уаулау орду* дейди, бу сўз бирикмаси «ёзлик ўрда» маъносини билдиради. Масалан,

«Сюань-цзан кечмиши» асарида: *Qačan Samtso ačari qaš čecäklig o(rdu) yaylayqa tegip, xan birlä kör(üş)düktä, ertijü ögirti, sewindi.* – «Самтсү устоз қош чечакли ёзлик ўрдага бориб, хон билан учрашганда, беҳад кўнгли тўлди, севинди» (СЦ.VI.36,18–21).

Битигларда кечган *yaylay tay ordu* бирикмаси эса, «ёзлик тоғ ўрда»ни англатади: ... *yaylay tay orduqa keldimiz.* – «... ёзлик тоғ ўрдага келдик» (СЦ.VI.36,24).

Жой отлари таркибида ҳам «яйлов; кенглик; дашт, текислик» компонентли сўзлар учраб туради. Масалан, *Дашти қипчоқ* дейилади, бу жойлар қачонлардир қипчоқларга қарашли ерлар эди.

Ёки Тошкентнинг жануби-шарқ биқинида *Яланғоч* деган жой бор. Бунинг асли *яланғач* бўлиб, маъноси «яланглик; очиқ текис ер» дегани.

Шунинг сингари, *Тузел* (бурунгилар бу жойни *Тузал* дерди) отининг маъноси ҳам «тузлик; текислик» деган тушунчани билдиради. Бу ҳам Тошкентнинг жануби-шарқ биқинида бўлиб, ҳозир уни *Тузел қўрғони*, *Тузел қишлоғи* деб юритилади.

Яйлов ҳайвонат дунёси ва қушлари билан боғлиқ луғат бойлиги. Илк ва ўрта асрлардаги яйлов халқларининг турмуши, яйлов билан боғлиқ тушунчалар қадимги ва эски туркий тилнинг луғат қатламида ҳам яхши из қолдирган.

Алишер Навоий «Муҳокамату-л-луғатайн» асарида таъкидлашича, турклар отларнинг тур ва хиллари, ёшига қараб от қўйганлар, форсий тилда уларнинг оти бўлмагани учун, туркчадан олиб ишлатадилар. У ёзади: *Yana at anvā'ida-ki, tabučaq-u arýumaq va yākā-vü yabu va tatu yosunluq barinī türkčā-oq ayturlar. Va atniñ yašin dayi köprägin türkčā ayturlar. Bir qulunnī kurra derlär, özgä tay-u yonan va dönän-ü tulan va čirya-vu lanya degünčä fāšihraqlari türkčä derlär va köprägi munī ham bilmäslär.* – «Яна отнинг *tabučaq-u arýumaq* ва *yākā-ю yabu* ва *tatu* йўсинлик хилларининг барини фақат туркча айтурлар. Отнинг ёшини ҳам кўпрагини туркча айтадилар. Ёлғиз қулунни *kurra* дерлар, бошқаларини: *tay-у yonan* ва *dönän-у tulan* ва *čirya-ю lanya* сингариларни сўзга чечанлари туркча айтадилар, кўпчилиги буни ҳам билмаслар» (МЛ,39).

Навоий юқорида тилга олган *tabučaq, arýumaq, yākā, yabu, tatu* – отларнинг тур ва хиллари; *tay, yonan, dönän, tulan, čirya, lanya* – отларнинг ёши билан боғлиқ айирмаларидир.

Алишер Навоий «Муҳокамату-л-луғатайн»да ёзишича, йилқиларгина эмас, эгар-жабдуқларининг ҳам туркчада ўз отлари бор. Форс тилида буларнинг оти йўқлиги учун уларни туркча атайдилар. У ёзади: *Va atniñ eyärin agarči zīn derlär, ammā köprāk ajzāsīn, mišli jibilgir-ü hanā va toqum-у*

jazliḡ va olaḡ, qom-u olarčay-u ḡanjuyā va jilbur-u qušqun va qantar-u tūfāk va toqa yosunluq kōpin tūrkcā ayturlar. Va qamčini agarči tāziyāna derlār, ammā būldürgā sin va čurčuryā sin tūrkcā ayturlar. – «От эгарини гарчи zīn десалар ҳам, кўп жабдуқларини, мисли jibilgir-y hanā va toqum-y jazliḡ va olaḡ, qom-y olarčay-y ḡanjuyā va jilbur-y qušqun va qantar-y tūfāk va toqa йўсинлиғ туркча айтурлар. Қамчинни tāzyāna десалар ҳам, аммо būldürgā сини ва čurčuryā сини туркча айтадилар» (МЛ,39).

Навоий тилга олган *jibilgir, hanā, toqum, jazliḡ, olaḡ, qom, olarčay, ḡanjuyā, jilbur, qušqun, qantar, tūfāk, toqa* – булар отнинг эгар-жабдуқлари; *būldürgā, čurčuryā* эса қамчинга тегишлидир.

Алишер Навоий туркий тилдаги *-či -či* қўшимчаси ва унинг вази-фалари тўғрисида шундай ёзади: *Yana bir adālari bar-ki, ba'di alfāznih sonḡida -či, -či-ki, -či, -či lafzidur, arttururlar, yā mandabnih, yā hunarnih, yā pešanih izhāri üčün-ki, fārsida yoqtur, balki alar ham tūrkcā ayturlar.* – «Яна бир қўлланишлари бор, у ҳам бўлса, баъзи сўзларнинг охирига мансаб ёки касб-хунарни билдирмак учун «čim-u yāu» [-či, -či] қўшимчасини орттирадилар. Бу ҳам форсийда йўқдир, балки улар ҳам туркча айтадилар» (МЛ,40).

Навоийнинг таъкидлашича, туркий тилда касб-кор атамалари ана шу қўшимча билан ясалади, форсийда бунга тенг келадиган сўзлар йўқдир: *Hunar va pešada andaq-ki, qušči-vu barsči va qoruqči-vu tamyači va jibāči-vü yoryači va xalvači-vu kemāči va qoyči. Andaq-ki, quš hunarida dayi bu iştilāh bardur, andaq-ki, qazči-vu quwči va turnači-vu kiyikči va tawuščanči-ki, sart lafzida yoqtur va alar madkür bolıanlarnih kōpin tūrkcā ayturlar.* – «Хунар ва пешада андоққи, *qušči*-ю *barsči* ва *qoruqči*-ю *tamyači* ва *jibāči*-ю *yoryači* ва *xalvači*-ю *kemāči* ва *qoyči*. Куш хунарида ҳам бу атамалар бор, масалан, *qazči*-ю *quwči* ва *turnači*-ю *kiyikči* ва *tawuščanči*. Булар сарт тилида йўқ, улар юқоридагиларнинг кўпини туркча айтадилар» (МЛ,40).

Навоий юқорида тилга олган *barsči, qoyči, kiyikči, tawuščanči* – ҳайвон боқувчи ва ҳайвон овловчиларнинг отлари; *qušči, qazči, quwči, turnači* – қуш овловчи овчиларнинг отларидир.

Яйлов халқининг ўзига яраша шевалари ҳам бўлган. Маҳмуд Кошғарий ўз асарида бунга тегишли мисолларни ҳам келтирган. Масалан, у ёзади: *at uxšadi* – «от ухлади». Бу сўз отга хосдир, бошқаларга қўлланилмайди. Бу сўз ямак, ябақу ва кўпчилик сахролилар сўзидир (ДЛТ,118).

Навоийнинг ёзишича, туркийда дашт, тоғу тузда яшайдиган қушларнинг ҳам отлари бор. Форсчада буларга от қўйилмаган, шунинг учун уларни туркча атайдилар. У ёзади: *Yana yazi qušlaridih toydaq-u toydari, čayruq, qilquyruy, qularuryā, yarpalay, quladu, lägläk, čaylaq, qaraquš,*

telbāquš, čiqčiy-deg qušlarni atlari yoqtur, köpin türkcä ayturlar. Va tay-u tüzdä čilya, soqmağ, döš, arıadal, qırašma, burtay-u sekritmä, sirt, uçma, ešmä, burmay, ilat, taqıralaŋ, toqay, kölküläk, saŋ, sayaŋ, čaqil, say, šortaŋ-deg nimälärniŋ köpigä at ta'yin qilmaydurlar. – «Яна дашт кушларидан *toydaq-u toydarı, čayruq, qilquyruy, qulapurıya, yapalay, quladu, lägläk, čaylaq, qaraquš, telbāquš, čiqčiy* дек кушларнинг отлари йўқдир, кўпини туркча айтурлар. Тоғ ва тузда *čilya, soqmay, döš, arıadal, qırašma, burtay, sekritmä, sirt, uçma, ešmä, burmay, ilat, taqıralaŋ, toqay, kölküläk, saŋ, sayaŋ, čaqil, say, šortaŋ* дек нималарнинг кўпига от тайин қилмайдилар» (МЛ,39).

Кўл ва кўл бўйида тарқалган куш ва паррандаларнинг ҳам туркийда ўз оти бор. Шулардан бири ёввойи ўрдақдир.

Навоий ёввойи ўрдақнинг хиллари тўғрисида сўз юритар экан, туркийда унинг етмиш икки хили борлигини айтади. Форс тилида бундай сўзлар йўқлиги учун, уларни туркча атайдилар. У ёзади: *Va keldük qušqa-ki, anda muqarrar va mašhūr ilbäsün ördäk dūr va sart ul ilbäsün ni xūd bilmäs. Tayi türk ördäkniŋ erkägin sona va tišisin borčın der va sart muŋa ham at qoymaydur va nar-u māda ikkäläsin muryābi der. Va ördäkniŋ anvā'i bilür quščilar qašida, mašalan, čörkā-yü erkä va suqsur-u almabaš va čaqırqanat-u temürqanat va alalaya-vu alapökä va bayçal va bu yosunluq derlär-ki, yetmiš nav' bolur-kim, sart barisın muryābi-oq der. Va agar bir-biridin mutamayiz qilsa, türkcä at bilä-oq aytur.* – «Кушларга келганда, булар ичида аниқ ва машхури *ilbäsün ördäk* дир. Сарт эл *ilbäsün* нинг ўзини билмайди. Турк ўрдақнинг эркагини – *sona*, тишисини *borčın* дейди. Сарт буларга ҳам от қўймасдан, нар ва мода иккаласини *muryābi* деб атайди. Ўрдақнинг хилларини яхши биладиган кушчилар қошида, масалан, *čörkā*-ю *erkä* ва *suqsur-yu almabaš* ва *čaqırqanat-yu temürqanat* ва *alalaya*-ю *alapökä* ва *bayçal* ва бу йўсинлиғ от билан айтайдиларки, улар етмиш хилга боради, сарт эса барчасини фақат *muryābi* дейди. Агар бир-биридан ажратмоқчи бўлса, туркча атайди» (МЛ,38–39).

Яйлов маданияти ва адабиёти. Яйлов турмуш тарзи тўғрисида сўз борганда, яйлов халқларида ҳам ўзига яраша маданият, санъат ва адабиёт мавжуд бўлганлигини унутмаслик керак. Шуларга боғлиқ равишда «яйлов маданияти», «яйлов санъати», «яйлов адабиёти», «яйлов цивилизацияси» тушунчалари ҳам юзага чиқади.

Турмуш ва маданиятнинг бир қатор соҳаларида яйлов ҳаёти олдинги ўринларда турган. Айниқса, спорт беллашувларида яйлов етакчилиқ қилар эди. Чавандозлик билан боғлиқ пойга, улоқ, кўпкари, қизқувди сингари беллашувлар яйловда ўтказилган. Яйлов куч ва жасорат, мардлик масканига айланган.

«Яйлов адабиёти» деганда яйловда яратилган халқ оғзаки ижоди – халқ дostonлари, халқ қўшиқлари, мақоллар, топишмоқлар, яйлов билан боғлиқ афсона ва ривоятлар тушунилади.

Яйлов адабиётида халқ оғзаки ижоди ниҳоятда ривожланган эди. Яйловда дostonчилик, халқ шеърляти юксак даражада эди. Жумладан, яйлов турмуш тарзигина ўзбек халқ оғзаки ижодида дostonчилик анъанасини сақлаб келганлигини тан олмоқ керак. Халқ дostonлари, асосан, яйлов адабиётининг маҳсулидир: улар яйловда яратилиб, яйлов адабиёти таъсирида сайқаллашиб, ғоявий-бадий жихатдан такомиллашиб келган. Яйлов ҳаёти, яйлов адабиётининг анъаналари бўлмаганида халқ эпослари, ажойиб дostonлар аллақачон унутилиб кетган бўларди. Халқ бахшиларининг ижоди яйлов ҳаёти, турмуш тарзи билан уйғунлашиб кетган.

Халқ дostonчилари, шоирларидан айримларининг оти ҳозир ҳам ишлатилади. Масалан, ўзбекларда *бахши*, қозоқларда *жиров* дейди. *Бахши* атамасининг асл маъноси «устоз; ўқитувчи; билимли киши» дегани. Кейинчалик бу атама давлат идораларида ҳужжат ишлари билан шуғулланувчи кишиларга нисбатан ҳам ишлатилган. Ўрта асрларда, жумладан, теурийлар замонида уйғур хатида битувчи котибларни *бахши* деганлар. Ҳозир ўзбек тилида бу сўз дoston айтувчиларни, қишлоқ оғизларида эса «фолбин»ни ҳам англатади.

Жиров атамаси «шеър; қўшиқ» англамидаги *жир~йир* сўзидан ясалган бўлиб, «шеър айтувчи; қўшиқчи» деган маънони билдиради.

Мақол – халқнинг узоқ кузатиб, бир айтган фалсафий сўзи. Халқ мақолларининг катта бир гуруҳи ҳам яйлов халқининг ҳаёт тажрибалари, кузатувлари туфайли яратилганига иккиланмаса ҳам бўлади. Улар яйлов ҳаётини кўрган, турмуш қийинчиликларини бошдан кечирган, кўпни кўрган донишмандларнинг ижод маҳсулидир. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида туркий сўзларнинг маъносини очиб бериш учун кўплаб халқ мақолларидан, айтимларидан ўрнаклар келтирган. Уларнинг катта бир қисми яйлов турмуш тарзи, чорвачилик, йилқичилик, овчилик, ҳайвонот дунёси билан боғлиқ. Қуйидаги отасўзларининг мазмунига эътибор беринг:

Erkäč eti em bolur, ečkü eti yel bolur. Маъноси: «Таканинг эти эм бўлади, урғочи эчкининг эти ел бўлади» [Яъни: «Така гўшти даво бўлади, эчки эти қоринни дам қилади»] (ДЛТ,51).

Tewäy münür qoy ara yašmas. Маъноси: «Туя минган киши қўйлар орасида яширинолмайди». Маҳмуд Кошғарийнинг урғулашича, бу мақол машҳур бўлиб қолган ишни сўнгра яширмоқчи бўлганларга қарата қўлланган (ДЛТ,345).

Яйловда яратилган оғзаки адабиёт ота-боболардан қолган бадий ижод ва тил анъаналарини, халқнинг турмуш тарзини ўзида яхши сақлаб келганлиги билан ҳам аҳамиятли ва қадрлидир. Яйлов адабиёти намуналарини халқ ижодининг сара асарлари деса бўлади.

«**Яйлов маданияти**» деганда ўтов ёки чодир тикишдан тортиб яйлов халқи томонидан яратилган барча моддий маданият ёдгорликлари, яйловда ўтказилган маданий-спорт ўйинлари кўзда тутилади.

Яйлов турмушида ишлатган буюмлар халқнинг маданий даражасини белгилаб туради.

Яйлов халқининг турмуш тарзи ўтов тикиш билан боғлиқдир. *Ўтов* сўзи ўтмишда *otay* шаклида ишлатилган. Ясалиши шундай: ўзаги *ot* – «ўт, олов»; *ota* – феъл, «ўт қала-, ўт ёқ-» дегани; унга от ясовчи -у қўшимчасини қўшиб, *otay* сўзи ясалган: *ot+a+γ>otay*.

Қадимги туркий тилда *oʻsiq* деган сўз бор, ҳозир уни *ўчоқ* дейилади. Чамаси, *otay* билан *oʻsiq* сўзлари ўзақдош бўлса керак: *ot~oʻs*.

Ўтовнинг ташқи ва ички кўриниши, бадий безакларига алоҳида эътибор қаратилган. Миллий-бадий безаклари, ишланишига кўра туркий халқларнинг ўтовлари бир-биридан фарқланади. Масалан, ўзбек ўтовлари, қирғиз, қозоқ, туркман ўтовларининг ҳар бири ўзига яраша услуби, бадий безаклари билан ажралиб туради. Ўтмишда ҳам шундай. Уларда халқнинг миллий санъати, маданияти акс этиб турган.

Ўтов тикиш маданияти туркий халқларга ва мўғулларга хос. Бошқа шарқ халқларида ўтов йўқ, унинг ўрнида чодир тикилади.

Қизиқ бир мисол: «Девону луғати-т-турк»да *Otayqa ʻopkālāp, sūkā sōzlāmādūk* деган мақол бор. Маҳмуд Кошғарий бу мақолнинг маъноси «Чодирдаги ҳамроҳларидан хафа бўлиб, аскарлар билан сўзлашмади» деб берган. Арабларда ўтов бўлмагани учун, мақолда кечган *otay* сўзини таржимада «чодир» деган. Унинг урғулашича, бу мақол биров қилган бир ишдан аччиқланиб, дўстларидан хафаланувчи, улар билан сўзлашмовчи кишига қарата айтилган (ДЛТ,395).

Туркий халқлар яйловда чодир тикиб ҳам яшашган. Масалан, хонлар, беклар сафарга, дам олишга ёки овга чиққанда, жангга отланганда яйловларда чодирлар тикилган. Чодир тикиш, уни безатиш ҳам катта бир санъат эди.

Ўтов билан чодир ишланишида ҳам фарқ қилади. Ўтов қалин кигиздан тикилади: қишда совуқдан, ёзда иссиқдан яхши сақлайди. Қишда ичига ўчоқ ҳам ўрнатилиб, иситилади; уни *otay* дейилгани ҳам шундан.

Чодир эса ёмғирчил, илиқ ва иссиқ кунларга мўлжалланган.

Алишер Навоий «чодир»ни **aq üy** деган, форсчаси *xirgāh* бўлади. Навоийнинг ёзишича, туркий тилда чодирнинг жиҳозларига ҳам от қўйилган. Форсчада бундай отлар йўқлиги учун, уларни туркча атаганлар. Муаллиф чодирнинг жиҳозларини ҳам бирма-бир санаб ўтади. Бу ҳақда у ёзади: *Bir muta'ayyin nimā-kim, aq üy dūr, aḡa xirgāh at qoyupturlar. Ammā anīḡ ajzāsiniḡ kōpini türk tili bilā ayturlar, andaḡ-ki, tūḡlūk-ü üzük va torluy-u basruy va čiy-u qanat va kōzānāk-ü uwuy va bayiš-u bosaya va erkinā. 'Alā hāda-l-qiyās.* – «Бир аниқ нимаким, *aq üy* дир, унга *xirgāh* деб от қўйганлар. Аммо унинг бўлакларининг кўпини туркча айтадилар, андоқки, *tūḡlūk-y üzük* ва *torluy-y basruy* ва *čiy-y qanat* ва *kōzānāk-y uwuy* ва *bayiš-y bosaya* ва *erkinā* ва шунинг сингари» (МЛ,38).

Навоий тилга олган *tūḡlūk, üzük, torluy, basruy, čiy, qanat, kōzānāk, uwuy, bayiš, bosaya, erkinā* – буларнинг бари чодир (оқ уй)нинг жиҳозлариدير.

Тошкентда Қўйлиққа кетаверишда *Оқуй* деган жой бор. Ўша ерлик кексаларнинг сўзига қараганда, бир пайтлар бу ер бўшлиқ бўлган экан. Фарғона, Қўқондан бу ерга ўзбек оилалари кўчириб келинган. Улар жой битгунча чодирлар тикиб яшаган эканлар. *Оқуй* оти ўшандан қолган дейишади.

Яйлов халқи бир ердан бошқа ерга кўчиб ўтишда аравалардан фойдаланган. Уларнинг аравалари ниҳоятда қулай ва сафар шароитига мослашган эди.

Араб сайёҳи ва тарихчиси Ибн Баттута ўзининг «Саёҳатнома»сида Ўзбекхон давлати ҳақида ҳикоя қилар экан, шундай ёзади: «Улар араваларни «араба» деб аташаркан. Бу араваларнинг ҳар бирида тўрттадан катта ғилдирак бўлиб, уни иккита ёки ундан ҳам кўп отлар тортади. Шунингдек, араваларнинг оғир ёки енгиллигига қараб ҳўкизлар ёки туялар ҳам тортади. Аравакаш отлардан бирини эгарлаб миниб олади. Қўлидаги қамчиси билан отларни бошқариб боради. Отлар йўлдан чиққанда қўлидаги гаврон билан уларни йўлга солади. Араванинг устига бир-бирига ингичка қайишлар билан боғланган тахталардан чодирга ўхшаш жой қилинади. Бу енгил паноҳ бўлиб, усти кигиз ёки қалин мато билан ўралади. Бу чодирнинг тўр билан тўсилган деразалари ҳам бўлиб, ичида ўтирган киши ташқаридаги одамларни кўрса-да, уни ҳеч ким кўра олмайди. Арава ичида йўлда тўхтамасдан хоҳлаганча ухлаш, овқатланиш, ўқиш ва ёзиш мумкин. Ана шу турдаги араваларнинг оғир юклар (бойликлар), захира ва озиқ-овқатлар ташийдиганлари устида ҳам худди биз айтиб ўтгандек чодирлар қурилган бўлиб, улар эҳтиёт юзасидан қулфланади» (Ибн Баттута 2012,326–327).

Туркларнинг турмуш тарзи билан яйлов, табиат шу қадар уйғунлашиб кетган эдики, уларда ҳатто турк мучал йиллари ҳам ҳайвон отлари билан аталган. Турклар ўн икки хил ҳайвон отидан келиб чиқиб ўн икки йилга от қўйганлар. Туғилиш, жанг тарихлари ва бошқаларни ана шу йиллар айланишидан ҳисоблаганлар.

Ўтмишдаги яйлов турмуш тарзи ўзига яраша дунё эди. Унда маданият ва санъат, халқ оғзаки ижоди гуллаб яшнаган. Муҳими, бу маданият яйловларда қолиб изсиз ўчиб кетгани йўқ. Кези келганда, у шаҳар ва қишлоқ маданиятлари билан уйғунлашиб, туркий халқларнинг маданий такомили, унинг шарқ халқлари орасида юқори ўринларни эгаллашига имкон яратиб берди.

Яйлов турмуш тарзи қишлоқ ёки шаҳар ҳаётидан орқада қолган эмас. Кези келганда, яйлов турмуш тарзи ҳам жамият ҳаётининг ажралмас бўлаги сифатида улуғ цивилизацияларга хизмат қилган.

Тоғлиқ аҳоли ва сув ёқаларида яшовчи халқнинг турмуш тарзи

Тоғлиқ аҳоли деганда Ўрта ва Марказий Осиёнинг курама тоғ тизмалари, Тянь-шан тоғ тизмалари, Олтойнинг тоғли ўлкалари, Урал ва Кавказ тоғ тизмаларида, тоғ ён-бағирларида яшовчи халқлар тушунилади. Ўтмишда тоғлиқ аҳоли, асосан, овчилик, мевачилик, асалчилик сингари юмушлар билан кун кўрган.

Дарё, кўл ва денгиз ёқаларида яшовчи халқ деганда Каспий ва Орол, Қораденгиз ва Эгай ёқалари, Иссиқкўл, Балхаш бўйлари, Сирдарё ва Амударё, шунингдек, Олтойнинг Ила, Эртиш, Ямар, Кам сувлари, ҳозирги Мўғулистоннинг Ўрхун ўгуз, Хитойнинг Яшил ўгуз [яъни, Хуанхе] ва шимолдаги Итил суви бўйларида яшаган халқлар, Дон ёқасида яшаб ўтган қипчоқларнинг турмуш тарзи кўзда тутилади. Бу халқлар, асосан, балиқчилик, тўр тўқувчилик, кемачилик, қайиқчилик билан кун кечирган. Бу ўлкаларда яшовчи халқ ҳали-ҳануз ўтмишдаги турмуш тарзини унутгани йўқ; ерли аҳоли ичида ана шу юмушлар билан шуғулланувчи жамоалар бор.

Туркий халқлар тарихида яратилган маданият ва санъат асарлари, бадий адабиёт, қолаверса, тилнинг луғат таркиби, бутун бир терминология ана шу турмуш тарзини ўзида акс эттирган.

Ўтмишдаги турли маданиятлар синкретизми туфайли туркий халқлар шарқ халқлари орасида етакчи ўринларда туриб, кишилик цивилизацияларига ўзининг муносиб улушини қўшиб келди.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗУВ МАДАНИЯТИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТИЛ ВАЗИЯТИ

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРДА ЎЗУВ МАДАНИЯТИ

Ўзув кишилиқ тарихининг буюқ ихтироларидан биридир. У жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида катта ўрин тутлади. Ўзув замонлар ва маконлар узра ахборот тизимини яратиб, кишилиқнинг ҳаётий тажрибаларини, адабий ва илмий меросини авлоддан-авлодга етказиб келди; маънавият ва тафаккур тараққиётининг узлуксизлигига, давлат ва жамият бошқарувига, адабий тил меъёрларининг бир қолипда амал қилиши ҳамда ёзма услубларнинг такомилгига хизмат қилиб келди. Шу билан у кишилиқ цивилизациясини таъминлаб берди.

Кишилиқ тарихида ёзув амалиётини пиктографик, идеографик, бўғин ёзувлари бошлаб берди. Алифболи (фонетик) ёзувлар тарихи, табиийки, инсон ўз нутқидаги товушларни фарқлай бошлаган, лингвистик билимлар анча такомиллашган даврларга тўғри келади. *Алифболи* (ёки *фонетик*) ёзув нутқ товушлари билан ёзув белгилари мослиги асосига қурилган, ёзувда нутқ товушларини акс эттирувчи ёзувдир.

Марказий Осиё халқлари, хусусан, туркий халқларнинг ёзув маданияти тарихида қатор, ҳар қайсиси ўзича такомил босқичига эришган бутун бошли ёзувлар тизими амал қилган.

Ер юзида тарқалган ҳозирги фонетик ёзувларнинг илдизи бир. Илк фонетик алифбони канъонийлар (финикийлар) ўйлаб топган эдилар. Улар ўз тилидаги ундошлар тизимига таянган ҳолда 22 белгили алифбони яратдилар. Ушбу хат фанда финикий (ёки канъоний) ёзуви номи билан юритилади. Фонетик ёзувлар ўша канъоний алифбосидан келиб чиққан. Бу тизим қадимги юнон алифбоси воситасида Европага, оромий ёзуви воситасида эса Олд Осиё, Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёга ёйилди.

Мелоддан бурунги VI юзйилликда Мисрдан Марказий Осиёгача бўлган минтақада аҳмонийлар сулоласи ҳукумронлик қилган. Бу сулола

даврида давлат ишларида оромий хати амал қилди. Ўша кезлар Ўрта Осиё ҳам Аҳмонийлар давлатининг қўл остида бўлгани учун, маҳкама ва хўжалик фаолиятида оромий ёзуви ва тили ишлатилган.

Аҳмонийларнинг инқирозидан сўнг, ерли халқлар давлат ишларини ўз қўлларига ола бошладилар. Бунинг оқибатида миллий тилларнинг ҳам мавқеи кўтарилди. Мелоддан бурунги V–IV юзйилликлардан аж-додларимиз оромий алифбоси асосида ўз тилларига мос бўлган ёзув-ларни ярата бошладилар. Бошлаб хоразм, суғд, парфиёний, бохтарий, авесту ёзувлари юзага келди. Кейинчалик бу шажара уйғур, моний алифболари билан бойиди. Бироқ бу ёзувларнинг илк босқичларига оид ёдгорликлар жуда оз сақланган. Бу тупроқлардан чиққан археоло-гик топилмаларга қараганда, Ўрта Осиё халқлари қўллаган айрим ёзув-ларнинг тарихи 2500 йилни бўйлайди.

Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг маънавий-маданий юксали-ши, давлатчилик тарихи, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг юзага келиши, диний қарашлари, уларнинг қўшни шарқ халқлари билан кеч-ган маданий муносабатларига боғлиқ ҳолда ёзув маданиятида ўзга-ришлар юз берган. Баъзи ёзувлар халқнинг маданий, ижтимоий-сиёсий юксалиши, давлат ва жамият бошқарувининг тараққиёти оқибатида юзага келган бўлса, бошқа бирлари кўпроқ диний таъсирлар ёки бу тупроқларда яшаган халқларнинг қўшни халқлар билан бўлган мада-ний, иқтисодий, савдо алоқалари натижасида қабул қилинган. Масалан, қадимги турклар моний, браҳми, сурёний ёзувларини қўшни халқлар билан кечган диний муносабатлар туфайли қабул қилганлар. Туркий жамоаларда монийлик, буддизм, насронийликнинг ёйилиши ушбу ёзувларнинг ҳам қабул қилинувига сабаб бўлган эди. Шунинг учун ҳам моний ёзувини фақат турк-моний жамоалари, браҳми хатини турк-буд-дистлар, сурёний хати негизида яратилган эстрангелони эса турк-нас-ронийлар қўллаган. Уйғур хати эса буткул ўзга бир маданий, иқтисодий муносабатлар туфайли шаклланди; туркий халқлар уни оромий ёзуви негизида яратди. Бу ўлкаларга исломнинг кириб келиши билан араб ёзувига ўтилди.

Суғдлар эса миллий суғд хати, моний ёзувларидан фойдаланди. Қа-димги хоразм тили учун хоразм ёзуви, кейинчалик араб алифбоси иш-латилган.

Куйида Ўрта Осиё халқларининг ёзув маданияти тарихи, улар томо-нидан ўтмишда кенг ишлатилган ёзувларга тўхталамиз.

Кўк турк ёзуви

Қадимги туркий битигларда Биринчи ва Иккинчи турк хоқонлиқлари даврида (VI–VIII юзйилликларда) яшаган туркий халқлар ўша чоғлардан қолган битигларда «кўк турклар» (*kök türklär*) деб аталган. Бу атамадаги «кўк» сифати ҳозир биз билгандай «ранг» (кўк, зангори ранг) маъносида эмас, у «илдиз, асл, туб» англамидадир.

Сўзнинг бу маъносини Маҳмуд Кошғарий ҳам келтириб ўтган. Унга кўра: *kök* – «асл; томир; таг». Шунга кўра, *kökün kim?* деб сўралади, «аслинг ким, қайси қабиладансан?» демакдир (ўғузлар ва қипчоқлар сўзи) (ДЛТ,296).

Битиглардаги отидан келиб чиқиб, ҳозирги замон туркшунослигида қадимги турк давлатларини «кўк турк хоқонлиқлари», улар қўллаган ёзувни эса «кўк турк алифбоси» деб аталмоқда.

Фанда ушбу туркий ёзув «ўрхун-енисей ёзуви», «туркий рун ёзуви» деб ҳам юритилаётир. Лекин ушбу атамалар тарихий эмас, балки кўҳна туркий ёзувнинг бугунги туркологияда ишлатилаётган номлари саналади.

Тарихчи Ибн Арабшоҳ ўз асаарида темурийлар даврида ишлатилган ёзув турларига тўхтала туриб, дулбаржин ёзуви ҳақида ҳам сўз юритган. Баъзи олимлар ўртасида ана шу ёзув кўк турк ёзувининг эски атамаси бўлган, деган фикр ҳам шаклланиб қолди. Бу тўғри эмас. Аввало, кўк турк ёзуви темурийлар даврида ишлатилмаган. Ибн Арабшоҳ тилга олган дулбаржин бошқа бир ёзувдир. Уни кўк турк ёзуви билан қориштирмаслик керак. Дулбаржин ёзувида битилган айрим ёдгорликлар кунимизгача етиб келган, улар чет эллардаги қўлёзма фондларида сақланмоқда.

Кўк турк ёзуви туркларнинг энг эски, тахминларга кўра мелоддан бурунги даврларда ота-боболари томонидан яратилган ўз ёзуви эди. Ушбу алифбо туркий муҳитда кашф этилган, шунинг учун унда туркий тилнинг фонетик-фонологик хусусиятлари яхши инобатга олинган. Кўк турк алифбоси туркий халқлар тарих давомида қўллаган ёзувлари ичида ўз тилларига энг мувофиқлашгани эди.

Кўк турк ёзувининг илдизлари ва юзага келган даври тўғрисида тугал бир тўхтамга келинган эмас. Туркшунослиқда бу масалада қатор, ҳатто бир-бирига қарама-қарши фикрлар-да билдирилган. Айрим олимлар унинг асосларини қадимги туркий тамғалар (уруғ-қабила белгилари)га боғлаганлар. Уларнинг фикрича, кўк турк хати айни тамғалар негизида юзага келган. Бошқа бир қарашга кўра, ушбу ёзув оромий алифболари,

аникроғи, суғд хатининг негизида ҳосил бўлган. Суғдийнинг такомиллашган шакли мазкур алифбонинг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилган; унга айрим ўзгартишлар киритиш, янги белгилар орттириш йўли билан ёзув туркий тилга мослаштирилган. Бу маданий жараён кўк турк хоқонлиқлари даврида, тахминан, VI юзйилликларда юз берган.

Ёзувнинг генезиси масаласида яна бир фикр диққатга молик. Унга кўра, ушбу алифбо туркий муҳитда кашф этилган, шунинг учун унда туркийнинг фонетик-фонологик хусусиятлари яхши инобатга олинган. Шунинг билан бирга, у оромий, суғд, паҳлавий ёзувларининг кучли таъсирида бўлган (қаранг: Васильев 1983,5–9).

Палеографик қузатувлар, қадимий ёзувларни ўзаро қиёслаш олимларни яна бир фикрга олиб келмоқда. Жумладан, олим А. Аманжоловнинг фикрича, ушбу ёзувнинг тарихи мелоддан бурунги I минг йилликларга туташади. Унинг олд Осиё ёзувларига ўзақдош бўлган қадимги юнон ва сомиё-финикий ёзувлари билан айрим жиҳатдан боғлиқлиги бор (Аманжолов 2003,289–300).

Таъкидлаш керакки, кўк турк алифбосининг тизими ва ёзув принциплари тамоман ўзига хос. У қадимги ҳамда ўртанча эроний тилларнинг товуш қурилишига мослашган орамий ёзувларидан фарқ қилади. Маълумки, оромий ёзувларида ҳарфлар бир-бирига уланади. Кўк турк хатида эса ҳарфлар уланмай, айри-айри ёзилган. Туркий ёзув суғд хатининг сўнги такомиллашган курсивли туридан шаклланган экан, янги ёзувда ҳарфларни ажратиб ёзишнинг маънисини нима? Бу ҳодиса ёзув тарихида прогресс эмас, орқага қайтиш бўлмайдими? Шундай бўлган дея фараз ҳам қилайлик. У ҳолда турклар суғд хати негизида бошқа бир алифбо – уйғур хатини яратганликларини қандай тушунмак керак? Маълумки, уйғур хатини яратиш жараёнида суғдийдан у қадар чекинмиш содир бўлгани йўқ. Уйғур хати палеографик жиҳатдан суғдчанинги сўнги тезкор шаклига жуда яқин туради. Назаримизда, уйғур хатининг кашф этилиши ва ўта оммалашуви, ҳатто кийинчалик кўк турк хатини сиқиб чиқарганлигининг сабабларидан бири ҳам унинг китобат ишида қулайлиги бўлган.

Суғд алифбосида 22 ҳарф мавжуд эди. Уйғур алифбосида унга бир белги – </> ҳарфи орттирилиб, 23 ҳарфдан фойдаланилган. Лекин кўк турк матнларидаги ҳарфлар сони 38–40 атрофида (айрим матнларда бундан ҳам ортиқ). Юқоридаги фараз назарда тутилган тақдирда алифбода ҳарфлар сонининг салкам икки бор орттириб юборилишининг боиси нима? Ахир ҳарфлар миқдорини деярли сақлаган ҳолда уйғур хатини яратган эмасмидилар?

Суғдча ҳарфлар билан кўк турк ҳарфларининг баъзиларини ўзаро чоғиштириш ҳам мумкин. Лекин туркий алифбода мазкур белгининг иккинчи эши-да бор. Масалан, ʃ ҳарфи суғдча <r>га ўхшаш дейдиган бўлсак, <r> нинг йўғон шакли – ʃ суғдчадагидан тамоман фарқ қилади.

Яна бир хусусияти: кўк турк хатида айрим идеографик белгиларни ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, тадқиқотчиларнинг эътирофича, D <u> ҳарфининг генезиси *au* (ой) сўзи билан боғлиқ. Яъни ойнинг кўринишини назарда тутиб, ушбу ҳарфни яратганлар деб фараз қилиш мумкин (ёзувда *au* сўзи ой шаклидаги D билан ёзилади). Шунинг сингари ʃ <r'> ҳарфи *er* (киши) кўриниши, ↓ <oq> ҳарфи «ўқ»нинг кўриниши асосида шакллانган кўринади, чамаси. Аини фараз тўғри бўлган тақдирда, кўк турк ёзувининг туркий муҳитда кашф этилгани мутлақо шубҳа туғдирмайди.

Муҳими, ёзувда қадимги туркий тилнинг фонетик-фонологик хусусиятлари тўлалигича инобатга олинган эди. Кўк турк алифбоси туркий халқлар тарих давомида қўллаган ёзувлари ичида ўз тилларига энг мувофиқлашгани эди. Ёзувнинг бу каби хусусиятларини ҳисобга олмай, унинг асосини бошқа ёзувларга тўғридан-тўғри боғлаб қўйиш, назаримизда, ўзини оқламас.

Кўк турк ёзувининг оромий ёзувлари, хусусан, суғд хатига айрим жиҳатдан боғлиқлигини умуман инкор этмаслик керак (бу ёзув ҳам финийкий алифбо тизимига бориб туташади). Лекин ёзувнинг шаклланишини кейинги даврларга ёки айнан суғд алифбосигагина боғлаб қўйиш, бизнингча, асоссиз. Туркий ёзувнинг палеографик хусусиятлари ва фонетик-фонологик вазифаси унинг бир йўла эмас, аста-секинлик билан, асрлар давомида, қадимги туркийнинг товуш қуруми билан узвий ҳолда ривож топганидан далолат бермоқда.

Бизгача сақланиб қолган ўрхун-енисей битиглари ушбу ёзувнинг илк босқичига оид эмас, балки мазкур обидалар ёзувнинг такомиллашган босқичида яратилган. Демак, ушбу ёзувнинг тарихи бизгача етиб келган ёдгорликлардан-да қадимийдир.

Кўк турк хатини баъзи олимлар бир пайтнинг ўзида кенгашиб яратилган, деб ҳам чамаламоқдалар. Лекин сўнгги ўнйилликларда топилган ёдгорликлар ушбу ёзувнинг пайдо бўлган даврини милоддан аввалги асрлар билан боғлаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Алмати яқинидаги Иссиқ кўрғонидан, Ўзбекистоннинг жанубидаги қадимги кент харобаларидан чиққан битиглар бунинг далилидир. Қадимги туркий ёзув маданиятини тадрижий жараён сифатида яхлит талқин этмоқ учун ушбу топилмалар устида яна чуқур тадқиқотлар бажарилмоғи лозим.

Қадимги турк хати шу қадар кенг ёйилган эдики, ёзувнинг илк ўчоқлари қаерларда бўлган, деган савол ҳам туғилади. Бу масалада ёзув, асосан, кўк турк хоқонлиқлари даврида Енисей ва Ўрхун атрофларида ёйилиб, тараққий этган деб қараш кифоя эмас. Бир ёғи Сибирь, Олтой ўлкаларидан Марказий Мўғулистону Шарқий Туркистонга қадар, иккинчи ёғи Афғонистондан тортиб Каспий тевараги бўйлаб Шарқий Оврўпагача бўлган улкан ҳудуддан топилган ва топилаётган туркий битиглар илк ўрта асрларда ушбу тупроқларда ёзув маданиятининг ғоят раванқ топганидан далолат бермоқда. Муҳими шундаки, мазкур ёдгорликларнинг хат шакли хилма-хил. Уларни палеографик жиҳатдан бир гуруҳга бириктириб бўлмайди. Ҳар қайси ҳудудда амал қилган ёзув палеографик жиҳатдан ўзига хос; айрим белгилари, баъзи имло хусусиятлари билан ҳам фарқланиб туради.

Ушбу туркий ёзувнинг палеографик хусусиятлари ва фонетик-фонологик вазифаси унинг бирйўла эмас, аста-секинлик билан, юзйилликлар давомида, қадимги туркийнинг товуш қуруми билан узвий ҳолда ривож топганидан далолат бермоқда.

Кўк турк ёзувида етиб келган ёдгорликлар оз эмас. Муҳими шундаки, кунимизгача сақланиб қолган битиглар ушбу ёзувнинг илк шаклланиш босқичида яратилган эмас, балки улар ёзувнинг такомиллашган босқичида яратилганлиги маълум бўлмоқда. Демак, ушбу ёзувнинг тарихи, унинг илдизлари бизгача етиб келган ёдгорликлардан-да эскироқдир.

Қадимги турк ўлкаларидан топилаётган ёзма ёдгорликлар, айниқса, уларда қўлланган хат шаклининг ўзаро фарқли эканлигидан англашиладики, туркий ёзувнинг маданий марказлари бир эмас, бир қанча бўлган.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон тупроғидан топилаётган илк ўрта асрларга тегишли обидалар бу ерлар ҳам ўтмишда кўҳна турк ёзувининг маданий ўчоқларидан бири ўтганидан далолат бермоқда.

Кўк турк ёзуви қадимги туркий тилнинг фонетик-фонологик, морфонологик хусусиятларига мослашган эди. Буни ёзувнинг туркий сингармонизм (унлилар уйғунлиги) қонунига бўйсунганлигида яққол кузатиш мумкин. Ёзув белгилари сўзнинг фонетик-фонологик табиатини англашиб туради.

Ёзма ёдгорликлари. Кунимизгача сақланган кўк турк ёзув ёдгорликлари Биринчи ва Иккинчи турк хоқонлиқлари, уйғур хоқонлиғи даврларига тегишлидир. Улар Мўғулистондан, Олтой ўлкаси ҳамда Енисей дарёси теварагидан, ҳозирги Синжон ўлкаларидан, Талас ва Ўзбекистоннинг Фарғона водийси, Қашқадарё ҳудудлари, шунингдек, Шимолий Кавказ, Шарқий Европада эса Дунай атрофларидан топилган. Бу эса қа-

димги турк ёзувининг ана шу кенг ҳудудда амал қилганидан дарак беради. Ёзувлар қабр тошлари, қоялар, сопол ва металл буюмлар ва таёқчаларга битилган. Ёдгорликлар орасида қоғозга битилганлари ҳам бор.

Кўк турк битигларининг энг йириклари Мўғулистондаги Ўрхун дарёсининг теварагидан топилган. Бир пайтлар бу ерлар турк хоқонлиқларининг маданий марказлари эди. Турк хоқонлиқларининг пойтахти, йирик шаҳарлари ўша ерларда бўлган, шаҳарсозлик гуллаб-яшнаган. Ҳозир ўша шаҳарларнинг харобалари қолган, холос. У ердан топилган битиглар кўк турк ва уйғур хоқонлиқлари даврида ўтган хоқонлар, саркарда ва йирик амалдорлар шарафига тикланган. Ушбу обидалар фанда «ўрхун битиглари» номи билан юритилмоқда.

Ўрхун битигларининг эскилари Иккинчи кўк турк хоқонлиғи замониغا тегишли. Ўша кезлар яшаб ўтган давлат арбоби ва саркарда Тўнйуқққа кўйилган битигтош, Элтариш хоқоннинг кичик ўғли Кул тигин (=Кўл тигин) хотирасига унинг оғаси Билга хоқон томонидан 732 йили ўрнатилган ёдгорлик, Элтаришнинг тўнғич ўғли Билга хоқон (=хитой манбаларида Мўгилан деб аталган) шарафига 735 йили тикланган мангутош, VIII юзйилликнинг биринчи ярмида (чамаси, 732 йили) саркарда Алп Элэтмиш хотирасига тикланган Ўнгин битиги, айни хоқонлиқ даврига мансуб Кули-чўр битиги шулар жумласидан.

Олтой ўлкаси ва Енисей теварагидан топилган кўк турк ёзувидаги ёдгорликлар фанда «енисей битиглари» деб аталмоқда. Уларнинг сони жуда кўп. Лекин ўрхун битиглари сингари катта-катта матнлар эмас; йириклари 15–16 қаторли. Битиглар қабр тошларига, қояларга битилган.

Мўғулистондан топилган кўк турк ёзувли битигларнинг муайян қисми уйғур хоқонлиғи даврига тегишли. Улардан айримлари қадимий Қорабалғасун харабаларидан чиққан. Қорабалғасун обидалари уйғур хоқонлиғи давридан қолган йирик ва ўта қадрли тарихий монументал ёдгорликлардир. Улар асл ҳолатида сақланган эмас. Мангутошлардан бўлақлар қолган, холос.

Авестў ёзуви

Авестў хати қадимги авестў тилининг ёзувидир. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авестў» ана шу ёзувда. Ушбу ёзувдаги якка-ёлғиз ёдгорлик ҳам шунинг ўзидир. Мазкур диний асарнинг тили фанда *авестў тили*, китобнинг хати эса *авестў ёзуви* деб юритилмоқда.

Баъзи мутахассислар авестў ёзуви ва тили фақат «Авестў» китоби учун яратилган деб қарайдилар. Аслида бундай эмас. Авестў тили

ва ёзуви қачонлардир зардушт жамоалари орасида кенг амал қилган. Кейинчалик бу тил истеъмолдан чиқиб, ўлик тилга айланган. Шунинг билан бирга, ёзув ҳам қўлланилмай қўйган. Лекин китобий тил (*авесту тили*) дин тили сифатида сақланиб қолаверган.

Қадимги хоразм ёзуви

Қадимги хоразм ёзуви оромий алифбоси негизида, ўртанча эроний тиллар туркумига кирувчи қадимги хоразм тили ишлаб чиқилган махсус алифбо эди.

Қадимги хоразм тили тарихида амал қилган ёзув маданиятини даври ва ёзув турларига кўра икки босқичга ажратиш мумкин:

Биринчиси, ёзув маданиятининг илк босқичи. Бунда оромий тизимига асосланган қадимги хоразм ёзуви ва унда етиб келган ёдгорликлар назарда тутилади. Ушбу ёдгорликлар мелоддан бурунги IV юзйилликдан мелодий X юзйилликкача бўлган даврларга тегишлидир.

Иккинчиси, ёзув маданиятининг илк ўрта асрлар босқичи. Бунда араб тилида битилган манбалар ва уларда сақланган хоразмча глоссалар (сўзлар) назарда тутилади. Ушбу хоразмча сўзлар X юзйилликдан XIV юзйилликкача бўлган даврларда яратилган арабча манбаларда келтирилган бўлиб, ёзуви ҳам араб алифбосида.

Қадимги хоразм ёзувининг илдизлари турли пиктографик белгиларга асосланади. Улар Хоразм воҳаси Султон Увайс тоғининг ғарбий қисмидан аниқланган қоятош чизгиларидир. Чизгилар туркуми Амударё ёқасидаги Чилпиқтепа, Қоратепа, шунингдек, Нукус яқинидаги Бештепа пиктографик белгиларидан ташкил топган.

Хоразмда ҳарф-товуш белгилар тизимига асосланган алифболи ёзув мелоддан аввалги IV – мелодий VIII юзйилликлар оралиғида ишлатилган. Улар қоятошлар, сопол идишлар, ёғочлар, суяклар ҳамда терига, битигларнинг катта бир қисми тангаларга битилган.

Хоразм ёзувидаги энг эски битиг Катта Ойбўғирқалъа битиги деб юритилади. Битиг мелоддан аввалги V–IV юзйилликлардан қолган қўрғондан чиққан хум сиртига битилган бўлиб, Марказий Осиёдан топилган энг қўхна ёзув ёдгорлиги саналади.

Шунингдек, Хумбузтепа ёдгорлик комплекси, Қалъалиқир бино комплекси, Говур манзили, яна Ақчахонқалъа, Аёзқалъа, Бурлиқалъа, Қўйқирилганқалъа қўрғонлари, Тупроққалъа сарой комплекси, Миздақон ва Тўққалъа қўрғонлари, Яккапорсон деган жойлардан ҳам қадимги хоразм ёзувидаги битиглар топилган.

Битигларнинг катта бир қисми мелоднинг бошларидан то VIII юз-йилликка қадар Хоразм ҳуқумдорлари томонидан зарб қилинган тангалардаги ёзувлардир. Тангаларга юрт эгаларининг оти ва унвонлари битилган.

Қадимги хоразм тилига мансуб луғат қатлами илк ўрта асрларда яратилган арабча манбаларда ҳам келтирилган. Ушбу луғат араб ёзувида берилган бўлиб, ўша давр хоразм тилига мослаштирилган эди. Масалан, Абу Райҳон Берунийнинг «Осору-л-боқиййа» асарида қадимги хоразм глоссалари берилган. Шунингдек, Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асарининг энг эски қўлёзмаларидан бирида ҳам қадимги хоразмча сўзлик келтирилган. Қадимги хоразм тилидаги манбалар оз бўлишига қарамай, улар асосида қадимги хоразм тилининг қисқа грамматикаси ишлаб чиқилди.

Суғд ёзуви

Суғд ёзуви мелоддан аввалги III юзйилликда оромий хати негизида шаклланган бўлиб, мелоднинг XI юзйиллигига қадар суғдларнинг миллий ёзуви сифатида амал қилган. Узоқ тарихий биродарлик таъсирида туркий халқлар учун ҳам хизмат қила бошлаган. Туркий-уйғур ёзуви ҳам ана шу хат негизида шакллангани маълум.

Суғд тилининг секин-аста ўлик тилга айлана бориши ва истеъмолдан чиқиши билан баробар ёзув ҳам унутилган.

Суғдлар томонидан кашф этилган ёзув фанда «миллий суғд алифбоси» деб аталади. Миллий суғд алифбоси мелоддан бурунги I мингйилликнинг иккинчи ярмида оромий хатини суғд тилига мослаштириб қўллаш натижасида шаклланиб, кейинчалик мустақил тараққиёт йўлига кўчган.

Суғдларда фонетик ёзувнинг пайдо бўлиши суғд тили адабий меъёрларининг шаклланиши билан баробар кечган. Дастлаб қисқа хўжалик ёзувлари, тангаларда, расмий ишларда қўлланган ёзув аста-секин тилининг грамматик меъёрларини ҳам шакллантира борди.

Суғд миллий ёзувининг энг эски намуналари бизгача мелоднинг бошларига мансуб кумуш тангаларда етиб келган. Улардан-да эски ёдгорликлар топилганича йўқ. Ваҳоланки, суғдлар ҳам алифбони хоразмийлар ва парфиёнлар билан бир пайтда ўзлаштирган эди.

Уйғур ёзуви

Туркий халқлар ўтмишда кенг қўллаган алифболардан бири уйғур ёзувидир.

Ҳозир фанда «уйғур ёзуви», «уйғур хати» деб аталаётган ёзувни Маҳмуд Кошғарий «туркча ёзув» (*kitābatu-t-turkiyya* ҳамда *xaṭṭu-t-turkiyya*) деган. Жумладан у туркий халқларнинг миллий ёзуви тўғрисида сўз юритар экан уни «туркча ёзув» (*kitābatu-t-turkiyya*) деб атаган (ДЛТ,16).

Ёки бошқа бир ўринда у уйғурларнинг тили ва ёзуви ҳақида шундай ёзади: *Ууур* ларнинг тиллари туркчадир, лекин ўзлари бир-бирлари билан сўзлашадиган бошқа бир тиллари ҳам бор. Ёзувда китобнинг бош қисмида кўрсатилган 24 ҳарфли туркча ёзувни (*xaṭṭu-t-turkiyya*) қўлловчилар, хатларини шу ёзув билан ёзадилар. *Ууур* ларнинг ҳам, *şin* ликларнинг ҳам яна бошқа бир ёзувлари бор. Китобларини, идора ишларини у хат билан юритадилар. *Şin* ликлар ва мусулмон бўлмаганлардан бошқалар у хатни ўқий олмайдилар (ДЛТ,25).

Бу атамалар ҳозир фанда «уйғур ёзуви»; «уйғур хати» деб аталаётган ёзувнинг арабий манбалардаги энг эски отидир.

Кошғарий ушбу ёзув ҳақида кенг маълумот бериб, унинг алифбосини ҳам келтирган (ДЛТ,16–17,162). Олимнинг туркий ёзув ҳақидаги маълумотлари ва унинг алифбоси ўта муҳим аҳамиятга эга. Ўтмишдан бундан бошқа ҳам уйғур алифболари етиб келган. Лекин уларнинг ҳеч бири Кошғарий алифбосига ва у келтирган изоҳларга тенглаша олмайди.

Кошғарийнинг таъкидлашича, уйғур алифбосида ҳарфлар сони ўн саккизта. Муаллиф алифбода ҳарфларнинг бош шаклини кўрсатиб, тагида араб ҳарфлари билан уларнинг ўқилишини (транслитерациясини) беради (ДЛТ,16). Уйғур ҳарфларининг вазифаси тагидаги ана шу изоҳларга қараб тушунилади.

Кошғарий алифбосида ҳарфлар кетма-кетлиги қуйидагича: *a, w, x, v, z, q, u, k, δ, m, n, s, b, ċ, r, š, t, l*.

Олимнинг таъкидлашича, тилнинг товуш тизими шунинг билан чекланмайди; туркий тилда ишлатиладиган еттита товуш уйғур ёзувида махсус белгисига эга эмас. Булар: *p, ž* (сирғалувчи), *γ, g, η* ҳамда *č, w* лардир. Ушбу товушлар юқорида кўрсатилган ҳарфлар воситасида ифода этилган ёки улар сингари ифодаланиб, қўшимча белгилар билан фарқланган. Ушбу маълумотдан уйғур хатида қуйидаги товушлар бир хил ифода этилганлиги аён бўлади: *k-g, x-γ, č-j-ž, w-f*. Сонор *η* эса ёзувда икки ҳарф (*n+k*) билан берилган.

Кошғарий туркий алифбо ҳарфларининг отини ҳам эслатади: ҳарфларнинг оти, улар ифодалаган товушга *fatha* қўшиб ҳосил қилинган: *a,*

wa, xa, va, za, qa, ya, kā, ḍa, ma, na, sa, ba, ḥa, ra, ša, ta, la. Бу кетма-кетликни эсда сақлаш учун улар учта-учтадан бирлаштирилиб, *awaḥa, vazaqa, yakāḍa, manasa, baḥara, šatala* тарзида ўқилган. Бу шакллар китобда алифбо ва унинг изоҳларидан кейин алоҳида-алоҳида қилиб берилган.

Муаллифнинг ёзишига кўра, «Барча хоқонлар ва султонларнинг китоблари, ёзувлари қадимги замонлардан шу кунгача, *Kāšyar* дан Юқори Чингача – ҳамма турк шаҳарларида шу ёзув билан юритилган» (ДЛТ,17).

Маҳмуд Кошғарий унлиларнинг тўлиқ ёзилиши тўғрисида тўхталиб, талаффузда ўрни йўқлигига қарамай (бунда қисқа унлилар назарда тутилмоқда – Қ.С.) *fatha* ўрнида *alif, ḡamma* ўрнида *vāv, kasra* ўрнида *uā* ёзиш қоида эканлигини таъкидлайди. У мисол тариқасида айрим сўзларнинг уйғур ва араб ёзувларида ёзилиш тартибини ҳам берган. Араб хатида – KeLiN, уйғур хатида – KELiN; араб хатида – ТаPaN, уйғур хатида – TAPAN (туя товони) (ДЛТ,162).

Манбаларда уйғур хатининг *türkčä xaṭ* деган оти ҳам бор. Алишер Навоий Хусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамонга ёзган мактубида хатларнинг ўқиш учун қулай ё қийинлиги тўғрисида фикр юрита туриб, уйғур хатини ҳам эслайди; уни *türkčä xaṭ* дея тилга олади. Навоий ёзади: *Yana ul-kim, har türlüg 'arzadāšt-kim, yuqarī bitilsā, nasxta'liq xaṭi bilā andaq xānā bitilsā-kim, oqurda oqur kišigā tašviš tegmäsā, türkčä xaṭ bilā xud aslā bitilmäsāki, bu bābda daḡi qavle bar* (Mun.794a.3–4).

Ушбу туркий ёзув тарихда «уйғур хати» деб ҳам аталган. Жумладан, XIII юзийликда яшаб ижод этган форсигўй шоирлардан бири Пури Баҳои Жоми ўз қасидаларидан бирида уни «уйғур хати» (*xaṭṭ-i uyyūrī*) деб атаган (Sertkaya 1977,19). Шеърнинг уйғур хати тилга олинган байти шундай:

*Kāmān turraxāi tu čün kilki baxšiyān,
Kardan mašq barrūhi tu xaṭṭ-i uyyūrī.*

«Сенинг кокилларинг бахшиларнинг қалами кабидир,
Юзингда гўё уйғур хатини машқ қилдилар».

Арабча манбаларда арабий изофа билан *xaṭṭu-l-uyyūriyya* дейилган. Машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ ўзининг «Ажоибу-л-мақдур фи навоиби Таймур» деб аталган китобида уни «уйғур хати» дея тилга олган ва бу ёзувнинг тарихи тўғрисида яхши маълумот келтирган (Қоҳира миллий кутубхонасида сақланаётган 3543- кўрсаткичли қўлёзма, 186а-187а-бетлар) (Рустамов 1976,39).

P.P. Аратнинг маълумотига кўра, Анқарадаги Маориф кутубхонасида сақланаётган «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг Е нусхаси киритилган қўлёзмада уйғур алифбоси келтирилган (Arat 1992,34–35; CLXIX).

Алифбодан олдин шундай жумла битилган: *fī haṭṭu-l-ṣuyūr alāna nuqāl moṣūlī va ḥurūfuhā 16 ḥarfān mubniya 'ala-l-faṭḥ*.

Мазмуни: «Ҳозирда мўғулча деб аталадиган уйғур хатида ҳарфлар (сони) 16 та ва фатҳа асосига қурилган».

Шундан сўнг 18 та уйғур ҳарфи келтирилиб, улар 16 хил араб ҳарфи билан изоҳлаб чиқилган.

Ҳозирда «уйғур хати» деб аталаётган эски туркий ёзув ўтмишда «мўғул хати» (*haṭṭu-l-moṣūliyya*) номи билан ҳам аталган. Жумладан, Истанбулдаги Аёсофия кутубхонасида сақланаётган 4757- кўрсаткичли Абдулраззоқ бахши кўчирган мажмуанинг биринчи бетига араб тилида бир қайд битилган бўлиб, унда мазкур мажмуа «мўғул хати» (*haṭṭu-l-moṣūliyya*)да битилгани қайд этилган. Қайднинг мазмуни шундай: «Мўғул тилида мўғул хати билан тузилган ўғитлардан иборат рисоалар мажмуаси ҳамда мўғул тили ва мўғул хатидаги «Маҳзану-л-асрор» китоби – уларнинг ҳар иккиси туркийдадир» (*қаранг: Arat 1992,LXIII*).

«Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг араб ёзувида битилган С қўлёзмасининг бошланишига Адиб Аҳмад асарининг туб нусхаси ва мўғул хати (яъни уйғур ёзуви) билан боғлиқ керакли бир маълумот ёзиб қўйилибди. Араб тилидаги ушбу қайднинг маъноси шундай: «Мўғулча «Ҳибату-л-ҳақойиқ» (китоби) насиҳат ва тасаввуфга бағишланган. (Мўғул хати) сурёний хатининг бир туридир. Инжил ана шу (сурёний) хатда битилган» (*қаранг: Arat 1992,CXVII*). Ушбу қайдда «мўғулча «Ҳибату-л-ҳақойиқ» (китоби)» дейилганда, афтидан, асарнинг туб нусхаси мўғул (уйғур) хатида эканлиги, араб ёзувли ушбу нусха эса ўшандан кўчирилгани кўзда тутилмоқда. «(Мўғул хати) сурёний хатининг бир туридир» деган жумлада уйғур ёзувининг сурёний ёзуви билан ўзакдош эканлигига ишора бор. Чунки сурёний ёзуви ҳам оромий ёзувидан ўсиб чиққан.

Ёзма ёдгорликлари. Уйғур ёзувида битилган туркий ёдгорликларни замони ва маданий муҳитига кўра қуйидаги туркумларга ажратиш мумкин:

- (1) Тангриканлик инончи давридан қолган битиглар;
- (2) Буддизм муҳитида яратилган битиглар;
- (3) Монийлик муҳитида яратилган битиглар;
- (4) Насронийлик муҳитида яратилган битиглар;
- (5) Ислом муҳитида яратилган битиглар.

«Ўғузхоқон» достонининг энг эски варианты тангриканлик инончи давридан қолган. Асарнинг ушбу варианты уйғур хатида битилган.

Уйғур ёзувининг кенг оммалашуви туркий халқлар томонидан буддизм динининг қабул қилиниши ва унинг ёйилиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам буддизм муҳотида яратилган асарлар ниҳоятда кўп. Исломга қадар яратилган ёдгорликлар ичида ҳам буддизм даврига тегишлилари салмоқли ўринни эгаллайди. Бунга «Майтри симит нўм битиг», «Олтун тусли ёруғ», «Сюань-цзан кечмиши» ва бошқа кўплаб будда ёдгорликларини мисол келтириш мумкин.

Монийлик муҳотида яратилган «Хуастуанифт»нинг Санкт-Петербург нусхаси, Тангрига, Монийга бағишланган алқовлар ва бошқа шеърий узиндилар маълум.

Насронийлик муҳотида яратилган битиглар унчалик кўп эмас. Бири «Топинувчиларнинг дуолари» деб аталади.

Х юзйилликда қорахонийлар давлатида ислом расман қабул қилинди. Шу чоғлардан бошлаб туркий муҳитга араб ёзуви ҳам ўзлаша бошлади. Лекин араб хати эски уйғур ёзуви ўрнини бутунлай эгаллаб олгани йўқ. Турк-ислом оламида XV юзйилликнинг охирларига қадар уйғур ва араб ёзувлари ёнма-ён ишлатилди. Шунинг учун ҳам бу даврларда яратилган асарларнинг қўлёзма нусхалари икки хил ёзувда. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Хўжандийнинг «Латофатнома» асарлари ва бошқа ёдгорликларнинг ҳам уйғур, ҳам араб ёзувли қўлёзмалари бор. Баъзи бир асарларнинг эса фақат уйғур ёзувли нусхалари сақланган, холос.

Муҳим жиҳати, темурийлар даври ёзув маданиятида ўтмиш анъаналарига, ота-боболардан қолган ёзувларга эътибор катта эди. Темурийлар давлатида тарихнавислик, бадий адабиёт, таълим ва фан соҳаси, давлат девонхоналари ва хўжалик ишларида, расмий-дипломатик муносабатларда икки хил ёзув – эски уйғур ва араб алифболари ишлатилган.

Туркий халқларнинг ёзув маданияти тарихида XIV–XV юзйилликлар қадимги туркий ёзувдан араб хатига ўтиш даври саналади. Шунга қарамай, бадий адабиёт, тарихнависликда, шу қаторда давлат ҳужжатчилик ишлари, халқаро дипломатик муносабатларда уйғур хатининг мавқеи юқори эди. Қадимги турк ёзув анъанасини сақлаб, турк ислом дунёсида уйғур хатини сўнг бор қўллаган ҳам темурийлардир. Темурбек ўз салтанатининг расмий ишларида, ички ҳамда ташқи дипломатик муносабатларда, бадий адабиёт соҳасида, билим кишилари орасида ота-боболардан мерос қолган уйғур хатининг кенг амал қилишига ҳайри-

хоҳлик қилди ва бунинг ижросига катта эътибор қаратди. Темурийлар даврида уйғур хати туркий ёзма адабий тилининг етакчи, бутун бир салтанатнинг иш юритувчи расмий ёзувига айланди. Уйғур хати, араб хати билан баробар Темурийлар давлатининг расмий ёзуви эди.

Олтин ўрда ҳамда Темурийлар давлатида уйғур хатининг кенг амал қилганлиги тарих китобларида ҳам қайд этиб ўтилган. Машхур тарихчи Ибн Арабшоҳ ўзининг «Ажоибу-л-мақдур фи навоиби Таймур» деб аталган китобида уйғур хатининг тарихи тўғрисида яхши маълумот берган. Тарихчи ёзади: «Улар [чиғатойликлар – Қ.С.] ўзларининг тилхат, мактуб, фармон, хат, китоб, битим, солнома, шеър, қисса, ҳикоят, ҳисоб, хотира ва девонга тегишли ҳамма ишларини, чингизона тузукларини шу ёзувда ёзадилар. Бу ёзувни яхши билган уларнинг орасида хор бўлмайти, чунки бу [ёзув] уларда ризқ очқичидир» (Рустамов 1976,39–42). Ибн Арабшоҳ ушбу маълумотида «Улар ўзларининг тилхат, мактуб, фармон, битим ва девонга тегишли ҳамма ишларини, чингизона тузукларини шу ёзувда ёзадилар» деганда давлат ишлари, халқаро дипломатик муносабатларда, тарихнависликда уйғур хатининг мавқеи юқори эканини кўзда тутган.

Уйғур хати Темурийлар давлатининг расмий ёзуви ҳам эди. Темурийлар ўз ёрлиқларини, расмий ҳужжатларини, ҳатто чет элларга юбориладиган хатларини ҳам уйғур ёзувида битганлар. Уйғур хати девон ишларида, расмий-дипломатик ёзишмаларда кенг ишлатилган. Темурбек ўз ёрлиқларини, қўшни элларнинг ҳукумдорларига йўллаган мактубларини уйғур хатида ва туркий тилда ёздирган, темурийларнинг шажаралари ҳам айна ёзувда. Темурбекнинг ўлимидан кейин Шоҳруҳ ва Мирзо Улуғбек, Абу Саид мирзо ва унинг ўғли Умаршайх мирзо ҳам ўз девонида, давлат ишларида қадимги туркий алифбони кенг қўллагани маълум. Бу ёзувни Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам яхши билган.

Моний ёзуви

Милодий 247 йили Бобилда Моний бошчилигида янги диний оқимга асос солинди ва ўша кезлардан бошлаб Суриянинг Палмира шаҳрида қўлланилган ёзув шакли асосида тузилган моний ёзуви ҳам амал қила бошлади. Кейинчалик ушбу ёзув моний дини билан бирга Ўрта ва Марказий Осиёга ҳам кириб келди. Ушбу тупроқда моний хатини монийликни қабул қилган турк ва суғд жамоалари қўллаган. VII юзйилликка келиб, монийлик уйғур хоқонлигининг давлат дини сифатида амал қилган чоғларда бу ёзув турклар орасида кенг ёйилди.

Одатда, турк-моний жамоаларида диний асарлар кўпроқ моний хатида битилар эди. Бизгача моний хатида битилган туркий ёдгорликлардан сақланиб қолган. Туркий матнлар ичида моний диний мазмунидаги шеърлар бор. Шунингдек, монийчилар тавбаномаси «Хуастуанифт»нинг айрим қўлёзма нусхалари моний хатида. Жумладан, асарнинг Британия Музейида сақланаётган нусхаси, Берлин фондида сақланаётган Т.П.Д.178; ТМ303(М153); ТМ183; М172; М443 рақамли узиндилар моний алифбосидадир.

Брахми ёзуви

Брахми хати бўғин ёзуви бўлиб, қадимги санскритча алифбо негизда шаклланди. Турон юртига буддизм таъсирида кириб келган. Браҳми хатини фақат турк-будда жамоаларигина қўллади, қолганлар ўз ёзувида қолаверди. Шуниси борки, буддизмни қабул қилган турклар ўзининг миллий ёзувидан ҳам кечгани йўқ. Улар ўз тилларига ўгирилган будда асарлари учун уйғур ёзувидан ҳам фойдаланди. Бунинг сабаби, туркий халқлар учун бўғин ёзувидан кўра ўзларининг фонетик алифболарини қўллаш қулай эди. Шунинг учун ҳам қадимги турклар орасида браҳми хати кенг ёйилган эмас. Унинг ёдгорликлари ҳам шунга яраша оз.

Сурёний ёзуви

Сурёний ёзуви араб тилидаги манбаларда *hurūfu-s-suryāni* деб аталган. «Ҳибату-л-ҳақойиқ» С қўлёзмасининг бошланишига араб тилида сурёний ёзуви билан боғлиқ кичик бир қайд ёзиб қўйилибди. Унда «(Мўғул хати) сурёний хатининг бир туридир. Инжил ана шу (сурёний) хатда битилган» деган жумла бор. Ўша жумлада *hurūfu-s-suryāni* атама-си ишлатилган (қаранг: Arat 1992, СХVII).

Милоднинг бошларида Месопотамиянинг Ғарбий шимолида христианлик гуркираган эди. Бу ўлкада оромий алифбоси асосида шаклланди сурёний хати амал қилган. V юзйилликнинг ўрталарида Сурия диндорлари икки мазҳабга бўлиниб қолдилар. Уларнинг настурий мазҳабидагилари ўз юртида таъқиб остида қолгач, Эрондан паноҳ топдилар. Насронийлар бу ерда ўзининг таълимот мактабларини очди. Мана шу мактаб намояндалари ўз таълимотларини маҳаллий халқ орасига ҳам ёйдилар. Уларнинг миссионерлик ишлари оқибатида настронийлик VII–VIII асрларда Ҳирот, Самарқанд, Қашқар, ҳатто Ҳиндистон билан Ғарбий Хитойга етиб борди. Насронийлик билан бир пайтда бу ўлкалар-

да сурёний алифбоси ҳам тарқалган. Сурёний хати турк насронийлар орасида ҳам қўлланилган. Бизгача етиб келган насроний мазмунли туркий ёдгорликлар икки – уйғур ва сурёний ёзувларидадир. Турклар орасида сурёний ёзуви чиғатой хонлиги даврида ҳам амал қилган.

Марказий Осиёда насронийликнинг ёйилиши осон кечмади. Жумладан, 762 йили Ўтуқанда Бўғу хоқон бошчилигида монийлик расман қабул қилинган эди. Бунга давлат арбобларидан бўлмиш Баға тархан қаршилик кўрсатди. Бу воқеа Билга хоқон элга эгалик қилган пайтлардаги ҳодисага ўхшаб кетади. Ўша чоғлар Билга хоқон буддизмга ўтишни таклиф қилган, маслаҳатчиси Тўнюқуқ эса бунга қаршилик кўрсатганди. Тўнюқуқнинг айтгани бўлиб, кўп нарса сақлаб қолинди. Лекин Бўғунинг монийликка ўтиш тўғрисидаги ташаббусини ҳеч ким бўға олмади. Шундай эса-да, 780 йили Бўғу хоқонга суйиқасд уюштирилиб, ўлдиртириб юборилади. Шундан кейингина бу ўлкаларда буддизм ва насронийликнинг қайта ёйилишига кенг йўл очилди.

Ўрта ва Марказий Осиёда сурёний хатини насронийликни қабул қилган суғдлар ва туркларгина қўллаган, холос. Бошқа диний жамоаларда бу ёзув ишлатилган эмас.

Сурёний хати турк-насонийлар орасида кенг қўлланилган. Бизгача етиб келган насроний мазмунли туркий ёдгорликлар икки хил – уйғур ва сурёний ёзувларидадир. Турклар орасида сурёний ёзуви чиғатой хонлиги даврида ҳам амал қилган.

Кунимизгача насроний турклар яратган ёзма ёдгорликлардан муайян қисми етиб келган. Насроний турклардан қолган мерос ичида қабр ёзувларининг тарихий аҳамияти катта. Мазкур қабртошлар XIII–XIV юзйилликларга тегишли бўлиб, улар Еттисувнинг турли ўлкаларидан – Иссиққўлнинг ғарбидан, бир пайтлар чиғатой хонларининг қароргоҳи бўлган қадимги Олмалиқ шаҳрининг харобаларидан чиққан. Шунингдек, насроний битигтошлари Қашқар, Тўқмоқ атрофларидан ҳам топилган. Ушбу манбалар XIII–XIV юзйилликларда айни ҳудудларда насронийликнинг таъсири катта бўлганидан дололат беради.

Битигларнинг тили туркий. Шунингдек, Еттисув ёдгорликларининг сурёний тилида яратилганлари ҳам бор.

Насроний турклар иш юритиш ҳужжатлари, матнчилик амалиётида уйғур ва сурёний алифболаридан фойдаланган бўлсалар-да, қабр ёзувлари учун, асосан, сурёний хатини қўлладилар. Уларнинг Еттисувдан топилган ёдномалари ҳам ана шу ёзувда.

Насроний қабртошларининг шакли ҳам кўк турк қабртошларининг кўринишидан ажралиб туради. Ёдгорликлар учун юзи ясси тош танлан-

ган. Ўртага хоч тасвири туширилиб, гирдига сурёний хатидаги туркий матн ўйиб ёзилган.

Насроний битигларининг матн тузилиши, услуби ҳам кўк турк, уйғур хоқонлиқлари даври матнларидан фарқ қилиб туради. Турк-насроний эпитафияларининг тузилиши бутунлай ўзига хос. Шунинг учун ҳам, насроний муҳотида яратилган ёдномалар қадимги турк эпитафия тузиш анъанасини давом эттирган, дея олмаймиз.

Араб ёзуви

Араб алифбоси асосидаги туркий ёзув арабий изофада *al-xaṭṭu-l-'arabīyū* – «араб хати», *al-kitābatu-l-'arabīyū* – «араб ёзуви» дейилган.

Араб хатининг Ўрта ва Марказий Осиёга ёйилиш тарихи бу ўлкаларга исломнинг кириб келиши билан боғлиқ.

Ўрта Осиёда араб хатида битилган энг эски китоблар IX асрга тегишли. Улар араб ва форс тилларида. Араб ёзувида туркий ёдгорликлар X юзйилликдан бошлаб кўчирилган. Ундан эскиси топилганича йўқ. Туркий халқлар қорахонийлар давридан уйғур хати билан ёнма-ён араб ёзувидан ҳам фойдалана бошлади. Қорахоний ҳукумдорлар зарб эттирган тангалардаги ёзувлар, хонларнинг айрим ёзмалари араб хатида. XI юзйилликдан эътиборан араб хатида йирик асарлар ҳам кўчирила бошлади. Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб «Қутадғу билиг» асарининг Наманган ва Қоҳира қўлёзма нусхалари, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асаридаги туркий матнлар, Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» дostonининг араб ёзувли нусхалари араб хатидаги энг эски туркий ёдгорликлардир.

Ўрта асрларда турк-мусулмон давлатларида расмий ҳужжатлар эски уйғур хати билан бир қаторда араб хати асосидаги туркий ёзувда ҳам битилган.

Араб хатининг Ўрта асрларда Марказий Осиёда кенг тарқалган, оммалашган тури бўлганлиги учун бу хатни *nasxta'liq xaṭī* – «насхтаълиқ хати» ҳам дейилган. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамонга ёзган мактубида хатларнинг ўқиш учун қулай ё қийинлиги тўғрисида фикр юрита туриб, насхтаълиқ хатини тилга олади ва ҳужжату мактубларни туркча хат (уйғур хати)га қараганда ана шу хатда ёзиш маъқул эканини уқтиради. Ўша ерда *nasxta'liq xaṭī* атамаси ишлатилган (Mun.794a.3–4).

Ёки Заҳириддин Муҳаммад Бобур хуросонлик Али Дарвеш тўғрисида маълумот бера туриб, «*nasxta'liq xaṭīni tavre bitir edi*» деб ёзган эди (БН.17).

Араб хатининг Ўрта ва Марказий Осиёга ёйилиш тарихи бу ўлкаларга исломнинг кириб келиши билан боғлиқ.

Ўрта Осиёда араб хатида битилган энг эски китоблар IX юзйилликка тегишли. Улар араб ва форс тилларида. Араб ёзувида туркий ёдгорликлар эса X юзйилликдан бошлаб кўчирилган. Ундан эскиси топилганича йўқ. Туркий халқлар қорахонийлар давридан эътиборан уйғур хати билан ёнма-ён араб ёзувидан ҳам фойдалана бошлади. Қорахоний ҳукумдорлар зарб эттирган тангалардаги ёзувлар, хонларнинг айрим ёзмалари араб хатида. XI юзйилликдан эътиборан араб хатида йирик асарлар ҳам кўчирила бошлади. Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб «Қутадғу билиг» асарининг Наманган ва Қоҳира қўлёзма нусхалари, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асаридаги туркий матнлар, Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» дostonининг араб ёзувли нусхалари, шунингдек, «Туркий Тафсир» араб хатидаги йирик туркий ёдгорликларнинг энг эскиларидир.

Ўрта асрларда турк-мусулмон давлатларида расмий ҳужжатлар эски уйғур хати билан бир қаторда араб алифбоси негизида шаклланган эски туркий ёзувда ҳам битилган.

Сигнақ ёзуви

Эски туркий ёзувлардан бири. «Абушқа» луғатида ушбу ёзув тўғрисида маълумот берилган. Луғат тузувчиси *sīynaq* сўзини изоҳлар экан, у муайян ёзувнинг оти эканлиги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз ғазаларидан бирида уни тилга олганлигини таъкидлайди ва ғазалнинг ўша байтини мисол келтиради. Мана унинг ёзганлари:

Sīynaq – bir nav’ xatdur, Ćiyatayda xatṭ-i bāburī va ṡayri kibi-ke, Bābur Mirzā aš’ārinda kelūr. Bayt:

*Xūblar xatī nasibiṡ bolmasa, Bābur, ne taṡ,
Bāburī xatī emāsdūr, xatṭ-i sīynaqīmudur (DDT.278).*

Sīynaq атамаси, чамаси, ўрта асрлар Сирдарё бўйидаги турк маданий марказларидан бири бўлган шаҳар отига боғланади. Ана шу ўлкада қўлланилган ёзув шундай аталган бўлуви мумкин.

Сигнақ хатининг намуналари ҳозирча маълум эмас. Эҳтимол, у қадимги туркий ёзувлардан биридир. Далиллар аниқлангунга қадар бу масала очиқ қолади.

Бобур ўз шеърларидан бирида бу ёзувни тилга олиб, уни *xatṭ-i sīynaqī* деган (қаранг: DDT.278).

Бобурий хати

bāburī haṭī ёки *haṭṭ-i bāburī*, яъни «бобурий хати»– Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тилшунос сифатидаги улуғ кашфиётларидан биридир. Бу атама Бобурнинг шеърларидан бирида ишлатилган (*қаранг*: DDT.278).

Бу хатнинг муайян доирада амал қилганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Лекин бу ёзувда битилган матнлардан бизгача етиб келмаган ёки, бор бўлса ҳам, фанга маълум эмас.

Муҳаммад Тоҳир ибн Қосимнинг 1645 йили Балхда Саид Нодир Муҳаммадхон топшириғи билан ёзилган «Ажоиб ат-табақот» асарида хатт-и бобурий билан боғлиқ муҳим бир факт бор (Азимджанова 1963). ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида 409- ҳамда 411-қўрсаткичлари остида асарнинг қўлёзмалари сақланмоқда.

Китоб етти бўлимдан иборат. Уларда оламнинг яратилиши, пайғамбарлар, ер ва коинотнинг ҳолати, баъзи ажойиб ишлар, ғаройиб илмлар ҳақида сўз боради.

409- қўрсаткичли қўлёзманинг 241a–242b- саҳифаларида «Dar ta'auuni huṭut az anva'i o» («Хатлар ва унинг турларини билиш ҳақида») сарлавҳаси остида муайян тартибда ўн тўртта алифбо келтирилган. Алифболарнинг бошида уларнинг оти ҳам ёзиб қўйилган. Шулардан ўнинчи алифбо хатт-и бобурийдир. Унинг бошланишига *Haṭṭ-i bāburī inast* деб ёзилган. Шундан сўнг хатт-и бобурийнинг 28 ҳарфи келтирилиб, ҳар бири арабча ҳарфлар билан изоҳлаб чиқилган. Алифбодаги ҳарфлар сираси қуйидагича (ўнгдан чапга – фақат арабча ҳарфларни келтирамай):

ا ب ت ث ج ح خ د ذ س ش ص ض ه ط ظ ع غ ف ق ك ل م ن و ه ل ا ي

411- қўрсаткичли қўлёзмада ҳам хатт-и бобурий алифбоси бор (у қўлёзманинг 67b- бетида). Бироқ, ушбу қўлёзмада жами ўнта алифбо намунаси берилади. Хатт-и бобурий уларнинг ўнинчисидир. Муҳими шундаки, ушбу алифбода 29 ҳарф келтирилади. Улар ҳам арабча ҳарфлар билан изоҳлаб чиқилган. Мазкур алифбода юқоридаги алифбо ҳарфлари қаторига ج ва ح ҳарфлари ҳам қўшилган. Бу алифбодаги ҳарфлар кетма-кетлиги қуйидагича:

ا ب ت ث ج ح خ د ذ ر ز س ش ص ض ط ظ ع غ ف ق ك ل م ن و ه ل ا ي

Баъзи олимлар Заҳириддин Бобур ўз ёзувини уйғур хати негизида тузган, деб қарамоқдалар. Лекин, юқорида келтирилган алифболар бу

фикрни тасдиқламайди. Бизнингча, муаллиф хатт-и бобурийни бошқа бирор алифбо асосида тузган бўлуви керак.

Лотин ёзуви

Туркшуносликда «Codex Cumanikus» дея аталган асар 1303 йили италян ва немис миссионерлари томонидан лотин алифбосида ёзилган. У лотинча-форсча-қипчоқча (куманча) луғат, қисқа грамматика, насихат ва дуо парчаларидан тузилган. Ундаги туркий (қипчоқча) матнлар ҳам лотин хатидадир.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА КЕЧГАН ЛИНГВО-МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР

Мелоддан бурунги чоғларда ва илк ўрта асрларда Евро-Осиёни боғлаб турган Буюк ипак йўли ушбу савдо йўлида жойлашган мамлакатларнинг иқтисодий ривожлануви учунгина хизмат қилиб қолмай, дунё халқларининг маданий муносабатлари, тилларнинг ўзаро таъсири, адабий алоқаларга ҳам кенг йўл очиб берди. Айрим динларнинг кенг ёйилувиға имкон яратди, билим ва қарашларнинг тарқалиши, кишилик юзйилликлар оша тўплаган тириклик тажрибалари, илғор анъаналарининг бир юртдан иккинчи юртга ўтишини, фалсафий фикрлар бирлигини таъминлади. Шу йўсун Буюк ипак йўли коммуникация вази-фасини ўтаб, кишилик цивилизациясига йўл очиб берди.

Буюк ипак йўли туфайли Осиё халқлари орасида кенг ёйилган динлардан бири буддизмдир. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда юз берган маданий ўзгаришлар буддизмнинг тарихи билан боғланади. Буддизм қадимги Ҳиндистондан Ўрта Осиёга кириб келгач, Буюк ипак йўлига тушиб олди ва бу имконият унинг келгуси такомилени белгилаб берди. Унинг бошқа мамлакатларга кириб бориши ва қудратли бир динга айланувида Буюк ипак йўлининг аҳамияти каттадир.

Буддизм Буюк ипак йўли орқали Ўрта Осиёдан Хитойга ўтди. У ердан Осиёнинг бошқа элларига ёйилди. Буддизмнинг кейинги такомилида унинг илкин йўли, Ўрта Осиё орқали ўтганлигининг таъсири бор.

Марказий Осиё халқларининг ёзув маданияти тарихида ҳам Буюк ипак йўлининг таъсири катта. Буни мелоддан бурунги чоғларда ва илк ўрта асрларда амал қилган ёзувлар, айниқса, оромий ёзув тармоғининг тарихий такомилида, бу тизимга кирувчи ёзувларнинг юзага келишида ёрқин кузатишимиз мумкин. Оромий тизимидаги ёзувларнинг тарихий

такомили, бу тармоқнинг Марказий Осиё бўйлаб ёйилуви ҳам бевосита ипак йўли ва унинг эткисида юзага келган ижтимоий-сиёсий, маданий жараёнлар билан боғлиқдир. Марказий Осиё халқлари орасида кечган ижтимоий-сиёсий, маданий муносабатлар, савдо алоқалари туфайли оромий ёзуви кенг қулоч ёйди. Милоддан бурунги юзйилликлардаёқ ерли халқлар оромий алифбоси негизида ўз тилларининг фонетик қолипига тушадиган янги ёзувларни ярата бошладилар. Авеста, қадимги хоразмий, суғд, моний ёзувлари (Исхаков 2008₁) оромий алифбоси негизида юзага келган ана шундай миллий ёзувлардан эди. Кейинчалик бу тизим янги бир ёзув билан бойиди: тахминан V–VI юзйилликларда (ундан бурунроқ ҳам бўлиши мумкин) кунимизда «уйғур ёзуви» деб аталаётган қадимги турк алифбоси шаклланди.

Фанда уйғур хати суғд алифбоси негизида юзага келган, деб қаралади. Шундайми ёки у тўғридан-тўғри оромий алифбосидан тармоқ отганми, келгусида янги қўзқарашлар ўртага ташланса, ажабмас. Нима бўлганда ҳам, турклар бу ёзувни яратишда суғдларнинг оромий ёзувини ўзлаштиришдаги амалий тажрибаларидан фойдалангани аниқ.

Уйғур ёзувининг юзага келиш тарихини муайян давр ёки бирон-бир ёзма ёдгорликка боғлаб бўлмайди. Ёзув бир ўтиришда бир киши томонидан яратилиб, амалга тадбиқ этилган, дейиш ҳам тўғри эмас. Унинг шаклланиши деганда, Буюк ипак йўлидаги халқларнинг маданий, ижтимоий-сиёсий муносабатлари таъсирида ёзув амалиётида юз берган ўзгаришларни, оромий алифбосининг туркчалашувини тушунмоқ керак. Бу жараён бир алифбонинг бошқа бир тилнинг фонетик тизимига механик равишда мослашуви ҳам эмас. У узоқ тарихий ва график тараққиёт босқичини ўз ичига олади.

Уйғур хати мустақил алифбо сифатида ўз тараққиёт йўлини бошлагандан кейин ҳам узоқ давр мобайнида оромий тизимидаги бошқа ёзувлар, хусусан, суғд хати билан ёнма-ён қўлланилган. Иккала ёзув ҳам бу даврда бир-бири билан яқин боғланишда бўлиб, бунинг таъсирида ўзларининг график такомил чўққисига кўтарилдилар. Қизиғи шундаки, сўнгги босқич суғд хатида битилган матнлар палеографик жиҳатдан уйғур хатига яқин туради. Шунингдек, кейинги даврларнинг суғдча матнларида уйғур хатига хос бўлган ёзув хусусиятларини кузатишимиз мумкин. Бундай ҳодиса ёзувлар тарихида учрайвермайди. У суғд тили ҳамда ёзувининг туркий тиллар таъсирида янги босқичга кирганлиги билан белгиланади. Демак, қадимги турклар ўз ёзув амалиётида бошда суғдлардан фойдаланган бўлсалар, кейинчалик акс таъсир жараёни юз берган: суғдлар туркларнинг ёзув яратишдаги тажрибаларидан фойдаланган.

Янада аҳамиятлиси, оромий ёзуви негизида юзага келган уйғур хати туркий халқларнинг ёзув маданияти тарихида қўлланилган асосий ёзувлардан бирига айланди. Туркий халқлар исломни қабул қилганларидан сўнг аста-секин араб ёзувини ҳам қўллай бошладилар. Бироқ ислом таъсирида қабул қилинган араб ёзуви қадимги туркий-уйғур ёзувини сиқиб чиқара олмади. Натижада мусулмон турклар XV юзйилликнинг охирларига қадар уйғур ва араб ёзувларидан фойдаландилар. Ҳатто Темурийлар давлатида ҳам уйғур хати кенг ишлатилган. Қадимги турк ёзув анъанасини сақлаб, турк ислом дунёсида араб ёзувига тўла ўтилгунга қадар уйғур хатини кенг қўллаган ҳам темурийлар эди. Темурбекнинг ўзи давлат ишларида, ички ҳамда халқаро дипломатик муносабатларда, бадиий адабиёт соҳасида, илмий доираларда уйғур хатининг кенг амал қилишига хайрихоҳлик қилди ва бунинг ижросига катта эътибор қаратди. Уйғур хати туркий ёзма тилнинг етакчи, темурийлар салтанатининг иш юритувчи расмий ёзуви сифатида хизмат қилди. XVI юзйилликдан бошлаб у истеъмолдан чиқиб кетди. Аммо Турфон ўлкасидаги турк-буддистлар XVII юзйилликда ҳам ундан фойдаланганлар.

Муҳими, оромий тизимидаги ёзувларнинг тарихий тараққиёти уйғур ёзуви билан тўхтаб қолгани йўқ. Уйғур хати Марказий Осиёда амал қилган бошқа ёзувларнинг шаклланишига ҳам асос бўлган. Чингизхон замонида келиб, мўғуллар уйғур хати негизида ўз ёзувларини яратдилар. Фанда бу ёзув «мўғул хати» деб аталади. Кейинчалик эса мўғул хатидан манжур ёзуви, унинг асосида эса, мутахассисларнинг эътирофи этишича, корейс ёзуви келиб чиққан (Исхаков 2008₂). Демак, оромий ёзув тизимининг тармоқ отишида, хусусан, оромий алифбосидан манжур ёзувигача (бундан ўтиб корейс алифбосигача?) бўлган тарихий тараққиётида Буюк ипак йўли ва унинг таъсирида юзага келган маданий жараёнларнинг ўрни каттадир.

Шарқ тилларининг ўзаро таъсири, адабий алоқалар ва шарқ халқларининг маданий муносабатлари тарихида ҳам Буюк ипак йўлининг ўрни бор. Биринчи ва иккинчи кўк турк хоқонлиқлари, кейинчалик унинг ўрнида юзага келган уйғур хоқонлиғи ва давлатларида суғд, хитой тилларига айрича эътибор берилган.

Илк ўрта асрларда Буюк ипак йўлининг Каспий ёқаларидан бошлаб Узоқ Шарққача бўлган чизиғида халқаро мулоқат тили сифатида икки тил етакчилик қилар эди: буларнинг бири суғдча, иккинчиси эса эски туркий тилдир. Бунинг ўзига яраша тарихий, ижтимоий-сиёсий сабаблари мавжуд. Бу, биринчи галда, ана шу минтақадаги тил вазияти, ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлиқ. Маълумки, буддизмнинг Мар-

казий Осиё халқлари орасида ёйилуви ва турғун бир динга айланувида суғдларнинг хизмати катта бўлган. Манбаларнинг гувоҳлик берувича, илк ўрта асрларда суғд тили ва ёзувининг қўлланув доираси Суғд давлатидан чиқиб Марв, шимолий Бохтар ва улкан турк ўлкалари – Чоч воҳаси, Фарғона, Еттисув, ҳозирги Синжон ерлари ва Марказий Мўғулистонга қадар ёйилган эди. Бу, аввало, Ўрта ва Марказий Осиёдан ўтган савдо карвон йўллари, хусусан, ипак йўлида турклар билан суғдларнинг биргаликда олиб борган фаолияти, шунингдек, уч диний оқим – буддизм, монийлик ва настурийликни ерли халқлар, жумладан, турклар орасида ёйиш йўлида олиб борган уринишлари билан боғлиқ. Динни ташвиқ қилувчиларнинг катта бир гуруҳи суғд жамоаларидан чиққан. Йирик карвон йўлларида қатнайдиغان савдогарларнинг кўпи суғдлардан эди. Савдо йўлларининг ҳар жой-ҳар жойида савдо-сотик ишлари ва бошқа юмушлар билан бориб ўша ерларда қолиб кетган кишилардан тузилган суғд жамоалари яшаган.

Буюк ипак йўли ёқаларидан, савдо карвонлари қўниб ўтадиган қишлоқлардан кўплаб суғдча ёзма ёдгорликлар ҳам топилган. Суғдча ёзма ёдгорликларнинг асл эгалари суғдларнинг ўзи – савдогарлар, зиёратчилар, сайёҳлар ёки бирон сабаб билан ўша юртларга бориб қолган кишилардир. Бироқ, ёдгорликлар орасида турк муҳитида, турк жамоалари томонидан яратилганлари ҳам бор.

Яна бир жиҳати, айрим юртларда турк-суғд иккитиллилиги ҳам амал қилган. XI юзйилликда яшаб ўтган тилшунос Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, Баласағун, Тираз, Мадинатулбайза шаҳарларининг халқлари суғдча ва туркча сўзлаганлар (ДЛТ,25). Ушбу факт икки масалага эътибор қаратишни тақазо этади: биринчидан, бу ўринда шу ўлкаларда икки тилда сўзлашувчи икки халқ яшаганлиги кўзда тутилмоқда; иккинчидан эса, бу ўлка халқларининг (суғдақ, канчак, арғуларнинг) икки тиллилиги. Маълумки, кўк турк, уйғур хоқонлиқлари ва қорахонийлар даврида бу ўлкаларда турклар билан бирга бошқа юртдан келиб ўрнашиб қолган суғдлар ҳам яшар эди. Маҳмуд Кошғарий суғдақ (яъни, суғд) халқини икки тилда сўзлашувчилар деб таъкидлаганда (ДЛТ,25), кўпроқ шу ўлкалардаги суғдларни кўзда тутган кўринади.

Кўк турк, уйғур хоқонлиқлари ва қорахонийлар даврида Баласағун аҳолиси икки тилли эди.

Бунинг сингари омиллар ҳам, кези келганда, суғд тили мавқеининг ошишига туртки бериб турарди. Шунинг сингари ҳодисалар сабаб бўлиб суғд тили Буюк ипак йўлининг Марказий Осиёни кесиби ўтган чизиғида ўзаро алоқа тилларидан бирига айланиб қолди.

Туркий тилнинг савдо йўлларида миллатлароро алоқа тилига айланишининг эса бошқа бир сабаби бор. Турклар бу кенг тупроқларда ёйилиб яшаган, бу ерларнинг катта бир қисми туркларнинг ҳукмронлиги остида бўлган. Турк хоқонлиқлари ва давлатларида расмий тил туркий тил эди. Хоқонларнинг ёрлиқлари, давлат тузуклари, йилнома ва тарихий битиглар, илмий ва бадий адабиёт туркийда яратилган. Ҳатто диний-фалсафий асарларнинг ҳам туркийга ўгирилганлиги айни минтақадаги тил вазияти билан ўлчанадн. Бу ерлардан ўтган карвон йўлларию сайёҳлар дейсизми, турклар билан борди-келдиси бор кўшни юртлар дейсизми, турк ҳуқумдорлари билан муроса қилишга, минтақадаги тил вазияти билан келишишга мажбур эдилар. Қолаверса, турк хоқонларининг кўшни давлатлар билан ёзишмалари туркий тилда кечган. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, мочинликлар ва чинликларнинг айрича тиллари бор бўлса ҳам, шаҳарликлар туркчани яхши биладилар. Олимнинг яна таъкидлашича, уларнинг турклар билан ёзишмалари туркчадир (ДЛТ,25). Бу омилар, ўз навбатида, карвон йўлларида эски туркий тилнинг мулоқат тили сифатида ишлатилишини таъминлаб берди.

Буюк ипак йўлида ўзаро муносабатларда, юрт ташқарисида олиб борилган савдо-сотик ишларида, борди-келди ва расмий-дипломатик муносабатларда хитой тили катта мавқега эришган дея олмаймиз. Шунга қарамай, хитой тили ижтимоий-сиёсий, маданий муносабатлар эткисида қадимги турк ва уйғур хоқонлиқлари даврида турк зиёлилари, зодагонлар орасида эътиборли бир тилга айланган эди. Турк зиёлилари, давлат арбоблари, ёзувчи ва тарихчилари орасида хитой тилини биладиганлар, хитойча йилномалар, илмий, тарихий-бадий, диний-фалсафий асарларни мутолаа қиладиганлар ҳам кўп эди. Шунингдек, турк зодагонлари ва зиёлилари ичида Хитойда билим олиб қайтганлар ҳам бўлган. Уларни кўпи турк давлатларида юқори лавозимларни эгаллаб турган. Ана шундай кишилардан бири Иккинчи кўк турк хоқонлиғи даврида яшаб ўтган улуғ файласуф, тарихчи ва адиб, саркарда ва давлат арбоби Тўньюққдир. У Хитойда ҳам таниқли эди. Хитойлар уни Юанчжен деганлар.

Яна бир учи, қадимги турк давлатларида монументал матнларни битишда, туркий тил билан баробар, суғд, ора-чора, хитой тилидан ҳам фойдаланилган. Бунинг ёрқин мисолини 732 йили саркарда Кул тигин хотирасига тикланган ёдгорликда кўришимиз мумкин. Ёдгорликни тўртгала юзида ёзуви бор: Шарққа қараган юзи, икки ёнига кўк турк ҳарфлари билан туркий матн битилган; Ғарбга қараган юзидаги матн эса хитойча (МТА,26–29). Ёдгорликдаги туркий матнни кўк турк ада-

биётининг йирик намояндаси, ёзувчи ва тарихнавис Йўллуғ тигин битган. Хитойча матннинг муаллифи эса хитой генерали Чангдир. Ушбу матнни у хитой императорининг кўрсатмасига кўра ёзган. Туркий битигда унинг оти *Çaη sāηün* дея қайд этилади. Отига қўшилаётган *sāηün* сўзи унинг ҳарбий унвони бўлиб, «генерал» англамидадир.

Орадан кўп вақт ўтмай, 735 йили Билга хоқон хотирасига тикланган ёдгорликда ҳам хитой тили эътибордан четда қолгани йўқ. Ушбу қабртошнинг Шарққа қараган юзи ва икки ёнидаги матн туркий тилда. Ғарбга қараган юзида эса хитойча матннинг излари бор (МТА,73,94–95). Бироқ, тош парчаланиб кетгани учун хитойча ёзуви ўқиб бўлмас даражада.

Марказий Осиё минтақасида, хусусан, қадимги турк давлатларида уч тилли ёдгорликлар ҳам яратилган. Шулардан бири 3- Қорабалғасун битигидир. Тўқуз ўғуз (уйғур) хоқони Алп Билга хотирасига атаб 820–821 йилларда ўрнатилган ушбу ёдгорликнинг матни уч тилда: туркий, суғдча ва хитойчада (МТА,222–226). Кўринадики, турк муҳотида монументал матнларни бирйўла нуфузли тилларнинг бир нечтасида битиш анъанаси узоқ давом этган.

Буюк ипак йўли узра буддизмнинг ёйилиши шарқ халқларининг маданий алоқалари, шарқ тилларининг ўзаро таъсирини ҳам таъминлаб берди. Буни қадимги хитой-турк маданий муносабатлари, адабий алоқаларида ҳам кузатишимиз мумкин.

Диний-фалсафий қарашлар, маданият, бадий адабиётда кечган жараёнлар қадимги туркий тил луғат таркибининг янги атамалар билан бойишига имкон берди. Хитой тилидан диний ва фалсафий тушунчаларни англатувчи сўзлар, буддизм санъати, маданияти, адабиётшунослик, китобат иши ва фаннинг айрим соҳаларига тегишли атамалар туркий тилга ўзлаша бошлади.

Хитой тилидан ўгирилган асарларда хитойча ўзлашмаларнинг ҳам кўп учраши табиий. Таржимонлар ушбу ўзлашмаларни бошқа туркий сўзларга синоним сифатида қўллаганлар. Шунингдек, матн услубини сақлаш, хитойларга хос тушунчаларни аслидай бериш истагида ҳам шундай йўл тутилган. Масалан, хитойчадан ўзлашган *varšī* сўзи «устоз, ўқитувчи»ни билдиради (хитойчаси *fašī*). Ёки айни маънода *tayšī* (хитойчаси *dašī*) сўзи ҳам қўлланилган. Қизиғи шундаки, бу сўзлар моний матнларида ёки тоҳар тилидан ўгирилган будда ёдгорликларида учрамайди.

Илк ўрта асрларда маданий, фалсафий ва диний қарашлар, адабий алоқалар натижасида қадимги туркий тилга хитойча сўзларнинг бутун бир қатлами ўзлашган эди. Худди шунинг сингари, ўша кезларда хитой тилига ҳам туркий тилдан кўплаб атамалар ўтгани маълум.

Шундай қилиб, Буюк ипак йўли Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг маданий ҳаёти, ёзув маданиятига, шарқ тилларининг ривожини, диний қарашлар тарихига катта таъсир кўрсатди. Фалсафий фикрлар бирлигини таъминлаб берди. Ўрта асрларда Марказий Осиёда юз берган улуг юксалишларда унинг таъсири оз эмаслигини унутмаслик керак.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИДА БИЛИНГВИЗМ

VI–VIII юзйилликларда бир ёғи Олтойдан тортиб ҳозирги Мўғулистон тупроқларини қамраган, иккинчи ёғи Синжондан Каспийга қадар улкан ҳудудда ҳукмронлик қилган Биринчи ва Иккинчи турк хоқонлиқларининг давлат тили туркий тил, расмий ёзув эса кўк турк хати эди. Хоқонлиқларнинг давлат ва жамият бошқаруви, чет эллар билан кечган халқаро дипломатик муносабатлари, расмий ёзишмалари туркий тилда ва кўк турк ёзувида олиб борилган. Туркий тил ҳатто Буюк ипак йўли бўйлаб халқаро тил сифатида ҳам қўлланар эди. Кейинчалик хоқонлиқлар ўрнида юзага келган туркий давлатларда ҳам адабий тил анъанаси сақланди.

Шунга қарамай, хоқонлиқлар ва туркий давлатларнинг айрим ўлкаларида ерли халқ эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда қўштиллилик (билингвизми) ҳам бўлган. Чунончи, Марказий Осиё ўлкаларида суғд-турк, тоҳар-турк, хоразм-турк қўштиллиги амал қилган. Лекин бу ўлкаларда қўштиллилик ҳодисаси ялпи ёйилган эмас, у айрим ҳудудлар билан чегараланган эди, холос. Масалан, Суғдда ва Буюк ипак йўлида жойлашган айрим қишлоқларда суғд-турк қўштиллиги, қадимги Тоҳаристон ва ҳозирги Синжон бўйлаб чўзилган ипак йўлидаги айрим кент ва қишлоқларда тоҳар-турк, Хоразм тупроқларида эса хоразм-турк қўштиллиги амал қилган дея оламиз (қаранг: Содиқов 2006, 43–48). Қадимги тил вазиятида қўштиллилик тўғрисида сўз юритилиб, унинг доирасини ўрганганда режани ана шунга қараб тортиш керак.

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *sumlim tat* – туркча билмайдиган форс. Туркчани умуман билмайдиган кишиларга ҳам *sumlim* дейилади (ДЛТ,192).

Қадимги хоразм тили ёдгорликлари

Фанда «қадимги хоразм тили» деб аталаётган тил ўртанча эроний тиллар туркумига мансуб бўлиб, мелоднинг XII–XIII юзйилликларига қадар, асосан, Хоразмда амал қилган эди, кейин ўлик тилга айланди.

Қадимги хоразм тили учун оромий алифбоси негизида махсус алифбо ҳам ишлаб чиқилган, шарқшуносликда уни «хоразм ёзуви» деб юритилади.

Қадимги хоразм тили ёдгорликларининг энг эскилари қадимги хоразм алифбосида, илк ўрта асрларга тегишлилари эса араб хатидадир.

Қадимги хоразм тилидаги манбалар оз бўлишига қарамай, улар асосида Санкт-Петербурглик шарқшунос Фрейман томонидан хоразм тилининг қисқа грамматикаси ишлаб чиқилган, унинг ўлик тилга бағишланган ушбу китоби «Древнехорезмийский язык» деб аталади.

Ҳозирги хоразм шеваларининг луғат қатламида, шунингдек, Хоразм ўлкасидаги, Қорақалпоғистондаги жой ва сув отларининг айримларида ҳам қадимги хоразм тилига тегишли сўзлар сақланиб қолган.

Қадимги хоразм тили қўштиллилик муҳитида амал қилган тиллардан эди. Бундай дейишимизга сабаб, ўтмишда Хоразм ўлкасида қадимги хоразм тилида сўзлашувчи халқ билан ёнма-ён туркий халқ ҳам яшаган.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида Хоразм ўлкасида яшовчи туркларни *köçüt* деб атаган эди. Унинг ёзишича: «*köçüt – Xvārazm* да турувчи турклар»дир (ДЛТ,144).

Бундан англашиладики, қадимги Хоразм тупроқларида икки халқ аралаш яшаган: бири, хоразм тилида сўзлашувчилар, иккинчиси эса, туркий қавмлар. Кейинчалик, бу ҳудудда туркий тилнинг мавқеи кўтарилиб кетди. Бунинг оқибатида хоразм тилининг мавқеи торайиб, аста-секин истеъмолдан чиқа бошлади.

Суғд-турк маданий, ижтимоий-сиёсий, этник муносабатлари

Зарафшоннинг юқори оқимларидан бошлаб Қашқадарё водийси эскида Суғд ерлари эди. Бу ўлкада суғдлар яшаган, шунингдек, бу тупроқларда туркларнинг ҳам нуфузи юқори эди. Биринчи ва Иккинчи турк хоқонлиқлари даврида Суғд ўлкаси хоқонлиқ таркибига кирган.

Биринчи турк хоқонлиғи эрамизнинг VI юзйиллиги ўрталарида шаклланган. Унинг ҳудудлари Олтой, Еттисув ва Марказий Осиёнинг катта бўлагини ташкил этган. Ўрта Осиёда Сирдарё ҳавзаси, Сирдарё ва Амударё оралиғидаги ерлар Турк хоқонлиғининг ғарбий қисми эди. Хоқонлиқнинг илк қурувчилари Бумин ва Истами хоқонлар ўзлари тузган янги давлат теварагига туркий халқларни, уларнинг уруғ-қабила уюшмаларинигина эмас, балки Ўрта Осиёда турклар билан ёнма-ён яшаб

келган эронийзабон бошқа халқларни ҳам бирлаштирган эди. Шундай қилиб, Турк хоқонлиғи VI юзйилликдан бошлаб сиёсий марказ сифатида биринчи галда туркий қабилалар уюшмаларининг этногенетик жараёнини янги босқичга олиб кирди. Ушбу хоқонлик, кези келганда, бошқа халқларнинг этногенетик жараёнларига ҳам катта таъсир кўрсатди.

Марказий Осиё халқлари маданий жараёнларининг қоришувида ҳам Турк хоқонлиғи давлат бошқарувининг таъсири кучли эди. Улкан ҳудудларда вужудга келган сиёсий ҳокимият бирлиги минтақа халқларининг маданий яқинлашувига, ўзаро таъсирига шароит яратиб берди. Бу давлат теваарагида бирлашган туркий халқларнинг анъанавий маданий жараёни улар билан ёнма-ён ва бирга яшаган халқлар маданияти билан, хусусан, Буюк ипак йўли бўйлаб туркий дунёга илгаридан маълум суғдлар билан бевосита маданий мулоқотларнинг жадаллашувига туртки бўлди. Шунинг эпкинида турк-суғд маданий қоришуви юз бера бошлади.

Бу ўлкадаги қадимги маҳаллий давлатчилик анъаналарини давом эттираётган Суғд, Хоразм, Бақтриянинг шимолий ерлари, хусусан, Тоҳаристон, Фарғона, Еттисув сингари юртлар Турк хоқонлиғининг қўл остида эди. Улардаги маҳаллий ҳокимият аслича сақлангани билан Турк хоқонлиғига сиёсий қарамлик, ўлпонлар тўлаб туриш хоқонлиқнинг давлатчилик иш юритиш усулига хос кўриниши эди. Илк ўрта асрлардан қолган кўплаб суғд ҳужжатларида маҳаллий Суғд, Фарғона, Хоразм сингари давлат уюшмалари ички сиёсатда нисбатан эркин бўлганлари ўз аксини топган. Хоразмда эса бу даврда африғ сулоласи ҳукмронлиги давом этди.

Турк хоқонлиғи жуда катта ҳудудларда ягона улуғ давлат бўлгани учун Буюк ипак йўли бўйлаб карвон савдосининг асосий кузутувчисига ҳам айланди. Давлат сиёсати халқаро иқтисодий, маданий муносабатларнинг жадал ривожланишига кенг йўл очиб берди.

Суғд ерлари ҳозирги историографияда «Суғд иттифоқи» («Суғд конфедерацияси») номи билан ҳам юритилмоқда. Бу нисбий атама илк ўрта асрларда Зарафшон ҳавзасидаги Самарқанд, Панч, Маймурғ, Иштихон, Кабудон, Кушония ҳамда Қашқадарё ҳавзасидаги Кеш ва Нахшаб бекликларини ўз ичига олган сиёсий уюшмадир. Ушбу бекликларнинг бошқарув тизимида эркинлик берилган бўлиб, VI-VIII юзйилликларда улар ўз тангаларини ҳам зарб этганлар. Лекин улар сиёсий жиҳатдан ягона иттифоқ доирасига кирган (қаранг: Ғойибов 2014; 2011,12-16).

Суғдлар ўша пайтларда яратилган ёзма манбаларда *soyd~suyd*, туркий битигларда эса *soydaq~suydaq* ёки *soydaq bodun* деб юритилган. Масалан, Кул тигин битигида:

Soydaq bodun itäyin tiyin Yinčü ögüzüg kăčä Tämür qarîyqa tägi sülâdimiz.
(*Суғд халқини тартибга келтирайин дея, Йинчу дарёни кечиб, Темир қошиққа қадар қўшин тортидик*) (К.39).

Суғдларнинг ўз тили, миллий ёзуви ҳам бўлган. Муҳими, суғд тилида битилган ёзма бадиий адабиёт ҳам маълум.

Суғд ёзма адабиётини суғд тилида битилган эпиграфик матнлар, мактублар, турли динлар таъсирида яратилган диний-фалсафий асарлар ташкил қилади. Муҳими шундаки, суғд тилида битилган бадиий адабиёт намуналарининг эгалари суғдларнинг ўзигина эмас. Замонзамони билан адабий алоқалар ва суғдларнинг маданий таъсирида туркий муҳитда, туркий тил билан бирга, суғд тилида ижод қилиш ҳам анъанага айланган эди. Масалан, Биринчи турк хоқонлиғи даврида турк шахзодаси хотирасига тикланган Буғут ёдгорлиғи, айрим мактубот намуналари, расмий ҳужжатлар туркларнинг буюртмаси ва хоҳишига кўра битилган. Баъзиларининг муаллифи ҳам турклардан бўлган дейишга асос етарли. Буни битигларда кенг ишлатилган киши отлари, туркча унвонлардан ҳам билса бўлади.

Ҳатто Суғд конфедерацияси таркибига кирган бекликларда яратилган ҳужжатларнинг битувчилари, шунингдек, зарб этилган тангаларда ҳам турк ҳуқумдорларининг улуши сезилиб туради (*қаранг*: Ғойибов 2014).

Бундан ташқари, Буюк ипак йўлида яратилган эпиграфик матнлар уч тилда – туркий, хитойча ва суғдча эканлиғи ҳам Марказий Осиёдаги ана шу маданий ва адабий жараёнлардан хабар беради.

Суғд ёзма ёдгорликлари бошлаб қадимги Суғддан узоқ ўлкалардан – ҳозирги Мўғулистондаги Ўрхун дарёси яқинидан, кейинчалик ҳозирги Синжоннинг Турфон воҳасидаги қатор қишлоқ ва кентлардан топилган эди. Яна, Дунхуан яқинидаги кўҳна қалъа деворининг харобасидан ҳам суғдча қўлёзмалар чиққан. Суғдларнинг қадим замонлардан шарқий ўлкаларга кўчиб кетиши, кейинчалик уларнинг халқаро савдо алоқаларида фаол аралашуви туфайли карвон йўлларида суғд қишлоқлари пайдо бўлган. Мазкур топилмалар ҳам ўша қишлоқларда яшаган, савдо ишлари билан юрган суғдлардан қолган.

Шундай қилиб, суғдлар ўша кезлар Марказий Осиё бўйлаб халқаро савдо ва маданий алоқаларнинг таъминловчилари эди. Яна бир жиҳати, суғдлар Буюк ипак йўлида уч йирик дин – буддизм, монийлик ва

насронийликни ёйишда фаол иштирок этган. Уларнинг миссионерлик ҳаракати туфайли бу шарқ динлари Марказий Осиёнинг ички ўлкаларига ҳам кириб борди. Суғд миссионерларининг саъй-ҳаракати туфайли буддизм Ўрхун ва Турфон ўлкаларига ҳам кириб борди. Жумладан, Буғут ёдгорлигида ҳам будда сангха жамоасининг уюшуви тўғрисида сўз боради.

Суғдларнинг ўзи ҳам маънавий-маданий камолот йўлида кўпгина халқлар эришган ютуқлардан баҳраманд бўлди. Суғдлар Марказий Осиё халқлари ёзув маданиятига катта ҳисса қўшди: мелоднинг бошларида суғд хатидан уйғур хати, уйғур хатидан эса XIII юзйилликка келиб мўғул, унинг асосида манжур ёзуви шаклланди.

Бизгача сақланиб қолган суғд ёзма ёдгорликлари ниҳоятда кўп: улар эпиграфик матнлар, шахсий хатлар, хўжалик ишларига оид, дипломатик ва ҳуқуқий ҳужжатлар, диний-ахлоқий асарлар, мақбара ёзувлари ва бошқа турдаги адабий асар узиндиларидан иборат.

Буғут мангутошидаги суғдча битиг

1956 йили мўғул археологлари Мўғулистондаги Архангай аймағига қарашли Буғут қишлоғи яқинида катта тошлавҳага битилган қабр битигини топишди. Бу ёдгорлик VI юзйилликка оид қабр қурилмаси устига ўрнатилган, баландлиги салкам 2 метр, эни 70 см, қалинлиги 20 см тош лавҳадир. У қадимги туркий халқлар удумига кўра тошдан йўниб ясалган тошбақа ҳайкали устига тик ҳолда ўрнатилган. Фанда бу ёдгорлик Буғут ёдномаси номи билан машхур (МТА,155–164).

Буғут ёдномасини Биринчи турк хоқонлиғи даврининг ўзига хос тарихий ва бадий асари сифатида талқин қилиш мумкин. Ёдномма қурилмаси ва тош лавҳа композицияси ўзига хос. Бу ёдгорлик туркий хон мақбаралари тоифасига тегишли. Бунинг далили лавҳа остига ўрнатилган тошбақа ҳайкали бўлиб, у анъанавий равишда турк ва уйғур хоқонларининг хос қабрларида учрайди. Тош лавҳанинг тепасидаги бўри тасвири – бу тоифа туркий ёдгорликлар учун одатийдир (Содиқов 2008,12–14). Бундан ташқари, хон қабрлари лавҳаларининг тепасида хоқонларнинг уруғ-қабила белгилари ишланган. Буғут ёдномасидаги бўри тасвири яна бир жиҳати билан эътиборга лойиқ: у чақалоқни эмизиб тургандек қиёфада тасвирланган. Бу ҳол хитой манбаларида ёзма равишда сақланган турк халқининг келиб чиқиши ҳақидаги, тўғрироғи, қадимги туркларнинг ашина уруғи ҳақидаги асотир билан уйғун.

Тошнинг юз томонида суғд тилида битилган катта бир матн бўлаги сақланиб қолган. Тошнинг бошқа бир ёғида ҳам матн бўлган, лекин у емирилиб тушган. Олимлар уни санскрит тилида ёки хитойча матн бўлган дея тахмин қилаётирлар. Бизнингча, уларнинг бу тахмини тўғри эмас. Ҳарқалай, емирилиб тушган матн туркий тилда бўлган бўлиши керак. Чунки, Турк хоқонлигининг расмий тили туркий тил эди. Шундай тахмин қилинса, Буғут ёдгорлиги ҳам, Кул тигин ёки Билга хоқон битиглари сингари икки тилли битигтош эканлиги маълум бўлади.

Буғут ёдномаси – қабр устига ўрнатилган хотира битигидир (*ёдгорлик ва ундаги суғдча матннинг ўқилиши тўғрисида қаранг*: Исҳоқов 2009,9–26). Унинг ўрнатилиш тарихи билан боғлиқ маълумотлар матннинг ўзида акс этган. У ерда ушбу мангутошни «Чинистандаги турклар ўрнатдилар» деб кўрсатилган. Қадимги ва ўрта аср манбаларида «Чин», «Чинстан» топонимлари ҳозирги олимлар ўртасида «Хитой» деб қабул қилинмоқда. Лекин «Чин» сўзи тарихан Хитой эмас. Бу сўз Хитойнинг ғарбида жойлашган, қадимда туркий халқлар яшаган ўлкаларни кўзда тутган. Хитой қадимда Мочин, қадимги туркий манбаларда эса *Tabуағ~Tawуағ* аталган.

Маҳмуд Кошғарий *Tawуағ* эли тўғрисида ёзади:

Tawуағ – *Māšīn* мамлакатининг оти. Бу мамлакат *Šīn* дан тўрт ойлик йўл узоқликда. *Šīn* (Чин) аслида учтадир: биринчиси, Юқори *Šīn* – бу Шарқда бўлиб, бунга *Tawуағ* дейилади. Иккинчиси, Ўрта *Šīn*, буни *Xīтай/Хатай* дейилади. Учтинчиси, Қуйи *Šīn*, буни *Varxan* дейилади ва у *Kāšyar* дадир. Лекин ҳозир *Tawуағ* ни *Māšīn*, *Xīтай/Хатай* ни *Šīn* деб юритилади (ДЛТ,180–181).

Буғут ёдномаси турк хоқонларига тегишли бўлиб, унда ҳатто ўша ўлканинг туб аҳолиси бўлмиш турклар алоҳида қайд этилади.

Буғут ёдномасининг ёзилган вақтига ишорат матннинг ўзида мавжуд. Лавҳанинг олд юзасининг олтинчи сатрида «харгўш йили, яъни товушқон (куён) йили ёзилди», деган маънодаги жумла бор. Турк хоқонлиги VI юзйилликнинг ўрталарида юзага келганлиги ҳисобга олинса, куён йили 559, 571, 583 каби йилларга тўғри келиши аён бўлади. Ўша йиллар Нивар хоқон, Мухан хоқон, Таспар хоқон каби хоқонларнинг даври бўлиб, милодий 553–587 йилларга тўғри келган. Шу вақт оралиғи куён йили Нивар хоқон ва Эрфу хоқон даврларига тўғри келган 583 йилга тушади.

Буғут матнида хабар берилишича, ушбу марсия Мухан хоқоннинг тахтдош иниси Махан тигиннинг ўлими муносабати билан ёзилган.

Махан тигиннинг ким эканлиги тўғрисида матнда муайян хабарлар бор. Хусусан, битигда бу исм бир неча ўринда қайтарилган. У *bayi Mahan tigin* шаклида ёзилган бўлиб, матнда Мухан хоқон исми билан кетма-кет жойлаштирилган. Ҳар иккала кимсага нисбатан «улар борлиқ дунёнинг қутқарувчиларидир» деган сифат ишлатилган. Хоқонларга берилган бу сифат буддавий иборадир.

Буғут ёдномаси жуда муҳим тарихий манба. Масалан, туркий рун ёзувидаги битигларда хоқонлик биринчи сулоласи даври (Шарқий ва ғарбий хоқонликқа бўлинишидан олдинги) шажарасидан фақат Бумин хоқон ва унинг иниси Истами хоқонгина маълум эди. Қолган хоқонларнинг отлари эса фақат хитой йилномаларида учрарди. Энди Буғут ёдномасида айна шу биринчи сулола вакилларида Бумин хоқондан ташқари, Нивар хоқон, Мухан хоқон, Таспар хоқон кабилар қайта-қайта тилга олинади. Буларнинг юртга эгалик даври 553–588 йилларга тўғри келади.

Буғут ёдномасида акс этган воқеалар 551–552 йилдан 580 йилларнинг ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олиб, Биринчи турк хоқонлигининг илк босқичи учун улкан тарихий аҳамиятга эга манба бўлиб қолмоқда.

Буғут ёдгорлигида хоқонларнинг номларидан ташқари, Махан тигин исмли кишининг тилга олинганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Битигда унинг шаънига олқишу мақтовлар айтилади. Хоқон билан Махан тигин муносабатларининг яқин бўлгани Буғут ёдномасида алоҳида таъкидланиши бежиз эмас. Гап шундаки, Мухан хоқон даврида у билан тахтдош – ёрдамчи бўлган Махан тигин тахминан уч-тўрт йил давомида давлатни бошқарган ва сўнгра тахт вориси Таспар хоқон ўзи мустақил иш бошлаган. Буғут ёдномасида ёзилишича, давлатда нуфузи, обрўси баланд бўлган Махан тигин Таспар хоқон қошида ҳам маслаҳатчи ва ёрдамчи бўлиб қолган. Битигга кўра, Махан тигинга худодан нидо келиб: «Энди сен, жаноб Махан тигин у (улуғ) хоқонсиз (бир ўзинг) халқ ҳақида меҳрибонлик қилгин», – дейилган экан. Бу хабарнинг муҳимлиги шундаки, Махан тигин оғаси Мухан хоқоннинг ўлиmidан кейин тахтда ворислик таъминлангунча ҳокимиятни бошқарган.

Турк хоқонлиқлари даврида доно ва нуфузли давлат арбоблари бўлган хоқон оға-инилар ҳақида ёзилган мангу битиглар ёлғиз эмас. Кул тигин ҳам ана шундай кишилардан бўлиб, 732 йили унга ҳам Махан тигинга бағишлангани сингари улкан мангутош ўрнатилган.

Буғут ёдномасининг яна бир муҳим қиммати шундаки, унда милодий IV–VI юзйилликлар орасидаги сўнги хунлар ва турк хоқонлиғи

даврларига тегишли диний ижтимоий муносабатлар манзараси акс этган. Маълумки, хунларнинг буюк кўчиши, Марказий, Ўрта Осиё ва Дашти Қипчоқ бўйлаб жуда катта сиёсий, ҳарбий, ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ кечди. Туркларнинг илк этник уюшуви даврида эса тангричилик, шаманлик, аждодлар руҳига сиғиниш ва бошқа дунёқараш шакллари устувор эди. Лекин бу даврда дунё динига айланган буддизм, монийчилик, маздакийлик кабилар томонидан таъсирлар ҳам анча белгиланиб қолган эди.

Биринчи турк хоқонлиғи даврида қарийб йигирма йил ичида буюк салтанат, давлат юзага келиши, бу давлат таркибига ўнлаб турли халқларнинг бирлаштирилиши сиёсий-иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки этник жараёнларда ҳам акс эта бошлади. Хоқонлиқнинг бу масалада тутган йўли кўплаб халқларнинг маънавий эҳтиёжини таъминлашга, уларга универсал мақбул бўла оладиган динни муқаррар қилишга қаратилган эди. Туркларнинг тарихан анъанавий диний қарашлари, афтидан, бу талабга жавоб беролмаган. Чунки хоқонлиқ таркибидаги қатор халқлар юксакроқ динларда эътиқод қилар эди. Шуни ҳисобга олиб, турк хоқонларидан Мухан хоқон биринчи бўлиб будда динига эътибор қаратди. Унинг тарғиботчилари турклар орасида иш бошлади. Бу ҳаракат Таспар хоқон даврида расмий тус олиб, буддавий роҳиблар унинг тахт қароргоҳида катта ҳурмат-иззатга сазовор қилинди. Буғут ёдномасида шу жараённинг муҳим воқеаси қайд этилган. Бу ҳам бўлса хоқонлиқ марказида янги буддавийлик ибодатхона ҳамда буддавий жамоага – санкхага асос солингани ҳақидаги хабардир. Бундан Махан тигин Биринчи турк хоқонлиғида маърифатчилик, маънавий камолот йўлида улкан хизматлар қилган кимса эканлигини билса бўлади.

Таспар хоқон ҳукмронлиги Шимолий Хитой Чжоу давлатида будда дини тақиқланган 574 йилда энди кучайиб, мустақамланиб бормоқда эди. Хитойдан қувғин қилинган ҳиндий будда роҳиби Чинагупта ўз сафдошлари билан бирга Турк хоқонлиғи тахт қароргоҳига келгани ва ўн йил давомида шу ерда тарғиб ишларини олиб боргани маълум. Айни шу вақтда Таспар хоқон ва Махан тигинлар будда динини жорий этиш устида фикрларини бир жойга қўйишган эди. Таспарнинг сўровига мувофиқ будда таълимотининг сутралари турк тилига таржима қилина бошлаган. Таржима матнларини ёзиб олишда эса яна суғд ёзувиغا мувожаат қилинган кўринади. Чунки бу даврда эпиграфик битиглар яратишда суғд анъаналари устувор эди. Шундан келиб чиқиб, турклар Буғут ёдномасини суғдчада битганлар (Исхаков 2008, 111–117).

М. Исҳоқовнинг фикрича, Буғут ёдномасининг тузувчиси Биринчи турк хоқонлиғи олий зотлари буйруғи асосида иш кўрган суғд котиби бўлган. Лекин бу киши туркий қабр тошларида акс этган мангу битиглар жанри, марсия бадий ижодий услубидан хабардор. Шунинг учун Буғут ёдномасининг айрим услубий, баёний хусусиятлари VII–VIII юзйилликлардан қолган туркий мангу битиглар билан ўхшаш. Котиб матн тузиш давомида ўзининг зардуштийлик дунёқарашига мос иборалардан беихтиёр фойдаланган. Масалан, *baγ* сўзи суғдларда зардуштийлик учун Ахура Маздани, буддавийлар учун Буддани ифодалаган. Буғут матнида ҳам суғд котиби шу сўздан фойдаланган. *Baγ* сўзи хоқонларнинг исмлари олдидан қўшилиб келганда «жаноб» деган маънони англатади (Исҳоқов 2009,19–20).

Худди шундай қўллаш туркий битигларда ҳам бор: уларда *tāṅti qaγan* дейди, бу «ҳуқумдор хоқон» деган маънодадир. Туркий матннавислигидаги айни анъана суғд матнларига ҳам ўтган бўлуви керак.

Буғут ёдномаси, суғд тили ва ёзуви билан битилган турк мангу битигидир. Лекин VIII–IX юзйилликлар туркий битигларидаги каби унда суғдча билан ёнма-ён туркий версияси сақланган эмас. Шунга қарамай, бу ёдгорликнинг барча хусусиятлари анъанавий жанрга мувофиқ келади. Масалан, туркларнинг қабила ва уруғлари орасида ҳамда умумтуркий негизлар қўламида яратилган асрий бадий тафаккур, эпик ижодий анъаналари бўлган. Хусусан, шу анъаналар ичида эпик ривоятларни айтувчи, бойитиб, авлоддан авлодга узатувчи, сақловчи ижодкорлар ҳам бўлган. Уларнинг ижодида, албатта, ҳаётнинг турли қирраларига, жумладан, қахрамонлик дostonлари, туғилиш, ҳаёт, ўлим ҳодисаларига мувофиқ бадий турлар мавжуд бўлган. Буғут ёдномаси айни шу туркий анъананинг меваси бўлган суғд тилли туркий ёзма ёдгорликдир. Буғут мангутошидаги суғдча матни VI–IX юзйилликлардаги «тошбитиг адабиёти»нинг энг ажойиб намуналаридан бири деса бўлади. Буғут ёдномасини жанр, матн композицияси, мазмуни, мотивлари, образлар ва ишоратлари бўйича туркий мангу битиглар билан қиёсан ўрганиш суғд-турк адабий алоқалари, илк ўрта асрлар «тошбитиг адабиёти»нинг услубий ва ғоявий-эстетик хусусиятларини ўрганишга ёрдам беради.

Буғут ёдномаси турк давлати тарихининг энг долзарб масаласини ёритишга хизмат қилади. У суғд тилида, суғд ёзуви билан битилган. Бу ҳол Турк хоқонлиғи маданий, ижтимоий, иқтисодий ҳаёти, унинг ташқи муносабатлари ҳақида яхши тасаввур беради.

Илмий адабиётларда суғдлар ва турклар ўртасидаги алоқаларни VI юзйилликдан бошланган деб кўрсатилади. Лекин суғд-турк муносабат-

ларини янада қадимий даврлардан қидириш лозим. Бунда асосий фикр туркий халқларнинг Туронда азалий аҳоли қатлами сифатида мавжуд бўлганини тан олиш, буни фактик материаллар билан асослашга қаратилиши керак. Бу ўртада Марказий Осиё бўйлаб мил.ав. III–II юзйилликлардан бошланган жадал этно-маданий муносабатлар туркий халқларнинг бутун Дашти Қипчоқ бўйлаб, Хитой деворидан Дунайгача чиқиб боришига олиб келди. Суғдлар эса мил.ав. IV–III юзйилликлардан бошлаб халқаро савдо йўллари орқали Шарққа кира бориб, аввало, Ўрта Осиёда, қолаверса, Шарқий Туркистонда турклар билан фаол муносабатга киришиб кетди.

Ўрта Осиёда насронийликнинг ёйилиши II–III юзйилликларга тўғри келади. Еттисув ва Кошғарда насроний жамоалари IV–VII юзйилликларда пайдо бўла бошлади ва бу жараёнда суғд миссионерларининг хизмати катта бўлди. Буни Синжон ўлкасидаги Турфон ва Булайиқдан топилган сурёний ёзувидаги суғдча диний таржима адабиёт намуналари ҳам тасдиқлайди (қаранг: Атаходжаев 2011,27).

Муғ тоғи суғд архивидан чиққан хужжатлар

Ўтган юзйилликнинг биринчи ярмида Зарафшоннинг юқори оқимидаги Муғ қалъа деб аталувчи тарихий харобадан суғдча ёдгорликлар архиви топилган. Уни 1934 йили А.А. Фрейман бошчилигидаги экспедиция топган. Ушбу экспедиция изланишлар давомида 74 та суғдча, битта араб тилидаги ва битта туркий тилдаги хужжатни, шунингдек, кўп миқдордаги моддий маданият ёдгорликларини ва бир қанча тангани аниқлади (қаранг: Фрейман 1934; СДГМ. Вып.1). Буни қарангки, Муғ қалъадан топилган ушбу хужжатлар араб истилоси арафасида Суғдда ҳокимлик қилган Диваштичнинг архиви бўлиб чиқди.

«Муғ тоғи суғд хужжатлари» номи билан фанга кириб келган суғдча ёзма ёдгорликлар туркуми ўзининг бетакрорлиги, мазмун доирасининг аниқ вақт чегарасига боғлиқлиги ҳамда ўша даврда Ўрта Осиёда араб истилоси билан алоқадор ҳарбий сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг бевосита гувоҳлари эканлиги билан тадқиқотчилар диққатини ҳамон ўзига тортиб келмоқда.

Муғ тоғи суғд хужжатлари мажмуига кирган дипломатик ёзишмалар, хўжалик ҳисоботлари, юридик хужжатлар, молиявий қайдлар, турли фармойишлар 722 йилда Панч устига арабларнинг юриши кунларида Муғ тоғи чўққисидagi қасрга олиб бориб яширилган. Қаср араблар томонидан қамал қилиниб, сўнгра урҳо билан забт этилган пайтда бино

вайронага айланган. Натижада хум, тол навдадан тўқилган саватларда сақланган архив ҳужжатлари тупроқ билан кўмилиб қолган.

Муғ тоғи суғд ҳужжатлари теварагидаги илмий муаммоларга жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Гап шундаки, мазкур ҳужжатларда сўз юритилган кўплаб тушунчалар жуда қадимий ва эскирган, кейинги даврларда эса уларнинг ўрнини алмаштирувчи сўз ёки тушунчалар йўқ. Турли лексик бирликларнинг маъносини аниқлаш баҳсли, ҳужжатлардаги мазмуннинг тарихий вазиятини аниқлашда далил бўлувчи маълумотлар етишмайди. Шунга қарамай, олимлар кейинги чорак аср давомида Муғ тоғи суғд ҳужжатларини ўрганиш, уларнинг манбавий аҳамиятини янада чуқурроқ тушуниш йўлида кўплаб янги фикрларни ўртага қўйдилар. Бу соҳада хўжалик муносабатлари, Суғднинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, турк-суғд сиёсий-ижтимоий муносабатлари каби соҳалар бўйича янги-янги илмий хулосалар юзага келди.

Муғ қалъа тарихий харобасидан, суғдча ёдгорликлар билан бирга туркий ҳужжат ҳам топилган (*қаранг*: Бернштам 1951). Деваштич архивидан чиққан туркий ҳужжат кўк турк ёзувида бўлиб, қорамтир кулранг, юқа терига битилган. Матни қора сиёҳда, ёзуви тиниқ, олти қаторли. Тери анча чириб тушганидан маттни тўлиғича тиклаб бўлмайди.

Ушбу битиг юрт эгасининг ёрлиғи ёки йирик дипломатик аҳамиятга эга бўлган ҳужжат эмас; бор-йўғи хўжалик ишларига тегишли. А. Бернштамнинг тахминича, ушбу топилма Деваштич қўл остида хўжалик ишида йилқичилик билан шуғулланувчи бирор кимсага тегишли расмий ҳужжат бўлуви керак (Бернштам 1951,72). Буни матнда этли, қизғиш тусли отлар (*ät ar yont*) топширилаётгани тўғрисида сўз бораётганлигидан ҳам билса бўлади. Лекин тарих учун ушбу битигнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Эътиборли жиҳати, ушбу ёдгорликда *bitim* деган сўз учрайди. *Bitim* сўзи *biti-* «ёз-» феълидан ясалган бўлиб, келиб чиқишига кўра, ёзма ҳужжатлар асосидаги келишувни билдиради. Демак, *bitim* сўзининг қадимийлиги кишилар ёки жамоалар ўртасидаги ёзма келишувнинг, унинг ҳуқуқийлигини таъминлайдиган ана шу ҳужжат турининг эскилигига далолат қилади.

Ҳужжатда яна жой номидан *Panč* сўзи ҳам келтирилган. Бу сўз ҳужжатнинг битилган ерига ишора қилади. Панжикентнинг бурунги оти ана шундай эди.

Туркий битигнинг бу ўлкадан, суғдча матнлар орасидан топилганлиги ўта муҳим. У ушбу ҳудудларда, хусусан Суғд ўлкасида, суғдча билан

бирга, туркий тил ҳам расмий муомалада бўлгани, шунинг билан бирга, кўк турк ёзувининг ёйилиш кўламини ҳам англатади.

Суғдча ёдгорликлар орасида диний-ахлоқий мазмундаги асарлар алоҳида ўрин тутаяди. Мазкур ёдгорликларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: суғд-будда, суғд-моний ва суғд-насоний асарлари. Ушбу бадиий адабиётнинг катта бир қисми таржима асарлардир.

VIII–X юзйилликларда будда адабиётининг намуналари – жатака ва сутралари санскрит тилидан хитой тилига, хитой тилидан эса суғдчага ва туркий тилга таржима қилинган. Қизиғи шундаки, таржимонлар ва котиблар орасида турк бўлганлари ҳам бор эди. Шулардан бири, «Важрачхидик»ни кўчирган котиб Қутлуғдир.

Араб истилосидан кейин суғдларнинг турклар билан этник яқинлашуви, аралашуви янада кучайган. Бу жараён бутун Ўрта Осиёни қамраган ва ҳозирги Синжон ҳудудида ҳам узоқ давом этган. Ҳатто XIII юзйилликда ҳам суғдларнинг ассимиляция қилиниш жараёни давом этган.

Маҳмуд Кошғарий баласағунликлар тўғрисида маълумот берар экан, бу ердаги икки тиллик хусусида сўз фикр юритади. У ёзади: «*Balasağun* ликлар суғдча ва туркча сўзлайдилар. *Tirāz* (Талас) ва *Madīnatu-l-bayda* шаҳарларининг халқлари суғдча ҳам туркча сўзлайдилар. *İspijāp* [Испижоб – ҳозирги Чимкент]дан то *Balasağun* гача бўлган ағуи шаҳарларининг ҳаммасида яшовчиларнинг тилида ҳам камчилик бор. *Kāşğar* да канжакча сўзлашадиган қишлоқлар бор. Шаҳар ўртасида турувчилар хоқоний туркчасида сўзлайдилар» (ДЛТ,25).

Бошқа бир ўринда *suğdaq* сўзига изоҳ берар экан: «*suğdaq – Balasağun* да жойлашган бир қавм. Улар *Samarqand* ва *Buxārā* ўртасидаги *Suyd* дан бўлиб, кейин турклашиб кетган кишилар» деб ёзади (ДЛТ,187).

Бу ўринда Суғд ўлкасидан Баласағунга келиб ўрнашиб қолган суғдлар тўғрисида маълумот берилмоқда. Улар Маҳмуд Кошғарий яшаган даврга қадар (яъни, XI юзйилликкача) турклашиб кетган, лекин ўзининг келиб чиқишини унутмаган, ҳатто номини ҳам сақлаган халқлардан эди. Англашиладики, илк ўрта асрларда суғдларда ҳам турклашиш жараёни кучли кечган. Айни ижтимоий жараён таъсирида суғд тили ҳам истеъмолдан чиқа бошлади.

Бу тилнинг эгалари эса ўз-ўзидан ерли халқлар – ҳозирги ўзбеклар ва тожикларнинг ота-боболари билан қоришиб кетди. Карвон йўллари билан кўҳна Синжон ўлкаларига бориб турғун ўрнашиб қолганлари эса, ўша ерлардаги уйғурларга қўшилиб кетди.

ИЛК ВА ЎРТА АСРЛАРДА ЯРАТИЛГАН АСАРЛАРДА МАТН КЎПТИЛЛИЛИГИ

Илк ва ўрта асрларда туркий муҳитда, асосан, она тилида ижод қилганлар ва ўша чоғлардан сақланиб қолган асарларнинг кўпи туркий тилдадир. Шунингдек, қўшничилик алоқалари, ижтимоий-сиёсий, диний ва маданий муносабатлар таъсирида яратилган икки, уч, ҳатто тўрт тилли матнлар ҳам бор. Булар туркий-суғдча, туркий-хитойча, туркий-суғдча-хитойча, ислом даврида эса туркий-арабча, туркий-форсча, туркий-арабча-форсча, туркий-мўғулча, туркий-арабча-форсча-мўғулчада битилган. Яна турк маданий муҳитида баъзи матнлар суғдча, арабча ёки форсий тилда ҳам ёзилган.

Туркий муҳитда суғд тилида битилган ёдгорликларнинг энг эскиси Биринчи турк хоқонлиғи даврида яшаб ўтган турк амалдори Махан тигиннинг ўлими муносабати билан, тахминан, 583–588 йилларда тикланган Буғут битигтошидир. Битигтош Мўғулистоннинг Архангай аймоғидан топилган. Тадқиқотчиларнинг тахминича, тошдаги битиг аслида икки тилли бўлган. Ҳозирги сақланиб қолгани – тошнинг ўнг юзи ва икки ёғидаги матни суғдчадир. Тошнинг терс юзи анча емирилган бўлиб, унда ҳарф изларинигина илғаш мумкин, холос. Лекин ушбу матн қандай ёзув ва тилда бўлганлигини аниқлашнинг имкони йўқ. Айрим олимлар ушбу матн парчасини хитойча, баъзилар браҳма хатида бўлган, деб фараз қиладилар. Эҳтимол, ўша ўчган ёзув тошнинг ўнг юзидаги суғдча матннинг туркий версияси бўлуви ҳам мумкин. Чунки, суғдча битигда қайд этилувида, бу қабр тошини «турклар ўрнатишган» (қаранг: Исҳоқов 1989,39–40,132; 2008,111–117; тошнинг тасвирига қаранг: Sertkaya 1995,177).

Уч тилли ёдгорликлардан бири қадимги Уйғур хоқонлигининг пойтахти Қорабалғасун ўрnidан топилган тош лавҳадир. У 825 йили тикланган. Матни – туркий, хитойча ва суғдча. Туркийси руний хатида (расмига қаранг: Orhun, 61; Sertkaya 1995,192).

Суғд тили кўк турк (Биринчи ва Иккинчи турк хоқонлиқлари), Уйғур хоқонлиғи, ҳатто қорахонийлар замонида ҳам монументал мақсадларда туркий билан ёнма-ён ишлатилган.

Қадимги турк муҳитида хитой тилига ҳам алоҳида эътибор берилган. Буни кўк турк ҳамда уйғур хоқонлиқлари даврида яратилган айрим туркий ёдгорликларда хитойча матннинг ёнма-ён ишлатилганида ҳам кўрамыз. Чунончи, Иккинчи турк хоқонлиғи даврида яшаб ижод этган муаррих ва адиб Йўллуғ тигиннинг ўз амакиси Кул тигин (732 йил)

ва отаси Билга хоқон (735 йил) шарафига ёзган битиглари икки тил-лидир (туркий ва хитойча). Асосий матн тош лавҳаларнинг юз томони, ён бағри ва тарошланган қирраларида, хитойчаси эса орқа томонида (қаранг: Oghun,18–42).

Матн кўптиллиги борасида, айниқса, туркий тилларга бағишланган луғат ва грамматик асарлар эътиборни ўзига тортади. Чунончи, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари араб тилида ёзилган. Асардаги сўз мақолалар, уларнинг маъносини очиқлаш учун берилган иборалар, мақол ва ҳикматли сўзлар, шеърий узиндилар, шунингдек, грамматика бўлимида муайян қоидалар тасдиғи учун берилган мисоллар туркийдадир.

Ўтмишда яратилган луғатларнинг кўп тиллилари (уч ёки тўрт тилли) ҳам бор. Масалан, Маҳмуд Замахшарий «Муқаддамату-л-адаб»ининг луғат бўлими қўлёзмаларда икки, уч ё тўрт тилда берилган.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг луғат бўлими (яъни исмлар ва феъллар қисми) кўп тиллидир. Луғат араб бўлмаган халқларга (форслар, туркий халқлар, мўғуллар ҳамда қадимги хоразмча сўзловчиларга) араб тилини ўргатиш учун мўлжалланган. Унга мўғулчанинг киритилишига сабаб кейинчалик – XIII юзйилликка келиб мўғуллар орасида ҳам мусулмонликни қабул қилганлари бор эди, улар ҳам ҳисобга олинган.

Луғатда бошлаб арабча сўз келтирилади, сўнг бошқа тилларда – форсча, туркий, мўғулча, баъзан қадимги хоразм тилида унинг таржимаси берилади. Демак, луғатдаги арабча сўзлик арабшунослик учун, форсча ва қадимий хоразмча сўзликлар – эроншунослик, туркий сўзлик – туркшунослик, мўғулча сўзлик эса мўғулшунослик учун аҳамиятга эга. Агар турли тиллардаги сўзлар чоғиштира-типологик аспектда ўрганилса, чоғиштира тилшунослик учун ўта аҳамиятли иш бўлади.

Муҳими, асарнинг мавжуд қўлёзмаларида сўзликларнинг берилиш тартиби ҳар хил: асар нусхалари икки тилли (арабча–форсча, арабча–туркий, арабча–хоразмий), уч тилли (арабча–форсча–туркий), тўрт тилли (арабча–форсча–туркий–мўғулча) вариантларда тарқалган.

Асарнинг луғат бўлими киритилган қўлёзмалари ҳозирги чоғда Ўзбекистон, Россия, Тожикистон, Доғистон, Англия, Франция, Италия, Туркия, Эрон, Ҳиндистондаги йирик қўлёзма фондларида сақланмоқда (қаранг: Исломов 1998,12–21). Лекин буларнинг барида ҳам туркий сўзлик учрайвермайди.

Муҳими, «Муқаддамату-л-адаб»нинг қадимги хоразмий тилидаги сўзлик киритилган нусхалари ҳам бор. Шулардан бири фанда Кўния нусхаси деб юритилади. У Юсуф оға кутубхонасида 5010 рақами билан

сақланмоқда. Қўлёзмада асарнинг бўлимлари тўлиқ. Луғат икки тилли: арабча сўзлар хоразм тилидаги таржимаси билан келтирилган (хоразмча матн ҳам араб ёзувида). Қўлёзманинг китобат санаси номаълум; чамаси XII юзйилликда кўчирилган.

Яна бири Англиянинг Британия музейида сақланаётган 7429 сонли қўлёзмадир. У 1353 йили кўчирилган. Қўлёзмада фақат феъллар бўлими бор. Луғат, асосан, арабча–форсча–туркийда бўлиб, ора-сира хоразмча сўзлик ҳам киритилган.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг қўлёзма вариантлари кўп. Шу ўринда асарнинг луғат бўлими (исмлар ва феъллар) илк вариантда қандай кўринишда эди, деган сўроқ туғилуви табиий. Олимлар, муаллиф асарнинг луғат бўлимини икки тилда (арабча–форсча) тузган; туркий ва мўғулчасини котиблар кейинчалик унга қўшганлар, деб биладилар. Бизнингча, бу фикр тўғри эмас. Буни рад этувчи далиллар ҳам бор. Чунки туркий сўзлик киритилган вариантларининг айримлари жуда эски. Яна бир жиҳати, асарнинг нодир нусхаларида келтирилган туркий сўзлик анча қадимий ёзув ва тил хусусиятларини акс эттиради. Ушбу нусхаларни кўчириш чоғида туркий сўзликка алоҳида эътибор қаратилган: баъзи қўлёзмалардаги туркий сўзлик қизилда. Жумладан, Анқарадаги Турк тили куруми кутубхонасида асарнинг 1469 йили Константинополда кўчирилган нусхаси сақланмоқда (А.187- сонли қўлёзма). У уч тиллидир: арабча–форсча–туркий. Мухими, ундаги барча арабча сўзлар остида туркий таржимаси берилган, форсий сўзлик эса мунтазам эмас.

Мавжуд нусхаларнинг бундай белгилари тубандаги хулосага олиб келади: чамаси, муаллиф мазкур асарини икки қайта ёзган, аниқроғи бир ёзиб, кейин тўлдириш киритган. Асарни беш бўлимдан иборат шаклда тузган. Бу илк вариантнинг луғат қисми, чамаси, икки тилли эди: арабча сўзлар хоразмча таржимаси билан келтирилган. Бунинг билан маҳаллий муҳит талаби кўзда тутилган. Кейинчалик Хоразм ўлкасининг сиёсий-ижтимоий талабидан келиб чиққан ҳолда, муаллиф асарнинг луғат бўлимини қайта ишлаб, такомиллаштирган: уни кўп тилли луғатга айлантирган. Муаллиф томонидан қайта ишланган ана шу вариантида туркий сўзлик ҳам бор эди. Таъкидлаш ўринлики, кейинги варианларга хоразмча сўзлик киритилганлиги даргумон. Сабаби, XIII юзйилликдан кейин хоразм тили аста-секин истеъмолдан чиқиб, ўлик тилга айлана бошлаган эди.

Кейинги юзйилликларда вужудга келган вариантлар муаллифнинг ўша биринчи ёки кейинги – кўп тилли вариантга асосланган кўри-

нади. Асарнинг арабча–хоразмча луғат берилган Кўния нусхаси илк вариантыга асосланган бўлса эҳтимол. Лекин асарнинг фанда маълум бўлган бошқа нусхалари иккинчи – кўп тилли нусхадан урчиган дейиш мумкин. Кейинги юзйилликларда асар кўчирилаётган юртнинг маданий, ижтимоий-сиёсий талаблари, ерли халқлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, унинг янги-янги вариантлари юзага кела бошлаган. Туркий муҳитда кўчирилган нусхаларида туркий сўзлик сақланган, форсийзабон муҳит учун аталганларида эса туркийси тушириб қолдирилган.

Асардаги мўғулча сўзликка келсак, унинг кейинчалик – мўғуллар салтанати даврида киритилгани аниқ.

Британия музейида, ўрни билан, орада юнонча таржимаси берилган нусхаси ҳам бор. Бу эса асарнинг Европа мамлакатларида тарқалиши ва ўрганилиши билан боғлиқ ҳодисадир. Ўша ўлкаларда яшовчи олимларнинг талабидан келиб чиқиб, ундаги луғат юнончада ҳам изоҳланган.

Туркий матннавислик тарихида диний-фалсафий, адабий матнларнинг ҳам икки ё уч тилда битилган қўлёзмалари кенг тарқалган. Жумладан, Берлин қўлёзмалар фондининг Турфондан топиб келтирилган ёдгорликлар коллекциясида бир қанча суғдча матнлар бор. Шулардан бири монийликнинг тавбаномаси «Хуастуанивт»нинг суғдча версиясидир. Муҳими шундаки, мазкур матннинг муайян бўлаги туркий таржимаси билан берилган. Таржимаси сатрма-сатр суғдча матннинг тагида келтирилган (Исхаков 2008, 157). Ушбу таржима ўша замондаги туркмоний жамоаларига мўлжалланган чоғи.

Ислом даври китобатчилигида мусулмон дунёсини бирлаштирувчи идеология, минтақадаги тил вазияти, адабий алоқалар ва маданиятлар таъсири натижасида бу анъана янада кучайди. Ана шу адабий, лисоний-маданий жараёнларда яратилган матнларнинг сони анчагина. Масалан, Британ Музейида сақланаётган Or.8193 кўрсаткичли қўлёзмада саҳифа ўртасига уйғур ҳарфли туркий матн битилган. Булар «Сирожу-л-қулуб», «Масъала китоби», «Роҳату-л-қулуб» асарлари, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» достони, мумтоз адабиётимиз намояндаларининг шеърлари ва айрим тўртликлардир. Ҳошиясидан эса Камол Исмоил Исфохонийнинг форсий девони ўрин олган.

Бошқа бир мисол. Алишер Навоий «Арбаъин» асарининг айрим қўлёзма нусхалари Абдурахмон Жомий «Арбаъин»и билан бирга кўчирилган. Ана шундай нусхалардан бири ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги Ҳ. Сулаймонов фондида сақланаётган 106-IV кўрсаткичли қўлёзмадир. Қўлёзмага иккала ижодкорнинг қаламига мансуб «Арбаъин»лар киритилган. Унда бошлаб ҳар икки асарга асос бўлган ҳадис,

сўнг ушбу ҳадис мазмунидан келиб чиқиб ёзилган Жомийнинг форсча ва Навоийнинг туркий тўртлиги келтирилган.

Эътиборга лойиқ хусусияти шундаки, баъзи асарларнинг тузилишидан келиб чиққан ҳолда, матннинг айрим бўлаклари арабча ё форсчада берилган. Жумладан, «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарида Адиб Аҳмад ўз ҳикматларини баён этар экан, айна ҳикматларнинг тасдиғи учун арабий оят, ҳадис ва ўғитлардан келтиради.

Шунингдек, Заҳириддин Бобурнинг «Бобурнома» асарида, ўрни-ўрни билан, форсча мақол ва байтлар ҳам келтирилган. Муҳими, ушбу форсча матнларнинг туркий изоҳ ё таржимаси йўқ. Англашиладики, Мовароуннаҳр, Хуросон муҳитидаги туркларнинг билим даражаси, улар форсийни ҳам тушуна олганлиги сабабли Бобур ана шундай йўл тутган. Маълумки, ушбу минтақада, айниқса, ўқимишлилар араб ва форсийдан ҳам бохабар эдилар. Бу нарсани ўша давр тазкираларида ҳам яққол кузатиш мумкин. Масалан, Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасида ўз замонида форсийда ижод этган шоирлар тўғрисида маълумот бера туриб, уларнинг машҳур байтларини форсийда келтирган ва уларнинг туркий изоҳини беришга эҳтиёж ҳам сезмайди. Ёки бунинг аксини Ҳасанхожа Нисорийнинг форсча «Музаккири аҳбоб» тазкирасида кузатамиз. Тазкирада муаллиф туркий тилли шоирлар тўғрисида маълумот берар экан, уларнинг машҳур байтларидан мисоллар келтирган. Ушбу байтлар ҳам туркийдадир.

Матн битиш тарихида бу анъана XIX юзйилликнинг охирларига қадар давом этди. Умуман, туркий матнларга иккинчи бир тилли матннинг киритилиши Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг юзйилликлар оша ягона маданий, адабий муҳитда яшаганидан далолат беради. Улар ўзаро биродарлик асосларида илк ва ўрта асрлар ижтимоий-сиёсий, маданий тараққиётига ҳисса қўшиб келдилар.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ҚАДИМГИ ТУРКЛАРНИНГ ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА ШАРҚ ТИЛЛАРИНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ

Туркий халқлар тарихида исломга қадар бир қанча диний эътиқодлар амал қилган: тангриканлик, сўнг буддизм, монийлик, насронийлик динлари, Х юзйилликдан бошлаб ислом дини кенг ёйила бошлади.

КЎК ТУРКЛАРДА ДИН

Кўк туркларнинг дини *тангриканлик* эди. Тангриканлик туркий халқларнинг энг қадимги динидир. *Tāŋrikan* сўзи «Кўк-тангрига сиғинувчи киши»ни билдиради (*қаранг:* ДЛТ,451). Биз қўллаётган *тангриканлик* атамаси ана шу сўздан ясалган. Туркларнинг ўша инончини «кўк-тангри дини» ҳам дейилади. Бу атамадаги *kök* – «кўк, осмон», *Kök-tāŋri* эса «Осмон-тангри» дегани. Ушбу тарихий атама туркий фольклорнинг энг эски эпоси «Ўғузхоқон» достонида қўлланилган. Асарда Ўғузхон ва унинг қавми Кўк-тангрига сиғинади.

«Кўк-тангри» атамасини «Осмон тангриси; Осмоннинг тангриси» деб тушунмаслик керак. У «Осмон-тангри» маъносини беради, яъни «Осмоннинг ўзи тангри», русчада «Небо-бог» дейилади буни. Ёки монийликдаги *Ой-тангри*, *Кун-тангри* тушунчалари ҳам шундай. Улар «Ой тангриси», «Кун тангриси» эмас, Ой ва Куннинг ўзи тангри.

Биринчи ва Иккинчи турк хоқонлиқлари даврида яшаган кўк турклар Кўк-тангрига сиғинганлар (*қаранг:* Содиқов 2008,19–27). Кўк-тангри эътиқоди улар яшаган замонлардан анча илгарига илдиз отган. Туркларнинг ота-боболари бўлмиш хунлар ва ундан наридаги искифлар замонида ҳам ана шу дин амал қилган.

Қадимги туркий тилда *tāŋri* сўзининг икки-уч хил маъноси бор: биринчиси, *tāŋri* – «Яратган тангри, худо»; қадимги турклар яна «кўк, осмон»ни ҳам *tāŋri* деганлар. Битигларни ўқиш жараёнида, матн мазмунидан келиб чиқиб (контекстга қараб) маънолари фарқланаверади.

Ҳарқалай, *tānri* сўзининг илкин маъноси «қўк, осмон» эди, чамаси; «худо, тангри» маъноси ўшандан урчиган. Сўзнинг ушбу маъноси табиат кучларига бўлган инончлар, хусусан, осмон култи таъсирида шаклланган бўлуви керак. Чунки қўк-турклар ва уларнинг боболари хунлар ҳам осмонни муқаддас билганлар. Улар Яратган тангрини қўкка қиёс этган. Битигларда *tānri-tāg tānri* дейди тангрининг сифатини, бу «осмон янглиғ улуғ тангри» деган маънони беради.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида *tānri* сўзининг маъноларини яхши очиқлаб берган.

Унинг урғулашича, *tānri* сўзининг илкин маъноси – «улуғ ва азиз тангри»дир. Сўзнинг бу маъносига ўртак қилиб шундай мақолни келтиради: *Toyin tapuγusaq, Tānri sewinčsiz*. Маъноси: «Кофирларнинг дин бошлиқлари Тангри таолога ибодат қилади, лекин Тангри субҳоноҳу ва таоло унинг ишидан рози бўлмайди». Бу мақол бировларга ёқади, деб гумон қилган, аммо иши ёқмаган одамлар ҳақида айтилади. Сўзнинг бу маъносига қуйидаги шеърий узиндини ҳам келтирган:

*Tün-kün tapin tānrikā boynamayil,
Qorqip aḡar eymānū oynamayil.*

Айтмоқдаки: «Кеча-кундуз Тангри таолога ибодат қил, йўлдан озма. Худодан қўрқ, ундан уял, ийман, ўйинқароқлик қилма».

Кошғарий *tānri* сўзининг бошқа маъноларини ҳам келтирган. Улар тўғрисида ёзади: «... кофирлар осмонни *tānri* дейдилар. Шунингдек, улар кўзларига катта кўринган ҳар нарсани, чунончи, «катта тоғ», «ҳайбатли ёғоч»ни ҳам *tānri* деб атайдилар. Шунинг учун ҳам улар шунга ўхшаш нарсаларга сажда қиладилар. Улар билағон кишини *tānrikān* деб аташлари ҳам шундан» (ДЛТ,451).

Қадимги турклар тангрини *idi* ҳам деган (бу сўзнинг *idi* шакли ҳам бор). Кейинчалик бу сўз товуш ўзгариб *egā* га айланиб кетган: *idi>idi>izi>iyā//egā*. Ҳозирги «худойим» маъносидаги *эгам* ана шу сўздандир.

Қадимги турк диний-фалсафий қарашларида Тангрининг сифатлари ҳам бўлган. Битигларда Яратганнинг сифатлари *tānri-tāg tānri, kōtürmiš tānri* (юқори қўтарган тангри), *āl bārigmā tānri* (қўл бергучи, қўлловчи тангри), *yaratmiš tānri* (яратган тангри) дея улуғланган. Тангрига нисбатан *уян* сифати ҳам қўлланилган. *Уян* – «ҳар нарсага қодир, кучли, қудратли» деган маънони билдиради: *уян tānri* – «қудратли тангри».

ҚАДИМГИ ТУРКЛАРДА МОНИЙЛИК

Монийлик ўтмишда Ўрта ва Марказий Осиёда кенг ёйилган динлардан бири эди. Монийлик дини III юзйилликнинг ўрталарида Бобилда юзага келган эди. Унинг асосчиси Монийдир.

Моний ва у асос солган дин тўғрисида Абу Райхон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида шундай ёзади: «[Будосаф ва Зардушт] икковидан кейин Форадун шогирди Моний келди...

Моний «Шобурақон» китобининг пайғамбар келиши бобида ҳикоя қилишича, у Бобилнинг юқори Кувсо ариғи (ёнидаги) Мардину деган қишлоқда Бобил мунажжимларининг йиллари, яъни Искандар тарихидан беш юз йигирма еттинчи йилда [мелодий 215 йилда] туғилган. Ўн уч ёшида, Бобил мунажжимлари йилларининг беш юз ўттиз тўққизинчи йилида ва шаҳаншоҳ Ардашир (подшоҳлиги) йилларидан икки йил ўтганда (Монийга) ваҳий келган...

Моний юзага чиққач, унга ишонувчилар ва тобелар кўпайди. Ўз инжили, «Шобурақон», «Тириклар хазинаси», «Жабборлар ҳақида китоб», «Сирлар китоби» каби кўпгина китоб ва мақолалар таълиф этди ва ўз асарларида (Исо) Масихнинг рамзларини очганини даъво қилди» (Беруний 1968,241–242).

Моний 240 йиллардан бошлаб сосонийлар давлатида ўз таълимотини тарғиб эта бошлади. Бошлаб Эрон шоҳи Шопур I унинг фаолиятига яхши муносабатда бўлган эди. Бироқ 270 йилга келиб зардушт бидъат-парастлари Моний таълимотига қарши чиқа бошладилар ва кўп ўтмай, уни қатл қилдирдилар.

Монийлик икки тармоқда ёйилди. Бир тармоғи Эронга, ундан Ўрта Осиёга ўтди, ундан ўтиб Шарқий Туркистонга қадар ёйилди. Иккинчи тармоғи Ғарбга ўтиб, Румда, айниқса, Карфагенда кенг амал қилди. Ғарбда ва Византия империясида христианликнинг сиқувида қувғинга учради. Христианликнинг таъқибни остида монийчи жамоалар яширин ҳолда ибодат қилишга ҳам мажбур бўлиб қолдилар.

Шарқда унинг мавқеи нисбатан юқори бўлган. Бу ерларда у ўз мавқеини XIII юзйилликка қадар сақлаб қолди. Унга сиғинувчилар кўп эди.

Унинг Марказий Осиёга кириб келиш йўли шундай: у бошлаб Хурон орқали Марвга, у ердан Суғдга ўтди, Самарқанду Бухорода амал қилди. Кейин Шош, Ахсикат, Ўзган, ундан ўтиб Кошғарга тарқади.

Монийликнинг Марказий Осиё халқлари орасидаги кечмиши ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлар билан боғлиқ. Бу ўлкаларда унинг кенг ёйилиб гуркираган даври ҳам бўлган, кези келганда, қувғинга учраб, таназзулга юз тутган. 762 йилга келиб Уйғур хоқонлигида Бўғу

хоқон замонида монийлик давлат дини даражасига кўтарилди. Муҳими шундаки, Уйғур хоқонлиғи тарихининг яқин саксон йилида монийлик расман амал қилган. Турк муҳитида монийликнинг гуллаб-яшнаган давлари айна паллага тўғри келади. 840 йилга келиб, хоқонлиқ емирилгач, уйғурлар қайтадан буддийликка ўтдилар. Шундай эса-да, Марказий Осиёнинг чет ўлкаларида, буддизма берилмаган, шунингдек, ислом таъсиридан четда бўлган халқлар орасида монийлик кейинги замонларда ҳам амал қилгани маълум.

Унинг сўнгги аҳволи тўғрисида Абу Райҳон Беруний ёзади: «Моний даъватини қабул этганларнинг унга мансуб қолдиқлари бўлиб, уларнинг Самарқанддаги машҳур собийлар гуруҳидан бошқаси ислом шаҳарларининг бирон жойида жам бўлишлари мумкин бўлмайдиган даражада тарқалиб кетганлар. Ислом мамлакатидан ташқарида эса шарқ туркларининг, Хитой, Тибат аҳолисининг аксари, ҳиндларнинг баъзилари моний дини ва мазҳабидалар» (Беруний 1968,243).

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Аббосийлар замонида (X юзйилликнинг биринчи ярми) Самарқандда оз эса-да (тахминан 500 кишига яқин) монийчилар жамоаси яшар эди. Айна кезлар Хуросон валийси уларга нисбатан босим ўтказа бошлади. Шунда тўқуз ўғуз ҳуқумдори мусулмон валийсига журъаткор бир оҳангда таҳдид қилиб мактуб йўллади. Мактубда тўқуз ўғуз ўлкасидаги мусулмонлар Самарқанддаги монийчилардан бир неча бор ортиқ эканлиги таъкидланган. Мабодо, улардан бир киши ўлдирилган тақдирда ҳам, тўқуз ўғуз ҳуқумдори ўз ўлкасидаги бутун мусулмонларни қиличдан ўтказажаги, масжидларини вайрон этиши, бошқа ўлкадаги мусулмонларга шафқат қилмаслигини баён қилган эди (Kitarcsi 1994,69–70).

Монийлик дини Марказий Осиёда хоҳ буддизм билан ёнма-ён, хоҳ ислом билан ёнма-ён бўлсин, ўзга диндаги жамоалар томонидан узлуксиз туртки еб келган. Бундай шароитда кейинчалик ҳам, айниқса, бошқа диний жамоаларда, моний ёдгорликларини ҳеч кимса атайин сақлаган эмас. Моний яратган ёки унинг таълимоти ёритилган асарларнинг кўпи ўша замонлардаёқ бошқа диндаги кишилар томонидан йўқ қилинган. Сақланиб қолганларининг сони жуда оз.

XIX юзйиллик охири – XIX юзйилликнинг бошларида ҳозирги Синжон тупроқларидан қадимги туркий ва суғд тилларида битилган монийлик мазмунидаги диний-фалсафий асарлар, йирик асарларнинг узиндилари топилган. Шунингдек, ўша чоғларда монийчи жамоаларнинг билгин кишилари томонидан ёзиб қолдирилган монументал матнлар ҳам бор. Ушбу ёзма ёдгорликлар Моний қарашлари, диннинг фалсафий асосларини ўрганишга ёрдам беради.

Монийлик динининг фалсафий қарашлари ўтмишда яшаб ўтган олимларнинг асарлари, тарих китобларидаги маълумотлар асосида ҳам ўрганилади. Жумладан, Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида Моний ва монийлик дини тўғрисида яхши хабар берган. Христиан теологи Августин ҳам монийлик тўғрисида муҳим асар ёзиб қолдирган.

Қунимизгача етиб келган монийлик диний мазмунли ёдгорликларнинг кўпи пароканда, уларнинг тўлиқ сақланиб қолганлари ҳам бор. Улар монийлик муҳитида яратилган туркий шеърлар, тавбаномалар, моний ақоидларининг узиндилари, ирқ битиги, грамматик асарларнинг узиндилари, шунингдек, эпиграфик матнлардир. Монийлик мазмунидаги туркий асарлар кўк турк, уйғур ва моний ёзувларидадир.

Монийлик даври туркий адабиётида *başıq, küg, taqşut, küg taqşut* сингари шеър турлари амал қилган. Қунимизгача сақланиб қолган шеърларнинг мазмуни ҳар хил. Улар ичида Тонг-тангрига аталган алқовлар, Монийга бағишловлар, ўлим ва жаҳаннамни тасиф этувчи, ҳатто лирик шеърлар ҳам бор. Уларнинг кўпи турк шоирлари томонидан тўқилган, айримлари бошқа тиллардан қадимги туркийга таржима қилинган. Монийлик муҳитида яшаб ижод этган икки шоирнинг оти маълум: уларнинг бири Апринчўр тигин, иккинчиси эса Қул тарқандир.

Турфондан топилган ёзма манбалар ичида Монийга аталган алқов ҳам бор (Arat 1991,30–59). Алқов моний хатида ёзилган бўлиб, 123 тўртликдан иборат. Аҳамиятлиси, монийлик мазмунидаги ушбу шеърнинг потхи шаклидаги китобга битилганида. Китобнинг илк бетига миниатюра ҳам ишланган. Одатда, потхи китоб будда жамоалари орасида ишлатилар эди. Ушбу китоб буддизм санъатининг, китобат маданиятининг турк-моний санъатига таъсир этганидан далолат беради. Ҳарқалай, китоб будда жамоалари билан аралаш яшайдиган монийчи жамоалар томонидан яратилган кўринади.

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРДА БУДДИЗМ: АДАБИЙ ВА ЛИНГВО-МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР

Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданияти тарихида, фалсафий қарашлар, адабий алоқалар ва тилларнинг ўзаро таъсирида буддизмнинг ўрни катта бўлган. У илк ўрта асрларда улуслар бирлиги, уларнинг маданий юксалиши, диний-фалсафий фикрлар умумийлигини таъминлаб, Шарқ цивилизациясига унумли таъсир кўрсатган динлардан бири эди.

Ўрта Осиё халқлари буддизмга мелоднинг илк юзйилликларида, кушонлар замонида ўта бошлаганлар (Гафуров 1989,214–217; ГТТ,399). Айниқса, кушонлардан бўлмиш I Канишканинг подшоҳлиги даврида буддизмга кенг йўл очиб берилди. Ўша пайтда Кушон давлатининг чегаралари кенгайди: ушбу давлат бир ёғи Шимолий Ҳиндистондан тортиб, ҳозирги Афғонистон ерлари, Ўрта Осиё ва ҳозирги Синжоннинг айрим ҳудудларини қамрар эди. Ёзма манбаларда қайд этилишига кўра, Ўрта Осиёда Кеш, Суғд ўлкасидан Чочга қадар ерлар айна подшоҳликка қараган. Чегаралари кенгайган паллада Фарғона ҳам унинг тасарруфида бўлганлигини тасдиқловчи далиллар бор (Гафуров 1989,188–191).

Кейинги юзйилликларда ҳам Ўрта Осиёда буддизмнинг мавқеи ва таъсири юқори эди. У қадимги Тоҳаристонда ҳам кенг ёйилган. Араблар истелоси бўсағасида Ўрта Осиёга сафар қилган шарқ сайёҳлари ёзиб қолдирган манбалар бу хусусда яхши ва қизиқарли маълумот беради.

Бу жиҳатдан 629–645 йиллар давомида Ҳиндистонга сафар қилган хитой роҳиби ва таниқли буддашунос Сюань-цзан кечмишига бағишланган асарда келтирилган маълумотлар ўта аҳамиятли. Чунки сайёҳнинг сафар йўли Ўрта Осиё орқали ўтади. Саёҳатномада бу ўлкалар географияси, шаҳарлари, халқи, диний қарашлари, урф-одатлари яхши ёритилган (Тугушева 1991,4–7).

726 йили Ўрта Осиёга сафар қилган хитойлик сайёҳ Хой Чао ўз эсдалигида Тоҳаристон ўлкаларидаги (жумладан, Хутталон ва Вахан ўлкалари) халқларнинг динига тўхталиб: «Подшоҳ, уламолар ва халқи буддизмнинг хинаяна мазҳабига эътиқод қилади, бу юртда ибодатхоналар ва роҳиблар жуда кўп», – деб ёзган эди (Гафуров 1989,288). Сайёҳ бу юртнинг халқи тўғрисида ҳам яхши маълумот берган. Унинг таъкидлашига қараганда, бу юртнинг ҳукумдори (ябғуси) – турк қавмларидан, мамлакат халқининг ярми – «ху»лар, ярми маҳаллий халқ, иккинчи ярми – турклардир. Юрт араблар қўлида. Халқининг бир қисми тоҳарча, бир қисми туркча, қолгани маҳаллий тилда сўзлашади (Гафуров 1989,288).

Араб истилоси бўсағасида Самарқанд ва Бухородаги буддизмнинг аҳволи ҳақида бир оз ўйлаб хулоса чиқариш керакка ўхшайди. Чунки манбалар бу хусусда икки хил, бир-бирига унчалик мос келмайдиган маълумотларни беради. Чунончи, тарихчи Наршахийнинг ёзишича, буддизм гуллаган бир кезде Бухоро, Самарқанд сингари шаҳарлар будда ҳайкалтарошлигининг марказига айланган эди (Китарсӣ 1994,60–62). Тарихчи Хой Чаонинг ёзишича эса, Суғдда асосан зардуштийлик кенг ёйилган, фақат Самарқандда будда ибодатхонаси бўлган, холос (Гафуров 1989,314).

Биринчи ва Иккинчи кўк турк хоқонлиқлари даврида асосан тангриканлик инончи кенг ёйилган. Шунга қарамай, хоқонлиқнинг ғарбий ва жанубий ўлкаларида буддизм ҳам амал қилар эди. Қизиғи шундаки, баъзи турк хоқонларининг ўзлари тангриканликка сиғинсалар-да, буддизмга кенг йўл очиб бериб, унинг ёйилувиغا монелик қилмадилар. Уйғур хоқонлиқ ва давлатларида эса буддизм ва монийлик туркларнинг бош динига айланди.

Олимларнинг ёзишига қараганда, буддизм Хитойга мелодий II юзйилликда, орадан икки юзйиллик ўтгач, Кореяга, Японияга эса VI юзйилликда кириб борди (Malcolm 2003, 2, 45–50). Шундай қилиб, буддизм илк ўрта асрлардаёқ Шарқнинг кенг ёйилган йирик ва қудратли динларидан бирига айланиб улгурган эди.

Буюк ипак йўли ва буддизмнинг ёйилиши

Буддизмнинг Осиё мамлакатлари бўйлаб ёйилиши ва унинг йирик бир динга айланишида Буюк ипак йўлининг таъсири катта. Буддизмнинг ўрта Осиёга кириб келиши унинг кейинги такомилига кенг йўл очиб берганлигини алоҳида таъкидламоқ керак. Муҳими, Буюк ипак йўлида кечган савдо-иқтисодий, маданий алоқалар туфайли буддизм кенг тараққиёт йўлига тушиб олди. Уларнинг таъсирида буддизм Шарқнинг йирик динларидан бирига айланди (Садыков 2007_{1,2}).

Фанда буддизмнинг Осиё бўйлаб ёйилиши ва унинг дунё динига айланиш тарихи хусусида бир-бирига тескари бўлган икки хил қараш бор. Биринчисига кўра, буддизм қадимги Ҳиндистонда шаклланган, кейинроқ Хитойга ўтган ва Хитой орқали Осиёнинг бошқа малакатларига ёйилган, дейилади. Бу қараш кўп жиҳатдан ўзини оқламайди чоғи. Бунинг сабаби, илк ўрта асрларда, ҳатто мелоддан олдинги юзйилликларда ҳам Ҳиндистоннинг Хитой билан эмас, ўрта Осиё мамлакатлари билан маданий, борди-келди, совдо-сотик муносабатлари анча изга кўйилган эди. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор: буддизм ерли халқларга ўзаро босқинлар ёки қудратли давлатларнинг зўрма-зўраки сиёсати, тазйиқи туфайли қабул қилдирилгани йўқ, балки тинч йўл билан ёйилган. Савдо йўлларида олиб борилган турли миссионерлик ҳаракатлари, шарқ халқларининг ижтимоий-маданий алоқалари туфайли бир ердан бошқасига ўтган. Аёнки, ўзаро маданий муносабатлар, савдо-сотик алоқалари тоғ йўлларига қараганда, аҳоли зич яшайдиган ерлар, текис воҳалар бўйлаб осонроқ ёйилади. Янада муҳими, илк ўрта асрларда Хитойдан ғарбий мамлакатларга, хусусан, Ҳиндистонга бориладиган йўл ўрта Осиёдан ўтган.

Буддизмнинг Осиё мамлакатлари бўйлаб ёйилувида Буюк ипак йўлининг таъсири кучли бўлган. Буддизмнинг катта йўли Ўрта Осиёдан бошланади. Ўрта Осиёга кириб келиши унинг кейинги улкан тараққиётига туртки бўлиб хизмат қилди. Аҳамиятлиси, ушбу тарихий жараён буддизмнинг Буюк ипак йўлига чиқиб олишига имконият туғдириб берди. Буддизм ипак йўли орқали ҳаракатланиб, Шарқнинг йирик ва кенг ёйилган динларидан бирига айланиб олди.

Буддизм ипак йўли орқали Ўрта Осиёдан Шарқий Туркистонга, сўнг-ра Хитойга кириб борди. У ердан эса Осиёнинг бошқа элларига ёйилди. Буддизмнинг кейинги такомилида унинг илкин ҳаракатлари, Ўрта Осиё орқали катта бир оқимга тушиб олгани сезилиб туради. Қадимги хитой, корейс ва япон буддизмининг айрим қирралари қадимги турк буддизмига ўхшаб кетишининг сабабларидан бири ҳам шундан бўлуви ажабмас. Буддизм бир ўлкадан иккинчи ўлкага ўтар экан, янги жамоага аввалги жамоанинг айрим маданий анъаналарини, унинг диний-фалсафий қарашларини ҳам қўшиб олиб ўтган.

Маълумки, махаяна буддизмига Ҳиндистонда асос солинган эди. Лекин у Ўрта Осиё тупроқларида ўзининг янгича амалий татбиқини топди; ерли халқ орасида унинг қай жиҳатларини қўллаш мумкин-у, қай жиҳатига ислоҳ киритиш кераклиги шу ерда аён бўлиб, синовдан ўтди. Буддизм ўзининг цивилизация қаловини шу тупроқдан топди. Бу ерларда махаяна буддизмининг ерли халқлар андоза олиши мумкин бўлган қолип ишлаб чиқилди. Ушбу қолип кейинчалик буддизмни қабул қилган Осиёнинг бошқа халқлари учун ҳам ўрнак бўлиб хизмат қилди. Буюк ипак йўлида яшовчи халқлар унинг асосида ўз эътиқодларини яратдилар. Шу йўсин буддизм Буюк ипак йўли халқларини бир-бири билан боғлаб турди; Шарқ халқлари ўртасида кечган маданий анъаналар, диний-фалсафий қарашлар бирлигини таъминлаб берди.

Буддизм Ўрта ва Марказий Осиёга тарқалган чоғларда бу ердаги халқларнинг, хусусан, туркий халқларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида кескин бурилиш ясаганлиги ёзма манбалар, археологик топилмалар ва бошқа моддий маданият ёдгорликларидан аён. Қадимги туркларнинг илк тангриканлик инончидан сўнг кенг амал қилган ва ўтмишда исломга қадар теран из қолдирган динлардан бири ҳам буддизм бўлди.

Қадимги туркларда буддизмнинг махаяна мазҳаби амал қилган. Уни туркий ёзма ёдгорликларда *uluḡ kölünü* (яъни «улуғ тариқат») ёки *тахуан* (<санскр. *mahāyāna*) деб аталган. Хинаяна мазҳабини *kičig kölünü* (яъни «кичиг тариқат») дейилган. Буддизмнинг бу мазҳаби илк даврларда Тоҳаристоннинг айрим ўлкаларидагина ёйилган, холос.

Махаяна буддизми қадимги туркларнинг турмуш тарзи, миллий анъаналари, этнографияси ва маданияти, фалсафий қарашларига мослашган тариқат эди.

Ёзув маданияти ва китобат санъати

Кунимизга қадар сақланган ёзма ёдгорликларга қараганда, буддизм муҳитида туркий халқлар кўк турк, қадимги уйғур ва браҳма ёзувларидан фойдаланган. Шулар ичида кенг ёйилгани ва шуҳрат қозонгани ҳозирда «уйғур хати» номи билан юритилаётган қадимги туркий ёзувдир. Сабаби, бу ёзувнинг тарихи узоқ ва кўлами ҳам кенг (Содиқов 1997).

Браҳма ёзуви туркий муҳитга бевосита буддизм билан бирга кириб ўзлашган. Лекин браҳма ёзуви туркий ёдгорликлар унчалик кўп эмас. Шунинг ўзиёқ, кўҳна ҳинд ёзувининг Ўрта Осиёдаги диапазони чекланганидан далолат беради. Афтидан, браҳма хати торроқ доирада, айтиш мумкинки, туркий муҳитда илк ўрта асрлардагина амал қилган кўринади. Бу ёзув турк-будда жамоаларида тез унутилган.

Буддизм даврида эски ёзув ва эпиграфика анъанаси таъсирида кўк турк (бошқача айтганда туркий рун, ўрхун-енисей) ёзуви ҳам ишлатилган. Бу ёзувда битилган уйғур хоқонлиги даврига тегишли айрим эпиграфик матнлар бор.

Буддизм даври китобат санъати туркий халқлар маданияти тарихида чуқур из қолдирди. Буддизм даврида яратилган китоблар бир неча хил: улар алоҳида варақ, ўрамли қоғоз, дафтар, жилдланган китоб ва потхи шаклида.

Китобат санъатида ўзининг тайёрланиш усули ва кўриниши билан потхи китоб алоҳида ажралиб туради. Бундай китоб тури бошлаб қадимги Ҳиндистонда кашф этилган. Абу Райҳон Беруний ўзининг «Ҳиндисон» асарида ҳинд маданияти ва китобат санъати тўғрисида сўз юритиб, ана шу китоб тури ҳақида ҳам маълумот бериб ўтган. Потхи китоб бурунги тибет маданиятида ҳам шуҳрат қозонган, аммо хитой китобатчилигида йўқ. Шунинг учун бўлса керак, олимлар бундай китоб тури туркларга Тебетдан келган деб қарайдилар. Шундайми ёки тўғридан-тўғри ҳиндлардан келганми, нима бўлганда ҳам, у турк дунёсига буддизмнинг муқаддас таълимоти, маданияти ва санъати, будда ёзма ёдгорликлари билан бирликда кириб келгани аниқ.

Бурунги ҳиндлар бундай китобни тайёрлашда ашё сифатида пальма япроқларидан фойдаланган. Муҳими шундаки, турклар потхи китоб турини ўзлаштиргач, ўз шароити ва географик имкониятидан келиб чиқ-

қан ҳолда, пальма япроқлари ўрнига қоғоздан фойдалана бошлади. Бу ишда қоғоз уларга жуда қўл келди.

Будда китобат санъатида потхи анъанаси узоқ асрлар давом этди. Кейинги кезларда китоб тайёрлашнинг янги-янги усуллари ўйлаб топилганига қарамай, турк-будда жамоалари ҳатто XVII юзйилда ҳам потхига тез-тез мурожаат қилиб турганлар. Чунки уларда будда асарларига ҳурмат-эҳтиром ўта кучли бўлиб, диний асарларда классик тил анъаналари билан бир қаторда, қадимги китоб шаклини ҳам сақлаб қолиш муҳим эди.

Потхи китобни тайёрлаш учун аввал унга керакли бўлган бир хил бичимли қоғозлар қирқиб олинган. Сўнг варақлар ўртасига, уларнинг ҳар икки ёғидан симметрик ҳолда доирачалар чизиб чиқилган. Матн ўнгдан чапга қараб битилган. Хат бир бошдан ёзиб тушилиб, ҳалиги доирачаларга келганда, уларнинг ичи бўш қолдирилган. Варақнинг терс бетидаги матн ҳам худди шундай битилган. Қўлёзма тўлиқ қўлдан чиққач, ичи бўш қолган доирачаларнинг қоқ ўртасидан тешиб чиқилган. Матн битилган варақларни дасталаб туриб, уларнинг тешигидан ипга тизилган. Сўнгра қоғоз бичимидаги иккита пайраха олиб, тахлоғлиқ қоғознинг икки ёғидан қопланган ва тешиқдан ўтказилган тизимчаси унга тугиб қўйилган. Ўз навбатида, бу пайраҳалар муқова вазифасини ҳам ўтаган ва китобни яхши сақлаш имконини берган. Китобни ўқиш керак бўлганда, тизимчасидан бўшатилиб, ўқиб бўлгач, яна тугиб қўйилаверган.

Потхи китобнинг варақлари *patar* деб аталган. Бу сўз санскритча *patra* сўзидан олинган бўлиб, улар пальма япроқлари ва варақни шундай атаганлар. Туркий тилда бу сўз ўзининг иккинчи – «китоб варағи» маъносида қўлланган.

Ҳар қайси варақнинг бош қисмига асар бўлими ва ушбу бўлимнинг тартиб кўрсаткичи ёзиб чиқилган. Масалан, «Майтри билан учрашув китоби» нинг қўлёзмасида китоб бетлари шундай кўрсатилган: *Yükünç, alti patar* (Юкунч, яъни тангрига алқов бўлими, олтинчи варақ); *Yükünç, yeti patar* (Юкунч бўлими, еттинчи варақ); *Baştinqi ülüş, on patar* (Аввалги бўлим, ўнинчи варақ); *Baştinqi ülüş, tört yigirmi patar* (Аввалги бўлим, ўн тўрттинчи варақ) ва б. Бир бўлим тугагач, кейинги бўлимдан бошлаб тартиб кўрсаткичи ҳам янгиланади. Ушбу кўрсаткичлар, ўз навбатида, пойгир (погинация, яъни варақнинг кетма-кетлигини кўрсатувчи белги) вазифасини ўтаган ва китоб варақларини тартибли сақлаш имконини берган.

Баъзи қўлёзмаларда варақ кўрсаткичидан олдин асарнинг оти ҳам ёзиб кетилган. Масалан, «Абитаки» сутрасида варақларнинг тепа қисмига асар бўлими ва варақлар тартиби билан бирга, асарнинг оти ҳам

кўрсатиб кетилган: *Abitaki, ücünç, säkiz qırq* – Абитаки, учинчи (бўлим), ўттиз саккиз; *Abitaki, ücünç, toquz qırq* – Абитаки, учинчи (бўлим), ўттиз тўққиз; *Abitaki, ücünç, qırq* – Абитаки, учинчи (бўлим), қирқ сингари (СОБЛ,35–36, 70–71).

Потхи китоблардаги тартиб кўрсаткичининг бундай эканлиги бежиз эмас. Сабаби, будда китоблари жамоа орасида тўлиқ шаклда ҳам, бўлимлари айри-айри ҳолда ҳам ёйилган эди. Чамаси, айрим буддистлар асарнинг керакли бўлимини ўзлари учун кўчириб олиб, ундан фойдаланганлар. Шарқ матннавиглигида шунга ўхшаш ҳодисани монийлик даври тавбаном-дуоларида ёки ислом муҳотида яратилган «Ҳафтияк»да ҳам кузатиш мумкин.

Будда китобатчилигида саҳифаларга безаклар бериш, миниатюралар ишлаш уқадар авж олган эмас. Манбалар орасида роҳибларнинг суратлари ёки турли безаклар ишланган қўлёзмалар ҳам бор. Лекин улар ислом даври Ўрта Осиё миниатюра санъатига, қўлёзмаларга ишланган безакларга тенглаша олмайди. Буддизм даври китобат санъатининг ўзига яраша сири бор. Китобларни синчиклаб кузатган кишигина буни англаб етади. Қўлёзма китоблар кўркини, аввало, матннинг хат услуби таъминлаган. Ёзувнинг кўрки, айрим ўринларнинг турли сиёҳларда ажратиб берилгани, ҳатто саҳифа ўртасига чизилган бир, баъзан икки халқали доирачалар ҳам китобни безаб туради.

Буддизм даврида уйғур ёзувининг бир неча хил хат услуби амал қилган. Йирик зодагонлар томонидан буюртма бериб битилган қўлёзмалар, буддизмнинг муқаддас китоблари кўпинча ёзувнинг ўзига яраша классик бир услубида, китобий хатда кўчирилган эди. Бундай матнни битишда учи йирик йўнилган қамиш қаламдан фойдаланилган бўлиб, битгучидан ўта кучли маҳорат талаб қилади.

Кундалик битиглар, кишилар ўртасидаги ёзишмалар, айниқса, иш қоғозлари, расмий ҳужжатларни битишда ёзувнинг югурик хати (курсивли тури) танланган. Бундай хатлар учли қалам билан ёзилган.

Буддизм тушунча ва қарашларига кўра, ўлганлар хотирасига атаб диний китоблар кўчиртириш ўта савобли иш саналган. Муқаддас китоблар хонлар, беклар, йирик зодагонларнинг буюртмаси бўйича кўчиртирилган эди. Бахшилар уларни кўчиришда ўзининг бор маҳоратини ишга солган.

Ўша даврларда «китоб»ни *bitig* аталган. Яна бу сўзнинг «ёзув; хат» маънолари ҳам бор; у *biti-*, яъни «ёзмоқ; битмак» феълидан ясалган. Хат битувчи котиб, хаттотни *bitigçi, ilimya, baqši~baxši* дейилган. Булардан *baqši~baxši* сўзининг илкин маъноси «устоз; муаллим», кейинчалик хат битувчи котибларни ҳам шундай аташган. Ўрта асрларда, хусусан, Тему-

рийлар замонида эски уйғур хатида битувчи котиблар *baxšī* дейилган. Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида ҳам бор: у «достон айтувчи, достончи»ни англатади. Айрим ўзбек шеваларида фолбинни ҳам *baxšī* аталади.

Буддизм даврида таълим тизимининг ривожланиши, омманинг билим ўрганиш, будда таълимотини эгаллашга бўлган эҳтиёжи ўқувчиларни қўлёзма китоблар билан таъминлашни қийинлаштириб қўйди. Бунинг оқибатида китоб яратишнинг янги бир усули ўйлаб топилди. Бу кашфиёт китоб яратишнинг ксилография усулидир. Бунга кўра, матн бошлаб тахта бетига ёзиб олинган, сўнг ундан қоғозга нусха олиб, китоб яратилган. Китоб яратишнинг қадимги ксилография усули кейинчалик улуғ кашфиётларга сабаб бўлди: у Европага бориб литография, ундан эса типография усулигача бўлган тараққиёт жараёнини босиб ўтди. Қўлёзма фондларда буддизм давридан қолган ксилография усулида яратилган китоблар ҳам бор.

Қадимги турк-будда адабиёти

Буддизм даври туркий адабиёти ўз хусусиятлари, йўналиши, жанрлар типологияси билан бошқа даврлардаги адабиёт, хусусан, ўзидан илгарироқ яратилган кўк турк ёзма адабиётидан ажралиб туради. Бу даврда туркий адабиётнинг мазмуни, образлар тизими ҳам ўзгарди. Кўк турк адабиётидаги алплар, халқ миллий қахрамонларини улуғловчи битиглар, халқ эпосларининг ўрнини будда мазмунли асарлар эгаллади.

Қадимги турк бадий адабиётида буддизм қарашлари, фалсафий таълимотини куйловчи шоир ва ёзувчилар етишиб чиқди. Сингқу Сели (~Шингқу Шели) тудунг, Ки-Ки, Пиратя Шири, Асиф тудунг, Чисуя тудунг, Қалим Кейши будда муҳитида ижод қилган ана шундай турк ижодкорларидан эди (Arat 1991, XXI–XXII).

Буддизм қадимги туркий халқларнинг ҳинд, тоҳар, хитой адабиётлари билан яқиндан танишувига имкон туғдириб берди. Таржима адабиёт гуркираб ривожланди. Шарқ тилларида яратилган будда мазмунли асарларнинг қадимги туркий версиялари яратила бошлади.

Бадий жанрлар типологиясида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Турк адабиёти янги жанрлар билан бойиди. Жумладан, шеърятда қадимги *küg, taqšut~tajšut, qoşuq~qoşuq, yir~ir* билан бир қаторда, ҳинд адабиёти таъсирида *šlok* (<санскр. *śloka*), *padak* (<санскр. *pādaka*), *kārānt* (<санскр. *grantha*) сингари шеър турлари ҳам шаклланди (Arat 1991, IX–XX).

Буддизм шеърятда санскрит диний адабиёти таъсирида шаклланган шеър турларидан бири *šlok* дир. «Олтун тусли ёруғ» асарида:

Atin atap aya qawşurup oqıyu şlöki bu erür. – «Отини атаб, бармоқларини ковуштириб ўқиган шеъри бу эрур» (АҲ.34,3).

Буддизм даври турк адабиётида насрий жанрлар типологиясида ҳам ўзгаришлар юз берди; будда қонунлари, ақоид, таълимоти акс этган асарлар шуҳрат қозонди. Туркий адабиёт тарихида диний қонунларни баён этувчи йирик воқеабанд асарлар, диний-фалсафий қиссалар илк бор буддизм даврида яратилган. Нўм битиглар (сутралар) шарқ адабиётлари ўртасида кечган алоқалар таъсирида юзага келган ана шундай адабий турлардандир. Туркий қиссачиликнинг генезиси ўша замонларга бориб тақалади.

Бундай асарлар *nom* ёки *nom bitig* деб юритилган (*nom* атамаси суғдча *nwt*, яъни «дин қонуни; диний таълимот» сўздан олинган; *nom bitig* – «ақоид китоби» маъносини билдиради). Мана мисоли: «*Altun öñlög yaruq yaltriqliy qopta kötrülmiş nom eligi*» *atliy nom bitigdä onunč ülüş tegzinč nom bitiyü oqıyu tükädi.* – «Олтун тусли ёруғ ялтироқ тугал юксак нўм тождори» отли нўм битигда ўнинчи қисмнинг бўлим нўми битилиб тугади (АҲ.673,5–11).

Будда диний адабиётида сутралар (қадимги туркий тилдаги аталиши *sudur~sutur*), шастарлар (манбалардаги шакли *šastir~šastar*) кенг ёйилди. *Sudur* (<санскр. *sūtra*) – сутра, Будданинг насихат ва кўрсатмаларидан иборат; *šastar* (<санскр. *śāstra*) – буддавий асар. Масалан: *Samtso açariniñ bu šastari añsiz körklä uz turur.* – «Самтсў ачарининг бу асари беҳад ажойиб бўлиб, маҳорат-ла ёзилган» (СЦ.V,11). Буни *šastar bitig* ҳам дейилган.

Турк адабиётида улуғ роҳибларнинг кечмишини, муқаддас қадамжоларга уюштирган зиёратларини акс эттирувчи мемуарлар яратилди. Булар турк-будда адабиётида *kavi nom bitig* деб аталган. *Kavi* (<санскр. *kāvya*) – «эпос, эпик асар» деган маънони беради. Будда афсона-ривоятлари кенг тарқалди. Улар *purani* (<санскр. *purāṇa*) аталган.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда буддизмнинг ёйилиши шарқ халқларининг маданий ва адабий алоқалари, шарқ тилларининг ўзаро таъсирини таъминлаб берди. Ушбу ижтимоий-тарихий, маданий жараён таржимашунослик соҳасида ҳам катта бурилиш ясади. Кўплаб будда ёдгорликлари шарқ тилларидан қадимги туркий тилга таржима қилина бошлади. Будда асарлари аввалига санскритчадан, кейинчалик уларнинг тоҳарча, суғдча ва хитой тилларидаги варсияларидан ўгирилган (Содиқов 2008,65–69). Шу вазият тақазоси билан ўқимишли турк кишилари орасидан буддашунослар, қадимги шарқ тилларининг билимдонлари, таниқли шарқшунослар етишиб чиқди. Партанаракшит

Карнаважики, Сингку Сели тудунг ўша замонда шуҳрат топган ана шундай буддашунос ва таржимонлардан эди.

Таржимон ва олим Партанаракшит Карнаважики – VIII юзйилда яшаб ўтган ижодкор. У тоҳар тилидан («Майтри билан учрашув китоби» («Maytri simit nom bitig»)ни таржима қилган. Сингку Сели тудунг эса X асрда яшаган. У хитой тилидан «Олтин тусли ёруғ» («Altun öñlüg yaruq» = «Suvarṇaprabhāsa sūtra»), «Сюань-цзан кечмиши» («Tsi-in-čün kavi nom bitig») ҳамда «Вужуд ва кўнгилни англаш китоби» («Et-özüg köñlüg körmäk atliḡ nom bitig») асарларини қадимги туркий тилга таржима қилган (Содиқов 2008,65–69).

Қизиғи шундаки, Сингку Сели таржималарини асарларнинг асл версияларига чоғиштириб кўрган олимлар улар хитойча матнлардан сўзма-сўз ўгирилмаганини аниқлаганлар. Таъкидлаш жоизки, ушбу таржималарнинг қай бирини олманг, улар оддий асарлар эмас. Таржимоннинг кучли билим эгаси экани, туркий тил имкониятларидан усталик билан фойдалана олгани, қолаверса, унинг истеъдодли сўз устаси, шоир ва ёзувчи ўтганидан далолат беради. Матнлар услуби юксак баҳоғат даражасида. Англашиладики, таржимон турк ўқувчисига будда ғояларини чуқурроқ сингдириш, матнларни ўқишли қилиш мақсадида асарларнинг ғояси ва мазмунини сақлаган ҳолда, фикрни турклар тасаввурига тўғри келадиган тушунчалар билан берган. Диний-фалсафий атамалар ҳам, матннинг баён услуби, бадий-тасвирий воситалар ҳам – бари шунга бўйсунди. Сингку Сели уларни қайта ишлаб, мустақил асар даражасига кўтарган. Шунинг учун ҳам турк-будда асарларини бадий таржималар деб эмас, балки қадимги турк ёзма адабиётининг сара намуналари сифатида қарамоғимиз керак.

Туркий тилда буддизм атамалари тизимининг шаклланиши

Буддизм даврида қадимги турк ва шарқ тилларининг ўзаро муносабатлари авж олди. Шарқ тилларининг ўзаро алоқалари, диний-фалсафий қарашлар, маданият, бадий адабиётда кечган жараёнлар қадимги туркий тил луғат таркибининг янги атамалар билан бойишига олиб келди. Санскрит тилидан диний ва фалсафий тушунчаларни англаувчи сўзлар, буддизм санъати, маданияти, маъориф, адабиётшунослик ва фаннинг айрим соҳаларига тегишли атамалар туркий тилга ўзлаша бошлади. Тилшуносликда, дин ва фалсафа соҳасида янги атамалар яратилди. Шунинг билан бир қаторда, луғат таркибидаги сўзларнинг

айримлари будда тушунча ва тасаввурларини ҳам ифода эта бошлади. Бир сўз билан айтганда, бу даврда туркий адабий тилида будда таълимотига оид бутун бошли атамалар тизими яратилди. Илк ўрта асрларда кечган ушбу ижтимоий, лингво-маданий жараённинг бари қадимги туркий будда ёзма ёдгорликларда ўз изини қолдирган.

Чет тиллардан сўз ўзлашувида таржима адабиётнинг ҳам таъсири кучли бўлди. Тоҳар, суғд, хитой тилларидан ўтирилган диний-фалсафий асарларда санскритча лексик қатлам билан бир қаторда, ўша тиллардан ўзлашган сўзлар ҳам анчагина бор.

Ўша давр тилшунослигида чет тиллардан сўз ўзлаштириш, туркий тилнинг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда янги атамалар ясаш ҳамда тилда бор сўзларни янги маънода қўллаш усуллари пухта ишлаб чиқилган эди.

Қадимги туркий ёзма адабий тилида чет тиллардан сўз ўзлаштириш ва янгиларини ясаш принциплари қуйидагича:

Муайян сўз асл тилда қандай бўлса, ўшандайлигича ўзлаштирилган, лекин талаффузи туркий тилга мосланган. Бундай атамалар ўзлашган қатламнинг йирик бир қисмини ташкил этади. Масалан, *nirvan* (<санскр. *nirvāṇa*) сўзи будда таълимотида мутлақ сокинлик, нирвана; *mayastv* (<санскр. *mahāsattva*) – олижаноб, бошқа жонзодларга чин йўлни кўрсатувчи; *bodisatv* (<санскр. *bodhisattva*) – бодхисаттва.

Чет сўзларга туркий қўшимчалар қўшиш билан ҳам янги атама ясалган. Масалан, *nomči* – будда қонунларининг билимдони, қонунларни йўрувчи, маъносини айтиб берувчи уламо. Бу ўринда ўзлашган *nom* сўзига туркий *-či* қўшимчасини қўшиш билан янги атама ясалган. Бу сўз бошқа шаклларда ҳам ишлатилган. Жумладан, қонунлардан сабоқ берувчи устоз, уламони *nomči ačari~nomči baxši* ҳам дейилган. Бу ерда *ačari* (<санскр. *ācārya*) «ўқитувчи, устоз» маъносида.

Будда матнларида баъзи иборалар, диннинг асосини белгиловчи тушунчалар (формулярлар) ҳам туркийга ўтирилмай, асл ҳолида, ўша тилда қандай бўлса, ўшандайлигича, лекин туркий талаффузга мослаб ишлатилган. Бунга турк-будда матнларида қўлланган *Namo but. Namō darm. Namō saṅ* жумлаларини мисол келтириш мумкин. Бу формуляр буддизмнинг триадаси, яъни уч жавоҳирига – Будда, будда қонунлари ва будда жамоасига таъзимни англатади (<санскр. *Namo Buddhāya. Namō dharmāya. Namō saṅghāya*) (ДТС,355). Будда адабиётидаги нўм битигларнинг бўлимлари, одатда, шу жумлалар билан бошланиб, шу жумлалар билан тугалланган.

Туркча буддавий матнларда тоҳарча, суғдча, қадимги хитойча атамалар ҳам кўп учрайди. Бунинг сабабларидан бири будда асарлари-

нинг ўша тиллардан таржима қилинганлиги бўлса, иккинчиси, қадимги турклар билан ўша халқлар орасида кечган яқин муносабатлар, адабий алоқалар ва шарқ тилларининг ўзаро таъсиридир. Масалан, *Azîva* (<суғдча 'zrv') – браҳма динининг яратувчиси, Зервана (=санскр. *Brahma*). Ёки: *Xormuzta* (<суғдча 'xwrmtz') – илох, тангрининг оти, Хўрмузд (=Indra). Аслида бу сўз моний диний қарашлари асосида шаклланган. Кейинчалик турк-буддистлар уни ўзлаштириб, ўз тушунчаларидаги «илох» маъносида қўллай бошлаганлар.

Эски турклар Буддани *Burqan~Burhan* деганлар. Бу сўз туркий матнларда «Будда», «будда дини», «бут» англамларида келади. Ушбу сўз Ўрта Осиёдаги буддизм чоғларидан қолган баъзи жой отларининг таркибида ҳозир ҳам учраб туради. Масалан, Қозоғистоннинг Талдиқўрғон ўлкасида *Burhanbulaq* деган жой бор. *Burhanbulaq* улкан бир шаршаранинг отидир. Бу сўз таркибидаги *Burhan* – «Будда»ни англатади. *Burhanbulaq* – «Будданинг муқаддас суви, шаршараси» демак. Бу шаршара ҳозир ҳам оқиб турибди.

Матн тузиш анъанаси билан боғлиқ яна бир жиҳат. Шарқ, хусусан, турк матнчилиги, матн тузиш анъанасига кўра, асар қай тилдан таржима қилинаётган бўлса, китобнинг отини ўзидай қолдириш ёки яратилган асарларга шарқ тилларининг бирида (табiiйки, адабий таъсири ва мавқеи юқори бўлган тилда) ном қўйиш русум бўлган. Масалан, монийчилар тавбаномасининг туркий версияси «*Niyōsaklarniŋ suyīn yazuqīn öküngü Xuastuanivt*» (яъни, «Тингловчиларнинг гуноҳлардан тавба қилувчи Хуастуанивт») деб аталган. Чоғиштиринг, бу асарнинг суғдчадаги оти «*Xv'stw'nft*» дир (ДТС,638). Турк-будда асарлари таржималарида эса хос бир хусусиятни кузатамиз: айрим асарларнинг оти аслида қандай бўлса, ўшандай, баъзиларига эса туркча от қўйилган. Баъзан асарнинг ҳар иккала оти ҳам ишлатиларган. Масалан, «*Maḥāyāna sūtra*» – туркий тилда «*Uluy köljü sutur*» ёки «*Maytreya samiti nataka*»нинг туркча версияси «*Maytri simit nom bitig*» деб аталган. Санскритча «*Suvarṇaprabhāsa sūtra*» қадимги туркий тилда «*Altun öñlüg yaruq yaltriqlü qopta kötrülmiš nom eligi*» (яъни, «Олтун тусли ёруғлик таратувчи ҳамма нарсадан буюк бўлган тождор нўм») деб ўгирилган. Ёки туркча «*Nirvan bitig*» (санскр. «*Nirvāṇa sūtra*») – маҳаяна мазҳабида яратилган сутралардан бирининг отидир.

Ёзма манбаларда буддизмга оид диний-фалсафий тушунчаларнинг асл туркий шаклда қўлланилгани ҳам эътиборга лойиқ. Туркий тилнинг луғат таркибида бурундан қўлланиб келаётган туркий асосли сўз будда муҳитида янги маънода қўлланган. Туркий сўзларга бундай усул билан янги маъно юкланиши она тилининг янада бойишига хизмат қилган.

Яна бир жиҳати, буддизм даврида адабий тилда буддавий асарларга хос бўлган ёзма кутаринки бир услуб шаклланди, буни шартли равишда «сутралар услуби» дейиш мумкин. Бу даврларда диний-фалсафий матнлар услубининг ўлчовлари, қонун-қоидалари ишлаб чиқилди. Ўша даврларнинг диний қонунларни баён этувчи адабий асарлари – нўм битиглар ана шу услубдадир. Муҳими шундаки, қадимги будда матнлари негизда юзага келган ушбу диний матнлар услуби кейинчалик, ўрта асрларда яратилган диний асарларда ҳам, янги бир шакл ва мазмунда давом этди.

VIII юзйилликдан Ўрта Осиёга ислом дини кириб кела бошлади, X юзйилликка келиб Қорахонийлар давлатида, сўнг Турфон уйғур давлатларида ҳам ислом расман қабул қилинди. Шарқий уйғурларда эса XVII юзйилда ҳам буддизм амал қилган. Муҳими, туркий халқлар буддизмга сиғинган чоғлардан улкан моддий-маданий ва маънавий мерос сақлаиб қолган. Булар ичида, айниқса, ёзма ёдгорликлар алоҳида ўринга эга бўлиб, улар исломгача бўлган давр обидаларининг катта қисмини ташкил этади.

Буддизм даври адабиёти туркий халқлар, хусусан, ўзбек адабиёти тарихининг муҳим ва ажралмас бўлаги бўлиб, адабиёт тарихида чуқур ва ўчмас из қолдирди.

ҚАДИМГИ ТУРКЛАРДА НАСРОНИЙЛИК

Туркий адабиёт тарихида христианлик муҳитида яратилган ёзма ёдгорликлар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Христианлик муҳитидан бизгача кўплаб битиглар етиб келган.

Ўрта асрларда турк-христиан муҳитида яратилган ёзма ёдгорликлардан бири «Куманлар тузуги» («Кодекс куманикус»)дир.

«Куманлар тузуги» – лотинча-форсча-куманча сўзлик, шунингдек, қадимги турк оғзаки адабиёти намуналари (топишмоқлар), христиан адабиёти шеърятидан таржималар, дуолар, ўғитлар таржималари, туркий тилнинг қисқача грамматикасини ўзида жамлаган асар. Уни тарихий лексикография, туркий тил грамматикаси, адабиёт тарихи, таржима адабиётининг муҳим ёдгорлиги деса бўлади.

«Куманлар тузуги»да бошқа турдаги матнлар билан бир қаторда, куманча топишмоқлар ҳам берилган. Уларнинг сони 47 та бўлиб, кетида жавоблари ҳам ёзиб қўйилибди (қаранг: Жафаров 2017,40–51).

Асарга киритилган ушбу ижод намуналари туркий оғзаки адабиёт тарихидаги илк топишмоқлар бўлиб, ҳозирча, бундан эскиси маълум эмас. Топишмоқлар поэтик жиҳатдан ўта мукамал, балоғат даража-

сида тўқилган бўлиб, болалар шеърятининг ажойиб намуналари деса бўлади. Ўқиб кўринг-а:

24- топишмоқ:

*Olturyanım oba yer,
Basqanım baqır çanaq (ol – üzeñi).*

«Ўлтирганим тепа ер,
Босганим бақир [яъни, мис] чаноқ (у – узангидир)».

11- топишмоқ:

*Sendä, mendä yox,
Señir, tawda yox,
Otlı, taşda yox,
Qipçaqda yox (ol – quş sütdir).*

«Сенда, менда йўқ,
Сангир, тоғда йўқ.
Ўтлоқ, тошда йўқ,
(Бутун) Қипчоқда йўқ (у – қуш сутидир)».

27- рақамли топишмоқ қуйидагича:
Yazda yawlı toqmaq yatır (ol – kirpidir).

28- рақамли топишмоқ эса шундай:
Yazda yawlı qayş yatır (ol – yilandir).

Топишмоқларда кечган *yazda* сўзи «ёзида», яъни «даштда» деганидир; *yawlı* сўзи «ёв, ёв бўлган» дегани: *yawlı toqmaq* – «ёв-тўқмоқ»; *yawlı qayş* – «ёв-қайиш», уларнинг ҳар иккисидан киши ўзини сақламоғи керак, чунки улар ёвдир. Топишмоқларнинг маъзида ана шунга ишора қилинмоқда. Матнларни шу нуқтаи назардан талқин қиладиган бўлсак, топишмоқларнинг маъноси қуйидагича бўлади. Биринчиси: «Даштда ёв-тўқмоқ ётар (бу – кирпидир)»; иккинчиси: «Даштда ёв-қайиш ётар (бу – илондир)».

26- топишмоқ:

Yazda janı kelin yükünadır (ol – xamiş başidir).

«Даштда янги келин юкунади (у – қамиш бошидир)».

Европалик турк-христианлар лотин ёзувидан фойдаланган, шунинг учун асарда берилган куманча сўз ва матнлар ҳам лотин ҳарфларида. Лотин ёзувида етиб келган туркий қўлёзма китоб ҳам, ҳозирча, шунинг ўзи.

Ёзуви оддий, каллиграфик услубда эмас. Шунга қарамай, қўлёзма китоб туркий ёзувлар тарихи учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ўтмишда турк-христианлар муҳотида яратилган бундан бошқа ёдгорликлар ҳам маълум. Жумладан, Ўрта Осиё ва Синжон ўлкаларида яшаб ўтган турк-насонийлардан кўплаб қабртош битиглари ва дуолар китоби ҳам сақланган.

Таъкидлаш ўринлики, биздаги христианлик билан Европа турклари сиғинган христианлик тариқатда фарқ қилади. Биздагиси Нестор (*Настурий*) қарашлари таъсирида шаклланган ва бизнинг элларга Сурия(Шом) дан кириб келган, фанда «шарқ насронийлиги» дейилади. Насронийлик ўрта асрларда суғдлар орасида ҳам, турклар орасида ҳам амал қилган. Туркий тилда яратилганлари, асосан, сурёний ва уйғур ёзувларида.

Насроний турклардан қолган мерос ичида қабр ёзувларининг тарихий аҳамияти катта. Мазкур қабртошлар XIII–XIV юзйилликларга тегишли бўлиб, улар Еттисувнинг турли ўлкаларидан – Иссиққўлнинг ғарбидан, бир пайтлар чиғатой хонларининг қароргоҳи бўлган қадимги Олмалиқ шаҳрининг харобаларидан чиққан. Шунингдек, насроний битигтошлари Қашқар, Тўқмоқ теварагидан ҳам топилган. Ушбу манбалар XIII–XIV юзйилликларда айни ҳудудларда насронийликнинг таъсири катта бўлганидан долولات беради.

Битигларнинг тили туркий. Шунингдек, Еттисув ёдгорликларининг сурёний тилида яратилганлари ҳам бор.

Турк-насонийлар уйғур ва сурёний алифбосидан фойдаланган бўлсалар-да, қабр ёзувлари учун, асосан, сурёний хатини қўлладилар. Уларнинг Еттисувдан топилган ёдномалари ҳам сурёний хатида. Ёдгорликлар учун юзи япалоқ тош танланган. Ўртага хоч тасвири туширилиб, гирдига сурёний хатидаги туркий матн ўйиб ёзилган.

Насроний битигларининг муҳим белгиларидан бири уларда сана салавк эрасидан бошланади. Бу эра Салавк I Никатор номи билан боғлиқ бўлиб, мелоддан бурунги 311 йилдан бошланади. Салавк Александр Македонскийнинг саркардаси эди. Салавк эраси яна Искандар эраси деб ҳам номланади. Турк-насоний битигларида у *Aleksandros qan saqīšī* (Александр хоннинг ҳисоби/санаси/тарихи) деб номланган. Масалан, қуйида матни келтириляётган Денха Арим ёдгорлиги салавк эраси (*Aleksandros qan saqīšī*) бўйича 1624 йили битилган бўлиб, бу сана ҳозирги ҳисобда 1313 йилга тўғри келади.

Битигларда, шунингдек, туркча йил ҳисоби ҳам қайд этилади. Қабр эгаларининг исм-шарифлари туркий ва насронийча. Бундан англашиладики, мазкур муҳитда туркча исмлар билан бир қаторда насронийча исмлар ҳам қўйилган.

ИЛК ИСЛОМ ДАВРИ ТУРКИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Милодий 840 йили Кошғар, Еттисув, Талас, шарқий Мовароуннаҳр, Жанубда Панжобга қадар, Шимолда Балхаш кўлига қадар ерларни ўз ичига олган Қорахонийлар давлати юзага келди. 960 йили бу давлатда ислом расмий дин сифатида қабул қилинди.

1042 йилга келиб Қорахонийлар мамлакати иккига бўлиниб кетди: бири, *Шарқий Қорахонийлар давлати*; бу юрт Талас, Испижоб, Шош, шарқий Фарғона, Еттисув ва Кошғарни ўз ичига оларди; ўрдуkenди Кошғар эди.

Иккинчиси, *Ғарбий Қорахонийлар давлати*; бу юрт, асосан, Мовароуннаҳрни ва Хўжандга қадар бўлган ерларни ўз ичига оларди; ўрдуkenди Самарқанд эди.

Қорахонийлар даври туркий-ислом маданияти, санъати, адабиёти ва маънавияти тарихида юксалишлар даврини бошлаб берди. Ислomий турк санъатининг илк буюк меъморий обидалари, ислом даври туркий адабиётининг илк улуғ асарлари Қорахонийлар даврида яратилди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» маснавийси, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари туркий ислом даври адабиётининг илк буюк асарларидир. Хожа Аҳмад Яссавий ҳам Қорахонийлар даврида яшаб ижод этди. Кейинчалик туркий адабиётда «Ҳибату-л-хақоийқ», «Туркий Тафсир» сингари асарлар яратилди. Куръони каримнинг туркий таржималари ҳам илк бор Қорахонийлар даврида юзага келди.

Муҳими шундаки, ҳозирги Синжоннинг айрим ўлкаларига исломнинг кириб бориш тарихи X юзйилликка тўғри келади. Ислom Қорахонийлар давлати билан бирга, кўшни Турфонга ҳам ўша кезларда кириб борган.

Фанга Турфон тупроқларидан топилган кўплаб ёзма ёдгорликлар маълум. Улар турли даврларда яратилган бўлиб, айримлари илк ислом даврига тегишлидир.

Туркий асарларга сарлавҳа қўйиш анъанаси ҳамда араб, форс тилларининг таъсири масаласи

Баласағунлик Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» маснавийсининг оти соф туркий тилда. Араб ёзувли Наманган кўлёмасида унинг оти *قوتادغۇ بىلىگ* *Qutadyu bilig* (11a.13) // *قوتادغۇ بىلىگ* *Qutadyu bilig* (19b.7) деб берилган.

«*Qutadyu bilig*» бирикмасидаги *qut* – «қут, бахт; давлат» маъносида; *-ad* // *-ad* – феъл ясовчи; *-yu* – сифатдош қўшимчаси; *qutadyu* // *qutadyu* –

«қутлантйривчи, бахтга элтувчи» дегани. Чоғиштиринг, Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида бу сўзнинг маъносини яхши берган. У ёзади: *er qutattī* – «киши бахтли, давлатли, баланд мартабали бўлди». Улуғланган, мартаба топган ҳар кимсага ҳам шу сўз қўлланади (ДЛТ,301).

Китоб сарлавҳасидаги *bilig* – «билим; асар, китоб» англамида; қадимги туркий тилда барча билимлар *bilig* дейилган. «*Qutadyu bilig*» – «бахтга етакловчи, қут бергучи билим, китоб» маъноларини англатади.

Шарқда бу асар турлича ном билан машҳур эди. Китобнинг муқаддимасида ёзилишига қараганда, асарни ўқиб чиққан Чину Мочин олимларининг бари эътироф этдиларким, Машриқ вилоятида, бутун Туркистон элида, туркий тилда ҳеч кимса бу китобдан яхшироқ тасниф қила олмади. Китоб қай подшоҳликқа, қай иқлимга етса, ғоят яхшилиғидан ўша элларнинг фозиллари, олимлари унга турлича от бердилар. Мана ўша айтилганлар:

Āin-u Mācīn 'ālimlarī qamuyī it(t)ifāq boldīlar-kim, Mašriq vilāyatida, qamuy Türkistān elindā Buyraxan tilincā, türk luyatīca bu kitāptin yaxširaq hargiz kimersā tašnīf qilmay turur. Bu kitāp qayu ma pādšāhqa, qayu ma iqlīmqa tegdi ersā, yāyat uzluqīndin, uruqtin neĉā körklüglügīndin ol ellärniñ ĥakimlāri, 'ālimlarī qabul qilip, tek mā biri bir түrlüg at-laqap urdīlar: ĉmliylar «Adabbu-l-mulūk» atadīlar; Mācīn malikiniñ ĥukamalarī «Āyīnu-l-mamlakat» tedīlar; mašriqliylar «Zinatu-n-umarā» tep aydīlar; eranliylar «Šahnāma-yī türki» atamišlar, ba'dīlarī ma «Pandnāma-yī mulūk» temišlar; turanliğlar «Qutadğu bilig» tep aymišlar.

Мазмуни: «Чину Мочин олимларининг бари иттифоқ бўлдиларким, Машриқ вилоятида, бутун Туркистон элида буғраҳон тилинча, турк луғатича ҳеч кимса ушбу китобдан яхшироқ тасниф қилган эмас. Бу китоб қайси подшоҳликқа, қай бир иқлимга етган бўлса, ғоят яхшилиғидан, ниҳоятда ортиқ жозибалилигидан ўша элларнинг донишмандлари, олимлари қабул қилиб, ҳар бири бир турли от-лақаб қўйдилар: чинлиғлар «*Adabbu-l-mulūk*» («Маликлар одаби») атадилар; Мочин маликининг ҳукамолари «*Āyīnu-l-mamlakat*» («Мамлакатнинг кўзи») дедилар; машриқлиғлар «*Zinatu-n-'umarā*» («Олимлар зийнати») деб айтдилар; эронлиғлар «*Šahnāma-yī türki*» («Туркий Шоҳнома») атамишлар, баъзилари эса «*Pandnāma-yī mulūk*» («Маликлар пандномаси») демишлар; туронлиғлар «*Qutadyu bilig*» («Қут бергучи билим») деб аймишлар» (QВН.1b.13–2a.13).

Ушбу маълумотлар ўтмишда дoston ғоят доврўғ қозонгани, асар қўлёмалари кенг тарқалганлигига далил бўла олади. Англашиладики,

унинг илк нусхаси хонга тортиқ қилинган. Достон бутун машрик, турку чин элларида шуҳрат қозонгандан сўнг, янги-янги қўлёзмалари юзага кела бошлади. Китобнинг доврўғи, турли отлар билан аталганлиги тўғрисидаги маълумотлар, унинг ўрта асрларда турк дунёсидагина эмас, бутун шарқ адабиётида доврўғ қозонганидан далолат беради. Бунга кўра, кўшни шарқ элларида ҳам асар қизиқиб ўқилган. Ҳатто у бошқа тилларга ҳам таржима қилинган бўлиши мумкин.

Яна бир жиҳати, асар туркий дунёда «Қутадғу билиг» дейилган, бошқалари эса унга кўшни элларда берилган отлардир.

Ислом давридан бошлаб туркий адабиётда асар сарлавҳаларини ҳам шарқ адабиётлари таъсирида, ўз она тилидан ташқари, араб ёки форс тилида номлаш анъанага айлана бошлади. Мана бир мисол:

Адиб Аҳмаднинг кунимизгача етиб келган машҳур асари ўтмишда уч-тўрт хил аталган ва уларнинг ҳаммаси арабча отлар. Булар: «*Atabatu-l-ḥaqāyiq*», «*Aybatu-l-ḥaqāyiq*», «*Hibatul-l-ḥaqāyiq*», «*ḡayibatu-l-ḥaqāyiq*».

Асарнинг *A* қўлёзмаси «*Atabatu-l-ḥaqāyiq kitābi*» деган сарлавҳа билан бошланган (Arat 1992,II). Сарлавҳадаги *'ataba* – «остона», *'atabat* эса унинг кўплигидир; *ḥaqāyiq* – «ҳақиқатлар» дегани; *kitāb* сўзи бу ўринда «бадий асар» англамидадир. Шунга кўра, «*Atabatu-l-ḥaqāyiq kitābi*» – «Ҳақиқатларнинг остоналари китоби», поэтик маънода эса «Ҳақиқатларнинг остоналари, бошланиши», яъни «Ҳақиқатлар муқаддимаси», «Ҳақиқатлар қопқасини очғучи асар» тушунчасини беради.

Асарнинг бошқа бир оти – «*Hibatul-l-ḥaqāyiq*». *B* ва *C* қўлёзма нусхаларда асар ана шундай аталган, маъноси «Ҳақиқатлар тортиғи», «Ҳақиқатлар туҳфаси» дегани. Қозоқ олимлари буни чиройли ўгирган: улар асарнинг отини «*Ақиқат сыйы*» дейди. Қозоқча *сый* – «сийлов, туҳфа» бўлади.

Араб ёзувли *C* нусхасининг якунида асар Аллоҳнинг мадади билан ёзиб тугатилгани қайд этиб қўйилган арабча жумла бор. Ўша ерда унинг оти *هبة الحقائق* деб ёзилган (YugC.49,3).

Асарнинг оти қўлёзма китобга илова қилинган Амир Арслон хўжа Тархоннинг шеърида ҳам келтирилади. Бироқ у ерда у туркий талаффузга мослаштирилиб, *هبيت اول حقايق* деб ёзилган (YugC.48,2–3). Бундай ҳол матнчилик амалиётида учраб туради.

Одатда, изофали бирикмалар арабча матнларда қандай ёзилган бўлса, араб ёзувида битилган туркий матнларда ҳам ўшундай ёзилар эди.

Муҳими шундаки, биз сўз юритаётган матнлар аслида уйғур ёзувли қўлёзмалардан кўчирилган. Уйғур хатининг имлосига кўра, ўзлашган сўзлар ва изофали бирикмалар туркий талаффузга мослаб ёзилар

эди. Бу матнларда ҳам, ҳарқалай, уйғур ёзувининг таъсири сезилмоқда. Матнларни араб ёзувига ўгириш чоғида котиблар арабий изофаларни ҳам туркий талаффузга мослаштириб юборган чоғи.

Амир Арслон Хўжа тархоннинг шеъри асарнинг *A* ҳамда *B* нусхаларида ҳам бор. Қизиғи шундаки, уларда асарнинг оти ҳам икки хил келтирилади: *A* нусхада сарлавҳадаги сингари «*ʿAtabatu-l-ḥaqāyiq*» (YugA.119,4–5), уйғур ёзувида ёзилиб, ўқилиши тагма-таг араб хатида берилган *B* нусхада эса «*Hibatul-l-ḥaqāyiq*» (YugB.52,7–8). Яна бир жиҳати, *B* нусхада уйғур ёзувидагиси билан арабийсининг имлоси икки хил: уйғур хатидагиси туркий талаффузга мослаштирилиб, «*Hibat ul ḥaqāyiq*», тагидагиси эса **هبة الحقایق** шаклида ёзилган.

Асарнинг учинчи оти ҳам бор. Жумладан, узинди ҳолида сақланган *D* нусхасида китобнинг оти **غیبة ال حقایق** «*ḡaybatu-l-ḥaqāyiq*» деб берилган (Arat 1992,CLXVII). «Древнетюркский словарь»да буни рус тилига «Исчезновение истин» деб ўгирибдилар (ДТС,196).

Асар отининг бундай ўгирилганлиги тўғри эмас. Бизнингча, бу номни «Яширин ҳақиқатлар», поэтик маънода «Сирли ҳақиқатлар» ёки «Ғойибий ҳақиқатлар» деб ўгирган маъқул. Солиштиринг, ўзбекларда яқин, суюкли кишиларни *Ўзи ғойибдан etказсин* дея дуо қилинади ёки *Ғайбулло* исмида ҳам ана шу маъно бор.

Асарнинг Голландия қўлёмалар фондида сақланаётган араб ёзувли *H* нусхасида асарнинг оти **کتاب غیبة الحقایق** деб берилган. Буни олимлар *Kitābu ʿaybatu-l-ḥaqāyiq* деб йўрмоқдалар. Уларнинг фикрича, бу ердаги *ʿaybat sūzu ʿatabat* нинг талаффузга мослашган шаклидир. Бизнингча, бундай эмас, чунки туркий имлода арабча сўзларга нисбатан қатъий ёзув принципи белгиланган, араб тилида қандай бўлса, туркий матнда ҳам ўшандай ёзилган. Асар номидаги *ʿayn* ҳарфи аслида *yaun* дир; унинг нуқтаси қўйилмаган, холос. Матнчилик анъанасида сарлавҳаларда кўпинча ҳарфларнинг нуқталари қўйилмай кетади (масалан, «Қутадғу билиг»нинг Қоҳира нусхасидаги сарлавҳаларга қаранг). Қўлёмза китобни ўқиётган ўқувчи уни ўз ўрнида қўйиб ўқиши керак. Бу ерда ҳам шундай: нуқтасини қўйиб ўқисак, *Kitābu ḡaybatu-l-ḥaqāyiq* бўлади. Маъноси эса «Яширин ҳақиқатлар китоби», поэтик маънода «Сирли ҳақиқатлар китоби» ёки «Ғойибий ҳақиқатлар китоби»дир. Асарнинг *D* нусхаси ҳам ана шундай аталган.

Муҳими шундаки, «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг боб сарлавҳалари ҳам арабча номланган. Бу анъана туркий адабиётда, ҳарқалай, XII юзйилликдан юзага кела бошлаган кўринади. Сабаби, «Қутадғу билиг»да бу анъананинг таъсири ҳали кучли эмасди.

Жумладан, «Кутадғу билиг» асарининг араб ёзувли Наманган нусхасида дастлабки анъанавий тўртта боб – ҳамд, наът, саҳобалар мадҳи ва Тавғач Буғраҳонга бағишланган бобларнинг сарлавҳалари арабча аталган, кейинги бобларнинг сарлавҳалари эса туркийда.

Муҳими шундаки, уйғур ёзувли Ҳирот нусхасида ушбу бобларнинг сарлавҳалари фихристонда ҳам, матн орасида ҳам туркийдадир. Жумладан, матн ичидаги сарлавҳалар шундай: *Teḡri 'azza va jalla ḡgdūsin ayur.* – «Буюк ва қудратли Тангрининг мадҳини айтади» (QВН.5b.19); *Yalawač 'alayhis-salam ḡgdūsin ayur.* – «Пайғамбар алайҳис-салом мадҳини айтади» (QВН.6b.2); *Tört sahabaninḡ faḡilatīn ayur.* – «Тўрт саҳобанинги фазилатини айтади» (QВН.7a.1); *Yaruq yaz faslīn, uluy Buyraḡan ḡgdūsin ayur.* – «Ёруғ кўклам фаслини, улуғ Буғраҳон мадҳини айтади» (QВН.7a.16).

Асарнинг араб ёзувли Қоҳира нусхасида матн орасидаги дастлабки уч боб сарлавҳаси арабча, тўртинчи – Буғраҳон ўгдуси бобидан бошлаб туркий аталган.

Кўринадики, бошда (муаллиф нусхасида) боб сарлавҳаларининг бари фақат туркийда эди. Кейинчалик, асар мақаддимасидаги бошланғич бобларнинг сарлавҳалари шарқ ислом китобат анъанаси йўлини тутиб, арабчага ўгирилган. Шунга кўра, асарнинг уйғур ёзувли Ҳирот қўлёзмаси қандайдир эскироқ нусхага асосланганлигини тахмин қилиш мумкин.

Ёки бошқа бир мисол. «Кутадғу билиг»нинг Наманган нусхасидаги боблар фихристи «*Yeti kavakib on iki buruj*» деган сарлавҳа билан бошланган (QВН.2b.5). Ундаги *kavakib, buruj* сўзлари арабчадан ўзлашган бўлиб, сарлавҳанинги маъноси «Етти юлдуз, ўн икки бурж» деганидир.

Қоҳира нусхасининг боблар мундарижасида ушбу сарлавҳа «*Yeti kavakib, on iki yulduzni ayur*» деб берилган (QВQ.4b.6).

Ҳирот нусхасидаги боблар фихристонда бу сарлавҳа бир оз фарқли; у фақат туркий сўзлардан тузилган бўлиб, «*Yeti yulduz, tört yayiz, on iki ökäkninḡ ḡgdükini ayur*» деб берилган (QВН.4b.9).

Шу ўринда сарлавҳадаги *tört yayiz* бирикмасига эътибор қаратсак. Ундаги *yayiz* – асли ранг маъносини билдиради, «кўнғир ранг»дир. Бу сифат бадий асарларда, хусусан, «Кутадғу билиг»да ҳам ерга нисбатан қўлланилган: *yayiz yer* – «кўнғир ер» (QВН.6b.14). Кўчма маънода «ер»нинг ўзини ҳам билдиради, *yayiz* деганда «ер, тупроқ» тушунилади. Боб сарлавҳасига келсак, унда *tört yayiz* дейилмоқда, буни «тўрт ер» деб тушунилмайди; уни «унсур, элемент, материя» дея англамоқ керак: *tört yayiz* – «тўрт унсур» дегани. Ана шунда матнга мос тушади. Чунки ушбу бобда етти юлдуз, ўн икки бурж ва тўрт унсур тўғрисида сўз юри-

тилган. Шундан келиб чиқиб, юқоридаги сарлавҳани «Етти юлдуз, тўрт унсур, ўн икки буржни мадҳ этганини айтади» деб ўгириш мумкин. Анг-лашиладики, *yaʼyiz* сўзи илкин маъносида «унсур»ни билдирган, қолган маъналари эса ўшандан урчиган.

Наманган нусхасининг боблар мундарижасида олтинчи боб сарлавҳаси «*Yaʼnluq ayirliqin ayur*» – «Инсоннинг кадр-қийматини айтади» (QBN.2b.6), асар давомида эса «*Yaʼnluq ayirliqin tanurlayur bilig birlā*» – «Инсоннинг кадри билим билан белгиланади» деб берилган (QBN.12b.6).

Қоҳира нусхасининг боблар мундарижасида ушбу сарлавҳа «*Adam oyli ayirliqi bilig birlā erdükin (ayur)*» – «Одам ўғлининг кадр-қиймати билим бирла эрканлигини айтади» деб берилган (QBQ.4b.7).

Ҳирот нусхасининг боблар мундарижасида бу сарлавҳа «*Yaʼnluq oyli-qizi ayirliqi uquš, bilig erdükin ayur*» – «Киши ўғил-қизининг кадр-қиймати укув, билимда эканлигини айтади» (QBH.4b.10), асар давомида эса «*Yalinyuq oylanī 'azizliqi bilig, uquš birlā erdükin ayur*» – «Киши ўғлонининг азизлиғи билим, укув бирла белгиланувини айтади» деб берилган (QBH.8b.17). Ораларидаги муҳим фарқи: Наманган нусхасида «инсон, киши» маъносида келган *yaʼnluq* сўзининг ўрнида Қоҳира нусхасида *Adam oyli*, Ҳирот нусхасида эса *yaʼnluq oyli-qizi, yalinyuq oylanī* сўзлари келган. Бу ўринда ҳам уйғур ёзувли Ҳирот нусхасида туркий сўзлар билан берилган бўлиб, унинг қадимий қўлёзмадан кўчирилганлигини тасдиқлаб турибди.

Қўлёзма китобларнинг кўчирилиш даври билан боғлиқ яна бир мисол. «Қутадғу билиг»нинг Ҳирот қўлёзмасини кўчираётган бахши (яъни, котиб) асар тилини аслидай сақлаш, уни замонасига зўрма-зўраки мослаштириб юбормаслик учун матнда айрим сўзларнинг луғавий маъноси изоҳлаб кетган. Булар асар тилига хос, лекин қўлёзма кўчирилган кезде ишлатилмай қўйилган ёки айни маънода ўша давр ўқувчиси учун таниш бўлмаган архаик сўзлардир. Сўзларга берилган бундай сатр ости изоҳлари араб ёки уйғур хатида.

Принциплари қуйидагича:

1) Асар кўчирилган чоғларда қўлланилмай қўйган қадимги туркий сўзлар уларнинг синонимлари билан изоҳланган. Масалан: *bodun~bozun* сўзининг остига *el, raiyat* деб ёзиб қўйилган (15b.13; 10b.10), *qumardqu~qumaru* остига *yādgār* (4a.3); *arqış – karvān* (7b.2), *otačī – tabib* (5a.26), *sawčī – rasul* (12a.19), *ög – 'aql* (8b.21), *yuluy – fidā* (6b.6), *yula – čīray, yaryqluq* (6b.4; 3b.12), *hajib(~xas hajip) – vazir* (2a.16), *tunduz – gol* (16b.30), *bor – šarāb* (28a.10), *yalawač – elčī* (5a.9), *qurdqa – qarī* (22b.5), *yaʼnluq – ādam* (10b.22) сингари.

Айниқса, астрономик атамалар мунтазам равишда изоҳланган. Чунки, бу даврда қадимги туркий атамалар ўрнида уларнинг арабий, форсий вариантлари қўллана бошлаган эди. Масалан: *Yašiq – Āftāb* (7a.20), *Sekāntir – Zuḥal* (8b.1), *Oṅṅay – Muštarī* (8b.2), *Körūd – Mirriḥ* (8b.3), *Ökāk – Javzā* (8b.9), *Ud – Savr* (8b.9), *Qozī – Hamal* (8b.9), *Ülgü – Mīzān* (8b.10), *Könāk – Dalv* (8b.11), *Baliq – Xüt* (8b.11) сўзлари билан изоҳланган ва б.

2) Кўп маъноли сўзларнинг айна байтдаги маъноси изоҳланади. Масалан, асарда қўлланилган *öd* сўзи «вақт» маъносини билдирган. Ушбу ўзақдан ясалган *ödsiz* сўзи «бевақт» маъносини ифодалайди. Матнда қуйидаги жумлада ҳам у айна маънода келган: *Kişi ödsiz ölmäs anadīn tuṅur* (41a.28).

Мисрадаги *ödsiz* сўзининг остига *ajal* деб изоҳланган. Бу билан мазкур сўз «бевақт, ажалсиз» маъносини ифодалаётганига ишора этилади: Киши онадан туғилиб бевақт [яъни ажалсиз] ўлмайди.

Qut сўзи ҳам кўп маънолидир. Мазкур байтга эътибор берайлик:

*Bu sayliḡ bilā kör elin saqladi,
Quti kündä artip örü yuqladi* (13a.19).

Байтдаги *qut* сўзи «давлат, бойлик» маъносини ифодалайди. Шунга кўра, унинг остига *davlat* деб ёзиб қўйилган. Байт мазмуни шундай бўлади:

*«Бу билим билан, кўргин, элини сақлади,
Давлати кунда ортиб, юқори кўтарилди».*

Qut сўзи бошқа бир байтда *iqbāl* деб изоҳланади: *Bu Aytoldi tegli qut-ol, kör anī* (11b.10).

Бу билан асар персонажларидан бири бўлмиш Ойтўлдиннинг мажозий маъноси назарда тутилмоқда: «Бу Ойтўлди дегани – қутдир [яъни иқболдир], кўргин уни».

3) Изоҳларнинг айримлари форсчада. Матнчиликдаги бу ҳодиса Ҳирот адабий-маданий муҳитининг таъсирида юз берган дейиш мумкин. Чунки мазкур муҳитда ўқимишли кишилар, она тили билан бир қаторда, форсий ва арабийни ҳам яхши эгаллаган эди. Бахши ана шунга таянган. Чунончи, туркий *sīyit* ни бахши *giryā* (24b.22), *qariṅ* ни *dar* деб изоҳлаган (5a.23). Баъзи изоҳлар туркий ва форсийда. Жумладан, *adīn* сўзи бир ўринда туркий *özgā* (3a.6), бошқа бир ерда эса форсча *digar* (3b.8) сўзи билан изоҳланган.

4) Баъзи изоҳлар бирикма ҳолида: *ol edgü özün – dar ān vaqt* (10b.10), *bezānip ödü – ārasta damā-dam* (12b.8), *qutadḡu* сўзи эса *ya'ni hujasta* ёки *hujasta bud* (11b.7) деб изоҳланган.

Шундай қилиб, бахшининг ушбу изоҳларидан XV аср тилида («чиғатой туркийси» деб аталаётган ёзма адабий тилда) архаиклашган луғат қатламини тиклаш мумкин.

«Қутадғу билиг»да кечган туркий басмала

Муҳаммад алайҳис-саломга Қуръони каримнинг илк бор кўқдан инган (нозил бўлган) Алақ сураси «Яратган Раббининг оти билан ўқи» (*İqrā bismi rabbika-l-ladī xalaqa*) ояти билан бошланади. Басмала (*Bi-smi-l-lāhi-r-raḥmāni-r-raḥim*) айни кўрсатма асосида шаклланган. Бу оят Қуръони карим сураларини шундай унвон билан бошлашга хитоб эди. Шунинг учун Қуръони каримнинг Тавба сурасидан бошқа ҳамма суралари басмала билан бошланади. Шундан келиб чиқиб, исломда барча эзгу сўз ва яхши, муҳим ишларни басмала билан бошлаш анъана бўлган.

Ислом даври асарлари ҳам басмала билан бошланган ва уни таржима қилмай, аслидай ишлатиш русум бўлган. Бироқ, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида келган басмала туркий тилдадир.

Чунончи, асарнинг уйғур ёзувли Ҳирот нусхасида Аллоҳга бағишланган ҳамд бўлими ва «*Yeti yulduz on iki ökāk buruj ayur*» боби шундай бошланади:

*Bayat atī birlä sözüg başladim,
Törütkān / törätkān, igidgān, kečürgān idim.*

«Худонинг оти билан сўзни бошладим, яратган, парваришлаган, кечирган эгамдир» (QВН.8a26).

Шунингдек, асар давомида персонажларнинг бир-бирига ёзган мактублари ҳам берилган. Ушбу мактублар шундай бошланади:

*Bayat atī birlä sözüg / sözin başladī,
Törätkān, igidgān, kečürgān idi.*

«Худонинг оти билан сўзни бошлади, яратган, парвариш қилган, кечирган эга» (QВН.55.20; 106.20; 111.30).

Энди келтирилган байт мазмунини таҳлил қилиб чиқамиз. Асарнинг бошида берилган:

*Bayat atī birlä sözüg başladim,
Törütkān / törätkān, igidgān, kečürgān idim –*

байтини мазмунан икки қисмга ажратиш мумкин. Булар: матн (сўз) худо номини зикр этиш билан бошланаётганининг таъкиди (*Bayat atī birlā sözüg başladīm*) ҳамда Тангри(*idi*)нинг яратганлиги (*törütkān / törätkān*), парваришлаганлиги (*igidgān*) ва раҳмдил, кечирувчи (*kečürgān*) эканлигининг эътирофи.

Биринчи жумлада кечган *Bayat* сўзи ислом тушунчасида Ҳақ таоло (Аллоҳ)дир; *at* сўзи эса Аллоҳнинг исми (*bayat atī*)га ишорадир. Аллоҳнинг сифат исмлари ҳам *at* дейилган. Масалан, қуйидаги байтда Аллоҳнинг сифатлари назарда тутилмоқда:

*Ey erklig uyan mänü muñsuz bayat,
Yaramas seniñdin adinça bu at.*

«Эй эркли, қодир, мангу, мунгсиз худо, сендан ўзгага бу от (яъни, сифатлар) ярашмайди» (QBN.7b.6).

Bayat atī birlā бирикмаси «Аллоҳнинг номини ёд этиб» маъносини беради. Айни бирикмада арабий басмала (*Bi-smi-l-lāhi-r-raḥmāni-r-raḥim*) назарда тугилади; *Bayat atī birlā sözüg başladīm*, дейилганда «Аллоҳнинг номи билан сўзни бошладим» / «Бисмиллоҳ билан сўзни бошладим» деган маъно бор.

Жумладаги *Bayat atī* бирикмаси алоҳида олинганда арабий басмаладаги *ismi-l-lāh* га тенг келади. Кейинги сатрдаги *törütkān, igidgān, kečürgān idim* эса арабий басмаладаги *rahmāni-r-raḥim* сифатларининг шарҳи бўлиб келмоқда.

Таҳлил асосида юқоридаги байтни анъанавий басмаланинг туркий версияси, унинг туркчалашган шакли дейиш мумкин. Унинг асар бошида берилгани, сўнг ҳамду санога ўтилгани ҳам айни фикрни тасдиқлаб турибди.

Шарҳланаётган байтда ҳам *Bayat atī birlā* ҳамда *törütkān, igidgān, kečürgān* бирикмалари арабий басмалага айнан мувофиқ бўлиб, муайян қолипли, ўзгармас компонентлар саналади. Қолган бўлақлар эса нутқ вазиятидан келиб чиқиб ўзгаруви мумкин. Масалан, асар бошида матн Юсуф Хос Ҳожибнинг ўз тилидан ифодалангани боис, гап кесими *başladīm*, мактубларнинг бошида эса асар қахрамонлари тилидан сўзланаётганлиги учун гап кесими *başladī, tedi* шаклида келган.

«Қутадғу билиг»да кечган *Bayat atī birlā* бирикмаси кейинги давр туркий асарларида *Haq atī birlā / Haq yādī birlā* шаклларида ҳам қўлланган. Масалан, Алишер Навоий ўзининг ислом фарзларига бағишланган «Сирожу-л-муслимин» асарини шундай жумла билан бошлайди:

*Çu yondum hāma-yi muškin šamāma,
Qīlay Haq yādī birlā zebnāma.*

Ёки Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Мубайян» асари шундай байт билан бошланади:

*Haqqa ḥamd-u sanā adā qıldim,
Haq atī birlā ibtidā qıldim.*

«Мубайян»нинг *Haq atī birlā ibtidā qıldim* бошловчи жумласи «Қутадғу билиг»даги *Bayat atī birlā sōzūg bašladim* нинг ўзидир.

Басмаланинг туркийда келтирилиши туркий адабиёт тарихида илк бор «Қутадғу билиг»да кузатилади. Бу, ўз навбатида, улуғ шоир Юсуф Хос Ҳожибнинг кашфиётидир.

Ўзбек мумтоз адабиётида, хусусан, Навоий ва Бобур асарларида басмаланинг туркчалаштирилуви бежиз эмас. Бунини қорахонийлар даври туркий адабиёти ва адабий тили анъаналарининг таъсири деб баҳоламоқ керак.

Шу ўринда яна бир муҳим ва айна анъана узвийлигини таъминловчи далилга эътибор қаратмоқчимиз. «Қутадғу билиг» Ҳирот нусхасининг якунида таъкидланишича, ушбу қўлёзмани 1439 йили Ҳасан Қора Шамс бахши Ҳиротда кўчирган. Мазкур қўлёзма темурийлар салтанатининг йирик маданий марказларидан бўлмиш Ҳирот шаҳрида уйғур хати билан битилгани бу чоғларда қорахонийлар даври адабиётига эътибор катта бўлганидан дарак беради. Айтиш мумкинки, «Қутадғу билиг» бу кезлар Ҳирот адабий муҳитида маълум ва машҳур эди. Бу мактаб намояндалари қўлида асарнинг кунимизгача етиб келмаган бошқа қўлёзмалари бўлган бўлса ажабмас. Бундаини машҳур асардан Алишер Навоийнинг ҳам беҳабар қолиши мумкин эмас. Тахминимизча, Алишер Навоий бу асар билан танишган ва басмалани арабчадагина эмас, туркий тилда ҳам бериш мумкинлигини Юсуф Хос Ҳожибдан ўрганган. Кейинчалик ислом фарзларига бағишланган «Сирожу-л-муслимин» асарини ёзар экан, ўша маҳоратни ўзи ҳам ишга солган. Заҳириддин Бобур эса басмалани туркийга ўгиришда Навоийдан таъсирлангани табиий.

Шундай қилиб, қорахонийлар даврида бошланган бадий асарларда басмалани туркийда бериш усули ўзбек адабиётида янги бир кўринишда давом этди. Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур асарларида басмаланинг туркчалаштирилгани қорахонийлар даври туркий адабиётининг, хусусан, Юсуф Хос Ҳожиб бошлаб берган анъананинг давомидир.

Адиб Аҳмад Югнакийнинг турк-ислом фалсафаси, адабиёти тарихидаги кашфиёти

Адиб Аҳмад (Маҳмуд Югнакий ўғли Адиб Аҳмад) қадимги туркий адабиётнинг йирик намояндаси, файласуф, турк-ислом дунёсининг улуғ машойихларидан бири эди.

Адиб Аҳмад туркий адабиёт тарихида биринчилардан бўлиб оят ва ҳадисларни шеърга солган, уларнинг маъносини туркий назмда баён этган улуғ шоир ва машойих эди.

«Ҳибату-л-ҳақойиқ»да муаллиф бирор бир масала тўғрисида баҳс юритар экан, ўз фикрини далиллаш учун Қуръони карим оятларига, пайғамбар алайҳис-салом ҳадисларига, баъзан ислом дунёсида маълум ва машҳур бўлган арабча ҳикматларга мурожаат қилади. Ўз фикрини ана шу асосли ҳужжатлар билан қувватлайди.

Бунга бир мисол. Асарда Адиб Аҳмад сабр-қаноат тўғрисида фикр юритар экан, ўз фикрини хулосалаб дейди:

*Balā kelsā, ṣabr et faraḥqa kūdūp,
Kūdūp tur faraḥqa balā ranj yuḍip.*

(Бало келса, сабр эт, фараҳни кутиб сабр қил. Бало ва заҳматни йўқ қилиш учун фараҳни кутиб тур) (YugA.83,4–84,1).

Муҳими шундаки, муаллифнинг айтган ушбу ўғитларига оятда айтилганлар далил қилиб кўрсатилади. Асарнинг *A* нусхасида юқоридега келтирилган туркий байтдан аввал, *B* ва *C* нусхаларида эса ундан кейин араб тилида шундай деб ёзиб қўйилган:

كما قال الله تعالى و الله يحب الصائرين فان مع العسر يسرا

(Буюк Тангрининг буюрганидек: «Тангри сабр этганларни севар, зеро қийинчилик билан баробар фароғат бор, албата, қийинчилик билан баробар фароғат бор»).

Ушбу оятдан кейин қуйидаги ҳадис ҳам келтирилади:

وكقوله صلى الله عليه وسلم انتظرو الفرحة بالصبر عبادة

(Пайғамбар алайҳис-саломнинг ушбу сўзи ҳам шу маънодадир: «Кутилишни сабр билан кутишлик – ибодатдир»).

Энди ҳадисларга ўтамиз. Билимнинг фойдаси ва билимсизликнинг зарарига бағишланган бобдан бир мисол. Унда билим олишнинг аҳамияти тўғрисида хўп яхши сўзлар айтилади ва баҳс муҳим хулоса билан

якунланади. Муаллифнинг ушбу хулосаси асарнинг *B* ва *C* нусхаларида шундай берилган:

Bilig bil, usanma, bil, ol haq rasul:
«Bilig kimdä ersä, siz arqañ», dedi.

(Билим ол, зерикма, билки, ҳақдир расул. (У):
«Билим кимда бўлса, сиз (ундан) ўрганинг», – деган) (YugC.11,1-2).

Асарнинг *A* нусхасида ушбу ҳадис бир оз фарқли. У қуйидагича:

Bilig yand, usanma, bil, ol haq rasul:
«Bilig Čindä ersä, siz aryañ», tedi.

(Билим изла, зерикма, билки, ҳақдир расул. (У):
«Билим Чинда эрса ҳам, сиз истанг», – деган) (YugA.21,3-4).

Ушбу байтдан сўнг ҳадиснинг араб тилидаги асл версияси ҳам илова сифатида келтирилган. Мана ўша ҳадис:

قال النبي عليه السلم اطلبوا العلم واو بالصين

(Пайғамбар алайҳис-салом: «Илмни, Чинда бўлса ҳам, истанг», деган).

Демак, ҳадиснинг баёни бошлаб туркий тилда келтирилмоқда. Ана шу байт адибнинг бунга қадар айтган сўзларини хулосалайди. Асарда бунга қўшимча ҳолда, адиб тилидан баён этилган туркий ҳадисдан кейин, унинг арабча шакли ҳам далил сифатида келтирилади. Ҳадиснинг «Пайғамбар алайҳис-салом шундай деган» (قال النبي عليه السلم) сингари муаллиф гапи билан берилаётгани бежиз эмас. У мазкур фикр оддий сўзлар эмас, Пайғамбар алайҳис-салом сўзлари эканига ишора қилади.

Бошқа бир мисол. Карам, ҳилм ва бошқа эзгуликлардан баҳс этувчи бобда кишиларга хушмуомала бўлиш тўғрисида ўғитлар айтилади. Адибнинг бу бобга берган хулосаси шундай:

Min er dostuñ ersä, öküš körmägil,
Bir er duşman ersä, anı azlama.

(Минг эр дўстинг эрса, кўп кўрмагил, душманинг бир киши бўлса ҳам, уни оз дема) (YugC.36,4-5).

Ушбу байт расул алайҳис-салом ҳадисининг Адиб Аҳмад тилидан айтилган туркча баёнидир. Бунинг билан адиб ҳадисни шеърий шаклда баён қилмоқда.

Матнда туркий байтдан сўнг далил сифатида ҳадиснинг араб тилидаги асл версияси ҳам келтирилади. Мана ўша арабча шакли:

وذلك قوله عليه السلام الف صدتو قليل و عدو واحد كثير

(Бу Пайғамбар алайҳис-саломнинг сўзидир: «Минг дўст оз ва бир душман кўпдир»).

Кўринадики, юқоридаги туркий байт арабча ҳадиснинг шеърий баёнидир.

Ёки тилни асраш, ўзгалар қўнглини ранжитмаслик тўғрисида баҳс этар экан, муаллиф шундай дейди:

*Öçüktürmä erni tilin, bil, bu til
Başaqtersa, бүtmäz, бүtär oq başi.*

(Тил билан кишини ғазабга келтирма, билки, ўқ яраси битади, тил етказган жароҳат битмайди) (YugA.29,2–3).

Ушбу туркий байтдан кейин далил сифатида араб тилидаги шундай мақол келтирилади:

جراحات السهام لها التيام ولا يلتام ماجرح اللسان

(Ўқларнинг яраси битар, фақат тилдан етган жароҳат тузалмас).

Кўринадики, асарда Адиб Аҳмад муайян масала ҳақида ўз фикрларини баён этади. Ушбу ўғитларни далиллаш учун Қуръони карим оятларига, расул алайҳис-салом ҳадисларига, арабларнинг машҳур мақолларига ишора қилинади. Оят, ҳадислар бошлаб туркий назмда берилади. Ушбу байт, одатда, адибнинг шу масала тўғрисидаги мулоҳазаларини хулосалайди. Оят ва ҳадисларнинг туркча талқинига қўшимча ҳолда уларнинг арабчадаги асл версиялари ҳам келтирилади.

Демак, туркий адабиёт тарихида оят ва ҳадисларни шеъриятга илк бор олиб кирган, уларнинг маъносини туркий назмда баён этган ҳам Адиб Аҳмад Югнакийдир.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ўзининг «Арбаъин» асарида қирқта саҳиҳ ҳадис маъноларини туркий назмда баён этиб берган эди. Навоийнинг бу асарлари Адиб Аҳмад бошлаб берган улуғ анъана таъсирида яратилган, десак хато қилмаган бўламиз.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

ТИЛ БИЛИМИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ТАКОМИЛИ

Фан соҳасининг тарихи тилда ўша соҳага тегишли атамалар (терминлар) тизимининг шаклланишидан бошланади. Тилда соҳа тушунчалари билан бир пайтда, унинг атамалари ҳам яратила бошлайди. Айни ўлчовга таянадиган бўлсак, туркий тилларда тил билимининг юзага келиш тарихи жуда эски замонлардан бошланганлигига гувоҳ бўламиз. Муҳими шундаки, илк ўрта асрларда тил билими, шунингдек, ёзув билан боғлиқ тушунчаларни акс эттирувчи бутун бошли атамалар тизими мавжуд эди. Буларнинг бари ота-боболардан қолган ёзув ёдгорликларида тамғаланиб қолган.

Адабий тил тарихидаги ана шундай қатламлардан бири ёзув билан боғлиқ атамалардир.

Улуғ файласуф Юсуф Хос Ҳожиб ёзувнинг аҳамиятини таърифлар экан, Ила донишмандига нисбат бериб айтган сўзлари бор. Мана ўша айтганлари:

*Qamuy eḍgü sözlär bitigdä bolur,
Bitinmiş üçün söz unitmas qalur.*

*Bitimädi ersä bitigli bitig,
Nekü bilgäy erdiñ bu hikmät bilig.*

*Bitip qoḍmasa erdi bilgä bögü,
Biziñkä uzaqiy kim erdi tegü. –*

«Барча эзгу сўзлар ёзувда бўлади,
Ёзилган бўлгани учун сўз унутилмайди, (мангу) қолади.

Ёзувчилар китоб ёзмаганида,
Бу ҳикмат ва билимларни қаердан билар эдинг.

Билимдон, доно ёзиб қолдирмаганида,
Бизга узоқ ўтмишни ким айтиб берарди» (QBN.101a,10-12).

Ёки давлат ва жамият бошқарувида ёзувнинг муҳим ўрин тутганлигини таъкидлаб, шундай ёзади:

*Eđi keđ kerāklig turur bu bitig,
Bitig birlā beglār etār el etig. –*

«Ёзув жуда ҳам кераклидир,
Беглар ёзув билан элни идора қиладилар» (QBN.101a,15).

Bitig сўзи «ёзмоқ» маъносидаги *biti-* феълига от ясовчи *-g* қўшимчасини қўшиб ясалган: *biti+g>bitig*.

Bitig сўзи илкин англамида «ёзув, хат; матн»ни билдирган, бошқа маънолари эса ана шундан урчиган. Бунга боғлиқ ҳолда «китоб; мактуб; ёзма ҳужжат», қўйинги, ёзув ва матн билан боғлиқ нарсаларни ана шу сўз билан аталадиган бўлди.

Маҳмуд Кошғарийга кўра:

bitig – «китоб».

bitig – «ёзув, ёзмоқ». Бу, айни замонда масдардир; *aniñ bitigi belgūlūg* – «унинг ёзуви маълум, белгили».

bitig – «тумор» (ўғузча) (ДЛТ,155).

Икки тилли, эски туркий-хитойча «Идикут маҳкамаси сўзлиги»да *bitig* сўзи икки ўринда, икки хил маънода берилган: биринчиси 書 («китоб; мактуб»); иккинчиси 文 («қўлёзма асар») (IMS,49).

Туркий ёзма ёдгорликларда *bitig* сўзининг маънолари мавжуд луғатларда келтирилган маъноларга қараганда анча кенг. Жумладан, битигларда бу сўзнинг қуйидаги маънолари учрайди:

(1) биринчидан, *bitig* сўзи «ёзув, матн» маъносида келади:

Бу сўз «ҳарф» англамидаги *ūžik* сўзи билан бирга жуфт ҳолда ҳам ишлатилган: *bitig ūžik* дейди, бу «ёзув, хат» дегани.

(2) яна *bitig* сўзи ёзма манбаларда «китоб; асар» маъносида ҳам келади.

Тошларга битилган кўк турк ёзма ёдгорликлари матннинг ўзида *bitig* аталган. Жумладан, Кул тигин битигида битигни Йўллуғ тигин

битганлиги шундай қайд этилади: *Bu bitig bitigmā atīsī Yol(l)uy t[igin].* – «Бу битиг битилгучининг жигари Йўллуғ тигин» (Ка.13). Ёки битигнинг охирига шундай ёзиб қўйилибди: *Bunča bitig bitigmā Kül tigin atīsī Yolluy tigin bitidim. Yigirmi kūn olurup bu taşqa, bu tamqa qop Yolluy tigin bitidim.* – «Бунча битигни битилгучи Кул тигиннинг жигари Йўллуғ тигин битдим. Йигирма кун ўтириб, бу тошга, бу бинога тўлиқ Йўллуғ тигин битдим» (К.II).

Қадимги туркий тилда *bitig* лексемасидан янги сўзлар ҳам ясалган. Масалан, кўк турк ёзувидаги мангутошлар *bitigtaş* дейилади. Кул тигин битигида: *Kül tigin qoñ yilqa yiti yigirmikā ucdi. Toquzunč ay yiti otuzqa [yoʻy ārtürtimiz. Barqin bādizin] bitigtaş[in] bičün yilqa yitinč ay yiti otuzqa qo[p al] qd[imi]z.* – «Кул тигин қўй йилида, [биринчи ойнинг?] ўн еттинчисида ўлди. Тўққизинчи ой(нинг) йигирма еттисида азасини ўтказдик. Биносини, нақшини, битигтошини маймун йилида, еттинчи ой(нинг) йигирма еттисида бутунлай тугатдик» (К.III).

Йирик буддавий қиссалар, будда ақоидлари эса *nom bitig* аталган. Бу атамадаги *nom* суғдчадан ўзлашган бўлиб (<суғд. *nwm*), «дин, шариат; диний таълимот; буддавий қонун-қоидалар; йўруғлар» деган тушунчани беради. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *nom* нинг маъноси – «дин ва шариат». Бундан олиниб, *tāñri nomī* дейилади, «худонинг дини ва шариати» демакдир. Ҳамма динларга ҳам *nom* дейилади. Бу *şin* ликлар сўзидир (ДЛТ,369).

Nom bitig лар турк-будда адабиётида кенг тарқалган эди. Жумладан, қадимги турк-будда адабиётининг қимматли асарларидан бири «*Maytri simit nom bitig*» деб аталган (MS.141). Бунинг маъноси «Майтри билан учрашув китоби» деганидир.

«Олтун тусли ёруғ» асарининг тўлиқ оти шундай: «*Altun öñlüg yaruq yaltriqliy qopta kötrülmiş nom eligi*» *atliḡ nom bitig.* – «Олтин тусли ёруғ ялтироқли тугал юксак нўм тождори» отли нўм битиг (АУ.201,4–6).

Ёки ўтмишда яшаб ўтган таниқли хитой сайёҳининг ғарб ўлкаларига қилган саёҳатини акс эттирувчи «Сюань-цзан кечмиши» асари матнининг ўзида «*Bodisatv Tayto Samtso ačarininḡ yoruyin uqitmaq atliḡ Tsi-in-čün tigmā kavi nom bitig*» («Бўдисатв Тайтў Самтсў устознинг кечмишлари ҳикояси отли эпик асар») деб аталган (СЦ.V.87,14–17). Бу атамадаги *kavi* (<санскр. *kāvya*) «эпос; эпик асар» дегани.

Ёки яна:

yörug bitig – «шарҳ, шарҳ китоб». Масалан, «Сюань-цзан кечмиши» асарида: *Samtso ačari yörüg (bitig)indā muntay sözläyür.* – «Самтсў ачари ўз шарҳида бундай деган» (СЦ.VIII,7).

saqurt bitig – бу сўз эски туркий-хитойча «Идикут маҳкамаси сўзлиги»да берилган. Хитойча таржимада – 雜字 *zá zì* (маъноси: «аралаш сўзлар луғати») (IMS,50).

toñqul bitig – бу сўз эски туркий-хитойча «Идикут маҳкамаси сўзлиги»да берилган. Хитойча таржимада – 榜文 *bǎng wén* (маъноси: «эълон қилинган асар») (IMS,50).

(3) манбаларда *bitig* атамаси «мактуб, хат» маъносида ҳам ишлатилган:

*Davāt quldi, kāyaz, bitidi bitig,
Bitig birlä etti işñä etig. –*

«Давот ва қоғоз сўради, мактуб ёзди,
Мактуб билан ишига замин ҳозирлади» (QBN.118b,1).

Ёки яна:

kõñli aytu bitig дейди, бу «кўнгил сўровчи мактуб» дегани (QBN.118b,11).

yantut bitig – тарихий, тарихий-бадий асарларда «жавоб хати» маъносида келади; *yantut* – «жавоб» (қаранг: ДТС,233) сўзидан. Лекин хужжатчиликда қарздор томонидан тўловни кафилловчи хужжат, тилхатни билдиради. Жумладан, Берлин қўлёзмалар фондида сақланаётган Т.М.98 (U 5248) кўрсаткичли хужжат *yantut bitig* аталган (ТХ,26,2 га қаранг).

qumaru bitig – «насиҳатнома» дегани. Жумладан, «Қутадғу билиг»нинг бобларидан бири *Aytoldi eligkā qumaru bitig qodmiš'in ayur* («Ойтўлди элигга насиҳатнома ёзиб қолдирганини айтади») деб аталган (QBN.55a,5).

bitig salām – «салом хат; мактуб» маъносини билдиради (УШ.18).

(4) қадимги туркий тилда «расмий хужжат»ларни ҳам *bitig* дейилган. Масалан, васиқалардан бирида шундай келган: *Bu satiy bözni bitig qilmış kün üzä men, Bādrün, bir eksüksüz tügäl sanap, arılap berdim.* – «Бу сотилган бўзни хужжат тузилган кунида мен, Бадрун, сира қолдирмай, бутунлай санаб, ажратиб бердим» (ТХ,5-7).

Bitig барча турдаги хужжатнинг умумий атамасидир, хужжатнинг муайян тури ажратиб кўрсатилганда, қўшма сўз ёки бирикма ҳолида ишлатилган: масалан, «эркинлик берувчи хужжат» *boş bitig* ёки *boş idmiş bitig* дейилган; бу атамадаги *boş* – «эркин, озод» дегани.

Масалан, васиқалардан бирида шундай келган: *Men yulup alayin, señä burunča boş bitig beräyin.* – «Сени мен қутқарай, улардан бурун эрк хужжатини берай» (ТХ,1,12-13).

Ёки: *baş bitig* – «бош, асосий хужжат» маъносида. Масалан, жорияни сотиб, ўрнига бўз олинганлиги тўғрисидаги хужжатнинг тескарисига (қаранг: Малов 1951,211–214) *Qutluyniň baş bitigi-ol* (Қутлуғнинг бош битигидир) деб ёзиб қўйилган (ТХ,23,33).

ötüg bitig – «ўтинч битиги; илтимоснома, ариза» (СЦ.VI.22,9; АҮ.15,6). *Men Huintso Ä[nätkäk]kä barquda üč qata ötüg bitig qilip ötündüm.* – «Мен, Сюань-цзан, Анаткакка бориш олдидан уч қайта ўтинч битиги билан мурожаат қилдим» (СЦ.VI.8,15–17). Шунингдек, қарз олиш васиқаси ҳам *ötüg bitig* аталган (қаранг: ДТС,393).

bičyas bitig – «қасам битими». Бу атама «Девону луғати-т-турк»да келтирилган (ДЛТ,182). *Bičyas* – Махмуд Кошғарийнинг ёзишича, кишилар орасидаги ваъда, ваид. У ўрнак қилиб қуйидаги шеърни келтирган:

*Bičyas bitig qilurlar,
And key yemä berürlär.
Xand'in basut tilärlär,
Basmil, čumul tirkäšür.*

Ябаку жангида хоқонни кўмакка чақириб айтади: Бизнинг кишилар подшога қаршилиқ қилмасликка, унга бўйсуннишга қасам ичиб, битим тузилди. Ҳозир басмил ва чумул қабилалари биз билан урушмоққа йиғилдилар. Хоқон уларга етишди, ҳатто уларнинг қонини тўкди ва асирга олди [Келишув – битим тузишди, яна қасам ичишди. Хондан ёрдам сўрашди. Басмил, чумуллар (бизга қарши) жангга тўпланишди] (ДЛТ,182–183).

Ёки: *č'in bitig* – «чин битиг, хужжат» дегани: *Saqiš saqliqi č'in bitig birlä-ol.* – «Ҳисобнинг тўғрилиги чин битиг биландир» (QBN.104a,1).

bitig-belgü – «давлат тузуги; низоми» дегани. Кўк турк, уйғур хоқонлиқлари замонида тошларга давлат тузуклари ҳам битилган. 745 йили Иккинчи кўк турк хоқонлиғи ўрнига келган уйғур хоқонлиғининг ҳукмдори Мўюн-чўр шарафига ўрнатилган битигда (Малов 1959,30–44) буни тасдиқловчи қизиқ бир мисол бор. Битигда 750 йил воқеалари тўғрисида сўз борар экан, Мўюн-чўр тилидан: «Ўша йили ... оқ ўрда чо-дирина тиктирдим, мудофаа деворларини қурдирдим, ёзни ўша ерда ўтказдим, ўша ерда тангрига ибодат ўтказдим, туғроимни, битигимни, (тузугимни) ўша ерда яраттирдим (*belgümin-bitigimin anta yaratitdım*)» дея таъкидланади. Кейинги йил воқеалари баёнида ҳам шунга яқин мазмунли жумлаларни ўқиймиз: «Ўшанда ғарбда Идуқ башда, Ябаш ва тўқуш (дарёларининг) қуйилишида ёзни ўтказдим. Ўша ерда саройим-

ни қурдирдим, мудрофаа деворларини ўша ерда қурдирдим, минг йиллик, туман кунлик битигимни тузугимни ўша ерда ясси тошга яраттирдим (*bīñ yilliq tūmān kūnlīk bitigimin-belgūmin anta yasī tašqa yaratitdīm*) дейилади битигда (матннинг 19–22- қаторларида қаранг).

Ушби мисолда кечган *bitig-belgū* – «давлат тузуги; низоми» маъносини билдиради; *bitigimin-belgūmin anta yasī tašqa yaratitdīm* дейилганда «тузугимни ўша ерда ясси тошга ёздирдим» деган маъно англашилади.

Қорахонийлар давридан бошлаб, туркий тилга араб тилидан *kitāb* (<араб. كتاب) сўзи ҳам ўзлашди. Бу атама, бизга маълум бўлган ёдгорликлар орасида, биринчи бўлиб «Қутадғу билиг»да ишлатилган.

«Қутадғу билиг» тилида бу сўз, ҳарқалай, туркий тилга мослаб, жангсиз [p] билан, *kitāp* шаклида талаффуз қилинган кўринади. Буни унга жўналиш қўшимчаси *-kā* шаклида қўшилганидан ҳам билса бўлади. Мана ўша мисол: *Kitāpkā bitindi bu haqan atī*. – «Бу хоқоннинг оти китобга битилди» (QBN.11b,1).

Бу сўз туркий матнларда *bitig* га синоним сифатида «китоб; асар» маъноларида ишлатилган:

*Kitāp atī urdum «Qutadūyū bilig»,
Qutadūsu, oqiyliqa tutsu elig.* –

«Китобга [яъни, асарга] «Қутадғу билиг» деб от қўйдим,
Ўқувчини бахтга элтсин, уни қўлласин» (QBN.19b,7).

«Қутадғу билиг» уйғур ёзувли Ҳирот қўлёзмасининг охирига, асар тугатилганидан кейин: *Tügāndi Qutadūyū kitāpī tatix sekiz qırq üç yilda, qoyūl muharram ayniñ tōrti Haruda* («Қутадғу» китоби [яъни, асари] тарих саккиз (юз) қирқ учинчи йили, қўй йилининг муҳаррам ойида Ҳиротда (кўчириб) тугатилди) деб ёзиб қўйилган (QBN.93a,26–27).

Kitāp сўзи «асар» маъносида туркий луғат таркибига шу қадар сингиб кетдики, ҳатто китобат ишида туркий асарларни айна сўз билан бошлаш анъанага айланиб қолди. Масалан, «Ҳибату-л-хақойиқ»нинг 1444 йили Самарқандда уйғур хати билан кўчирилган қўлёзма нусхасида асарга йирик ҳарфлар билан «*Atabatu-l-haqauiq kitābī*» [яъни «Ҳақиқатлар эшиги асари»] деб сарлавҳа қўйилган (YugA.1–2).

Юсуф Хос Ҳожиб «асар муаллифи»ни *kitāp idisi* деган. Бу атама боб сарлавҳасида келади: *Kitāp idisi oziñā 'uzr ayur*. – «Китоб [яъни, асар] эгаси ўзига узр айтади» (QBN.14a,10).

kitābat (<араб. **كتابة**) – Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоий билан бўлган ёзишмасини, хатини ана шундай атаган. Мана ўша ёзганлари: *Bu ikkinçi navbat Samarqandni alyanda, 'Alīšer-beg tirig edi. Bir navbat menā kitābatī ham kelip edi. Men ham bir kitābat yībarīp edim, arqasīda türkī bayt aytīp, bitip yībarīp edim. Javāp kelgünčā, tafriqa-vu yavgā boldi* (БН.78).

Қорахонийлар давридан бошлаб, туркий тилга араб тилидан **xaṭ** (<араб. **خط**) сўзи ҳам ўзлаша бошлади. У «ёзув; матн» маъноларида туркий **bitig** сўзига синоним сифатида ишлатилган. Бу атама, бизга маълум бўлган ёдгорликлар орасида, биринчи бўлиб «Қутадғу билиг»да қўлланган.

«Чиройли, нафис хат»ни *uz xaṭ* дейилган: *Bitigdā xaṭ uz bolsa, aḥlur kōjül.* («Мактубда хат чиройли бўлса, кўнгил очилади») деб ёзган эди Юсуф Хос Ҳожиб (QBN.101a,7).

Ёзув ашёларини англатувчи атамалар

Илк ўрта асрларда «қоғоз»ни ифодалаш учун **kāyaz** (<форс. **کاغذ**) сўзи ҳам ишлатилган. Бу атама илк бор «Қутадғу билиг»да келади (QBN.118b,1).

Бундан ясалган *kāyaz bitig* бирикмаси ҳам бор, у «ёзув қоғози» дегани (QBN.55a,6).

«Таржимон» асарида бу сўз **kāyit** деб берилган. Луғатда таъкидланувчи, унинг форсча асли **kāyit** дир (КТТ.31).

Қадимги туркий тилда «сиёҳ»ни **qara** дейилган. Масалан, «Қутадғу билиг»да: *Qalamda qara tamsa, altun kelir.* – «Қаламдан қора томса, олтин келади» (QBN.101b,13).

Қадимги туркий битигларда «сиёҳ» англамида **mkā** сўзи ҳам ишлатилган. Масалан: *altun mkā* дейди, бу «олтин суви, зарҳал» деганидир (СЦ.VIII.9,3).

Қадимги туркий тилда ёзув қуроли бўлмиш «қалам»ни **bi** дейилган. Бу атама «Сюань-цзан кечмиши» асарида келади (СЦ.VI.25.4).

Арабчадан ўзлашган **qalam** (<араб. **قلم**) сўзини биринчилардан бўлиб Юсуф Хос Ҳожиб ишлатган. У қаламнинг кучига катта баҳо бериб, қалам элни тузиш, мамлакатни мустаҳкамлаш қудратига эга эканлигини таъкидлайди. Бунда у расмий битимлар, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро келишувларни кўзда тутуди:

*Qilič el tüzär ham bodun qazyanur,
Qalam el tüzär ham hazina urur. –*

«Қилич эл тузади ҳамда халқларни қўлга киритади,
Қалам эл тузади ҳамда хазина йиғади» (QBN.101b,12).

Юсуф Хос Ҳожиб қиличнинг кучи билан элни босиб олиш мумкин, лекин мамлакат қалам билан бошқарилади, дейди. Бунинг билан у мамлакат бошқаруви ҳужжатларга, расмий ёзмаларга таянажagini таъкидлайди. Мана ўшанинг ўрнаги:

*Qilič birlä aldī, kör, el alyučī,
Qalam birlä bastī ol el basyučī.*

*Qilič birlä alsa bolur terk elig,
Qalam bolmayınča basumas elig. –*

«Кўргин, эл олувчи қилич билан босиб олади,
Элни бошқарувчи қалам билан бошқаради.

Қилич билан элни тез босиб олса бўлади,
(Лекин) қалам бўлмаса, қўл (кучи) билан элни бошқариб бўлмайди»
(QBN.92a,3-4).

«Сиёҳдон» ёзма ёдгорликларда *bitigü* дейилган. Бу сўз «Қутадғу билиг»да келади (QBN.55a,6). Муҳими шундаки, асарда *bitigü* га синоним сифатида *davāt* (<араб. دوات) сўзи ҳам ишлатилган (QBN.118b,1).

Котибларни атовчи сўзлар

Ўтмишда хат битувчи «котиб»ни *bitigči, bitkäči, ilimya, baxši* деб аташган. *Kätib, xaṭṭāt* сўзлари, нисбатан кейинчалик, ўрта асрлардан бу ёғига ишлатила бошлади.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: «*ilimya* – шоҳ мактубларини турк хати билан ёзувчи котиб»дир (ДЛТ,71).

Юсуф Хос Ҳожиб «котиб» маъносида *bitigči* атамасини ишлатган (масалан, QBN.100b,2). Ушбу атама «Қутадғу билиг»да *ilimya* сўзи билан бирга жуфт ҳолда *bitigči ilimya* деб ҳам қўллаган. Бунда у «хат ёзувчи котиб» деган маънони англатади. Мана мисоли:

Ögdülmiş eligkâ bitigçi ilimya nekü-teg kerâkin aytur. – «Ўгдулмиш элигга хат ёзувчи котиб қандай (бўлиши) кераклигини айтади» (QBN.100a,14).

Ўрта асрларда «девон котиблари»ни *dīvān bitigçilāri* дейилган (ТҚ.7).

Қадимги туркий тилда «котиб, хат битувчи» маъносида *bitkâci* ата-маси ҳам ишлатилган (АҲ.686,1).

Ўтмишда «котиб» маъносида *baxši* сўзи ҳам ишлатилган. Бу сўз ман-баларда *baqši* ~ *baxši* вариантларида келади. *Baqši* ~ *baxši* сўзи қадимги турк будда, моний диний жамоаларида «устоз, мураббий; муаллим» маъноларида ишлатилган. Масалан: *sōki baqšilarññ sawī erūr* – «бурунги устозларнинг сўзлари эрур» (СЦ.VIII.9,2–3).

Бу сўз бирикма шаклида ҳам келган: *nomçi baqši* дейди, бу атама «нўмчи устоз»ни англатади (СЦ.V.9,18).

Ёки: *uluḡ baxši* – «улуғ бахши» дегани: *yolçi yerçi uluḡ baxši* – «етакловчи, йўл кўрсатувчи улуғ бахши» (АҲ.416,20);

sōzçi baxši – «таълимотни етказувчи» дегани: *Adinsiyisiz yarliḡliḡ sōzçi baxši ata qaḡ.* – «диний таълимотни етказувчи улуғ ота» (АҲ.682,14).

Замонасининг хат-саводли, ўқимишли кишиларига нисбатан қўлланган бу сўз кейинчалик туркий тилда ва уйғур хатида битувчи котибларнинг номида сақланиб қолди. Масалан, ўрта асрларда, тўғ-рироғи, темурийлар замонида уйғур хатида битувчи котиблар отига *baxši* сўзи қўшиб айтилган: *Zaynu-l-Ābidin baxši*, *ʿAbdu-l-razzāq baxši* сингари.

Шу ўринда муҳим бир фактга эътибор қаратайлик. Илк Қирим хони Ҳожи Гирейнинг 1453 йили Маҳмуд ўғли Ҳаким Яхёга берган тархонлик ёрлиғи (васиқаси) бор (Kurat 1940,62–75). Бу ёрлиқнинг бошқа ёрлиқлардан фарқи шундаки, унинг охирида битигни битган бахши(котиб)нинг ва унга кўрсатма берган қозининг оти ёзиб қўйилган: *Qāzi-l-quzzat mavlānā Sadr-i Jihān ötündi. ʿAli baxši bitidi* – «Қозикалон мавлоно Садри Жихон илтимос қилди. Али бахши ёзди».

Яна бир жиҳати, ёрлиқнинг 51- қаторида *altun nišānlīḡ, al tamḡaliḡ yarliḡ berdimiz* деган жумла келади. Ҳолбуки, ёрлиқда бу жумлада тилга олинган нишон ҳам, тамға ҳам йўқ. Фақат унинг бошланишига чиройли бир ёзувли нишон ишланган, холос. Бироқ у хоннинг нишони эмас, ундаги ёзув басмаладир. Агар ёрлиқ ўта нафис хат билан битилмаганида, юқоридаги белгиларига асосланиб, уни асл ёрлиқнинг копияси (нусхаси) деган бўлардик. Шундай бўлиши ҳам чамадан йироқмас. Акс ҳолда, ёрлиққа котибнинг ва қозикалоннинг исми ҳам ёзилмаган бўларди. Афтидан, Али бахши ёрлиқдан қозикалоннинг илтимосига кўра нусха кўчириб берган кўринади.

Муҳимроқ ери, ёрликда *бахшӣ* атамасининг қўлланилгани. Демак, Қирим хонлигининг илк палласида Олтин Ўрда китобат анъаналари давом этган ва бу доирада ҳам котибларни, ўрни билан, *бахшӣ* дейишган.

Ҳозирги ўзбек тилида эса *бахшӣ* сўзи «халқ дostonчиси, бахши»ни билдиради. Айрим ўзбек оғизларида «табиб» ҳамда «фолбин»ни ҳам *бахшӣ* дейдилар.

«Нутқ» ва «ёзма адабий тил» тушунчаларининг ифодаланиши

Шарқ тилшунослиги «тил» ва «нутқ»нинг ўзаро фарқини, «ёзма адабий тил»ни ғарб илмига қараганда анча бурун англаб етди.

Ўтмишда *til* атамаси кенг маънода ишлатилган. Бу атама «жамиятнинг мулоқот воситаси» маъноси билан бирга, «нутқ»ни ҳам англатган. «Кишининг нутқи» тўғрисида сўз борганда уни *til* дейилади.

Шунингдек, «кишининг нутқи» маъносида, ўрни билан, *söz* атамаси ҳам ишлатилган. Мана бунга мисол:

*Bilip sözläsä söz, biligkâ sanur,
Biligsiz sözi öz başini yeyür. –*

«Сўзни билиб сўзласа, донолик саналади,
Билимсизнинг сўзи ўз бошини ейди» (QBN.13b,3).

Уч улуғ ижодкор, олим ва мутафаккирлар «тил» ва «нутқ»ни, «оғзаки нутқ» ва «ёзма адабий тил»ни бир-биридан фарқлаб, бу тушунчалар учун махсус истилоҳлар ҳам ишлатганлар.

Жумладан, улуғ шоир ва файласуф, эски туркий тилнинг билимдонни Юсуф Хос Ҳожиб «ёзма адабий тил»ни *bitig söz* деб атаган эди. Мана унинг ёзгани:

*Balāyat bilä xaṭ teñäššä qalī,
Eđi eđgü til bu bitig söz tili. –*

«Агар фасоҳат билан (хуш) хат тенглашса,
Бу ёзма нутқ тили жуда эзгу тил бўлади» (QBN.101a,8).

У ёзма нутқни жуда яхши усул дейди: *Eđi eđgü yañ bu bitig söz yañi*, дея таъкидлайди у (QBN.101a,9). Асар қўлёзмасида *eđi* сўзининг остига *uluṭ*

деб изоҳлаб кўйилибди. Шунга кўра, ушбу жумлани «Ёзма нутқ усули жуда яхши усулдир» дея англамоқ керак.

Юсуф Хос Ҳожиб «оғзаки сўз», яъни «нутқ»ни *tilin söz* деган. Мана матндан олинган мисоли:

*Yoq ersä bitig bu kişilär ara,
Tilin sözkä kim bütkäy erdi, kör-ä. –*

«Кишилар ўртасида ёзув бўлмаганида,
Оғзаки сўзга ким ҳам ишонар эди, кўргин» (QBN.101a,13).

Адиб Аҳмад *til* сўзини бир қанча маънода ишлатган:
Бирини, «нутқ аъзоси, тил»ни англатади:

*Eşit, büt bu sözkä: Qamuy tañda tan
Turup, tilgä yüknüp, tazarru' qīlur. –*

«Эшит, бу сўзга инон: Тана ҳар тонгда
уйғониб, тилга юкуниб, тазарру қилади» (YugA.31,5–6).

Асарда *til* атамаси «жамоа тили» (*luya*)ни (масалан, *kāşyar tili*), кишига нисбатан ишлатилганда эса, «нутқ» (*kalām*)ни англатади:

*Eşitkil, biliglig negü dep ayur:
Adablar başi til, ködäzmäk turur.*

(Эшитгин, билимли нима деб айтган:
Одобнинг боши тил [яъни, нутқ], (уни) сақламоқ керак) (YugC.13,7-8).

Ёки:

Tili yalyan erdin yīraq tur, toz-a («Сўзи ёлғон [яъни, ёлғон сўзловчи] кишидан узоқ тур, тўзгин [яъни, нари бўл]») дея ўғит беради Аҳмад Югнакий (YugA.34,2). Бунда *tili yalyan er* деганда «ёлғон сўзловчи киши» англашилади.

Адиб Аҳмад бундан ташқари, «нутқ»қа нисбатан *ayiz til, til söz* атамаларини ҳам қўллаган. Мана унинг айтганлари:

Асарда *ayiz til* атамасини «оғзаки тил», яъни «нутқ» англамида ишлатади:

*Ayüz til bezägi köni söz turur,
Köni sözlä sözni, tiliḡni bezä. –*

«Нутқнинг безаги тўғри сўз туруп,
Сўзни тўғри сўзла, тилингни [яъни, нутқингни] беза» (YugA.34,4–5).

Келтирилган мисолда *ayüz til* – «нутқ» дегани, иккинчи сатрдаги *til* ҳам айни англамда. Бир сўзни қайтармаслик учун кейингисида бошқа истилоҳ ишлатилмоқда.

Адиб Аҳмад «киши нутқи»ни *til söz* ҳам атаган. Мана унинг айтгани:

*Xiradliq-mu bolur tili boş kişi,
Telim başni yedi bu til söz boşi.*

(Тили бўш киши ақлли (ҳеч замонда) бўлармиди?!)

Тил сўз [яъни, нутқнинг] бўшлиги кўп (киши)нинг бошига етди)
(YugC.14,4–5).

Тил ва нутқ билан боғлиқ атамалар семантикаси

Кишилиқ ўтмишида лингвистик билимлар тарихи «тил»ни англашдан, у ҳақдаги тушунча-қарашларнинг юзага келишидан бошланган. Шунинг учун ҳам *til* сўзини лингвистик тушунчаларнинг биринчиси, лисоний қарашларнинг таянч нуқтаси деса бўлади.

Til атамаси бошланғич даврда, ҳарқалай, «жамиятдаги алоқа воситаси» маъносида ишлатилган, «киши нутқи» маъноси эса кейинчалик шаклланган бўлуви керак.

«Киши нутқи» англамидаги *til* сўзининг талаффузи «алоқа воситаси» ва «нутқ» англамидаги *til* дан фарқ қилган кўринади. Сабаби шундаки, «Кутадғу билиг»нинг араб ёзувли Наманган нухасида *تل* сўзи «нутқ аъзоси» англамида келганида, унга тушум келишиги кўшимчасининг «йўғон» «уауп»ли варианты қўшилган (تليغ). Шунинг учун уни *tiliḡ* деб ўқилгани тўғри. Мана ўша байт:

*Tiliḡ keḋ köḋäzgil, köḋäzildi baş,
Sözüḡni qisuryil, uzatildi yaş. –*

«Тилни жуда эҳтиёт қилгин, бош сақланади,
Сўзни қисқа қилгин, ёшинг узаяди» (QBN.13b,9).

Айрим ўринларда *تيل* сўзи «нутқ аъзоси» англамида келганида ҳам, унга тушум келишиги қўшимчасининг «ингичка» «*kāf*»ли варианты қўшилган (*تيليك*). Шунинг учун уни *tilig* деб ўқилади. Мана ўша байт:

*Öküş sözläsä, yañşadī ter tilig,
Yana sözlämäsä, aýin ter tilig. –*

«Кўп сўзласа, тилни эзмаланди дейилади,
Сўзламасачи, тилни соқов дейилади» (QBN.13b,7).

Англашиладики, «нутқ аъзоси» билан «жамиятнинг алоқа воситаси» бўлган *til*, келиб чиқишига кўра, бошқа-бошқа сўзлардир. Тарихан уларнинг биринчиси «йўғон» ўзакли, кейингиси эса «ингичка» ўзакли сўз бўлган: *til* ва *til*. Кейинчалик, бу сўзлар талаффузда фарқланмай қўйган.

Башарти шундай экан, олимларнинг *til* сўзи «демоқ, айтмоқ» англамидаги *ti-* феълидан ясалган (*ti+l > til*), деган фикрига (қаранг: Насилов 1974,22) қўшилиш қийин. Шундай бўлганида, бу сўз «Қутадғу билиг»да *til* шаклида «йўғон» унли билан талаффуз қилинмаган бўлар эди. Демак, улар «демоқ, айтмоқ» англамидаги *ti-* феълига эмас, бошқа сўзларга боғланади.

Маҳмуд Кошғарий *til* сўзининг уч хил маъносини келтирган. Унинг ёзишича:

til – «тил» (*lisān*). Мақолда (шундай келган): *Erdām bašī til*. Маъноси: «Энг яхши хулқнинг боши тилдир». ...

til – «тил» (*luğa*). Чунончи, *uyur tili* – уйғур тили, *xitay tili* – хитой тили каби.

til – «тил» (*kalām*); *ol begkā til tegürdi* – у бекка сўз тегизди, ҳақоратомуз сўз сўзлади (ДЛТ,368).

Ёзма ёдгорликларда *til* атамаси бир қанча маънода келади:

(1) манбаларда *til* атамаси «нутқ аъзоси, тил»ни англатади:

*Ešit, büt bu sözkä: Qamuy tañda tan
Turup, tilkā yüknüp, tazarru' qilur. –*

«Эшит, бу сўзга инон: Тана ҳар тонгда
уйғониб, тилга юкуниб, тазарру қилади» (YugA.31,5–6).

(2) *til* атамаси «жамиятнинг алоқа воситаси» англамида келади:

(3) ёзма манбаларда *til* атамаси «сўз; гап» ёки «киши нутқи» маъносида ҳам келади:

Tili yalyan erdin yïraq tur, toz-a («Сўзи ёлғон [яъни, ёлғон сўзловчи] кишидан узоқ тур, тўзгин [яъни, нари бўл]») дея ўғит беради Аҳмад Югнакий (YugA.34,2). Бунда *tili yalyan er* деганда «ёлғон сўзловчи киши» англашилади.

Улуғ файласуф Юсуф Хос Ҳожиб сўзнинг улуғ ва муқаддас эканлигини таърифлаб шундай ёзган эди:

*Yašil kökdin indi yayiz yerka söz,
Sözi birlä yañluq ayir qildi öz. -*

«Сўз кўнғир ерга яшил кўкдан инди,
Сўзи билан инсон ўзини улуғ қилди» (QBN.14b,15).

Кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқотда *söz* атамасининг вазифаси кенгайиб, муайян тушунча билан бирга, «гап», ҳатто «нутқ»ни ҳам англата бошлаган. Масалан, *sözlädi* деганда «сўзни айтди, талаффуз қилди» эмас, «гапирди; фикрини билдирди; хабар берди» англашилади.

Расмий мулоқотда *söz* «юрт эгасининг буйруғи, элга қарата айтган сўзи»ни англатган. Ёзув юзага келмасдан анча бурун, ўзаро расмий муомаладан бошлаб юрт эгасининг элга мурожаати ҳам, жамоа орасидаги ўзаро келишув муносабатлари ҳам *söz* дан бошланган. Ҳукумдор қўл остидаги кишиларга, элга ўз сўзини, буйруғини айтган.

Ёзма ҳужжатчилик юзага келгандан кейин ҳам *söz* калимаси расмий битигларда айни вазифада ишлатила бошлади. Жумладан, илк ва ўрта асрларда яратилган ёрлиқларнинг унвонларида *sözüm* калимаси қўлланган. У «бу менинг фармоним, ёрлиғим» деган маънони англатади.

Ёзма ёдгорликлар тилида *söz* атамаси бир қанча маънода ишлатилган. Булар:

(1) илкин маънода ушбу атама «сўз»ни, яъни «тушунча бирлиги»ни англатган. Маҳмуд Кошғарийга кўра: *söz* – «сўз, калом» (ДЛТ,365).

Қолган маънолари ана шундан урчиган. Илкин маъносига мисол:

*Uquš körki til-ol, bu til körki – söz.
Kiši körki yüz-ol, bu yüz körki – köz. -*

«Заковатнинг кўрки тилдир, бу тил кўрки – сўз,
Кишининг кўрки юздир, бу юз кўрки – кўз» (QBN.10a,23).

(2) *söz* атамаси «гап» ёки «хабар» маъносида ҳам келади:

Köni söz 'asal-teg, bu yalyan – başal. – «Тўғри сўз бол кабидир, ёлғон (сўз) – (аччиқ) саримсоқ (кабидир)» (YugB.17,7);

Xalī sözlāsāñ söz bilip sözlāgil. – «Сўз сўзлайдиган бўлсанг, билиб сўзлагин» (YugC.22,9).

(3) ушбу атама ёзма манбаларда «нутқ» маъносида ҳам келган. Мана бунга мисол:

*Bilip sözlāsā söz, biligkā sanur,
Biligsiz sözi öz başinī yeyür.* –

«Сўзни билиб сўзласа, донолик саналади,
Билимсизнинг сўзи ўз бошини ейди» (QBN.13b,3).

(4) *söz* атамаси «айтилган фикр, мулоҳаза»ни ҳам билдиради. Мана бунга мисол:

Bayat atī birlā sözüg başladī. – «Худо номи билан [яъни, бисмиллоҳ билан] сўзини бошлади» (QBN.118b,2).

(5) *söz* калимаси «ёрлиқ, фармон, буйруқ» маъноларида ҳам келади. Мана бунга мисол:

*Neçā ma bilig bilsā beglār özi,
Bitigçi kerāk-ök bitisā sözi.* –

«Бегларнинг ўзи қанчалик билимли бўлмасин,
Ёрлиқ (ёки хабар) ёзгудек бўлса, албатта котиб керақдир» (QBN.100b,2).

Шунингдек, *söz* калимаси ҳукмдорларнинг бирор кимсага йўлланаётган хатларида, ёрлиқларида унвонда келиб, юрт эгасининг «мурожаати; фармони; ёрлиғи» маъноларида ҳам қўлланган. Айни маънода Турфон ҳужжатларида ҳам ишлатилади. Масалан, Берлинда сақланаётган Т.М.97 (U5290) кўрсаткичли ҳужжат *Lala tigin sözüm Ğa(...)qayānqa* унвони билан бошланади. Чоғиштиринг: Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг поляк қиролига йўллаган ёрлиғи *Toxtamiš sözüm Yağaylaya* (Т.1–2) ёки Темур Қутлуғ хоннинг ёрлиғи *Temür Qutluğ sözüm* (ТҚ.1) деб бошланган. Бу мисолларда *söz* «ёрлиқ; фармон» англамидадир.

(6) Расмий битигларда «хужжат; келишув» маъносида ҳам ишлатилади: *bu sözkā tanuq – Qara baqši* – «бу сўзга, яъни хужжатга гувоҳ – Қара бахши» (ТҲ,20,8–9).

(7) «Ўғит, панд-насиҳат, ибратли сўз» англамида келади:

*Seṅā sözlādim men sözüm, ey oʻyul,
Seṅā berdi bu pand özüm, ey oʻyul. –*

«Сенга сўзимни сўзладим, эй ўғил,
Сенга панд-насиҳат қилдим, эй ўғил» (QBN.14a,5).

Bu sözkā tanuqi muni keldi söz. – «Бу сўзнинг исботи учун мана бундай сўз бор» (QBN.25b,11).

(7) Алишер Навоий ўзининг ҳамдларидан бирида *söz* ни Оллоҳнинг ҳукми («бўл») маъносида қўллаган:

*Ey, söz bilā qilyan āfariniš āyāz,
İnsānni arada āylāgān maḥram-i rāz.*

[Оллоҳга ҳамд ўқийди: Эй, яралишни сўз билан [яъни «бўл» деган ҳукм билан] бошлаган, инсонни орада (Ўзига) яқин айлаган] (МЛ,54).

Ушбу атама ёзма ёдгорликларда сўз бирикмалари шаклида ҳам ишлатилган. Масалан:

qumaru söz дейди, бу бирикма «панд-насиҳат; оталар сўзи»ни англади:

*Kišidin kişikā qumaru söz-ol,
Qumaru sözi tutsa, asyi yüz-ol. –*

«Кишидан кишига (қоладиган) мерос сўздир,
Мерос сўзни [яъни, оталар сўзини] тутса, фойдаси юздир» (QBN.14a,8).

ič söz дейди, бу бирикма «яширин сўз; сир-асрор»ни англатади: *Bitigčikā ayyu kerāk ič sözin* (Бег) ич сўзларини [яъни, сирларини] котибга айтса бўлади) деб ёзган эди Юсуф Хос Ҳожиб (QBN.100b,3).

kečki söz, uzaqi söz шаклларида келиб, «таъбир; мақол; матал» маъноларини билдиради. Бирикма таркибидаги *kečki, uzaqi* сифатлари *söz* нинг қадимийлигига ишора қилади. Бунга мисол:

Eđi kečki söz-ol, maşalda kelir:
«Ata ornı, atı oyulqa qalır». –

«Масалда келадиган жуда эски таъбир бор:
«Отанинг ўрни (ва) оти ўғилга қолади» (QBN.11a,12).

Ёки:

Bu bir söz uzaqı urulmiş maşal. – «Бу сўз эскидан қолган мақолдир» (YugB.17,10).

söz sözlä – «сўз сўзла»: *Añar sözlädi sözni barça elig.* – «Элиг унга барча сўзни айтиб берди» (QBN.33b,2).

söz yorı – «сўзи ўтмак; даъвоси тан олинмоқ» маъносида. Хужжатларда даъво қилувчиларга нисбатан *sözläri yorımasun* дейилади (ТХ,2,24); ушбу бирикма «даъво қилувчиларнинг сўзлари ўтмасин; уларнинг даъвоси тан олинмасин» деган маънони англатади.

sözın kesti – «сўзини кесди, бўлди» (QBN.48b,4).

Қадимги туркий тилнинг луғат таркибида кенг қўлланган, тил ва нутқ жараёни билан боғлиқ атамалардан яна бири *saw* сўзидир.

Маҳмуд Кошғарий *saw* нинг бир қанча маъносини келтирган. У ёзади: *saw* – «оталар сўзи; мақол» (*maşal*). Чунончи, *sawda munday kelir* – «оталар сўзида шундай келади».

saw – «қисса» (*qışsa*).

saw – «ҳикоя» (*hikāya*).

saw – «рисола, мактуб» (*risāla*).

saw – «сўз, нутқ» (*kalām*).

saw – «хабарлар ва янгиликлар» (*anbā va ahādīs*). Шу боисдан набий, пайғамбарга *sawcī* дейилади. Чунки у бир қанча хабарларни эшиттиради, ёзилган нарсаларни еткази (ДЛТ,375).

Тил тарихида шундай сўзлар борки, улар маъносига қараб, сўзлашув жараёнини ёки ёзма нутқ жараёнини англатиб туради. Бу нарса феъллар семантикасида яхши кўринадиган. Масалан, *sözlä-, ay-, te-, tıñla-, ešit-* сингари феъллар маъносига кўра сўзлашув жараёнини, *biti-, yaz-, oqı-* сингари феъллар эса ёзма нутқ жараёнини англатади. Булардан *sözlä-, ay-, te-* бевосита тингловчига қарата «сўз ёки гапни сўзлашга, айтишга, дейишга буйруқ»дир. *Tıñla-, ešit-* эса тингловчига қарата «сўз ёки гапни эшитишга, тинглашга буйруқ». Шунинг учун ҳам бу тушунчаларнинг келиб чиқишини анча эски, ҳатто ёзув пайдо бўлмасдан бурунги, кишилар ўртасида ўзаро фикр билдириш жараёни шаклланган даврларга боғлаш ҳам мумкин.

Энди, кейинги туркум сўзлар семантикасида бошқа бир ҳолат кузатилади: *biti-*, *yaz-* сўзлари тингловчига қарата айнан «ҳарф, сўз ёки йирик-роқ матнни битишга, ёзишга буйруқ», *oqi-* эса, бошқа нарсани эмас, айнан «битилган, ёзилган ҳарф, сўз ёки йирик-роқ матнни ўқишга буйруқ»дир. Агар бирор сурат ёки чизма тўғрисида сўз кетганда эди, *oqi-* эмас, *kör-*, *qara-*, *baq-* дейилган бўларди. Шунинг учун ҳам *biti-*, *yaz-*, *oqi-* тушунчаларининг генезиси фақат ёзув жараёни, матн битиш анъаналари, унинг келиб чиқиши билан боғлиқдир. Хат битувчи кўзда тутилганда *bitidi* ёки *yazdı*, адресат кўзда тутилганда *oqıdı* дейилади. Масалан: *ol bitig yazdı* – «у хат ёзди» (ўғузча) (ДЛТ,344); *er bitig oqıdı* – «киши китоб ўқиди» (ДЛТ,412).

Жамият орасида ёзув ўйлаб топилганидан кейингина бу тушунчалар ҳам шаклланган.

Biti- феъли бевосита ёзув ёки матн билан боғлиқ тушунча; хатни, ҳужжатни ёки китобни «ёзгин» дегани. Айни туришида тингловчига буйруқ. Агар *bitidi* бўлса, ўзга кимсанинг хатни, ҳужжатни ёки китобни ёзганлиги тўғрисидаги хабар англашилади.

Ушбу сўз васиқаларнинг якунида ҳужжат битувчи тилидан *aytip bitidim*, *inčkā aytip bitidim* шаклларида келади. Бу ерда *aytip bitidim* – «тилхат берувчининг оғзидан [яъни, унинг айтганлари бўйича] сўраб ёздим», *inčkā aytip bitidim* – «тилхат берувчининг оғзидан сўзма-сўз сўраб ёздим» деган маънони англатади. Масалан:

Men, Misir aytip bitidim. – «Мен, Мисир сўраб ёздим [яъни, унинг ўз оғзидан сўраб ёздим]» (ТХ.3,25).

Men, Šila Quḍdamuniqa inčkā aytip bitidim. – «Мен, Шила Қуғдамунидан бирма-бир сўраб [яъни, унинг айтганлари бўйича] сўзма-сўз ёздим» (ТХ.2,32–33).

Ёрлиқ ва фармонларда эса матн юрт эгасининг тилидан берилиб, ҳужжатни якунловчи гапнинг кесими мажхул нисбатда *bitildi* ёки кўп-ликда *bitidimiz*, *bitdimiz* шаклларида келади.

Масалан, султон Умаршайхнинг Марғинон бузурғларидан Мир Сайид Аҳмадга берган суюрғал битигининг якунида: *Muhurluy ni(šā)n uy yil, šavval ayiniḡ yigirmi sekizi Andigāndā bitildi* (Ушбу муҳрли нишон сигир йили, шаввал ойининг йигирма саккизида (=1469 йилнинг 11 майида) Андиганда битилди) деб ёзилган (УШ.12–13).

Ёки Тўхтамиш хоннинг поляк қироли Яғайлига йўллаган хатининг якунида: *Taqayu yil, tarix yeti yüz toqsan beštā rajab ayiniḡ sekiz yañida ordu Tanda erürdā bitdimiz* (Товуқ йили, тарих етти юз тўқсон бешда, ражаб ойининг саккизинчи куни ўрда Танда [яъни, Дон дарёси ёқасидаги шаҳарда] эканлигида битдик) деб ёзилган (Т.23–25).

Biti- феълидан *bitim* сўзи ҳам ясалган.

Bitim – «битим, келишув». Кўк турк хоқонлиғи замонидан терига ёзилган ҳужжатлар ҳам етиб келган. Шулардан бири Зарафшоннинг юқори оқимидаги Муғ қалъа деб аталувчи тарихий харобадан, суғдча ёдгорликлар билан бирга топилган (*қаранг*: Бернштам 1951). Ушбу туркий ҳужжат кўк турк ёзувида бўлиб, қорамтир кулранг, юқа терига битилган. Матни қора сиёҳда, ёзуви тиниқ, олти қаторли. Тери анча чириб тушганидан матнни тўлиғича тиклаб бўлмайди.

Ушбу битиг юрт эгасининг ёрлиғи ёки йирик дипломатик аҳамиятга эга бўлган ҳужжат эмас; бор-йўғи хўжалик ишларига тегишли. А. Бернштамнинг тахминича, ушбу топилма Деваштич қўл остида хўжалик ишида йилқичилик билан шуғулланувчи бирор кимсага тегишли расмий ҳужжат бўлуви керак (Бернштам 1951,72). Бунини матнда этли, қизғиш тусли отлар (*āt ar yont*) топширилаётгани тўғрисида сўз бо-раётганлигидан ҳам билса бўлади. Лекин тарих учун ушбу битигнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Эътиборли жиҳати, ушбу ёдгорликда *bitim* деган сўз учрайди. *Bitim* сўзи *biti*- «ёз-» феълидан ясалган бўлиб, келиб чиқишига кўра, ёзма ҳужжатлар асосидаги келишувни билдиради. Демак, *bitim* сўзининг қадимийлиги кишилар ёки жамоалар ўртасидаги ёзма келишувнинг, унинг ҳуқуқийлигини таъминлайдиган ана шу ҳужжат турининг эскилигига далолат қилади.

Yaz- сўзи тарихан «ёймоқ»қа, яъни «бирор нарсани ер узра ёймоқ, тўшамоқ» маъносига боғланади, унинг келиб чиқишини ёзувдан аввалги даврларга боғлаш ҳам мумкин. Лекин унинг ёзув билан боғлиқ «маттни ёзмоқ, битмак» семаси кейинчалик, ёзув амалиёти шакллангандан сўнг «маттни, киши фикрини қоғоз бетига ёймоқ, баён қилмоқ» маъносида келиб чиққан ва у *biti*- сўзига синоним сифатида ишлатила бошлаган.

Бундай сўзларга матнлардан бир-икки мисол келтирамиз:

*Yana bir keräklig sözüm bar, senä
Ayayin men anı, qulaq tut meñä. –*

«Яна бир керакли сўзим бор, сенга
Айтайин мен уни, қулоқ тут менга» (YugA.63,2–3).

Ушбу байтдаги *senä ayayin* («сенга айтай»), *qulaq tut meñä* («менга қулоқ тут») бирикмалари сўзлашув жараёнига хос. Уларнинг иккаласи биргаликда диологик нутқ жараёнини («сўзламоқ» ↔ «тингламоқ») англатади.

Бошқа бир мисол:

Aya, mendä kedin keligli munī
Oqisaŋ, du'āda unitma meni. –

«Эй, мендан кейин келгучи, бун
Ўқисанг, дуода мени унутма» (YugA.116,1–2).

Ушбу байтдаги *mendä kedin keligli* («мендан кейин келгучи») ҳамда *munī oqisaŋ* («бун ўқисанг») бирикмалари мазмунан ёзма нутққа хос. Улар асар муаллифининг келажак авлодга мурожаати бўлиб, ёзиб қолдирилган панд-насихатларни ўқишига ишорадир.

Тилда, кўпинча, муайян тушунчанинг келиб чиқиши унга зид бўлган иккинчи бир тушунчани ҳам тақазо этади. Сўз эски бўлиши мумкин, лекин янги маънолари кейинчалик ҳам шаклланади. Масалан, қадимги туркий тилда *ayiz til* дейилган, бу атама «нутқ»ни англатади. Бунга зид равишда, «ёзма тил»ни эса *bitig söz* дейилган.

Биринчи атамадаги *ayiz* ва *til* сўзларининг илдизи жуда эски, лекин «нутқ» маъносидаги қўшма сўз шакли айнан ёзув пайдо бўлгандан кейин, уни «ёзма тил» (*bitig söz*)дан фарқлаш учун келиб чиққан дейиш мумкин.

Шунинг сингари, иккинчи атама таркибидаги *söz* ҳам эски. Лекин ёзув пайдо бўлгандан кейин, «ёзма тил»ни «нутқ»дан фарқлаш учун *bitig söz* дейилган.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТАРИХИЙ АТАЛИШИ

Халқ ва тилининг ёши ҳар қачон ҳам у аталаётган отнинг тарихи билан ўлчанавермайди. Чунки муайян тил ўз тарихи давомида бир қанча ном билан юритилган бўлуви мумкин. Бунинг ёрқин мисолини ўзбек, ўзбек тили атамаларида кўрамиз: бу атамаларнинг келиб чиқиш тарихи унчалик эски эмас. Аслида эса ўзбек халқи ва тилининг тарихи жуда эски замонларга илдиз отган бўлиб, ҳозирги отининг қўлланилиш тарихи унинг ёшини ўзида акс эттиролмайди. Ўтмишда ҳозирги ўзбеклар ва уларнинг тили бир қанча ном билан атаб келинган (*қаранг*: Содиқов 2006, 34–43).

Туркий тилнинг ўтмишда кенг қўлланилган отларидан бири *türk* (*türkcä, türk tili*) атамасидир. Бу от буддизмнинг VII–IX юзйилликларга мансуб «Майтри симит нўм битиг» асарида қўлланган. Чунончи, асарда Партанаракшит Карнаважики отли киши уни тўхри (тоҳар)

тилидан турк тилига таржима қилганлиги қайд этилади: *Partanarakšit Karnavajiki türk tilinčā ewirmiš «Maytri simit nom bitig»* (MS.141).

Х юзйилликда яшаб ўтган бешбалиқлик машхур таржимон Шингку Шели тутунг ҳам ўз таржималарида ана шу атамани қўллаган. Унинг тавғачча (хитойча) версия асосида туркийга ўгирилган «Сюань-цзан кечмиши» асари турк тилида эканлиги таъкидланади: *Tawyač tilintin yana bešbaliqliy Šinqu Šeli tutuŋ yaŋirti türk tilinčā ewirmiš* – «Тавғач тилидан яна бешбалиқлик Шингку Шели тутунг турк тилига ўгирди» (СЦ.V.87).

Türk tili атамаси Шингку Шелининг бошқа бир таржимаси – «Вужуд ва кўнгилни англаш китоби»да ҳам учрайди. Унда асар қандай тилдан ўгирилгани тўғрисида шундай маълумот берилган: *Šinqu Šeli tutuŋ tawyač tilintin türk tilinčā ewirü tegintim* – «Шингку Шели тутунг тавғач тилидан турк тилига таржима қилдим» (Hazai 1975,95); *Bir šlök änätkäkčä azu türkčä* – «Бир шлок анаткакча [санскритча] ёки туркча» (AY.33,24).

«Кутадғу билиг»нинг шеърий муқаддимасида муаллиф ўз асарини *türkčä qoşuqlar* деб айтган. Мана ўша байт:

*Bu türkčä qoşuqlar tüzättim seŋä,
Oqirda unutma, du'ā qil menğä. –*

«Бу туркча кўшиқларни [яъни, шеърларни] сен учун туздим,
Ўқиганда унутма, дуо қил мени» (QВH.4b,2).

Ушбу байтда муаллиф *qoşuq* деганда «кўшиқ, ашула»ни айтаётгани йўқ. *Qoşuq* сўзининг илкин англами «тўқилган; ижод қилинган» (яъни, «сочинение») дегани; у «тўқи-, ижод қил-» маъносини англатувчи *qoş-* феълидан ясалган. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида яхши бир ўрнак берилган: *ol yir qoşdi*, дейди. Бу жумладаги *yir* – «шеър»; *qoşdi* эса «тўқиди; ижод қилди» бўлиб, жумланинг маъносини «у шеър тўқиди» деб ўгиради олим (ДЛТ,212). Шунга кўра, бу ўринда *qoşuq* нинг маъноси «шеър» (яъни, «стих») бўлади; *türkčä qoşuqlar* деганда «туркча шеърлар» англашилади.

Алишер Навоий ўз асарларида туркий тилда сўзлашувчиларни *türk* (*türk, türk ulusi*), *türkigoular, atrāk* номлари билан тилга олади. Туркий тилни эса *türk* (*türk tili, türk lafzi, türk alfāzi*), *türkčä* (*türkčä, türkčä til*), *türki* (*türki, türki alfāz*) деб атайди. Улуғ мутафаккирнинг таъкидлашича, унинг асарлари ана шу тилдадир. Масалан, «Лисону-т-тайр»да бу тўғрида шундай сатрларни ўқиймиз:

Türk alfāzī bilā sūrdüm maqāl (LT.253).

Türk alfāzī bilā tapti adā (LT. 271).

Шундан келиб чиқиб, Навоий туркий шеърятни *türk nazmī* деб атаган эди.

Навоий қўллаган атамани Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида ҳам учратамиз. Масалан, у «Бобурнома»да Андижон тўғрисида маълумот бера туриб, элини *türk*, унинг тилини *türkī* деб атайди (БН.6). Ёки Навоий ижоди ҳақида фикр юритиб, туркийда «ҳеч ким унингдек қўп ва хўп» битмаганлигини таъкидлайди: *türkī til bilā tā š'er aytupturlar, heč kim anča көp va xob aytqan emäs* (БН.153).

У Султон Ҳусайн Бойқаро тўғрисида шундай ёзади: *Temür-beg naslidin heč kim ma'lum emäs-kim, Sulṭān Ḥusayn mirzāča қilīč čapmīš bolyay. Tab'i nazmī bar edi. Dīvān ham tartip қilip edi, türkī aytur edi. Tahallusī Ḥusaynī edi* (БН.147–148).

Муҳаммад Солиҳ ўзининг «Шайбонийнома» асарида Шайбонийхон фазилатларини таърифлар экан, унинг туркий асарларини *türkī ab'yāt*, тилини эса *türkčā til* деб атаган:

*Türkī ab'yāti erür šarbat-ī nāb,
Fārsī še'rlari ham serāb* (ШН.29).

Türkčā til bilā imālarī bar (ШН.30).

Бу атама кейинги асрларда яратилган асарларда ҳам учрайди. Лекин *türk* атамасининг қўлланув доираси торайган: уни Анатўли туркларигина ўзининг ва тилининг оти сифатида сақлаб қолди. Бутун туркий тиллар оиласига нисбатан эса *tirkī* (*türkī*, *türkī tillār* сингари) атамасини қўллаймиз.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида қорахонийлар даври ёзма адабий тилини «хоқония туркчаси» (*at-turkiyya-tu-l-xāqāniyya*) деб атаган эди. У ўз даври етакчи диалектларини (шарқий диалектларни) умумлаштириб «турк тили», қолганларини эса ўз номлари (ўғузча, қипчоқча) ва б. билан атайди. Ана шу «турк тили» ўрнида «хоқония тили», «хоқония туркчаси» номини ҳам қўллаган. Бу билан у қорахонийлар давлатининг марказий ўлкаларида яшовчилар лаҳжаси (адабий тилга асос бўлувчи етакчи лаҳжалар)ни назарда тутди.

У ёзади: «Тилларнинг енгили ўғузча (الغزبية)), энг тўғриси, яхшиси – *уаута, tuxsī* кабиларнинг тили ва, шунингдек, *İla* (Или), *Ertiš* (Иртиш), *Yamar*, *Etil* водийларидан *ууур* шаҳарларигача бўлган жойларда яшовчилар тилидир. Буларнинг ичида энг очиқ ва равон тил – хоқония ўлка-

сида (الملوك الخاقانيه) яшовчиларнинг тилидир. *Balasaḡun* ликлар суғдча (سغدیه) ва туркча (ترکیه) сўзлайдилар. *Tirāz* (Талас) ва *Madīnatu-l-bayḡa* шаҳарларининг халқлари суғдча (سغدیه) ҳам туркча (ترکیه) сўзлайдилар. *İspijār* [Испижоб – ҳозирги Чимкент]дан то *Balasaḡun* гача бўлган *arḡu* шаҳарларининг ҳаммасида яшовчиларнинг тилида ҳам камчилик бор. *Kāšyar* да канжакча (بالکنجاکیه) сўзлашадиған қишлоқлар бор. Шаҳар ўртасида турувчилар хоқоний туркчасида (بالتُرکیه الخاقانیه) сўзлайдилар» (ДЛТ,25). Маҳмуд Кошғарий ушбу «турк тили», «хоқония тили», «хоқония туркчаси» атамалари билан ўз даври туркий адабий тилини кўзда тутган эди. Қорахонийлар даври ёзма адабий тилига нисбатан ***buḡraḡan tili*** атамаси ҳам ишлатилган. Жумладан, «Қутадғу билиг»нинг насрий муқаддимасида асар «буғраҳон тили»да ёзилганлиги қайд этилган:

Mašriq vilāyatında, Türkistān ellärindä buḡraḡan tilinčä bu kitāpdin yaxširaq hargiz kim ersä tašnif qilmadi. – «Машриқ вилоятларида, Туркистон элларида буғраҳон тилида ҳеч кимса ҳаргиз бу китобдан яхшироқ (китоб) ёзган эмас» (QBN.1b,14–2a,1).

Ушбу жумладаги *buḡraḡan tilinčä* бирикмаси асарнинг уйғур ёзувли Ҳирот нусхасида *türk luyatiča* ибораси билан таъкидланган. Унда ёзилишича:

Mašriq vilāyatida, qamuy Türkistān elindä buḡraḡan tilinčä, türk luyatiča bu kitāptin yaxširaq hargiz kim ersä tašnif qilmay turur. – «Машриқ вилоятида, бутун Туркистон элида буғраҳон тилинча, турк луғатича ҳеч кимса ҳаргиз бу китобдан яхшироқ (китоб) ёзган эмас» (QBN.1b,13–2a,2).

Уйғур ёзувли нусхада *buḡraḡan tilinčä* бирикмасининг *türk luyatiča* дея таъкидланувининг сабаби қўлёзма темурийлар даврида Ҳирот маданий марказида кўчирилганлигида бўлса керак. Афтидан, котиб асарнинг «буғраҳон тили»дагина эмас, бутун туркий тилда тенги йўқ эканлигини таъкидлаш учун ҳам шундай йўл тутган кўринади.

«Қутадағу билиг»нинг Ҳирот ва Қохира нусхаларида келган шеърий муқаддимада асар Буғраҳон замонида «хон тили»да ёзилганлиги таъкидланади. Мана ўша байт:

*Bu Buḡraḡan vaqti ičrä anı,
Yemä xan tilinčä bu aytmiš munı. –*

«Бу Буғраҳон вақтида уни (ёзиб),
Яна буни хон тилида айтибди» (QBQ.2b,14).

«Ҳибату-л-хақойиқ» қўлёзмаларининг охирида Амир Арслон хўжа тархоннинг Адиб Аҳмадга аталган шеъри илова қилинган. Унда таъ-

кидланувича, «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асари *kāšyarī til ~ kāšyar tili* да ёзилган. Мана Арслон хўжа тархоннинг ёзганлари:

*Tamāmi erūr kāšyarī til bilā,
Ayitmīš Adib riqqat-i til bilā.*

*Agar bilsā kāšyar tilin har kiši,
Bilūr ol Adibniñ nekim ayimīši.*

«(Асар) бутунича «кошғарий тил»дадир,
Адиб уни нозик тил [яъни, шеър] билан айтган.

«Кошғар тили»ни билган ҳар киши,
Адибнинг айтганларини англайди» (YugC.48,4–7).

«Кутадғу билиг»нинг насрий муқаддимасида тилга олинган *buyraхан tili*, шеърый муқаддимада кечган *хан tili*, «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарига нисбатан ишлатилган *kāšyarī til ~ kāšyar tili* атамаларининг бари қорахонийлар даврида ишлатилган ёзма адабий тилни англатади.

Темурийлар даври ўзбек ёзма адабий тилини *čiyatay türkisi* ҳам дейилган.

Ҳозирги замон ориенталистикасида XV юзйилликнинг иккинчи ярми – XVI юзйиллик бошларидаги туркий адабиётнинг классик босқичини «чиғатой адабиёти», тилини эса «туркий», «эски ўзбек тили» номлари билан ёнма-ён «чиғатой тили», «чиғатой туркийси» деб аталмоқда. Ушбу атаманинг келиб чиқиши Чингизхоннинг ўғли Чиғатойхон отига боғланади. Маълумки, Чингизхон ўзи босиб олган ерларни ўғилларига улашганда, Ўрта Осиё ерлари Чиғатойга теккан эди. Шунга кўра, бу ерлар «Чиғатой эли», ерли халқлар эса «Чиғатой улуси», халқнинг тили эса «Чиғатой тили» деб аталган. Бу от ўзининг семантик тараққиёти давомида киши отидан маъмурий, ижтимоий-сиёсий ва маданий атамага айланган. Таъкидлаш керакки, «Чиғатой улуси», «Чиғатой тили» атамаларининг мўғулларга ёки уларнинг тилига ҳеч бир боғлиқлиги йўқ. Чунки, бу ўлкада мўғуллар эмас, туркий улус яшаган. «Чиғатой тили» атамаси ҳам туркий тилнинг (эски ўзбек тилининг) нисбий атамасидир.

Čiyatay сўзи атама сифатида XIII юзйилликдан бошлаб қўлланилган. Манбаларга қараганда, бу атама бошлаб (XIII–XIV юзйилликларда) Чиғатойхон сулоласи (турк-мўғуллар), давлат ҳокимиятининг олий табақа вакиллари, шунингдек, черикка нисбатан қўлланилган. Кейинчалик

(XV юзйилликда) бутун Мовароуннаҳр ва Хуросондаги турк улусига нисбатан, XVI юзйилликдан бошлаб Мовароуннаҳрдаги ҳам туркий, ҳам форсий тилли улусга нисбатан қўлланилган (Благова 1982,155–156).

XV–XVI юзйилликларда бу атаманинг ижтимоий-сиёсий вазифаси кенгайган бир шароитда бутун Мовароуннаҳр элини, унинг халқини, халқининг тилини ҳам ифодалай бошлади: юртини, элини *Āyatay*, *Āyatay eli*, халқини *Āyatay ulusī*, унинг тилини эса *Āyatay türkīsi* дейилди. Жумладан, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асаарида:

*Āyatay el meni özbek demäsün,
Behuda fikr qilip yam yemäsün* (ШН.111).

«Абушқа» луғатида «юрт» маъносида *Āyatay*, *Āyatay diyāri* атамалари қўлланилган (DDT.96,276).

Āyatay tili атамаси *türkčä*, *türkī* атамалари билан ёнма-ён қўлланилиб, китобий адабий тилни фарқлаш учун ҳам хизмат қила бошлади. Абулғозийнинг «Шажараи тарокима»да келтирган қуйидаги маълумотлари бунга далилдир. Тарихчи ёзади:

Hamma uluylar ham äddī kišilär tüşünsün dep, men bu tarixnī türkī til bilän aytdim. Türkīni ham andaқ aytup-men-kim, beş yaşar oylan tüşünür. Tüşünüş äsän bolsun dep men Āyatay türkīsidin, färsiča va 'arabčadīn bir dāna ham söz qoşmadim.

Бу ўринда *Āyatay türkīsi* дейилганда XV–XVI юзйилликлардаги китобий ёзма тил кўзда тутилган. Ушбу атама ҳам қорахонийлар даври манбаларида қўлланган «буғраҳон тили», «хоқония тили», «кошғар тили» атамалари сингари адабий тилни англатади. Темурийлар замонида Мовароуннаҳр ва Хуросон адабий, маданий муҳитида шаклланган адабий тил («чиғатоӣ туркийси») шу ўлкадагина эмас, балки бутун турк-мусулмон муҳитининг китобий адабий тили даражасига кўтарилган эди.

XVI юзйилликда юз берган темурийлар салтанатининг инқирози ва Маворауннаҳрда шайбонийлар ҳокимиятининг барпо этилуви, ўзбек-қипчоқларнинг бу ўлкага кириб келуви оқибатида ушбу атама ҳам истеъмолдан чиқа бошлади.

sart (sart tili) (<скр. *sartha*) – «сарт тили»; ўтмишда ўзбек халқи ва унинг тилини англатган атамалардан бири.

Маҳмуд Кошғарийга кўра: *sart* – «савдогар»дир (ДЛТ,139). Бунга у қуйидаги мақолни ҳам мисол келтирган: *Sart azuqī arig bolsa, yolda yer.* – «Савдогарнинг моли тоза бўлса, йўл устида ҳам ёйиб кўрсатади» (сўзма-сўз: «Савдогарнинг озиғи тоза бўлса, йўлда ейди»). Яна у ўша ерда

ушбу мақолнинг изоҳи бир неча марта айтилганлигини таъкидлаб ҳам қўяди (ДЛТ,139).

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам *sart* сўзини «савдогар» маъносида ишлатган: *Nekü ter ešitkil bu sartlar başi*. – «Бу савдогарлар боши нима дейди, эшитгин» (QBN.102b,14).

Ушбу сўз этноним сифатида кейинги даврлардан бошлаб ишлатилган. У бошлаб форсигўйларни, кейинчалик туркий ўтроқ (шаҳар) улусга нисбатан ҳам қўлланилган.

«Муҳокамату-л-луғатайн»да Алишер Навоий форсий тилда сўзловчиларни *sart* (*sart, sart ulusi, sart eli*) ҳамда *fārsigoy* отлари билан тилга олади. Уларнинг тилини эса *sart tili, sart lafzi, fārsī (fārsī, fārsī til, fārsī alfāz)* деб атайдди. *Sart tilidā čaqin va ildirīm-deg muta'ayyin mo'tabar ikki nimāgā at qoymay dururlar* (МЛ,36).

«Абушқа» луғатида қайд этилувчи, ўша чоғларда «ажамнинг шаҳрини *sart* деганлар» (*sart – 'ajamiñ šahrīsina derlār*) (DDT.273). Сўзнинг ушбу маъноси Навоий ишлатган маънога яқин туради.

Бу сўзнинг «Бобурнома»даги маъноси эътиборга молик. Заҳириддин Бобур Марғилон (*Maryīnān*)ни таърифлар экан, унинг эли сартлар эканини таъкидлайди. У ёзади: *Eli sarttur va muštzan-u puršaru šor eldür. Jaņaraliq rasmi Māvarāunnahrda šāye'dur. Samarqand-u Buxārāda nāmdār jaņaralar aksar maryīnānidur* (БН.7).

Бобур Марғилон элини «сартлар» деб атаган. Бу устачилик, хунармандчилик билан шуғулланувчи (ўтроқ ҳаёт кечирувчи) тоифа кўзда тутилмоқда. Англашиладики, *sart* атамаси ўша чоғлар ҳам форсий, ҳам туркий тилли ўтроқ, шаҳар аҳолисига нисбатан қўлланилган.

Муҳаммад Солиҳ ҳам «Шайбонийнома»сида Самарқанд қамалини таърифлаб, унинг халқини *sart* деб тилга олади: *Sartlar asru zabun boldilar* (ШН.125). Бу ўринда ҳам *sart* атамаси ўтроқ, шаҳар элига нисбатан қўлланилган.

XVII юзйилликда яшаб ижод этган тарихчи ва адиб Абулғозий асарларида ҳам *sart* атамаси бор. Шунингдек, XIX юзйилликда яшаб ўтган Қўқон тарихчиларининг асарларида-да бу от тез-тез учраб туради. Бу кезлар XIII юзйилликда Ўрта Осиёга келиб ўрнашган ўзбек қавмидан бошқа туб аҳоли (туркий ва тожиклар) *sart* дейилган, чамаси. Шу сабаб бўлиб, XIX юзйилликнинг иккинчи ярмида рус тилшунослари ўз грамматикаларида ўзбек тилини «сарт тили» (сартовский язык) деб атаганлар.

Манбаларда *rūmī til, türkmānī til* деган атамаларни ҳам учратамиз. Масалан, Алишер Навоий ўзининг «Насойиму-л-муҳаббат мин шамойи-ми-л-футувват» асарида Саййид Насимий ҳақида шундай ёзган:

Sayyid Nasīmī, qoddasallahu rūhahu.

ʿIrāq-u Rūm ʧarafidayī mulkdin erkāndūr. Rūmī va türkmānī til bilä nazm aytıpdur. Va nazmīda Һaqāyiq-u maʿārif bayāyat köp mundarijdur. Maḍkūr bolıyan mulk ahliya anıñ šeʿrī muqābalasīda šeʿr hamānā-ki yoq turur. Hamāna taqlīd ahli anī maḍhabīda quşūr tuhmatıya muttahaḡ qılıp, şahīd qıldılar. Maşhūr mundaqtur-kim, terisin soyar Һukm boluptur. Ul Һālatda bu şeʿrni deptür-ki:

*Qıbladur yüzün nigārā, qaşların mehrāblar,
Şuratiñ muşhaf va le xāl-u xattiñ eʿrāblar.*

Va bu şeʿrniñ taxalluşı uşbu muddaāya dāldur-kim:

*Ey Nasīmī, cūn muyassar boldi iqbāl vişāl,
Qoy, teriñni soysa soysun bu palid qaşşāblar (HMT,373).*

Ушбу маълумотда *rūmī va türkmānī til bilä nazm aytıpdur* деганда Сайи-ийд Насимий ўз шеърларини ўғуз лаҳжасида, усмонли туркчасида битганлиги таъкидланмоқда.

özbek (özbek tili) – «ўзбек тили». Бу атаманинг келиб чиқишини турлича талқин қиладилар. Баъзи олимлар бу атамани Олтин Ўрда хони Ўзбекнинг (1312–1342) отига боғлайдилар. Уларнинг фикрича, Ўзбекхон қарамоғидаги улус кейинчалик *özbek* отини олган. Бошқа бир олимлар бу қарашни қўлламайдилар. Уларнинг таъкидлашича, XIV–XV юзйилликларда Оқ Ўрдадаги турк-мўғул қавмлари шу от билан юритилган. Ўзбекхон эса Кўк Ўрданинг хони бўлиб, ўзбек қавмлари унга бўйсунмаганлар (*қаранг*: Аҳмедов 1992,10–11).

Özbek атамаси XIII–XIV юзйилликларда яратилган форсча ва арабча манбаларда (жумладан, Жувайний, Рашидиддин, Хондамир ва бошқаларнинг асарларида) ҳам учрайди. Уларда бу атама Дашти Қипчоқда яшовчи турк-мўғул қавмига нисбатан қўлланилган. Ҳатто айрим манбаларда Тўхтамишнинг ўзбек хони эканлигига ишора бор (*қаранг*: ўша жой ва кейинги бетларда).

Кейинги давр манбаларининг гувоҳлик берувича, бу атаманинг маъноси кенгайиб, уруғлар уюшмасини ҳам англата бошлаган. Чунончи, Масъуд ибн Усмон Кўхистонийнинг ёзишича, ўзбекларнинг таркибига йигирмадан ортиқ турк-мўғул қавмлари кирган. Ёки Рўбекахон (XVI юзйиллик) ўзбекларнинг уч тоифадан иборат эканини таъкидлайди: улар Шайбон улусига қарашли барча қабилалар, қозоқлар ва манғитлардир (Аҳмедов 1992,13–14).

Кейинчалик Дашти қипчоқдаги ўзбеклар уюшмасига кирган қавмларнинг муайян қисми ўша ердаги қозоқ, қорақалпоқ, бошқирд ва б. таркибига қўшилиб кетганлар. Муайян қисми Шайбонийхон қўшини билан бирга Ўрта Осиёга кириб кела бошладилар ва шу ерда турғун яшаб қолдилар. Шайбонийхон черигининг катта қисми ҳам ўзбеклардан эди.

XIII юзйилликка қадар Мовароуннаҳр ва Хуросон турклари ўзларини *özbek* демаганлар. Бора-бора бу ўлкага келиб ўрнашган ўзбекларнинг мавқеи орта боради; давлат бошқаруви ҳам кўпроқ шуларнинг қўлига ўта бошлайди. Ана шундай тарихий жараён таъсирида ерли турклар ҳам *özbek* деб атала бошлади. Шуниси диққатга сазоворки, келиб ўрнашган қавмлар бурун қайси уруғ-қабилага тегишли бўлсалар, кейинчалик ҳам, ҳатто XX юзйилликнинг бошларигача аждодий-қабилавий бўлиниш-белгиларини сақлаб келдилар. Яқин-яқингача ўзбеклар орасида «қўнғирот уруғи», «найман уруғи», «манғит уруғи» сингари отларнинг сақланиб келганлиги бежиз эмас.

Юқоридаги маълумотлардан ҳозирги ўзбек халқи XIV юзйилликда Дашти Қипчоқда юзага келган, деган мутлақо ғайри илмий хулоса келиб чиқмаслиги керак. Ўрта Осиёда қадимдан яшаб келган туркий туб аҳоли ҳозирги ўзбек халқининг ота-боболаридир. Дашти қипчоқдан «ўзбек» номини олган қавмнинг келиб ўрнашиши ҳозирги ўзбекларнинг тўлиқ таркиб топишидаги кейинги босқичлардан бири, холос. Уларга қадар ерли туркий халқ бошқа отлар билан аталар эди. Ҳозирги отини эса, кейинчалик, ўзларига келиб қўшилган ўзбеклардан олдилар. Демак, атаманинг келиб чиқиш тарихи халқ тарихи билан мутлақо тенг эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги ўзбекларнинг шаклланувида Дашти қипчоқдан келган туркий улуснинг таъсирини мутлоқ инкор этиб ҳам бўлмайди. Ҳозирги ўзбек халқи узоқ тарихий тараққиёт таъсирида, турли элат-уруғларнинг бирикувидан ташкил топган. Бунини ўзбек шеваларининг ўта хилма-хиллигида ҳам кўриш мумкин.

Özbek атамаси этноним сифатида XIV юзйилликдан бошлаб қўлланилган бўлса-да, тилга нисбатан кеч амал қилган. Чунончи, ўша кезлар ўзбек қавмининг шеваси *özbek tili* деб эмас, *türki, qipçaq tili* деб аталган. Қипчоқ шевалари кейинчалик ҳозирги тилшунослигимизда «эски ўзбек адабий тили» деб аталаётган ёзма тилга ҳам таъсир эта бошлаган. Лекин у эски ўзбек адабий тилининг таянч диалектига айланган эмас. Яъни, адабий тил ситуациясида кейин қўшилган улуснинг диалекти у қадар ҳал этувчи ўринга кўтарила олгани йўқ. Чунки бу давр Мова-

роуннаҳр ва Хуросон адабий муҳитида қадимги ва эски туркий адабий тил анъаналари ва таъсири устувор эди. Бинобарин, XIII–XVI юзйилликлардаги классик адабий тил («чиғатой туркийси») ана шу анъана таъсирида шаклланган. Ўзбек адабий тилининг кейинги даврлардаги тараққиёти ҳам бевосита айна адабий тилнинг давомида туради. Бу тадрижий жараёни XVII юзйилликдан XX юзйилликнинг бошларигача яшаб ўтган Абулғозий, Машраб, Огаҳий, Муқимий, Фурқат ва б. ўнлаб мумтоз адабиётимиз намояндаларининг асарлари тилида яққол кузатишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тили жуда узоқ тарихга эга бўлиб, унинг ҳозирги оти тил тарихини ўзида тугал акс эттирмайди. Худди шундай ҳолни бошқа туркий (масалан, уйғур, қозоқ ва б.) тилларда ҳам кузатамиз. Бу ҳодиса туркий тилларнинг, шулар қатори, ўзбек тилининг ўта мураккаб тарихий-маданий, лингвистик жараёни босиб ўтганидан далолат беради.

Ўзбеклар ҳозирги отини кейинчалик қабул қилди ва узоқ асрли тилини ҳам шундай атай бошлади. Бунга қадар ўзбек тили *türkçä*, *türk tili*, *türki*, *čiyatay tili* ва бошқа номлар билан атаб келинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ЯРАТИЛГАН ТУРКИЙ ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАР ТИЛИ

Илк ўрта асрлардан қолган ёзма ёдгорликлар билан замонамиз ўр-тасида катта оралиқ бор. Шунинг учун ҳам ёзма ёдгорликларнинг фо-нетик, лексик-семантик, грамматик ва стилистик хусусиятлари ҳозир-ги туркий тиллардан анча фарқ қилади. Шу ўринда уларнинг муҳим қирраларини кўриб чиқамиз.

ТОВУШЛАР ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Ёзма ёдгорликлар товушлар тизимини аниқлашда энг ишончли йўл матннинг ёзув хусусиятларига таянишдир. Шунингдек, ёзма матннинг фонетик жиҳати ўша даврлардан қолган тилшуносликка оид асарлар-даги маълумотларга асосланган ҳолда, ҳозирги туркий тиллар ва улар-нинг шеваларига қиёсланиб, тадқиқ қилади.

Унлилар тизими

Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тилида саккизта унли фонема ишлатилган. Булар: [a], [ä], [i], [ï], [u], [ü], [o], [ö]. «Ёпиқ» [e] товуши ке-йинчалик ингичка [ä] га вариант сифатида [ä~e] юзага келган (қаранг: Насилов 1963,7–9; Содиқов 2006, 118–119).

Унлилар, ўз навбатида, *йўғон* ва *ингичка* унлиларга бўлинади. Бу-лардан: [a], [ï], [u], [o] – йўғон, [ä], [i], [ü], [ö] эса ингичка унлилардир. Тилшуносликда буларнинг ўрнида «қаттиқ» (твердый) ва «юмшоқ» (мягкий) сифатлари ҳам ишлатилаётир. Лекин товушга нисбатан бун-дай сифатларни қўллаш тўғри эмас, яхшиси *йўғон товушлар / ингичка товушлар* дейилгани маъқул. Алишер Навоий товушга нисбатан «ин-гичка» (*inčkä ün*), «кучли» (*biyik ün*) сифатларини ишлатган. Жумладан, у *inčkirmäk* сўзининг талаффузига тўхталиб, «ингичка ун билан йиғла-моқдир» (*inčkä ün bilä yïylamaqdur*), дея таъкидлайди. *Ökürmäk* сўзига

эса «кучли ун билан, тенгсиз фиғон билан йиғлағайлар» (*biyik ün biläki, e'tidälsiz äšüb bilä yïylayaylar*) дея таъриф беради (МЛ,34).

Навойи унлини *ḥarakat* дейди, олд қатор унлиларга нисбатан *ariq, daqiq* сифатларини қўллаган. *Ariq* нинг маъноси «тоза, ингичка» деганидир. «Абушқа» луғатида бу сўзга: *ariy va ariq – aru va räk ma'näsina kelür*, – дея изоҳ берилган (DDT,12).

Қадимги туркий тилнинг фонетик тизимидаги йўғон унлилар тилнинг тагидан, ингичка унлилар эса тилнинг учидан чиқади.

Ўрхун ҳамда енисей битиглари ўртасида унлиларни ифодаловчи ҳарфлар сониди фарқ бор. Кенг эътироф этилишича, ўрхун битигларида унлилар тўрт ҳарф ёрдамида ифода этилган: 𐰃, 𐰄, 𐰅, 𐰆. Булардан 𐰃 ҳарфи [a]–[ā], 𐰄 ҳарфи [i]–[ī], 𐰅 ҳарфи [o]–[u], 𐰆 ҳарфи [ü]–[ō] унлиларини англатади.

Ҳозирги ўзбек тилида [e] билан талаффуз қилинаётган сўзлар кўк турк битигларида 𐰃 <*ä*> (бу ҳарф кўп ҳолларда сўз боши ва сўз ичида ёзилмайди, лекин ўқилади) ёки 𐰄 <*i*> ҳарфлари билан ёзилган: 𐰃𐰃𐰃 *äš(i) m* (E.41.1), 𐰄 (ä)l (E.32.9), 𐰄𐰄𐰄 *yiti* (Xa.10), 𐰄𐰄𐰄 *yir* (Ka.9).

Битигларда бир сўзнинг ўзи 𐰃 билан ҳам, 𐰄 билан ҳам ёзилаверади. Масалан: 𐰄 (ä)l (E.32.9) // 𐰄𐰄 il (E.32.8), 𐰄𐰄𐰄 *y(ä)ti* (Ton.4) // 𐰄𐰄𐰄 (Xa.10), 𐰄𐰄 *y(ä)r* (Ka.4) // 𐰄𐰄𐰄 *yir* (Ka.9). Ушбу график хусусиятлар [ā] билан [ī] оралиғидаги [e] товуши ифода этилганидан далолат беради. Махсус ҳарф бўлмагани сабаб, шундай йўл тутилган. Шунга кўра, юқоридаги мисолларни *el, yeti, yer* шаклида ўқиш мумкин.

Енисей битигларида, ўрхун битигларидан фарқли ўлароқ, 𐰃 ҳамда 𐰄 ҳарфлари ҳам қўлланилган. Бу икки ҳарфнинг шакли бир-бирига ўхшаш эса-да (бири иккинчисидан ҳосил қилинганлиги кўриниб турибди), уларнинг вазифасида фарқ бор.

Ўз вақтида В. Томсен енисей битигларида қўлланган 𐰃 ҳарфи тўғри-сида мушоҳада юритиб, у «ёпиқ» [e] товушини ифода этган, деган фикрни кўтариб чиққан эди (Gabaïn 1950,11,44). Унинг бу фикри кўпчиликка маъқул тушган бўлса-да, кейинчалик эътирозга учрай бошлади.

Масалан, қуйидаги сўзларда ушбу ҳарф [e] унлисини ифода этганлиги шубҳа туғдирмайди: 𐰄𐰄 *el* – «эл» (E.1.2), 𐰃𐰄𐰄 *ešimā* – «эшимга, ўртоғимга» (E.51.3), 𐰄𐰄𐰄 *beš* – «беш» (E.45.2). Бироқ, А. Аманжоловнинг фикрича, бу ҳарфнинг вазифаси кенгроқ. Ушбу ҳарф [e] билан бир қаторда тил олди [i] ва тил орқа [i] унлиларини ҳам ифода этган (Аманжолов 2003,50–51). Бунга енисей битигларида бир сўзнинг икки хил ёзилганлиги ёрқин мисол бўла олади. Масалан, *yita* (афсус) сўзида [i] унлиси 𐰃 ёки 𐰄 ҳарфлари билан ёзилиши мумкин: 𐰃𐰄𐰄 (E.59.8) // 𐰃𐰄𐰄 (E.10.1);

шунингдек, *kinim* (туғишганим) сўзида [i] унлиси ҳам икки хил ёзилган: كۈنۈم (E.59.8) // كۈنۈم (E.3.1).

il (el) сўзи : ئىل (E.26.1) // ئىل (E.1.2);

biš (beš) сўзи: بۈش (K.44) // بۈش (E.25.4).

Келтирилган мисоллардан енисей битигларидаги ئ ҳарфи ل ҳарфи билан вазифадош эканлиги англашилади. У ҳам [ä~e] ва [i], [i] фонемаларини ифода этган.

Енисей битигларида қўлланган خ ҳарфига келсак, унинг вазифаси бошқа. Ушбу ҳарф ل ҳарфи билан вазифадош. Битигларда бу ҳарф [a]–[ä] фонемаларини ифода этган (Аманжолов 2003,61). Масалан: خازا *aza* – «озиб, адашиб» (E.50.3), خوگۈ *ögä* – «доно» (E.49.2), خەلىمغا *elimä* – «элимга» (E.46.2).

Англашиладики, ўрхун битигларида унлилар тўртта, енисей битигларида эса олтига ҳарф ёрдамида ифода этилган. Енисей битигларида қўлланган олти ҳарфдан икки жуфти (ل билан خ ; ل билан ئ) ўзаро вазифадошдир.

Демак, кўк турк алифбосидаги унлиларни билдирувчи ҳарфлар қуйидаги вазифаларга эга:

ل ҳарфи – [a]–[ä~e],

خ ҳарфи (фақат енисей битигларида) – [a]–[ä],

ل ҳарфи – [i]–[i~e],

ئ ҳарфи (фақат енисей битигларида) – [ä~e], [i], [i],

و ҳарфи – [o]–[u],

و ҳарфи – [ü]–[ö] унлиларини англатган.

Уйғур хатида унлиларни ифодалаш учун алифбо тизимидаги учта ҳарфдан фойдаланилган: *alif* ҳарфи [a], [ä] ва [e] ни, *uä* ҳарфи [i] ва [i] фонемаларини, ўрни билан, [e] ни ҳам англатган; *vāv* ҳарфи эса лаб унлилари учун ишлатилган.

Муҳими шундаки, уйғур ёзувида ингичка унлилар ҳам фарқланган: сўз бошида ингичка [ä] унлиси битта *alif* билан, йўғон [a] унлисини ифодалаш учун эса *alif* қўшалок шаклда ёзилган. Шунингдек, сўз боши ва биринчи бўғинда келувчи [ü] ва [ö] унлилари *alifu uä* билан берилган.

Тарихий фонемаларни аниқлашда ўтмишдан қолган грамматик асарлардаги маълумотлар ҳам муҳим. Маҳмуд Кошғарий туркий тилдаги орқа қатор, йўғон [a] ни ифодалаш учун араб тилшунослигидаги *išbā'* (яъни «йўғон»), олд қатор [ä~e] учун эса – *išmām* (яъни «ингичка») атмасини қўлланган. Жумладан, ات сўзидаги *alif* ҳарфини икки хил талаффуз қилиш мумкин: агар уни йўғон унли сифатида талаффуз қилинса, «от (ҳайвон)» тушунилади, агар уни ингичка ўқилса, «эт, гўшт» бўлади. Ушбу фонетик ҳолат луғатда шундай берилган: ات *at* – «от»; йўғон ўқи-

ладиган *alif* билан (*bi'isbā'i-l-alifi*) (МК.15а); *at* *et* – ингичка ўқиладиган *alif* билан (*bi'ismāmi-l-alifi*); «эт, гўшт» (МК.15а). Яна мисол: *af* *ew* – «уй»; ингичка *alif* (яъни [e]) билан (*bi'ismāmi-l-alifi*) (МК.27а).

Унлининг йўғонлигини билдирадиган *isbā'* атамаси билан изоҳланган сўзларга яна мисол: *u* *U* – йўғон *alif* билан (*bi'isbā'i-l-alifi*); машхур бир шаҳарнинг оти (МК.15b); *to* – йўғон унли (яъни [o]) билан (*bi-l-isbā'i*), ундан тайёрланадиган овқатнинг оти (МК.268а).

Ёки *vāv* ҳарфи туркий матнларда тўрт хил унлини англатади [o]–[ō] ёки [u]–[ū]. У ингичка унлиларни англатганда, муаллиф уларга нисбатан *ismām* атамасини қўллаган. Луғатда берилишига мисол: *ot* *ot* – девор ва тахтадаги ёриқ; *vāv* ингичка талаффуз қилинади (*bišammati-l-vāvi*) (МК.17b); *od* *od* – «вақт, замон»; *vāv* ҳарфи ингичка ўқилади (*bišammati-l-vāvi*) (МК.17b).

Туркий матнларда келган *vāv* ҳарфининг фонетик вазифасини Алишер Навоий яхши очиб берган. Унинг ёзишича, *маъруф* (белгили) ва *мажхул* (белгисиз) қофияда *vāvi* (яъни, *э* ли) ва *yāvi* (яъни, *э* ли) қофиялар форсий шеърларда келса ҳам, икки белгидан (икки хил товушдан) ортиқ келмайди. *Vāvi* шундайки, *hod* ва *dūd* ҳамда *zor* ва *nūr*; *yāvi* шундайки, *pīr* ва *šer*.

Туркий тилда бу маъруф ва мажхул белгининг ҳам *vāvi* сидан, ҳам *yāvi* сидан тўрт хили топилади. *Vāvi* си шундайки, бундай сўзлар тўрт ҳаракатли бўлади, яъни «*vāv*» ҳарфи тўрт фонемани билдира олади. Масалан, *ot* ни олайлик: агар у *ot* деб ўқилса, «ўт, ёндирувчи нарса», *ot*- деб ўқилса, «ўтиш» маъноси, *ut*- ўқилса, «ют, қиморвозга ютиш жиҳатидан буйруқ», ҳаммасидан ингичка товуш (*baridīn ariq ḥarakat*) билан *ūt*- деб ўқилса, «қаллани ўтга тутиб, тукини аритиш» маъноси англашилади. Яна бир мисол: *tor* ни *tor* деб ўқилса, «овчилар тўри», яна ундан чўзиқроқ (*daqīraq*) қилиб *tur* дейилса, «қуш ўтирадиган ёғоч», ундан нозикроқ (*andīn daqīraq*) қилиб *tōr* дейилса, «уйнинг тўри» ва юқоридагиларнинг барчасидан нозик (*barčadīn ariq*) қилиб *tūr* ўқилса, «тўрлуғни ва эшикни турмак уй» англашилади. Бунинг билан Навоий «*vāv*» ҳарфи [u], [ū], [o], [ō] унлиларини ифода этишига ишора қилган (МЛ,37).

Туркий сингармонизм

Сингармонизм сўзнинг биринчи бўғинидаги унли билан кейинги бўғин унлиларининг ўзаро уйғунлашувидир. Ўзбек тили тарихида сингармонизм юзйилликлар оша «темир қонун» сифатида амал қилиб келди (қаранг: Щербак 1961,37–41; Содиқов 2006,¹124–126).

Мумтоз туркий шеъриятда ғазаллар жозибаси, оҳангдорлиги, қулоққа ёқимлилигини таъминлашда ҳам сингармонизмнинг таъсири кучли. Араб, форс мумтоз арузида сўз жозибаси унлиларнинг қисқа-чўзиқлиги билан белгиланган бўлса, туркий арузда унлиларнинг йўғон-ингичкалиги етакчи саналган.

Илк ўрта асрлардаги туркий тил агглютинатив табиатлидир. Унда ўзак-морфема сўзнинг туб маъносини белгилайди, унга бирикувчи аффикслар эса ўзакдан англашилган тушунчани аниқлаштиришга, чуқурлаштиришга хизмат қилади. Сўзнинг ўзаги ўзига қўшилаётган қўшимчаларни маъно жиҳатидангина эмас, товуш жиҳатидан ҳам ўзига бўйсундириб олади (қаранг: Стеблева 2012,9). Бунга кўра, сўз йўғон ўзакли бўлса, унга қўшимчаларнинг ҳам йўғон талаффузли вариантлари қўшилади, сўз ингичка ўзакли бўлса, унга қўшимчаларнинг ҳам ингичка талаффуз қилинадиган вариантлари қўшилади. Буни тилшуносликда *танглай уйғунлиги* дейилади. Ушбу қонунга кўра, илк ўрта асрлардаги туркий тилнинг луғат таркибидаги сўзлар бутунича йўғон ёки ингичка талаффузли бўлади.

Бунга мисол: ёки сингари.

Тил тарихида унлилар тизимида *лаб уйғунлиги* ҳам кучли ишлаган. Масалан, *köz* сўзига эгалик қўшимчаси қўшилганда ўзакнинг фонетик табиатидан келиб чиқиб, қўшимча таркибида ҳам қисқа лабланган унли орттирилади: *közüm; söz – sözüm* бўлади. Охириги бўғини лабланмаган унли сўзларда эса бунинг тескариси: *qayan – qayanim, bitig – bitigim* бўлади. Бу қоида, айтарли, бузилмайди.

Бу тизимни, айниқса, кўк турк ёзувининг имло принципи ўзида яхши акс эттирган. Масалан, *bodun* сўзи ёзилмоқчи бўлса, биринчи бўғиндаги <o> унлиси ёзилади, иккинчи бўғинга ўтганда эса, тушириб қолдирилади: >ʒ>ʒ. Битигларни ўқиш йўриғига кўра, биринчи бўғинда лабланган унли бўлгандан кейин, табиий равишда, кейингисига ҳам лабланган унли қўшиб кетилаверади. Бошқалари ҳам шундай.

Ундошларда жаранглилик / жарангсизлик ҳодисаси ҳам бор, буни *ассимиляция* ҳам дейилади. Бунга кўра, жарангсиз ундош билан тугаган сўзга қўшимчанинг ҳам жарангсиз ундош билан бошланувчи варианты қўшилади. Жарангли ундош, унли товуш ёки сонор билан тугаган сўз эса қўшимчанинг жарангли ундош билан бошланувчи вариантыни қабул қилади.

Унлилардаги танглай ва лаб уйғунлиги, ундошлардаги жаранглилик-жарангсизлик уйғунлиги таъсирида қўшимчаларнинг ҳам фонетик вариантлари амал қилган: туркий қўшимчаларнинг икки, тўрт, кўпи билан саккиз вариантлилари бор.

Масалан: от ясовчи қўшимчалардан икки вариантлиси: *-čī, -či; -čūq, -čūk*; тўрт вариантлиси: *-qaq, -kāk / -yaq, -gāk*; саккиз вариантлиси: *-liq, -lik, -liḡ, -liḡ / -luq, -lūk, -luḡ, -lūḡ*;

сифат ясовчи қўшимчалардан икки вариантлиси: *-čīl, -čil; -rī, -rt*;

сифатдош қўшимчаларидан икки вариантлиси: *-asi, -äsi; -ḡli, -gli; -mä, -mä*; тўрт вариантлиси: *-dači, -däči / -tači, -täči; -duq, -dūk / -tuq, -tūk; -qan, -kän / -yan, -gän* сингари.

Сўзнинг ингичка-йўғонлиги, охириги бўғин унлисининг лабланган-лабланмаганлиги, сўзнинг жарангсиз ундош, шунингдек, унли товуш, жарангли ёки сонор билан тугашига қараб, қўшимчаларнинг ҳам уларга уйғун тушадиган варианты танланган.

Унлилар тизимидаги ингичка-йўғонлик ундошлар талаффузига ҳам таъсир қилади. Масалан: *yol, qol* сўзларидаги [o] унлиси йўғон, унинг таъсирида ёнидаги [l] ҳам, қолаверса, бутун сўзнинг ўзи йўғон талаффуз қилинади. Ёки *köl, öl* сўзларида бунинг тескариси, [ö] – ингичка унли, бунинг таъсирида ёнидаги [l] ҳам, қолаверса, сўзнинг ўзи ингичка талаффуз қилинади. Буларга қўшиладиган қўшимчалардаги товушлар ҳам ўзакка уйғунлаша боради: биринчисига қўшимчанинг йўғон варианты, кейингисига эса, ингичка варианты қўшилади.

Қадимги туркий тилнинг фонетик тизимида юзйилликлар оша юзага келган ушбу ҳодисалар, табиийки, туркий халқлар қўллаган ёзувларда ҳам акс этган. Жумладан, кўк турк алифбоси туркий сингармонизм қонунига мослашган эди. Ёзувининг ўзи сўзнинг йўғон ёки ингичка талаффузли эканини билдириб турган. Унда бир қатор ундошларнинг йўғон ва ингичка вариантлари учун бошқа-бошқа ҳарфлар ишлатилган:

Белгиси	Англатган товуши	Белгиси	Англатган товуши
ḡ	b	ʼ	b'
ʼ	ɣ	ε	g
ḡ	d	×	d'
D	y	ḡ	y'
ḡ ↓ ḡ	q	BB ʼ	k
ḡ	l	ʼ	l'
ḡ	n	ʼ	n'
ḡ	r	ʼ	r'
ḡ	s	l	s'
ʼ	t	h	t'

Ундошлар тизими

Илк ўрта асрлардан қолган туркий ёзма ёдгорликлар тилида қуйидаги ундошлар тизимини тиклаш мумкин: [b], [p], [w~v], [d~δ], [q], [k], [x], [γ], [g], [s], [č], [ʃ], [š], [ž], [y], [ʎ], [m], [n~ñ], [ŋ], [r] (*Ушбу тизимнинг тўлиқ тавсифи учун қаранг: Шербаков 1961,43–59; Насилов 1963,8–11; 1974,18–20*).

Жарангсиз [p] ва жарангли [b] ундошлари. Уйғур алифбосида жарангсиз [p] ва жарангли [b] ундошлари бир ҳарф билан ифодаланган. Араб ёзувли туркий матнларда ҳам шундай: *پ* *bā* ҳарфи ҳар икковининг ўрнида ишлатилган. Айрим ҳоллардагина [p] ни фарқлаш учун уч нуқтали *پ* дан фойдаланилган.

Бу борада кўк турк ёзувидаги матнни ўқиш анча қулай: ушбу алифбода уларнинг ҳар бири учун айри-айри ҳарф бор: *ڤ* ва *ډ* ҳарфлари жарангли [b~b] ни, 1 эса жарангсиз [p] ни англатади.

Араб ёзувли матнларда [b] ва [p] нинг *bā* ҳарфи билан берилгани, айрим сўзлар ва қўшимчаларнинг тарихий талаффузини тиклашда ҳатто мутахассисларни ҳам чалғитиб қўймоқда. Масалан, Алишер Навоий асарларининг ҳозирги нашрларида феълларнинг равишдош шакллари [b] билан берилаётир. Аслида илк ва ўрта асрларнинг туркий ёдгорликлари тилида равишдошларда жарангсизлашиш кучли бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *-b* (*-ib*, *-ib*) аффиксли равишдошлар ўтмишда *-p* (*-ip*, *-ip* / *-up*, *-ūp*) фонетик вариантида талаффуз қилинган. Буни кўк турк ёзувли битиглар тилида ҳам ёрқин кузатиш мумкин. Шунга кўра, уйғур ва араб ёзувли туркий ёдгорликларни транскрипцияга ўтирганда равишдошларни *bilip*, *kelip*, *aytip*, *başlap* шаклида жарангсиз [p] билан берилса, тўғри бўлади.

Туркий матнлардаги [b] ва [p] масаласида туркшуносликда кўп баҳслар бўлган. Ҳатто бир пайтлар В. Радлов «Қутадғу билиг»нинг уйғур ёзувли нусхасини транскрипцияга ўтирганда матндаги *beg*, *bilig*, *bitig* сўзларини жарангсизлаштириб, *pek*, *pilik*, *pitik* деб берганди. Бу хатолукка ўз пайтида чек қўйилган. Ҳозир туркшуносликда бу нарсалар анча изга тушиб қолди.

Жарангсиз [k] ва жарангли [g] ундошлари. Уйғур алифбосида жарангсиз [k] ва жарангли [g] ундошлари ҳам фарқланмайди, уларнинг иккови *kā* ҳарфи билан берилади. Араб хатида ҳам шундай: туркий матнларда *kāf* ҳарфи ҳар иккала ундош учун ишлатилган. Бироқ, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари қўлёзмасида, «Қутадғу билиг»нинг араб ёзувли Наманган нусхаси, «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг араб ёзувли С қўлёзмасида айрим ўринларда «бу ҳарф жарангли [g] ни билдиради» деган маънода *kāf* нинг устига уч нуқта қўйиб кетилган.

Масалан, «Девону луғати-т-турк» қўлэзмасида: **أنا** *ögā*, яъни «доно» сўзида (МК.5а). Ёки *yunna* ли *η* товуши ҳам ана шундай ҳарф билан берилган: **انك** *aη* – «яноқ»; **قزل انك** *qizil aη* – «қизилмағиз» (МК.16b); **انك** *aη* – куш номи (МК.16b); **انك** *öη* – «ўнг, олд» (МК.16b); **انك** *öη* – «ранг» (МК.16b); **انك** *iš* – «ўнг иш» (МК.16b); **انك** *oη* – «ўнг» («сўл» нинг тескариси) (МК.16b).

Кўк турк ёзувида уларнинг ҳар бири учун айри-айри ҳарф бор: E ҳарфи жарангли $[g]$ ни, V эса жарангсиз $[k]$ ни англатади. Ёзувнинг қулайлигидан илк ўрта асрларнинг ёдгорликлари тилида *beg*, *bitig*, *bilig* сўзлари $[g]$ билан талаффуз қилинганлигини билиш мумкин. Масалан, Тўнъюқ битигида: EHA *beg* (Тон.36), EYA *bilig* (Тон.6); Кул тигин битигида: EHA *bitig* (К.II) ва б.

Уйғур ёзувли матнлардаги *kā* ҳарфи, шунингдек, арабий ёзувлардаги *kāf* нинг $[k]$ ёки $[g]$ эканлигини аниқлашда грамматик асарларда келтирилган изоҳлар ҳам муҳим. Масалан, Маҳмуд Кошғарий туркий сўзлардаги жарангли $[g]$ товушини *kāfun rakikatun* атамаси билан изоҳлаган. Арабча *rakika* аслида «ингичка» дегани, лекин у *kāf* га нисбатан қўлланганда «жарангли» маъносини билдиради. Луғатда берилишига мисол: **كوك** *küg* – жарангли *kāf* (яъни $[g]$ билан) (*bikāfin rakikatin*); шеър ўлчови, вазни; масалан: *bu yir ne küg üzä-ol* – «бу шеър қандай вазнда?» (МК.250b). Жарангсиз $[k]$ га келсак, уни аввалгиси билан қориштириб юбормаслик учун, *kāfun şulbatun* атамаси билан берилган; *şuluba* асли «йўғон» дегани, лекин бу ўринда «жарангсиз»ни билдиради. Масалан: **كوك** *kök* – жарангсиз *kāf* (яъни $[k]$) билан (*bi-l-kāfi-ş-şulbatı*); «кўк, осмон». Бу сўз қуйидаги мақолда ҳам келган: *Kökkä südsä, yüzkä tüşür*. – «Кўкка тупурса, юзга тушади» (МК.251а).

Демак, уйғур ёзувли битигларда *kā* ҳарфининг $[k]$ ёки $[g]$ эканлигини туркий тилларнинг фонетик-фонологик хусусиятлари, шунингдек, кўк турк ёзувли манбаларда ушбу сўзнинг қандай келгани, араб ёзувли манбалардаги айрим ишоратлар ҳамда илмий асарлардаги изоҳларга таяниб тиклангани маъқул.

[w~v] фонемаси. Ёзма ёдгорликлар тилида $[v]$ фонемасининг икки хил – лаб-лаб (v) ва лаб-тиш (w) вариантлари ишлатилган. Уларнинг қўлланиш доираси ҳам икки хил: биринчиси ўзлашган, иккинчиси эса соф туркий сўзларда ишлатилади.

XI–XIII юзйилликларнинг араб ёзувли матнларида $[w]$ товуши **ق** ёки **ف** ҳарфлари билан ифодаланган. Масалан, QBN да: **سافجى** *sawcī* «пайғамбар» (8b.1), **يالواج** *yalawaç* «пайғамбар» (9a.11), **ياووز** *yawuz* «ёвуз» (18b.7), **اوقوتلوغ** *owutluy* «андишали» (9a.1), **جاف** *jaw* «довруғ» (25b.4), **ساف** *saw* «хабар» (25b.4).

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида [w] ундоши [v] дан фарқли ўлароқ, ف ёки ف ҳарфлари билан берилган. Муҳими шундаки, ف билан берилганлари асарнинг ҳозирги замон нашрларида [f] деб ўқимоқдалар. Бироқ, шуни унутмаслик керак, туркий сўзларда [f] товуши бўлмаган, у ўзлашган сўзлардагина келади. Шундан келиб чиқиб, туркий сўзларда келган ف ни [f] эмас, [w] деб ўқилгани маъқул. Бу фикрнинг тўғрилигини бир сўзнинг икки хил ёзилиши ҳам исботлай олади: اف (МК.27а) // اف ew – «уй» (МК.268b); اف (МК.19а) // اف uwut – «уят, андиша» (МК.268b) сингари.

Кейинчалик эса бу имло хусусияти ўзгартирилиб, лаб-лаб ва лаб-тиш вариантларининг ҳар иккиси vāv ҳарфи билан ёзилаверган.

Кўк турк ёзувида [w] учун махсус ҳарф йўқ. Араб ёзувли битигларда ف// ف билан келган сўзлар кўк турк битигларида , яъни ъ ва ђ ҳарфлари билан берилган.

Лекин туркий [w] товушининг генезисини, ёзувдаги белгисига қараб, фақат араб ёзувли матнлар билан боғлаб қўйиш тўғри эмас. Қизиғи шундаки, кўк турк битиглари билан деярли олдинма-кетин яратилган уйғур ёзувли классик будда, моний битигларида [w] товуши учун махсус ҳарф бор. Масалан, битигларда saw, ew, sewinс сингари сўзлар ана шу ҳарф билан ёзилган. Бироқ, кейинги давр матнларида бу ҳарф ишлатилмайди, ўрнида vāv дан фойдаланилган.

Яна бир далил. Маҳмуд Кошғарий келтирган уйғур алифбосида <wa> ҳарфи берилиб, остига арабча ف қўйиб кетилган (ДЛТ,16). Алифбодаги ушбу таъкид ҳам туркий товуш тизимида [w] нинг муҳим ўрин тутганидан далолат қилади.

Шуларга таяниб, кўк турк алифбосидаги ҳарфининг вазифасини ҳам кенгроқ тасаввур қилиш мумкин: ҳарқалай, ҳарфи [b] билан бирга [w] товушини ҳам ифодалаган бўлуви керак. А. Габен буни анча илгари пайқаган чоғи, кўк турк алифбосини келтирар экан, алифбодаги ъ ҳарфи [b] билан бирга [w] товушини ҳам, ђ ҳарфи эса [b'] билан бирга [w'] ни ҳам анлатган бўлуви керак, деган маънода, кейингисидан сўнг қавсда сўроқ белгисини қўйиб кетган (Gabain 1950,12).

Туркий [w] товушининг генезисини [y] га ҳам боғлаш мумкин. Чунки [w] товуши билан келувчи туркий сўзлар тил тарихининг қадимий даврларида [y] билан ҳам келган. Масалан, «Ўғузхоқон» достонида:

Anuñ başı soyuqtan ap-aq turur, anuñ ücün anuñ atı Muztay turur. – «Унинг чўққиси совуқдан оппоқ (қор билан қопланган) эди, шунинг учун оти Музтоғ эди» (ЎД,26,6–8).

Tutulunč-urušunč anday yaman boldi-kim, İtil mürännüñ suyi qıp-qizil, sip-siñir-deg boldi. – «Түқнашув-уруш шундай дахшатли бўлди-ким, Итил дарёсининг суви қип-қизил қонга бўялиб кетти» (ЎД.19.2–5). Келтирилган мисолларнинг биринчисида *sowuq* эмас, *soyuq*, иккинчисида эса *suwi* эмас, *suwi* шаклида келган.

Ёки асарда *tawuq* сўзи *tauuq* деб ишлатилган: *Anuñ bašida bir kümüš tauuq qoydi.* – «Унинг бошига бир кумуш товуқни қўйди» (ЎД.41.5).

Бошқа бир мисол. Эски туркий тилда *qulavuz* деган сўз бор, маъноси «етакчи, йўлбошчи» дегани. Бу сўз «Роҳату-л-қулуб» асарида ҳам келади. Унда «Таврот» китобидан олинган *ʾİlmdin yaxši qulavuz yoq*, яъни «Илмдан яхши етакчи йўқ» деган ҳикмат келтирилган.

Муҳими шундаки, «Қутадғу билиг»нинг уйғур ёзувли нусхасида бу сўз *qulavuz* шаклида ёзилиб, тагида «маъноси шундай бўлади» деган мазмунда араб ҳарфлари билан [*qula*]vuz деб таъкидлаб қўйилган (QBN.15.8a,31). Ҳарқалай, бу шакли асар кўчирилган даврда унутилган бўлиши керак, шунинг учун ҳам котиб сўзнинг маъносини изоҳлаб қўйибди. Асарнинг араб ёзувли Наманган нусхасида бу сўз *qulavuz* шаклидадир (QBN.12a,2).

«Икки махраж орасидаги» [ž] товуши. Илк ўрта аср ёдгорликлари тилида сирғалувчи, мураккаб артикуляцияли, Маҳмуд Кошғарий сўзи билан айтганда, «икки махраж орасидаги» [ž] товуши ҳам бор. Бу товуш араб ёзувли матнларда ʒ ҳарфи билан ифодаланган.

Сирғалувчи [ž] уйғур ёзувли қадимги будда, моний ёдгорликларида <z> ҳарфининг остига икки нуқта қўйиб ифода этилар эди. Лекин у эски туркий матнларда, хусусан, «Қутадғу билиг», «Ҳибату-л-хақойиқ»нинг уйғур ёзувли нусхаларида учрамайди, ўрнида <č> ҳарфи ишлатилади.

Мана бир мисол: «Ҳибату-л-хақойиқ»нинг уйғур ёзувли А нусхасида «дунё, олам» англамидаги *ašun* сўзи <č> ҳарфи билан ёзилган (YugA.107,2). Асарнинг араб ёзувли С нусхасида эса бу сўз ʒ билан *اژون* деб ёзилган (YugC.21,4).

Асарнинг уйғур хатида битилиб, тағма-тағ араб хатида транслитерация қилиб чиқилган В қўлёзмасида уйғур алифбосидаги <č> ҳарфининг вазифасини аниқроқ кузатиш мумкин.

Матнда ишлатилиши шундай: уйғур хатида *ašun* ёзилиб, тагидаги арабий матнда унинг ўқилиши *اژون* деб ёзилган (YugB.20,5). Шунга кўра, уйғур ёзувли сўзни *ažun* деб ўқиш керак.

Яна бир жиҳати, икки хил ёзувли В нусхада уйғур ёзувидаги *ašun* сўзи араб хатидаги изоҳида бир ўринда *اژون* ёзилса, бошқа бир ўринда *اجون* деб изоҳланган.

Асарнинг араб ёзувида битилган *С* нусхасида ҳам шундай: бу сўз <*z*> билан ҳам, <*č*> билан ҳам ёзилган: 41,9) اجون // (42,5) ائون).

Англашиладики, асарнинг уйғур ёзувли нусхаларида ишлатилган <*č*> ҳарфининг фонетик вазифаси анча кенг: бу ҳарф [*č*] билан бирга, «икки махраж орасидаги» [*ž*] товушини ҳам ифода этган дея оламиз.

Бу сўзнинг араб ёзувида икки хил – *ažun* // *ačun* шаклларида берилгани ўша даврда ҳар иккиси аралаш ишлатилганидан далолат қилади.

Товуш ўзгариш ҳодисалари

***b->m-, b-//m-* ҳодисаси.** Ҳозирги ўзбек тилида сўз бошида *m-* билан қўлланувчи сўзлар ўрхун битигтошларида *b-* билан келган: *bän* – «мен», *biŋ* – «минг», *bäŋü* – «мангу», *buŋ* – «мунг, қайғу» сингари.

Муҳими шундаки, ўрхун битиглари билан деярли олдинма-кетин яратилган шарқий турк битигларида – монийчилик, буддизм муҳитида яратилган диний-фалсафий асарлар тилида юқорида келтирилган сўзлар *m-* билан қўлланган: *män*, *miŋ*, *mäŋü*, *muŋ* сингари.

Кул тигин битигидан ўрин олган Йўллуғ тигиннинг сўзида ҳам кишилик олмоши *män* шаклида келган: *Män b[äŋü taš.... tabya]č qayanta bädizči kälürtim, bädzätim. Mäniŋ sabimîn simadi.* – «Мен мангутош Табғач хоқонидан наққош келтирдим, нақшлатдим. Менинг сўзимни бузмади» (Ка.11).

***d>δ>y//z* ҳодисаси.** Қадимги туркий тил *d-* лашган тил эди. Ҳозирги ўзбек тилида сўз ичи ва охири [*y*] ёки [*z*] билан келувчи сўзлар қадимги туркий битигларда [*d*] билан келади: *adiŋ*, *qudi*, *edgü*, *ud* сингари.

Кейинчалик бу жараён тишора [*δ*] ундошига, ундан сўнг эса [*y*] ёки [*z*] га ўзгарди, яъни *d>δ>y//z* ҳодисаси юз берди: *adiŋ>aδiŋ>ayŋ*; *qudi>qudi>quyi*; *edgü>eδgü>ezgü*; *ud>uδ>uy*.

Сўнгги *uy* сўзининг маъноларини чоғиштиринг, султон Умаршайхнинг уйғур ёзувида битилган ёрлиғида: *uy uil* дейди (УШ.12), бу «сигир йили» деганидир. Ёки ҳозирги қирғиз тилида *uy* – «қорамол, сигир» дегани; *uy eti* – «қорамол гўшти» бўлади. Ўзбекистоннинг Наманган вилоятида *Уйчи* тумани бор. Ушбу топонимнинг маъноси «чорвадор, чорвачи» деганидир.

XI–XIV юзйилликларнинг араб ёзувли туркий битигларида тишора [*δ*] ундоши *đ* ҳарфи билан ифода этилган. Лекин кўк турк ёзувида [*δ*] ундоши учун махсус ҳарф йўқ. Араб ёзувли туркий матнларда *đ* билан келган сўзлар кўк турк битигларида *ž* билан келган.

Тишора [δ] ундоши учун уйғур хатида ҳам махсус ҳарф йўқ; араб ёзувли матнларда кечган ڤ ли сўзлар уйғур ёзувли битигларда ҳам <d> билан келган. Қизиғи шундаки, Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида уйғур алифбосини келтира туриб, ҳар бир ҳарфнинг ўқилишини арабча ҳарфлар билан бериб кетган. Ўша ерда <d> ҳарфининг тагига «шундай ўқилади» деган мазмунда ڤ ҳарфини қўйган (ДЛТ,16). Кошғарийнинг ана шу изоҳига таянган ҳолда, уйғур алифбосидаги <d> ҳарфининг вазифасини кенгроқ тасаввур қилиш мумкин: бундан алифбодаги <d> ҳарфи [d] билан бирга, тишора [δ] ундошини ҳам ифодалагани аён бўлади.

Эҳтимол, кўк турк алифбосидаги ڭ ҳарфининг вазифаси ҳам шундай бўлгандир: у ҳам [d] билан бирга, тишора [δ] ундошини ҳам ифодалаган бўлуви керак. Шунга мувофиқ равишда, ڭ ҳарфи [dʹ] билан бирга, тишора [δʹ] ни ҳам ифодалаган чоғи.

Муҳими шундаки, XI–XIII юзйилликларнинг ёзма манбаларида бир асарнинг ўзида қадимий d-лашишдан [δ] га, ундан эса [y] га ўтиш ҳодисасини (d>δ>y/g; ёки: d//δ//y/g) кузатишимиз мумкин.

Масалан, «Ўғузхоқон» достонида d-лашиш ҳодисаси ҳам, у-лашиш ҳам амал қилади:

Adayı ud adayı-deg, belläri böri belläri-deg, yaγri kiş yaγri-deg, köküzü aduy köküzü-deg erdi. – «Оёқлари буқа оёғидек, беллари бўри белларидек, яғри сувсар яғридек, кўкраги айиқ кўкрагидек эди» (ЎД.2,3–5). Келтирилган жумлада *adaγ, ud, aduy* сўзлари [d] билан келган, булар [δ] бўлиши ҳам мумкин.

Айни матнда [y] билан келган сўзлар ҳам бор. Чоғиштиринг:

Toquz kündän soγ Oγuz qaγanγa ayyir atni keltürdi. – «Тўққиз кундан сўнг Ўғуз хоқонга (ўша) айғир отни (тутиб келтирди)» (ЎД.27,6–7).

Kenä yolda bedüg bir üy kördi. – «Кейин йўлда катта бир уй кўрди» (ЎД.28,5).

Келтирилган мисолларда *adyir* эмас, *ayyir*; ёки *ew* эмас, *üu* деб берилган.

Бу давр ёдгорликларида қўлланган тишора [δ] товушини ифодалаш учун араб ёзувли матнларда ڤ ҳарфидан фойдаланилган. Уйғур хатида эса бу товуш учун махсус белги йўқ, ўрнида кўпинча <d>, баъзан эса <t> ва <z> ҳарфлари ҳам ишлатилган. Буни «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг қўлёзмаларида ҳам кузатса бўлади.

Масалан, асарнинг уйғур ёзувли А нусхасида *kedgülüg* сўзи ёзилиб, <d> нинг остига «ана шундай ўқилсин» деган маънода араб алифбосидаги ڤ ҳарфи қўйиб кетилган (YugA.44,4). Шунга биноан, бу сўзни <δ>

билан *kedgülug* деб ўқиш лозим, маъноси «кийгулик» дегани. Ёки *quđi* ёзилиб, <d> нинг остига ǰ ҳарфи қўйилган (YugA.21,2). Ана шу ишоратга таяниб, бу сўзни *quđi* деб ўқилади, бу «куйи» дегани.

Қизиғи, асарнинг араб ёзувли *C* нусхасида эса бундай сўзлар ǰ билан эмас, ǰ билан келган, YugC: *edgü* – «эзгу» (24,1), *ködäzgil* – «сақлагин» (15,6) сингари. Бундан англашиладики, асар тилида *d*-лашиш ҳам, *δ*-лашиш ҳам бор. Қолаверса, [d] ва [δ] товушлари бир асарда аралаш ишлатилгани, уларнинг ўзаро вариант сифатида ([d]~[δ]) амал қилганидан далолат беради.

Асарнинг уйғур ёзувли *A* нусхасида тишора [δ] товуши <z> ҳарфи билан ҳам ифода этилган.

Масалан, уйғур ёзувли матнда *yüzür* ёзилиб, <z> нинг астига ҳам арабча ǰ ҳарфи қўйиб кетилган (YugA.84,1). Бахшининг ишорасига кўра, бу сўзни ҳам <d> билан *yüdüp* деб ўқилади, маъноси «ютиб» дегани.

Ёки *qazüi* сўзидаги <z> нинг тагига ҳам ǰ ҳарфи қўйилган (YugA.103,2). Бу ишораси уни *qadıi* деб ўқишимизга имкон беради; бу «қайғу» дегани.

Яна бир жиҳати, асарнинг *C* ва *B* нусхаларида <d> билан келган сўзлар *A* қўлёмасида баъзан <y> билан ҳам ишлатилади: *eügü* (YugA.89,6), бу «эзгу» дегани. Ҳатто асарнинг *B* нусхасида <t> билан келган *ket* сўзи *A* нусхада *key* шаклидадир (YugA.78,6), бу «жуда, ўта» дегани.

Англашиладики, асар тилида [d] дан [y] га ўтиш ҳодисаси (d>δ>y) акс этган. Шунинг учун ҳам матнларда уларнинг аралаш ишлатилгани (d//δ//y) табиий ҳол.

Қадимги туркий тилни *d*-лашган тил дедик, лекин бу нисбийдир. Унда айрим сўзлар [y] билан айтилган. Масалан, *adaq* – «оёқ»; *ayaq* эса «коса, пиёла» дегани; *ayaq tuttı* – классик адабиётда «май тутди» маъносида ишлатилган. Кейинчалик, *adaq* сўзидаги [d] ҳам [y] га ўзгариб, иккаласи бир хил талаффузли сўзга айланиб қолган. Аслида «оёқ» англамидаги *adaq* билан «коса, пиёла» англамидаги *ayaq* бошқа-бошқа сўзлардир.

Яна қадимги туркий тилда *ayaq* сўзи ҳам бор, бу «унвон; лақаб» дегани. Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг маъносини қуйидаги шеърий узиндида яхши очиқлаб берган:

Qodüil menä aqiliq,
Bolsun menä ayaq-a.
İdyil meni toqışqa,
Yöwgil menä ulay-a.

Айтмоқдаки: «Мени ўз ҳолимга қўй, тўсқинлик қилма, токи бировларга фойда берувчи сахий номи менга қолсин. Мени жангга элтувчи от бер. У мени жангга элтсин» (ДЛТ,382).

Қўк турк битигларидаги [d] ли сўзлар ҳозирги ўзбек тилида кўпинча [y], баъзан [z] билан ишлатилади. Шунга қарамай, айрим сўзларда d-лашиш ҳодисаси ҳозир ҳам учраб туради: *қудуқ*, *идиш* сингари. Аслида булар, айтилган қоидага кўра, *қуйуқ*, *ийиш* га ўзгарган бўлиши керак эди, лекин ундай бўлмади.

Бу ўринда *қудуқ* сўзи *қуйи* дан ясалган (унинг қадимги шакли *qudi*). Қизиғи шундаки, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» аса-рида унинг ҳар учала шакли бор: *quduу*, *quдиу*, *quиуу*.

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича: *quиуу* – «қудуқ». Бу сўзнинг *quдиу* шакли ҳам бор (ДЛТ,380).

Ёки бошқа бир ўринда унинг *quдиу* шаклига ҳам мисол келтирилган: *Qowī er quduуqa kirsā, yel alir*. – «Бахтсиз киши қудуққа тушса ҳам, қийнаш учун шамол уни қудуқдан чиқариб олади» (ДЛТ,402).

[*ñ~n*] > [y] ҳодисаси. Масалан, қўк турк битигларида: *qoñ* – «қўй», *сїуаñ* – «қашшоқ, камбағал», *añiу* – «ёвуз, ваҳший». Кейинчалик булар *qou*, *сїуау*, *ауiу* га ўзгарган. Чоғиштиринг:

Кул тигин битигида: *Ol amti añiу yoq*. – «У энди ёвуз эмас» (Ка.3).

Буддавий мазмунли «Оға-ини тигинлар» қиссасида: *Ol ödün ayiу ögli tigin inisi inçā tep saqinti*. – «Ўша кезде ёвуз ниятли шахзода иниси шундай деб ўйлади» (АТ,284).

Қўк турк битигларида [*ñ*] товуши учун махсус ҳарф бор, бу # ҳарфидир. Бу ҳарф *Toñиuиq* отида ҳам келади. Қизиғи шундаки, битигларда унинг оти икки хил – <*ñ*> билан ҳам, қўшалок <*ny*> ҳарфлари билан ҳам ёзилган: *TONñuQuQ* ҳамда *TONyиuиQ*. Бу нарса қўк турк битигларидаги # ҳарфининг талаффузини очишга имкон беради. Шунга қараганда, биринчи <*ñ*> ҳарфи билан ёзилгани ҳам [ny] деб талаффуз этилган бўлиши керак.

«Девону луғати-т-турк»да Маҳмуд Кошғарий [n] дан [y] га ўтиш ҳодисасини диалектал хусусият деб айтган; унингча, сўздаги [y] ни [n] га айлантириш арғуларга хос (ДЛТ,25–26). У қўк турк битигларида <*ñ*> ҳарфи билан ёзилган *qoñ*, *сїуаñ* сўзларини араб алифбосида *nñ* ҳарфи билан берган. Бу нарса, ўз навбатида, ўша кезлар уларнинг ҳар иккиси ўзаро вариант сифатида ишлатилганини англатади: [n~ñ].

А.М. Шчербак [*ñ] ни [y] нинг прототипларидан бири деб қараган. Бунда у ўрхун битигларидаги [*ñ*] ҳамда илк ўрта асрларда араб ёзувида

битилган ёдгорликларда кечган [d] ва [δ] билан келган сўзларнинг кейинчалик [y] га ўзгарганлигини кўзда тутган эди (Щербак 1961,55–59).

Қадимги туркий тилда «қўймоқ» маъносидаги феълни *qod-*, «қўй, хайвон»ни эса *qoŋ* дейилган. Кейинчалик ҳар иккисида товуш ўзгариши юз бериб, *qou* айланган. Аслида эса уларнинг бир-бирига боғлиқлиги йўқ.

Шунингдек, «айиқ»ни *adiŋ*, «ёвуз»ни эса *auŋ* дейилган. Кейинчалик *adiŋ* сўзи ҳам товуш ўзгаришига учраб, *auŋ* га айланган: *adiŋ>adiŋ>auŋ*. Аслида буларнинг ҳам бир-бирига боғлиқлиги йўқ.

[q]>[x] ҳодисаси. XI–XII юзйилликларда яратилган ёдгорликларда [x] билан талаффуз қилинадиган сўзлар кўк турк битиглари ҳамда буддизм даври ёдгорликларида [q] билан айтилган: *qayan* – «хоқон», *qan* – «хон», *qatun* – «малика», *qaliq* – «кўк, осмон», *burqan* – «будда». Кейинчалик бу сўзлар товуш ўзгаришига учраб, *xaqan*, *xan*, *xatun*, *xaliq*, *burxan* деб айтиладиган бўлди.

Қадимги ва эски туркий, эски ўзбек тилларида *qatun~xatun* – «малика» дегани, кейинчалик бу сўзнинг маъноси кенгайиб, «хотин (жена); аёл киши» маъноларида ҳам ишлатила бошлади.

Айтилиши бир-бирига яқинлигига таяниб, араб тилидан ўзлашган *xaliq* билан «кўк, осмон» англамидаги қадимги туркий *xaliq* ни, араб тилидан ўзлашган *burhān* билан қадимги туркий *burxan* ни қориштирмаслик керак. Улар буткул бошқа-бошқа сўзлардир.

ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАР ТИЛИНИНГ ГРАММАТИК ЎЗГАЧАЛИКЛАРИ

Илк ўрта асрларда яратилган туркий ёзма ёдгорликлар грамматик хусусиятларига кўра ҳозирги туркий тиллар, хусусан, ўзбек адабий тилидан, анчагина фарқ қилади.

Отларда кўплик кўшимчалари

(1) Илк ўрта асрларнинг ёзма ёдгорликлари тилида кўпликнинг кенг ишлатилган кўшимчаси **-lar, -lār** дир: *qunčuyar* – «маликалар», *tallar* – «толлар», *yūyačlar* – «дарахтлар», *türük bağlar* – «турк беклар», *künlār* – «кунлар», *kečälār* – «кечалар» сингари.

Бундан ташқари, қадимги туркий тилда кўпликнинг ҳозирги туркий тилларда ишлатилмайдиган, унутилган кўшимчалари ҳам бор. Булар қуйидагилардир:

(2) **-an, -än** қўшимчаси: *türk – türkän* «турклар»; *er – erän* «эрлар, кишилар» сингари.

Маҳмуд Кошғарий *er* (яъни, «эр, эркак») сўзининг маъносини изоҳлар экан, шундай ёзади: Бу сўзни кўпликда *erän* шаклида ҳам қўллайдилар. Лекин бу кам учрайдиган ҳол бўлиб, қоидага ҳам хилофдир. Чунки кўплик қўшимчаси [аслида] *-lar, -lär* тарзида бўлади (ДЛТ,29).

Бошқа бир ўринда *oʻul* сўзининг маъносини очиқлар экан, шундай ёзади: Қоидага хилоф равишда *erän* сўзига ўхшаш *oʻylan* деб ҳам жам қиладилар. Аслида бу сўзнинг кўплик шакли *oʻullar* бўлиши керак эди. Буларнинг ҳар иккисини бирлик шаклида қўллайдилар (ДЛТ,42). Қуйидаги мақолда ҳам *oʻylan* сўзи бирликда ишлатилган: *Oʻyلاق iliksiz, oʻylan biligsiz*. Маъноси: «Эчки боласида илик йўқ, ёш болада ақл йўқ» (ДЛТ,60).

(3) **-z** қўшимчаси. С.Е. Маловнинг ёзишича, *biz* ва *siz* олмошларидаги *-z* кўплик қўшимчасидир. Унинг фикрига кўра, бу олмошлар қуйидаги усулда ҳосил бўлган: *bi+si=biz* (*мен+сен=буз*); *si+si=siz* (*сен+сен=суз*) (Малов 1951,51–52).

-z қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шаклига қуйидаги сўзларни ҳам мисол келтириш мумкин: *meñiz* – «юз, яноқ», *köküz* – «кўкс, кўкрак», *otuz* – «елка», *möñüz* – «шоҳ», *ayüz* – «оғиз» (бунда икки жағ кўзда тутилмоқда; *ay* – «ажралиш» сўзидан; масалан: *иштоннинг оғу*).

Бунга *köz* сўзини ҳам мисол қилса бўлади; чоғиштиринг: *kör* (*-r* – феъл ясовчи); *köz* (*-z* – кўплик қўшимчаси).

Келтирилган сўзларда *-z* қўшимчаси орқали асли «иккилик, жуфтлик» ҳосил қилинмоқда. Бироқ, туркий тилда «иккилик» йўқ. Бирор нарсанинг биттаси бирликда, ёнига иккинчиси қўшилса, кўпликка айланади. «Иккилик» – кўплик дегани. Шунга кўра, *-z* аффикси иккилик, жуфтлик ясовчи эмас, кўплик қўшимчасидир.

-z қўшимчаси феълларга қўшилиб, унинг шахс ва сонини билдиради. Масалан, тингловчи бирлиги *bardīñ*, кўплиги эса *bardīñiz* бўлади. Ёки кўк турк битигларида тингловчи бирлиги *bardīy* шаклида ишлатилган: *Qayaniñin sabīn almatīn yār sayu bardīy*. – «Хоқонингнинг сўзини олмайин ҳар ерга тарқаб кетдинг» (Ка.9). Бунинг кўплиги ҳозирги татар тилида *bardīyiz* бўлади. Чоғиштиринг, ҳозирги ўзбек тилида: *боришинг керак*, кўплиги – *боришингиз керак*. Ёки: *келинг – келинлар – келингиз*. *Келингиз* сўзидаги *-инг* – ҳурматни, *-из* эса кўпликни билдиради.

(4) Қадимги туркий тилда рудимент ҳолида кўпликнинг *-t* қўшимчаси ҳам учрайди (Малов 1951,50–51). Бундай кўплик *-n* ни *-t* га ўзгартириш йўли билан ҳосил қилинган. Масалан, «Олтун тусли ёруғ» асари-

да: *tigin* – «шаҳзода», *tigit* – «шаҳзодалар». Лекин асрда унинг кўплиги *tiginlär~tigitlär* шаклларида ҳам ишлатилган.

Бу қўшимча билан ҳосил қилинган кўпликка яна бир мисол: *tarqan* – «тархон» (унвон), *tarqat* – «тархонлар».

(5) *-ayut*, *-ägüt* қўшимчаси. Туркологияда *-ayut* қўшимчаси ҳам ўтмишда кўпликни англатган, деган қараш бор. Бироқ, ёзма ёдгорликлар тилида бу қўшимча билан келган сўзларда кўплик маъноси йўқ. Масалан, СЦ да: *alpayut* – «пахлавон» (V.24.11); *bayayut* – «боён» (V.41.24) сингари.

-ayut, *-ägüt* қўшимчаси, ҳарқалай, туркий тил тарихининг илк босқичларида кўпликни билдирганлиги аниқ, кейинчалик эса, *oylan* сўзида кўплик маъноси унутилиб, бирликка айлангани сингари, унинг ҳам вазифасида ўзгариш юз берган кўринади.

Келишик категорияси

Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тилида еттита келишик ишлатилган. Тартиби шундай:

<i>Келишикларнинг оти</i>	<i>Қўшимчалари</i>
1. Бош келишик:	-
2. Қаратқич келишиги:	<i>-niŋ, -niŋ / -nuŋ, -nüŋ; -iŋ, -iŋ / -uŋ, -üŋ.</i>
3. Жўналиш келишиги:	<i>-qa, -kä / -ya, -gä; -a, -ä; -yaru, -gärü / -qaru, -kärü; -yar, -gär / -qar, -kär; -ru, -rü; -ra, -rā.</i>
4. Тушум келишиги:	<i>-y, -g (-iŋ, -ig / -uy, -üg); -n; -ni, -ni; -i, -i.</i>
5. Ўрин-пайт келишиги:	<i>-da, -dä / -ta, -tä.</i>
6. Чиқиш келишиги:	<i>-dan, -dän / -dän, -din / -tan, tän / -tän, tin; -da, -dä / -ta, -tä.</i>
7. Восита келишиги:	<i>-n (-in, -in / -un, -ün).</i>

Қадимги туркий тилда келишик қўшимчалари сонининг кўплиги тил категорияларининг у қадар ривожланмаганидан эмас, аксинча, ушбу категория тилда ниҳоятда такомилга етгани, шунинг билан бирга, матн услубининг имкониятлари кенглигидан далолат беради. Бунинг қулайлиги шундаки, матнда бир қўшимча қайта-қайта ишлатилавер-

майди, ўрни билан, бошқа қўшимчалардан ҳам фойдаланилади. Шунда матн равон ва ўқишли чиқади. Қўшимчаларнинг кўплиги гап оҳангини (ритмни), айниқса, шеърий матнларда бўғинлар сонини (ҳижони) бир маромда таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Яна бир жиҳати, ҳар бир қўшимчанинг фонетик вариантлари мавжуд; сўзнинг фонетик хусусиятидан келиб чиқиб, қўшимчанинг у ёки бу варианты танланади.

Ёзма ёдгорликлар тилида жўналишнинг *-yaru, -gārū / -qaru, -kārū* қўшимчаси кенг қўлланган. Масалан, Тўньюкүк битигида: *Öñdän qayanyaru sü yorilim, tämiš.* – «Шарқдан хоқонга лашкар йўллайлик, дебди» (Топ.29); *Tabyačyaru Qoni sāñünüg idmiš, Qitanyaru Toñra Sämig idmiš.* – «Табғачга Қўни сангунни юборибди, Қитанга Тўнгра Семни юборибди» (Топ.9).

Жўналишнинг *-qa, -kā / -ya, -gā* қўшимчасига келсак, қадимда унинг жарангсиз ундошли *-qa, -kā* варианты устун эди, жарангли *-ya, -gā* варианты эса жаранглилик-жарангсизлик уйғунлигига мос ҳолда кейинчалик фаоллашиб кетган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асаридаги туркий матнларда жўналиш қўшимчасининг *-qa, -kā* вариантигина ишлатилган, *-ya, -gā* варианты эса учрамайди. Чунончи, жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга ҳам; унли товуш, жарангли ва сонор билан тугаган йўғон негизли сўзларга ҳам қўшимчанинг *-qa* варианты қўшилган. QBN да: *اقوشقا uqušqa* (15a,6), *قايوقا qayuqa* (12a,6) сингари. Шунга мувофиқ ҳолда, ингичка сўзларда унинг *-kā* варианты ишлатилади: *بيلگكә biligkā* (15a,6), *ايلكә elkā* (24b,11) сингари.

Бу қўшимчанинг жарангли ундош билан қўлланувчи варианты, ҳарқалай, XII юзйилликдан бошлаб фаоллашган кўринади. Масалан, «Ҳибату-л-ҳақойиқ»да унинг *-qa, -kā* варианты билан бирга, *-ya, -gā* варианты ҳам ишлатилган. Яъни, унли товуш, жарангли ёки сонорлар билан тугаган йўғон негизли сўзларга қўшимчанинг *-ya* варианты қўшилган. Yug.C да: *توارسيزغه tawarsizya* (13,4), *حساب سيزغه ḥisābsizya* (13,5) сингари. Шунга мувофиқ ҳолда, ингичка негизли сўзларга унинг *-gā* варианты қўшилади.

Қадимги туркий тилдаги жўналиш келишигининг *-yaru, -gārū / -qaru, -kārū* аффикси ҳозирги ўзбек тилида ҳам айрим сўзлар таркибида қолдиқ ҳолда учраб қолади. Масалан: *ичқари, илғари, ташқари, юқори* сўзларидаги *-қари, -ғари, -қари* жўналишнинг архаик қўшимчасидир. Тарихан улар икки морфемага бўлинган: *ич-қару, ил-ғару, таш-қару, юқ-қару* сингари. Ҳозирда эса жўналишнинг бу қўшимчаси алоҳида ишлатилмагани учун, улар ўзи боғланаётган сўз билан бирикиб кетган.

Жўналишнинг тарихий қўшимчаси сўз таркибига қўшилиб кетган бўлувига қарамай, бундай сўзларда жўналиш маъноси сақланган бўлади. Масалан, *ичкари* деганда «ич томон йўналиш», *ташқари* деганда эса «таш томон йналиш» маъноси бор. Шунинг учун уларга ҳозирги шароитда *-га* қўшимчасини қўшиб, *юқорига*, *ичкарига*, *ташқарига* шаклида ишлатиш хатодир. Уларни *-га* қўшимчасисиз ишлатишнинг ўзи етарли: *юқори кўтарилди*, *ичкари кирди*, *ташқари чиқди* сингари.

Шунинг сингари *нари*, *бери*, *сару* сўзларидаги *-ри* ҳам жўналиш келишигининг қолдиғи; ўтмишда бу сўзлар *нару*, *беру*, *сару* шаклида ишлатилган. Ёки *ичра* (<*ич-ра*), *ташра* (<*таш-ра*), *узра* (<*уз-ра*), *сўнгра* (<*сўнг-ра*) сўзларидаги *-ра* ҳам жўналиш келишигининг арахаик қўшимчасидир.

Тушум келишигининг *-н* қўшимчаси: *Qiat kelip başi birlä Oyuz qalqanin urdi. Oyuz čida birlä qiatniñ başın urdı, anı öltürdi. Qilič birlä başın kesti, aldı, ketti.* – «Қиёт келиб боши билан Ўғузнинг қалқонини урди. Ўғуз (эса) гурзи билан қиётнинг бошига урди, уни ўлдирди. Қилич билан бошини кесди, (сўнг) кетди» (ЎД.5.1–4).

Ёзма ёдгорликларда тушум келишиги *-i*, *-i* қўшимчаси билан ҳам ифода этилган:

*Eliğ aydı: Bilgä meniğ qilqimï
Körüp, menžätü, urdı bu atimï.*

«Элиг айтди: Доно менинг қилиқларимни
Кўриб, мажозий қилиб, менга ушбу отни қўйди» (QBN.35b.8)

Тушум келишигининг *-n*; *-ni*, *-ni*; *-i*, *-i* қўшимчалари билан бир қаторда *-у*, *-г* (*-iу*, *-ig* / *-уу*, *-üg*) аффикси ҳам кенг ишлатилган: *Bu türk bodunqa yaraqliууayıу kältürmädim, tögünlüg atıу yügürtmädim.* – «Бу турк халқига яроқли ёвни келтирмадим, яловли отини югуртирмадим» (Топ.54); *Türk Bilgä qayan türk sir bodunуу, oyuz bodunуу igidü olurur.* – «Қудратли Билга хоқон турк сир халқини, ўғуз халқини бошқариб турибди» (Топ.62); *Čıyañ bodunуу bay qiltim, az bodunуу öküš qiltim.* – «Қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим» (Ка.10); *Qaz qopsa, ördäk köliğ igännür.* Маъноси: «Ғоз (сувдан) кўтарилса, кўлни ўрдак эгаллайди» (ДЛТ,54).

Чиқиш келишиги *-dan*, *-dän* / *-din*, *-din* / *-tan*, *tän* / *-tin*, *tin* қўшимчалари билан бирга, *-da*, *-dä* / *-ta*, *-tä* қўшимчаси билан ҳам ифода этилган: *Tüpüt qayanta Bөлün kälti.* – «Тупут хоқонидан Бўлун келди» (Кб.12); *Kisi*

oylinta üzä äcüm-apam Bumîn qayan, İstâmi qayan olurmiş. – «Киши ўғлилари узра ота-бобом Бумин, Истамилар хоқон бўлиб тахтга чиқибди» (К.1).

Қадимги туркий тилда восита келишигининг қўшимчаси *-n* (*-in, -in / -un, -ün*). Мана мисоли: *Süçig sabîn, yîmşaq aÿîn arîp, îraq bodunuy ança yaÿutîr ârmis.* – «Ширин сўзи, нафис ипаклиги билан авраб, йироқ халқни шундай яқинлаштирар экан» (Ка.5); *Quş qanatîn, er atîn.* Маъноси: «Қуш қаноти билан, эр оти билан» (ДЛТ,28).

Восита келишигининг *-n* қўшимчаси ҳозирги ўзбек тилида ҳам айрим сўзлар таркибида қолдиқ ҳолида учраб туради. Масалан: *қишин-ёзин, очин-тўқин, эртан-индин* дейилади; ушбу бирикмалардаги *-ин* қадимги восита келишиги қўшимчасининг қолдиғидир. Ҳозирги ўзбек тилида восита келишигининг бу шакли ишлатилмайди. Шунинг учун бундай бирикмалар маъноси ёрдамчи сўзлар кўмагида очиқланади: *қишин-ёзин* – «қиши билан, ёзи билан» ёки «қиш бўйи, ёз бўйи», *очин-тўқин* – «оч ҳолда, тўқ ҳолда», *эртан-индин* – «эрта билан, индин билан» деган маъноларни англатади.

Сон туркуми

Туркий тиллар тарихида сонларнинг келиб чиқиши бармоқларга боғланади; киши ўз бармоқларини санаш орқали сонлар келиб чиққан. Бу фикр тўғрилигини айрим сонларнинг этимологияси киши бармоқлари билан боғлиқлиги ҳам кўрсатиб туради. Морфем қурилиши, семантикасига қараб айрим сонларнинг келиб чиқишини, этимологик асосларини аниқласа бўлади. Масалан, *bir* сўзидаги *bi* – «мен» дегани, қадимги туркларда санок кишининг ўзидан бошланган; *iki* сонининг келиб чиқиши *ilki* сўзи билан боғлиқ, чунки у *bir* дан кейинги илк сон; *üç* – энг учли бармоқ; *säkiz~sekiz* сўзининг ўзагида, ҳарқалай, «сакрамоқ» маъноси бор, у *yeti* билан *toquz* ўртасидаги «сакраб ўтиш»ни англатади; *toquz* сўзининг ўзагида эса «тўхташ; тўлиқлик» маънолари бор (масалан, *қўнгли тўқ* деймиз; *тўхта* сўзи ҳам айна ўзақдан: <*тўқ-та*), у бирликларнинг тугашига ишора қилади, шундан сўнг санокда ўнликларга ўтилади.

Ҳозирги ўзбек тилшунослигида сон туркумида ясалиш йўқ, деб қаралади. Бу ҳозирги ўзбек тилига нисбатан тўғри фикр, лекин тил тарихида туркий сонларда ясалиш бор. Сонлардаги ясалиш морфологик усулда ҳам, аналитик усулда ҳам амал қилган.

Қадимда *туб сонлар* бор ва *ясама сонлар* бор. Масалан: *bir, üç, dört, beş, altı, yeti, on, qırq, yüz, miñ, tümän* – туб сонлардир.

Энди сонларнинг ясалишига эътибор қилинг.

Масалан: *toquz, otuz, sekiz* сонларидаги *-z* – ясовчи қўшимча.

Ёки *altmīš* сони *alti* сўзидан, *yetmīš* сони *yeti* сўзидан морфологик усулда ясалган бўлиб, *-mīš, -mīš* аффикси бирликни ўнликка айлантиради: *altmīš* – «олтиланган / олтиланмиш ўн», яъни «олти кара ўн», *yetmīš* – «еттиланган / еттиланмиш ўн», яъни «етти кара ўн» деганидир.

Ёки *elig* сони *ellig*, яъни қўл бармоқлари(*el*)га нисбатан «бешталик ўн» англамидадир.

«Йигирма»ни англатувчи *yigirmi* сони *iki* сонидан ясалган: *iki-mi>yigirmi*.

Шунингдек, ҳозирги *саксон, тўқсон* сонлари тарихан *sekiz on, toquz on* шаклларида ишлатилган, маъноси «сакказта ўн», «тўққизта ўн» дегани. Маҳмуд Кошғарий буларнинг келиб чиқишини яхши очиб берган. Унинг ёзишича: *toqson* – сўнлардан «тўқсон». Асли *toquz on* бўлиб, икки сўз кейин бирлашиб кетган; *seksōn* – сонлардан «саксон». Асли *sekiz on* – «саккиз кара ўн» демакдир. Икки сўз бирлаштирилиб, бир сўз ҳолига келган (ДЛТ,174).

Қадимги туркий тилда йирик сонлар ҳам ифода этилган. Йирик сонлардан бири *tümān* дир, *tümān* – 10.000 дегани; ундан йириклари шунга қўшиб айтилаверади: *üč tümān* – 30.000, *biš tümān* – 50.000, *on tümān* – 100.000, *miñ tümān* – 10.000000 сингари.

Матнда келишига мисоллар: *Tabуač oη tutuq bās tümān sū kālti*. – «Табғач ўнг тутуқнинг беш туман қўшини келди» (X.25); *Čača Sāñūn sākiz tümān sū birlä sūñūšdüm*. – «Чача Сангуннинг саккиз туман қўшини билан урушдим» (X.26).

Анқарадаги Маориф кутубхонасида сақланаётган бир қўлёзмада туркий сон даражалари келтирилган (*қаранг*: Arat 1992,34–36, CLXVIII–CLXIX). Ҳар бир сон уйғур хатида берилиб, остида ўқилиши араб ҳарфлари билан изоҳлаб чиқилган.

Ушбу жадвалдаги сонлар тартиби қуйидагича: *bir, iki, üč, tört, beš, altı, yedi, sekiz, toquz; on, yigirmi, otuz, qırq, elig, altmīš, yetmīš, sekiz on, toquz on; yüz; miñ; tümān*. Жадвалда сонлар даражаси *tümān* – 10.000 билан тугайди.

Шундан сўнг *san saqış tükäti*, яъни «сон саноғи тугади» деб қайд этиб қўйилибди (бу қайд ҳам уйғур ва араб хатида). Муҳими шундаки, сирада уйғур ҳарфи билан ёзилган *tört* сонининг ўқилиши тагидаги араб хатида *törd, toquz* эса *doquz, elig – ellig* (ташдид билан), *toquz on – doquz on* деб изоҳланган. Шунга қараганда, матн ўғуз тилида сўзловчилар муҳитида (усмонли туркчасида) битилганини англаш мумкин.

Қадимги туркий тилда икки хонали сонларни айтишда икки хил тартиб ишлатилган:

Биринчиси, аввал бирликни айтиб, сўнг ўнликни айтиш тартиби: бунда бошлаб бирликни айтиб, сўнг шу сон қўшилган ўнлик эмас, балки ундан кейинги ўнлик айtilган: *yeti yigirmi* – бунинг билан «(ўндан ошиб) йигирма сари етти сони қўшилди» деган маъно англашилади; бу «ўн етти» деганидир.

Ёки яна мисоллар: *sekiz yigirmi*, яъни «(ўндан ошиб) йигирма сари саккиз сони қўшилди» деганидир, бу «ўн саккиз» бўлади; *beş yigirmi*, яъни «(ўндан ошиб) йигирма сари беш сони қўшилди» деганидир, бу «ўн беш» бўлади; *altı otuz*, яъни «(йигирмадан ошиб) ўттиз сари олти сони қўшилди» деганидир, бу «йигирма олти» бўлади.

Матнда ишлатилишига мисоллар: *Kül tigin qoñ yilqa, yiti yigirmikā ucdi. Toquzunč ay, yiti otuzqa yoğ ärtürtimiz.* – «Кул тигин қўй йилида, (биринчи ойнинг) ўн еттинчи (куни) ўлди. Тўққизинчи ойнинг йигирма еттисида азасини ўтказдик « (К.III); *İki otuz yaşima Tabyač tapa sülädim.* – «Йигирма икки ёшимда Табғач томон қўшин тартдим» (X.25–26).

Ушбу тартиб русчадаги соатни айтиш усулига ўхшаб кетади. Масалан, рус тилида: «пятьнадцать минут второго» дейилади, бу «(соат) бирдан ўтиб, икки сари ўн беш минут қўшилди», яъни «1.15» деганидир; ёки «тридцать минут третьего» дейилади, бу «(соат) иккидан ўтиб, уч сари ўттиз минут қўшилди», яъни «2.30» деганидир. Русча соатни айтишда вақт 60 минут оралиғидан келиб чиқиб айtilади, қадимги туркий тилда эса ўнталик сон оралиғида айtilади.

Иккинчиси, ҳозирги сингари аввал ўнликни айтиб, кейин бирликни айтиш тартиби; фақат бунда ўнлик билан бирликнинг орасига *artuqı* сўзи қўшилган. Бу ердаги *artuqı* сўзи «ўнликдан шунча сон ортди» деган маънони англади.

Матнда ишлатилишига мисол: *Qırq artuqı yäti yoli sülämis.* – «Қирқ етти йўла лашкар тортган» (K.15).

Кейинчалик тилнинг тежаш принципига кўра, орадаги *artuqı* сўзи ҳам тушиб қолган ва ҳозирги биз ишлатаётган тартиб келиб чиққан.

Икки хонали сонлар икки хил шаклда ҳам айtilган. Масалан, «85» – *biş toquz on / sekiz on artuqı biş*. Кўп хонали соннинг айtilилишига мисол: «45360» – *tört tümän, biş miñ, üç yüz, altmıš* (қаранг: Gabain 1950,104).

Қадимги туркий тилда тартиб кўрсаткичи *-nč* шаклида эди. Маҳмуд Кошғарий сонларга қўшиладиган тартиб кўрсаткичи тўғрисида ёзади: *ikinč* – иккинчи. Ўзидан олдинги соннинг давоми экани ва маълум сира-тартибда эканини билдириш учун ўндан кам бўлган сон сўзлари ўза-

гига *nün* ва *ċīm* орттириш қоидадир: *törtünċ* (тўрттинчи), *bešinċ* (бешинчи) каби. Буларнинг асли *tört*, *beş* эди. Юқоридаги мақсадда бу сўзларга *nün*, *ċīm* орттирилди. Буни ҳар қандай сон сўзларига қўшиш ҳам мумкин: *onunċ* – ўнинчи, *yigirmınċ* – йигирманчи каби. Бу қатъий қоидадир (ДЛТ,66).

Ҳозирги санокдаги *биринчи* сўзининг ўрнида қадимги туркий тилда *baštinqi* ёки *ilki*, *иккинчи* сўзининг ўрнида эса *ikinti~äkinti* ишлатилган. Масалан, буддизм муҳотида тоҳар тилидан қадимги туркий тилга ўгиррилган «Майтри симит нўм битиг» асарининг Тангрига алқов бўлими – *yükünċ ülüş*, *биринчи* бўлими – *baštinqi ülüş*, *иккинчи* бўлими эса *ikinti ülüş* аталган (қаранг: MS.96,116,142).

Қадимги туркий тилда ундан йирик сонлар тартиби эса *-nċ* қўшимчаси билан ифода этилган: *üčünċ* – «учинчи», *törtünċ* – «тўрттинчи», *bešinċ* – «бешинчи», *altınċ* – «олтинчи», *yetinċ* – «еттинчи», *säkizınċ* – «саккизинчи», *toquzunċ* – «тўққизинчи», *onunċ* – «ўнинчи», *bir yigirmınċ* – «ўн биринчи», *iki yigirmınċ* – «ўн иккинчи» сингари.

Феълга хос хусусиятлар

Сифатдош. Қадимги туркий ёдгорликлар тилида сифатдошлар қуйидаги аффикслар билан ҳосил қилинган:

-daċi, -däċi / -taċi, -täċi аффиксли сифатдош: *Ötükän yiş olursar, bāngü äl tuta olurtaċi-sän.* – «Ўтукан йишда ўтирилса, элни мангу тутиб туражаксан» (Ка.8); *Quldaċıqa miñ yaŋaq, barċa bilä ayruq tayaq.* – «Тиланчига мингта ёнғоқ, буларнинг устига яна суянадиган ҳасса ҳам беришим керак» (ДЛТ,167); *Sözüg sözlädäċi azar ham yazar.* – «Сўзни сўзлагучи адашади ҳамда гуноҳ қилади» (QBN.14b.10).

-quċi, -küċi / -yuċi, -güċi аффиксли сифатдош. «Қутадғу билиг»да:

*Meni bulyuċi qılqı alċaq keräk,
Köñül qusqı, til, sözdä yumşaq keräk.*

«Менга эргашувчи киши зариф бўлиши керак,
Кўнгли мулойим, тили, сўзи юмшоқ бўлиши керак» (QBN.31b,5).

*Urayin tegüċi özi ursuqar,
Basayin tegüċi özi bassıqar.*

«Мени урайин деганнинг ўзи урилади,
Мени янчайин деганнинг ўзи янчилади» (QBN.30b,10).

-*asi*, -*äsi* аффиксли сифатдош. «Девону луғати-т-турк»да: *barasi yer* – «борар ер»; *turasi oʻyur* – «туриш вақти». Кошғарийнинг урғулашича, бундай қўллаш ўғузларга хосдир (ДЛТ,26).

Чоғиштиринг, ҳозирги ўзб.: *келаси йил, ўласи қилиб урди*.

-*qu*, -*kü* / -*qu*, -*gü* аффиксли сифатдош. «Девону луғати-т-турк»да: *barqu yer* – «борар ер»; *turqu oʻyur* – «туриш вақти» (ДЛТ,26); *bitig bititgü oʻyur* – «хат ёзадиган вақт»; *at közätgü oʻyur* – «отга қарайдиган вақт»; *tariy taritqu yer* – «тариқ тортадиган жой»; *tariy aritqu yer* – «дон тозалайдиган жой» (ДЛТ,309).

-*ysaq*, -*gsäk* аффиксли сифатдош: *ol anı tutuysaq erdi* – «унинг вази-фаси уни олиш эди»; *ol anı satıysaq-ol* – «унинг вази-фаси уни сотишдир» (ДЛТ,301).

-*yli*, -*gli* аффиксли сифатдош. «Қутадғу билиг»да: *Tuyuyli ölü, kör, qalir belgüsüz.* – «Туғилган ўлади, кўр, ном-нишонсиз қолади» (QBN.13b.13);

*Tilim, tınmä, öggil yaratıylını,
Yaraysizni mendin yıratıylını.*

«Тилим, яратувчини тинмай мадҳ этгин,
Яроқсизларни мандан йиратувчини» (QBN.20b.9).

*Uçuyli, yurıylı, tınıylı neçä,
Titilgü seniñdin bulup yer iç-ä.*

«Қанчадан-қанча учадиган(лар), юрадиган(лар), нафас оладиган(лар)
Сендан ризқ топиб, ичиб-ейдилар» (QBN.8a.9).

*Törümüš näñ ersä, yoqalyu turur,
Törütügli xäliq ne qulsa qılır.*

«Яратилган нарса бўлса, албатта йўқ бўлади,
Яратувчи холиқ нимани истаса, қилади» (QBN.31a,8).

Чоғиштиринг, ҳозирги ўзб.: *ётиғли киши, севикли~суйукли асар*.

-*ta*, -*mä* аффиксли сифатдош. Масалан, «Девону луғати-т-турк»да: *köçürmä oсиq* – бир ердан иккинчи ерга кўчириладиган кўчирма ўчоқ; *köçürmä оуип* – «ўн тўрт» деган ўйин. Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, ерга кўрғонга ўхшатиб тўрт чизиқ чизиб, унга ўнта эшик қилинади-да, юмалоқ тош, ёнғоқ ташлаб ўйналади (ДЛТ,194).

Ҳозирги ўзбек тилида ишлатилаётган *қатлама*, *сузма*, *қовурма*, *қайнатма*, *димлама* сингари *-ма* қўшимчаси билан ясалган сўзлар тарихан сифатдошлар бўлиб, кейинчалик от туркумига ўтган. Уларнинг семантикасида асли сифатдош уюридан эканлиги яхши кўриниб туради: *қатлама* – «қатланган» дегани, *сузма* – «сузилган», *қовурма* – «қовурилган», *қайнатма* – «қайнатилган», *димлама* – «димланган» дегани. Буни уларнинг ҳосил бўлиш жараёнида ҳам кузатса бўлади. Бу сўзлар бошда икки компонентли (сифатловчи ва сифатланмиш) бўлган, кейинчалик эса сифатланмиши қисқариб, сифатловчисининг ёлғиз ўзи ишлатила бошлаган. Трансформацияси шундай: *qatlama* < *qatlama etmāk; süzmā* < *süzmā yoʻrut; qayurma* < *qayurma aš; qaynatma* < *qaynatma šorwa; dimlama* < *dimlama aš* сингари.

-r / -ar, -är / -ir, -ir / -ur, -ür аффиксли сифатдош. «Девону луғати-т-турк»да: *Qaynar ögüz keçigsiz bolmas*. Маъноси: «Тез оқар сув кечигсиз [яъни, кўприксиз] бўлмайди» (ДЛТ,157).

-miš, -miš / mis, -mis / muš, -müš / -mus, -müs аффиксли сифатдош:

*Elig aydi: Aytoldi, uqqil bu söz,
Ayitmiš sözünkâ yanut qildi öz.*

«Элиг айтди: Ойтўлди, бу сўзларни уққин,
Сўраган сўзингга мен жавоб қилдим» (QBN.40а,9).

*Törütkün bariña törütmiš tanuq,
Törütmiš äki bir tanuqi anuq.*

«Яратган [яъни, Холик] борлиги учун белги яратган,
Яратган ҳар икки нарчасида Воҳиднинг белгиси аниқдир» (QBN.8а.1).

-duq, -dük / -tuq, -tük аффиксли сифатдош. Кўк турк ёзувли битигларда: *Üzä kök täñri, asra yağız yär qilintuqda ikin ara kisi oylı qilinmis*. – «Юқорида кўк осмон, пастда кўнғир ер яратилганда, иккисининг ўртасида киши ўғли яратилибди» (К.1); *Äcim qayan olurtuqda özüm tarduš bodun üzä šad ärtim*. – «Амаким хоқон бўлиб турганда ўзим тардуш халқи узра шад эдим» (К.17); *Täñri küč birtük üçün qañim qayan süsi böri-täg ärmis, yağısi qoñ-täg ärmis*. – «Тангри куч бергани учун, отам хоқоннинг лашкари бўридек экан, душмани қўйдек экан»(К.12).

Маҳмуд Кошғарий бу қўшимча тўғрисида ёзади: Ўғузлар ва қипчоқларнинг баъзилари – суворинлар *qāf, yaun* ли сўзларда ва умуман йўғон

сўзларда *yā* ўрнига *qāf* алмаштириб, *dāl* ва *yā* эмас, *dāl* ва *qaf*, *kāg* ли ва умуман ингичка талаффузли сўзларда *dāl* ва *yā* ўрнига *dāl* ва *kāf* қўшадилар. Буларда бирлик ва кўплик ҳам бир шаклда, фарқсиздир. Чунки улар *qāf* ли сўзларда: *ya qurduq* – «у ёй қурди» тарзида қўллайдилар. «Мен ёй қурдим» ўрнида ҳам фарқсиз, бир хилда *men ya qurduq* шаклини қўллайдилар: *biz ya qurduq* – «биз ёй қурдик» каби. *yaun* ли сўзларга мисол: *ol sūt saydī (sayduq?)* – «у сут соғди»; *olar tayqa ayduq* – «улар тоққа чиқдилар». Сўзлови учун ҳам шундай: *biz ayduq* – «биз юқори чиқдик». Ўғон талаффузли сўзларда ҳам улар *dāl* ва *yā* ўрнида *dāl* ва *qāf* қўллайдилар: *ol anī urduq* – «у уни урди»; *men munda turduq* – «мен бу ерда турдим» каби. *kāf* ли ёки ингичка талаффузли сўзларда улар *dāl* ва *kāf* қўллайдилар. Чунончи, *ol keldük* – «у келди»; *biz keldük* – «биз келдик»; *olar ewkā kirdük* – «улар уйга кирдилар». Майлли сўзларда ҳам шундай: *men aḡar tawar berdük* – «мен унга мол бердим»; *men yarmaq terdük* – «мен танга тўпладим» (ДЛТ,225).

-ndī, -ndi аффиксли сифатдош. Маҳмуд Кошғарий «қўмилган нарса» англамидаги *kōmūndi nāḡ* сўзига изоҳ бера туриб, шундай ёзади: *nūn dāl yā [i]* ҳарфлари, яъни *-ndi* қўшимчаси феълларга қўшилиб, уларни отга айлантиради. Ортиқлик ёки ишланганлик маъносини билдиради. Бу арабча *fu'āla* шаклидаги сўзлар ўрнидадир.

Бу сўз шаклида иккинчи бир ҳол: ўтган замон феъли қўшимчаси *dāl* ва *yā [i]* билан феълнинг буйруқ ҳолида сақланадиган ўзак ҳарфи орасига *nūn* орттирилса, у вақтда бу сўз *ismi maf'ūl* мажҳул сифатдошга айланади. *suwnī sūzti* гапидаги *sūzti* сўзига асл ҳарфи *zā* билан ўтган замонни билдирувчи *dāl* ва *yā [i]* ҳарфлари орасига *nūn* орттирилса, *sūzūndi suw* шакли ҳосил бўлади. Бу *ismi maf'ūl* мажҳул сифатдошдир, яъни ҳаракат ўша исмга воқе бўлганини англатади (ДЛТ,179).

Маҳмуд Кошғарий *-ndī, -ndi* аффиксига кўйидаги бирикмаларни ҳам мисол келтирган: *sačīndī nāḡ* – «сочилган, тарқалган нарса»; *tađīndī nāḡ* – «тийилган, ман қилинган нарса»; *keđīndī ton* – «кўп кийилган кийим»; *sūrūndī er* – «ҳар ердан сурилган, қувғин қилинган киши»; *qīrīndī* – «ҳар нарсанинг қириндиси»; *üzūndī suw* – «кўп тинитиб тозаланган сув»; *qazīndī tupraq* – «қазилган тупроқ»; *selīndī otuḡ* – «селлар ариқ четига чиқариб ташлаган ўтин»; *salīndī nāḡ* – «ташланган, ташландиқ нарса»; *sulūndī* – «эркак кишиларнинг орқага осилтириб қўйган сочи». Кошғарийнинг таъкидлашича, бунинг асли *salīndī nāḡ* иборасидандир. Бу «доим осилиб-солиниб турадиган» демакдир. Бу ўхшовсиз кўпол сўздир; *tamīndī suw* – «томган сув, сув томчилари» (ДЛТ,179).

Сифатдошнинг бу қўшимчаси ҳозирги ўзбек тилида *келгинди, қиринди, чиқинди, юғинди* сўзларининг таркибида қолдиқ шаклида сақланиб қолган.

-qan, -kän / -yan, -gän аффиксли сифатдош: *Süsägän uđqa Täñri möñüz bermäs*. Маъноси: «Сузонғич [яъни, сузадиган] сигирга Худо шох бермайди» (ДЛТ,446).

*Bayat atı birlä sözüg başladım,
Törütkän, igiđgän, kečürgän idim.*

«Худо номи билан сўзимни бошладим,
Яратган, парваришлаган, кечирган эгамдир» (QBN.11b.11).

-yma, -gmä аффиксли сифатдош: *Yäti yüz kişig uduzuyma uluyi šad ärti*. – «Етти юз кишини хушёр қиладиган улуғи шад эди» (Топ.4–5); *Bu bitig bitigmä atisi Yol(l)uy t[igin]*. – «Бу битиг битилгучининг жигари Йўллуғ тигин» (Ка.13); *Añar körü biliñ, türük amti bodun, bäglär, äb ödkä körügmä bäglär, gü yañiltačisiz*. – «Унга қараб билинг, туркнинг эндиги халқи, беклар. Уй-дунёга(гина) қарайдиган беклар, бутунлай гумроҳсиз» (Ка.11).

Равишдош. Қадимги туркий ёдгорликлар тилида равишдошлар қуйидаги аффикслар билан ҳосил қилинган:

-a, -ä аффиксли равишдош:

*Eligkä kirü ham čıqqa törčidi,
Elig eđgü közün baqa törčidi.*

«Элиг хузурига кириб-чиқиб, кўриниб иш қилиб юрди,
Элиг ҳам унга яхши кўз билан қараб кузатди» (QBN.28a.11).

-u (-yu), -ü (-yü) аффиксли равишдош: *Alp Šalči aqin binip oplayu tägdi*. – «Алп Шалчи (лақабли) оқ (оти)ни (3) миниб, отилиб хужум қилди» (Кб.2–3); *Yañilmaz kişi kim, ayu ber meñä*. – «Янглишмас киши ким, айтиб бер менга» (QBN.14b.3).

-p / -b аффиксли равишдош: *Tewäy münüp qoy ara yašmas*. – «Туя минган киши кўйлар орасида яширинолмайди» (ДЛТ,345); *Bu yärdä olurup tabyač bodun birlä tüzültüm*. – «Бу ерда ўтириб, табғач халқи билан муроса қилдим» (Ка.4–5).

-i / -i аффиксли равишдош: *Tabyač qayanqa älin törüsin alı birmis*. – «Табғач хоқонга давлат ҳоқимиятини олиб берибди» (К.8).

-pan, -pän / -ban, -bän аффиксли равишдош: *Olurupan türük bodunun älin, tör[ü]sin tuta birmis, iti birmis.* – «Тахтга чиқиб турк халқининг мамлакатини, ҳокимиятини тутиб турибди, тартибга солибди» (К.1).

-madīp, -mädiṗ аффиксли равишдош:

*İglädi meniṗ aḍaq,
Körmädiṗ oyri tuzaq.
İglädim andin uzaq,
Emlägil emdi, tuzaq.*

«Яширин тузоқни кўрмай, менинг оёғим илинди. Узоқ вақт қийналдим, эй севиклим [яъни, *tuzaq*], энди ўзинг давола» (ДЛТ,153).

-qali, -käli / -yali, -gäli аффиксли равишдош: *er qulin uryalī sesindi / sesāndi* – «киши қулини уришга қасд қилди» (ДЛТ,253).

-qinča, -kinčä / -yinqä, -ginčä / -qunča, -künčä / -yuncä, -günčä аффиксли равишдош: *Öküz aḍaqi bolıyinqä, buzayı başı bolsa yig.* Маъноси: «Хўкизнинг оёғи бўлгунча, бузоқнинг боши бўлган яхшироқ» (ДЛТ,37).

-matī, -mäti / -madī, -mädi / -matin, -mätin / -madin, -mädin аффиксли равишдош: *Bunča isig, küčüg birtükgärü saqinmatī «türük bodun ölüرایin, uruysiratayin» tir ärmis, yoqadu barir ärmis.* – «Шунча меҳнатини, кучини берганига андиша қилмай (табғач хоқони) «турк халқини ўлдирайин, уруғини қирайин» дер экан, йўқотиб бораётган экан.» (К.10); *Antayinın için igidmiş qayaninın sabin almatin yär sayu bardıy.* – «Ўшандайлигинг учун (сени) ардоқлаган хоқонингнинг сўзини олмайин ҳар ерга тарқаб кетдинг» (Ка.9–10).

Феълнинг буйруқ шакли. Тингловчига буйруқ феълнинг бош шаклида бўлади: *kel-, bar-, al-, tut-, başla-* сингари. Кўплиги эса феълнинг бош шаклига *-iniz, -iniz* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинади.

Ўзгага буйруқ феълнинг ўзак-негизи охирига *-zun, -zün / -sun, -sün* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган .

«Кутадғу билиг»да ўзгага буйруқнинг бирлик қўшимчаси *-su, -sü / -sun, -sün* ҳамда *-sunī, -sünī* шаклларида ишлатилган: *Yağa tursu yağmur, yazılsu çeçäk.* – «Ёғаверсин ёмғир, очилсин чечак» (QBN.11b.4); *Qutadsu atī, bersü iki jihan.* – «Оти қутли бўлсин, (худо унга) икки жаҳонни берсин» (QBN.10b.5). Ёки:

*Eliḡ aydi: ündä, meṗa kirsünī,
Köräyin anī men, meni körsünī.*

«Элиг айтди: Чорла, менинг хузуримга кирсин,
Мени уни кўрайин, у мени кўрсин» (QBN.27a.9).

Ёзма ёдгорликларда феълнинг истак шакли ҳам айни қўшимча билан ҳосил қилинади:

*Eligkä tosulsun bu erdämlärim,
Ačilsun, meniñ ketsü emgäklärim.*

«Бу санъат-хунарларим элигга ярасин,
(Элиг) хурсанд бўлсин, менинг ташвишларим кетсин» (QBN.23b.6).

Буйруқнинг бўлишлиси ҳам, бўлишсизси ҳам *-yïn, -gin / -qïn, -kin* қўшимчаси билан таъкидланади: *yatqïn, baryïn, äylägin* сингари. Бу қўшимча тингловчи буйруғига қўлланади, ўзга буйруғига қўлланмайди.

Истак шакли сўзловчилар кўплигида *-älim, -alim* қўшимчаси билан ифодаланган. Мана мисоли:

*Tegrä alip egrälim,
Attin tüšüp yügrälim.
Arslanlayu kökrälim,
Küčï anin kewilsün.*

Айтмоқдаки: Теваракни ўраб олиб, ёв йўлини кесиб қўяйлик. Отдан тушиб, ғазаб билан (ёвга) ҳамла қилайдик. Арслонлардек наъра тортайлик, бу ҳаракатимиздан ёв кучи кесилиб, заифлашсин (ДЛТ,212).

Сўзловчи ўзига буюрмайди, унда истак бўлади, холос. Ёзма ёдгорликлар тилида сўзловчи истаги *-ayïn, -äyïn* қўшимчаси билан ҳосил қилинган:

*Nekü-ol munuñ ma'nisi ay meñä,
Biläyïn, uqayïn, bütäyïn señä.*

«Бунинг маънисини менга айтиб бер,
Мен билиб олайин, тушунайин ва сенга ишонч ҳосил қилайин» (QBN.32a,14).

Шарт кўрсаткичи. Қадимги туркий тилда шарт кўрсаткичи *-sar, -sär* шаклида эди. Сўзловчи бирлиги ва кўплиги, тингловчи бирлиги ва кўп-

лигининг шарт кўрсаткичи ҳам ўзга шарт кўрсаткичи сингари *-sar, -sār* билан ифода этилаверган. Уларга шахс-сон қўшимчаси қўшилмайди, лекин маънода фарқ бор. Шартнинг кимга ёки нимага тегишлилигини эгадан англаш мумкин. Масалан, кўк турк битигларида: *Türük qayan Ötükän yiş olursar, ältä buñ yoq.* – «Турк хоқони Ўтукан йишда ўтирса, мамлакатда қайғу бўлмайди» (Ка.3); *Eltäriş qayan qazyanmasar, udu ben özüм qazyanmasar, el yemä, bodun yemä yoq ertäci erti.* – «Элтариш хоқон зафар қозонмаганида, унга эргашиб менинг ўзим зафар қозонмаганимда, эл ҳам, халқ ҳам бўлмаган бўларди» (Тон.54–55).

Қадимги *-sar, -sār* кейинчалик *-sa, -sä* шаклини олди.

«Қутадғу билиг»да ҳам сўзловчи бирлиги ва кўплиги, тингловчи бирлиги ва кўплиги учун шарт кўрсаткичи *-sa, -sä* шаклида қўлланавери:

Qali ebgü bulmaq tiläsä özün. – «Агар ўзинг эзгулик топмоқ тиласанг» (QBN.15b.2);

*Uđir erdiñ ersä, tur, ač emdi köz,
Ešitmädiñ ersä, ešit mendä söz.*

«Ухлаётган бўлсанг, тур, энди кўзингни оч,
Эшитмаган бўлсанг, сўзимни эшит» (QBN.10a.15).

Nekülüg tesä sen ayayin señä. – «Қанақасига деб сўрасанг, айтайин сенга» (QBN.14b.1).

«Ҳибату-л-ҳақойиқ»да ҳам тингловчи шарт *-sa, -sä* билан ифода этилган: *Axi erni öggil ögär ersä sen.* – «Саҳий эрни мақтагил, мақтар бўлсанг сен» (YugC.22.10).

Матнда гапларнинг чегарасини аниқлаб олиш

Матнни англашда, унинг мазмунини талқин қилишда гапларнинг чегарасини аниқлаб олиш муҳим масала. Қўлёзма манбаларда тиниш белгилари ишлатилган эмас, шунинг учун ҳам, матнда гап чегарасини аниқлаш анча қийин иш.

Таъкидлаш ўринлики, ўтмишда матндан гап чегарасини аниқлаб олиш ўқувчининг билим ва тафаккурига, идрокига юклатилар эди. Матнни ўқиётган киши унинг мазмуни, фикр тугаллигига таяниб, гап чегарасини аниқлаб борган.

Ёзма манбаларни илмий транскрипцияга ўгирган олимлар, илк матнга таянган ҳолда, кўпинча, тиниш белгиларини ишлатмайдилар. Бу тўғри йўл, чунки матнда йўқ нарсани илмий транскрипцияда бериш ҳам маъқул эмас. Бироқ, шундай жумлалар бўладики, тиниш белгиларисиз унинг мазмунини илғаб олиш мушкул. Ҳозирги ўқувчи бундай матнни тушунишда адашади, уни тадқиқ этишда чалғийди. Шунинг учун ҳам қўлёзмани илмий нашрга тайёрлаш жараёнида мутахассиснинг ўзи бирийўла тиниш белгиларини қўйиб, гапларни чегаралаб кетгани маъқул. Гап чегарасини аниқлашнинг эса ўзига яраша қоидалари, талаблари бор.

Ёзма манбаларда гап чегарасини аниқлашдаги бош ўлчов – мантиқ, фикр бутунлиги ва гапнинг синтактик жиҳатдан шаклланганлигидир. Ёзма ёдгорликларни ўқиётганда фикр тугаллиги, матн мазмуни ва туркий тилнинг синтактик хусусиятларини инобатга олган ҳолда гапларни чегаралаб борамиз.

Мисол тариқасида Берлин қўлёзмалар фондида Т.М.75 (U 5252) кўрсаткичи остида сақланаётган қарзга кунжит олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатни (ТХ.11) кўриб чиқамиз. Матн ўн бир қаторли, уни Қайимту отли киши ёзган. Бир-икки ўринда тузатишлари бор. Масалан: 3- қаторда *Qimī(r)* ёзиб юбориб, устидан *Qayīmtu* деб тузатилган; 5- қаторда *yañıqa* ёзиб, *-qa* қўшимчасининг устидан *-ta* деб тузатилган. Шуларни инобатга олганда, матн қуйидагича ўқилади:

- (1) biçin yıl törtünç ay on
- (2) yañıqa meñä qimırqa tüškä
- (3) күнçit kergäk bolup qayımtudın
- (4) tört şıñ күнçit aldım күз
- (5) yañıta sekiz şıñ күнçit köni
- (6) berür men bergünçä bar yoq bolsa men
- (7) inim itapa anı tegilär bilä
- (8) köni bersünlär tanuq temir
- (9) tanuq señä bu nişan men ita(pa)
- (10) niñ ol men qayımtu itaba(qa)
- (11) ayıtıp bitidim

Фикр бутунлиги, матн мазмуни, эски туркий тилнинг синтактик хусусиятлари ушбу матнни қўйидаги гапларга ва тактларга ажратишга имкон беради; тиниш белгиларини ҳам шунга мувофиқ тарзда қўйиб чиқамиз:

Biçin yıl, törtünç ay, on yañıqa meñä, Qimırqa, tüškä күнçit kergäk bolup, Qayımtudın tört şıñ күнçit aldım.

Küz yañita sekiz şin künçit köni berür-men. Bergünçä bar-yoq bolsa-men, inim İta pa anı tegilär bilä köni bersünlär.

Tanuq – Temir; tanuq – Sejä.

Bu nišan men, İta(pa)-niñ-ol.

Men, Qayımtu İtaba(qa) ayıtip bitidim.

М а з м у н и:

Маймун йили, тұртинчи ойнинг ўнинчи кунида менга – Қимирга, ишлатишга кунжит керак бўлиб, Қайимтудан тұрт шинг кунжит олдим.

Куз бошида уни саккиз шинг қилиб қайтараман. Бергунча бор-йўқ бўлсам [яъни борман-йўқман], иним Итапа уни уйдагилар билан аниқ берсинлар.

Гувоҳ – Темир, гувоҳ – Сенга.

Бу нишон мен, Итапаникидир.

Мен Қайимту Итападан сўраб ёздим [унинг оғзидан чиққан сўзи бўйича ёздим].

Ўзма ёдгорликлар тилида кесим ва унинг ифодаланиши

Туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида гапнинг кесими кўпинча феълдан тузилади. Ўрни билан, бошқа сўз туркумлари (от, сифат, сон ва б.) ҳам кесим бўлиб келуви мумкин. Бироқ, исмлар кесим бўлиб келганда, муҳим бир ҳодисани инобатга олмоқ керак. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидан олинган *Бу уй чиройли* ҳамда *Менинг ниятим шу* гапларининг тузилишига эътибор қаратайлик. Келтирилган иккала гапнинг кесими феъл эмас: биринчиси сифат, кейингиси олмош. Анъанавий грамматикада уларни *от-кесим* деб юритилади. Аммо ушбу гапларнинг кесими шуларнинг ўзи билан шаклланаётгани йўқ. Уларда биз кесим деб санаётган сифат ва олмошдан кейин мантиқан таъкидни билдирувчи *-дир* боғламаси турибди: *Бу уй чиройли(дир)*; *Менинг ниятим шу(дир)*. Бунинг сингари мисолларни яна келтиришимиз мумкин: уларнинг ҳаммасида ҳам кесим ўрнида *-дир* қўшимчаси талаб этилади ва бундайин «от-кесим»ли гапларнинг кесими мантиқан феълга қайтаверади.

Ҳозирги биз қўллаётган *-дир* боғламаси қадимги туркий тилдаги *turur* кўмакчи феълнинг қисқарган шаклидир: *turur / durur > tur / dur > dir*.

Ўзма ёдгорликларда *turur* феълининг икки хил вазифаси бор: биринчиси, мустақил феъл бўлиб келади. Иккинчиси, кўмакчи феъл вазифасида ишлатилади.

Маҳмуд Кошғарий феълнинг бу маъноларини яхши берган: *er yuqaru turdī* – «киши ва бошқалар ўрнидан турди». Кошғарий бу феълнинг келаси замон шакли ва масдарини ҳам келтирган: булар *turur, turmaq*.

Turur кўмакчи феълига эса шундай таъриф беради: «*turur* – ўтган замон ва масдар шакллари бўлмаган келаси замон феълдир. ... Бу сўз бирон бир нарсанинг сўзланаётган вақтда ўз ўрнида барқарор эканини англатади. Чунончи, *ol ewdā turur*, яъни «у уйдадир», демакдир. Бу гапда бу сўз «тик турмоқ» маъносида эмасдир ёки *er sōgāl turur* – «киши касалдир», демакдир. Бу ерда «тик турмоқ» маъносида эмас (ДЛТ,386).

Ёки бошқа бир ўринда кўмакчи феъл тўғрисида шундай ёзади: *turur* – ўтган замон шакли ва масдар шакли йўқ, келаси замон феълдир. У боғлама маъносида (келади): *ol taš turur* – «у тошдир»; *ol quš turur* – «у қушдир». Бу боғлама – тамомловчидир (ДЛТ,210).

Бунга Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридан бир мисол:

*Beg atī bilig birlā bayliḡ turur,
Bilig lāmi ketsā, beg atī qalur.*

«Бег» оти «билиг» билан боғлиқдир,
«Билиг» (сўзидан) «лом»(ҳарф)и кетса, «бег» оти қолади (QBQ.53a,13).

Ёзма ёдгорликлар тилида ҳам от-кесимли гаплар кўп ишлатилган. Табиийки, бундай гапларнинг кесими мантиқан *turur* феълени талаб қилади.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида шундай мақол бор: *Erdām bašī til*. Маъноси: «Одобнинг боши тил» (ДЛТ,55). Ушбу мақолнинг эгаси – *bašī* (яъни, «бошланиши»), кесими эса – *til*; ҳозирги анъанавий грамматик қоидага кўра от-кесим. У мантиқан ўзидан кейин *turur* боғламасини талаб қилади: *til turur*, яъни «тилдир».

Ушбу мақолнинг мантиқий феъл-кесим билан тикланган шакли (трансформацияси) шундай бўлади: *Erdām bašī til (turur)*.

Бошқа бир мақол: *Qul – yaḡī, it – bōri*. Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳича, «қул – ёв, у қўлидан келса, эгасининг молидан олиб, фурсат топиб, қочишнинг пайида бўлади. Ит ҳам хонадон учун бўридир. Чунки у ейдиган нарса топса, ундан ўзини тия олмайди. Бу мақол қулнинг хўжайинига оз вафо қилишини билдириш учун айтилган» (ДЛТ,138).

Ушбу мақол боғловчисиз қўшма гап шаклида бўлиб, биринчи гапнинг кесими – *yaḡī*, иккинчи гапники эса – *bōri*. Ҳар иккала кесим ҳам мантиқан *turur* боғламасини талаб қилади. Гапда услуб жиҳатдан туши-

рилган ана шу боғламани жойига қўйсақ, мақолнинг мантиқий феъл-кесим билан тикланган шакли қуйидаги кўринишга эга бўлади: *Qul yaʼī (turur), it böri (turur)*.

Ёки мақолда: *Oylan biligsiz*, дейди. Маъноси: «Болада ақл йўқ», дегани (ДЛТ,155). Сўзма-сўз «Бола ақлсиз».

Ушбу мақолнинг мантиқий феъл-кесим билан тикланган шакли қуйидаги кўринишга эга бўлади: *Oylan biligsiz (turur)*.

Гапларда услубан тушириладиган боғлама билан услубий жиҳатдан тушириладиган феъл-кесимни қориштирамаслик керак. Иккови бошқа-бошқа ҳодисадир. Бунга бир мисол.

Девонда: *Alp čerigdä, bilgä tirigdä*, деган мақол бор. Маъноси: «Ботир жанг алангасида (синалади), доно мажлисда (синалади)» дегани (ДЛТ,156). Ушбу мақол қўшма гап шаклида бўлиб, ҳар иккала гапда кесим туширилган. Улар, гапнинг мазмунига кўра, мажхул нисбатдаги *sinalur* («синалади») ёки *bilinür* («билинади») феълларидир.

Мақолнинг феъл-кесимни ўрнига қўйиб тикланган шакли шундай бўлади: *Alp čerigdä (bilinür), bilgä tirigdä (bilinür)*.

Яна бир мисол.

Quldačıqā miñ yaʼaq, barča bilä ayruq tayaq. Айтмоқдаки: «Тиланчига мингта ёнғоқ, буларнинг устига яна суянадиган ҳасса ҳам беришим керак» (ДЛТ,167).

Қўшма гап шаклидаги ушбу мақолда *bergil* феъли туширилган. Уларни тиклаганда биринчи гапда *bergil*, иккинчи гапда эса таъкид юклама билан қўшиб айтамиз. Шунда мақолнинг феъл-кесимни ўрнига қўйиб тикланган шакли қуйидаги кўринишга эга бўлади: *Quldačıqā miñ yaʼaq (bergil), barča bilä ayruq tayaq(-ma bergil)*.

Уйғур ёзувли қадимги туркий васиқаларда гувоҳларнинг исми-шарифи қайд этилган компонент, одатда, боғловчисиз қўшма гап шаклида берилиб, содда гапларнинг эга ва кесимлари ўзаро тенг муносабатли бўлади. Масалан: *Tanuq – Qutadmış Qaya, tanuq – Señičün* («Гувоҳ – Қутадамиш Қая, гувоҳ – Сенгичун») (ТХ,43,2.25v–26v). Табиийки, бундай гапларда мантиқан *turur* феъли талаб қилинади.

Шу ўринда муҳим бир мисол. Мунгсуз Қаянинг Турмиш Темурга берган тилхатида олди-берди тўғрисидаги маълумотдан сўнг, қоидага кўра, гувоҳларнинг исми-шарифи қайд этилган. Ўша жойда кишилар ўртасидаги келишув жараёни *söz*, унда гувоҳ бўлиб қатнашаётганлар *bu sözkä ... tanuq* дея тилга олинади: *Bu sözkä Qora Qidar tanuq, Küč-Temür, Ač-Buqa, Tügäl Q(a)ya, Buyan Q(a)ya tanuq* («Бу сўзга Қўра Қидар гувоҳ, Куч-Темур, Ач-Буқа, Тугал Қая, Буян Қая гувоҳ») (ТХ,47,11–12).

Шунга биноан, юқорида келтирилган *Tanuq – Qutadmiš Qaya, tanuq – Sejičün* гапининг тўлиқ тикланган кўриниши (*Bu sözkä*) *tanuq – Qutadmiš Qaya (turur), tanuq – Sejičün (turur)* ёки (*Bu sözkä*) *Qutadmiš Qaya tanuq (turur), Sejičün tanuq(turur)* шаклида бўлади.

Битигларда *Qutluq Čigši-ben* (Е.19.1), *Bilgä Tönuquq-ben* (Тон.1) кўринишидаги жумлалар ҳам ишлатилган. Буларнинг тўлиқ тикланган шакли: (*Ben*) *Qutluq Čigši (turur)-ben*, яъни «(Мен) Қутлуғ Чигси(дир)ман»; (*Ben*) *Bilgä Tönuquq (turur)-ben*, яъни «(Мен) Билга Тўнюқуқ(дир)ман».

Матнлар тилида таъкид маъносидagi *-ol* боғламаси ҳам кесимликни таъминлайди. Унинг вазифаси ҳозирги ўзбек тилидаги *-dir* га тўғри келади.

Bu tamya biz, ikägüniñ-ol. – «Бу тамға биз, иккимизникидир» (ТХ,1,18v).

Bu tamya men, Titsuniñ-ol. – «Бу тамға мен, Титсуникидир» (ТХ,1,20v).

МАҲМУД КОШҒАРИЙ ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ЛАҲЖАЛАР ТЎҒРИСИДА

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида, ўрни билан, ўша замондаги турк лаҳжа ва диалектлари ўртасидаги фарқлар, уларнинг фонетик, лексик-семантик, морфологик ва услубий хусусиятларини баён этади. Муаллиф сўзи билан айтганда, унда «ҳар бир қабиланинг ўзига хос хусусиятларига кўра қиёсий қоидалар тuzилган».

Кошғарий турк диалектларининг катта бир гуруҳини (бу ўринда етакчи диалектларга асосланган адабий тил назарда тутилади) «турк», муайян диалект, қавм, уруғларни уларнинг ўз отлари билан (масалан, «ўғуз», «қипчоқ», «чигил» ва б.) атайди. Ора-ора уларнинг етакчи диалектлардан (яъни, «туркча»дан) фарқли жиҳатлари, ўзига хосликлари қайд этиб ўтилади (қаранг: Содиқов 2006, 89–94).

Турк тили хусусиятларининг баёни

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, энг тўғри ва аниқ тил фақат биргина шу тилни биладиган, форслар билан аралашмайдиган ва шаҳарларга бориш-келиш қиладиган одами бўлмаган кишиларнинг тилидир. [Улар] *суйдақ, кәнчәк, аргу* лар каби икки тилда сўзлашувчилардир; *хотан* ликлар, *түпүт* лар ва *танут* ларнинг баъзилари каби икки тилда сўзлайдиганлар ва бошқа шаҳарларга бориб юрганлар тилида бузуқлик бор. Булар бу ерларга сўнгроқ келишган (ДЛТ,25).

Кошғарий японлар тўғрисида ҳам сўз юритган, уларни *čabarqa* деб атаган. Улар тўғрисида: «*čabarqa* ликларнинг узоқда туриши, *Māšīn* билан уларни катта денгиз айириб тургани учун уларнинг тиллари билинмайди» деб ёзади олим (ДЛТ,25).

Māšīn ликлар ва *šīn* ликларнинг алоҳида тиллари бор бўлса ҳам, шаҳарликлар туркчани яхши биладилар, бизлар билан ёзишмалари туркчадир. *Yājūj* ва *mājūj* лар узоқда тургани, орада *Māšīn* яқинидаги денгиз тўсқинлик қилиши натижасида уларнинг тиллари ҳам маълум эмас (ДЛТ,25).

Tūpūt ларнинг тиллари алоҳидадир. Шунингдек, *xotan* ликларнинг ҳам айрим ёзувлари ва айрим тиллари бор. *Tūpūt* ликлар ҳам, *xotan* ликлар ҳам туркчани яхши билмайдилар (ДЛТ,25).

Uyūr ларнинг тиллари туркчадир, лекин ўзлари бир-бирлари билан сўзлашадиган бошқа бир тиллари ҳам бор. Ёзувда китобнинг бош қисмида кўрсатилган 24 ҳарfli туркча ёзувни қўлловчилар, хатларини шу ёзув билан ёзадилар. *Uyūr* ларнинг ҳам, *šīn* ликларнинг ҳам яна бошқа бир ёзувлари бор. Китобларини, идора ишларини у хат билан юритадилар. *šīn* ликлар ва мусулмон бўлмаганлардан бошқалар у хатни ўқий олмайдилар. Мен бунгача сўзлаганларим шаҳар халқларидир (ДЛТ,25).

Саҳройилардан бўлган *čumul* ларнинг тиллари алоҳидадир. [Улар] туркчани ҳам биладилар. Шунингдек, *qay, yabaqu, tatar, basmīl* қабилаларининг ҳар бирининг тили ўзига хосдир. Шу билан бирга, улар туркчани ҳам яхши биладилар. Сўнгра *qirqiz, qiwčaq, oʻyuz, tuxsī, yaʻma, čigil, iʻraq, čaruq* тиллари фақат туркчадир. *Yāmāk* ва *bašyirt* тиллари буларга яқиндир. *Rūm* гача чўзилган *bulyar, suvar, pāčānāk* лар тили бир хилдаги сўзларнинг охири қисқартирилган бир туркчадир (ДЛТ,25).

Тилларнинг энгили ўғузча, энг тўғриси, яхшиси *yaʻma, tuxsī* кабиларнинг тили ва, шунингдек, *İla* (Или), *Ertiš* (Иртиш), *Yamar, Etil* водийларидан *uyūr* шаҳарларигача бўлган жойларда яшовчилар тилидир. Буларнинг ичида энг очиқ ва равон тил – хоқония ўлкасида яшовчиларнинг тилидир. *Balasaʻyun* ликлар суғдча ва туркча сўзлайдилар. *Ṭirāz* (Талас) ва *Madīnatu-l-bayḍa* шаҳарларининг халқлари суғдча ҳам туркча сўзлайдилар. *İspijāp* [Испижоб – ҳозирги Чимкент]дан то *Balasaʻyun* гача бўлган *arʻyu* шаҳарларининг ҳаммасида яшовчиларнинг тилида ҳам камчилик бор. *Kāšyar* да канжакча сўзлашадиган қишлоқлар бор. Шаҳар ўртасида турувчилар хоқония туркчасида сўзлайдилар (ДЛТ,25).

Rūm дан *Māšīn* гача бўлган турк шаҳарларининг ҳаммасининг бўйи беш мингдан саккиз минг фарсаҳгача етади. Бу шаҳарлар ўрнини аниқ-

лаш мақсадида уларнинг ҳаммасини ер шаклидаги доирада кўрсатдим (ДЛТ,25).

Маҳмуд Кошғарий туркий тилларни иккига ажратади: бири, барча туркий қавмлар учун тушунарли бўлган, расмий ишларда ва ёзма адабиётда қўлланувчи, ўтмиш ёзма тил анъаналарини сақлаб келаётган *ёзма-адабий тил*, буни муаллиф «туркча», «хоқония тили» деб атаган: «Буларнинг ичида энг очиқ ва равон тил хоқония ўлкасида яшовчилар тилидир» дейилганда ана шу ёзма адабий тил назарда тутилмоқда. Луғатга асос қилиб ёзма-адабий тилда қўлланувчи сўзлар олинган. Диалектал лексика эса ана шу луғат қатлами теварагида, унга чоғиштириб борилади. Шунга кўра, асар эски туркий ёзма адабий тилинигина эмас, эски туркий диалектларни ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, Маҳмуд Кошғарий туркий тилларни илмий таснифлаган, эски туркий шеваларни ўрганиб, туркий тилнинг йирик, фундаментал илмий грамматикасини яратган биринчи олимдир.

Лаҳжалар ўртасидаги фонетик фарқлар тўғрисида

Маҳмуд Кошғарийнинг урғулашича, туб сўзларда ўзгаришлар кам бўлади. Сўзлардаги ўзгариш ҳарфларда, баъзи ҳарфларнинг алмашувида, тушувидадир (ДЛТ,25). Асарда «ҳарфлар» дейилганда «товушлар» назарда тутилади. Шунга кўра, бу ўринда туркий сўзлардаги товуш ўзгариши, товушлар алмашинуви, сўз бошида товуш ортиши ва товушлардаги тушиш ҳодисалари тўғрисида сўз бормоқда.

[m-] нинг [b-] га ўзгариш ҳодисаси. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, сўз бошидаги [m] ҳарфини ўғузлар, қипчоқ ва суворинлар [b] га айлантирадилар. Масалан, турклар *men bardim* десалар, улар *ben bardum* дейдилар.

Турклар «шўрва»ни *mın* десалар, улар *bın* дейдилар (ДЛТ,26).

Ёки бошқа бир ўринда, унинг ёзишича: *men* – «мен» англамидаги бир сўз (туркча) (ДЛТ,139).

Ушбу олмошнинг ўғузча шаклига эса шундай изоҳ беради: *ben* – «мен» англамидаги бир сўз; *ben bardim* – мен бордим (ўғузча). Турклар *men* дейдилар (ДЛТ,138).

[-y-] ва [-u] нинг [-n-] ва [-n] га ўзгариш ҳодисаси. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, сўз ўртасида ёки охирида келган [y] ни арғулар [n] га алмаштирадилар. Масалан, турклар *qoy* (қўй) десалар, улар *qon* дейдилар.

Турклар «камбағал»ни *çiуау* десалар, улар *çiуан* дейдилар. Турклар *qayu nāη* (қайси нарса) десалар, улар *qani* дейдилар (ДЛТ,25–26).

[t] нинг [d] га ўзгариш ҳодисаси. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, сўздаги [t] ни ўғузлар ва улар яқинидагилар [d] га айлантирадилар, чунончи, «туя»ни *tewāu* десалар, ўғузлар *dewāu* дейдилар.

Турклар «тешик»ни *ōt* десалар, улар *ōd* дейдилар (ДЛТ,26).

Туркий қабилаларнинг кўпгина сўзларидаги [d] ҳарфи ўғузларда [t] бўлади. Масалан, «ханжар»ни турклар *bügdä* десалар, улар *büktä* дейдилар.

«Жийда»ни турклар *yigdä* десалар, ўғузлар *yigtä* дейдилар (ДЛТ,26).

[w] нинг [v] га ўзгариш ҳодисаси. «bā билан fā махражлари орасидаги **ف w**» ни ўғузлар ва уларга яқин турувчилар [v] га айлантирадилар. Чунончи, турклар «уй»ни *ew* десалар, ўғузлар *ev* дейдилар. Турклар «ов»ни *aw* десалар, улар *av* дейдилар (ДЛТ,26).

[δ] нинг [y] ёки [z] га ўзгариш ҳодисаси. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *yaута, tuxsi, qiwçaaq, yabaqu, tatar, qay, çumul* ва ўғузлар ҳар вақт [z] ни сўзда [y] га айлантирадилар ва ҳеч маҳал [δ] билан сўзламайдилар. Чунончи, улардан бошқалар «қайин дарахти»ни *qadīη* десалар, бу қабилалар *qayīη* дейдилар ва ҳеч маҳал [δ] билан сўзламайдилар. Бошқа қабилалар «қайни»ни, «яқинлар»ни *qadīn* (қайнаға) десалар, булар *qayīn* дейдилар (ДЛТ,26).

Ёки бошқа бир мисол: *qadīn* – «қайин она; қайин ота; қайин». Қипчоқлар *zā* билан талаффуз қиладилар. Мақолда (шундай келган): «*Qadaš*» *temiš, qaymadiq, «qadīn» temiš, qaymīš*. Маъноси: «Қариндошлар келди» дейилганда, унга эътибор берилмади; «қайин (она, ота) келди» дейилган эди, дарров унга қаралди». Бу мақол қайин она ва қайин оталарни ҳурмат қилиши учун куёвларга қарата ишлатилади (ДЛТ,161–162).

Çigil ва бошқа туркий қабилалар тилида [δ] билан айтилган сўзлар *qiwçaaq, yāmāk, suvar, bulyar* лар ҳамда русларга ва *Rūm* га қадар бориб тарқаладиган бошқа қабилаларда [z] га алмаштирилади. Масалан, турклар «оёқ»ни *adaq* десалар, улар *azaq* дейдилар. Чигил турклари *qarīn todtī* – қорин тўйди десалар, улар *tozdi* дейдилар. Бошқа от ва феълларда ҳам шунга қиёс қилиш керак. Хулоса қилиб айтганда, чигилларда *δāl* билан айтиладиган сўзлар *yaута, tuxsi*, ўғузларда ва *Şīn* га қадар чўзилган ерларда яшовчи баъзи арғуларда [y] билан алмашади.

Rūm гача бўлган *qiwçaaq* ва бошқа қабилаларда бу ҳарф [z] га айлантиради (ДЛТ,26).

Сўз бошида [y] нинг тушиши ёки [y-] нинг [j-] га ўзгариши. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, [y] билан бошланган от ва феълларнинг бош товущини ўғуз ҳам қипчоқлар [ā~e] га ёки [j] га айлантирадилар.

Чунончи, турклар «мусофир»ни *yelkin* десалар, улар [ўғузлар] *elkin* дейдилар; турклар *yiliy suw* десалар, улар *iliy (suw)* дейдилар. Шунингдек, турклар «дур, марварид»ни *yinčü* десалар, ўғузлар *jinchü* дейдилар. Турклар «туянинг узун юнги»ни *uyüdu* десалар, улар *juüdu* дейдилар (ДЛТ,25).

ilig – «илик» (ўғузча); бошқа бир турклар *yilig* дейдилар. Ўғузлардаги *alif* ҳарфи ўрнига *uā* ҳарфи алмашган (ДЛТ,42).

ewät – «тўғри; маъкул» деган маънони англатувчи сўз. Бу сўзнинг уч хил талаффузи бор: яғмо, тухси, қипчоқлар *ewät*, ўғузлар *emät* ёки *evät* дейдилар. Бошқа турклар эса *yemät* дейдилар (ДЛТ,34).

Сўз бошида [h] ни орттириш ҳодисаси. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, сўз бошидаги ҳар бир [a] ни *xotan* ликлар, *kānčäk* лар [h] га алмаштирадилар. Биз уларни турклардан деб ҳисобламаймиз, чунки улар туркий сўзларда йўқ товушни киритганлар. Масалан, улар *ata* ни *hata* дейдилар; *apa* ни *hapa* дейдилар (ДЛТ,26).

Ёки қадимги туркий тилда «хўл»ни *öl* дейди, ингичка айтади. Кейинчалик олдида ингичка [h] товуши орттирилиб, *höl* га айланган. Шунингдек, «хўкиз» дастлаб *öküz* бўлган. Кейинчалик [h] товуши орттирилиб, *höküz* га айланган. Йўғон талаффузли сўзларда эса [x] ундоши орттирилган. Масалан, *avuč* сўзи [x] товуши орттирилиб, *xavuč*, яъни «ховуч» га айланган.

[r] нинг [l] га, [z] нинг [s] га, [s] нинг [z] га ўзгариши. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, туркий лаҳжаларда [r] ҳарфи баъзан [l] га алмашади. Баъзан [z] [s] га [s] [z] га алмашади (ДЛТ,26).

[q] нинг [k] билан алмашинуви. Кошғарийнинг ёзишича, [q] товуши [k] га ва [k] товуши [q] га алмашади (ДЛТ,26).

Товуш тушиш ҳодисаси:

[γ]>[o]. Сўзларда ҳарф тушириш хусусиятига келганда, ўғуз ва қипчоқлар отлар ва ишнинг кўп қайта ишланганини билдирувчи феълларнинг ўртасида келган [γ] ни ҳамма ерда ҳам тушириб қолдирадилар. Масалан, «олақарға»ни турклар *çituiq* десалар, улар бу сўздаги [γ] ни тушириб *çitiq* дейдилар. Турклар «томоқ (бўғиз)»ни *tatıaq* десалар, улар *tataq* дейдилар.

Феълларга мисол: турклар «у киши уйига ҳадеб кетаверадиган» маъносида *ol ewkä barayan-ol* десалар, ўғузлар шу маънода *ol (ewkä) baran-ol* дейдилар. Турклар «у киши қулини ҳадеб ураверадиган» маъносида *ol er qulini urayan* десалар, ўғузлар шу гапдаги *urayan* сўзини *uran* деб талаффуз қиладилар (ДЛТ,26–27).

[g]>[o]. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, талаффузда енгиллик бўлсин учун ўғузлар отлардаги [g] ни ҳам туширадилар. Феълларда ҳам

шу маънодаги сўзларда [y] ўрнига алмашган [g] ни ҳам туширадилар (ДЛТ,27).

Лаҳжалар ва шевалар ўртасидаги морфологик фарқлар

Сифатдошнинг -yu, -gʻi қўшимчаси ўрнида -asi, -āsi аффиксини қўллаш. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, вақт отлари ва жой отларида қўлланивчи [y] ҳарфини ўғузлар [a] га алмаштирадилар: *baryu yer* ўрнида *barasi yer* дейдилар. Турклар *turyu oyur* – «туриш вақти» десалар, ўғузлар *turasi oyur* дейдилар (ДЛТ,26).

Муайян лаҳжа ёки шевагагина тегишли бўлган сўзлар

«Девону луғати-т-турк»да муайян шевага тегишли бўлган сўзлар ҳам берилган. Бир-икки мисол:

ügür – «тариқ». Бу сўз – туркча; ўғузлар билмайдилар (ДЛТ,36).

awus – «мум» (булғорча) (ДЛТ,37).

örün – ҳар бир оқ нарса. Ўғузлар *aq* дейдилар (ДЛТ,67).

ayaq – «идиш; коса; пиёла»; ўғузлар бунин билмайдилар. Улар *ayaq* ўрнида *çanaq* дейдилар (ДЛТ,47).

qoç – қўчқор. Бу ўғузча. Асли *qoçnar* дир (ДЛТ,133).

Маҳмуд Кошғарий *turma* сўзининг маъносига изоҳ бера туриб, шундай ёзади: *turma* – турп. «Сабзи»ни *sariy turma* дейилади. Арғуликлар «сабзи»ни *kizri* дейдилар. Бу сўзни улар форсларнинг *gazar* сўзидан бузиб олганлар. Ўғузлар уни *keşür* дейдилар. Улар ҳам бу сўзни форслардан олганлар. Ўғузлар форслар билан аралашгач, баъзи сўзларни унутдилар ва уларнинг ўрнига форсча сўзлар қўллаш бошладилар. Масалан, улар туркча *qıtuın* ўрнида *āftāba*, *baqan* (бўйинтумор) ўрнида *qalida* сўзини қўллади; бунинг арабчаси **قلادة** *qilada*.

Ўғузларнинг тили нозикдир. Жуфт ҳолда қўлланадиган сўзлардан от ва феълларнинг бири асосий сўз, иккинчиси эргашма сўз бўлади. Ўғузлар бошқа туркларда айрим ҳолда ишлатилмайдиган эргашма сўзнинг ўзини ишлатаверадилар. Масалан, бир нарса иккинчи бир нарсага аралашса, турклар *qattı qardı* (аралаш-қуралаш бўлди) дейдилар. Бу ерда *qattı* сўзи асос ва асли бўлиб, *qardı* сўзи эргашмадир. Ўғузлар шу маънода *qardı* сўзининг ўзинигина қўллаб, асосий сўзни ташлаб айтадилар. Шунингдек, турклар «яхши-ёмон» маъносини англатиш учун жуфт ҳол-

да *eδgū-yawlaq* деб қўллайдилар; *yawlaq* сўзини ёлғиз қўлламайдилар. Ўғузлар эса, уларни ёлғиз ҳолда ишлатадилар (ДЛТ,172).

Лаҳжалардаги маъноси бир-биридан фарқ қилувчи сўзлар

Маҳмуд Кошғарий турли лаҳжа ва шеваларда маъноси бир-биридан фарқ қилувчи сўзларни ҳам келтирган. Ўз ўрнида улар қайси лаҳжада қандай маънода ишлатилганини ҳам таъкидлайди.

idiš – «қадаҳ, пиёла»; яғмо, тухси, ямак, ўғуз ва арғулар тилида «тос; обдаста, товоқ ва лаган»ларнинг ҳаммаси *idiš* деб юритилади (ДЛТ,38).

uluš – «қишлоқ» (чигилча). *Balasaγun* ва уларнинг юқори ёнидаги арғулилар тилида «шаҳар» демақдир. Шунинг учун *Balasaγun* шаҳрини *Qizuluš* ҳам дейилади (ДЛТ,38).

tariγ – кўпчилик турк қабилаларида «буғдой». Фақат ўғузлар «тариқ» маъносида қўллайди. Бу – хато. (Чунки) улар «буғдой»ни *ašliq* дейдилар (ДЛТ,150).

baliq – жоҳилия давридаги турклар ва уйғурлар тилида «шаҳар». Уйғурларнинг энг катта шаҳарлариға *Bešbaliq* дейилиши шундандир. *Bešbaliq* – «беш шаҳар» демақдир. Уйғурлар бошқа бир шаҳарларига *Yañibaliq* (янги шаҳар) дейдилар (ДЛТ,152).

elig – «қўл»; *oñ elig* – «ўнг қўл». Ўғузлар *say elig* (ўнг қўл) дейдилар. «Чап қўл»ни ҳамма турклар бир хилда *sol elig* (сўл қўл) дейдилар (ДЛТ,42).

süčig – «шароб; мусаллас; май». Бу сўз қарама-қарши сўзлардандир. Ўа водийсида яшовчилар (яғмо, тухси ва чигиллар) «май»ни *qizil süčig* дейдилар (ДЛТ,163).

alma – «олма» (ўғузча). Турклар *almila* дейдилар (ДЛТ,65).

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

КЎК ТУРК ЁЗУВЛИ БИТИГЛАР: ТАВСИФИ, ЎҚИЛИШИ ВА ТАЛҚИНИ

Кўк турк ёзувли битигларни ўқиш ва уни талқин қилиш борасида туркологияда улкан ишлар яратилди. Шунга қарамай, бу йўналишда янги-янги қарашлар юзага келмоқда. Шу ўринда биз ҳам битигларнинг ўқилиши ва талқинига тегишли айрим мулоҳазаларни билдириб ўтмоқчимиз.

КУЛ ТИГИН, БИЛГА ХОҚОН БИТИГЛАРИДАГИ АЙРИМ ГАП ВА БИРИКМАЛАР ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ

Оға-ини Кул тигин ва Билга хоқон хотираларига тикланган обидалар қадимги турк историографияси, адабиёти ва ёзма адабий тилининг тенги йўқ ёдгорликларидир. Уларнинг биринчиси 732 йили, иккинчиси эса 735 йили тикланган. Иккала мангутош ҳам, ўша давр русумига кўра, уларнинг йили ўтгач, ўлиmidан ўн бир ой-ўн бир ой кейин ўрнатилган. Ёдгорликлар Мўғулистоннинг Кўшў-цайдам ўлкасидан, бир-бирдан бир километр узоқликдан, ўрнатилган еридан топилган. Қабртошлар улкан архитектура мажмуаларининг қоқ ўртасида турибди (Orhun,18-42; МТА,13-70; 71-119).

Билга хоқон – Иккинчи кўк турк хоқонлиғининг қурувчиси Элтариш хоқоннинг тўнғич ўғли. У мамлакатни 716-734 йилларда бошқарган. Кул тигин эса Элтаришнинг кичик ўғли бўлиб, доврўғи кетган саркарда, оғаси хоқоннинг маслаҳатчи ва сафдошларидан эди.

Мангутошлардаги туркий битигларнинг муаллифи таниқли тарихчи ва қадимги туркий ёзма адабиётнинг йирик намояндаларидан бири Йўллуғ тигиндир. У Билга хоқоннинг ўғли эди. Буни унинг отига қўшилаётган нисбасидан ҳам билса бўлади: *tigin* – қадимги туркий тилда «шаҳзода» деган маънони беради. Бундан ташқари, иккинчи битигнинг якуний – колофон қисмида юрт эгаси ёзувчи тилидан «отам хоқон» (*qañim qaγan*) деб берилган (Sertkaya 1995,14; Содиқов 2008,34-35).

Ҳар иккала битиг ғоявий-бадий хусусияти ва тузилишига кўра бир-бирига ўхшаш. Ҳатто, Кул тигин кичиг битигининг 1–11- қаторлари Билга хоқон кичиг битигининг 1–8- қаторларида, шунингдек, Кул тигин улуғ битигининг 1–30- қаторлари Билга хоқон улуғ битигининг 2–24- қаторларида қайталайди. Лекин иккинчиси сўзма-сўз қайтариқ эмас: Йўллуғ тигин иккинчи матнни ёза бошлаганда биринчи битигининг керакли бўлагини олиб, иккинчи битигга ҳам киритган. Муҳими, иккинчи битигда унинг айрим ерларини таҳрир қилиб, янгилаган.

Асарларнинг катта бўлаги бир хил эканлиги бежиз эмас. Битигларда қайтарилаётган бўлақлар юрт эгасининг эл-улусга мурожаатидир. Уни хоқоннинг, улуғ йўлбошчининг бутун турк улусига, келажак ўғил-қизларга қаратилган ёрлиғи, чақириғи деса бўлади.

Матннинг тузилиши пухта ва мураккаб. Унда хоқоннинг мурожаати, эпитафия ҳамда тарих (колофон) муайян изчилликда берилган. Матн, асосан, насрда, орадаги айрим ўринлар (масалан, эпитафия ва қаҳрамонлар хулқ-атворининг баёни, турли тасвирлар) шеърда битилган. Шу жиҳатдан халқ дostonларининг тузилишига ўхшаб кетади. Иккала битиг икки кишининг – Билга хоқон ва муаллиф Йўллуғ тигин тилидан берилган. Қизиғи, асосий қисми ёзувчининг эмас, хоқон тилидан баён қилинади.

Кул тигин битиги Билга хоқоннинг кўрсатмасига кўра битилган (матнни хоқоннинг ўзи айтиб туриб ёздирган бўлуви ҳам мумкин). Унда хоқоннинг ўз инисига ҳурмати ҳамда укасининг ўлими туфайли чеккан қайғу-алами изҳор этилади. Шунинг учун бўлса керак, матннинг катта бир бўлаги хоқон тилидан сўзланади; бўлимлар хотимаси ҳамда тарихгина Йўллуғ тигин тилидан берилган.

Иккинчи битигни Йўллуғ тигин отаси хоқоннинг ўлиmidан сўнг ёзган. Шунга қарамай, у битигда отасининг эл-юртга мурожаатини, чақириғини сақлашга уринган. Яна матннинг муаллиф тилидан берилган бўлаги ҳам олдингисига қараганда катта. Шу нарса аниқки, Кул тигин битигини ёзиш чоғида муаллиф қўлида хоқоннинг мурожаати киритилган матн бўлган. Шунинг учун ҳам, орадан яқин уч йил ўтиб, Билга хоқон битигини ёзар чоғида муаллиф аввалги битигдан ҳам фойдаланган; ундаги мурожаат қисмини олиб кейинги битигга ҳам киритган.

Кул тигин ва Билга хоқон битигларнинг бошловчи жумласи ва унинг талқини

Қуйида битиглардаги бошловчи жумлаларнинг ўқилиши ва талқини билан боғлиқ айрим масалаларга тўхталамиз.

Битиглар хоқоннинг қуйидаги сўзлари билан бошланган (ўнғайлик учун матнни транслитерацияда берамиз: Ка.1):

T'DR'TT'G : T'DR'ID'Ä : BOLMŠ : T'ÜR'K : B'IL'GÄ : QYN : BUÖD'KÄ : OLRTM.

Фарқи: Билга хоқон битигида еттинчи нуқталар оралиғидаги сўз **B'ÖD'KÄ** кўринишида (Хб.1).

С.Е. Малов Кул тигин битиги бошламасидаги ушбу жумлани *Täñri tæg täñridä bolmš türk bilgä qayan bu ödkä olurtim* шаклида ўқиб (Малов 1951,27), рус тилига «Небоподобный, неборожденный (собств. «на небе» или «из неба возникший») тюркский каган» я ныне сел (на царство)» деб таржима қилган (Малов 1951,33).

Ҳ. Ўркун бу жумлани туркчага «Göğe benzer gökte (mevcud) olmuş Türk Bilge hakan bu zamanda [iktidar mevkiine] oturdum» дея ўгирган (Orkun 1987,22–23).

Т. Текин эса ушбу жумлани туркчага «(Ben), Tanrı gibi (ve) Tanrı'dan olmuş Türk Bilge Hakan, bu devirde tahta oturdum» дея ўгирган (Tekin 1988,3,62).

Эътибор берсангиз, талқинларнинг барида умумий яқинлик бор: уларда юрт эгаси Билга хоқон ўзини «кўкдан ёки тангридан бўлганлиги, яралганлиги»ни (неборожденный, на небе или из неба возникший; gökte mevcud olmuş; Tanrı'dan olmuş) таъкидламоқда. Битиглар бошламасининг бундайин талқини туркшуносларда қизиқ бир фикр уйғотган. Унга кўра, турк хоқонлари ўз насл-насабини, келиб чиқишини Кўк ёки Тангри билан боғлайдилар, ўзларини ундан яралган деб қарайдилар. Бундайин қараш уларга қадимги хитой фалсафасидан ўтган, деган фикр устувор. Лекин бу қарашга қўшилиб бўлмайди. Бунинг раддини битигларнинг ўзидан топамиз.

Исботи учун қуйидаги муҳим мисолларни келтирмоқчимиз: Кул тигин ва Билга хоқон битигларидаги хоқонлиқнинг узоқ ўтмиши тўғрисидаги ҳикоялар қуйидаги жумлалар билан бошланган: *Üzä kök täñri, asra yayız yär qilintuqda ikin ara kişi oylı qilinmiş. Kişi oylinta üzä äcüm-apam Bumîn qayan, İstâmi qayan olurmiş. Olurupan, türük bodunuñ älin tör[ü]sin tuta birmiş, iti birmiş* (К.1; Х.1). Ушбу матн узиндисиде кечган *kişi oylı* бирикмаси «инсон боласи; инсон фарзанди» деган маънони билдиради.

Қадимги *kiši* ҳозирги тасаввуримиздаги «Одам ота»га тўғри келади. Биринчи гапда *kiši oylī* эга бўлиб келган; иккинчи гапда эса у тўлдирувчи бўлиб, *üzä* кўмакчиси билан бирга қўлланмоқда (*kiši oylinta üzä* – «инсон болалари узра»). Матндаги *qayan olurmış* – «хоқон бўлиб тахтга ўтирибди; тахтга чиқибди»; *kiši oylinta üzä qayan olurmış* – «киши ўғиллари устидан тахтга чиқибди» дегани. Айтилганлар асосида, ушбу матнни шундай талқин қилиш мумкин: «Юқорида кўк осмон, пастда қўнғир ер яратилганда иккисининг орасида инсон боласи яралган. Инсон болалари устидан ота-бобом Бумин хоқон (ва) Истами(лар) хоқон бўлиб (тахтга) ўтирган. (Тахтда) туриб турк халқининг юртини, ҳукуматини тутиб турганлар, тартибга келтирганлар» (К.1). Билга хоқоннинг ушбу ҳикоясида туркларнинг оламни англаш ҳақидаги тасаввур-қарашлари акс этган. Унга кўра, юқорида осмон, пастда ер, иккисининг орасида эса инсон болалари яралган. Муҳими, Бумин ва Истами тўғрисида сўз борар экан, улар «кўкдан ёки тангридан яралган» деб эмас, (тангрининг сайлаши, ҳоҳиш-инояти билан) инсон болалари устидан бошчилик қилиш учун тахтга ўтирганликлари таърифланади.

Таҳлиллардан сўнг Кул тигин битигининг юқорида келтирганимиз *Tānri-tāg tānridā bolmiş türk Bilgä qayan bu ödkä olurtım* жумласига қайтамиз. Ушбу жумлада Билга хоқонга «тангридан бўлган, яралган» дея сифат берилаётгани, асосини эса хитой фалсафасига тақалаётганининг сабаби бир: матнда кечган BOLMİŞ сўзи *bolmiş* кўринишида ўқилиб, маъноси «бўлган» дея тушунилганида. Аслида бу сўзни *bolmiş* деб эмас, *bulmiş* (<o> ҳарфини [o] эмас, [u] шаклида) деб ўқилгани тўғри бўлади. Шунда талқинда янгиланиш юз беради: *tānridā bulmiş* – «Тангридан (иноят) топган [яъни Тангрининг иноятига эришган / Тангрининг инояти билан]» деганидир. Жумлада кечган *bu ödkä* – С.Е. Малов талқин қилганидек, «бу тахтга» деган маънони беради. Билга хоқон битигидаги кўринишини назарда тутадиган бўлсак, фикримиз янада ойдинлашади. Чунки у *bödkä* деб ўқилади, *böd* эса «тахт»дир.

Демак, Кул тигин битиги бошламасидаги юқоридаги жумлани қуйидагича ўқиймиз: *Tānri-tāg tānridā bulmuş türük Bilgä qayan bu ödkä olurtum*.

Бунинг маъносини қуйидагича талқин қилиш мумкин: *Кўкдаё (улуғ) Тангридан (иноят) топган [яъни, Тангрининг иноятига эришган / Тангрининг инояти билан] турк [яъни, баҳодир] Билга хоқон бу тахтга ўтирдим»* (қаранг: Содиқов 2004,66–72).

Ушбу қарашларни қувватловчи яна бир муҳим мисолни келтирамиз. Уйғур хоқонлиғи даврига тегишли Мўюн-чўр битиги хоқоннинг *Tānridā*

bulmīs il ätmīs bilgä qayan унвони билан бошланган (Малов 1959,34), С.Е. Малов ушбу жумлани рус тилига «Тенгрида болмыш, Иль-итмиш Бильга Каган (Небом поставленный, государство устроивший, мудрый, или владетельный, Каган)» деб таржима қилган (Малов 1959,38).

С.Е. Малов ушбу бошламадаги Т'ŃR'ID'Ä : BOLMŠ бирикмасини *Tānridä bolmīs* кўринишида ўқишига қарамай, уни «Небом поставленный» дея талқин қилаётганининг ўзи қизиқ. Чамаси, кейинчалик, Билга хоқон, Мўюн-чўр битигларини нашрга тайёрлаш жараёнида, ҳарқалай, Билга хоқон ёрлиғи унвонидаги «тангри яратмиш» (*tānri-tāg tānri yaratmīs*) таъсирида бўлса керак, унда ҳам худди шундай фикр уйғонган бўлуви керак.

Билга хоқон ёрлиғининг унвони ва унинг туркий хужжатчилик тарихидаги ўрни

Билга хоқон улуг битиги эл эгасининг қуйидаги сўзлари билан бошланган:

Т'ŃR'IT'G : Т'ŃR'İ : YRTMŠ : Т'ŪR'K : B'İL'GÄ : QŷNSBM (X.1).

Бунинг ўқилиши (транскрипцияси) шундай бўлади: *Tānri-tāg tānri yaratmīs türk Bilgä qayan sabim*.

Бу жумла бошқа бир ўринда – битигнинг хотимасида ҳам қайтарилади (Ха.13).

С.Е. Малов ушбу жумлалардан биринчисини русчага «(Вот) речь моя богоподобного, Небом поставленного (или угодного Небу) тюркского мудрого (Бильгя) кагана» (Малов 1959,20), иккинчисини «(Вот) речь моя, подобного Небу, Небом поставленного (или угодного Небу) тюркского мудрого (Бильгя) кагана» деб таржима қилган (Малов 1959,23).

Ҳ. Ўркун эса бу жумлани туркчага «Göge benzer göğün yarattığı Türk Bilge Nakan [işte benim] sözüm» дея ўгирган (Orkun 1987,58–59).

Т. Текин бу жумлани туркчага «Tanrı gibi, Tanrı (hükümdar) yapmış, Türk Bilge Nakan, sözüm» деб ўгирган (Tekin 1988,37,99).

Эътибор қилинса, бу талқинларда хоқонга «кўк ўрнатган, кўк яратган, тангри ўрнатган» (*Небом поставленный, göğün yarattığı, Tanrı yapmış*) сифатлари берилмоқда.

Шу ўринда ушбу жумлани бир бошдан синчиклаб кўриб чиқамиз. Жумланинг бошидаги *Tānri-tāg* сўзи «кўк, осмон» маъносида келган, у ўзи бирикаётган *tānri* (яъни худо) сўзининг сифатидир, *Tānri-tāg tānri* дейилганда «кўкдай (улуғ) тангри» тушунилади. Кейинги *yaratmīs* – сифатдош бўлиб, «яратган» дегани. Билга хоқон битигидаги ушбу бошла-

мада хоқоннинг сифати «кўқдан бўлган», «тангридан бўлган» деб эмас, аксинча, «кўқдай (улуғ) тангри яратган» (*tānri-tāg tānri yaratmiş*) дея қайд этилмоқда.

Бошлама-унвонда *Bilgä qayan* га қўшилаётган *türk* сўзи этнос англамида эмас, балки «жасур, баҳодир, қудратли» деган маънода келган.

Türk сўзининг бу англами Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида ҳам келган. Мана бунга мисол: *Yana Täñriberdi Samanči erdi, türk-ü mardāna va qiličliq yigit erdi* (БН,158). Ушбу жумладаги *türk-ü mardāna* – жуфт сўз бўлиб, «жасур ва мардона» деганидир.

Билга хоқон битигида кечган бошлама жумладаги сўнгги *sabīm* – «менинг сўзим, буйруғим, ёрлиғим» дегани. Шуларга таяниб, ушбу бошламани қуйидагича талқин этишимиз мумкин: **«Кўқдай (улуғ) тангри яратган қудратли / жасур Билга хоқон сўзим».**

Муҳими шундаки, Кул тигин ва Билга хоқон битигларида хоқоннинг эл-улусга қарата айтган мурожаати, ёрлиғи, чақириғи ўрин олган. Юқоридаги жумла эса ўша расмий мурожаат, чақириқнинг бошламаси, яъни унвонидир (шарқ манбашунослигида расмий ҳужжатларнинг бошламаси *унвон* дейилади).

Битигда кечган икки унвондан биринчиси Билга хоқонга, иккинчиси эса унинг кичик ўғли Билга Қутлуғ хоқонга тегишлидир (*қаранг*: Содиқов 2004,79,115). Билга хоқон элга эгалик қилган чоғларда эл-улусга беражак фармонлари, чет элларнинг ҳуқумдорларига йўлланажак дипломатик ёрлиқларини ана шу унвон билан бошлаган. Кейинчалик унинг ўлимидан сўнг ўғли Билга Қутлуғ ҳам отаси қўллаган бошлама-унвондан фойдаланди. Бу нарса ўтмиш дипломатикасида бор: ҳатто бутун сулола бир унвондан фойдаланган замонлар ҳам бўлган. Ўша анъанага кўра, улуғ битигнинг бошланишида Билга хоқоннинг, битиг хотимасида эса, Билга Қутлуғ хоқоннинг эл-улусга қарата айтган чақириғи, ёрлиғи бир хил унвон билан бошланаётир.

Муҳими шундаки, Кул тигин битиги Билга хоқоннинг тилидан (нутқидан) берилган бўлувига қарамай, юқоридаги бошлама-унвон йўқ. Чамаси, Йўллуғ тигин амакиси Кул тигинга аталган битигни ёзиб тугатгач, битигтош тиклангандан кейин, ундаги хоқон сўзлари расмий унвон билан бошланмаганини тушуниб етган кўринади. Йўл қўйган камчиликни у кейинчалик – отаси ўлгандан сўнг унга бағишлаб ўрнатилган битигтошда тузатди: Билга хоқон улуғ битигини отасининг унвони билан бошлади. Ҳужжатчилик анъанасига амал қилган ҳолда, битигнинг хотима қисмидаги Билга Қутлуғ сўзларини ҳам ўша унвон билан бошлади.

Билга хоқон унвони илк ўрта асрлардан қолган туркий унвонларнинг илк, шунинг билан бирга, классик намунаси дир. У уч компонентдан тузилган: биринчиси Тангри яратганлигининг эътирофи (*Tānri-täg tānri yaratmış*), иккинчиси хоқоннинг сифати, оти ва унвони (*türk Bilgä qayan*), учинчиси эса «сўз, фармон, ёрлик»нинг хоқонга қарашлилигини англатувчи бўлак (*sabim*).

Билга хоқон унвонидаги *sabim* – «менинг сўзим» дегани эмас, балки «менинг мурожаатим, менинг ёрлиғим» маъносида дир. Туркий тилнинг кейинги босқичида *sab (~saw)* сўзи истеъмождан чиқиб, унинг ўрнида *söz* калимаси қўллана бошлади. Энди расмий ҳужжатлар бошламасида ҳам қадимги *sab (~saw)* ўрнини *söz* эгаллади. Бу ҳам тарихий анъанага мувофиқ ҳолда «буйруқ; фармон; ёрлик» маъноларини беради (Содиқов, Омонов 2010,40–41).

Билга хоқон ёрлиғида кечган бошлама-унвоннинг барча компонентлари тўла-тўқис, лўнда ва ихчам тузилган. Бу нарса кўк турк ҳужжатчилигининг, қадимги туркий тил расмий услубининг юксак даражада эканини кўрсатади.

Билга хоқон бошлама-унвонини формулага соладиган бўлсак, у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Y+S+A+M+sabim

(яъни: *Тангри яратганлигининг эътирофи+ҳуқумдорнинг сифати+оти+мансабу+sabim*).

Муҳими шундаки, Билга хоқоннинг сўз юритилаётган унвони ўз даврининггина эмас, ўрта асрларнинг бутун расмий ёрлиқлари, ҳужжатчилиги учун намуна, андоза бўлиб хизмат қилди. Кўк турк даври ҳужжатчилиги анъаналари кейинги юзйилликларда ҳам давом этди. Туркий салтанат ва давлатларнинг эгалари ўз ёрлиқларини ана шундай қолипдаги унвонлар билан бошлаган.

Яна бир жиҳати, Билга хоқон унвонида, матн характеридан келиб чиққан ҳолда, адресат кўрсатилмаган. Унвоннинг тўлиқ трансформацияси (тикланган шакли) «*(Bu bän,) tānri-täg Tānri yaratmış türk Bilgä qayan(niñ) sabim (turur)*», яъни «*(Бу мен,) кўкдай (улуғ) Тангри яратган қудратли Билга хоқон(нинг) сўзим (турур / -дир)*» шаклида англанади.

Кейинги юзйилликларда эса хон ва султонларнинг унвонлари яна бир компонент билан бойиди: уларга ёрлик берувчи билан бирга *адресат* (ёрлик йўлланувчи кимса ёки томон) ҳам киритилди.

Жумладан, Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг 1393 йили поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи *Toxtamiš sōzūm Yağaylaya* (Тўхтамиш сўзим Яғайлага) деб бошланган (Т.1–2). Бу унвондаги *Toxtamiš sōzūm* – хат йўлловчи; *адресант (intitulatio)*; шарқ манбашунослигида «хат эгаси, хат йўлловчи»ни *мурсил* дейилган; *sōzūm* – ёрлиқнинг хонга тегишлилигини, унинг ўз оғзидан айтилаётганлигини далилловчи калом. *Yağaylaya* – ёрлиқ йўлланаётган кимса (*адресат – inscriptio*)ни билдиради, шунинг учун у жўналиш келишигида. *Адресат* шарқона тилда *мурсал* бўлади.

Энди унвоннинг тўлиқ тикланган шакли ҳам ўзгаради: у (*Men, Toxtamiš(niņ) sōzūm Yağaylaya (bolsun)*) ёки (*Bu men, Toxtamiš(niņ) sōzūm Yağaylaya (turur)*), яъни «(*Мен*) Тўхтамиш(нинг) сўзим Яғайлага (*бўлсин / -дир*)» шаклида бўлади.

Тўхтамишхон унвонининг формуласи шундай бўлади:

A+ sōzūm+Ad.

(яъни: *хоннинг оти+sōzūm+адресат*).

Ўрта асрларда битилган туркий ёрлиқларнинг бошламасида ҳам баъзан ёрлиқ йўллаётган юрт эгасининг даражаси, унвони қўшиб ёзилган. Масалан, Шоҳрух мирзонинг 1422 йил 16 январида Талхан ота мазорининг мужовурига берган нишони *Šāhruh bahadur sōzūm dīvānlarya* (*Шоҳрух баҳодур сўзим девонларга*) жумласи билан бошланган (Ш.1–2). Бу ўринда *Šāhruh bahadur sōzūm* – унвон, шунинг учун у алоҳида қаторга ёзилган. У учта компонентдан тузилган: султоннинг оти (*Šāhruh*), унвони (*bahadur*) ва фармоннинг унга тегишлилигини англатувчи ёрлиқ (*sōzūm*). Ушбу бирикмадаги *bahadur* сўзи юқори табақа кишиларига берилувчи нисбани, унвонни билдиради. Қиёс учун туркий ёрлиқлар бошламасида қўлланган *abu-l-muzaffar, abu-l-yāzī* унвонларини эслаш кифоя.

Шоҳрухнинг ёрлиғидаги бошлама-унвонга қўшилаётган *dīvānlarya* сўзи – ёрлиқ қаратилаётган юридик ташкилот (*адресат*)ни билдиради. Матнда *адресат* унвондан ажратилиб, кейинги қаторга ёзилган. У жўналиш келишигидадир. Унвоннинг тўлиқ тикланган шакли (*Men, Šāhruh bahadur(nuņ) sōzūm dīvānlarya (bolsun)*) ёки (*Bu men, Šāhruh bahadur(nuņ) sōzūm dīvānlarya (turur)*) бўлади.

Шоҳрух унвонининг формуласи шундай бўлади:

A+U+ sōzūm+Ad.

(яъни: *хоннинг оти+унвони+sōzūm+адресат*).

Унвонларда, кўпинча, ҳуқумдор отидан олдин унинг мансаби ҳам кўшиб кўйилган. Масалан, Абу Саиднинг турк султони Ҳасан бегга (=Узун Ҳасанга) 1468 йилнинг 10 октябрида йўллаган битиги *Sultān Abu Sa'id kōrāgān sōzūm* унвони билан бошланган (АС.1).

Бунинг формуласи қуйидагича бўлади:

M+A+U+sōzūm

(*яъни: мансаби+оти+унвони+sōzūm*).

Мактубнинг кимга қаратилганлиги кейинги компонентдан англашилади. Унда қисқа салом билан мақсадга кўчилган: *Hasan beggā salām tegāč, sōz ul-kim*, деб асосий қисмга ўтиб кетилади.

Келтирилган ўрнаклардан англашиладики, туркий дипломатика тарихида хоқон ва хонларнинг ёрлиқлари, фармонларининг бошлама-унвонлари кўк турк хоқонлиқлари даврида кашф этилди ва бу туркий ҳужжатчилик тарихидаги улуғ кашфиётлардан бири эди. Унинг бизгача сақланган илк, шунинг билан бирга, классик мисоли Билга хоқон битигида кечган *Tāñri-tāg tāñri yaratmīš türk Bilgā qayan sabīm* унвонидир.

Ўрта арларнинг ҳужжатчилигида туркий бошлама-унвонлар яна бир компонент билан бойиди: уларда ёрлиқ берувчи кимса билан бирга ёрлиқ йўлланаётган адресатни ҳам битиш русумга айланди. Буни Тўхтамишхоннинг поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғидаги унвон мисолида кўрсатишнинг ўзи ҳам етарли.

Муҳим жиҳати, туркий ёзма ҳужжатчилигининг илк босқичларида юрт эгасининг улусга қаратилган чақириғи, ёрлиғи, ҳатто давлатнинг бош қонуни, тузуклари эпиграфик шаклда баён қилинган. Буни Биринчи кўк турк хоқонлиғи даврида тикланган Буғут ёдгорлиги, Иккинчи кўк турк хоқонлиғи даврида тикланган Кул тигин ва Билга хоқон битигларида кузатишимиз мумкин. Ҳатто Кул тигин ва Билга хоқон битигларида хоқоннинг турк беклари, халқига қарата айтган шундай сўзларини ҳам ўқиймиз: *Türük bāglār, bodun, bunī āsidiñ! Türük [bodunuy ti]rip āl tutsuqīñin bunta urtum, yañlīp ülāsikiñin yāmā bunta urtum. Nāñ nāñ sabīm ārsār, bāñgū tašqa urtum.* – «Турк беклари, халқи, буни эшитинг! Турк халқини тўплаб давлат тутишингизни бунда [яъни тошда] ёздим. Адашиб, айрилганингни ҳам бунда ёздим. Ҳар қандай сўзим бўлса, мангу тошга ёздим» (Ка.10–11). Билга хоқоннинг «давлат тутишингизни бунда [яъни тошда] ёздим» (*āl tutsuqīñin bunta urtum*) деган сўзлари ушбу битигларда эл йўриғи, хоқоннинг кўрсатмалари битилганига ишорадир.

Уйғур хоқонлиғи даврида яратилган Мўюн-чўр битигида хоқоннинг зафарли юришлари тўғрисида сўз борар экан: «Ўшанда ғарбда Идуқ башда, Ябаш ва Тўкуш (дарёларининг) қуйилишида ёзни ўтказдим. Ўша ерда саройимни қурдирдим, мудофаа деворларини ўша ерда қурдирдим, минг йиллик, туман кунлик битигимни-тузугимни ўша ерда ясси тошга яраттирдим (*biñ yilliq tuman kunlik bitigimin-belgümin anta yassi taşqa yaratıtdım*)», дейилади (Малов 1959,30–40). Ушбу жумлаларда хоқоннинг тузуги, давлат йўриғи битилган бошқа бир битигтош ҳам борлигига ишора қилинмоқда (Лекин асарда сўз юритилаётган ўша битигтош топилганича йўқ).

Туркий ёзма ҳужжатчилиги ўз йўлини эпиграфик матнлардан бошлаган, хоқонлиқнинг илк ёзма қонуни, эл йўриқлари улусга эпиграфик кўринишда, монументал битиглар орқали етказилган. Қадимги туркий эпиграфик ёдгорликлар хоқонлар, йирик давлат арбоблари, улуғ қахрамонларнинг хотирасини мангулаштиришга бағишланган битигларгина эмас, давлат қонунлари, тузуклари, хоқонлар чақириғини ўзида баён этган ёзма ҳужжатлар сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Битигларда кечган *nāñ yilsiy bodun* бирикмасининг англами

Кул тигин ва Билга хоқон битигларида Биринчи ва иккинчи кўк турк хоқонлиқларининг тарихи берилган. Муҳими шундаки, тарих битиглар муаллифи Йўллуғ тигиннинг эмас, Билга хоқон тилидан баён этилади.

Хон ўзининг тахтга чиқиш тарихини ҳикоя қилар экан, шундай дейди (мисолни Кул тигин битигидан келтирамиз):

Nāñ yilsiy bodunqa olurmadim. İcrā aşsiz, taşra tonsuz, yabiz yablaq bodunta üzä olurtum (К.26).

Билга хоқон битигида хоқоннинг бу сўзлари озгина таҳрир қилинган ҳолда учрайди. Тошнинг сирти анча шикастлангани учун матннинг айрим ўринлари, шунинг қаторида ушбу жумланинг бир нечта сўзи ҳам ўчган. Сақланиб қолгани шундай:

[Nāñ y]ilsiy bodunta üzä olurmadim. İcrā aşsiz, taşra tonsuz, yabiz yablaq bodunta [üzä olurtum] (X.21).

Матннинг Кул тигин битигидаги кўриниши С.Е. Малов таржимасида шундай: «Я отнюдь не сел (на царство) над народом богатым (скотом?), я сел (на царство) над народом, у которого внутри не было пищи, а снаружи – одежды, (над народом) жалким и низким» (Малов 1951,39).

А.С. Аманжолов таржимаси эса бир оз фарқли: «Я отнюдь не сел (каганом) над народом зажиточным, я сел (каганом) над жалким и низким народом, у которого внутри не было пищи, а снаружи – одежды» (Аманжолов 2003,166).

Шу ўринда мисолни бир бошдан таҳлил қилиб чиқайлик. Келтирилган мисолда иккита гап бор. Маънони осонроқ тушуниб етиш учун таҳлилни иккинчи – *İcrā ašsiz, tašra tonsuz, yabiz yablaq bodunta üzā olurtum* гапидан бошлаймиз. Жумлада кечган *icrā ašsiz, tašra tonsuz* – «оч-яланг, юпун» деган маънони беради. Кейинги *yabiz-yablaq* – жуфт сўз, «ёвуз-вахший» деган маънода. Жумла якунидаги *olurtum* – (*qayan*) *olurtum*, яъни «хоқон бўлиб тахтга ўтирдим; тахтга чиқдим» деган маънони билдиради. Шуларга таяниб, гапнинг маъносини «Оч-яланг, вахший халқ устидан (хоқон бўлиб тахтга) ўтирдим» дея талқин қиламиз.

Биринчи гап – *Nāñ yilsiy bodunqa olurmadim*. Бунда *bodunqa olurmadim* бирикмаси – *bodunta üzā olurmadim*, яъни «халқ устидан хоқон бўлиб тахтга ўтирмадим» деган маънони беради. Энг мушқули – жумла бошида келган *nāñ yilsig* ни қандай тушунишда.

С.Е. Малов юқорида келтирганимиз русча таржимасида *yilsiy* сўзини «богатый» деб ўтирган, қавсда «скотом» дея изоҳлаб, сўроқ белгисини қўйиб кетган (Малов 1951,39). Китоб охиридаги битиглар бўйича тузган луғатида эса унинг маъносини «богатый, зажиточный» деб изоҳлаган ва, қўшимча қилиб, бу сўз *yilqī* (скот) сўзига қиёслансин, дея таъкидлаб қўйган (Малов 1951,391).

«Древнетюркский словарь»да бу сўз С.Е. Малов талқинига таянган ҳолда берилади: сўзнинг ўзи *yilsiy* кўринишида; қавсда эса *yilqisiy* ёзиб, шундай бўлуви керак деган мазмунда сўроқ аломати қўйилган; маъноси «богатый, зажиточный» деб изоҳланган (ДТС,267).

Турк олими Х. Ўркун битиглар бўйича тузган луғатида *yilsiy* сўзининг маъносини «муҳташам» ҳамда «порлоқ» (*muhteşem, parlak*) деб изоҳлаб, қавсда сўроқ аломатини қўйган (Orkun 1987,894).

Т. Текин эса *yilsiy* сўзини «бой ва хузур-ҳаловатли» (*zengin ve müreffeh*) дея талқин қилган (Tekin 2010,30–31).

Ундан аввал келган *nāñ* сўзини ҳам олимлар икки хил тушунганлар: айримлар уни «нарса, мол» деб билса, бошқа бирлари «ҳеч» инкор оломоши сифатида қарайди.

Жумладан, Х. Ўркун *nāñ* сўзининг маъносини «буюм, нарса» ҳамда «ҳеч» (*şey, nesne, hiç*) деб изоҳлаган (Orkun 1987,820).

Т. Текин эса уни «ҳеч, ҳечда» (*hiç, hiç de*) деб изоҳлайди. Гапни эса туркчада (*Ben*) *hiç de zengin ve müreffeh (bir) halk üzerine olurmadım* дея талқин этади (Tekin 2010,31).

С.Е. Малов таржимасида бунга «отнюдь» («сира») сўзи тўғри келади: «Я отнюдь не сел (на царство) над народом богатым (скотом?)». Русчада шундай дейилиши тўғридир, бироқ қадимги туркий тилда бундай дейилмайди. Агар *nāŋ* сўзини «ҳеч бир; сира» инкор олмоши сифатида тушунилса, мантиқ бузилади: «Ҳеч бир бой ва хузур-ҳаловатли халқ устидан (хоқон бўлиб тахтга) ўтирмадим» деган маъно келиб чиқади. Аслида жумлани бундай тузиш ўринсиз, сабаби, *olurmadım* феълида бўлишсизлик, инкор бор, яна *nāŋ* ни ҳам инкор деб қаралса, инкор устига инкор юкланиб, стилистик хатога йўл қўйилади. Шунинг учун уни «буюм, нарса» дея анлангани маъқул.

Матндаги *nāŋ yilsiy bodun* бирикмасининг маъноси контекстга қараб очиқласак тўғри бўлади. Мазмунга қаралса, ушбу бирикма *içrā ašsiz, tašra tonsuz, yabiz yablaq bodun* нинг зидди бўлиб, унга қарши қўйилмоқда. Шунингдек, бу бирикма мазмунан битигларда кечган *yalaŋ bodun* (яланг халқ), *çīyaŋ bodun* (қашшоқ халқ) бирикмаларининг ҳам зиддидир.

Шу ўринда Кул тигин битигининг кетинида турган бошқа бир мисолга эътибор қаратайлик. Битигда хоқон ўзининг юртга эгалиги чоғида яланг, қашшоқ халқни бой-бадавлат халққа айлантирганини таърифлаб дейди: *Yalaŋ bodunuy tonluŋ, çīyaŋ bodunuy bay qiltim, az bodunuy öküš qiltim*. – «Яланг халқни тўнли, қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни қўпайтирдим» (К.29).

Бу жумладаги *yalaŋ, çīyaŋ, az* ҳамда *tonluŋ, bay, öküš* сўзлари *bodun* сўзининг сифатлари бўлиб, таърифда ўзаро зидликни юзага келтиради: кийим-кечакли халқ (*tonluŋ bodun*) – яланг халққа (*yalaŋ bodun*), бой халқ (*bay bodun*) – қашшоқ халққа (*çīyaŋ bodun*), қўп халқ (*öküş bodun*) – оз халққа (*az bodun*) мазмунан қарама-қарши қўйилади. Ушбу қаршилантиришнинг муҳим ғоявий-сиёсий, бадиий-эстетик вазифаси бор: у матнда хоқон замонида юрт тўкин-сочинлик, тинчлик-осойишталикка юз тутганлигини очиб беришга хизмат қилади. Қадимги турк адабиётида, одатда, юртга эгалик қилиб турган хоқон даврида унинг олиб борган адолатли сиёсати, халқнинг тўқ-фаровон яшагани, тинчлик-осойишталик ҳукм сурганини баён этишда ана шундай таърифлардан унумли фойдаланилган. Жоҳил, адолатсиз хоқонларнинг таърифида эса бунинг тескариси.

Демак, келтирилган жумладаги *nāŋ* – «нарса, буюм» маъносида, *yilsiy* эса «йилқили; йилқиси мўл» дегани; *nāŋ yilsiy* бирикмаси «мол-мулки, йилқили», яъни «бой-бадавлат» англамида келган; *nāŋ yilsiy bodun* – «бой-бадавлат халқ».

Шуларга таянган ҳолда, Кул тигин битигидаги Билга хоқон тилидан айтилган: *Näḡ yilsiy bodunqa olurmadim. İcrā aṣṣiz, taṣra tonsuz, yabiz yablaq bodunta üzä olurtum* жумлаларини «(Мен) мол-мулки / буюм ва йилқили [яъни, бой-бадавлат] халқ устидан (хоқон бўлиб тахтга) ўтирмадим. Оч-яланг, ёвуз-ваҳший халқ устидан (хоқон бўлиб тахтга) ўтирдим» деб ўтирилса, тўғри бўлади.

ТҮНҮОҚУҚ БИТИГИ

Ёдгорлик Иккинчи турк хоқонлиғи даврида яшаб ўтган давлат арбоби ва саркарда, файласуф, адиб ва тарихчи Тўньюқуқ хотирасига тикланган.

Тўньюқуқ ёдгорлик мажмуаси Мўғулистондаги Баин Цокто манзилидан топилган. Ҳозир ҳам тикланган жойида. У 62 сатрли бўлиб, бир-бирига қаратиб тикланган икки тўрт қиррали тошга ёзилган (*нашрларига қаранг*: Малов 1951,56–73; Orkun 1987,99–124; Абдураҳмонов, Рустамов 1982,65–86; Аманжолов 2003,176–185).

Мажмуа хоқонликлар замонидан қолган бошқа ёдгорликлардан анча четда. Кул тигин ва Билга хоқон битиглари тикланган жой билан бу ернинг ораси 360 чақирим. Саркарда қариган чоғда давлат ишларидан четроқ, тинч бир манзилни танлаган бўлса ажабмас.

Битигнинг ёзилган санаси аниқ эмас. Баъзи олимлар у 712–716 йиллар орасида ёзилган, баъзилар 720, айримлар 725–726 йилларда битилган дея тахмин қиладилар. У. Серткая матнда кечган тарихий воқеаларни таҳлил қилар экан, битиг, тахминан, 732–734 йиллар орасида ёзилган, деган хулосага келди. Унинг кўзқарашича, Тўньюқуқ бу кезлар 85 ёшларда бўлган (Sertkaya 1995,119–128). Нима бўлганда ҳам, унинг тарихи Билга хоқон замонига боради. Бу тўғрида битигнинг якунида: *Türk Bilgä qayan äliḡa bititdim bän bilgä Toñuquq* – «(Ушбу битигни) турк Билга хоқон элида ёздирдим мен билга Тўньюқуқ», – дея қайд этилган (Топ.58).

Тўньюқуқ асли Табғачда туғилиб, тарбия топган. У оталар юртига келиб, миллий-озодлик ҳаракатларига кўшилиб кетди. У уч хоқон – Элтариш, Бўғу, Билга хоқон юртни бошқарганда уларнинг кенгашчиси ва кўмондони бўлган. «Ўшанда кенгашчи ҳам менинг ўзим эдим, урушувчиси ҳам мен эдим», – дея хотирлайди бу тўғрида муаллиф. Айниқса, Элтариш ва Билга хоқон даврида унинг обрўси ва мавқеи юқори эди. Тўньюқуқ юрт тинчлиги, мамлакат куч-қудратини ошириш йўлида кўп яхши ишларнинг бошида турди, хоқонлиқнинг тикланиши ва эл че-

гараларининг кенгайишига муносиб улушини қўшди. У йирик арбоб бўлиши билан бирга, тарихчи, қадимги туркий адабиётнинг йирик намояндаси, замонасининг атоқли файласуфларидан эди. Битигда унинг оти *bilgā Toñuquq* деб қайд этилган. Отига қўшилаётган *bilgā* сўзи унинг унвони бўлиб, «билимдон, аллома» деган маънони билдиради. У улуғ донишманд, хоқон маслаҳатчиси бўлгани учун шундай унвонга эришган. Хитой манбаларида у танг сулоласи даврида ўтган атоқли арбоблар, улуғ донишманд ва саркардалар қаторига қўйилади.

Битиг муаллифи Тўньюқуқнинг ўзидир. Матн унинг тилидан берилган. Битигда Тўньюқуқ ўзининг ўсиб улғайишидан бошлаб, Элтариш бошлиқ улус озодлиги ҳаракатларига қўшилиб, мамлакатни босқинчилар зулмидан қутқариши, ўз қаҳрамонликлари, мамлакат чегараларини кенгайтириш, юрт эрки, улус тинчлиги ва фаровонлиги йўлида олиб борган курашларини, эзгу ишларини ҳикоя қилади. Унда хоқонлиқ тарихи яхши ёритилган. Муҳими шундаки, тарих баёни оддий эмас: муаллиф кўрган-кечирганларини, ўзи қатнашган буюк ишларни таъриф этмаклик учун халқ мақоллари, турли бадий воситалардан унумли фойдаланган. Услуб балоғат даражасида, ниҳоятда гўзал. Бу белгилари матннинг бадийлигини таъминлайди. Бундай услубнинг танланишига сабаб, асарни ўқишли қилиш, унинг бадий-эстетик таъсирини ошириш эди. Шунинг учун битигни тарихий-бадий асар сифатида ўрганиш ўринлидир.

Битиг *Bilgā Toñuquq-bān* («(Мен) билга Тўньюқуқ-ман») жумласи билан бошланган (Топ.1). Бу жумла матннинг бошламаси бўлиб, уни уч компонентга ажратиш мумкин: биринчиси – муаллифнинг унвони (*bilgā*); иккинчи компонент – оти (*Toñuquq*), унга қўшилаётган *-bān* – учинчи компонент -шахс-сон қўшимчаси бўлиб, кесимликни таъминлайди. Ушбу бошлама қуйида берилган матн Тўньюқуқнинг сўзлари эканлигига ишора. Шундан сўнг *özüm Tabıaç āliñā qilintim* («Ўзим Табғач элида вояга етдим») жумласи билан асосий қисмга кўчилади.

Ҳозирги нашрларда матннинг бошланишини *Bilgā Toñuquq, bān özüm Tabıaç āliñā qilintim* деб ўқиб, мазмунини «Билга Тўньюқуқ, мен ўзим Табғач мамлақатида вояга етдим» дея талқин этадилар. Бунда битигнинг расмий мавқеи сусаяди; гўё у оддий таржимаи ҳолдай бўлиб қолади.

Одатда, хоқонларнинг ёрлиқлари, битиглари уларнинг унвони билан бошланган. Масалан, ўша замонда юртга эгалик қилган Билга хоқон ўз ёрлиқларини *Tāñri-tāğ Tāñri yaratmıš türk Bilgā qayan sabim* («Кўкдаё улуғ Тангри яратган қудратли Билга хоқон сўзим») унвони билан бошлаган (X.1). Тўньюқуқ хоқон эмас, қолаверса, унинг битиги ёрлиқ ё юрт

эгасининг битиги ҳам эмас. Лекин, таъкидлаш керак, битиг Тўнюқунинг ким ўтгани, халқ эрки йўлида хоқонлар билан елкама-елка туриб курашган миллий қаҳрамоннинг улуғ хизматларини хоқонлик олдида, келажак авлодга яна бир бор таъкидлаб қўйиш учун ёзилган баёнотидир. Ушбу нуқтаи назардан битиг расмий тус олади. Шунинг учун бошламани *Bilgā Toñuquq-bān* («(Мен) билга Тўнюқун-ман») деб берилгани тўғри.

У Серткаянинг таъкидлашича, бу ерда икки жумла бор: матндаги *bān* сўзи шахс-сон қўшимчаси бўлиб, биринчи жумланинг кесимини шакллантиради. Ундан кейинги *özüm* ни эса кейинги жумланинг эгаси сифатида ўқилгани маъқул: *Bilgā Toñuquq-bān. Özüm Tabʻač āliñā qilintim*. Шунда маъно ҳам бир оз ўзгаради: «(Мен) билга Тўнюқунман. Ўзим Табғач юртида вояга етдим» (Sertkaya 1995,41–44).

Бу нарса битигнинг расмий мақомини ҳам таъминлайди, муаллифнинг мақсадига ҳам мос тушади. Матнни бу кўринишда бошлаш эпиграфика тарихида кенг тарқалган.

Енисей теварагидан топилган битигларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Масалан, Кулуг апа битиги: *Külüg apa-ben*. – «(Мен) Кулуг опа-мен» (E.20.2); Яруқ тигин битиги: *Er atim Yaruq tigin-ben*. – «Эр отим Ёруқ Тегиндирман» (E.19.1); Эл Тўғон битиги: *Atim El Toʻyan Tutuq-ben*. – «Отим Эл Тўған Тутуқмен» (E.1.2); Кўк тириг битиги: *Er atim Kōk Tirig-ben*. – «Эр отим Кўк Тиригмен» (E.51.1); Бег Тарқан Ўга Тириг битиги: *Beg Tarqan Ōgā Tirig-ben*. – «(Мен) Бег Тарқан Ўга Тиригмен» (E.53.3) деб бошланган. Бунинг сингари мисоллар талай. Бари эпиграфик матн тузишда адиб ва тарихчи Тўнюқун ишлаб чиққан анъанага эргашади.

Баъзи олимлар ўртасида Тўнюқун битиги Кул тигин битигига жавоб тарзида ёзилган, деган кўзқараш ҳам бор. Ҳарқалай, бу фикр тўғрига ўхшайди. Сабаби, Кул тигин битигида Иккинчи кўк турк хоқонлигининг юзага келиши, унинг ривожланиш тарихи яхши берилган. Айниқса, Элтариш хоқон, Бўғу хоқон, Билга хоқон фаолиятлари, давлатни оёққа қўйиш борасида кўрсатган хизматлари, қаҳрамонликлари батафсил ҳикоя қилинади. Бироқ, битигда маслаҳатчи ва саркарда, доно Тўнюқуннинг хизматлари ёритилмай қолган. Тўнюқун шундан аччиқланган бўлиши керак. Бу нарса уни ўз ишлари тўғрисида битигтош битишга мажбур қилган ва у ўз фаолиятини таърифлаб асар яратган.

Битигда Тўнюқун ўзининг ўсиб улғайишидан бошлаб, Элтариш бошлиқ улус озодлиги ҳаракатларига қўшилиб, мамлакатни босқинчилар зулмидан қутқариши, ўз қаҳрамонликлари, мамлакат чегараларини

кенгайтириш, юрт эрки, улус тинчлиги ва фаровонлиги йўлида олиб борган курашларини, эзгу ишларини ҳикоя қилади. Унда хоқонлиқ тарихи яхши ёритилган. Муҳими шундаки, тарих баёни оддий эмас: муаллиф кўрган-кечирганларини, ўзи қатнашган буюк ишларни таъриф этмаклик учун халқ мақоллари, турли бадий воситалардан унумли фойдаланган. Услуг балоғат даражасида, ниҳоятда гўзал. Бу белгилари матннинг бадийлигини таъминлайди. Бундай услубнинг танланишига сабаб, асарни ўқишли қилиш, унинг бадий-эстетик таъсирини ошириш эди. Шунинг учун битигни тарихий-бадий асар сифатида ўрганиш ўринлидир.

Битиг охирлаган сайин ёзувчининг кўзлаган мақсади очиқ-ойдин кўзга ташлана боради; хоқонлиқ тарихидаги ютуқларнинг бошида хоқон билан бир сафда Тўньюққ ҳам турганига алоҳида эътибор қаратилади. Битигда айтилувчи, Элтариш хоқон алломаси билан бўлгани учун, баҳодир билан бўлгани учун (*Altaris qayan bilgäsin ücün, alpın ücün*) қўшни элларга чериг тортиб, мамлакатни кенгайтирди, зафар қозонди (Топ.48–49). «Элтариш хоқонга, Бўгу хоқонга, қудратли Билга хоқонга тун ухламайин, кундуз ўтирмайин, қизил қонимни тугатиб, қора терим югуртиб, меҳнатимни, кучимни бердим» (*qizil qanım tükäti, qara tärım yügürti, isig kücüg bärтим*), – дея урғулайди муаллиф (Топ.52). Таърифдаги *isig-kücüg bärти* бирикмаси эски поэтикада кўп учрайди, бу «ишини, кучини берди; хизматини қилди» дегани. Жумладан, Кул тигин битигида туркларнинг Табғачга қарамлик чоғлари ҳикоя қилинар экан, муаллиф *Älig yil isig-kücüg bärmiş* (Эллик йил (душманга) ишини, кучини берибди), деган жумлани ишлатган (К.7). У ерда салбий маъно бор, «кул бўлди» дегани. Аммо Тўньюққ бу бирикмани яхши маънода қўллайди; у «юртимга, хоқонимга хизмат қилдим» деганидир.

Асар қаҳрамонининг алпларча кураши: «Босадиган ёвни поймол қилғучи эдим» (*basiniyma yaııy kälürür ärtim*) дея таърифланади (Топ.53). Бошқа бир ўринда у юрт жонкуяри эканлигини таъкидлаб: «Бу турк халқига яроқли ёвни келтирмадим, (унинг) яловли отини югуртирмадим» (*Bu türk bodunqa yaraqlııy yaııy kältürmädim, tögünlüg atiy yügürtmädim*), – дейди (Топ.54).

«Қай ердаги хоқонли халқнинг менинг сингари алпи бор эрса, унинг не қайғуси бўларди», – дея яқунланади эпосларга хос баён (Топ.56–57).

Алоҳида таъкидланувчи, Элтариш хоқон ва Тўньюққ елкама-елка туриб зафар қучмаганларида салтанат оёққа турмаган бўларди. «Элтариш хоқон зафар қозонмаганида, унинг билан менинг ўзим зафар қозонмаганимда, юрт ҳам, халқ ҳам йўқ бўлар эди. (Хоқон) зафар қозонга-

ни учун, менинг хушёрлигим, зафар қозонганим учун, эл ҳам эл бўлди, халқ ҳам халқ бўлди» – дейилади битигда (Топ.54–56).

Бу сўзлар қайта-қайта таъкидланади: «Элтарис хоқон зафар қозонмаганида, йўқ бўлганида, мен ўзим билга Тўнюқуқ зафар қозонмаганимда, мен бўлмаганимда, Қапаған хоқон турк сир халқи ерида бўй ҳам, халқ ҳам, киши ҳам эга бўлмас эди» (Топ.59–60). Ушбу қайтариқларнинг ўзига яраша бадиий-эстетик вазифаси бор: ундан мурод ана шу тарихий ҳақиқатга ўқувчи эътиборини жиддийроқ қаратиш, асарнинг ғоявий таъсирини оширишдир.

Қуйида келтирилаётган матн битигнинг Orhun китобида берилган фотоси асосида тайёрланди (Orhun.47–56).

Матн транскрипцияси

(1) Bilgä Toñuquq-bän. Özüm Tabyač äliñä qilintim. Türk bodun Tabyačqa körür ärti.

(2) Türk bodun qanin bulmayin tabyačda adrilti, qanlantı, qanin qodup tabyačqa yana içikdi. Täñri anča tämis ärinč: Qan bärtim,

(3) qaninın qodup içikdiñ, içikdük üçün täñri öl tämis ärinč, türk bodun ölti, alqinti, yoq bolti, türk sir bodun yärintä

(4) bod qalmadı, ida taşda qalmısı qobranip, yäti yüz bolti: äki ülügi atliıy ärti, bir ülügi yaday ärti. Yäti yüz kişig

(5) uduzuyma uluyi şad ärti. Yiyl, tädi, yiyması bän ärtim – bilgä Toñuquq. Qayan-mu qısayin tädim, saqintim, turuq buqalı sämiz buqalı arqda

(6) bilsär, sämiz buqa, turuq buqa täyin bilmáz ärmis, täyin anča saqintim. Anta kisrä täñri bilig bärtük üçün özüm-ök qayan qısdım. Bilgä Toñuquq boyla baya tarqan

(7) birlä Ältäris qayan bulayin, bäriyä tabyačiy, öñrä qıtañiy, yiraya oyuzuıy öküşäk ölürti. Bilgäsi, çabısi bän-ök ärtim. Çuyay quzin, Qara qumuğ olurur ärtimiz.

(8) Käyik yäyü, tabısyän yäyü olurur ärtimiz, bodun boyzi toq ärti. Yayımız tägrä uçıq tägirti, biz şäg ärtimiz. Anča olurur ärk äli. Oğuzd(a) antan körüg kälti.

(9) Körüg sabı antağ: Toquz oyuz bodun üzä qayan olurti, tir, Tabyačyaru Qoni sänjünüg idmis, Qıtañyaru Toñra Sämig idmis, sab anča idmis: Azqıña türk bodun

(10) yoriyor ärmis, qayanı alp ärmis, ayıuçısi bilgä ärmis. Ol äki kişi bar ärsär, säni tabyačiy ölürtäçi tir-män, öñrä qıtañiy ölürtäçi tir-män, bāni oyuzuıy

(11) ölürtäçi-ök tir-män. Tabyaç, birdänäyin tæg, qıtañ, öñdänäyin tæg, bän yirdanayın tægäyin. Türk sir bodun yärintä idi yorımazun, usar, idi yoq qısalım

(12) tir-män. Ol sabıy äsidip tün udısiqım kälmedi, күntüz olursiqım kälmedi. Anta ötrü qayanıma ötüntim, ança ötüntim: Tabyaç, oyuz, qıtañ, bu üçägü qabasar,

(13) qaltaçi-biz, öz içi taşın tutmıs-tæg-biz. Yuyqa ärklig topulyalı uçuz ärmis, yinçgä ärklig üzgäli uçuz, yuyqa qalın bolsar, topulyuluq alp ärmis, yinçgä

(14) yoyan bolsar, üzgülük alp ärmis. Öñrä Qıtañda, biriyä Tabyaçda, quriya Qurdanta, yıraya Oyuzda äki üç biñ sümüz, kältäçi-miz bar-mu, nä? ança ötüntim.

(15) Qayanım bän özüm bilgä Toñuquq ötüntük ötünçümin äsidü bärtili, köñlünçä uduz, tädi. Kök ünüg yoyaru Ötükän yişyaru uduztım, İñigäk kölükün Toyлада oyuz kälti.

(16) Süsi üç biñ ärmis, biz äki biñ ärtimiz, süñüşdimiz, täñri yarlıqadı, yañdimiz, ögüzkä tüşdi. Yañduq yolta yämä ölti kük, anta ötrü oyuz qopun kälti.

(17) Kältürtim-ök türk bodunuy Ötükän yärkä bän özüm bilgä Toñuquq. Ötükän yärig qonmıs täyin äsidip biriyäki bodun, quriyaqı, yırayaqı, öñräki bodun kälti.

(18) äki biñ ärtimiz biz, äki sü bolti. Türk bodun oluryalı, türk qayan oluryalı Şantuñ baliqa, taluy ögüzkä tægmiş yoq ärmis. Qayanıma ötünüp sü ältidim.

(19) Şantuñ baliqa, taluy ögüzkä tægürtim. Üç otuz baliq sidi, usın buntatu yurtda yatu qalır ärti. Tabyaç qayan yayımız ärti, on oq qayanı yayımız ärti,

(20) artuq qırqız küçlüg qayan yayımız bolti. Ol üç qayan ögläşip Altun yiş üzä qabasalım timis, ança ögläşmiş, öñrä türk qayanıyaru sülälim, timis, anjaru sülämäsär, qačan äñirsär, ol bizni,

(21) qayanı alp ärmis, ayyuçisi bilgä ärmis, qačan äñirsär, ölürtäçi kük. Üçägün qabsap, sülälim, anı yoq qısalım, tämis. Türgäs qayan ança tämis: Bänij bodunum anta ärir, tämis,

(22) Türk bodun yämä bulyanç-ol, tämis. Oyuzi yämä tarqanç-ol, tämis. Ol sabın äsidip, tün yämä udusiqım kälmez ärti, (küntüz yämä) olursiqım kälmez ärti, anta saqıntım a ...

(23) ...a sülälim..., tädim. Kögmän yoli bir ärmis, tumıs täyin äsidip, bu yolun yorisar, yaramaçi, tädim ... Yärçi tilädim, çölgi az äri bultum.

(24) Özüm, Az yirim ..., anı bil ... ärmis, bir turuqi ärmis, Anın barmis anjar yatip, bir atliy barmis täyin ol yolun yorisar, unç tädim, saqıntım, qayanıma

(25) ötüntim, sü yorİtdİm, atlat, tādİm. Aq tärmäl káčä oyraqlatdİm, at üzä bintürä qarİy sökdİm, yoqaru at yätä yadayİN, İyaç tutunu ayturtİm, önräki är

(26) yoyaru tægürİp, İ bar art aşdİmİz. Yobalu intimiz, on tünkä yantaqİ tuy birü bardİmİz. Yärçi yär yañİlip, boyuzlantİ, bujadİp, qayan yälü kör, tämİs.

(27) Anİ subuy baralİm. Ol sub qodİ bardİmİz, sanayalı tüşürtİmİz, atİy İqa bayur artİmİz, kün yämä, tün yämä yälü bardİmİz. Qİrqİzİy uqa basdİmİz,

(28) sü äñäğİN ačdİmİz. Qanı süsİ tärİlmİs, süñüşdİmİz, sančdİmİz, qanİN ölürtİmİz. Qayanqa qİrqİz bodunİ İčİkdi, yüküntİ, yantİmİz, Kögmän yİşİy äbirü kältİmİz.

(29) Qİrqİzda yantİmİz. Türgäs qayanta körüg kältİ, sabİ an-täg: Öñdän qayanyaru sü yorİlİm, tämİs, yorİmasar, bizni, qayanİ alp ärmİs, ayyučİsİ bilgä ärmİs, qačan äñİrsär,

(30) bizni ölürtäčİ kük, tämİs. Türgİs qayanİ taşİqmİs, tädİ. On oq bodunİ qalisİz taşİqmİs, tär. Tabyač süsİ bar ärmİs. Ol sabİy äsİdİp, qayanİm: Bän äbgärü tüsäyİN, tädİ.

(31) Qatun yoq bolmİs ärtİ, anİ yoylatayİN, tädİ. Sü barİñ, tädİ, Altun yİşda oluruñ, tädİ. Sü başı İnal qayan, tarduş šad barzun, tädİ. Bilgä Toñuquqa – bänä aydİ:

(32) Bu süg ält, tädİ, aqİ yanİy köñlünčä ay, bän sänä nä ayayİN, tädİ. Kälİr ärsär, kü är ökülür, kälmäz ärsär, tİlİy, sabİy alİ olur, tädİ. Altun yİşda olurtİmİz.

(33) Üč körüg kişi kältİ, sabİ bir: qayanİ sü taşİqdİ, on oq süsİ qalisİz taşİqdİ, tär. Yarİs yazİda tärİlälİm, tämİs. Ol sabİy äsİdİp, qayanyaru ol sabİy İt(t)İm: QantayİN sabİy yana

(34) kältİ, oluruñ, täyİN tämİs. Yälmä, qaryu ädgütİ uryİL, basİtma, tämİs. Bög(ü) qayan bañaru anča ayİdmİs, apa tarqanyaru İcrä sab İdmİs: Bilgä Toñuquq añİy-ol, öz-ol añlar,

(35) sü yorİlİm tädäčİ, unamañ. Ol sabİy äsİdİp, sü yorİtdİm, Altun yİşİy yolsuzun aşdİm, Ärtİs ögüzüg káčİgsİzİN káčdİmİz, tün aqİtdİmİz. Bolučuqa tañ öñtürü tægdİmİz.

(36) Tİlİy kälürtİ sabİ antäg: Yarİs yazİda on tümän sü tärİltİ, tär. Ol sabİy äsİdİp, bægłär qopun

(37) yanalİm, arİy obutİ yİg, tädİ. Bän anča tärmän, bän bilgä Toñuquq: Altun yİşİy aša kältİmİz, Ärtİs ögüzüg

(38) káčä kältİmİz, kälmişİ alp tädİ, tuymadİ, tənri Umay İduq yär sub basa bärta ärİnč, näkä tazar-biz

(39) öküş täyİN, näkä qorqur-biz az täyİN, nä basİnalİm, tægälİm, tädİm. Tægdİmİz, yayİdİmİz, äkİntİ kün kältİ,

(40) örtčä qİzİp kältİ, süñüşdİmİz. Bizİntä äki učİ sİñarča artuq ärtİ. Tənri yarlıqaduq üçün öküş täyİN, biz

(41) qorqmadımız, sünüşdimiz. Tarduş şad ara badî. Yaydımız, qayanın tutdımız, yabyusın, şadın

(42) anta ölürti, əligçə ar tutdımız, ol-oq tün bodunin sayu it(t)imiz. Ol sabiy əsidip, on oq bağlari, bodunı qop

(43) kälti, yükünti, käligmä bağların, bodunin itip, yiyip az(ç)a bodun tüzmis arti. On oq süsin sülädim,

(44) biz yämä sülädimiz, anı irtimiz, Yinçü ögüzüg kăçä Tinsi oyli yatıyma Bänligäk tayıy ...

(45) Tämir qapıyqa tägi irtimiz, anta yanturtimiz. İnäl qayanqa ... tüzik, toqrisin ...

(46) anta yärüki asuq başliy soydaq bodun qop kälti, ol küntä tägti. Türk bodun Tämir qapıyqa,

(47) Tinsi oyli yatıyma tayqa tägmis, idi yoq ärmis. Ol yärkä bän bilgä Toñuquq tägürtük üçün

(48) sarıy altun, ürün kümüs, qız qoduz, ägri täbi, ayı buqsuz kälürti. Ältäris qayan bilgäsin üçün,

(49) alpin üçün Tabyaçqa yäti yigirmi sünüşdi, Qıtañqa yäti sünüşdi, Oyuzqa bäs sünüşdi, anta ayyuçi

(50) yämä bän-ök ärtim, yayıçisi yämä bän ärtim. Ältäris qayanqa ..., türk Bögü qayanqa, türk Bilgä q[ayanqa]

(51) Qapayan qayan ... tün udimatı,

(52) küntüz olurmatı, qızıl qanım tükäti, qara tärım yügürti, isig küçüg bärtim-ök, bän özüm uzun yälmäg yämä it(t)im-oq,

(53) ar qoy, aq arıyuy ulyardıdım, basınıyma yayıy kälürür ärtim, qayanımın sü äldimiz, täñri yarlıqazu.

(54) Bu türk bodunqa yaraqlıy yayıy kältürmädim, tögünlüg atıy yügürtmädim. Ältäris qayan qazyanmasar,

(55) udu bän özüm qazyanmasar, äl yämä, bodun yämä yoq ärtäçi arti, qazyantuqın üçün, uduyuzum, qazyantuqum üçün

(56) äl yämä äl boltı, bodun yämä bodun boltı. Özüm qarı boltım, uluy boltım. Näj yärdäki qayanliy bodunqa

(57) äbün tügi bar ärsär, nä buñı bar ärtäçi ärmis.

(58) Türk Bilgä qayan äliñä bititdim bän bilgä Toñuquq.

(59) Ältäris qayan qazyanmasar, yoq ärti ärsär, bän özüm bilgä Toñuquq qazyanmasar, bän yoq ärtim ärsär,

(60) Qapayan qayan türk sir bodun yärintä bod yämä, bodun yämä, kişi yämä idi yoq ärtäçi arti.

(61) Ältäris qayan, bilgä Toñuquq qazyantuq uğun, Qapayan qayan türk sir bodun yorıduqı bu

(62) Türk Bilgä qayan türk sir bodunuq, oyuz bodunuğ igidü olurur.

Мазмуни

(1) (Мен) билга Тўнюкуқ-ман. Ўзим Табғач элида вояга етдим. (Ўша кезлар) турк халқи Табғачга қарам эди.

(2) Турк халқи хонини тополмай, (хўп сарсон бўлди. Аввалига) Табғачдан айрилди, ўз хонига эга бўлди, (кейин яна) хонини кўйиб, Табғачга қайта кўшилди. Тангри шундай деган шекилли: «Хон бердим, (3) хонингни кўйиб, таслим бўлдинг». Таслим бўлгани учун тангри «Ўл» деган [яъни қарғаган] шекилли, турк халқи ўлди, тугади, йўқ бўлди, турк сир халқи ерида (4) (ҳеч бир) уруғ қолмади. Тўқайда, тоғу тошда қолгани тўпланиб, етти юз киши бўлди. Унинг икки бўлаги отлиқ эди, бир бўлаги яёв эди. Етти юз кишини (5) хушёр қиладиган улуғи шад эди. «Йиғил!» – деди. Йиғувчиси мен эдим – билга Тўнюкуқ. Хоқонни-ми қистайин дедим, (сўнг) ўйлаб қолдим: «(Биров) туруқ буқа билан семиз буқани тезагидан (6) билса, (биrow бу) семиз буқа, (бу) туруқ буқа дея билмас эмиш [яъни семиз буқа билан туруқ буқани ажратолмас экан]», – деб шундай ўйладим. Ўшандан сўнг, тангри билим бергани учун, ўзим-оқ хоқонни қистадим. Билга Тўнюкуқ бўйла баға тарқан (7) билан Элтaрис хоқон топишиб [биргалашиб], жанубда табғачни, шарқда қитанни, шимолда ўғузни кўплаб ўлдирди. Билимдони, чабиси менинг ўзим эдим. Чуғай қузини, Қорақумни (эгаллаб) турар эдик. (8) Кийик еб, товушқон еб кун кечирар эдик, халқнинг бўғзи тўқ эди. Душманамиз теграда қанот ёйди, биз шай эдик. Шундай яшар эрк эли.

Ўғуздан (сир билиш учун жўнатилган) кўрувчи (қайтиб) келди. (9) Кўрувчининг хабари шундай: «Тўкуз ўғуз халқи устидан (бир) хоқон тахтга ўтирди, – дер, Табғачга Кўни сангунни юборибди, Қитанга Тўнгра Семни юборибди. (улардан) шундай хабар айтиб юборибди: «Озгина турк халқи (10) юрган эмиш, хоқони алп экан, кенгашчиси доно экан. Ўша икки киши бор бўлса, сени – табғачни ўлдиражак, дейман, шимолда қитанни ўлдиражак, дерман, мени – ўғузни (11) ҳам ўлдиради, дейман. Табғач, сен ўнгдан хужум қил! Қитан, сен олдиндан хужум қил! Мен чапдан хужум қилай. Турк сир халқи ерида эга юрмасин. Удаланса, эгасини йўқ қилайлик, (12) дерман». Ўша хабарни эшитиб, тун уйқум келмади, кундуз ўлтиргим келмади. Шундан кейин хоқонимга ўтиндим. Шундай ўтиндим: «Табғач, ўғуз, қитан – бу учови қамал қилса, (13) (қуршовда) қолажакмиз, (худди) вужуднинг ичу ташини тутгандек бўламиз. Юпқа нарса енгишга арзимас эмиш, ингичка нарса узишга арзимас, ингичка қалин тортса, енгадиган алп эрмиш, ингичка (14) йўғон тортса, узадиган алп эмиш. Шарқда қитандан, жанубда табғачдан, ғарбда қурдандан,

шимолда ўғуздан икки-уч минг уруш қилиб келадиган қўшинимиз бор-миди, нима?» – шундай ўтиндим. (15) Хоқоним мен ўзим билга Тўнюқуқнинг ўтинмиш ўтинчимни эшитиб турди, (кейин): «Кўнглингга қараб иш тут», – деди.

Кўк ўнгни юқорилаб (лашкарни) Ўтукан йишга солдим. Инигак кўлини кечиб Тўғладан ўғуз келди. (16) Қўшини уч минг экан, биз икки минг эдик, урушдик. Тангри ёрлиқади, қочирдик, дарёга тушди. Қочган йўлида яна ўлди чоғи. Шундан сўнг ўғуз бутунлай (таслим бўлиб) келди.

(17) Келтирдим ҳам турк халқини Ўтукан ерга мен ўзим билга Тўнюқуқ. Ўтукан ерга қўнибди, деб эшитиб, жанубдаги халқ, ғарбдаги, шимолдаги, шарқдаги халқ келди.

(18) Икки минг эдик биз, икки (тўда) черик бўлди. Турк халқи эл бўлибдики, турк хоқони тахтга келибдики, Шантунг шахрига, денгизу дарёларга [катта сувларга] етгани йўқ эди. Хоқонимга ўтиниб, лашкар элтдим. (19) Шантунг шахрига, денгизу дарёлар[катта сувлар]гача етказиб бордим. Йигирма уч шаҳар мағлуб бўлди. Уйқусини бузиб, юртида енгилиб қолар эди. Табғач хоқон ёвимиз эди, ўн ўқ хоқони ёвимиз эди. (20) Қўшилиб, қирғиз кучли хоқон ҳам бизга ёв бўлди. Ўша уч хоқон фикрлашиб: «Алтун йиш узра бостириб борайлик, – дебди, шундай фикрлашибди. – Шарққа – турк хоқонига қўшин тортайлик, – дебди. – Унга қўшин тортилмаса, ғазабланган чоғда, у бизни (енгади), (21) хоқони алп экан, кенгашчиси доно экан, ғазаблангудек бўлса, ўлдирадиган кўринади. Учовлаб ёпирилиб, қўшин тортайлик, уни йўқ қилайлик», – дебди. Тургаш хоқон шундай дебди: «Менинг халқим у ерда, – дебди. – (22) Турк халқи ҳам саросимададир, – дебди. – Ўғузи ҳам тарқоқдир», – дебди.

Ўша хабарини эшитиб, тунлари уйқум келмас эди, кундузлари ўтиргим келмас эди. Шундай ўйладим: «А ... (23) ... а қўшин тортайлик ..., – дедим. Кўгман йўли битта экан, бекилган [қор босган], деб эшитиб: «Бу йўлдан юрсак, ярамайди», – дедим. Ерчи [бу ерларни биладиган киши] сўрадим. Чўллик аз кишини топдим. (24) «Ўзим аз, ерим ...», уни бил ... экан, бир турар жойи бор экан. «Ани (дарёси) билан борган, ўша ерда тунаб, бир отлиғ (йўл) босади», – деганда: «Ўша йўл билан юрилса, маъкул», – дедим, шундай хаёл қилдим.

Хоқонимга (25) ўтиндим, черикни йўлга солдим, «от сол!» – дедим. Ақ тармални кечиб илдам йўлладим, отга миндириб қорни кечдим. Юқорига отни етаклаб, яёв, ёғочга таяниб (тепаликка) чиқардим. Олдиндаги эрлар (26) юқори кўтарилиб буталар бор тепаликдан ошдик. Қийналиб индик. Ўн кеча деганда ёндаги тўсиқни айланиб ўтдик. Ерчи

йўлни янглишиб, бўғизланди. Хафа бўлиб хоқон: «Елиб кўр, – деди. – (27) Ани сувидан борайлик».

Ўша сувнинг қуйи томонига бордик, (қўшинни) санагали туширдик, от(лар)ни буталарга бойлар эдик. Куну тун елиб бордик, қирқизни (ғафлат чоғида) қўққисдан босдик. (28) Лашкар жағини очдик [хаёхуй солдик]. Хони, лашкари терилди, жанг қилдик, санчдик, хонини ўлдирдик. Хоқонга қирқиз халқи таслим бўлди, юкунди. Қайтдик, Кўтман йишни айланиб келдик.

(29) Қирқиздан қайтдик. Тургаш хоқондан (сир билиш учун жўна-тилган) кўрувчи (қайтиб) келди. (Келтирган) хабари шундай: «Шарқдан хоқонга лашкар йўллайлик, – дебди. – Йўлланмаса, у бизни (енгади), хоқони алп экан, кенгашчиси доно экан, ғазаблангудек бўлса, (30) бизни ўлдиражак кўринади, – дебди. – Тургаш хоқони майдонга чиқибди, – дебди. – Табғач лашкари (ҳам) бор экан».

Ўша хабарни эшитиб, хоқоним: «Мен уйга тушиб чиқай, – деди. (31) Хотун ўлган эди. – Унинг маросимини ўтказай, – деди. – Лашкар, боринг! – деди. – Алтун йишда ўтиринг, – деди. – Лашкарбоши Инал хоқон, тардуш шади борсин», – деди. Билга Тўнюқуққа – менга айтди: (32) «Бу лашкарни элт, – деди. – Саҳийлигу қаттиққўлликни кўнглингга қараб қил, мен сенга нима ҳам дердим, – деди. – (Ёв) келар бўлса, доврўғли эрларни йўлла, келмас эрса, гап-сўзини [сирини], хабарини олиб тур», – деди.

Алтун йишда ўрнашдик. (33) Уч кўрувчи киши келди, сўзи бир: «Хоқони қўшин билан майдонга чикди, ўн ўқ қўшини бекаму кўст майдонга чикди, – дер. Ярис даштида терилайлик», – дебди. Ўша хабарни эшитиб, хоқонга ўша хабарни айтиб юбордим, «қандай қилай?» деган хабарни етказиб, (жавобини олиб) қайтиб (34) келди. «Тек туринг! – деган эмиш. – Елма, пистирмани яхшилаб мустаҳкамла, (ёвга) бостириб қўйма», – дебди. Бўгу хоқон менга шундай айтиб юборибди, апатархонга [бош қўмондонга] махфий хабар юборибди: «Билга Тўнюқуқ (ёв қаршисида) ёвуз [ўжар, тап тортмас], ўзи-ёқ англайди [ўз билганини қилади]. (35) Қўшин тортайлик деганига унаманг». Ўша хабарни эшитиб, лашкарни йўлга солдим. Алтун йишни йўлсиз ошдим, Эртиш дарёсини кечиксиз кечдик, тун тўхтамадик. Бўлучуга тонг оттириб етиб бордик.

(36) Гап-сўзини [сирини] билиб келтирган хабари шундай: «Ярис даштида ўн туман [юз минг] лашкар терилди», – дер. Ўша хабарни эшитиб, беглар ёппасига: (37) «Қайтайлик, ҳалол (кишининг) уяти яхши [ор-номусини сақлагани яхши]», – деди. Мен шундай дерман, мен билга Тўнюқуқ: «Алтун йишни ошиб келдик, Эртиш дарёсини (38) кечиб келдик. Келгани алп, деганлар. (Ёв бизни) туймади. Тангри Умай, муқаддас

ер-сув босиб берган шекилли, нега тезармиз (39) (ёвни) кўп дея, нега кўрқармиз, (ўзимизни) оз дея. Қани, босайлик, хужум қилайлик», – дедим. Хужум қилдик, тор-мор қилдик.

Иккинчи кун келди, (40) ёнғиндай қизиб келди, урушдик. Бизниқидан икки қаноти яримча ортиқ эди. Тангри ёрлиқагани учун кўп дея, биз (41) кўрқмадик, урушдик. Тардуш шади аралашди. Тор-мор қилдик, хоқонини тутдик, ябғусини, шадини (42) ўша ерда ўлдирилди. Элликтача эрни тутдик, ўша кечадаёқ (уларни) хоқони томон жўнатиб юбордик. Ўша хабарни эшитиб, ўн ўқ беглари, халқи ёппасига (43) келди, бош эгди. Келган бекларини, халқини тартибга солиб, йиғиб, озгина халқ қочган эди, ўн ўқ лашкарини жангга юбордим. (44) Биз ҳам лашкар тортдик, уни қувдик, йинчу ўгузни кечиб Тинси ўғли ётадиган Банглигак тоғни ... (45) Темир қописқача қувиб бордик, ўша ердан қайтардик.

Инал хоқонга ... араб, тўхрини ... (46) Ўшанда бошига ёриқ дубулға кийган сўгдақ халқи ёппасига келди, ўша куни уруш қилди. Турк халқи Темир қописқа, (47) Тинси ўғли ётадиган тоққа етди, эгаси йўқ экан. Ўша ерга мен – билга Тўнюкуқ етказиб борганим учун (48) сариқ олтин, оқ кумуш, ноёб қўтослар, эгри туя, ипаклик ҳадсиз келтирди.

Элтариш хоқон алломаси билан бўлгани учун, (49) алпи билан бўлгани учун Табғачга ўн етти бор жанг қилди, Қитанга етти бор жанг қилди, Ўғузга беш бор жанг қилди. Ўшанда кенгашчи (50) ҳам менинг ўзим эдим, урушувчиси ҳам мен эдим. Элтариш хоқонга ..., қудратли Бўгу хоқонга, қудратли Билга хоқонга ... (51) Қапаған хоқон ... тун ухламади, (52) кундуз ўтирмади, қизил қонимни тугатиб, қора терим югуртиб, меҳнатимни, кучимни бердим-ку, ахир. Мен ўзим узоқларга босқинни ҳам уюштирдим-ку, ахир.

(53) Қўнғир қўй, оқ отни улғайтирдим. Босадиган ёвни поймол қилғучи эдим. Хоқоним билан лашкар тортдик, тангри ёрлиқасин!

(54) Бу турк халқига яроқли ёвни келтирмадим, яловли отини югуртирмадим.

Элтариш хоқон зафар қозонмаганида, (55) унинг билан менинг ўзим зафар қозонмаганимда, юрт ҳам, халқ ҳам йўқ бўлар эди. (Хоқон) зафар қозонгани учун, менинг хушёрлигим, зафар қозонганим учун, (56) эл ҳам эл бўлди, халқ ҳам халқ бўлди.

Ўзим қаридим, улғайдим.

Ҳар ердаги хоқонли халққа, (57) дон-дуни бор бўлса, нима ғами бўларди?

(58) (Ушбу битигни) қудратли Билга хоқон элида ёздирдим мен билга Тўнюкуқ.

(59) Элтарис хоқон зафар қозонмаганида, йўқ бўлганида, мен ўзим билга ТўнЮқуқ зафар қозонмаганимда, мен бўлмаганимда, (60) Қапаған хоқон турк сир халқи ерида бўй ҳам, халқ ҳам, киши ҳам эга бўлмас эди. (61) Элтарис хоқон, билга ТўнЮқуқ зафар қозонгани учун Қапаған хоқон турк сир халқи юрган бу ...

(62) Кудратли Билга хоқон турк сир халқини, ўғуз халқини бошқариб турибди.

Матн ва унинг ўгирмаси бўйича шарҳлар

2- қаторда: Туркшунослар бу қатордаги 𐰽𐰺𐰪𐰸𐰆𐰏 ҳарф бирикмаларини *qanin bolmayin* кўринишида ўқиб, маъносини «хони билан бўлмай» деб изоҳлайдилар. Масалан, С.Е. Малов таржимасида бу жумла шундай берилган: «Тюркский народ, не будучи со своим ханом, отделился от государства Табгач, сделался народом, имеющим своего хана; оставив своего хана, снова подчинился государству Табгач» (Малов 1951,64–65). Ёки Н. Ўрқун ўгирмасида: «Türk milleti hansız olmasın (diye) Çinden ayrıldı. Han sahibi oldu. [Fakat sonra] hanını koyup tekrar Çine teslim oldu» (Orkun 1987,100). Кўриниб турибдики, ҳар икки ўгирмада ғализлик бор.

Аслида *qan* сўзига қўшилаётган *-in* қўшимчасини восита келишиги эмас, тушум келишиги, кейинги 𐰽𐰺𐰪𐰸𐰆𐰏 даги 𐰽 ни [o] эмас, [u], сўзни эса *bulmayin* деб ўқилгани маъқул. Маъноси «хонини топмайин» дегани бўлади. Шунда ушбу жумладан нима дейилмоқчи эканлиги аён бўлади: *Türk bodun qanin bulmayin tabyaçda adrilti, qanlantı, qanin qodup tabyaçqa yana içikdi.* Маъноси: «Турк халқи хонини тополмай, (хўп сарсон бўлди. Аввалига) Табғачдан айрилди, ўз хонига эга бўлди, (кейин яна) хонини кўйиб, Табғачга қайта қўшилди».

5- қаторда: Ушбу қатордаги $\text{𐰽𐰺𐰪𐰸𐰆𐰏}𐰽𐰺𐰪𐰸𐰆𐰏𐰽𐰺𐰪𐰸𐰆𐰏$ ҳарфларини С.Е. Малов *yayıl, – tidi. Yaymisi bān ārtim* кўринишида ўқиб, русчага «Он сказал: «Приставай (т.е. ко мне)». Я был к нему приставшим» деб таржима қилган (Малов 1951,61,65).

Бизнингча, асл матндаги 𐰽𐰺𐰪𐰸𐰆𐰏 ни *yīyil* («ийгил, тўплан», ҳарбий қўшинга буйруқ), 𐰽𐰺𐰪𐰸𐰆𐰏 ни эса *yīymasī* («ийғувчиси») деб ўқилгани маъқул. Чунки бу ерда қўшинга буйруқ берилипти. Шунда матн куйидаги кўринишга эга бўлади: *Yīyil, tādi, yīymasī bān ārtim.* – «Йиғил!» – деди. Йиғувчиси мен эдим.

27- қаторда турк қўшинининг зафарли юришлари баёнида шундай жумлани ўқиймиз: *Ol sub qudī bardimiz, sanayālī tūšūrtimiz, atiy iqa bayur ārtimiz. Kūn yāmā, tūn yāmā yālū bardimiz. Qirqiziy uqa basdimiz.*

Биринчи жумладаги *sub* – «сув, дарё»; *qudi bardimiz* – сўзма-сўз олганда «қуйи бордик», шу туришида қадимги туркий тил учун норма саналган, маъно англаган, лекин ҳозирги ўзбек тилида бундай дейилмайди: «Ўша сув ёқалаб қуйи бордик» ёки «Ўша сувнинг қуйи томонига бордик» дейилади. Матнни ҳозирги тилга ўгиришда ҳам ана шунга таянамиз.

Кейинги *sanayali tushurtimiz* дейилганда «қўшин» кўзда тутилган: «қўшинни текшириб олиш учун отлардан туширилганлик» маъноси бор. Навбатдаги жумладаги *i* – «ўт, ўсимлик», бу ўринда «бута» деб олинса тўғри бўлади. Шунда «отлар буталарга боғланганлиги» англашилади (*atiy iqa bayur artimiz*). *Kun yama, tun yama* даги *yama* – таъкид юкламаси бўлиб, ҳозир қўллаётганимиз «ҳам»га тўғри келади. Буни сўзма-сўз «кундузи ҳам, тунда ҳам» дейиш мумкин, лекин «куну тун» деб ўгирилса, силлиқ чиқади: «Куну тун елиб бордик» бўлади.

Сўнги жумлада келган *iqa* ни мавжуд нашрларда «уйқуда» деб берадилар: *iqa basdimiz* – «уйқуда босдик». Қизиғи шундаки, бошқа битигларда ҳам бу стереотип бирикма жанг баёнида тез-тез учраб туради. Масалан, Кул тигин битигида Билга хоқон қўшинининг қирқизлар ва тургешлар билан бўлган жанг тасвирида *uda basdimiz* стереотип бирикмаси ишлатилган: *Qirqiz bodunuy uda basdimiz* (К.35); *Turgas bodunuy uda basdimiz* (К.37). Буни таржималарда «Қирқиз халқини уйқуда босдик» дея талқин этадилар. Бизнингча, бу бирикмага янгича бир ёндашув керак. Ўзбек «уйқу – ғафлат» дейди. Битигларда *uda basdimiz* ёки *iqa basdimiz* дейилганда «ғафлат чоғида босиб олиш; қўққисдан босиш» кўзда тутилган чамаси. Шунга кўра *iqa* ни «уйқу» деб эмас, равиш («қўққисдан, тўсатдан») сифатида ўгирса ҳам бўлади. Шундай бўлганда жумла «Қирқизни уйқуда босдик» деб эмас, «Қирқизни ғафлат чоғида босдик» ёки «Қирқизни қўққисдан босдик» деган маънони англатади.

Юқоридагилар асосида матнни қуйидагича ўгираемиз: «Ўша сувнинг қуйи томонига бордик, (қўшинни) санагали (отлардан) туширдик, от(лар)ни (эса) буталарга бойлар эдик. Куну тун елиб бордик. Қирқизни (ғафлат чоғида) қўққисдан босдик».

34- қаторда: хоқон Тўнюқуқ тўғрисида ўз кишиларига сўз айта туриб: *Bilga Toñuquq añiy-ol, öz-ol añlar*, – деган сўзи бор. Бу жумладаги *añiy* – «ёвуз» дегани. Лекин, матнни «Билга Тўнюқуқ ёвездир» деб ўгирилса, маъно чиқмайди. Уни ёвга нисбатан «ёвуз, тап тортмас, қайсар» дея англамоқ керак. Шундай фикр қилинса, мазмун ўзгаради, юрт эгасининг саркарда Тўнюқуққа бўлган муносабати англашилади: «билга Тўнюқуқ тап тортмас, ўзи билади», деган ижобий маъно келиб чиқади.

44- ҳамда 47- қаторларда: Қадимги хитой фалсафасида императорлар «Осмон ўғли» (*thien-tsi*), осмон билан ер ўртасида яралган зотлар дея қаралган. Хитойча «Осмон ўғли» маъносидагн *thien-tsi* сўзини кўк турклар *tānsi~tinsi* шаклида қўллаган. Таъкидлаш керакки, турклар бу унвон билан ўз ҳуқумдорларини эмас, хитой императорларини атаганлар.

Тўнюқуқ битигида *tinsi oyli* деган сўз бирикмаси учрайди. Битигда унинг билан боғлиқ қизиқ мисол бор. Турихчи Тўнюқуқ турк кўшинининг зафарли юришлари тўғрисида ҳикоя қилар экан, «Тинси ўғли ётадиган Банглигак тоғ» (*Tinsi oyli yatiyma Banligak tay // Tinsi oyli yatiyma tay*) ни тилга олади (қаранг: Топ.44–47). Бу ўринда *tinsi* – «Осмон ўғли» (яъни, ҳуқумдор, император); *tinsi oyli* эса «ҳуқумдорнинг ўғли, шаҳзода»дир (Sertkaya 1995,212). Бизнингча, тарихчи Тўнюқуқ тилга олган *tinsi oyli* нинг келиб чиқиши турклардан эмас, чунки турклар ўз шаҳзодаларини *qayun oyli* ёки *tigin* деганлар.

Эътиборлиси шундаки, тарихчи Тўнюқуқ турк кўшинлари бу ерга Сирдарё (*Yinčü ögüz*)ни кечиб борганларини қайд этади. Башарти, унинг маълумотларига таянилса, битигда тилга олинган «Тинси ўғли ётадиган Банглигак тоғ» Суғд ўлкасида эканлиги аён бўлади. Дарвоқе, битигда баён этилаётган бу воқеа-ҳодисалар Иккинчи кўк турк хоқонлиғи даврида юз берган. Афтидан, бундан бурунроқ, хитой юришлари чоғида тавғач императорининг ўғли бу ерларга келган ва шу ерда ҳалок бўлган. Унинг жасади шу тоққа қўйилган бўлиши мумкин ёки ерли халқ орасида унинг билан боғлиқ бирор ривоят тарқалган чиқар. Шуларга асосланиб, Тўнюқуқ ҳам бу жойни шундай атаган. Бунинг сингари ҳодисалар Ўрта ва Марказий Осиё халқлари тарихида учраб туради. Масалан, араб истилоси чоғида ислом оламида донғи кетган айрим кишиларнинг жасади бизнинг тупроғимизга қўйилган ёки муқаддас қадамжолар авлиёлар, айрим саҳобаларнинг оти билан боғланади. Жумладан, юртимизда хазрат Али ва унинг ўғилларининг оти билан боғланувчи қадамжолар бор. Ваҳоланки, улар бу тупроққа келмаган ҳам.

48- қаторда: *sariy altun, ürün kümüs, qiz qoduz, ägri täbi, ayi buñsuz kälürti* («сариг олтин, оқ кумуш, кучли кўтослар, букри туя, шойилардан беҳисоб келтирди»). Олтиннинг ўзи сариқ, кумуш – оқ, шунга қарамай, уларнинг олдига сифатини қўшиб «сариг олтин, оқ кумуш» дея таърифланмоқда. Жумлада келган *qiz qoduz* ни кўпчилик «қиз-жувон» деб тушунган. Аслида *qoduz* – «ҳайвон, кўтос»; *qiz* – «қиз бола» дегани эмас. Ўзбек тилида *қизи-, қизиқон* деган сўзларимиз бор. Буларнинг негизида «қизиш, авжга чиқиш; тезга туюқиш» маънолари яширин. Энди

«қиз»ни ҳайвонга нисбатан ишлатсак, «кучли, уришқоқ» маънолари келиб чиқади. Шунга кўра, *qiz qoduz* ни «кучли, шижоатли кўтос» деб тушунилгани тўғри.

КЎЛИ-ЧЎР БИТИГИНИНГ ЎҚИЛИШИ ВА МАЗМУНИ

Кўли-чўр битигтоши Мўғулистоннинг Ихе-Хушоту деган жойидан топилган. Ёдгорлик ҳукумдор Кўли-чўр шарафига тикланган бўлиб, матни кўк турк хатида.

Кўли-чўр ёдгорлигини биринчи бўлиб 1912 йили проф. В.Л. Котвич топган эди. Олим бу битигтош тўғрисида мақола ёзиб, унда ёдгорлик ва унинг тарихий аҳамияти тўғрисида фикр юритади. Мақолада битиг эстампажи ва унинг таржимаси ҳам келтирилган (Kotwicz 1928).

Турк олими Ҳ.Н. Ўркун В.Л. Котвич мақоласига илова қилинган битиг эстампажларидан олиб, матн транслитерацияси, туркча таржимасини келтирган. Унга матннинг суратларини ҳам илова қилади (Orkun 1987,135–151).

С.Е. Малов ҳам В.Л. Котвич мақоласига илова қилинган битиг эстампажига таянган ҳолда, асар транскрипцияси ва русча таржимасини берган (Малов 1959,25–30).

Мўғулистондаги туркий битигларни ўрганишда ХХI юзйиллик бошидаги Туркия илмий экспедициясининг хизмати катта бўлди. Турк олимларидан Усман Серткая, Чингиз Алйилмаз бошчилигидаги илмий экспедициялар битигларни ҳозирги фан талаблари асосида қайта ўрганиб чиқди. Турк руний ёдгорликларининг замонавий нашрлари яратилди. Кул тигин, Билга хоқон, Тўнюқуқ ёдгорликлари қаторида Кўли-чўр битигтоши ҳам янгидан тадқиқ этилди. Экспедиция хулосалари асосида Усман Мерт Кўли-чўр мангутошининг илмий тадқиқи бағишланган китобини чоп эттирди (Mert 2015).

Кўли-чўр Иккинчи турк хоқонлиғи даврида яшаб ўтган машҳур кишилардан. Унинг оти мазкур ёдгорликдан ташқари Хўйтў-Тамир ва Билга хоқон битигларида ҳам тилга олинади. Битигларда қайд этилишича, Кўли-чўр тардуш элини бошқарган.

Ёдгорликдаги ёзув тошнинг уч томонига битилган бўлиб, ғарбга қараган юзида 12 қатор, шарққа қараган юзида 13 қатор, жанубга қараган юзида 4 қатор, жами 29 қатордан иборат. Тошдаги битиг анча шикаст еган, шунинг учун матнни бошдан охир тўлиқ тиклашнинг имкони йўқ.

Битигтошнинг тикланган санаси аниқ эмас. Шундай эса-да, битигда Кўли-чўрнинг Тўнюкуқ даврида яшаб, саксонга кириб, дунёдан ўтгани қайд этилган:

Tonyuquq ... (Eltāris) qayan elintā qarip, edgü beñi körti, uluy Köli-çor säkiz on yaşar yoq bol[tī].

(Тўнюкуқ ... (Элтариш) хоқон давлатида қариб, эзгу, мангу ном қозонди. Улуғ Кўли-чўр саксон йил яшаб, вафот этди) (КЇ,2-3).

Унинг азасида хоқоннинг иниси ва у билан тўрт нафар шаҳзодалар келиб, маросимини ўтказгани, унга мақбара қурдириб, битигтош ўрнатгани таъкидланган:

... qayan inisi El-çor tigin kelip ulayu tört tigit kelip işbara bilgā Köli-çoruy yoʻlat(t)ī, bedizin bedizāt(t)ī, olurt(t)ī.

(... хоқон иниси Эл-чўр тигин келиб, у билан бирга тўрт шаҳзода келиб Ишбара билга Кўли-чўрнинг азасини ўтказди, мақбарасини қурдириб, (ёдгорлик) қўйдирди) (КЇ,24).

Битигнинг муаллифи тарихнавис ва ёзувчи Тарбандир. Матн якунида муаллиф ўзи тўғрисида шундай ёзади:

Ben Tārbānim ... bilmāz biligin biltükümin, ödükümin bunça bitig bitidim.

(Мен Тарбанман. ... бошқалар билмаган воқеаларни билганим учун, билганларимни, хотираларимни шу битигда ёздим) (КЇ,27-28).

Матн транскрипцияси

Тошнинг ғарбга қараган юзи

(1) ... üçün ara ... çiqan Tonyuquq atiy bermis ...

(2) ... duqda yügürmis işbara çiqan Köli-çor bolmis, çaya ... Tonyuquq ...

(3) ... (Eltāris) qayan elintā qarip, edgü beñi körti, uluy Köli-çor säkiz on yaşar yoq bol[tī] ...

(4) ... i özlükü boz at erti, kedim b... alpî erdāmi anta kükādi. Türk bodunqa o/u...

(5) ... sayir çoluyan yayıtuqda (Köli-)çor ...p sançip ölürüp oylin, kisisin bu/o...

(6) ... bu... az (?) elig tutdī, yer öz ...erti, Köli-çor türk bodun b(eglā)r ...

(7) ... [q]ayanıña, eli ...i... bilgāsin üçün, alpîn, erdāmin üçün qazyantī, q...y...k

(8) ... tür ... l... işbara bilgā Köli-çor kisi ... bāmādūki yoq erdāmin

(9) ... erti, sünjüs bolsar, çerig itār erti, ab ablasar, ermälā-teg erti

(10) ... sançdī. Kāçändā tümān sükā sünjüsdī. Köli-çor oplayu tegip süsin

(11) ... itī ... Bes-balıqda tört sünjüs sünjüsdükdä Köli-çor oplayu tegip, bulıyau

(12) ... tabıaçqa bunça sünjüsüp, alpîn, erdāmin üçün-ök bunça tutdī.

Тошнинг шарққа қараган юзи

(13) ... oylin ... erin uduzt[uq̄i, al]duq̄i, (i)tdūki yer alduq̄i

(14) ... (bil)gā Kōli-čor tarduṣ bodunuy itā ayu olurti...

(15) ... qatim ... yaziṣ özlükin binip op[layu tegi]p üç erig sančdi, t... tdükdä Kōli-čor özlüki yāgrān at binip

(16) ... anta kerü barip, Yinčü ögüzüg kečip, Temir qarpiyqa, tázikkā tegi sü...ā qazyanti, toquz oyuzqa yeti sünjüs sünjüsdükdä

(17) ...a tōkdi, qitañ, tatabi ...erükdä bes sünjüs sünjüsdükd[ā Kōli]-čor ančaḡ bilgāsi čabisi erti, alpī, bōkāsi erti

(18) ... [Kō]li-čor yeti yašīḡa yegār ölürti, toquz yašīḡa aziyliṣ toḡuz ölürti, qarluḡ yaṣituqda tādä sünjüsdükdä

(19) ... (bil)gā Kōli-čor anta kisrā qarluqqa yem[ā] süs...di, idil aqin binip, oplayu tegip, sanča idip, topulu önti, yana ayitip

(20) ... sü sürti. Qarluquy kečigint...n sančdi, qarluḡ tapa ... ḡli barip, azin erig yana ebiḡā sünjüs kigürti, qarluḡ atlanti, anča sün

(21) ... [qa]rluḡ yāgrān ermālig arqasın siyu urti, qarluḡ anin turu ... ḡ Eltabār özi kelti, sir Erkin oylī Yigān-čor kelti.

(22) ...ḡli sülādi, sünjüsüp, süsin sančdi, elin alti, oylin kisinin bulunad[ip] ... tḡ...a isbara bilgā Kōli-čor

(23) ... rükā tusu bolayin, ödi ülügi anča ermis erinč, yaṣiḡa yaṣiḡus oplayu tegip, opulu kirip, özi qisya kergāk bolti.

(24) ... n qayan inisi El-čor tigin kelip ulayu tört tigit kelip isbara bilgā Kōli-čoruḡ yoḡlat(t)i, bedizin bedizät(t)i, olurt(t)i

(25) ... in bu ...m qazyanti, artuḡ yilqiy igit(t)i

Тошнинг жанубга қараган юзи

(26) ...k tigin kelti, tad ... čoruḡ oylī Yigān-čor kelti,

(27) ...in üçün bunča bodun qub[a]rip yoḡladī. Ben Tārbānim

(28) ... bilmāz biligin biltükümin, ödükümin bunča bitig bitidim.

(29) ...tu ...

Мазмуни

Тошнинг ғарбга қараган юзи

(1) ... учун улуг ... чиқан Тўнюқуқ отини берди ...

(2) ... ганда, кўтарганда Ишбаранинг чиқани Кўли-чўр бўлган. Чайна... Тўнюқуқ ...

(3) ... (Элтариш) хоқон давлатида қариб, эзгу, мангу ном қозонди. Улуг Кўли-чўр саксон йил яшаб, вафот этди. ...

(4) ... ўзиники бўз от эди. Кийим б... ботирлиги, мардлиги унда ортти. Турк халқига ...

(5) ... ўзининг мард кишилари билан ёв бўлганда, Кўли-чўр ... енгиб, ўлдириб, ўғлини, аёлини асир қи...

(6) ... бу... аз ўлкасини тутди, ер ўз... эди. Кўли-чўр турк халқи, беклар ...

(7) ... хоқонига, мамлакати ... доноси билан бўлгани учун, паҳлавони билан, қахрамони билан бўлгани учун зафар қозонди, ...

(8) ... Ишбара билга Кўли-чўр киши ... bāmādūki yoq erdāmin

(9) ... эди, уруш бўлса, лашкарни бошқарар эди, ов овланганда ergmälä-дек эди.

(10) ... енгди. Качанда ўн минг қўшинга қарши жанг қилди. Кўли-чўр хужум қилиб, ўз лашкарини

(11) ... юбориб ... Бешбалиқда тўрт бор жанг қилганда Кўли-чўр хужум қилиб, ғазабланиб

(12) ... Табғачга (қарши) шунча жанг қилиб, ботирлиги, мардлиги билан бу қадар довруғ тутди.

Тошнинг шарққа қараган юзи

(13) ... ўғлини ... жўнатилган ... олгани, юборган ерни олгани

(14) ... (би)лга Кўли-чўр тардуш халқини бошқарди ...

(15) ... ўз отига миниб хужум қилиб, уч эрни санчди ... жанг қилганда Кўли-чўр ўзининг жийрон отини миниб

(16) ... у ердан ғарб томон бориб Йинчу ўгузни [яъни, Сирдарёни] кечиб, Темир қоппиққа, тазика [яъни мусулмонларга] қадар лашкар ...а зафар қозонди. Тўқуз ўгузга (қарши) етти бор жанг қилганда

(17) ...а тўқди. Қитан, тата(би) ...да беш бор жанг қилганда Кўли-чўр (унинг) шундай доно йўлдоши, шавкатли йўлдоши эди, ботири, қахрамони эди.

(18) ... Кўли-чўр етти ёшида уегār ölürti, тўққиз ёшида озиқ тишли тўнғизни ўлдирди, қарлуқ ёв бўлганда Тазда жанг қилганда

(19) ... (бил)га Кўли-чўр шундан кейин қарлуққа ҳам лашкар ...ди, Идил (исмли) оқ отига миниб хужумга кириб енгди, оти ўлди. Яна (бошқасига) миниб

(20) ... лашкар сурди. Қарлуқни кечигида... санчди, қарлуқ томон ... ган бориб, азни қайта уйига қадар қувди. Қарлуқ отланди, шунча қўшин билан

(21) ... (қа)рлуқ ... олишиб енгди, қарлуқни ... Элтабар ўзи келди, сафдоши Эркин ўғли Йиган-чўр келди.

(22) ... жанг қилиб, лашкарини санчди, давлатини олди, ўғлини, аёлини асир олиб... Ишбара билга Кўли-чўр ...

(23) ... ёрдам қилайин. Умри, насибаси шундай экан шекилли / умри, насибаси узилмаган экан шекилли, ёвга ёлғиз хужум қилиб, орага ташланиб, нақд ўлаёзди / ўлай деди.

(24) ... хоқон иниси Эл-чўр тигин келиб, у билан бирга тўрт шахзода келиб Ишбара билга Кўли-чўрнинг азасини ўтказди, мақбарасини қурдириб, (ёдгорлик) қўйдирди.

(25) ...ин бу ... зафар қозонди, йилқини кўпайтирди.

Тошнинг жанубга қараган юзи

(26) ...к тигин келди, тад ... -чўрнинг ўғли Йиган-чўр келди,

(27) ...ин учун шунча халқ йиғилиб, йўқлади. Мен Тарбанман.

(28) ... бошқалар билмаган воқеаларни билганим учун, билганларимни, хотираларимни шу битигда ёздим.

(29) ...ту ...

Битигда кечган *qisya kergäk bolti* ибораси ва унинг маъноси

Кўли-чўр битигининг 23- қаторида шундай жумла бор:

... *ödi ülügi anča ermis erinč, yaııqа yalıñus oplayu tegip, opulu kirip, özi qisya kergäk bolti* (КЎ,23).

Бу жумланинг ўқилиши ва талқинида олимлар орасида ҳар турли ёндашувлар бор. Масалан, жумла бошидаги *ödi ülügi* сўзини айрим олимлар *ölügi*, яъни «ўлиги» деб ўқиган. Шунингдек, матндаги *özi qisya kergäk bolti* гапини ҳам турлича талқин қиладилар.

Масалан, Ҳ. Ўркун бу жумлани *ölügi anča ärmis ärinč yaııqа yalıñus oplayu tägip opulu kirip özi qisaya kargäk bolti* шаклида ўқиб, туркчага *ölümü böyle emiş; düşmana yalmız hücum edip (etrafi) sarılıp ... öldü* дея таржима қилган эди (Orkun 1987,139).

С.Е. Малов ушбу жумлани ... *ölüki anča ärmis ärinč yaııqа yalıñus oplayu tägip opulu kirip özi qisya kargäk bolti* шаклида транскрипцияга ўгириб, русчага «... мертвые его так были, к врагам он один бросился в атаку, вошел в массу войска и сам был задавлен до смерти» деб таржима қилган (Малов 1959,28–29).

С.Е. Малов *ölüki anča ärmis ärinč* деб ўқиган бирикмани турк олими У. Мерт *ödi ülügi anča ermis erinč* деб ўқиган ва уни *Zamanı, nasibi bu kadarmış şüphesiz* деб таржима қилган. Жумла таржимасининг давоми шундай: *Düşmana / düşmanların arasına tek başına boğa gibi saldırarak girdiği için kendisi hemen / kısa süre içinde öldü* (Mert 2015,79). Эътибор

қилсангиз, жумла охиридаги *özi qisya kergäk bolti* бирикмаси таржимада «ўзи қисқа фурсат ичида ўлди» (*kendisi hemen / kisa süre içinde öldü*) дея талқин қилинмоқда.

Юқоридаги талқин ўз-ўзидан, Кўли-чўр жангда душман билан курашиб, қаҳрамонларча ўлган экан, деган хулосага олиб келади. Ваҳоланки, матннинг бошланишида «Улуғ Кўли-чўр Элтариш хоқон давлатида қариб, эзгу, мангу ном қозонгани, саксон йил яшаб, вафот этгани» тўғрисида сўз бормоқда (*қаранг: КС,2-3*). Саксон ёшли қариянинг жангга кириши ва ёв билан курашиб, қаҳрамонларча ўлиши мумкин ҳам эмас. Демак, бу ўринда матн талқинида хатога йўл қўйилган.

Аввало, таъкидлаш ўринлики, Кўли-чўр битигининг тузилиши Кул тигин, Билга хоқон битигларидан катта фарқ қилади. Унинг муаллифи ёзувчи ва тарихнавис Тарбан матнни битишда ўзига хос услубни танлаган. Битигнинг тузилиши шундай:

Битигнинг кириш қисмида Кўли-чўрнинг Тўнъюқуқ билан елкама-елка туриб Элтариш хоқоннинг қўл остида эл озодлиги, мамлакат равнақи йўлида биргалашиб жанг қилгани ва мангу ном қозонгани, саксонга чиқиб вафот этгани тўғрисида ҳикоя қилинади (битигнинг 1-3- қаторлари).

Битигнинг 4-23- қаторлари асосий қисм бўлиб, унда Кўли-чўрнинг йигитлик даври, жангларда кўрсатган қаҳрамонликлари васф этилади.

24- қатордан битигнинг хулоса қисмига кўчилади. Уни икки компонентга ажратиш мумкин: биринчиси, мамлакатнинг доврўғли кишилари келиб, Кўли-чўр азасини ўтказгани ва унга атаб мангутош тиклангани тўғрисидаги маълумот (*битигнинг 24-27- қаторлари*); иккинчиси, битигнинг муаллифи (адиб ва тарихнавис Тарбан) тўғрисидаги қайд (*27-29- қаторлар*).

Биз сўз юритаётганимиз 23- қатордаги жумла битигнинг асосий қисмига тегишли бўлиб, Кўли-чўрнинг қирғил ёшида кўрсатган қаҳрамонликлари тўғрисидаги хотиралардир. Жумла мазмунини ҳам ана шундан келиб чиқиб, талқин қилмоғимиз керак.

Энди юқорида келтирилган жумланинг мазмунини бир бошдан кўриб чиқамиз.

Жумлада кечган *öd* – сўзма-сўз «вақт» (*ДТС,376-377*); лекин бу ўринда «умр» маъносидадир. Айни маънода Кул тигин битигида ҳам ишлатилган: *öd Täñri yasar* дейилади битигда (*Кб,10*), бу «умрни Тангри беради» деганидир; матндаги *ülüg* – сўзма-сўз «ҳисса» (*ДТС,625*); лекин бу ўринда «ризқ, насиба» маъносида келган; *ödi ülügi* – жуфт сўз бўлиб, «умри-насибаси» англамидадир; *ödi ülügi anča ermis erinč* деганда «умри,

насибаси шундай экан шекилли», яъни «умри, насибаси узилмаган экан шекилли» англашилади.

Матнда кўпни чалкаштираётган *özi qisya kergäk bolti* гапидир. Бу ўринда: *kergäk bolti* – «ўлди; вафот этди» дегани (ДТС,300); бу бирикманнинг бошқа маъноси ҳам йўқ. Шунинг учун бўлса керак, таржима қилганда кўпчилик уни («Кўли-чўр) ўлди» деб ўгирган.

Бу ўринда *kergäk bolti* бирикмасининг *qisya* сўзи билан бирга ишла-тилувига эътибор қаратилмоғи керак; *qisya* – «қисқа» деган маънода-дир (ДТС,447); *qisya kergäk bolti* бирикмаси эса – турғун ибора; у «ўлди» дегани эмас, «ўлаёзди / ўлай деди» деган маънони беради; бирикмада-ги *qisya* сўзи ана шу маънони шакллантирмоқда. Шунга кўра ҳам, С.Е. Малов бу бирикмани «и сам был задавлен до смерти» деб ўгирганда матннинг чин маъносига яқинлашган эди. Ҳақиқатан, ушбу жумлада Кўли-чўрнинг жангга кириб, ўлганлиги эмас, жангга машаққат чеккани таъкидланаётир.

Фикр-мулоҳазалар асосида битигдаги *Ödi ülügi anča ermis erinç, yaŷiqqa yalñus oplayu tegip, opulu kirip, özi qisya kergäk bolti* жумласини ўзбек тилига шундай ўгириш мумкин:

«Умри, насибаси шундай экан шекилли / умри, насибаси узилмаган экан шекилли, ёвга ёлғиз хужум қилиб, орага ташланиб, нақд ўлаёзди / ўлай деди».

ҚОРАБАЛҒАСУН БИТИГЛАРИНИНГ ЎҚИЛИШИ

Қорабалғасун обидалари уйғур хоқонлиғи давридан қолган йирик ва қадри тарихий монументал ёдгорликлардир. Улар асл ҳолатида сақланган эмас. Мангутошлардан парчалар қолган, холос. Шунга қарамай, тош парчаларида қолган битиглар ёдгорлик қадрини ниҳоятда оширади.

Қорабалғасун обидалари уч битигдан иборат. В. Радловнинг «Атлас древности Монголии» китобида (Orhun,61) ва Анқарада чоп этилган «Moğolistandaki Türk Anıtları Projesi Albümü»да (МТА,214–226) мазкур битигларнинг расмлари берилган. Қуйида ушбу китобларда берилган расмлар асосида ёдгорликлардаги туркий матнларни келтирамиз (қара-ранг: Содиқов 2004).

1- Қорабалғасун битиги

1- Қорабалғасун битиги катта бир тош парчасида. Ёдгорлик гўзал бир кўринишда, бироқ анча шикастланган (МТА,214–218). Ёдгорлик-

нинг уст қисмига бир тасвир ишланган. Уни ўрганган олимлар икки аж-дар тасвири дея талқин этмоқдалар. Аммо унга синчиклаб разм солган киши, тасвирда аждарни эмас, ўз ўлжасини еяётган арслонни кўради.

Остидаги қалқонга кўк турк ҳарфлари билан беш қаторли туркий матн битилган. Унда шундай жумла ёзилган: [B]u teŋrikān teŋridä q[u]t bulmuš al[p] bilgä teŋ[r]i uyur q[ayan] ...

Матн маъноси: «Бу художўй Тангридан қут топган [Тангрининг иноя-тига эришган] Алп Билга уйғур хоқони...».

3- Қорабалғасун битиги

3- Қорабалғасун битиги кўп йилдан буён олимлар эътиборини қо-зониб келмоқда. Бунинг боиси, обиданинг уч тил – туркий, суғдча ва хитой тилида битилганлиги, шунингдек, унинг уйғур хоқонлиги тари-хининг муҳим ёдгорлиги эканлигида. Ёдгорликнинг хитойча матнида ёзилувига қараганда, мангутош тўқуз ўғуз (уйғур) хоқони Алп Билга (хитой манбаларида Баои) хотирасига 820–821 йилларда тикланган.

Кунимизгача ёдгорлик тош парчалари ҳолида сақланган. Тош сирти-даги ёзувларнинг ҳам оз қисми қолган.

Бошқаларига қараганда хитойча матннинг катта бўлаги мавжуд. Ёд-горликдаги суғдча матннинг ҳолати ҳам нисбатан дуруст. Аммо уни ўр-ганган олимларнинг хулосаларига қараганда, ҳозирги ҳолати асл матн-нинг 1/4 қисмидир.

Буларнинг ичида энг ёмон сақлангани туркий матндир. Чунончи, тошнинг юзи ортиқ даражада емирилган бўлиб, матндан узук-юлук жумлалар, айрим сўз ва ҳарфлар қолган, холос. Матн қолдиқларини ўқиб маъно чиқариш ниҳоятда мушкул.

«Moğolistandaki Türk Anıtları Projesi Albümü»да 3- Қорабалғасун ёд-горлигидаги туркий матн парчаларидан иккисининг расми берилган (МТА,222–226). Унга кўра, биринчи тош парчасидаги туркий матн қол-диқларидан қуйидагиларни ўқиш мумкин:

1. ... a (?) ...
2. ... eki: ...
3. ... [ya]yi: ermiş ...
4. ...ir : ilin ...
5. ... [r']ä : boyu er (?) ...
6. ... : ergimä ...
7. ... kidä : yig...

8. ... [i]lgärü : kün : toysu[q]...
9. ... : isidip : yañilyu : ol...
10. ... kirü : kün : batsiq...
11. ... l'...a : y[ämä?]
12. din b(?)ranč ...
13. ...y' ...
14. ...k...

Иккинчи тош парчасидаги туркий матн қолдиқлари эса шундай ўқилади:

1. ...tan : yarat...
2. ...din...
3. ... : adan...
4. t'...i : mär...
5. ... : törün : yan...
6. [tör]ün : yemä : qu...
7. ...b ata adan : at...
8. [ke]rgäkintä : in...
9. [bi]rlä : uluy ...
10. eki : ögränč ...
11. ...i : qamay : ...
12. ...di : anta
13. ...ranč : ...

В. Радлов Атласида юқоридаги икки тош парчаси билан бирга яна бир қанча нақшлар ишланган, туркий ёзувли тош парчалари ҳам берилган ва улар рақамлаб чиқилган (Orhun,61). Улардаги матн қолдиқлари шундай ўқилади:

Иккинчи рақамли тош юзидаги матн қолдиқлари:

1. min : ...
2. (?)

Учинчи рақамли тошдаги матн қолдиқлари:

1. ... (?)
2. ...mqa...
3. ...idyisiz ...
4. ...qin : qanu ...
5. yamä : atin : o...
6. küčlüg: bolti ...

7. ...maz : oluryusuz : bil[gä] ...
8. ... zaqī ...r...nu : yanu : inançlıy : ...
9. är : eki adaq ... emgeksizin : ...
10. armaq : qonuşmaq : tartişmaq :
11. ü şangün : ...

Тўртинчи рақамли тошдаги матн қолдиқлари:

1. : igid (?)
2. ...üçi : bol...
3. ...lig ar...
4. yi...

Олтинчи рақамли тош сиртида матн излари сақланган, холос:

1. (?)
2.(?)
3.(?)

Радлов Атласида 1- Қорабалғасун ёдгорлиги билан бирликда яна икки тош парчаси ҳам берилган. Уларнинг юзида ҳам ёзув қолдиқлари бор. Ёзувларнинг ўқилиши шундай.

Биринчи рақамли тошнинг сиртида:

1. ...t...
- 2.....

Учинчи рақамли тошнинг сиртида:

1.
2. үms...
3. ö (?)
4. ...är : küzät...
5. l : özüm : igl[ig]

3- Қорабалғасун ёдгорлигининг туркий матни узук-юлуқ ҳолатда сақланган бўлувига қарамай, матн тузилиши, тил ва услубий хусусиятлари борасида айрим муҳим хулосаларни айтишга имкон беради.

Биринчи тошнинг 8-10- сатрларидаги *ilgärü kün toysuq...esidip yañilyu ol...kirü kün batsiq...* (Шарққа Кунтуғар ... эшитиб, янглишиб, у ... Ғарбга Кунботар ...) жумлалари Кул тигин битигидаги *ilgärü kün toysiqda bökli qayanqa tegi ... , qurïyaru Temir qarïyqa tegi ...* (Шарқда Кунтуғарда Бўкли хоқонига қадар ... Ғарбда Темирқоқиққа қадар ...) сатрларини эса сола-

ди. Матннинг бу жиҳати кўк турк даври монументал матн тузиш анъаналари яхши бир ҳолда сақланганидан далолат беради.

СУЖИ БИТИГИ

Ёдгорлик Мўғулистондаги Сужи довоининг жанубидан топилган. Ёзуви кўк турк алифбосида. Битиг, тахминларга кўра, IX асрда ёзилган. Уни Г. Рамстедт, А.Н. Бернштам, Ҳ.Н. Ўрқун, С.Е. Малов нашр эттирганлар (қаранг: Малов 1951,76–77; 1952,84–90; Orkun 1987,155–159). Матннинг ўқилиши ва талқинида айрим тортишувли ўринлар бор.

Матн транскрипцияси

- 1) Uuyur yerintä Yaylaqar qanta kel(tim).
- 2) Qirqiz oyli-män. Boyla qutluy yaryan-
- 3) män. Qutluy Baya tarqan ögä buyruqī-män.
- 4) Küm, soruyum kün toysuq(q)a batsiq(q)a
- 5) tegdi. Bay bar ertim. Aylim on, yilqim sansiz erti.
- 6) Inim yeti, urim üç, qizim üç erti. Ebladim oylumun,
- 7) qizimın qalinsiz bertim. Marima yüz er, turuy b(er)tim.
- 8) Yeginimin, atimın körtim. Amti öltüm. Q...
- 9) oylanım, erdä marimınca bol, qanqa tap, qatıylan.
- 10) Uluy oylum s ... a bardı.
- 11) Körmädim r ... m oylul.

Мазмуни

- 1) Уйғур ерига Яғлақар хон(юрти)дан келдим.
- 2) Қирғиз ўғлиман. Бўйла қутлуғ ярған-
- 3) ман. Қутлуғ Баға тархон ўга буйруғиман.
- 4) Довруғим, сўровим кун туғардан кун ботарга
- 5) етди. Бою бор эдим. Оғилим ўнта, йилқим сон-саноксиз эди.
- 6) Етти иним, уч ўғлим, уч қизим бор эди. Ўғилларимни уйладим,
- 7) қизларимни қалинсиз [сонсиз тортиқ билан] узатдим. Маримга [яъни устозимга] юз эр [яъни хизматкор], уй-жой бердим.
- 8) Невараю чеваралар кўрдим. Энди ўлдим. Қ...
- 9) ўғлоним, кишилар орасида маримдек бўл, хонга хизмат қил, жасур бўл.
- 10) Улуғ ўғлим с...а борди.
- 11) Кўрмадим р...м ўғил.

Шарҳ

Битигнинг мазмунига қараганда матн марҳум тилидан сўзланмоқда. Матннинг биринчи қатори қуйидагича:

...УҒ : ЯҒ : ХН : ЧНҚД : ШНҒҒҒ : Ч>ҚД>

С.Е. Малов бунди *Uyğur yirintä Yayılaqar qan ata kältim* (?) кўринишида транскрипцияга ўгириб, бир китобида «Я, Яглақар-хан-ата, пришел из уйгурской земли (или ... из уйгурской земли, называемой Яглақар-хан; или ... из уйгурской земли от Яглақар-хана)» (Малов 1951,77), иккинчи китобида эса «Я, Яглақар-хан-ата, был пришелец в уйгурской земле» деб таржима қилган (Малов 1952,85). Х.Н. Ўркун ҳам уни шу кўринишда ўқиб, туркчага *Uygur yerinde (ben) Yaglakar kan Ata geldim* деб ўгирган (Orkun 1987,156).

Матндаги ЧНҚД ҳарф бирикмасини *Yayılaqar* деб ўқиш мумкин. Кейинги ЯҒ ; ХН ни *qan ata* («хон ота») эмас, *qanta* деб ўқиган маъқул. У чиқиш келишигида бўлиб, «хондан» деган маънони беради. Агар *Yayılaqar qan ata* шаклида ўқилса, мазмун изчиллиги бузилади. Сабаби, кейинги сатрда сўзловчи ўзининг қирқиз ўғли экани, оти – Бўйла, даражаси эса қутлуғ ярған (улуғ қози) эканини таъкидламоқда. Шунга кўра, унинг оти бир пайтнинг ўзида ҳам Яғлақар, ҳам Бўйла бўлуви мумкин эмас. Бундан ташқари, матнда *Yayılaqar qan* сўзига *-mān* қўшимчаси қўшилаётгани ҳам йўқ. Кейинги сатрда эса *Qırqız oyli-mān. Boyla qutluğ yarıan-mān. Qutluğ Baya tarqan oğā buyruqi-mān* (Қирғиз ўғлиман. Бўйла қутлуғ ярғанман. Қутлуғ Баға тархон ўга буйруғиман) деб таъкидланмоқда.

Сатр якунидаги ...УҒ ҳарфларига, Малов нашридаги сингари, *-tim* қўшимчасини қўшиб, *keltim* ўқилгани яхши. Феъл-кесим, одатда, шундай бўлади.

Шулардан келиб чиқиб, матннинг биринчи сатрини *Uyğur yerintä Yayılaqar qanta keltim* шаклида транскрипцияга ўгириш мумкин. Бу жумла «Уйғур ерига Яғлақар хон(юрти)дан келдим» деган маънони англади. Кейинги сатрлар эса мантиқан унга боғланади: *Қирғиз ўғлиман. Бўйла қутлуғ ярғанман. Қутлуғ Баға тархон ўга буйруғиман.*

Бундай талқиндан Уйғур еридан Яғлақар хоннинг келганлиги эмас, сўзловчининг Яғлақар хон юридан келганлиги аён бўлади. Англашиладики, матн Яғлақар хон тилидан эмас, балки ўз даврининг мансабдор кишиларидан бири Бўйла деган кишининг тилидан сўзланмоқда.

Матннинг 7 ва 9- сатрларидаги *tar* сўзи «устоз, йўлбошчи» маъносини англади: *Marima yüz er, turuğ b(er)tim* – Маримга юз эр [яъни хизматкор], уй-жой бердим.

ЙЎРЧИ БИТИГИ

Йўрчи битиги Хитой Халқ Республикасининг Ички Мўғулистон ўлкасидаги Баўтўу шаҳри яқинидаги Чаған Ўбуға қишлоғида 1998 йили бир чўпон тарафидан топилган эди (*тўлиқ маълумот учун қаранг: Alyılmaz 2015,259–274*). Битигда кечган киши отига кўра ёдгорликни *Йўрчи битиги* ёки топилган ўрнига нисбат бериб *Чаған Ўбуға битиги* деб ҳам юритилади.

Женгиз Алйилмаз ўз китобида битигнинг тавсифи, ўқилишини яхши берган. Китобда битигтошнинг расми ҳам келтирилган (*қаранг: Alyılmaz 2015,260,264,266*). Расмига қараб тошдаги битигни қийналмай ўқиса бўлади.

Ёдгорлик бир-бирига тиркаб жуфтлаб қўйилган икки тошдан иборат. Ҳар хиллиги ва паст-баландлигига қараганда, улар бошқа-бошқа тошлар; бир комплексга тегишли бўлган чоғи, кейинчалик жуфтлаб қўйилган. Ёзуви ўнг ёғидаги тошнинг бир четига битилган; қатори ҳам унчалик текис эмас.

Битиг қуйидан юқори томон ўқилади.

Битигда жами 11 та ҳарф бор. Ўнгдан чапга қараб кетма-кетлиги шундай:

»«ГҺАГГЛЧД

Битигдаги дастлабки бешта ҳарф: <у>, <о>, <г>, <с>, <и>. Булар биргаликда *Yorči* деб ўқилади, бу киши отидир.

Бу сўздан кейинги ҳарф – <а>. Уни мазмунан ўзидан аввалги сўзга ҳам, кейинги сўзга ҳам боғлаб бўлмайди. Демак, у икки сўз орасида айирғич вазифасини ўтаяпди. Одатда, кўк турк ёзувида сўзларни, сўз бирикмаларини ажратиш учун остин-устун қўш нуқта, баъзан <а> ҳарфидан ҳам фойдаланилган.

Кейинги сўз ингичка талаффузlidir. Буни унинг ҳарфлари ҳам билдириб турибди: булар <b'>, <t'>, <i>, <g>, <m> ҳарфларидир. Ушбу бешта ҳарф *bitigim* деб ўқилади, у «менинг битигим; ёзувим» деганидир.

Шундай қилиб, тошдаги ёзув *Yorči bitigim* деб ўқилади.

Тўлиқ тикланган кўриниши, яъни трансформацияси: (*Bu men*) *Yorči(niñ) bitigim (turur)*.

Маъноси шундай талқин қилинади: «(Бу мен) *Йўрчи(нинг) ёзувим (дир)*».

Ёзувнинг тепа томонига «λ» симон тамға ҳам чизилган. Ҳарқалай, у уруғ тамғаси бўлиши керак.

Ёзув битилган қаторнинг ўнг ёғида кўз илғар-илғамас оқ рангли расмларнинг изи турибди. Кўринишдан архар ва бошқа ҳайвонларнинг тасвирига ўхшайди. Тошнинг сирти анча нурагани учун уларни фарқлаш қийин.

ЎЗБЕКИСТОН ТУПРОҚЛАРИДАН ТОПИЛГАН КЎК ТУРК ЁЗУВЛИ БИТИГЛАР

Ўзбекистон тупроқларидан топилган археологик ёдгорликлар ичида кўк турк ёзувли эпиграфик матнлар алоҳида ўринга эга (Мазкур топилмалар рўйхатиغا қаранг: Заднепровский 1967,270–274: Васильев 1983,41–42).

Ушбу ёдгорликлар гуруҳи кейинги даврларда топилаётган битиглар билан бойиб бормоқда. Кўк турк ёзувли ёдгорликлар, асосан, ер остида қолиб кетган қадимий кўрғон харобаларидан, эски қабрлардан чиққан. Ҳозирга келиб бу тупроқлардан топилган битиглар у қадар кўп сонли бўлмаса ҳам, кўк турк ёзувининг ёйилиш чегаралари, ёзув генезиси ва тарихий такомили, мазкур ўлкада кечган ёзув маданияти тарихи ҳақида янги илмий хулосаларни айтишга имкон берадиган даражага етди.

Қуйида Ўзбекистон тупроқларидан сўнгги кезларда топилган ёдгорликлар хусусида сўз юритамиз.

I. Лўмбитепадан топилган кўзадаги битиг. 1988 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти олимлари томонидан Андижон вилоятининг Мурҳамат туманида жойлашган Лўмбитепа ёдгорлигида қазиш ишлари бошланди. Ушбу ёдгорлик майдони 60x90 метр, баландлиги 8 метр келадиган тепалик бўлиб, илк ўрта асрларда (V–VIII юзйилликлар) мустаҳкамланган қишлоқ қасри бўлган. Қаср қадимги карвон йўли ёқасида жойлашган. Археологик қатламларнинг кўрсатишича, қасрда ҳаёт бир неча юзйил давом этгач, IX–X юзйилликларда узилиб қолган. Ушбу ёдгорликда кўплаб ашёлар билан бир қаторда, қадимги туркий ёзувли кўза ҳам топилди. Унинг бўйи 20 см.дан сал ортиқ, қорин қисмининг кенлиги 16–17 см., оғзидан елкасигача бир ёқлама банди (тутқичи) бор. Бандининг сиртига қуйидан юқори йўналган қадимий туркий битиг ўйиб ёзилган. Битиг, чамаси идишнинг пиширилишидан олдин битилган. Хати тартибли, эътибор билан ёзилган. Чамаси, кўза бирор амалдор томонидан махсус буюртириб тайёрланган кўринади. Битиг ҳарфларининг эпиграфик қиёфаси кўк турк ёзувли бошқа ёдгорликлар орасида бир қадар қадимий кўринишда. Бу бежиз

эмас, идиш ёдгорликнинг VI–VII юзйилликка оид қатламидан чиққан (қаранг: Содиқов 2004,10–13).

Кўзадаги битиг жами етти белгидан иборат. Матн ўнгдан сўлга ўқилади.

Биринчи ва олтинчи белгилар <k> ҳарфидир. <k> нинг бу шакли бошқа битигларидаги шаклидан бир оз фарқли. Унинг юқори қисмидаги кўшалок шохчаси, урхун-енисей битигларидаги шаклидан кўра кўпроқ қиялатиб чизилган. Белгиларнинг иккинчиси <i> ҳарфидир. Учинчиси – <a>.

Битигда эътиборимизни ўзига тортадиган яна бир белги – тўртинчи ҳарфдир. Уни <t> га йўйиш мумкин. Лекин ушбу белги бошқа битигларидаги <t> дан (одатда, уларда ушбу ҳарф сиқик шаклда ёзилади) қисмларининг ёйсимонлиги ва уларни бирлаштирувчи чизғиси билан ажралиб туради. Шунга яқин кўриниши Тўньюқуқ битигида учрайди, лекин унинг туташтирувчи чизғи гаризонтал, ушбу битигда эса қиялатиб тортилган.

Бешинчи белги <n> ҳарфидир; охирги белги [s'] учун ишлатиладиган тик чизик кўринишида. Лекин остки қисмида чап томонга чиқарилган қиялама шохчаси бўлиб, кўз англаши қийин. Агар шу белгини инобатга олсак, уни <ç> деб ўқишимиз мумкин. Шундай қилиб, битигдаги етти белгининг кетма- кетлиги аён бўлади: *k i a t n k ç*.

Кўк турк хатининг қадимги туркий тилда амал қилган товушлар уйғунлиги (сингармонизм)га мослашганлиги бу ўриндаги сўзларнинг йўғон ёки ингичка талаффузли эканлигини аниқлашга имкон беради. Шунга асосланиб фикр юритилса, бу битигдаги сўзлардан биринчиси ингичка ўзаклидир, чунки у <k> билан келган. Ундан кейин <i> ва <a> ҳарфлари олдинма-кетин жойлашган. Таъкидлаш керакки, туркий тилда икки унли ёнма-ён келмайди. Демак, сўзнинг чегараси ҳам шу ерда бўлади: <i> биринчи сўзга, <a> эса кейинги сўзга тааллуқлидир. Бешинчи белги [n] товушининг йўғон вариантини, ундан кейинги белги эса ингичка [k] ни англатади. Кўринадики, бу ўринда ҳам чегара бор: <n> ўрталиқдаги, <k> эса сўнги сўзга алоқали. Шундан келиб чиқиб, битигни учта сўзга ажратиш мумкин: ўрталиқдагиси йўғон, икки четдагилари ингичка ўзакли сўзлардир.

Энди ёзувнинг имло хусусиятларига асосланиб, шу сўзлардан маъно чиқаришга чоғланиб кўрамиз. Биринчи сўзга иккита ҳарф (<k> ва <i>) бирлашади. Уларнинг олдида, кўк турк хатининг имлосига мувофиқ равишда, ёзувда ҳар доим ҳам ёзилавермайдиган олд қатор, ингичка [ä (~e)] кўшиб, *äki (~eki)* деб ўқиш мумкин. Қадимги туркий тилда «икки» сўзи ана шундай талаффуз қилинган.

Ҳарфларнинг иккинчи гуруҳини (*a t n*) жамлаб, *aman* ёки *amīn* шаклида ўқиш мумкин. *Aman* сўзи арабча бўлиб, ҳозирги ўзбекчада *омон* шаклида қўлланади. Лекин унинг қадимги, айниқса, араб истилосидан илгари даврда туркий тилда ишлатилганига ишониш қийин. Шунинг учун ҳам битигдаги ҳарфлар гуруҳини *aman* эмас, *amīn* деб ўқиган маъқул. В. Радловнинг туркий лаҳжалар бўйича тузган луғатида *amīn* сўзи учрайди. Олимнинг таъкидлашича, ушбу сўз «яшамоқ, турмоқ; турмуш; ҳаёт; макон» маъноларини англатган. Кўза матнидаги сўзни ҳам, эҳтимол, шу маъноларнинг бирига йўйиш мумкиндир.

Сўнгги икки ҳарф – <*k*> ва <*ç*> ни бирлаштириб, *kāç* (~*keç*) деб ўқиса бўлади. Уни феъл-кесим – *kāç*- («кечирмоқ; кечмоқ») деб талқин қилиш мумкин. Ана шунда ушбу жумладан «Икки умр кечир; икки одам умрини яшагин», «У дунёнинг ҳам обод бўлсин» деган маъно келиб чиқади. Қадимги туркларнинг эътиқодича, инсон ўлгандан кейин, у дунёда ҳаёти давом этади. Шунинг учун ҳам яқин кишиларнинг қабрига баъзан қимматли буюмлар қўшиб қўмишган, туғишганларнинг у дунёси ҳам тўкин-фаровон бўлишини истаб ана шундай қилганлар. Ким билади, кўзадаги битиг ҳам суюкли кишисидан айрилганнинг яхши ниятини ифодалаган чиқар.

Ҳарқалай, бу ерга хотин киши ёки қиз бола кўмилган. Акс ҳолда, қабрга кўза қўйилмаган бўларди.

Муҳими, Лўмбитепадан топилган қадимги туркий битиг VII–VIII юз йилликларга оид туркий обидалардан ёш жиҳатдан қарийб бир-икки аср эскироқ. Ушбу топилма қадимги туркий битиглар рўйхатини бойи-тади ва улар топилган жойларнинг географиясини анча кенгайтиради, ёзув тарихи хусусида янги хулосаларга олиб келади.

II. Кўҳна Кеш тупроғидан топилган битиглар. Археологлар Қашқадарё вилоятида Китоб шаҳридан 15 км. узоқликда Узунқир қишлоғи яқинидаги тарихий тепаликда қадимий шаҳар-қўрғон комплексини очдилар. Бу жойни маҳаллий аҳоли Подаётоғтепа деб атайдди. Археологларнинг фикрича, Подаётоғ ёдгорлиги хронологик жиҳатдан 2400–2500 йиллар билан белгиланади. У уч комплекс (қатлам)дан иборат бўлиб, остки қисми мелоддан аввалги VI юзйиллик Аҳмонийлар давлатининг сўнгги даврларига, ўрта қатлами антик даврларга, устки комплекси эса илк ўрта асрларга мансубдир. Мазкур ёдгорликда шаҳарнинг ҳимоя девори, қабристон, уй-жой, маҳаллалар сақланган. Ёдгорлик шаҳарсозлик маданиятининг барча талабларига жавоб беради. Тарихий шаҳарнинг умумий майдони 70 гектар. Бу майдоннинг ҳимоя деворидан ҳозирги пайтда 300 метрли бўлаги сақланган, холос. Тепалик ҳолига келиб қол-

ган девор харобасини ҳозир аҳоли Узунқир дейди. Шаҳарнинг ғарбий сарҳадидан Шўробсой оқиб ўтади.

Текширув натижасида Узунқирдан 500 м. шарқда квадрат майдо-ни икки гектарли ҳимоя девори билан ўралган яна бир тарихий тепалик аниқланди. Ушбу тепалик Кўмиртепа қишлоғининг ёнгинасида жойлашган бўлиб, ҳозир Сангир номи билан юритилади. Сангир ёдгорлиги, археологларнинг таъкидлашича, беш қатламдан иборат. Ёдгорликнинг энг устки – 5- қатлами илк ўрта асрларга тегишли, 4–3- қатламлар антик босқич, 2- қатлам Аҳмонийлар даврига тегишлидир. Энг чуқур – 1- комплекс ҳали очилгани йўқ. Дарвоқе, археологик далиллар 2- қатламнинг 2500–2700 йиллик тарихга эга эканлигини исботламоқда. Демак, бу тупроқдаги шаҳарсозлик тарихи ҳам шу қадар қадимийдир.

Маълум бўлувчи, бу жой ҳокимнинг шаҳар ташқарисидаги қишки қароргоҳи бўлган. Одатда, қишки қароргоҳ шаҳар яқинида, ёзги қароргоҳ эса тоғда бўлар эди.

Қазишма чоғида Подаётоғ ва Сангир ёдгорликларидан жуда кўп буюмлар чиқди. Тош ашёлар, сопол, мисдан ясалган буюмлар, турли ҳайкалчалар шулар жумласидандир. Кўлга киритилган ашёларнинг бари Шаҳрисабздаги Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейига келтириб сақланмоқда.

Ёдгорликлар орасида бўртма белгили икки сопол парчаси эътиборни ўзига тартади. Археологларнинг сўзича, уларнинг иккови қалъа деворининг ёнгинасидан оқиб ўтувчи Шўробсой ёқасидан топилган. Сопол ашёлар антик даврга мансуб бўлиб, ёши 2300–2400 йилларга тўғри келади. Улар сой ёқасига нураган қатлам билан кўчиб тушган (қаранг: Содиқов 2004,13–16).

Эътиборли жиҳати шундаки, ҳар икки сопол парчасида ҳам бўрттириб битилган белгилар бор. Биринчи сопол парчаси жом идишнинг туби бўлиб, унга «Ч»симон белги битилган. Кичик сопол парчаси эса катта бир кўзанинг қорин қисми бўлиб, унга бўртма илгаксимон белги туширилган. Ҳар икки сополдаги бўртма шаклларнинг ён-верида бундан бошқа белги излари учрамайди. Чамаси, айна белгиларнинг ёлғиз ўзи муайян маънони билдирган.

Янада муҳими, сополлардаги белгилар Туронзамин халқари қўлланган қадимий ёзувларнинг айрим ҳарфлари билан уйғун. Чунончи, жомнинг тубига туширилган «Ч»симон белги кўк турк хатидаги <г> ёки пастга ўгирилган ҳолатида <т> ҳарфига мос келади (ёдгорликлар буюм парчаси бўлгани учун унинг юқори ва остки қисмини аниқлаш қийин).

Кўза қорнига бўрттириб туширилган илгаксимон белги эса кўк турк матнларидаги <р>, пастга ўгирилган чигида </> ҳарфини эслатади.

Шуларга қисман уйғун келадиган белгиларни финикий алифбоси асосида шаклланган қадимий ёзувларнинг баъзиларида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, жом тубидаги «Ч» симон белги финикий (шимолий сомий) ва унинг негизида шаклланган оромий алифбосидаги <г>, кўза қорнидаги илгаксимон белги эса пастга ўгирилган ҳолатида оромий, жанубий сомий алифболаридаги </> ҳарфига бир оз ўхшаб кетади.

Кўринадик, сопол идишларга бўрттириб туширилган белгилар қадимий алифболарнинг ҳарфлари бўлиб, муайян маънони англатган. Айни чоғда, ушбу белгилар уларни ясаган кулоллар ёки буюм эгаларининг тамғаси (уруғ белгилари?) вазифасини ҳам бажарган кўринадик.

Кейинчалик Подаётоғ комплексини қазув чоғида ер ости қатламидан яна турли белгили сопол парчалари чиққан. Ушбу топилмалар ҳам айни қатламга мансуб бўлиб, ҳали чуқур текширув ишларини тақазо этади.

Муҳими, сопол идишлар сиртига муҳрланган белгилар илк ўрта асрларда Марказий Осиёда ишлатилган ёзувларга туташ. Агар сопол идишларнинг антик босқич – 2300–2400 йил бурунги даврларга мансуб эканлиги назарда тутилса, ушбу ҳудудларда ёзув маданиятининг ҳам шунинг қадар қадимийлиги ҳақида фикр юритиш мумкин.

Идишлар сиртидаги белгиларнинг, айниқса, кўк турк алифбосидаги ҳарфларга уйғун эканлиги диққатга молик. Бу, ўз навбатида, VI–VIII юзйилликларда Енисей ва Ўрхун бўйларида битилган обидалар хатининг асоси мелоддан аввалги даврларга илдиз отган, дейишимизга имкон беради.

III. Чашмимирондан топилган ёзувли ивриқ. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Боғичарбоғ жамоа хўжалигининг Чашмимирон қишлоғидан кичик бир ивриқ (кўзача) топилди. Ивриқ ҳозир қишлоқдаги Садриддин Айний номли 10- ўрта мактаб музейида сақланмоқда (қаранг: Содиқов 2004,16–17).

Идишнинг бўйи 10 см., оғиз айланасининг диаметри 5 см. Қорин айланаси 21,5 см. У нисбатан беўхшов бўлиб, қўлда ясалган. Оғзидан белига қадар ёпиштирилган банди бор. Сопол сингитиб пиширилмаган кўринадик: сиртида қизғиш доғлари қолган. Идишнинг ичи қорамтир жигарранг. Сопол тоза тупроқдан ишланган бўлиб, таркибида аралашмалар йўқ. Идишнинг оғзи учган.

Муҳими, кўзачанинг қорни бўйлаб чизгилар битилган. Чамаси у кейинчалик ўткир тиғли нарса билан тирнаб чизилган. Археологлар авва-

лига ушбу чизгиларни суғд хати бўлса керак, деб тахмин қилган эдилар. Лекин бизнинг кузатувимизча, ушбу чизгилар ташқи кўринишдан суғд хатини эмас, кўк турк хатини эслатади.

Ивриқ сиртидаги чизгиларда бир-биридан ажратиб ёзилган тўрт белгини кўриш мумкин: уларнинг учтаси ёнма-ён, тўртинчиси эса улардан холи – бир оз жой қолдириб чизилган. Ҳарф дея тахмин қилинаётган мазкур белгилар бир-бирига тенг эмас, анча тартибсиз. Улар ўнгдан сўлга қараб қуйидаги кетма-кетликда: тўғри чизик шаклидаги дастлабки чизик кўк турк алифбосидаги <с'> ҳарфига уйғун.

Икки бағридан айри чиқарилган иккинчи чизик бир оз мулоҳазали. Башарти, унинг ўнг томонга чиқарилган айрисини инобатга олинмаса, <η> ҳарфига тўғри келади.

Учинчи белги остидаги ўнгга қайрилган илгагини инобатга олмаганда <r> ни эслатади. Иккинчи ва учинчи ҳарфларнинг ўнг ёғидаги қисқа чизикчалар, эҳтимол, ҳарфларни бир-бирига туташтирувчи элемент вазифасини бажарган бўлуви ҳам мумкин.

Айри ёзилган тўртинчи белгини кўк турк ёзувидаги муайян белгига менгаш қийин.

Демак, кўза қорнидаги чизгиларда уч ҳарфни кўриш мумкин: <с'>, <η>, <r>. Биринчи ҳарф ингичка, баъзан йўғон талаффузли сўзларда; иккинчиси ҳам ингичка, ҳам йўғон; учинчи ҳарф эса фақат йўғон ўзакли сўзларда ишлатилади. Бу ҳарфлар йиғиндиси ушбу сўз йўғон ўзакли эканидан далолат қилади. Ёзувда акс этган ундошлар орасига унлилар қўшиб бу сўзни *siḡar* деб ўқиш мумкин. *Siḡar* сўзи қадимги туркий тилда «ярим» маъносини англатади (ДТС,504).

Чамаси, ивриқ суюқликни ўлчаш учун мўлжалланган. Унинг сиғими эса муайян ўлчовнинг ярмини ташкил этган. Устидаги ёзуви ана шунга ишорадир.

IV. Ўзбекистон тупроқларидан топилган кўк турк ёзувли битиглар комплекси, асосан эпиграфик матнлардан иборат. Уларнинг кўпи сопол буюмларга битилган.

Терига ёзилган битиг айнан бу ҳудуддан бўлмаса-да, унга яқин ердаги Муғ қалъа вайронасидан суғд ёдгорликлари билан бирга чиққан (Бернштам 1951,65–75).

Мазкур ҳудуд ёдгорликлари орасида узукка туширилган, қояга битилгани ҳам бор. Чунончи, бронза узукка туширилган тўрт белгидан иборат битиг Қорамозор тоғидаги Муғхонадан топилган. Тошдаги кўк турк битиги эса Саритош қишлоғидан Иркештомга борадиган йўл ёқасида (қаранг: Заднепровский 1967,273).

Эпиграфик ёдгорликларнинг кўпроқ ер остида қолиб кетган тарихий комплекслардан топилаётгани бежиз эмас. Бунинг тарихий сабаби бор. Маълумки, VIII юзйилликда Ўрта Осиёга бошланган араб халифаларининг босқини ерли халқ маданиятига кескин зарба берди. Истило юзйилликлар оша яратилган улкан маданиятни янчиб, бу ўлка халқлари орасида исломни ўрнатишга қаратилди. Маданият ёдгорликлари, осори атиқалар билан бир қаторда ёзув ёдгорликлари ҳам кўкка соврулди (бу ўринда Абу Райҳон Берунийнинг «Осору-л-боқия» асарида келтирилган маълумотларни эшлаш kifоя). Бунинг оқибатида бу ўлкада ишлатилган авестў, қадимги хоразмий, суғд ёзувлари қаторида кўк турк хати ҳам ишлатилмай кўйди. Маҳаллий тиллар учун араб хати ўзлаштирила бошланди. Лекин ислом бориб етмаган турк ўлкаларида туркий ёзув маданияти аввалгидай ривожланишда давом этаверди.

Шунинг учун бўлса керак, Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон тупроқларидан топилган кўк турк ёзувли ёдгорликларнинг катта бир қисми ер остидан чиққан. Ёдгорликлар қоғозда ёки бошқа ашёларда эмас, кўпроқ эпиграфик матнлар эканлигининг боиси ҳам, чамаси, шундан (Ер юзида қандай ёдгорликлар бўлган-у, қирғинлар таъсирида қанчалик йўқолиб кетгани тарих қаърида яшириниб қоладиган кўринади). Муҳими, кўҳна харобалардан, мозорлардан топилган ёдгорликларнинг ўзиёқ бу тупроқларда қачонлардир кўк турк хати кенг қулоч ёзиб, юзйилликлар оша ишлатилганидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон еридан топилган кўк турк ёзувли битиглар турли даврларга мансуб. Уларнинг энг эскилари кўпроқ тамғалар (кулолларнинг шахсий белгилари, қабила-уруғ тамғалари) вазифасини ўтаган кўринади. Ёзувнинг ривожланган босқичидаги ҳарфий белгилар графикаифодавий жиҳатдан айни белгиларга жуда яқин. Бундан икки хил фикр келиб чиқади.

Биринчиси: буюмларни ясаган кулоллар қўллаган тамғалар тасодифий эмас, ёзув белгиларига асосланган.

Иккинчи фикр: кўк турк алифбосининг белгилари, бошлаб, тамғалар шаклида бўлган. Ёзув тарихининг кейинги босқичида улар туркий тилнинг фонетик-фонологик қуруми билан узвий ҳолда ривожланиб, такомиллашиб, мустақил ҳарфлар даражасига эришган. Ҳарқалай, иккинчи тахмин ҳақиқатга яқин бўлса керак.

Яна бир жиҳати, Китоб яқинидаги Подаётоғ комплексидан чиққан рунийсимон белгили сопол парчалари ёш жиҳатдан салкам Алмати яқинидаги Иссиқ кўрғонидан топилган ёзувни бўйлайди. Иссиқ кўрғонидан топилган битигнинг тили туркий, ёзуви эса кўк турк хатининг

илк босқичи эканлиги тўғрисидаги кўзқарашлар ҳозирги чоғда ўз асосини топмоқда (Аманжолов 1978,82–83).

Иссиққўрғон битиги ҳамда кўҳна Кеш тупроғидан топилган ёзув ёдгорликларига асосланганда Ўрта Осиёнинг катта бир ҳудудида мелоддан бурунги даврлардаёқ туркий ёзув маданияти шаклланиб, VII–VIII юзйилликларда яратилган ёдгорликларга қадар узоқ босқични босиб ўтганлиги аён бўлади.

Эътиборга лойиқ ери, шу чоққача Ўрта Осиёдан топилган кўк турк ёзувли ёдгорликлар, асосан, Талас, Фарғона водийлари, Тошкент воҳаси, юқори Зарафшондан чиққан эди. Энди ана шундай битигларнинг бошқа ҳудудлардан, хусусан, Жанубий Қашқадарёдан топилганлиги, айниқса, уларнинг ёш жиҳатдан анчайин эскилиги муҳим. Бу, ўз навбатида, кўк турк ёзувининг қўлланиш тарихини Биринчи ва Иккинчи турк хоқонлиқлари давридан бир неча аср эскироққа олиб боради ва ёзувнинг тарқалиш доирасини анча кенгайтиради.

Мазкур битигларнинг ҳарфлари ўз шаклига кўра урхун ва енисей битигларининг ҳарфларидан фарқ қилади. Бундан келиб чиқадиган муҳим хулоса шуки, туркий ёзув VII–VIII юзйилликларда яратилган ўрхун-енисей, Талас, Исфара, Фарғона ёдгорликларидаги кўринишигача бир неча тарихий-палеографик босқични бошдан кечирган. Ўрхун ва енисей битигларининг хати, қузатувларга қараганда, ёзувнинг дастлабки эмас, кейинги такомиллашган босқичига мансубдир.

Ўзбекистон тупроқларидан топилган битиглар кўк турк ёзувининг тарихи, келиб чиқиши ва такомилли тўғрисида янги фикр уйғотиши ҳам табиий.

Аёнки, кўк турк алифбоси бир пайтда яратилган эмас. Мазкур ёзув тарихан Ўрхун ва Енисей томондан Ғарбга эмас, Ўрта Осиёдан Шарқ томон силжиган кўринади. Унинг асослари, чамаси, Ўрта Осиёда шаклланиб, сўнг бошқа турк ўлкалари – Олтой, Ўрхун водийлари томон тармоқ отган бўлса, эҳтимол. Мавжуд топилмалар ана шундан белги бериб турибди.

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ

УЙҒУР ЁЗУВЛИ БИТИГЛАР: ТАВСИФИ, ЎҚИЛИШИ ВА ТАЛҚИНИ

«ХУАСТУАНИВТ»НИНГ ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ВЕРСИЯСИ

«Хуастуанивт» монийчиларнинг эркли-эрксиз, билиб-билмай қилган ёзуқларидан ўқинув битигидир. Асарнинг оти матнда *N(i)yoşaklarniñ suyiñ-yazuqin öküngü Huastuan(i)vt* деб берилган. Ушбу жумладаги *niyoşak* – суғдчадан ўзлашган бўлиб, «тингловчи» маъносини англатади, у монийлик жамоасида куйи даражадир; *suu-yazuq* – жуфт сўз, «гуноҳлар, ёзуқлар» деган маънони билдиради; *öküngü* эса ҳозирги «ўқинув, тавба қилув» англамида. Шунга кўра, асарнинг отидан «Ниғўшакларнинг ёзуқларлардан ўқинувчи «Хуастуанивт» деган маъно келиб чиқади.

Асарнинг туркий қўлёзмалари ҳозир Санкт-Петербург, Лондон ва Берлиндаги қўлёзма фондларида сақланмоқда (*Асарнинг нашрларига қаранг:* Малов 1951,108–130; Дмитриева 1963,214–232; Содиқов 2009,85–99). Булардан Санкт-Петербург нусхаси қадимги уйғур, Лондон нусхаси моний ёзувида битилган бўлиб, нисбатан тўлиқ. Берлин нусхалари эса асардан олинган фрагмент(узинди)лардир. Улар Берлин Академиясининг қўлёзмалар фондида Турфондан топиб келтирилган ёзма ёдгорликлар орасида сақланмоқда. Хати икки хил – моний ва уйғур ёзувларида.

Марказий Осиё халқларининг исломга қадар сиғинган, фалсафий-маънавий қарашлари тарихида сезиларли из қолдирган динларидан бири монийликдир. Монийлик III юзйилликда Бобилда яратилди. Сўнг бир ёғи Андалусга дайин, бошқа бир йўналишда Кунчиқар ёққа ёйилди: бошлаб Эронга, ундан Ўрта Осиёга, бу ердан ўтиб Синжонга кириб борди.

«Хуастуанивт» – таржима асар. У қадимги эроний тиллардан бирида яратилиб, кейин туркийга ўғирилган. Фанда унинг суғдча, қадимги

туркий тилдаги версиялари маълум. Туркий версиялари уйғур ва моний ёзувларида битилган.

Асар ўн беш бўлимли. Бўлимлари *bölüg* дейилиб, ҳар қайсиси муайян масала ечимига бағишланган. Матнда ҳар қайси бўлим ўзининг тартиб кўрсаткичи билан бошланади: *ücünc, törtünç, bişinç, altinç, yitinç, säkizinç* ва б. Уйғур ёзувли матнда жумлалар қўш нуқта (..), бўлимлар эса икки жуфт нуқта (.. ..) билан ажратилган.

Қўлёзма сўнгида асарнинг тугаганлиги ва котибининг оти ёзиб қўйилибди: *Bütürmiş Tarhan. Tügädi n(i)yoşaklarniñ suyiñ-yazuqin öküngü Xuastuan(i)vt* (Маттни) тугаллаган Тархан. Тугади ниғушақларнинг ёзуқлардан ўкинув (битиг)и – «Хуастуанивт»).

Ўтмишда диний асарлар, хусусан, моний ёдгорликларини битишда ёзувнинг ўзига яраша сулув бир услуби танланган. Биз сўз юритаётган қўлёзманинг хати ҳам ўта сулув, классик услубда.

«Хуастуанивт» сиғинувчилар ичида ёлғиз ҳолда ҳам, кўплашиб ҳам ўқилган.

«Хуастуанивт» диний-фалсафий асаргина эмас, қадимги турк ёзма адабиётининг ажойиб ва менгзаги йўқ ёдгорлиги ҳамдир. Адабиёт аҳли уни бадий асар сифатида ўрганади. Топинувчилар кўнглидаги эзгу ўйлар, инжа туйғуларни, уларнинг тангрига илтижосини акс эттириш, матн таъсирини ошириш учун тилмоч ниҳоятда равон бир услубни қўллаган. Матн услуби тилмочнинг теран билимли, тил устаси, сўзга чечан, шоиртабиат киши ўтганидан белги бериб туради. Қолаверса, тангрига бўлган илтижоларда матннинг таъсирчанлиги, топинувчи кўнглининг туб-тубидаги туйғуларнинг (қадимги туркийда бунини *berk qatıy saw* дейилган) баёнига айрича урғу берилган. Ана шу ҳодиса монийлик даври адабиётида, ёзма адабий тилда ўзига яраша «тангрига илтижо услуби»нинг юзага келувини таъминлаб берди. Ислом даврида яратилган муножотлар услубида ҳам қадимги туркий тил даврида яратилган ўша анъананинг эпкинларини кузатиш мумкин.

Мана бир мисол:

Näcä yañılı yüküntümüz ärsär, näcä yañılı buşı birdimiz ärsär, yämä buyan bögtäg qilur-biz tip yañılı, näcä ayiğ qilinç qiltimiz ärsär, yämä yäkkä-ičkäkkä täñri tipän, tñlñyay-turaliyay ölürüp yüküntümüz ärsär, yämä burxan tipän igid nomqa tapintimiz-uduntumuz ärsär, qut qolu yüküntümüz ärsär, täñrikä yazinip, yäkkä tapintimiz ärsär, täñrim, amtı ökünür-biz, yazuqda boşunu ötünür-biz.

(Қанча янглишиб, топинган бўлсак, қанча янглишиб эҳсон қилган бўлсак, яна савоб ишлар қиламиз деб, янглишиб, қанча ёвуз ишлар қил-

ган бўлсак, яна шайтону иблисларга тангри дебон (уларнинг ҳақиға) тирик жониворларни ўлдириб, топинган бўлсак, яна бурхон деб сохта ақоидга топинган, инонган бўлсак, (улардан) қут тилаб юкунган бўлсак, тангрига ёзуқ қилиб, шайтонга топинган бўлсак, тангрим, энди ўкинурмиз, ёзуқдан халос этгин дея ўтинурмиз).

Жумлаларнинг тузилиши равон, ўқиганда қулоққа ёқади. Шунингдек, уюшиқ бўлакли гаплар, кесимларнинг бир қолипдаги қайтариғи, синтактик параллелизмлар, аллелерация, ҳатто бадийий стереотип жумлалар – қўйингки, бутунича матн ана шу ритмни, асарнинг ёқимли ўқишлигини таъминлайди.

Матн бадийийлигини таъминлаш, асарни ўқишли қилиш, таъсир кучини ошириш мақсадида ёзма адабий тилнинг чексиз имкониятларидан фойдаланилган. Бири – сўзларни жуфт ҳолда қўллаш усулидир. Бу нарса сўз маъносини кучайтириш, янги сўз яшашгагина эмас, матн бадийийлигини оширишга ҳам хизмат қилади. Сўзларнинг бунингдек жуфт ҳолатда кенг ишлатилганини қадимги туркий адабиётнинг бошқа асарларида учратмаймиз. Айниқса, кишилар ҳаракати ва ҳолати баёнида бу усулнинг ўрни ва аҳамияти яққол сезилиб туради: кишиларнинг ёруғ дунёдаги қилмишлари, эзгу ва ёвуз ишлари таърифланар экан, феъллар *qorqitdimiz-urkitdimiz* (қўрқитиб хуркитдимиз), *urtumuz-yontumuz* (уриб азобладимиз), *açitdimiz-ayritdimiz* (ранжитдимиз), *yazintimiz-yañiltimiz* (ёзуқ қилдимиз, янглишдимиз), *tapintimiz-uduntumuz* (топиндимиз, инондимиз), *äksütümüz-kärgätimiz* (зиён етказдимиз), *töktümüz-saçtımız* (тўқиб сочдимиз) дея баён қилинади.

Матнда ҳатто иш-ҳаракат ва ҳолатнинг узлуксизлиги таърифланганда-да, бадийийлик талабидан келиб чиққан ҳолда, *näcä* олмошидан фойдаланилади (*näcä sidimiz* (неча синдирдимиз), *näcä yazintimiz* (неча гуноҳ қилдимиз), *näcä qorqitdimiz-urkitdimiz* (неча қўрқитдимиз) сингари).

Жумлаларнинг тузилиши ҳам асар моҳиятига мос. Масалан, билиб-билмайин йўл қўйилган гуноҳлар бирма-бир саналганда, жумлалар кўпинча сабаб эргаш гапли қўшма гаплардан тузилади. Бунда эргаш гапнинг кесими (-*dimiz*, -*dimiz* / -*timiz*, -*timiz* / -*dumuz*, -*dümüz* / -*tumuz*, -*tümüz*) *ärsär*, бош гап кесими эса -*dimiz*, -*dimiz* / -*timiz*, -*timiz* / -*dumuz*, -*dümüz* / -*tumuz*, -*tümüz* қўшимчаси билан қўлланилади. Масалан:

Bu biş türlüg tinliyağ-turaliyağ, uluqqa-kicigkä tägi näcä qorqitdimiz-urkitdimiz ärsär, näcä urtumuz-yontumuz ärsär, näcä açitdimiz-ayritdimiz ärsär, näcä ölürdümüz ärsär, munča tinliyağ-turaliyağ öz ötägçi boltumuz.

(Бу беш хил мавжудотни, улуғидан кичигига қадар қанча қўрқитиб хуркитган бўлсак, қанча уриб азоблаган бўлсак, қанча ранжитган бўлсак, қанча ўлдирган бўлсак, шунча жонзодга қарздор бўлдик).

Асар бўлимлари билан боғлиқ ҳолда баъзи жумлалар пайт ёки натижа эргаш гапли қўшма гап кўринишида. Бундай ҳолларда эргаш гап кесими пайт ёки сабаб муносабатини англатувчи сўзлардан, бош гап эса ана шу чоғда ёки шунинг натижасида юз берган воқеа-ҳодисани англатади; унинг кесими *-dimiz, / -timiz, -timiz / -tumuz* қўшимчаси билан қўлланилади:

Kirtü tǎŋrig, arıy nomuy biltügümüzde, baru: iki yiltizig, üč ödki nomuy biltimiz, yaruq yiltizin, tǎŋri yirin, tünärig yiltizin, tamu yirin biltimiz.

(Ҳақиқий тангрини, чин қонунларни англаб етганимизда икки асосни, учала замонга тегишли қонунни билдик. Ёруғликнинг асосини, тангри ерини, зимистоннинг асосини, дўзах ерини билдик).

Асарда изчил қўлланувчи, қолипга тушган жумлалар ҳам бор. Улар турли синтактик-стилистик вариацияларда. Чунончи, асар бўлимлари *Tǎŋrim, yazuqda boşunu ötünür-biz* («Тангрим, ёзуқдан қутқарғил дея ўтинурмиз»), *Tǎŋrim, amtı yazuqda boşunu ötünür-biz* («Тангрим, энди ёзуқдан халос этгин дея ўтинурмиз»), *Amtı, tǎŋrim, yazuqda boşunu ötünür-biz* («Энди, тангрим, ёзуғимизни кечиргин дея ўтинурмиз»), *Tǎŋrim, amtı ökünür-biz, yazuqda boşunu ötünür-biz* («Тангрим, энди ўкинурмиз, ёзуқдан қутқарғил дея ўтинурмиз») ёки *Anı üčün, tǎŋrim, qor yazuqda boşunu ötünür-biz* («Шунинг учун, тангрим, бутунлай ёзуқдан қутилайлик дея ўтинурмиз») жумлалари билан охирлайди. Шундан сўнг *Manastar qırza* ёки *Manastar xırza* [моний ёзувли нусхаларида *Manastar xırza~Manastar xırz*] дуоси келади. Ушбу дуо кўриниши ўртанча эроний тиллардан ўзлашган бўлиб, тангридан «Ёзуғимизни кечиргайсан!» [*Mnastar hırz-a*] дея қилинган илтижони англатади. Уни таржима қилмай, аслидай қўлаш турк-моний жамоаларида русум бўлган.

Яна бир жиҳати, асарда ёзма адабий тилнинг эски, классик ўлчовлари тўла-тўқис, яхши сақланган. Сўзларнинг имлосидан тортиб, жумлаларнинг тузилишигача шунга бўйсунди. Муҳими, ўша кезларда туркий матнчиликда диний-фалсафий асарлар услуби, унинг ўлчовлари ишлаб чиқилди. Кейинчалик, ҳатто бошқа эътиқодларга ўтилганда ҳам диний-фалсафий мазмундаги асарларни битишда қадимги туркий тилда ишлаб чиқилган ўша ўлчовларга, анъанага таянилган.

Ўтмишда диний асарлар, хусусан, моний ёдгорликларини битишда ёзувнинг хос бир услуби танланган. «Хуастуанивт»нинг хати ҳам ўта чиройли, уйғур ёзувининг классик услубидадир.

Куйида келтираётган матнимиз асарнинг Санкт-Петербургдаги Шарқ қўлёзмалари институтида (илгариги Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида) сақланаётган уйғур ёзувли қўлёзмаси асосида тайёрланди. Матн чиройли хат билан ўрама қоғозга битилган. Қоғознинг бош қисми чириб, титилиб кетган. Матндан 160 қатор сақланган.

Матн транскрипцияси

- (1) ... [boʃu]yalı (?) y(a)ruqu[y]
- (2) ... [t]ägzinür : tört buluq[uy]
- (3) ... [bi]lmätin kün ay t(ä)ñrikä iki
- (4) ... [t(ä)ñr]ilärkä näčä yaz(i)nt(i)m(i)z ärsär
- (5) ... [t(ä)ñri] tipän kirtgünmäd(i)m(i)z ärsär :
- (6) ... [čul]vu saw sözläd(i)m(i)z ärsär : y(ä)mä kün ay
- (7) ... [är]ksizin tuyar batar ärki ...
- (8) ... [ärs]är : k(ä)ntü özümüzni күntä ayda
- (9) [öñi]biz tidim(i)z ärsär : bu ikinti bilmätin yaz(i)nmış ...
- (10) ... M(a)na[star xir]za :: Üčünč y(ä)mä biš
- (11) [t(ä)ñr]ikä : X[ormuzta] ... a : bir tüntura t(ä)ñri :
- (12) ikinti yil t(ä)ñri ... ya[ruq] t(ä)ñri : törtünč suw t(ä)ñri :
- (13) bišinč oot t(ä)ñri : suin yäglükün süñüşüp bal(i)qduqin
- (14) üçün q(a)raqa qatiltuyın üçün t(ä)ñri yiringärü baru
- (15) umatın bu yirdä ärür : üzä on qat kök asra
- (16) säkiz qat yir biš t(ä)ñri üçün turur : qamay yir üzäki-i
- (17) niñ q[utı] q[iwi öñi mäñiz]i : özi özüti küči y(a)ruyı
- (18) tözi yiltizi bi[š] t(ä)ñri-ol (?) : t(ä)ñrim suyda baru biš t(ä)ñrig
- (19) bilmätin anıy y(a)wlaq biligin näčä sidim(i)z b(i)rtd(i)m(i)z ärsär :
- (20) tört y(i)girmi түrlüg baş qilt(i)m(i)z ärsär : on yılan başl(i)y
- (21) ärñäkin iki qırq tišin tirig özüg aš içkü
- (22) t(ä)ñrig näčä açitd(i)m(i)z ayrıtd(i)m(i)z ärsär : quruy öl yirkä
- (23) biš түrlüg tınl(i)yqa : biš түrlüg otqa iyačqa
- (24) näčä yaz(i)nt(i)m(i)z ärsär: ... [t(ä)ñrim yazuqda boşunu ötünür-
- (25) biz: M(a)nastar xirza :: Törtünč söki t(ä)ñri
- (26) y(a)lawaçı burxanlarqa buyançı bögtägçi arıy dintarlarqa
- (27) bilmätin näčä yaz(i)nt(i)m(i)z ärsär : y(ä)mä kirtü t(ä)ñri yalawaçı burxan[qa?]
- (28) tipän ädgü qilinčl(i)y arıy dintar tip kirtgünmäd(i)m(i)z ärsär : t(ä)ñri
- (29) nomın sözläsär biligsizin ötrü üzänd(i)m(i)z ärsär : nomuy

- (30) törüg yadturmatın tidt(i)m(i)z ärsär : t(ä)ñrim amtı ökünür-biz
 (31) yazuqda boşunu öt[ünür]-biz : M(a)nastar xirza :: Bişinç
 (32) biş türlüg tñl(i)γqa : bir y(ä)mä iki adaql(i)γ kişikä ikinti
 (33) tört butluy tñl(i)γqa : üçünç uçuyma tñl(i)γqa :
 (34) törtünç suw icräki tñl(i)γqa : bişinç yirdäki bayrın
 (35) yoriyma tñl(i)γqa : suyda baru t(ä)ñrim bu biş türlüg
 (36) tñl(i)γay tural(i)γay uluyqa kiçigkä tägi näçä qorqıtd(i)m(i)z
 (37) ürkitd(i)m(i)z ärsär : näçä urtumuz yontumuz ärsär : näçä açıtd(i)m(i)z
 (38) ayrıtd(i)m(i)z ärsär : näçä ölürdümüz ärsär : munça tñl(i)γqa
 (39) tural(i)γqa öz ötägçi boltumuz : t(ä)ñrim amtı yazuqda
 (40) boşunu ötünür-biz : M(a)nastar xirza :: Altinç y(ä)mä
 (41) t(ä)ñrim suyda baru : saqınçın sözün qılınçın on
 (42) türlüg suy yazuq qilt(i)m(i)z ärsär : näçä igid igdäd(i)m(i)z
 (43) ärsär : y(ä)mä näçä igdäyü antiqd(i)m(i)z ärsär : näçä igid
 (44) kişi tanuqi boltumuz ärsär : y(ä)mä yazuqsuz kişig näçä
 (45) quwlad(i)m(i)z ärsär : y(ä)mä saw älitip saw k(ä)lürüp kişig näçä
 (46) kiksürü sözlädim(i)z ärsär : köñülin biligin artatd(i)m(i)z ärsär
 (47) näçä yilvi yilviläd(i)m(i)z ärsär : yämä näçä öküş tñl(i)γay
 (48) tural(i)γay ölürdümüz ärsär : näçä t(ä)wlad(i)m(i)z kürläd(i)m(i)z

ärsär :

- (49) näçä äwiñ kişi urunçaqın yidim(i)z ärsär : kün ay t(ä)ñri
 (50) taplamaz işig näçä işläd(i)m(i)z ärsär : yämä ilki özün
 (51) bu özün : uzuntonluy urılar öz bolup näçä yaz(i)nt(i)m(i)z
 (52) yañilt(i)m(i)z ärsär : munça öküş tñl(i)γqa näçä üz buz
 (53) qilt(i)m(i)z ärsär : t(ä)ñrim amtı bu on türlüg yazuyda
 (54) boşunu ötünür-biz : M(a)nastar xirza :: Yitinç
 (55) y(ä)mä suyda baru iki ayuluy yol başıña (!) tamu qapyña (!)
 (56) azyuruyli yolqa kim tisär bir igid nomuy törüg
 (57) tutuyma ikinti y(ä)mä yäkkä içkäkkä t(ä)ñri tipän yükünç
 (58) yükünügmä suyda baru t(ä)ñrim kirtü t(ä)ñrig arıy nomuy
 (59) bilmätin uqmatın burxanlar arıy dintarlar nomlasar
 (60) kirtgünmädin tätrü yana igdäyü t(ä)ñriçi-m(ä)n nomçı-m(ä)n
 (61) tigmäkä artızıp anıñ sawın alıp näçä yañılı baçay
 (62) baçad(i)m(i)z ärsär : näçä yañılı yüküntümüz ärsär : näçä yañılı
 (63) buşı bird(i)m(i)z ärsär : y(ä)mä buyan bögtäg qılur-biz tip yañılı
 (64) näçä ay(i)γ qılınç qilt(i)m(i)z ärsär : yämä yäkkä içkäkkä
 (65) t(ä)ñri tipän tñl(i)γay tural(i)γay ölürup yüküntümüz ärsär : y(ä)mä
 (66) burxan tipän igid nomqa tapınt(i)m(i)z uduntumuz ärsär
 (67) qut qolu yüküntümüz ärsär : t(ä)ñrikä yazınıp yäkkä

- (68) tapınt(i)m(i)z ärsär : t(ä)ñrim amtī ökünür-biz : yazuqda boşunu
(69) ötünür-biz : M(a)nastar qirza :: S(ä)kizinç kirtü
(70) t(ä)ñrig arıy nomuy biltügümüzä baru : iki yiltizig üç
(71) üç ödkı nomuy bilt(i)m(i)z : y(a)ruq yiltizin t(ä)ñri yirin
(72) tünärig yiltizin tamu yirin bilt(i)m(i)z : yir t(ä)ñri yoq
(73) ärkän öñrā nā bar ärmış tipän bilt(i)m(i)z : t(ä)ñrili yäkli
(74) nädä ötrü süñüşmiş y(a)ruqlı q(a)ralı q(a)ltı qatılmış yirig
(75) t(ä)ñrig kim y(a)ratmış tipän bilt(i)m(i)z : y(ä)mā arqon yir
(76) t(ä)ñri nädä ötrü yoq bolyay : y(a)ruqlı q(a)ralı q(a)ltı adr(i)lyay
(77) antada kistrā nā bolyay tipän bilt(i)m(i)z : azrua t(ä)ñrikā
(78) kün ay t(ä)ñrikā : küçlüg t(ä)ñrikā : burxanlarqa :
(79) inant(i)m(i)z tayant(i)m(i)z n(i)yoşak boltumuz : tört y(a)ruq tamya
(80) köñülümüzä tamqalad(i)m(i)z : bir amranmaq azrua t(ä)ñri
(81) tamqası : ikinti kirtgünmäk kün ay t(ä)ñri tamqası üçünç
(82) qorqmaq biş t(ä)ñri tamqası : törtünç bilgä bilig
(83) burxanlar tamqası : t(ä)ñrim biligimizni köñülümüzni bu tört
(84) türlüg t(ä)ñrilärdä ayıtd(i)m(i)z ärsär : orninta qamşatd(i)m(i)z
(85) ärsär : t(ä)ñri tamqası buzultı ärsär : amtı t(ä)ñrim yazuqda
(86) boşunu ötünür-biz : M(a)nastar xirza : : Toquzunç
(87) on ç(a)xsap(a)t tutduqumuzta baru : üç ayzın üç
(88) köñülün üç älgın : bir qamay özin tükäti tutmaq
(89) k(ä)rgäk ärti : t(ä)ñrim bilip bilmätin ät öz säwiginçä
(90) yorip y(a)wlaq iş tuş adaş qudaş sawın alıp köñülin
(91) körüp : yilyıqa bar(i)mqa bulup : azu muñumuz taqım(i)z
(92) tägip bu on ç(a)xsap(a)t(i)y sidim(i)z ärsär : näçä äksütümüz
(93) k(ä)rgät(i)m(i)z ärsär : t(ä)ñrim amtı yazuqda boşunu ötünür-biz
(94) M(a)nastar xirza : : Onunç künkä tört alqış
(95) azrua t(ä)ñrikā : kün ay t(ä)ñrikā küçlüg t(ä)ñrikā
(96) burxanlarqa bir biligin arıy köñülün alqansıq
(97) törü bar ärti : y(ä)mā qorqmatın ärmägürüp ädgüti tükäti
(98) alqanmad(i)m(i)z ärsär : y(ä)mā alqanur ärkän köñülümüzni
(99) saqınçim(i)zni t(ä)ñrigärü tutmad(i)m(i)z ärsär : alqışim(i)z ötügü-
müz
(100) t(ä)ñrikā arıyın tägmädi ärsär : nā yirdä tidinti tutuntı
(101) ärsär : amtı t(ä)ñrim yazuqda boşunu ötünür-biz : M(a)nastar
(102) xirza : : Bir y(i)g(i)rminç y(ä)mā yiti türlüg buşı arıy
(103) nomqa ançulasıq törü bar ärti : y(ä)mā biş t(ä)ñri y(a)ruqın
(104) quwrat(i)ylı b(a)riştılar xroştıg p(a)duaxtag t(ä)ñri : t(ä)ñrigärü
(105) bardaçi boşuntaçi biş t(ä)ñri y(a)ruqın biziñärü k(ä)lürdi ärsär :

- (106) biz adruq adruq itip y(a)ratip nomqa kigürsük törü
- (107) bar ärti : azu muñ üçün azu buşı birgäli qızyanip
- (108) yiti türlüg buşı arıy nomqa tükäti birü umad(i)m(i)z ärsär :
- (109) t(ä)ñrigärü bardači boşuntači biş t(ä)ñri y(a)ruqin äwkä barqqa
- (110) badim(i)z ärsär : ay(i)y qilinçl(i)y kişikä y(a)wlaq tünl(i)yqqa
- (111) tural(i)yqqa bird(i)m(i)z ärsär : töktümüz saçt(i)m(i)z ärsär : t(ä)ñri
- (112) y(a)ruqin y(a)wlaq yirgärü idt(i)m(i)z ärsär : amtı t(ä)ñrim yazuqda
- (113) boşunu ötünür-biz : M(a)nastar xirza : : İki y(i)g(i)rminç
- (114) bir yılqa älig kün arıy dintarça vusanti olursuq
- (115) törü bar ärti : arıy baçay baçap t(ä)ñrikä ançulasıq
- (116) k(ä)rgäk ärti : y(ä)mä äw barq tutduq üçün yılqıqa
- (117) bar(i)mqa bulup : azu muñumuz taqim(i)z tägip : y(ä)mä todunçsuz
- (118) uwutsuz suq yäk üçün : y(ä)mä qorqunçsuz köñülümüz
- (119) üçün ärinip ärmägürüp ärkligin ärsizin baçay sidim(i)z
- (120) ärsär : y(ä)mä baçay oluruq ädgüti nomça törüçä baçamad(i)m(i)z
- (121) ärsär : amtı t(ä)ñrim yazuqda boşunu ötünür-biz : M(a)nastar
- (122) qirza : : Üç y(i)girminç ay t(ä)ñri künin sayu
- (123) t(ä)ñrikä nomqa arıy dintarlarqa suyumuzni yazuqumuzni
- (124) boşuyu ötünmäk k(ä)rgäk ärti : y(ä)mä ärkligin ärsizin
- (125) ärinip ärmägürüp işkä ködügkä tiltanip : yazuqda
- (126) boşunyalı barmad(i)m(i)z ärsär : amtı t(ä)ñrim yazuqda boşunu
- (127) ötünür-biz : M(a)nastar xirza : : Tört y(i)g(i)rminç
- (128) bir yılqa yiti yimki olursuq törü bar ärti : bir ay
- (129) ç(a)xsap(a)t tutmaq k(ä)rgäk ärti : y(ä)mä çaydanta yimki oluruq
- (130) baçay baçap t(ä)ñri burxaqqa bir biligin köñültä baru
- (131) bir yılqı yazuqumuzni boşuyu qolmay k(ä)rgäk ärti : t(ä)ñrim
- (132) yiti yimki tükäti oluruq umad(i)m(i)z ärsär : bir ayqı ç(a)xsap(a)t(i)y
- (133) ädgüti ariti tutuq umad(i)m(i)z ärsär : bir yılqı yazuqumuzni
- (134) bir biligin köñültä baru boşuyu qolmad(i)m(i)z ärsär : näçä
- (135) äksük k(ä)rgäk boltı ärsär : amtı t(ä)ñrim yazuyda boşunu
- (136) ötünür-biz : M(a)nastar xirza : : Biş y(i)g(i)rminç kün
- (137) sayu näçä y(a)wlaq saqinç saqinur-biz : näçä sözlämäsiz
- (138) irinçülüg söz : sözläyür-biz : näçä işlämäsiz irinçülüg
- (139) iş işläyür-biz : ay(i)y qilinçqa irinçükä k(ä)ntü özümüzni
- (140) ämgätir-biz : y(ä)mä künkä aşaduyumuz biş t(ä)ñri y(a)ruqı k(ä)ntü
- (141) özümüz özütümüz todunçsuz uwutsuz suq yäk säwiginçä
- (142) yorıduq üçün y(a)wlaq yirgärü barir : anı üçün t(ä)ñrim
- (143) qop yazuqda boşunu ötünür-biz : M(a)nastar xirza : :
- (144) t(ä)ñrim äksüklüg yazuqluy-biz : ötägçi birimçi-biz todunçsuz

- (145) uwutsuz suq yäk üçün saqinçin sözün qilinçin
 (146) y(ä)mä közin körüp qulqaqin äšidip tilin sözläp äl(i)gin
 (147) sunup : adaqin yorip : ürkä üzüksüz ämgätir-biz :
 (148) biš t(ä)ñri y(a)ruqin quruy öl yirkä biš türlüg tñl(i)ğay
 (149) biš türlüg otuy iyaçiy : y(ä)mä äksüklüg yazuqluy-biz :
 (150) on ç(a)xsap(a)tqa : yiti bušiqä üç tamyaqa n(i)ğošak
 (151) atin tutar-biz : qilinçin qilu umaz-biz : y(ä)mä y(a)ruq
 (152) t(ä)ñrilärkä ariy nomqa t(ä)ñriçi nomçï ariy dintarlarqa
 (153) näçä yaz(i)nt(i)m(i)z yanilt(i)m(i)z ärsär : y(ä)mä t(ä)ñri aymiš ötcä
 (154) biligçä yorimad(i)m(i)z ärsär : t(ä)ñrilär köñülin b(i)rtd(i)m(i)z
 ärsär :
 (155) y(ä)mä yimki vusanti alqış ç(a)xsap(a)t nomçä törüçä tutu
 (156) umad(i)m(i)z ärsär : näçä äksütümüz k(ä)rgät(i)m(i)z ärsär : kün sayu
 (157) ay sayu suy yazuq qilur-biz : y(a)ruq t(ä)ñrilärkä nom
 (158) qutiña (!) ariy dintarlarqa suyda yazuqda bošunu
 (159) ötünür-biz : M(a)nastar xirza : : bütürmiš Tarxan
 (160) tügädi n(i)ğošaklarınñ suyin yazuqin öküngü Xuastuan(i)vt .

Мазмуни

(1) ... қутилмоқ учун ёруғни (2) ... эврилур. Тўрт ёқни (3) ... билмайин Кун-ой тангрига, икки (4) ... тангриларга қанча ёзуқ қилган бўлсак, (5) ... тангри деб топинмаган бўлсак, (6) ... ёлғон сўзларни айтган бўлсак, яна Кун-ой (7) ... эркисиз ҳолда туғар ва ботар [яъни Куннинг туғиши ва ботиши] истаги ... (8) ... эса, ўз ўзимизни Кундан, Ойдан (9) юқори қўйган бўлсак, бу иккисини билмай, ёзуқ қилган ... (10) ... Ёзуғимизни кечиргайсан!

Учинчи (бўлим). Яна беш (11) тангрига, Хўрмузта ... а: биринчиси – Ҳаво-тангри; (12) иккинчиси – Ел-тангри; (учинчиси) – Ёруғ-тангри; тўртинчиси – Сув-тангри; (13) бешинчиси – Ўт-тангри қабоҳат билан тўқнашиб, жароҳатлангани (14) учун, қоронғуликка қоришгани учун тангри ерига бора (15) олмай, бу ерда эрур. Юқорида ўн қат кўк, пастда (16) саккиз қат ер беш тангри туфайли турур. Ер юзидаги борлиқ- (17) нинг бахту саодати, ранг-туси, руҳи, вужуди, кучи, ёруғи, (18) асоси беш тангридандир. Тангрим, ёзуқ қилиб, беш тангрини (19) билмай, ёвуз, бўлмағур ўйлар билан уларни қанча вайрон қилган, шикаст етказган бўлсак, (20) ўн тўрт хил жароҳат етказган бўлсак, ўнта илон бошли (21) бармоқларимиз билан, ўттиз икки тиш билан тирик жонни емиш қилиб, (22) тангрини қанча ранжитган бўлсак, қуруғ-хўл ерга, (23) беш

хил жонзодга, беш хил ўсимликка (24) қанча озор етказган бўлсак, ... тангрим, ёзуқдан қутқарғил дея ўтинур- (25) миз. Ёзуғимизни кечиргайсан!

Тўртинчи (бўлим). Бурунги тангрининг (26) элчиси бурхонларга, тақводор, пок роҳибларга (27) билмай туриб қанча ёзуқ қилган бўлсак, яна тангрининг садоқатли элчиси бурхонга (28) деб, эзгу қилмишли пок роҳиб деб эътиқод қилмаган бўлсак, тангрининг (29) қонунларини [яъни қутлуғ китобдан] сўзлаганда, билимсизлик билан унга қарши чиққан бўлсак, қонун- (30) қоидаларни ёйиш ўрнига уларни тийган бўлсак, тангрим, энди ўкинурмиз, (31) ёзуқдан қутқарғил дея ўтинурмиз. Ёзуғимизни кечиргайсан!

Бешинчи (бўлим). (32) Беш хил жонзодга: биринчидан, яна икки оёқли инсонга, иккинчидан, (33) тўрт оёқли ҳайвонга, учинчидан, учувчи жонзодларга, (34) тўртинчидан, сув ичидаги жонзодларга, бешинчидан, ердаги судралиб (35) юрувчи жонзодларга озор етказиб, тангрим, бу беш хил (36) мавжудотни, улуғидан кичигига қадар қанча қўрқитиб (37) хуркитган бўлсак, қанча уриб азоблаган бўлсак, қанча ранжитган (38) бўлсак, қанча ўлдирган бўлсак, шунча жонзодга (39) қарздор бўлдик. Тангрим, энди ёзуқдан халос этгин дея (40) ўтинурмиз. Ёзуғимизни кечиргайсан!

Олтинчи (бўлим). Яна (41) тангрим, ёзуқ қилиб ёмон хаёллар билан, сўз билан, иш билан ўн (42) хил ёзуқ қилган бўлсак, қанча сохта ишлар қилган (43) бўлсак, яна қанча ёлғон сўзлаб, онт ичган бўлсак, қанча ёлғончи (44) кишига қўл тутган бўлсак, яна ёзуқсиз кишини қанча (45) ғийбат қилган бўлсак, яна гап тарқатиб, кишини қанча (46) ёмонлаган бўлсак, кўнглини, билимини ерга қорган бўлсак, (47) қанча жоду-афсун қилган бўлсак, яна қанчадан-қанча жониворларни (48) ўлдирган бўлсак, қанча алдаган бўлсак, (49) қанча бола-чақали кишининг омонатини еб кетган бўлсак, Кун-ой тангри (50) маъқул кўрмаган ишни қанчалар қилган бўлсак, яна илк чоғлардан (51) шу кезга қадар роҳиб ўғлонлар яралгандан буён, қанча ёзуқ қилган, (52) янглишган бўлсак, бунча кўп жонзодга қанчалик қаҳр-ғазаб (53) қилган бўлсак, тангрим энди бу ўн хил ёзуқдан (54) қутқаргин дея ўтинурмиз. Ёзуғимизни кечиргайсан!

Еттинчи (бўлим). (55) Яна ёзуқ қилиб икки оғули йўл бошига, дўзах эшигига, (56) оздирувчи йўлга, ким деса: биринчи – ёлғон қонуну одатларни (57) тутувчи, иккинчи – яна шайтону иблисларга тангри деб сиғинувчи (58) ёзуқ қилиб, тангрим, ҳақиқий тангрини, чин қонунларни (59) билмай, англамай, бурхонлар, пок руҳонийлар даъват қилсалар,

(60) топинмай, аксинча, қайта ёзуқ қилиб художўйман, уламоман деб
(61) ҳар кимсага эргашиб, унинг сўзини олиб, қанча янглишиб, рўза
(62) тутган бўлсак, қанча янглишиб, топинган бўлсак, қанча янглишиб
(63) эҳсон қилган бўлсак, яна савоб ишлар қиламиз деб, янглишиб, (64)
қанча ёвуз ишлар қилган бўлсак, яна шайтону иблисларга (65) тангри
дебон (уларнинг ҳақиға) тирик жониворларни ўлдириб, топинган бўл-
сак, яна (66) бурхон деб сохта ақоидга топинган, инонган бўлсак, (67)
(улардан) қут тилаб юкунган бўлсак, тангрига ёзуқ қилиб, шайтонга
(68) топинган бўлсак, тангрим энди ўкинурмиз, ёзуқдан халос этгин
дея (69) ўтинурмиз. Ёзуғимизни кечиргайсан!

Саккизинчи (бўлим). Ҳақиқий (70) тангрини, чин қонунларни ан-
лаб етганимизда икки асосни, (71) учала замонга тегишли қонунни
билдик. Ёруғликнинг асосини, тангри ерини, (72) зимистоннинг асо-
сини, дўзах ерини билдик. Ер ва осмон йўқ (73) эканидан бурун нима
бўлганлигини билдик. Тангри ва иблис (74) нимадан кейин урушди-
лар, ёруғлик билан қоронғулик қандай қилиб аралашдилар, ерни, (75)
осмонни ким яратганини билдик. Яна илк зулмат, еру (76) осмон ни-
мадан сўнг йўқолғай, ёруғлик ва қоронғулик қандай қилиб ажралғай,
(77) шундан кейин нима бўлишини билдик. Азруа тангрига (78) Кун-ой
тангрига, кучли тангрига, бурхонларга (79) инондик, таяндик, ниғўшак
бўлдик. Тўрт ёруғ тамғани (80) кўнглимизда тамғаладик: биринчиси –
севги – Азруа тангри (81) тамғаси; иккинчиси – эътиқод – Кун-ой танг-
ри тамғаси; учинчиси - (82) кўркүв – беш тангри тамғаси; тўртинчиси
– доно фикр - (83) бурхонлар тамғаси. Тангрим, ақлимизни, кўнглимиз-
ни бу тўрт (84) хил тангрилардан қайтарган бўлсак, ўрнидан қўзғатган
(85) бўлсак, тангри тамғаси бузилган бўлса, энди тангрим, ёзуғимизни
(86) кечиргин деб ўтинурмиз. Ёзуғимизни кечиргайсан.

Тўққизинчи (бўлим). (87) Ўнта диний ақоидни тутганимизда: учта-
си оғиз билан боғлиқ, учтаси (88) кўнгил билан, учтаси қўл билан, бири
бутун ўзлик билан боғлиқ (ақоидларни) тугал тутмоқ (89) керак эди.
Тангрим, билиб-билмай вужуд фароғатига (90) берилиб, ёмон йўлдош,
ўртоқларнинг сўзига кириб, кўнгил билан (91) кўриб, мол-мулкка ҳирс
қўйиб ёки ҳожатимизни (92) кўзлаб бу ўнта диний ақоидни бузган бўл-
сак, қанча зарар (93) етказган бўлсак, тангрим, энди ёзуқдан қутқарғил
дея ўтинурмиз. (94) Ёзуғимизни кечиргайсан!

Ўнинчи (бўлим). Кунда тўрт олқиш - (95) Азруа тангрига, Кун-ой
тангрига, кучли тангрига, (96) бурхонларга, ихлос билан, чин кўнгил
билан олқиш айтиш (97) фарзи бор эди. Яна кўркүмасдан, эриниб, яхши
ва тугал (98) алқамаган бўлсак, яна алқов айтганда кўнглимизни, (99)

уй-фикримизни тангрига тутмаган бўлсак, дуоларимиз (100) тангрига поклик билан етмаган бўлса, қай ерда тийилиб-тутилиб қолган (101) бўлса, энди тангрим, ёзуқдан қутқарғил дея ўтинурмиз. Ёзуғимизни (102) кечиргайсан!

Ўн биринчи (бўлим). Яна етти хил эҳсон чин (103) ақоидга тортиқ қилиш фарзи бор эди. Яна беш тангри ёруғини (104) йиғувчи фаришталар Хрўштаг, Падухтаг тангри тангрига (105) борувчи, қутқарғучи беш тангри ёруғини бизларга келтирганда, (106) биз уларни шарҳлаб қонунга тортиқ қилиш фарзи (107) бор эди. Ёки қайғу-мусибатга атаб эҳсон бергани қизганиб (108) етти хил эҳсон, чин ақоидга буткул бера олмаган бўлсак, (109) тангрига борувчи, (ёзуқлардан) қутқарғучи беш тангри ёруғини уй-жойга (110) боғлаган бўлсак, ёвуз ишлар қилғучи кишига, ифлос жониворларга (111) берган бўлсак, тўкиб-сочган бўлсак, тангри (112) ёруғини ножоиз ерга ташлаган бўлсак, энди тангрим, ёзуқдан (113) қутилайлик дея ўтинурмиз. Ёзуғимизни кечиргайсан.

Ўн иккинчи (бўлим). (114) Бир йилда эллик кун пок роҳибларча фарзни бажариш (115) керак эди. Чин рўза тутиб, тангрига эҳсон қилиш (116) керак эди. Яна уй-жойни тутиш учун, мол- (117) мулкка ҳирс қўйиб ёки ҳожатимизни кўзлаб, яна тўймас, (118) андишасиз, суқ шайтон учун, яна қўрқмайдиган кўнглимиз (119) учун эриниб, билиб-билмай рўзани бузган (120) бўлсак, рўза тутиб, эзгулик билан қонун-қоидаларга мос ҳолда рўза тутмаган (121) бўлсак, энди тангрим, ёзуқдан қутилайлик дея ўтинурмиз. Ёзуғимизни (122) кечиргайсан!

Ўн учинчи (бўлим). Ой тангрининг куни сайин (123) тангрига, қонунга, пок руҳонийлар олдида ёзуқларимиздан (124) қутилишни сўраб, ўтинмак керак эди. Яна билиб-билмай, (125) парвосизлик билан, юмушни баҳона қилиб, ёзуқдан (126) қутилишни истамаган бўлсак, энди тангрим, ёзуқдан қутилайлик дея (127) ўтинурмиз. Ёзуғимизни кечиргайсан.

Ўн тўртинчи (бўлим). (128) Бир йилда еттита диний маросим ўтказиш фарзи бор эди. Бир ой (129) дин кўрсатмаларини тутмоқ керак эди. Яна ибодатхонада топиниб, (130) рўза тутиб, тангри бурхонга чин иймон билан кўнгил қўйиб (131) бир йилги ёзуғимиздан тавба қилмоқ керак эди. Тангрим (132) етти маросимни тугал адо эта олмаган бўлсак, бир ойлик дин кўрсатмаларини (133) эзгулик билан, покизалик билан тута олмаган бўлсак, бир йилги ёзуғимизни (134) чин иймон билан кўнгил қўйиб халос бўлишни тилай олмаган бўлсак, қанча (135) нуқсонлар бўлган бўлса, энди тангрим, ёзуқдан қутилайлик дея (136) ўтинурмиз. Ёзуғимизни кечиргайсан.

Ўн бешинчи (бўлим). Кун (137) сайин қанча ёмон хаёлларга бериламиз, қанча беадаб (138) сўзларни айтамыз, қанча ножўя (139) ишларни қиламыз, ёвуз ишларга, ёзуққа ўз-ўзимизни (140) тутиб, азобланамиз. Яна кунлик ризқимизни деб, беш тангри тангри ёруғи, ўз (141) вужудимиз, тўймас, уятсиз, суқ, шайтон истагича (142) юрганмиз учун ёмон ерга боради. Шунинг учун тангрим (143) бутунлай ёзуқдан қутилайлик дея ўтинурмиз. Ёзуғимизни кечиргайсан! (144) Тангрим, ёзуқлимиз, қарздормиз, тўймас, (145) уятсиз, суқ иблис учун хаёл қилиб, сўз билан, иш билан, (146) яна кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитиб, тил билан сўзлаб, қўл билан (147) сунуб, оёқда юриб, (беш тангри ёруғини) узлуксиз қийнаймиз. (148) Беш тангри ёруғини қуруғ хўл ерга (ташлаб), беш хил жонзодни (149) беш хил ўсимликни (қийнаймиз). Яна ёзуқлимиз. (150) Ўнта диний ақоидга, етти хил эҳсонга, уч тамғага ниғўшак (151) отини тутамиз, амалда эса бажара олмаймиз. Яна ёруғ (152) тангриларга, чин қоидага, художўй, уламо, пок руҳонийларга (153) қанча ёзуқлар қилиб, янглишган бўлсак, яна тангри айтган ўгут (154) билимларга амал қилиб юрмаган бўлсак, тангрилар кўнглини синдирган бўлсак, (155) яна маросиму фарзларни, олқишларимизни диний қоидалар, ақоидга мос ҳолда тута (156) олмаган бўлсак, қанча зарар етказган бўлсак, кун сайин, (157) ой сайин ёзуқ қилармиз. Ёруғ тангриларга, қутлуғ қонун (158) шаънига, пок роҳиблар олдида, ёзуқлардан қутилайлик дея (159) ўтинурмиз. Ёзуғимизни кечиргайсан!

(Матни) тугаллаган Тархон. (160) Тугади ниғўшакларнинг ёзуқлардан ўкинув китоби – «Хуастуанифт» .

«Хуастуанифт»нинг узиндилари

Берлин Бранденбург Академиясининг қўлёзмалар фондида Турфондан топиб келтирилган сонсиз-саноқсиз битиглар орасида «Хуастуанифт»нинг узиндилари (фрагментлари) ҳам сақланмоқда¹. Узиндилар икки хил – моний ва уйғур ёзувларида битилган. Қуйида уларнинг уйғур ёзувидагилари устида сўз юритамиз.

Узиндилар алоҳида варақларда; қоғознинг бир ёки иккала бетига битилган. Қоғоз бичими ва матн ўлчамлари ҳар турли.

¹ Берлин Бранденбург Академияси фондида сақланаётган ҳужжатларнинг муайян қисми ҳозирги кезде интернет тармоғига жойлаштириб чиқилган: www.Turfanforschung.DigitalesTurfan-Archiv. Сайт адреси: turfan.bbaw.de/dta/index.html. Биз ушбу узиндиларни ёритишда ана шу вебсайт материалларидан фойдаландик.

Сақланган битиглар асарнинг бирор бўлиmidан олинган; баъзиларига асарнинг кетма-кет икки бўлими битилган. Уларнинг айримлари (айниқса, икки бўлимлилари) асарнинг йирик қўлёмаларидан қолган узиндилар бўлуvi-да мумкин. Лекин, моний топинуvчилари орасида асарнинг тўлиқ қўлёмалари билан бирга, бўлимлари айри-айри, дуо кўринишида ҳам кенг тарқалган деган эҳтимоли кучли. Табиийки, топинуvчилар (ёки дуоларни уларга кўчириб берган битигчилар) ушбу узиндиларни асарнинг тўлиқ қўлёмаларидан олган.

Қоғозларининг кўпи пароканда, титилиб йиртилиб тушган ерлари бор. Уларнинг матни ҳам узуқ-юлуқ. Узиндиларнинг барига тегишли бўлган белгиларидан бири, ҳаммасининг хати тартибли, кўпи классик хат услубида. Кўринадики, моний жамоаларида тавбаномаларнинг тилигагина эмас, ёзуv услубига ҳам айрича эътибор қаратилган.

Узиндилар матни билан асарнинг тўлиқ нусхаси ўртасида кескин фарқ йўқ. Шунга қарамай, уларнинг юқорида келтирилган тўлиқ қўлёмма нусхадан фарқ қилувчи белгилари ҳам бор. Масалан, «ёзуғимизни кечиргайсан» мазмунидаги дуо формуласи асарнинг уйғур ёзуvли Санкт-Петербург нусхасида *Manastar xirza*, ушбу матнларда эса икки хил – *Manastar xirza* ёки *Manastar xirz* кўринишларида қўлланган.

Битигларда [ñ~n]дан [y]га силжиш ҳодисаси кучли: Санкт-Петербург нусхасидаги *anīy yawlaq* (ёвуз, бўлмағур) жуфт сўзи ушбу узиндиларда *auīy yawlaq* кўринишида учрайди.

Энди узиндиларнинг ўқилиши ва мазмунини бирма-бир кўриб чиқамиз.

U 0012 (TM343 ёки M12) кўрсаткичи остида сақланаётган узинди. Бир варақли қоғозда, ҳар икки ёғида ўн беш қаторли матн битилган. Матни қорада, иккинчи бет еттинчи сатрдаги бўлим кўрсаткичи (*üç yigirminc̣*) ҳамда жумлалар орасидаги икки нуқталари қизилда. Хати оддий югурук хат, лекин тартибли. Қоғозининг тевараги титилиб, йиртилиб тушган. Матн ораларида ҳам титилган ерлари бор.

Матн нисбатан яхши сақланган. Асар ўн иккинчи бўлимининг катта бир қисми, ўн учинчи бўлимининг бошланишидан иборат.

Ўқилиши шундай:

U 0012 recto:

(1) ... arīy bačaq bačar

(2) ... [tāŋri]kā ančulasīq

(3) kārgäk ärti : y(ä)mä äw

(4) barq tutdīq üčün

(5) : yilqīqa bar(i)mqa bul(u)p

- (6) : azu muḡumuz taqumuz
- (7) tāgip : y(ä)mä todunčsuz
- (8) uw[ut]suz suq yäk
- (9) säwiginčä y[or]ïduq
- (10) üçün : y(a)wlaq qorqinč-
- (11) sïz köñülümüz üçün
- (12) : är(i)nip ärmägürüp
- (13) : ärkligin ärksizin
- (14) : bačaq sïdimuz ärsär
- (15) ... [ba]čaq o[lur]up

Мазмуни:

(1) ... эътиқод билан рўза тутиб (2) ... тангрига эҳсон қилиш (3) керак эди. Яна уй- (4) жойни тутгани учун, (5) мол-мулкка ҳирс қўйиб (6) ёки ҳожатимизни (7) қўзлаб, яна тўймас, (8) андишасиз, суқ шайтон (9) измида юрганимиз (10) учун, ёвуз, қўрқмас (11) қўнглимиз учун, (12) эриниб, ялқовлик қилиб, (13) билиб-билмайин (14) рўзани бузган бўлсак, (15) ... рўза тутиб

U 0012 verso:

- (1) : ädgüti nomčä [törüčä]
- (2) bačamadimiz är[sär]
- (3) amtï täñrim ökünür-
- (4) biz yazuqda bošunu
- (5) ötünür-biz : Man-
- (6) astar xirza :
- (7) Üč yigirminč Ay täñri
- (8) kün[in] say[u] : täñrikä
- (9) nomqa asïy (arïy?) dintarlar-
- (10) qa : suyumuzni yazuqu-
- (11) muzni bošuyu qor(u)maq (?)
- (12) kãrgäk ärti : y(ä)mä
- (13) ärkligin ärksizin
- (14) ärinip ärmägürüp
- (15) [išk]ä ködü[gkä]

Мазмуни:

(1) эзгулик-ла қонун-қоидаси билан (2) рўза тутмаган бўлсак, (3) энди тангрим, ўқинур- (4) миз, ёзуқдан қутилайлик дея (5) ўтинурмиз. Ёзуғи-

(6) мизни кечиргайсан! (7) Ўн учинчи (бўлим). Ой тангрининг (8) куни сайин тангрига, (9) қонунга, пок руҳонийлар- (10) га ёзуқлари- (11) мизни кечиришни сўраб, сақланмоқ (12) керак эди. Яна (13) билиб-билмайин, (14) эриниб, ялқовлик қилиб, (15) юмушларни (баҳона қилиб) ...

U 0014 (TM289 ёки M14) кўрсаткичли узинди. Бир варақ қоғознинг икки бетида. Варақнинг ўнг бетида ўн етти, терс ёғида эса ўн олти қатор матн битилган. Ўнг бетидаги матннинг остига ва ўнг томонига қиялатиб қўшимча матн битиб қўйилган. Унинг хати асосий матндан ажралиб туради, югуруқ хат.

Қоғози анча титилиб, матннинг каттагина бўлаги ҳам йиртилиб тушган. Ёзуви чиройли, классик хат услубида. Асарнинг бешинчи ва олтинчи бўлимлари.

Ўқилиши шундай:

U 0014 recto:

(1) qa

(2) [adaqlī]γ kišikā

(3) [bu]tluy tīnlīy

(4)uyma

(5) ... suw

(6)

(7)

(8) tīnl(i)γ ... [bar]u tānrim

(9) bu bišqa

(10) tural(i)γqa uluyqa kičigkā

(11) tāgi nāčā qorqī(t)t(i)m(i)z ūrki(t)t(i)m(i)z

(12) ārsār nāčā urtumuz yontumuz

(13) ārsār nāčā ölürdümüz

(14) ārsār munča tīnl(i)γqa öz

(15) ötägči [bolt]umuz : amtī tānrim

(16) yazuqda [bošu]nu ötünur-biz

(17) manastar [xirz] : Altīnč

Мазмуни:

(1) га (2) оёқли кишига (3) бутли жонзод- (4)ган (5) ... сув (6) (7) (8) жонзод ... (озор бер)иб, тангрим (9) бу бешга (10) мавжудотга, улуғидан кичигига (11) қадар қанча қўрқитиб хуркитган (12) бўлсак, қанча уриб азоблаган (13) бўлсак, (уларни) қанча ўлдирган (14) бўлсак, шунча жонзодга қарз- (15) дор бўлдик. Энди

тангрим, (16) ёзуқ(лар)дан халос этгин дея ўтинурмиз. (17) Ёзуғимиз-ни кечиргайсан. Олтинчи (бўлим)

U 0014 verso:

- (1) on ...
- (2) qilt(i)miz ärs[är] ...
- (3) igdädimiz är[sär] ...
- (4) antiqd(i)m(i)z är[sär] ...
- (5) kiši tanu[qī] ...
- (6) yazuq
- (7) ärsär
- (8) kälürü[p] ... [näč]ä
- (9) kikšü[rü] ... [ä]rsär : köñlin
- (10) biligin artat... ärsär näčä
- (11) yilvi yilvilädimiz ärsär : yämä näčä
- (12) öküš tñliḡay turaliḡay ölü-
- (13) dümüz ärsär : näčä t(ä)wlädimiz :
- (14) [kür]lädimiz ärsär : näčä äwiḡ
- (15) kiši urunčaḡin ...[yidi]miz ärsär
- (16) [kü]n ay täñri ... miz ärsär :

Мазмуни:

(1) ўн ... (2) қилган бўлсак ... (3) сохта ишлар қилган бўлсак ... (4) онт ичган бўлсак ... (5) кишининг гувоҳи ... (6) ёзуқ (7) бўлсак (8) тарқатиб ... қанча (9) ёмонлаб ... бўлсак, кўнглини, (10) билимини ерга қор(ган) бўлсак, қанча (11) жоду-афсун қилган бўлсак, яна қанчадан (12) қанча жониворларни ўлдир- (13) ган бўлсак, қанча алдаб- (14) сулдаган бўлсак, қанча бола-чақали (15) кишининг омонатини (еган) бўлсак, (16) Кун-Ой тангри ... миз эрса

U 0015 (Т.П.К ёки М15) кўрсаткичли узинди. Дафтар кўринишидаги икки варақнинг биринчи варағига (В1.П г, v кўрсаткичли матн) «Хуастуанифт», иккинчи варағига эса бошқа бир асар битилган. Иккала варақдаги асарларнинг хат услуги ҳам ажралиб туради. «Хуастуанифт»-нинг хати йирик, лекин оддий югурук хат.

Қоғози титилиб йиртилиб тушгани учун матннинг бўйламасига бир йўлигина сақланган.

Ушбу матн асарнинг ўн тўртинчи ва ўн бешинчи бўлимларидан олинган.

Ўқилиши:

U 0015 seite 2:

- (1)
- (2) ötünmāk ...
- (3) tāḡrim yiti ...
- (4) umad(i)m(i)z ār[sār] ...
- (5) ädgüti ariti ...
- (6) čaydanta ...
- (7) törüčä ...
- (8) bir yılq[i] ...
- (9) köñültä ...
- (10) ärsär : ...
- (11) bolti ä[rsär] ...
- (12) boşunu ö[tünür-biz] ...
- (13) sayu näč[ä] ...
- (14) saqinur...
- (15) irinčü...
- (16) biz : ay[iy] ...

Мазмуни:

(1) (2) ўтинмак ... (3) тангрим, етти ... (4) қила олмаган бўлсак ... (5) эзгулик-поклик билан ... (6) ибодатхонада ... (7) қоида бўйича ... (8) бир йилги ... (9) кўнгилдан ... (10) эрса ... (11) бўлган бўлса ... (12) ёзуқдан қутилайлик дея ўтинурмиз ... (13) сайин неча ... (14) ҳаёлларга бериламиз... (15) ёзуқ... (16) миз, ёмон ...

U 0015 seite 1:

- (1) ... [ašadu]yum(u)z ...
- (2) ... özümüz öz-
- (3) ... uwutsuz suq
- (4) ... yoriduq
- (5) ... yirgärü
- (6) ... tāḡrim
- (7) ... ötünür
- (8)
- (9) ... todunčsuz
- (10) ... üčün
- (11) ...in
- (12) ... [qu]lqaqin

(13) ... ä*l*(i)gin

(14) ... ürkä

(15) ... täñri

Мазмуни:

(1) ... ризқимиз ... (2) ... вужудимиз (3) ... уятсиз, суқ (4) ... юрган (5) ... ерга (6) ... тангрим (7) ... ўтинур- (8) (9) ... тўймас (10) ... учун (11) ...ин (12) ... қулоқ билан (13) ... қўл билан (14) ... узлуксиз (15) ... тангри

U 0016 (T1.D29 ёки M16) кўрсаткичли узинди. Варақнинг ўнг ва терс ёғида тўққиз қатордан матни сақланган. Лекин биринчи қатори йиртилиб, айрим ҳарфларининг элементларигина қолган, ўқиб бўлмайди (иккинчи бетдаги матннинг узилишига қараганда, юқориги икки-уч қатори йиртилган). Қоғози анча титилиб, матннинг айрим ўринлари ҳам йиртилиб тушган. Шунга қарамай, ёзуви чиройли, классик хат услубида. Ёзуви қорада, жумлалар орасидаги қўш нуқталари қирмизи рангда.

Сақланган матн асарнинг учинчи бўлимидир.

Ўқилиши шундай:

U 0016 recto:

(1) [küč]i y(a)r[uq̃i] ...

(2) [bi]š täñri-ol : täñrim

(3) [su]yda baru biš täñrig

(4) [b]ilmätin, ay(i)γ y(a)wlaq

(5) [b]iligin näčä sīd(i)m(i)z

(6) b(i)rtt(i)miz ärsär : tört

(7) [yi]girmi türlüg baş

(8) [q]iltimiz ärsär : on

(9) yīlan başliγ ärñäkin

Мазмуни:

(1) кучи, ёруғи ... (2) беш тангридандир. Тангрим, (3) ёзуқ қилиб, беш тангрини (4) билмайин, ёвуз, бўлмағур (5) ўйлар билан (уларни) қанча вайрон қилган, (6) шикаст етказган бўлсак, ўн тўрт (7) хил жароҳат (8) етказган бўлсак, ўнта (9) илон бошли бармоқлар(имиз) билан

U 0016 verso:

(1)

(2) näčä ayrīt(t)im(i)z ä[rsär]

(3) quruγ öl yirkä [biš]

- (4) türlüg tñl(i)γqa biš
- (5) türlüg otqa İyač[qa]
- (6) näčä yazuntim(i)z ärsär
- (7) amtİ täγrim yazuqda
- (8) bošunu ötünür-b[iz]
- (9) Manastar xirz :

Мазмуни:

(1) (2) қанча ранжитган бўлсак, (3) қуруқ-ҳул ерга, беш (4) турли жонзодга, беш (5) турли ўсимликка (6) қанча озор етказган бўлсак, (7) энди тангрим, ёзуқдан (8) қутқарғил дея ўтинурмиз. (9) Ёзуғимизни кечиргайсан!

U 0018 (T.I.D ёки M18) кўрсаткичли узинди. Варақнинг бир бетида. Ўта пароканда қоғозда, узук-юлуқ олти қаторли матн қолган, холос.

Асарнинг ўн тўртинчи бўлимига тўғри келади.

Ўқилиши шундай:

U 0018 recto:

- (1) ärti : b[ir] ...
- (2) kärgäk ärt[i] ...
- (3) olurup : ...
- (4) burxaŋa ...
- (5) baru : bir yilq[i] ...
- (6) bošuyu [ö]tünm[äk] ...

Мазмуни:

(1) эрди. Бир ... (2) керак эрди ... (3) ўтириб ... (4) бурхонга ... (5) (кўнгил) қўйиб, бир йилги ... (6) тавба қилиб ўтинмак ...

U 0021 (5.П.9.530 ёки M21) кўрсаткичли узинди. Кичик қоғоз парчаси. Ниҳоятда титилиб кетган. Ёзуви қоғознинг бир бетида, орқаси бўш. Биринчи сатри йиртилиб, қандайдир ҳарфнинг элементи қолган, англаб бўлмайди. Охирги қаторидан бир сўзнинг бир-икки ҳарфигина қолган. Сақлангани уч қатор, у ҳам бўлса узук-юлуқ.

Матн асарнинг учинчи бўлимига тўғри келади.

Ўқилиши шундай:

U 0021 recto:

- (1)
- (2) ...ikä bir tñn[tura] ...

(3) ... täŋri : üčünč y[aruq] ...

(4) ...[täŋ]ri : bišinč o[t] ...

(5) ...duq...

Мазмуни:

(1) ... (2) ...ига, биринчи ел ... (3) ... тангри, учинчи ёруғ ... (4) ...тангри, бешинчи ўт[яъни олов] ... (5) ...ган...

U 0022 (TIDx21 ёки M22) кўрсаткичли узинди. Қоғознинг бир бетида хитойча ёзув, туркийси эса унинг орқа бетида. Қоғоз тахчиллигидан бўлиши керак. Кичик матн парчаси. Тўрт қаторли матн, лекин биринчи қатори йиртилган, ўқиб бўлмайди. Хати классик услубда, қорада битилган.

Матн узиндиси асарнинг иккинчи бўлимига тўғри келади.

Ўқилиши шундай:

U 0022 verso:

(1)

(2) ... [čul]vu saw sözlä ...

(3) ... ölürdimiz ...

(4) [tuγ]ar batar : ärki b...

Мазмуни:

(1) ... (2) ... ёлғон сўзларни сўзла... (3) ... ўлдирдимиз ... (4) туғар ва ботар [яъни Куннинг туғиши ва ботиши] истаги ...

U 0023 (T.I.619 ёки M23) кўрсаткичли узинди. Ёзуви қоғознинг бир томонида, орқаси бўш. Матни олти қатор, олтинчи қаторининг изи бор, бироқ йиртилиб тушгани учун ўқиб бўлмайди. Хати қорада, жумла орасидаги икки нуқтаси қорада қўйилиб, қизилга олинган.

Матн асарнинг ўн тўртинчи бўлиmidан.

Ўқилиши шундай:

U 0023 recto:

(1) [är]sǟr : ...

(2) ... ultu (tutu?) uma[d...]

(3) köŋültä bar[u]...

(4) ... [kär]gäk bolti ärs[är] ...

(5) ... man(a)star [xirz] ...

(6)

Мазмуни:

(1) эрса ... (2) ... тута олмаган... (3) кўнгил қўйиб... (4) ... керак бўлди эрса ... (5) ... Ёзуғимизни кечиргайсан ... (6)

U 0024 (M24) кўрсаткичли узинди. Ёзуви қоғознинг бир бетида, орқаси бўш. Қоғози ўта пароканда, четлари йиртилиб, бир парчаси қолган. Саккиз қаторли матн, лекин биринчи қатори йиртилиб тушганидан уни ўқиб бўлмайди. Қолган етти қатори ҳам узуқ-юлуқ жумлалар.

Матн асарнинг учинчи бўлиmidан олинган.

Ўқилиши шундай:

U 0024 recto:

- (1)
- (2) -ol : täŋrim ...
- (3) ayiy y(a)wlaq [bi]ligin ...
- (4) tört yigirmi türlüg ...
- (5) [yila]n başliŷ ärnäkin ...
- (6) ... aš ičkü täŋ[rig] ...
- (7) ... [är]säŷ : quruŷ öl yir ...
- (8) ... [tü]rlüg ... qa...

Мазмуни:

(1) (2) -дир. Танграм, ... (3) ёвуз, бўлмағур ўйлар билан ... (4) ўн тўрт хил ... (5) илон бошли бармоқ(ларимиз) билан ... (6) ... емиш қилиб, тангрини ... (7) ... эрса, қуруқ-хўл ер ... (8) ... турли ... га...

U 0025 (T.I.D51.500 ёки U25) кўрсаткичли узинди. Кичик қоғоз парчаси. Ўнг бетидаги матннинг биринчи сатри йиртилиб тушган, изи бор, ўқиб бўлмайди. Сақлангани икки сатр, у ҳам бўлса узуқ-юлуқ. Қоғознинг орқа бети бўш. Хати ўта чиройли, классик услубда.

Матн асарнинг олтинчи бўлиmidан.

Ўқилиши шундай:

U 0025 recto:

- (1)
- (2) ... yaz(i)nt(i)m(i)z yaŋ(i)lt[i]miz] ...
- (3) ... tirl(i)ŷqa ...

Мазмуни:

(1) (2) ... (йўлдан) оздик ... (3) ... жонзод(лар)га ...

U 0026 (T.I.D51.514 ёки U26) кўрсаткичли узинди. Кичик қоғоз парчаси. Ўнг бетида икки сатригина сақланган, у ҳам бўлса узук-юлуқ. Хати чиройли, классик услубда.

Қоғознинг орқа бетида ҳам бир қатор матн. Лекин йиртилиб тушганидан ўқиб бўлмайди.

Матн асарнинг ўн тўртинчи бўлиmidан.

Ўқилиши шундай:

U 0026 recto:

(1) ... [biligi]n köñültä b[aru] ...

(2) ... äksü[k] k(ä)rgä[k] ...

Мазмуни:

(1) ... иймон билан кўнгил қўйиб ... (2) ... нуқсонлар бўлган (бўлса) ...

«ОЛТУН ТУСЛИ ЁРУҒ» АСАРИНИНГ УЗИНДИСИ

Берлин Бранденбург Академиясининг қўлёмалар фондида кўҳна Турфон харобаларидан топиб келтирилган кўп сонли ёзма ёдгорликлар сақланмоқда. Ушбу хазина Turfanforschung. Digitales Turfan-Archiv оти билан юритилади. Фонддаги битигларнинг муайян бўлаги кейинги чоғларда интернет сайтига ҳам жойлаштирила бошлади (*сайт адреси: turfan.bbaw.de/dta/index.html*).

Турфондан топиб келтирилган ёзма ёдгорликлар орасида U 0584 кўрсаткичли (эски кўрсаткичлари T III 56/3; U 584; 1010/10) узинди матн бор. Сақлангани потхи шаклидаги катта китобнинг бир варағи (потхи китоб қадимги ҳинд китобат санъатидан ўзлашган бўлиб, турк-будда муҳитида кенг ёйилган). Унинг потхи китоб эканлигини ўртага чизилган қўш чизиқли айланаси ва айлана ўртасидаги тизимча ўтказиш учун мўлжалланган тешигидан билса бўлади. Қоғози ҳам яхши сақланган эмас: бир ёнбошининг тепаси ҳамда қоғознинг таги чириб, ёзувининг ҳам икки-уч қатори узилиб тушган. Қоғознинг иккала бетида ўн тўрт қатордан матн сақланиб қолган, холос. Ҳатто сўнгги қатордаги айрим ҳарфларнинг уч-учигина кўриниб турибди.

Узинди матн қадимги уйғур хатида. Ёзуви чиройли, уйғур хатининг классик услубида, қорада битилган. Лекин қоғознинг уринган ерларидаги ёзувни ўқиб олиш қийин.

Ёдгорликнинг электрон тавсифида матн бетлари *seite 1, 2* кўрсаткичлари билан берилган. *Seite 2* кўрсаткичли бетининг бошланишида *Sekizinič ülüš, toquz y(i)g(i)rmi*, яъни «Саккизинчи қисм, ўн тўққизинчи (варақ)» деган ёзуви бор. Бу ёзув асосий матндан айри ўлароқ, оддий

югурук хатда майдароқ қилиб битилган. Одатда, потхи китобларда ҳар қайси варақнинг тепасига асар бўлими ҳамда варағининг тартиб кўрсаткичи ана шундай шаклда қўйиб борилган.

Юқоридаги кўрсаткичдан кейинги илк сатр *kötrülmış nom eligi atl(i)u nom ...* деб ўқилади; маъноси «юксак нўм тождори отли нўм» дегани. Қизиғи шундаки, узук-юлуқ бу жумла табғач (яъни хитой) тилидан қадимги туркийга ўгирилган «Олтун тусли ёруғ» асарининг отида келади. «Олтун тусли ёруғ»нинг тўлиқ оти «Altun öñlüg yaruq yaltrıqlıy qopta kötrülmış nom eligi» атлиу ном битиг», яъни «Олтун тусли ёруғ ялтироқли тугал юксак нўм тождори» отли нўм битиг» деб аталган (қаранг: АҲ.673,5–8). Нима бўлганда ҳам, илк жумланинг ўзиданоқ, ушбу қоғоз парчасидаги матн «Олтун тусли ёруғ» асаридан эканлигини тахмин қилса бўлади.

Қоғозининг чиригани боис, асарнинг отидан кейинги (2–3- қаторлардаги) жумла ҳам узук-юлуқ: ... *eliglār, qanlarnıñ kö... tö...n aymaq atl(i)u y(i)g(i)rm(i)nč bölüg*. Бу жумла «... элиглар, хонларнинг тўғри қонунларини айтмоқ отли йигирманчи бўлим» маъносида бўлиб, у асар бўлимининг отини билдиради. Китоб битиш анъанасига кўра, қадимги турк-будда асарларида ҳар қайси бўлимнинг бошланишида асарнинг ва бўлимининг оти қайд этиб борилган. «Олтун тусли ёруғ» сутрасида ҳам шундай: аввал асарнинг тўлиқ оти, кейин эса бўлим сарлавҳаси келтирилади. Муҳими, турк-будда адабиётида бадий асарлар ва асар бўлимларининг оти кенг қамровли бўларди. Адабиётдаги ушбу анъана кейинги даврларда ҳам давом этди (Қиёс учун, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» маснавийсидаги боб сарлавҳаларини эсланг).

Англашиладики, қоғоздаги битиг «Олтун тусли ёруғ» асарининг узиндисиدير. Матннинг бошланишидаги қайдларга ҳамда юқорида тилга олинган узук-юлуқ жумлаларнинг мазмунига қараганда, ушбу узинди матн асарнинг саккизинчи қисми ва унинг йигирманчи бўлимидан олинганлиги англашилади: *seite 1* даги матн бундан аввалги, яъни ўн тўққизинчи бўлимнинг сўнгги сатрлари, *seite 2* даги матн эса йигирманчи бўлимнинг бошланиши бўлиб чиқади.

Яна бир жиҳати, «Олтун тусли ёруғ» сутрасининг тўлиқ, ҳозирда Санкт-Петербургдаги Шарқ қўлёзмалари институти фондида сақланаётган қўлёзмаси XVII асрда кўчирилган. Ёзуви классик хат турининг кейинги даврига хос. Бироқ Берлин фондида сақланаётган узинди нусханинг хат услуби Санкт-Петербург қўлёзмасидан анча фарқ қилади: ёзув тури анча қадимий бўлиб, классик хат услубида; хат услуби монийлик муҳитида битилган «Хуастуанифт»нинг уйғур ёзувли қўлёзмаларига анча яқин. Ўз-ўзидан ҳалиги қўлёзма китобнинг анча эски эканини англаш мумкин.

Шунингдек, матннинг график ва имло хусусиятлари ҳам эски: ёзувда сўз боши ва сўз ичида йўғон ва ингичка унлилар фарқланади. Жумладан, сўз бошида <a-> ҳарфи <ā-> дан айри ўлароқ, қўшалоқ *alif* билан берилган. Яна сўз бошидаги <ū->, <ō-> ҳамда сўз ичидаги <-ū->, <-ō-> ёзувда <u->, <o->, <-u->, <-o-> дан фарқли ўлароқ, *vāv-u uā* билан берилган. Шунингдек, <q> ҳарфи устига қўйилган қўш нуқтаси билан <x> ва <y> дан ажралиб туради. [s] ва [š] товушлари ёзувда фарқланмайди, улар бир хил ёзилган. Хат тури, график хусусиятлари ва китобат шаклига кўра, ушбу қўлёзмани X–XII юзйилликларда, исломни қабул қилмаган турк-буддавий маданий муҳитида кўчирилган дейиш мумкин.

U 0584 кўрсаткичли узинди матннинг ўқилиши шундай.

Матн транскрипцияси:

seite 1

- (1) ... āmišin meṇā sözlāsār, m(e)n
- (2) ... aniṇ sawmča-küsüşinča qanturu
- (3) bergäy-m(e)n. ...k ol kiši altun-
- (4) (küm)üş küsâyür ersār, altun-kümüš
- (5) bergäy-m(e)n. Yer altinqi
- (6) ayiliqlariy küsâyür ersār,
- (7) ayiliqlariy körgitkây-m(e)n.
- (8) Učmaq-qalīmaq edrām küsâyür ersār,
- (9) učmaq-qalīmaq edrām bergäy-m(e)n.
- (10) T(ä)ḡridām köz küsâyür ersār, t(ä)ḡridām köz
- (11) bergäy-m(e)n. Adin kiši saqinčin bilmäkig
- (12) küsâyür ersār, adin kišiniṇ köḡülin
- (13) ... edrāmig bil...m(e)n, busušlarin
- (14) ...

seite 2

Sekizinc̄ ülüş, toquz y(i)g(i)rmi

- (1) kötrülmiš nom eligi atl(i)ḡ nom ...
- (2) eliglār, qanlarniṇ kö... tö...n
- (3) aymaq atl(i)ḡ y(i)g(i)rm(i)nč bölüg.
- (4) Ol ödün yayiz yer qatuni vasund...
- (5) ikiliyu yenā olurmiš orunintin
- (6) örü turup t(ä)ḡri t(ä)ḡrisi
- (7) burxanniṇ adaqinta

- (8) yinčürü töpün yükünüp iki elgin
- (9) qawşurup, ayır ayamaqın t(ä)ñri t(ä)ñrиси
- (10) burxañqa inča tep ötünti:
- (11) Ati kötrülmiş ayayqa tegimlig
- (12) t(ä)ñrim, bir-ök bu yi...ñčüdä qayu el-
- (13) uluşdaqı elig(lär), qanlar ...
- (14)

Матн мазмуни:

seite 1

- (1) ... (нима) керагини менга сўзласа, мен
- (2) ... унинг сўзича-истагича (айтганларини) қон-
- (3) дираман. ... у киши олтин-
- (4) кумуш тиласа, олтин-кумуш
- (5) бергаймен. Ер ости
- (6) бойликларини тиласа,
- (7) бойликларни унга кўрсатгаймен.
- (8) Учишга журъат тиласа,
- (9) учмоққа журъат бергаймен.
- (10) Илоҳий кўз тиласа, илоҳий кўз
- (11) бергаймен. Ўзга киши ўй-хаёлларини билмакни
- (12) истаса, ўзга киши кўнглини
- (13) ... фазилатини билдиргаймен, қайғуларини
- (14) ...

seite 2

Саккизинчи қисм, ўн тўққизинчи (варақ)

- (1) юсак нўм тождори отли нўм ...
- (2) элиглар, хонларнинг одил сиёсатини
- (3) айтмоқ отли йигирманчи бўлим.
- (4) Ўша чоғда кўнғир ер маликаси Вусанд(ари)
- (5) иккинчи бор ўтирган ўрнидан
- (6) тик туриб, тангри тангриси
- (7) бурхоннинг оёқларига
- (8) тиз чўкиб юкуниб, икки қўл бармоқларини
- (9) қовуштириб, юсак эҳтиром ила тангри тангриси

- (10) бурхонга шундай дея ўтинди:
 (11) Шон-шавкатли, хурматга лойиқ
 (12) тангрим, биргина бу дунёда қайси эл-
 (13) юртдаги элиглар, хонлар ...
 (14)

U 0584 кўрсаткичли матн билан асарнинг Санкт-Петербург қўлёзма-си ўзаро қиёсланганда қуйидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни кузатиш мумкин (Санкт-Петербург нусхасидаги матнд AY.545–546 дан олинди):

Санкт-Петербург қўлёзмасида	Seite 1 даги матн
<p>... ne k(e)rgāklāmišin meṅā sōzlāsār, m(e)n ōtrū anīṅ sawīnča kūsūšin qanturu tegingāy-m(e)n. Bir-ōk ol kiši altun-kūmūš kūsāyūr ersār, altun-kūmūš bergāy-m(e)n. Yer altinqi ayīliqlariy kūsāyūr ersār, ayīliqlariy kōrgitkāy-m(e)n. Učmaq-qalīmaq edrām kūsāyūr ersār, učmaq-qalīmaq edrām bergāy-m(e)n. T(ā)ṅridām kōz kūsāyūr ersār, t(ā)ṅridām kōz bergāy-m(e)n. Adīn kiši saqīnčīn bilmākīg kūsāyūr ersār, adīn kiši kōṅūlīn bilmākīg edrāmīg biltürgāy-m(e)n. Busušlarīn-qadyularīn <alqu> tarqarāy-men.</p>	<p>... āmišin meṅā sōzlāsār, m(e)n ... anīṅ sawīnča-kūsūšinčā qanturu bergāy-m(e)n. ...k ol kiši altun-(kūm)ūš kūsāyūr ersār, altun-kūmūš bergāy-m(e)n. Yer altinqi ayīliqlariy kūsāyūr ersār, ayīliqlariy kōrgitkāy-m(e)n. Učmaq-qalīmaq edrām kūsāyūr ersār, učmaq-qalīmaq edrām bergāy-m(e)n. T(ā)ṅridām kōz kūsāyūr ersār, t(ā)ṅridām kōz bergāy-m(e)n. Adīn kiši saqīnčīn bilmākīg kūsāyūr ersār, adīn kišīnīṅ kōṅūlīn ... edrāmīg bil...m(e)n, busušlarīn ...</p>

Санкт-Петербург қўлёзмасида	Seite 2 даги матн
<p>Altun ōṅlūg yaruq yaltriqlīy qopta kōtrūlmiš nom eligi atl(i)ṅ nom bitigdā eliglār, qanlarnīṅ kōni tōrūsīn aymaq atl(i)ṅ y(i)g(i)rm(i)nč bōlūg. Ol ōdūn <yayīz> yer qatunī vasundari ikilāyū yenā olurmiš orunīntīn ōrū turup t(ā)ṅri t(ā)ṅrisi burxan adaqīnta yīnčūrū tōpūn yūkūnūp iki eligīn qawšurup, ayīr ayamaqīn t(ā)ṅri t(ā)ṅrisi burxanqa inčā tep ōtūnti: Atī kōtrūlmiš ayayqa tegimlig t(ā)ṅrim, bir-ōk bu yirtīnčūdā qayu qayu el-ulušdaqī elig(lār), qanlarnīg kōni tōrūsī yoq ersār, ...</p>	<p><i>Sekizīnč ūlūš, toquz y(i)g(i)rmī</i> kōtrūlmiš nom eligi atl(i)ṅ nom ... eliglār, qanlarnīṅ kō... tō...n aymaq atl(i)ṅ y(i)g(i)rm(i)nč bōlūg. Ol ōdūn yayīz yer qatunī vasund... ikilīyū yenā olurmiš orunīntīn ōrū turup t(ā)ṅri t(ā)ṅrisi burxannīṅ adaqīnta yīnčūrū tōpūn yūkūnūp iki elgīn qawšurup, ayīr ayamaqīn t(ā)ṅri t(ā)ṅrisi burxanqa inčā tep ōtūnti: Atī kōtrūlmiš ayayqa tegimlig t(ā)ṅrim, bir-ōk bu yi...nčūdā qayu el-ulušdaqī elig(lār), qanlar ...</p>

U 0584 кўрсаткичли узинди текстологик жиҳатдан Санкт-Петербург қўлёзмасидаги матндан биров фарқли; унинг илкин матнга яқинлиги билиниб туради. Жумладан, Санкт-Петербург нусхасидаги *aniñ sawiñča küsüşin qanturu tegingäy-m(e)n* (унинг сўзича устаганларини қондираман) жумласи U 0584 кўрсаткичли узинди нусхада *aniñ sawiñča-küsüşinčä qanturu bergäy-m(e)n* (унинг сўзича-устагича (айтганларини) қондираман) шаклида келган (seite 1; 2–3- қаторлар).

Санкт-Петербург нусхасидаги *Ol ödün yer qatunı vasundari* (ўша чоғда ер маликаси Васундари) бирикмасидаги *yer* сўзи узинди нусхада *уауїз* сифати билан *Ol ödün уауїз yer qatunı vasundari* (ўша чоғда қўнғур ер маликаси Васундари) шаклида келган (seite 2; 4- қатор). Қадимги туркий адабиётда *yer* сўзининг *уауїз* сифати билан бирга ишлатилганини кўзда тутадиган бўлсак, илкин матнда узинди нусхадагидай бўлганига иккиланмаса ҳам бўлади.

Санкт-Петербург нусхасидаги *t(ä)ñri t(ä)ñrisi burхан адақинта* (манғри тангриси Бурхон оёқлариға) бирикмасидаги *burхан* сўзи узинди нусхада қаратқич келишиги белгили ҳолда *t(ä)ñri t(ä)ñrisi burхanniñ адақинта* (манғри тангриси Бурхоннинг оёқлариға) шаклида келган (seite 2; 6–7- қаторлар). Бундай фарқлар асарнинг илмий-танқидий матнини яратишда қўл келади, асарнинг илкин вариантыга йўл очади.

«Олтун тусли ёруғ» сутраси (бошқа бир оти «Суварнапрабҳаса» сутра) диний-фалсафий асар бўлуви билан бирга, буддизм даври хитой-турк адабий алоқалари, қадимги турк таржима адабиётининг тенгсиз ёдгорлигидир. Асар асли санскрит тилида яратилган эди. Ундан олиб хитой тилига таржима қилинган. Хитой тилидаги версиясидан эса Х юзйилликда йирик таржимон ва адиб Сингқу Сели (=Шингқу Шели) тудунг уни қадимги туркий тилга ўгирган. Чунончи, асар якунида уни тавғаччадан турк-уйғур тилига ўгирган таржимоннинг оти ҳам қайд этилади: *Beşbaliqlıy Şinqu Seli tuduñ tawyač tilintin türk uyur tilinčä ikiläyü ewirmiş nom eligi sudur bitiyü tolu tükäl boldi.* – «Бешбалиқлик Шингқу Шели тудунг тавғач тилидан турк-уйғур тилига таржима қилган нўм тождори сутраси битилиб тўлиқ тугал бўлди» (АҲ.674,4–12). Сингқу Сели тудунг асарни гўзал бир услубда таржима қилган.

Муҳими шундаки, «Олтун тусли ёруғ»нинг туркий версияси асарнинг бошқа тиллардаги версияларига қараганда тўлиқ ҳолда етиб келган. Туркий версиясининг бир қанча қўлёзмаси бор. Улардан тўлиғи Санкт-Петербург қўлёзмаси бўлиб, қолганлари эса асардан олинган узиндилардир. Янада эътиборлиси, хат турига қараганда, узиндиларнинг кўпи

эскироқ даврларга тегишли. Биз кўриб чиқаётган U 0584 кўрсаткичли узинди матн ҳам ана шундай.

«Олтун тусли ёруғ» туркий тилга таржима қилинган даврдан бошлаб турк-будда адабиётида кенг шухрат қозонди, ўша даврлардан бошлаб асарнинг қўлёзмалари ҳам кенг ёйилди. Кунимизгача уларнинг айримлари сақланган, холос.

Афтидан, эҳтиёжга қараб, асар тўлиқ ҳолда ҳам, бўлимлари айри-айри ҳолда ҳам кўчирилган кўринади. Тўлиқ қўлёзмалари потхи китоб шаклида. Берлин фондида сақланаётган U 0584 кўрсаткичли матн ҳам ана шундай тўлиқ қўлёзма китобнинг бир варағидир. Лекин шунга қарамай, ушбу узинди матн ўзининг қадимийлиги, ёзув ва текстологик хусусиятлари билан аҳамиятли саналади.

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ВАСИҚАЛАР

Ўтган юзйилликнинг бошларида рус ва Ғарбий Европа олимларининг ҳозирги Синжон ўлкасига, хусусан, кўҳна Турфон воҳасига уюштирган илмий экспедициялари натижасида, бу ердаги эски харобалар, чекка қишлоқлардан илк ўрта асрларга тегишли ёдгорликлар, эски қўлёзмалар топилди. Сон-саноксиз битиглар орасида ўтмишдан қолган ҳужжатлар ҳам бор эди. Ҳозирги пайтда ушбу ҳужжатлар дунёнинг йирик қўлёзма фондларига тарқаб кетган. Катта бир қисми Берлин Бранденберг академиясининг қўлёзмалар фондида², Санкт-Петербургдаги Шарқ қўлёзмалари институтида, Урумчидаги Тарих музейида сақланаёттир.

Турфондан топилган ушбу расмий ҳужжатлар хонларнинг ёрлиқлари ёки юрт эгаларининг ўзаро ёзишмалари, давлат миқёсидаги йирик дипломатик ҳужжатлар эмас. Улар йирик ер эгалари, бойлар, деҳқонлар, оддий кишиларнинг олди-бердиси, хўжаликнинг кирим-чиқими, кимгадир сотилган ер ҳужжати, ижарага олинган ер учун ёзилган тилхатлар, қарзга олинган дон-дунни, матони ортиғи билан қайтариш тўғрисидаги васиқалар, қулларнинг ўз беклари устидан ёзган шикоятлари ёки йирик бойларнинг ўз қулига берган эрк ҳужжатларидир. Улар ўша кезларда давлат сиёсий бошқаруви, расмий-ҳуқуқий муносабатлар, маҳкама ишлари йўлга қўйилгани, қонун устуворлиги таъминлангани, жамиятнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси юқори экани, ҳуқуқ-тарғи-

² Берлиндаги Бранденбург фанлар академиясининг қўлёзмалар фондида сақланаётган ҳужжатларнинг фотолари "Digitales Turfan-Archiv" номи билан интернет тармоғига жойлаштириб чиқилган: www.Turfanforschung.com.

бот масалаларига жиддий қаралганидан далолат беради. Энг муҳими, ўша давр жамиятида кишилар орасидаги ижтимоий-сиёсий масалалар бўладими, ер ва мулк эгаллиги, савдо-сотик, олди-берди ишлари дейсизми, ҳамма-ҳаммаси давлат қонунлари доирасида ишлаган ва булар, қоидага қўра, расмийлаштириб қўйилган.

Ушбу ҳужжатлар эски туркий-уйғур ёзувида бўлиб, қадимги турк-монийчи ва буддизм жамоалари томонидан яратилган. Бу нарса давлат ишларида, айниқса, ҳужжатчиликда туркий тилнинг, уйғур ёзувининг мавқеи юқори эканини билдиради. Қадимги турк жамоаларидан қолган ушбу ёзма ёдгорликлар ҳужжатчиликнинг нодир манбалари бўлиб, туркий расмий услубнинг юзага келиши ва тарихий тараққиётини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Ҳужжатшуносликда бу турдаги битигларни *васиқа* дейилади. *Васиқа* – қулга берилган эркинликни, кишилар ўртасидаги олди-бердини, гаровга қўйилган буюмни, сотилган ёки ижарага олинган мулкни, меросни тасдиқловчи, далилловчи расмий ҳужжат, тилхатдир. *Васиқа* сўзи атама сифатида кейинчалик, ўрта асрлардан буён ишлатила бошлади. Илк ўрта асрлар ва ундан нарида эса уларни ялписига *bitig* деб, турларини бир-биридан фарқлаш учун, қарз олиш васиқасини *ötüg bitig*, васият-номани *qimaru bitig*, қулга эркинлик берувчи васиқани *boş bitig* аталган ва б. Кейинги атамадаги *boş* сўзи – «эркинлик, озодлик» англамидадир.

Васиқа ҳужжат туздирётган кимсаларнинг, олимчи ва беримчининг кўз ўнгида, бунга қўшимча ҳолда, икки-уч киши гувоҳлигида тузилган; уларнинг қўли, белги-тамғаси билан тасдиқланган. Сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлар васиқа тузилган, қўл қўйилиб, тамға босилган кундан бошлаб кучга кириб, расмий тус олган.

Васиқаларнинг ҳозирги сақланганлик ҳолати ва матн палеографияси

Илк ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатларнинг ҳозирги кездаги сақланганлик даражаси ҳар хил: баъзилари, қоғозининг уринганлиги демаса, нисбатан яхши турибди. Айрим битиглар ниҳоятда пароканда, қоғози титилиб кетган, матннинг бир парчасигина сақланган, холос.

Матнларнинг ранги бир хил эмас: қуюқ сиёҳ билан тиниқ ёзилганлари ҳам кўп, орада сиёҳи намиқиб, ўчиб кетганлари ҳам бор. Лекин, бир жиҳатига тан бермак керак, кўпининг сиёҳи хали хануз тиниқлигича турибди.

Айни чоғда айрим хужжатларнинг оригинали йўқолган. Муҳими шундаки, битигларни топиб келтирган ёки илк бор ўрганиб, нашр эттирган олимлар ўша оригинал нусхалардан фойдаланганлар. Лекин орада нима бўлгани номаълум, айрим хужжатларнинг ўзи йўқ. Яхшики, улар ўша чоғда суратга олиб қолинган экан. Ҳозир ўша суратга олинган нусхаларигина қолган, холос. Ушбу фотонусхалар ҳам Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида бошқа қўлёзмалар орасида сақланмоқда.

Матн кўрки ва бадий безаклари. Васиқаларда ортиқча безаклар йўқ. Матн бир текис, чиройли хат билан тартибли ёзилган бўлса, ютуғи шунда.

Васиқаларни баъзан саводли, олди-берди қилиб юрган мансабдор кишиларнинг ўзлари битган. Кўпинча бу юмуш билан бахши (ўтмишда котибни шундай аташган) ёки идора ходими (нотариус) шуғулланар эди. Васиқаларнинг хат услубида ҳам бу нарса сезилиб туради: олди-берди қилиб турган кимсалар битган васиқаларнинг хат услуби оддий, баъзан қаторларида изчиллик йўқ, шошиб ёзилгани билиниб туради. Котиблар ёки идора ходими битган васиқалар эса тартибли, айримларининг хати чиройли, инжудай тизилиб туради.

Матндан ташқари, хужжатларга муҳр-тамғалар ёки кишиларнинг ўз тамғалари ёки белгилари қўйиб кетилган. Матнда булар *tamya*, *nišan* ёки *belgü* деб аталган.

Тамға ва нишонларнинг қўйилиш тартиби бор. Кишиларга тегишли тамға ёки белги-нишон, одатда, васиқа охирлаганда қўйилган. Матнда унинг кимга тегишли эканлиги таъкидлаб ҳам қўйилади.

Давлат идораси ёки расмий кишиларга тегишли муҳр-тамғаларнинг қўйилиш тартиби бироз фарқли. Бунда васиқа ёзиб бўлингач, бир бетли бўлса, кўпинча, матннинг учта жойига: биринчи қаторнинг бошланишига, матннинг ўртасига ва сўнгги қаторнинг охирларига тамға босилган. Матн қоғознинг терс бетига ўтган бўлса, у ерда ҳам сўнгги қаторга тамға урилган. Баъзи хужжатларда матннинг бир нечта жойига муҳр-тамға уриб чиқилган.

Кишиларнинг шахсий белгилари беш қиррали, олти қиррали, саккиз қиррали юлдуз, шунингдек, турли чизиқлар, геометрик шакллар кўринишида бўлиши мумкин. Улар ихтиёрий танланган бўлиб, қоидасини бир тизимга солиш қийин. Бундай белгилар, одатда, кичикроқ нарсаларнинг олди-бердиси учун тузилган васиқаларда учрайди. Нима бўлганда ҳам, улар юридик кучга эга эди.

Муҳр-тамғалар эса тўрт бурчакли, доирасимон, бодомсимон, саккиз бурчакли, яримойсимон ишланган бўлиб, ичига ўзига хос услубда

ёзув битилган. Муҳр-тамғалар йирик олди-берди ҳужжатларида ишлатилар эди.

Хат тури ва илк ўрта асрларда саводхонлик масаласи. Расмий ҳужжатларни, васиқаларни олди-берди қилиб турган кимсалар битадими, бахшилар ёки идора ходими битадими, бундан қатъи назар, саводхонликка алоҳида урғу берилган. Афтидан, қўлидан келмаган кишилар бу ишга уннамаган чоғи. Хати оддий ёки бир оз кўримсиз бўлиши мумкин, лекин матннинг имлоси, хатосиз, ёзма адабий тил ўлчовлари доирасида бўлишига эътибор берилган. Шунинг билан бирга, ҳужжатчиликда расмий матнлар учун ишлаб чиқилган стилистик ўлчов ва қолипларга амал қилиниши керак эди.

Васиқалар илк ўрта асрларнинг туркий ёзма адабий тилида, ёзма адабий тилнинг расмий услубида битилган.

Фанда маълум бўлган ҳужжатларнинг тил ва услубий хусусиятлари илк ўрта асрларда турк жамиятида ҳужжатчилик ишлари ҳамда ҳуқуқий саводхонлик юқори даражада эканидан далолат беради.

Васиқалар учун, уйғур ёзувининг уч хил услуби танланган. Булар фанда *яримквадрат (полуквадратное)*, *яримкурсивли (полукурсивное)* ва *курсивли (курсивное) хат тури* деб юритилади (*қаранг: УДД,13*). Ёзув услубларининг генезиси тўғрисидаги қарашлар ҳам қизиқарли. Бунга кўра, ёзувнинг биринчи тури Қўчу беклигининг илк даврларида яратилган ҳужжатларда ишлатилган (X–XI юзйилликлар), учинчи хили мўғуллар салтанати даврига хос (XIII–XIV юзйилликлар), иккинчиси эса ўтиш босқичига тегишли эканлиги таъкидланади (*ўша жойда*).

Уч турга бўлинганлиги тўғри, бироқ курсивли (яъни, югурик) хат турининг кейинчалик келиб чиққан, дейилиши бир оз мулоҳазали. Сабоби, Қўчу беклигининг илк даврларида яратилган деб чамаланаётган васиқаларнинг кўпи югурик хат туридadir. Англашиладики, илк босқичларда яримквадрат кўринишли хат тури билан бир қаторда, курсивли хатдан ҳам кенг фойдаланилган. Ёзувнинг яримквадрат услуби ҳам, курсивли услуби ҳам айтарли бир пайтда шаклланган. Қандай хат турининг танланиши кўпроқ котибнинг маҳорати ва ҳужжатнинг нечоғлиқ муҳимлигига боғлиқ эди. Ёзув техникасининг қийин-ўнғайлигига қараб, кейинчалик курсивли ёзув оммалашиб кетган.

Бунинг бошқа бир мисоли: Тўхтамишхоннинг поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи билан Темур Қутлуғ ёрлиғи бир маданий муҳитда, Олтин Ўрдада яратилган; иккови ҳам ҳужжатчиликнинг классик намуналари саналади, лекин ҳар иккисининг хат услуби бошқа-бошқа. Де-

мак, хат услублари ва унинг танланиши масаласида сўз юритилганда шу нарсалар ҳам инобатга олинмоғи керак.

Ёзув турларининг характерли белгилари қуйидагича:

Биринчиси ва энг оммалашгани ёзувнинг *югурик* туридир. Бу хатдаги айрим матнлар ниҳоятда чиройли, ҳарфлари майда ва текис. Югурик хатда оддий қилиб битилган васиқалар ҳам кўп. Бу услуб ҳаммининг кўли келадиган хат тури эди. Одатда, бу хат тури, учли йўнилган қамиш қаламда битилган.

Айрим васиқалар ёзувнинг *классик китобий услубида* (*яримквadrat / полуквadratное*) бўлиб, лекин уларнинг сони оз.

Ҳужжатчиликда кенг ёйилган яна бир *хат услуби классик китобий услуб билан оддий югурик хатнинг бирикувидан келиб чиққан* (*яримкурсивли / полукурсивное*). Бундай хат учи тўмтоқ йўнилган қамиш қаламда битилиб, ҳарфларнинг ёзилиш усулида бу нарса яққол кўриниб туради.

Васиқаларда компонентларнинг берилиш усули

Битиглар ҳужжатчиликнинг барча талабларига тўлиқ жавоб беради: тузилиши пухта; матн компонентлари ўзаро уйғун; услуби юксак балоғат даражасида, терминлар тизими мукамал; туркий ҳужжатчилик узоқ услубий тараққиёт босқичидан ўтганлигини англатиб туради. Айрим васиқаларнинг ёзувини оддий демаса, айтарли бари саводли битилган.

Қадимги туркий васиқалар қулга эркинлик бериш билан боғлиқ, қулни ёки ерни сотиш билан боғлиқ, бола асраб олиш билан боғлиқ, экин майдонини ижарага олиш билан боғлиқ, дон-дун, кунжит сингари нарсаларни қарзга олиш билан боғлиқ, бўзни бирор нарсага айирбошлаш билан боғлиқ, қарзга пул ёки олтин-кумуш олиш билан боғлиқ ҳолатларда тузилган. Уларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- (1) Қулга эркинлик бериш васиқалари;
- (2) Қулни сотиш васиқалари;
- (3) Кимса ёки нарсани гаровга қўйиш васиқалари;
- (4) Васиятномалар ёки мерос бўлиш васиқалари;
- (5) Бола асраб олиш васиқалари;
- (6) Экин майдони ёки узумзорни ижарага олиш васиқалари;
- (7) Қарз олиш васиқалари;
- (8) Тавар-буюмни айирбошлаш васиқалари;
- (9) Олди-берди васиқалари;
- (10) Бошқа турдаги васиқалар.

Васиқашуносликда, қолаверса, ҳужжатшуносликда *матн компоненти* деган тушунча бор. Матн компонентлари (яъни, бўлаклари) ҳужжат мазмуни, мундарижасига қараб ажратилади. Ҳар қайси компонент ҳужжатнинг муайян бўлагини ташкил қилади. Компонентлар, кўп жиҳатдан, васиқаларнинг турига боғлиқ бўлади.

Васиқаларнинг қолипи аниқ, уларда *стереотип бирликлар* – тез-тез такрорланиб турувчи сўзлар, сўз бирикмалари ва жумлалар, бошқа ҳужжатларга қараганда, кўпроқ ишлатилади. Шунга кўра, васиқани «қолип-ҳужжат» деса бўлади.

Васиқаларда компонентларнинг берилиш усуллари тубандагича:

Васиқаларда сана(тарих, йил-ой-кун)нинг берилиши. Юсуф Хос Ҳожиб «сана»ни *yil-ay-kün* деб атаган: *Yil-ay-kün kečär-teg tiriglig kečär*. – «Тириглик йил-ой-кундек кечади» (QBN.50b,8). *Yil-ay-kün* «календарь, тақвим»ни ҳам билдиради. Шарқ манбашунослигида *yil-ay-kün* ни *sana* ёки *ta'rix* дейилади.

Васиқалар ҳужжат тузилган кунни, яъни тарихни айтиш билан бошланади. Сана йил-ой-кун кетма-кетлигида, яъни башлаб йил, кейин йилнинг оyi ва ойнинг куни айтилади. Йил эскича турк-мучал тартибида: *ud yil, it yil, qoyn yil* сингари. Ойлар эскича санок кетма-кетлигида: *birinč ay, ikinč ay, üçünč ay, törtünč ay* сингари. Икки хонали сонга келганда *bir yigirmінč ay, iki yigirmінč ay* дейилади. Айрим васиқаларда ойлар буддавий отлари билан аталган: *aram ay* (биринчи ойнинг оти), *čaxšapat ay* (йил охиридаги ойнинг оти) сингари. Куни айтилганда, кўпинча, *yañiqa* сўзи ҳам қўшиб қўйилади (*bir yañiqa* сингари), бу санок «(ойнинг) биринчи кунида» деган маънони англатади. Мана мисоли: *Toñuz yil, onunč ay, alti y(i)g(i)rmikā* – «Тўнғиз йили, ўнинчи ойининг ўн олтинчи кунида»; *Qoyn yil, aram ay, bir yañiqa* – «Қўй йили, арам ойининг биринчи кунида».

Сана жўналиш қўшимчаси *-qa, -kā* билан қўлланса-да, бироқ «шу санада» деган маънони англатади. Сабаби, бу жумланинг давомида ҳужжат нима учун тузилаётгани таъкидланади ва *meñā* сўзи билан олинаётган нарса олимчига тегишлилиги билдирилади. *Meñā* олмашидаги жўналиш шакли йил-ой-куннинг айтилишини ҳам ўзига мослайди.

Васиқада қарз олинаётганлиги ёки мулк сотилаётганлигининг сабаби, олимчи ва беримчининг исми-шарифини кўрсатиш. Қарз олаётган ёки мулкни сотаётган бир киши бўлса, *meñā*, икки ва ундан ортиқ киши бўлса, *bizgā* сўзи билан исми-шарифи ва нима учун, кимдан қарз олаётгани ёки кимга мулк сотаётгани кўрсатилади. Жумла сабаб эргаш гапли қўшма гап шаклида тузилади. Бу ўринда «ишлатиш учун»

мазмундаги *tüşkä*, қайта ишлашга олаётган бўлса, *yuñlaqliq* сўзлари ишлатилади; эргаш гапнинг кесими *kergak bolup* шаклида, бош гапнинг кесими *aldim* (олдим), мулк олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда эса *satdim* (сотдим) ёки *tuγuru-tumlitu satdim* (узил-кесил сотдим) шаклида тугайди. Сотувчилар бир неча киши бўлса, кесим ҳам шунга мослашади. *Yuñlaqliq* – илк англамида «хом ашё; материал» дегани. Агар *yuñlaqliq böz* бўлса, «кийим-кечаклик бўз»; *yuñlaqliq tawar* бўлса «қайта ишлаш учун тавар» ва шунинг сингари маънолар англашилади.

Жумладан, Ўзмиш Тўғрил ва Тугалнинг Чўкудаги ерларини Эничук акага хатлаб берганлари тўғрисидаги васиқада: ... *biziñä – Ozmiš Toyriñqa, Tügäñkä, yuñlaqliq böz kerkäk bolup, Čöküdäki yerim(i)zni Eničük eçikä tuγuru-tumlitu satdim(i)z.* – «... бизга – Ўзмиш Тўғрилга, Тугалга, кийим-кечаклик бўз керак бўлиб, Чўкудаги еримизни Эничук акага узил-кесил сотдик» (ТХ.35,1–3).

Васиқада беримнинг нархини ва қайтимни келишув. Ер олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда сотилаётган ернинг нархи келишиб олинади. Сотув нархи тилга олинганда, кўпинча *inča sözläštīm(i)z* деган бирикма ишлатилади, бу «(нархини) шундай келишдик» дегани. Ернинг эвазига олинаётган нарса ўлчамию қийматигача аниқ-таниқ кўрсатилади; буни «(шу нархга) кесишдик» (*kesištīmiz*) деб таъкидлаб ҳам қўйилади.

Жумладан, Ўзмиш Тўғрил ва Тугалнинг Чўкудаги ерларини Эничук акага хатлаб берганлари тўғрисидаги васиқада: *Satiγ (b)özīm (inča sözläš) tim(i)z: Lükčün kedini yorir šuuluy-t(a)mγ(a)liγ yüz yetmiš ikilig yoγan bözkä kesištīm(i)z.* – «Бўзнинг нархини (шундай битиш)дик: Лукчунинг бозорида ўтадиган имзоли-тамғали юз етмиш түп қалин бўзга кесишдик» (ТХ.35,3–6).

Фоизи билан қарзга олинаётган нарсалар бўйича тузилган васиқаларда эса дон-дун ёки бошқа бир таварнинг қайтими, яъни унинг неча фоиз қилиб қайтарилиши кўрсатиб қўйилади.

Васиқада беримнинг қачон ва ошиғи билан қанча қилиб қайтарилувининг кўрсатилиши. Ошиғи билан қайтариш эвазига олинган дон-дун ва шунга ўхшаш нарсалар учун тузилган васиқаларда беримнинг қачон ва қанча қилиб қайтарилуви ҳам кўрсатилади. Бунда гапнинг кесими кўпинча *köni berür-men* (аниқ қайтараман) бирикмаси билан тугайди. Масалан, Қайимту деган бойдан тариқ (*yür*) олинганлиги тўғрисидаги васиқада беримнинг кузда бир ярим баробар қилиб қайтарилиши кўрсатилган: *Küz yañida bir yarim siq yür köni berür-men.* – «Кузнинг бошида бир ярим сиқ тариғ қилиб қайтараман» (ТХ.12,4–6).

Ерни ишлашга олиш бўйича тузилган васиқаларда олинажак ҳосилнинг кимга қанчадан тегиши, улуши ҳам кўрсатилади.

Беримни қайтариш бурчининг кўрсатилиши. Ошиғи билан қайтариш эвазига олинган нарсалар учун тузилган васиқаларда қарз вақтида қайтарилмаса, эл қоидасича (*el yañinča*) ошиғи билан берилуви таъкидланади. Мабодо, беримчи ўлиб-нетиб, берим қолиб кетгудек бўлса, унда иниси, бола-чақаси ёки яқинларига юкланади. Бунда шарт эргаш гап *Berginčä bar-yoq bolsar-men* (Бергунча бор-йўқ бўлсам [борман-йўқман]) шаклида бўлади.

Масалан, Қайимтудан тарик (*yür*) олинганлиги тўғрисидаги васиқада ўқиймиз: *Bermädin, kečürsär-men, el yañinča tüši bilä köni bersünlär. Berginčä bar-yoq bolsar-men, inim Barçaqı anı tegilär bilä köni bersünlär.* – «Бермай, кечиктирсам, эл қоидаси бўйича ошиғи билан берсинлар. Бергунча бор-йўқ бўлсам [борман-йўқман; бирор кор-хол бўлиб, ўтиб қолсам], иним Барчақи уни укалари билан қайтарсинлар» (ТХ,12,6–10).

Васиқаларда томонлар ўртасида олди-берди бўлиб ўтганлигининг кўрсатилиши. Ерни сотиш, бирон нарсани айирбошлаш билан боғлиқ васиқаларда олувчи пулни ёки қиймати сотилаётган ерга, айирбошланаётган нарсага тенг молни ҳеч қолдирмай санаб берганини, сотувчи эса уни санаб олганини билдиради. Муҳими, бу жумлалар ҳар икки томоннинг ўз тилидан (нутқидан) берилади. Жумладан, Ўзмиш билан Тугалнинг ўз ерини Баса Тўғрилга хатлаб берганлари тўғрисида тузилган васиқада олди-берди шундай кўрсатилган: *Bu üç otuz bözüg bitig qilmiš kün üzä men, Basa Toyriñ tügäl berdim. Biz, (Ozmiš) Tügäl birlä bir eksügsüz tügä(l) (aldı)m(i)z.* – «Бу йигирма уч (тўп) бўзни ҳужжат тузилган кунни мен, Баса Тўғрил тугал бердим. Биз, (Ўзмиш) Тугал билан сира қолдирмай, тугал олдик» (ТХ,36,6–9).

Мулкнинг бутунлай сотилганлигини далилловчи жумла. Мулкнинг олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда ер ёки қулнинг бутунлай сотилганлигини билдириш учун *miñ yil tümän künkä tegi erklig bolsun* (минг йил туман кунга қадар эгалик қилсин), *miñ tümän yilqa tegi erklig bolsun* (минг туман йилга қадар эгалик қилсин) сингари жумлалар ишлатилади. Бунда *miñ yil, tümän kün; miñ tümän yil* бирикмалари вақтнинг ўла-ўлгунча эканлиги, доимийлигини англатади. Яна, олувчи кимсанинг бундан буёғига эркинлиги ўзида эканини таъкидлаш учун юқоридаги жумлага *Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adin kişikä ötkürü satsun* (Истаса, ўзи тутсин, истамаса, бошқа кишига сотиб юборсин) деб ҳам қўшиб қўйилган. Бунинг билан ер ёки қулнинг янги эгасига бутунлай эркинлик берилмакда.

Васиқаларда сотилаётган ернинг чегарасини кўрсатиш. Ер олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда узил-кесил сотилаётган ернинг чегараси (*yerniñ sičisi*) ҳам кўрсатиб қўйилган. Бунда ернинг тўрт ёғдаги чегараси, унинг кимларга тегишли жойлар билан туташуви аниқ берилади. Хужжатларда «тараф, томон» сўзи *yïḡaq* дейилиб, чегара ёқлари шунга қўшиб айтилган: *öḡdün yïḡaq* – шарқ томон, *küntün yïḡaq* – жануб томон, *keḡin yïḡaq* – ғарб томон. Мамлакат шимоли тоғлиқлар билан ўралгани учун, шимолни *taḡdün yïḡaq* дейилган баъзи хужжатларда.

Жумладан, Ўзмиш Тўғрил ва Тугалнинг Чўкудаги ерларини Эничук акага хатлаб берганлари тўғрисидаги хужжатда сотилаётган ернинг чегараси шундай кўрсатилган: *Bu yerniñ sičisi: öḡdün yïḡaq Beki, Bačaq, olarniñ öḡän, күntün yïḡaq Turmiš tuduḡnuḡ yer, keḡin yïḡaq yol, taḡdün yïḡaq Bekiniñ, Bačaqniñ yer adīrar. Bekiniñ, Bačaqniñ qaḡli yolī bu yerniñ adaq-atiziñiñ ičintā-ol.* – «Бу ернинг чегараси: шарқ тарафдан Беки, Бачақ, уларнинг ўзани, жануб тарафдан Турмиш тудунгнинг ери, ғарб тарафдан йўл, тоғ [шимол] тарафдан Бекининг, Бачақнинг ери айиради. Бекининг, Бачақнинг арава юрадиган йўли бу ернинг этагидаги атизнинг ичидадир» (ТХ,35,17–21).

Йиг Буртнинг ўз ерини Қутлуғ Таш отли кимсага хатлаб бергани тўғрисидаги васиқада ернинг чегараси қўйидагича белгиланган: *Bu yerniñ sičisi: örü yïḡaq öḡän adīrar. Öḡdün yïḡaq Toyičaq (?) yeri adīrar. Qudī yïḡaq öḡän, Lusay yeriḡa barḡu öḡän adir(a)r. Keḡin yïḡaq Yanyaq (?) İnal yeri adīrar.* – «Бу ернинг чегараси: шимол тарафдан ўзан айиради. Шарқ тарафдан Тўйичақ(нинг) ери айиради. Қуйи (жануб) тарафдан ўзан, (яъни) Лусай ерига борадиган ўзан айиради. Ғарб тарафдан Яняқ Инал ери айиради» (ТХ,37,9–12).

Васиқаларда олди-бердини кузатиб турган гувоҳларни кўрсатиш. Тузилган васиқаларнинг якунида олди-бердини, хукукий жараёни кузатиб турган кишилар ҳам кўрсатилади. Матннинг ушбу бўлаги хужжатнинг легитимлигини таъминлайди.

Гувоҳлар, ҳарқалай, қарз берувчи, мулк олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда эса мулкни сотиб олувчи томонидан сайланган бўлуви керак. Бундай деяётганимнинг сабаби, Қайимту бахши деган кишининг ўзга кимсаларга қарзга бертган дон-дуни, экин экиш учун ижарага берган ери тўғрисидаги васиқалардан анчагина етиб келган (ТХ,9–20- хужжатларга қаранг). Қизиғи шундаки, уларнинг айтарли ҳаммасида ўша-ўша кишилар гувоҳ сифатида қатнашган.

Гувоҳлар, одатда, икки ёки уч, баъзан тўрт кишидан иборат бўлади. Бунда *tanuq*, яъни «гувоҳ» сўзи билан гувоҳларнинг исми-шарифи

тўлиқ келтирилади. Масалан, оға-ини Ўзмиш Тўғрил билан Баса Тўғрилнинг олди-бердиларидан узилгани тўғрисидаги васиқада гувоҳлар шундай кўрсатилган: *Tanuq – Alp Turmiš, tanuq – Y(a)rp Toγ[r]il*. – «Гувоҳ – Алп Турмиш, гувоҳ – Ярп Тўғрил» (ТХ,40,11–12). Айрим хужжатларга гувоҳларнинг тамғалари ҳам қўйилган.

Васиқаларда матн битувчини кўрсатиш. Васиқалар сўнгида олди-бердини хатга туширган, хужжатни битган кишининг оти ҳам кўрсатилади. Хат битувчилар ўз замонасининг саводли, расмиятчиликни биладиган кишилари эди. Кўпинча, бу юмушни маҳкама ходими (натариус) бажарган. Айрим хужжатларни қарз бераётган киши ҳам тузган. Хужжат битувчи охирида ўзининг отини ҳам ёзиб қўйган. Одатда, бу жумла унинг ўз тилидан берилиб, битувчининг отидан кейин *ayitip bitidim*, баъзан *yinčkā ayitip bitidim* деб таъкидланади. Бунда *ayitip bitidim* дегани «қарз олувчи ёки хужжат туздираётган кишининг айтганлари, айтиб тургани бўйича ёздим; сўраб ёздим», *yinčkā ayitip bitidim* эса «унинг айтганлари бўйича сўзма-сўз ёздим; айтганларини сўзма-сўз ёздим» деган маъноларни англатади; *yinčkā ay* – «сўзма-сўз, бирма-бир, шошмай, дона-дона қилиб айтмоқ» дегани.

Yinčkā~yinčkā – «секин, оҳиста; босиқ, вазмин; осойишталик» дегани (*yinč~yinč* сўзидан). «Қутадғу билиг»дан чоғиштиринг: *Bulardīn biri qazī, yinčkā, arīγ*. – «Булардан бири босиқ ва пок қозидир» (QBN.192b,5). Ёки: *Bodun inčkā tegdi, yarudī kūni*. – «Халқ осойишталикка етишади, куни ёруғ бўлади» (QBN.192b,5).

Масалан, Ўзмиш Тўғрил ва Тугалнинг ўз ерларини Эничук акага, бошқа бир ерни Баса Тўғрилга хатлаб берганлари тўғрисидаги васиқаларнинг иккаласини Чукуй Тўнг деган кимса тузган. *Men, Čikūy Toγ ayitip bitidim* (Мен, Чикуй Тўнг сўраб туриб [уларнинг айтганлари бўйича] ёздим) дея таъкидланади васиқаларнинг сўнгида (ТХ,35,24b; ТХ,36,23).

Васиқанинг ҳуқуқийлигини таъминловчи белгилари. Васиқа – расмий-ҳуқуқий хужжат. Қуйидаги белгилари унинг расмийлиги, ҳуқуқийлиги, ишончлилигини таъминлашга хизмат қилади:

- Васиқаларда унинг тузилган куни албатта кўрсатилади.
- Уларда қарз олаётган, қарз бераётган кимсалар, қарзнинг қайтарилишини кафолатга олаётган киши, шунингдек, олди-бердини кузатиб турган гувоҳлар, ҳатто хужжатни битувчи кимсанинг оти ҳам кўрсатилади. Бадий асарлардаги персонажлардан фарқли ўлароқ, улар ўша замонда яшаб турган кимсалардир.

• Насияга олинаётган нарса-буюмнинг ўлчови, унинг қачон ва неча хисса қилиб қайтарилиши аниқ кўрсатилади. Вақтида тўланмай қол-

са, юрт қондасига кўра, қўшимча тўловга тортилиши ҳам таъкидлаб қўйилади.

- Мабодо, бирор кор-ҳол бўлиб, қарз тўланмай қолғудек бўлса, беримчининг яқинлари уни албатта тўлаши ёзиб қўйилади.

- Мулк сотувида эса, келажакда олимчидан уни ҳеч кимса, ҳатто бекларнинг кучига таяниб ҳам, даъво қила олмаслиги, олимчининг эрки бутунлай ўзида эканлиги кафолатланади.

- Ер сотилаётганда унинг майдони, чегаралари аниқ кўрсатилади.

- Ер ижарага берилаётганда унга кетадиган уруғлиқнинг пулини, ер-мулк солиғини кимлар тўлаши аниқ белгилаб қўйилади.

- Васиқага беримчининг (қарз тўловчининг), гувоҳларнинг нишони, тамғалари босилади. Уларнинг айтган сўзи тамғалар билан тасдиқланади.

- Ҳужжат тузишда қатнашаётган кишиларнинг сўзлари уларнинг ўз тилидан келтирилади. Ҳужжат бир неча кишининг (юридик кимсаларнинг) нутқидан тузилади. Бу ҳам ҳужжатнинг ишончлилигини, легитимлигини оширади.

Васиқаларни компонентлари бўйича ўзаро солиштириш. Шу ўринда Ўзмиш билан Тугалнинг ўз ерини бўз эвазига Баса Тўғрилга хатлаб берганлари тўғрисида тузилган ТХ.36- васиқа билан Ярп Тўғрилнинг ўз жориясини Иналга эллик танга кумушга сотганлиги бўйича тузилган ТХ.39- васиқани компонентлари бўйича ўзаро солиштириб чиқайлик. Жумладан, ТХ.36- васиқанинг компонентлари шундай:

- (1) Васиқа тузилган кун (сана, йил-ой-кун).

- (2) Мулк сотилаётганлигининг сабаби, олимчи ва беримчининг исми-шарифи.

- (3) Нархни келишув.

- (4) Сотувчи ва олувчи ўртасида олди-бердининг бўлиб ўтганлиги.

- (5) Мулкни сотиб олувчининг эрки ўзида эканлиги ва унинг кафолати.

- (6) Сотилган мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш.

- (7) Сотилган мулкка даъво қилувчиларга юкланажак жазо. Сотиб олувчининг зиён кўрмаслигига кафолат берилиши.

- (8) Сотилаётган ернинг чегараси.

- (9) Сотилаётган ерга қўшимча солиқларнинг йўқлиги.

- (10) Олди-бердини кузатиб турган гувоҳларнинг исми-шарифи.

- (11) Васиқага қўйилаётган тамға ва белгилар кимларга тегишли экани.

- (12) Васиқани битувчи кимсанинг исми-шарифи.

Буларни ТҲ.39- васиқа компонентлари билан қиёсланса, қуйидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар кўзга ташланади (тушуниш ўнғай бўлсин учун матннинг ҳозирги ўзбекчадаги вариантыни келтирамыз):

Комп.	ТҲ.36- васиқа	ТҲ.39- васиқа
(1)	<i>Қуён йили, ўн биринчи ойнинг</i>	<i>Тўнғиз йили, олтинчи ойнинг еттинчи куни</i>
(2)	<i>менга, Ўзмишга, Тугалга, биз иккимизга кийим-кечаклик бўз керак бўлиб, Тайку ўзан (бўйида) ги олачуқ [чодир] ...қ... еримизни олачуқи билан қўшиб Баса Тўғрилга узил-кесил сотдик.</i>	<i>менга, Ярп Тўғрилга ... кумуш керак бўлиб, Кимзун отли жориямни эллик ситир кумуш тангага Иначига узил-кесил сотдим.</i>
(3)	<i>Бўзнинг нархини шундай келишдик: Лукчунг бозорида ўтадиган имзоли-тамғали йигирма уч тўп бўзга кесишдик.</i>	
(4)	<i>Бу йигирма уч (тўп) бўзни хужжат тузилган куни мен, Баса Тўғрил тугал бердим. Биз, (Ўзмиш) Тугал билан сира қолдирмай, тугал олдик.</i>	<i>Бу жориянинг нархи – кумушни хужжат тузилган куни мен, Иначи тугал санаб бердим. Мен, Ярп Тўғрил ҳам тугал санаб олдим.</i>
(5)	<i>Бугундан бошлаб бу ер уза минг туман йилга қадар Баса Тўғрил эгалик қилсин. Истаса, ўзи тутсин, истамаса, ўзга кишига сотиб юборсин.</i>	<i>Бу жория уза қанчагача истаса, Иначи эркли бўлсин. Истаса, ўзи тутсин, истамаса, бошқа кишига сотиб юборсин.</i>
(6)	<i>Биз, иккимизнинг акамиз-инимиз, туғишганларимиз, яна бошқа кимсалар даъво қилмасин, сўрамасин-истамасинлар [талаб қилмасинлар]. Сўровчи-истовчилар [талаб қилувчилар]нинг сўзи ўтмасин.</i>	<i>Бу жория йўлида мен, Ярп Тўғрил ... акам-иним, туғишган-қариндошим, амаки-тоғаларим, ким бўлса-да, даъво қилмасинлар.</i>
(7)	<i>Яна бирор кимса ҳуқумдор бек кучига таяниб, тортиб оламан десалар, бу ўзан бўйидан бу ерга тенг келадиган икки ер яратиб бериб, кейин қайтариб олсин. Тортиб олувчи киши зарар кўрсин, Баса Тўғрил зарар кўрмасин.</i>	<i>Агар бирор кимса даъво қилгудек бўлсалар, бу жорияга тенг икки жория топиб бериб, кейин, тортиб олсинлар. Юлиб олувчи киши зиён кўрсин, бу битигни тутгучи Иначи зиён кўрмасин.</i>

(8)	<i>Бу ернинг чегараси: шарқ тарафдан Бурхан Қулининг буғдой ғарами; жануб тарафдан улуғ йўл; ғарб тарафдан Тангутнинг ери; тоғ тараф[шимол тараф]дан Буянчукнинг буғдой ғарами айиради.</i>	
(9)	<i>Бу ернинг бирор бир божу-тўлови йўқ.</i>	
(10)	<i>Гувоҳ – Суван тутук, гувоҳ – Куч Бағлиғ, гувоҳ – Бурхан Қули, гувоҳ – Вазир Тўнга.</i>	<i>Гувоҳ – Элиғ, гувоҳ – Тақичук, гувоҳ – Тарим ... гувоҳ – Тўпула.</i>
(11)	<i>Бу тамға биз, Ўзмишники, Тугалники, иккимизникидир.</i>	<i>Бу тамға меникидир.</i>
(12)	<i>Мен, Чикуй Тўнг сўраб туриб [ўларнинг айтгани бўйича] ёздим.</i>	<i>Мен, Эдзу Тўғрил битдим.</i>

Энди юқоридаги тартибда оға-ини Ўзмиш Тўғрил билан Баса Тўғрилнинг гувоҳлар олдида олди-бердиларидан узилгани тўғрисидаги ТҲ.40- васиқа ҳамда Қайимтунинг ерини тариқ экиш учун ижарага берилгани тўғрисидаги ТҲ.18- васиқани компонентлари бўйича ўзаро солиштириб чиқайлик. Жумладан, ТҲ.40- васиқанинг компонентлар тизими тубандагича:

(1) Васиқа тузилган кун (сана, йил-ой-кун).

(2) Васиқа туздираётган кишиларнинг исми-шарифи.

(3) Оға-инилар гувоҳлар олдида бир-бирининг қарзидан узилгани.

(4) Ўзмиш Тўғрил бундан кейин кимларнингдир кучига таяниб, қарзни даъво қилғудек бўлса, қонундаги жазога рози эканлиги.

(5) Олди-бердини кузатиб турган гувоҳларнинг исми-шарифи.

(6) Васиқани битувчи кимсанинг исми-шарифи.

(7) Васиқага урилган тамға кимга тегишли экани.

ТҲ.18- васиқа ерни ижарага олиш тўғрисида, шунинг учун унинг компонентлари бир оз фарқли: иккинчи компонентда Темурга экин майдони керак бўлганлиги таъкидланган; учинчисида ижарага ер берилгани; тўртинчи компонентда ердан чиққан ҳосил тенг тақсимланажаги ва солиқлар биргаликда тўланажаги тўғрисида сўз боради. Ва охириги икки компонентнинг ўрни алмашади: аввал тамғанинг кимга тегишлилиги, кейин эса хат тузувчи кимса қайд этилган.

Шундай қилиб, юқоридаги васиқаларнинг компонентлари ўзаро қиёсланса, қуйидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар кўзга ташланади:

	ТҲ.40- васиқа		ТҲ.18- васиқа
(1)	<i>Тўнғиз йили, ўнинчи ойининг ўн олтинчи куни</i>	(1)	<i>От йили, олтинчи ойининг ўн саккизинчи куни</i>
(2)	<i>мен, Ўзмиш Тўғрил иним Баса Тўғрил билан</i>		
		(2)	<i>менга, Темурга тариқ экадиган ер керак бўлиб,</i>
(3)	<i>Олиш-бериш тўғрисида Қитай ялавач, Алп Турмишларнинг олдида сўзлашиб олим-беримизни узишдик.</i>		
		(3)	<i>Қайимтунинг Сиқапдаги Элчи билан улушда менга теккан ярим ангиз ер, яъни юқориликдаги ерни Мисирга бериб, қуйилиқдаги ярим ангиз ерни ишлашга бердим.</i>
		(4)	<i>Бу ерга қанча уруғ кетса, иккимиз тенг улашиб оламиз. Олим-берим келса, ҳар иккимиз устимизга олиб, тенг топширамиз.</i>
(4)	<i>Мен, Ўзмиш Тўғрил бундан кейин Баса Тўғрил билан қайсидир кимсанинг кучига таяниб, даъво қилғудек бўлсам, қонундаги жазога розиман.</i>		
(5)	<i>Гувоҳ – Алп Турмиш, гувоҳ – Ярп Тўғрил.</i>	(5)	<i>Гувоҳ – Эшкакчи, гувоҳ – Сенга.</i>
(6)	<i>Мен, Бачақ Ўзмиш Тўғрирдан сўраб туриб [унинг айтгани бўйича] ёздим.</i>	(6)	<i>Бу нишон мен, Темурниқидир.</i>
(7)	<i>Бу тамға мен, Ўзмиш Тўғрилниқидир.</i>	(7)	<i>Мен, Қайимту Темурга айтиб [Темурнинг айтиб тургани бўйича], ўзим ёздим.</i>

Васиқаларда расмий ва бадий услублар синкретизми масаласи

Одатда, расмий услуб ўзининг аниқ ва равшанлиги, кўчма маъноли сўзлар, фразеологик бирикмалар, тасвирий ифодалар, кўтаринки жумлалар, турли бадий воситаларнинг учрамаслиги билан ажралиб туради. Лекин бу ўлчовни, чегарани ҳеч бир ўзгаришсиз қадимги туркий тилдаги расмий битигларга, қолаверса, илк ўрта асрлардан қолган ҳужжатларга нисбатан қўллаш ўзини оқламайди, назаримизда. Сабаби, ўша давр ҳужжатларида, юқорида расмий услубга тегишли деб қаралаётган белгилардан ташқари, оғзаки услубга, бадий матнларга хос воситалар ҳам учраб туради. Битувчи-котиблар фикрни теран англатиш, унинг таъсирини кучайтириш, васиқани мазмунли ва ширали баён қилиш, матн услубининг силлиқ ва оҳангдор чиқиши учун, ўрни билан, бадий воситалардан ҳам фойдаланган. Бир сўз билан айтганда, ҳужжатлар услубига оғзаки, сўзлашув услуби билан бир қаторда, бадий тафаккурнинг, бадий услубнинг, қадимги туркий адабиётнинг таъсири бўлган.

Шундай қилиб, расмий ҳужжатларда, ўрни билан, фикр ифодаси билан боғлиқ ҳолда оғзаки ва бадий услубга хос бўлган сўз ҳамда жумлалар, жуфт сўзлар, синтактик параллелизмлардан ҳам фойдаланилган. Улар расмий матнга бадий бўёқ бериши билан бир қаторда, юридик кимсалар нутқининг жонли, таъсирли ва мазмунли чиқиши, ҳаққонийлигини таъмингашга хизмат қилади. Ўз ўрнида, матннинг сиёсий-психологик қувватини ҳам таъминлайди. Бу ҳодисани эски туркий, хусусан, туркий ёзма адабий тил тарихидаги услублар синкретизми сифатида баҳоламоқ керак.

Битиглар орасида Кўни Қуз отли хўжайиннинг Бурхан Қули отли қулига берган васиқаси бор (QUV,312–315,444; ТҲ.30). Унда хўжайиннинг ўз қулига эрк ҳужжати (*boš bitig*) берганлиги тўғрисида сўз боради. Матндан ўқиймиз:

- (1) Taqiyü yil, üçünç ay, iki yañıqā men
- (2) Köni Quz ayır igkā tegip, ölüp yitip
- (3) barıay-men tep, Şıñuy tutuñ begkā,
- (4) küdägüm Likäkā keñäşip aytışip,
- (5) Gāñsidā tuymış Burxan Qulı atlıy
- (6) oyulanqa ögkā qañqa buyanı
- (7) tegsün tep boš bitig berdim.
- (8) Bu күntä minča Burxan Quliniñ ya
- (9) örü tayqa, qudı quumqa barsar,
- (10) öz köñülinčä buyan berip yorisun.

Энди матн семантикасига эътибор қаратайлик.

2-3- қаторларда кечган: *ayır igkâ tegip, ölüp yitip baryay-men tep* жумласи «оғир дардга чалиниб, ўлиб-йитиб кетсам, ишим чала қолмасин, деган хавотирда» англамидадир..

6-7- қаторлардаги: *buyanı tegsün tep* – «савоби тегсин дея» маъноси билдиради; *buyan* (<скр. *punya*) – «савоб; эзгу, савобли, ҳайрли иш» (ДТС,120).

8-10- қаторларда: *Bu küntä minča Burхан Qulininḡ ya örü tayqa, qudi quimqa barsar, öz köḡülinčä buyan berip yorisun.* Ушбу мисолимиздаги *örü tayqa, qudi quimqa barsar* бирикмасидаги *örü tay* – «юқори тоғ» ҳамда *qudi quim* – «қуйи қум», уларни ўзаро қаршилантириш йўли билан бадий санъат ҳосил қилинмоқда; «юқори тоққа (борадими), қуйи қумга борадими» деган маънода, яъни «истаган ерида; ҳамма ерда» англамида келган. Фикрни бу тарзда ифодалаш расмий битиглар услуби учун ғайри-одатий, лекин матннинг таъсирини ошириш, ифода бадийлигини таъминлаш, «эркинлик» тушунчасини теран англантиш мақсадида ана шу ибора қўлланилган. Шуларни кўзда тутган ҳолда, юқоридаги матнни қуйидагича талқин қилиш мумкин:

(1) Товуқ йил учинчи ойнинг иккинчи кунда мен

(2) Кўни Қуз оғир касалликка чалиниб, ўлиб-йитиб

(3) қолмайин дея Шингуй тутунг бег,

(4) куёвим Лика билан кенгашиб-сўзлашиб,

(5) Гангсида туғилган Бурхан Қули отли

(6) ўғлонга (қулга), онамга-отамга савоби

(7) тегсин деб, эрк хужжатини бердим.

(8) Бугундан бошлаб Бурхан Қулининг (эрки ўзида),

(9) юқори тоққа (борадими), қуйи қумга борадими,

(10) ўз кўнглича йўл тутсин, савоб учун юраверсин.

Бошқа бир мисол. Қонунга қўра, ҳар қандай берим кафолатлануви, олинган нарса олувчининг ўзи ёки унинг яқинлари томонидан албатта қайтарилмоғи керак. Буни ихчам ҳам таъсирли қилиб ифода этиш учун бадий ифодага мурожаат этилади. Бирор нарсани қарзга берув хужжатларида *berginčä yoq bar bolsar-men* деган стереотип, шунинг билан бирга, бадий бўлган жумлага кўзимиз тушади. Бу жумла «қарзни бергунча борман-йўқман, беролмасам (қарзни узолмасам)» деган маънони билдиради. Масалан, Берлин фондида сақланаётган Т.М.222 кўрсаткичли Булмиш отли кишининг солиқ тўлаш мақсадида Қара Ўғулдан қарзга олган кумуш танга учун берган тилхатида бу ҳолат шундай кафолатланган: *Asiyi bilä köni berür-men. Berginčä yoq (ba)r bolsar-men kišim Tüzüg*

köni (b)ersün. Маъноси: «(Кумушни) фойдаси билан тўлиқ қайтараман. Бергунча йўқ-бор бўлсам (борман-йўқман) хотиним Тузуг тўлиқ берсин» (ТХ,29,5–8). Бу ўринда беримчи беримни тишиси (хотини) Тузугни ўртага қўйиб кафолатламоқда.

Қул ёки жорияни бирор нарса эвазига айирбошлангани тўғрисидаги васиқаларда қулнинг кейинги эгасига бериладиган эркинлик ҳам белгилаб қўйилган. Қулни ўзига олаётган киши «минг йил, туман кунга қадар унга эгалик қилсин» (*miñ yil, tümän künkä tegi egälik bolsun*) деб кўрсатилади ҳужжатларда ушбу ҳолат. Бу жумладаги «минг йил, туман кун» ибораси «қул ўлгунча, умр бўйи» деган маънодадир.

Яна бир жиҳати, қулнинг кейинги эгаси ҳам олган қулини сотиб юбориши мумкин. Бунинг сингари ҳолатлар ҳам қулни сотиш ёки айирбошлаш ҳужжатида қайд этиб қўйилган. Унга эгалик қилувчи киши «истаса ўзи тутсин, истамаса, бошқа бировга ўтказиб сотсин» (*taplasar, özi tutsun, taplamasar, adin kişikä ötkürü satsun*) дея таъкидланади битигларда.

Васиқаларда, ўрни билан, кўчма маъноли, экспрессив бўёқли сўзлар ҳам учраб туради. Берлин фондида Т.М.95 (U 5235) кўрсаткичи остида сақланаётган ҳужжатда (ТХ,2) Қуғдамуни Тамуйга бўз керак бўлиб Алпиш исмли кишидан эллик тош бўз олгани ва унинг эвазига ўз қул-бачасини бергани тўғрисида сўз боради. «Алпишдан эллик тош бўзни қўлимга олиб, (эвазига) ўзимнинг Юнгчи отли ўн уч яшар қулимни Алпишга узил-кесил сотдим (алмашдим)» (*Alpištīn elik taš bōz eligtā alip, özümnīñ Yūñçī atliḡ on ūč yašar er ulannī Alpišqa tuḡru tomlītu satdīm*) дея таъкидланади битигда (ТХ,2,3–7). Матнда келган *tuḡru tomlītu satdīm* – «бутунлай сотдим; узил-кесил сотдим; уни рози қилиб сотдим» англамларидадир. Чоғиштиринг, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида: *tumlitti~tumluttī*: 1) *ol suw tumlitti* – «у сув ва бошқа нарсаларни яхлатди»; 2) *ol anin köñülin tumluttī / tumlitti* – «у унга ғазаб қилди; унинг кўнглини совутди, ҳатто уни ҳафа қилиб қўйди» (ДЛТ,316). Биз айтмоқчи бўлганимиз, ҳужжатда кечган *turḡu tomlutu* бирикмасида ҳам кўчма маъно бор.

Шунингдек, ҳужжатларда синтактик параллелизмлар, аллелтерация сингари бадий воситаларга ҳам мурожаат этилади. Айрим жумлалар сажда.

Эски ҳужжатларда расмий ва бадий услубларнинг қоришиқ ҳолда учраши туркий расмий услубнинг тўла шаклланиб улгурмаганидан эмас, аксинча, унинг ўта тараққий этгани, фикрни ифодалаш, ҳужжатнинг расмийлигини таъминлаш имкониятлари ниҳоятда кенглиги, васиқа битувчилар сўз устаси сифатида улардан билимдонлик билан фойдалана олганидан далолат беради.

Васиқаларда ишлатилган бадий стереотиплар интерпретацияси

«Стереотиплар» деганда ёзма ёдгорликлар тилида воқеа-ҳодисалар баёни, фикр ифодаси билан боғлиқ ҳолда тез-тез қайталаб турувчи сўзлар, сўз бирикмалари ва жумлалар тушунилади. Стереотиплар бадий матнларда ҳам, расмий ҳужжатларда ҳам ишлатилади. Лекин ҳар икки ҳолатдаги вазифаси бошқа-бошқа. Чунончи, бадий адабиётда қўлланивчи стереотиплар бадий бўёққа эга; уларда кишилиқ турмуш тарзи ва воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабат бадий услубда баён этилади. Улар бадий тафаккурнинг маҳсули бўлиб, асар бадийлиги, баён тарзининг таъсирчанлигини оширишга ишлайди. Масалан, урхун битигларида хоқоннинг қудрати, давлат ишларини билим ва адолат билан бошқараётгани таърифланганда *qayani alp ermiş, ayuüçisi bilgä ermiş* (хоқони алп экан, маслаҳатчиси доно экан) жумласи ишлатилади.

Ёки Кул тигин ва Билга хоқон битигида юрт эгаси ўзининг эл равнақи, улус фаровонлиги йўлида олиб борган эзгу ишларини таърифлаб, ўз ютуқларидан фахрланиб, *çıyan bodunuç bay qiltim, az bodunuç öküş qiltim* (йўқсил халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим) жумласини қўллайди. Битигларда тез-тез учраб турувчи *tört buluñ qor yağı ermiş* (тўрт томон бутунлай душман экан) жумласи мамлакат танг аҳволда экани, тўрт ёқдан қуршовда қолинганини англатади. Қўшиннинг қудратли юриши, аёвсиз жанглар, ёв устидан қозонилган зафарлар баёнида *elligig elsirätдимиз, qayanlıyü qayansirätдимиз, tizligig sökürtимиз, başlıyü yüküntürtимиз* (эли борни элидан айирдик, хоқони борни хоқонидан айирдик, тиззаси борни чўқтирдик, боши борни юкунтирдик) жумласи ишлатилган ва б.

Ҳужжатлардаги стереотипларнинг мазмуни ва вазифаси булардан бир оз фарқ қилади. Улар мазмуни ва вазифасига кўра икки хил.

Биринчиси, *ҳужжатнинг тузилиши, матн компонентлари билан боғлиқ ҳолда шаклланган стереотиплар*. Масалан, олди-берди васиқалари ҳужжатнинг тузилган санаси, қарз олинишининг сабаби, кимдан ва қанча қарз олинаётганлиги билан бошланади. Якунида эса олди-бердини кузатиб турган гувоҳлар, васиқадаги белги-тамғаларнинг кимга тегишли эканлиги ва ҳужжатни ким тузганлиги қайд этилади. Стереотиплар ҳам ана шунга мос ҳолда шаклланади. Бундай стереотиплар, хабарнинг аниқ ва лўндалигини таъминлайди, матннинг расмий мавқеини ошириб, ҳужжат қолипининг шаклланувига хизмат қилади.

Иккинчиси, *фикр ифодаси, баён тарзи билан боғлиқ ҳолда шаклланган стереотиплар*. Матн битувчи фикр ифодаси учун нутқ жараёнида

ишлаб чиқилган, тилда мавжуд бўлган тайёр қолип бирикмалардан фойдаланади. Уларнинг эмоционал бўёғи ҳам, таъсири ҳам кучли.

Васиқаларда оғзаки ва бадий услубга хос бўлган стереотип жумлалар тизими амал қилади. Улар расмий матнларга бадий бўёқ бериши билан бир қаторда, юридик кимсалар нутқининг таъсири ва мазмунли чиқиши, ҳаққонийлигини таъмингашига хизмат қилади.

Бундай стереотиплар матнда расмий ва бадий услуб синкретизми-ни юзага келтиради.

Қуйида васиқаларда кечган бадий стереотипларнинг айримлари ва уларнинг услубий, бадий-эстетик вазифаларини кўриб чиқамиз:

berginčä yoq-bar bolsar-men

Бу ифода «қарзни бергунча борман-йўқман, беролмасам (қарзни узолмасам)» деган маънони билдиради. Қонунга кўра, ҳар қандай берим кафолатлануви керак. Ана шундай ҳолатни расмийлаштириш учун ҳужжатда айни жумла ишлатилади.

Туркшуносликда *yoq-bar bol-* ёки *bar-yoq bol-* ифодаси «ўлим» билан боғлиқ эканлигини кўпчилик эътироф этган. Бироқ, бу масалада бошқача қарашлар ҳам бор.

Жумладан, япон олими М. Морининг таъкидлашича, *yoq-bar bol-* ифодаси «ўлим»ни эмас, қарз тўлаш чоғида беримчининг «бу ерда бўлмайдими қолиш эҳтимоли»ни, яъни унинг ўлиб кетиши эмас, балки қарзни тўламай, қочиб кетиши ёки бу ердан кўчиб кетишини назарда туттади. Ушбу ифоданинг бошқа ҳужжатларда *ičtin-taštın bol-*, *örü-qudı bol-* сингари парадигматик қаторларда келишига таяниб, олим ана шундай хулосага келган (Тугушева 1975,32).

Кейинги чоғларда М. Морининг ушбу хулосаси фанда оммалаша бошлади. Тўғри, ушбу ифодаларда ҳар қандай шароитда қарз албатта қайтарилиши кафолатланган. Лекин бу ифоданинг ҳар учала вариантини бир маънога бирлаштириш уқадар тўғри эмас, назаримизда; уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос маъноларга эга. Шу ўринда ушбу ифоданинг ҳар учала кўриниши ва уларнинг маъноларини кўриб чиқамиз.

bar-yoq bol- ва унинг маъноси:

Ҳозирги ўзбеклар *Беш кунлигим борми-йўқми?* деймиз, бунда, табиийки, «ўлим» назарда тутилади. Ёки узоқроқ вақт тўғрисида сўз кетганда: *Унгача ким бор-ким йўқ?* дейилади. Бунинг: *Унгача нима гап-нима сўз?* варианты ҳам бор. Бу жумлаларнинг барида кишининг ўлими кўзда тутилади. Шуларга таяниб, васиқаларда кечган *bar-yoq bol-* ни ҳам кишининг ўлимига боғлаган маъқул. Бу ўринда *bar bol* – «бор бўлмоқ;

яшамоқ»; чоғиштиринг, ўзбекчада *бор бўлинг* – «яшанг» дегани; *yoq bol* – «йўқ бўлмоқ; ўлмоқ»; *bar-yoq bolsar-men* деганда «(мабодо) ўлиб кетсам» деган маъно англашилади.

Масалан, Қайимтудан тарик олинганлиги тўғрисидаги васиқада: *Berginčä bar-yoq bolsar-men, inim Barčaqi ani tegilär bilä köni bersünlär.* – «Бергунча бор-йўқ бўлсам [борман-йўқман], иним Барчақи уни укалари билан қайтарсинлар» (ТХ,12.8–10).

örü-qudī bol- ва унинг маъноси:

П. Займе *örü-qudī* ни қутбларга (Жануб ва Шимолга) нисбат берган, яъни матндаги *örü-qudī bolsar-men* бирикмасини «Жанубда бўламанми, Шимолда бўламанми, (қатъи назар)» дея талқин қилган (УДД,3а.4: 41, *икки юлдузли изоҳга қаранг*).

Бунда у *örü tayqa, quđi quimqa bar-* бирикмасидаги *örü tayqa* ни «жанубга» деб тушунган, шунга боғлиқ ҳолда, *örü* ни ҳам «жануб», унинг антоними бўлмиш *quđi* ни эса «шимол» дея талқин қилган.

Таъкидлаш жоизки, ёзма манбаларда *tay* сўзи шимолга нисбатан ҳам ишлатилган: *öñdün yïñaq* – шарқ, *kündün yïñaq* – жануб, *kedin yïñaq* – ғарб, *taydïn yïñaq* – шимолни англатади. Масалан, Сада отли кишининг Сўлда оғадан бўз олгани ва эвазига ўз узумзорини сотганлиги тўғрисидаги васиқада: *Bu borluqnïñ sičisi: öñdünü Qara Temürniñ borluq adïrar; kündünü yïñaq sičisi ögän adïrar; kedin yïñaq sičisi ögän-ök adïrar; taydïn sičisi Suriqa tegmiš borluq adïrar.* – «Бу узумзорнинг чегараси: шарқдан Қара Темурнинг узумзори айиради; жануб томондаги чегараси ўзанга тақалади; ғарб томондаги чегараси ҳам ўзанга тақалади; тоғ томондан яъни шимолдан чегараси Сурига теккан узумзор айиради» (ТХ,22.6–9).

Шимолга нисбатан *tay* сўзининг ишлатилиши, ҳарқалай, Турфонликларнинг тасаввури билан боғлиқ. Чунки Турфон воҳасининг шимол тоғлар билан ўралган.

Васиқаларда кечган *örü tayqa, quđi quimqa barsar* жумласини кўзда тутадиган бўлсак, бу жумлада «шимол» ва «жануб» тушунчаси йўқ. Ундаги *örü tay* – «юқори тоғ» ҳамда *quđi quim* «қуйи қум» ифодаси «тўрт томон; ўзи истаган ер» маъносида; «юқори тоққа (борадими), қуйи қумга борадими», яъни «истаган ерида; ҳамма ерда» англамида келган.

Мана унинг мисоли: *Bu күntä minča Burhan Quliniñ ya örü tayqa, quđi quimqa barsar, öz köñülinčä buyan berip yorisun.* – «Бугундан бошлаб Бурхан Қулининг (эрки ўзида), юқори тоққа (борадими), қуйи қумга борадими, ўз қўнглича йўл тутсин, савоб учун юраверсин» (ТХ,30.8–10).

Ушбу мисолимиздаги *örü tayqa, quđi quimqa barsar* бирикмасидаги *örü tay* – «юқори тоғ» ҳамда *quđi quim* – «қуйи қум», уларни ўзаро қар-

шилантириш йўли билан бадий санъат ҳосил қилинмоқда; «юқори тоққа (борадими), қуйи қумга борадими» деган маънода, яъни «истаган ерида; ҳамма ерда» англамида келган. Фикрни бу тарзда ифодалаш расмий битиглар услуги учун ғайри-одатий, лекин матннинг таъсири-ни ошириш, ифода бадийлигини таъминлаш, «эркинлик» тушунчаси-ни теран англатиш мақсадида ана шу ибора қўлланилган.

Шунинг сингари, *örü-qudī bol-* ифодасида ҳам «жануб» ва «шимол» тушунчаси йўқ.

Васиқаларда кечган *örü-qudī bol-* ифодаси, бизнингча, икки хил маънони англатади. Биринчиси, «қашшоқлашиш»ни билдиради: *örü* – асли «юқори», кўчма маънода бойликка нисбатан ишлатилади; *qudī* – асли «қуйи», кўчма маънода қашшоқликка нисбатан ишлатилади. Васиқаларда *Berginčä örü-qudī bolsar-men* деган шаклда келади. Бу жумла «(қарзни) бергунча қашшоқлашиб қолсам ҳам, уни тўлашни кафолатлайман» деган маънони англатади (ТҲ.52- *васиқанинг изоҳига қаранг*).

Иккинчиси, «ўлим» маъносида: *örü bol* – «юқорилашмоқ», яъни «яшамоқ»; *qudī bol* – «қуйи бўлмоқ; инмоқ», яъни «ўлмақ»; *örü-qudī bolsar-men* – «(мабодо) ўлиб кетсам / борман-йўқман» дегани. Матн ҳам шунга яраша талқин қилинади.

Мана мисоли: *Berginčä örü-qudī bolsar-men, inim Bilär köni bersün.* – «Бергунча юқори-қуйи бўлсам [яъни борим бор, йўғим бор / бой ёки қашшоқ бўларман / бирор қорихол бўлса], иним Билир албатта қайтарсин» (ТҲ.52.5–6).

ičtin-taštīn bol- ва унинг маъноси:

Ифоданинг бу вариантыда ҳам «ўлим» маъноси йўқ: *ičtin* – «ичкарида», яъни «ўз уйимда»; *taštīn* – «ташда, ташқарида», яъни «узоқроқ бир ерда»; *ičtin-taštīn bol* – «узоқ ерда бўлмоқ» маъносида ишлатилади. Матнларда *Berginčä ičtin-taštīn bolsar-men* шаклида ишлатилган, бу «(қарзни) бергунча узоқ юртларга кетиб қолгудек бўлсам» деган маънони англатади. Беримчи бирор сабаб билан кўчиб кетадими, қочиб кетадими, қатъи назар, қарзни тўлаш мажбуриятини олганда, ана шу жумла ишлатилади.

Масалан, Булмиш отли кишининг Кўсунчидан кумуш қарз олганлиги тўғрисидаги васиқада: *Berginčä ičtin-taštīn bolsar-men, inim Ayqt(a)čī (?) köni bersün.* – «Бергунча ичкарида ё ташқарида [ўз уюмда ё ташда – узоқ жойларда] бўларман, иним Айқтачи (?) албатта қайтарсин» (ТҲ.53.5–6).

Демак, *bar-yoq bol-* / *örü-qudī bol-* / *ičtin-taštīn bol-* бир қолипдаги ифодалар бўлишига қарамай, учаласи уч хил маънода ишлатилади: шулардан *bar-yoq bol-* «ўлим»га ишора қилади; кейингиси «бойлик ва

қашшоқлик», бир пайтнинг ўзида, «ўлим»га ҳам ишора қилади: *ögü-qudî bol-* «ҳеч вақосиз қолмоқ; қашшоқлашмоқ» ҳамда «ўлиб кетмак» дегани; сўнги *içtin-taştin bol-* «бу ерда яшамаслик; узоқ юртларга кўчиб кетиш» маъносидадир. Лекин ҳар учаласи ҳам, олинган қарз тўла-тўқис кафолатланувини билдиради.

Ушбу ифодаларни талқин қилишда, уларнинг асосини буддизм таъсирида бошқа халқлардан ўтган дея қарамаслик керак. Улар қадимги туркий тилнинг ички имкониятлари, туркий халқларнинг миллий минталитети, ўз қарашлари таъсирида шаклланган.

erklig beg işin-küçin tutup

Жорияни сотиб, ўрнига бўз олинганлиги тўғрисидаги васиқада *Erklig beg işi, elçi-yalawaç küçin tutup*, деган жумла ишлатилган (ТҲ.23.18–19). Бу жумладаги *beg işi* ни С.Е. Малов *beg eşi*, яъни «бекнинг хотини» деб тушунган, шунинг учун бу жумлани русчага: «Если же кто, употребив силу влиятельного бега и жены его, посланников и вестников ...» дея таржима қилган (Малов 1951,213). Аслида эса бу мисолдаги *işin-küçin* – жуфт сўз, «хукми; қудрати» маъносида. Шунга кўра, ушбу жумлани: «Хукмдор бекнинг, элчининг куч-қувватига таяниб» деб талқин қилинса, тўғри бўлади.

Қадимги кўк турк битигларида бу бирикма *isig küçüg bir-*, яъни «ишини кучини бермак» шаклида кенг қўлланилган. Поэтик маъноси «меҳнатини сингдирмоқ; кучини бермак» дегани. Муҳими шундаки, ушбу стереотип бирикма икки хил ўринда ишлатилади: биринчиси, «ёвга бўйинсуниш, унинг меҳнатини қилиш». Бу – қарамликнинг аломати. Мана мисоли:

Türük bâglâr türük atin itî tabyaçyi bâglâr tabyaç atin tutipan tabyaç qa-yanq[a] körmis. Âlig yil isig, küçüg birmis. – «Турк беклар туркча отини кўйиб, табғачлик бекларнинг табғачча отини қабул қилиб, табғач хоқонга қарам бўлди. Эллик йил меҳнатини, кучини берибди» (К.7–8).

Ёки: *Nâ qayanqa isig, küçüg birür-mân? – tir ärmis. Ança tip tabyaç qayanqa yaui bolmîs.* – «Не хоқонга меҳнатимни, кучимни беряпман?» – дер экан. Шундай деб табғач хоқонига ёв бўлибди» (К.9).

Иккинчиси, ижобий маънода – «юрт фаровонлиги учун, унинг ободлиги, равнақи учун тер тўкиш». Мана мисоли: *Isig küçüg birür bunça törüg qazyanıp inim Kül tigin özi ança kârgâk boltî.* – «Меҳнатни, кучни берувчи шундай ҳокимиятни қозониб, иним Кул тигин (Яратганнинг Ўзига) керак бўлди [яъни вафот этди]» (К.30).

miñ yil, tümän kün

Ушбу бирикмадаги *tümän* – ўн минг, *tümän kün* – ўн минг кун.

Маҳмуд Кошғарий *tümän* сўзининг бадийй функциясини яхши кўрсатган. Унинг ёзишича: *tümän* – ҳар нарсанинг кўпи; *tümän-türlüg sözlädi* – «ҳар хил сўзлар сўзлади; турли-туман сўзлади»; *tümän miñ* – «минг-минг, минг туман, минг марта минг, бир миллион»; *tümän miñ yarmaq* – «бир миллион танга» (ДЛТ,161).

Саноқда *tümän*, *miñ* энг йирик сонлардир. Улар вақтни англатувчи *kün*, *yil* сўзлари билан келганда давр узоқлигини билдиради. Шунинг учун ҳам бадийй адабиётда, вақт узоқлигини таърифлаш учун улардан кенг фойдаланилган. Битигларда кечган *miñ yil, tümän kün* бирикмаси вақтга нисбатан «доимий; умрбод, бир умр» маъноларини англатади.

miñ yil, tümän kün бирикмаси кўк турк ёзувли битигтошларда ҳам ишлатилган. Жумладан, уйғур хоқонлигининг ҳукмдори Мўюн-чўр шарафига ўрнатилган битигда яхши бир мисол бор (Малов 1959,30–44). Битигда 750 йил воқеалари тўғрисида сўз борар экан, Мўюн-чўр тилидан: «Ўша йили ... оқ ўрда чодирини тиктирдим, мудофаа деворларини қурдирдим, ёзни ўша ерда ўтказдим, ўша ерда тангрига ибодат қилдим, туғроимни, битигимни, (тузугимни) ўша ерда яраттирдим (*belgümin-bitigimin anta yaratitdim*)» дея таъкидланади. Кейинги йил воқеалари баёнида ҳам шунга яқин мазмунли жумлаларни ўқиймиз: «Ўшанда ғарбда Идуқ башда, Ябаш ва тўқуш (дарёларининг) куйилишида ёзни ўтказдим. Ўша ерда саройимни қурдирдим, мудофаа деворларини ўша ерда қурдирдим, минг йиллик, туман кунлик битигимни-тузугимни ўша ерда ясси тошга яраттирдим (*biñ yilliq tümän künlik bitigimin belgümin anta yası taşqa yaratitdim*)» дейилади битигда (матннинг 19–22- қаторларига қаранг).

Сўнгги мисолда кечган *bitig-belgü* – «давлат тузуги; низоми» маъносини билдиради; *biñ yilliq tümän künlik bitigimin belgümin* дейилганда минг йиллик ёзувларга, ўтмиш анъаналари таъсирида шаклланган тузукка ишора этилмақда.

miñ yil, tümän kün бирикмаси қулни сотиш, ер-жойни бирор кимсга ўтказиш билан боғлиқ ҳолда тузилган васиқаларда ҳам ишлатилади. Эндиги ер ёки қул эгасининг ҳуқуқини кафолатлаш, бундан буёғига ўла-ўлгунча унга эгалик қила олувини таъкидлаш учун ана шу жумладан фойдаланилади.

Мана бунинг мисоли: *Bu tört siçiliy borluq üzä miñ yil, tümän künkä tegi Basa Toy[r]il erklig bolsun.* – «Бу тўрт чегара оралиғидаги узумзорга минг йил, туман кунга қадар Баса Тўғрил эгалик қилсин» (ТХ.48.11–12).

yasadaqı qınqa tegsünlär

yasadaqı qınqa tegsünlär жумласидаги *yasa* – хукуққа тегишли атама, давлатнинг бош қонуни; *qın* – «қийин-қистов; жазо» маъносидадир. *Qına*- феъли ана шу сўздан ясалган бўлиб, «қийнамоқ; жазо бермоқ» маъноларини англатади. Маҳмуд Кошғарий луғатида: *beg anı qınadı* – «бек уни қийнади, исканжасига солди»; *Tāñri anı qınadı* – «Тангри таоло унга жазо берди» (ДЛТ,417).

tegsünlär – сўзма-сўз «тегсинлар; етишсинлар» (*teg*- феълидан), лекин бу ўринда «тортилсинлар; маҳқум этилсинлар» дегани, яъни ушбу жумладан «давлат қонунидаги жазога тортилсинлар» англашилади.

Қайтсу тудунгнинг Чинтсу Шиладан қарз олиб, эвазига ўз боласини унга ўғилликка топширганлиги тўғрисидаги васиқада келгусида тўланган қарзга ҳеч кимса даъво қила олмаслиги, битимни бузиб, даъво қилғудек бўлса, ўша кимса давлат қонунидаги жазога тортилажаги таъкидланган. Васиқадаги бу жумла ўғил эвазига қарз берувчи Чинтсу Шиланинг тилидан берилади.

Мана ўша сатрлар: *Men, Ćintsu ayayqa tegimligniñ eĉim, inim, oylum, qam-qadařim almasun, tartmasun. Apam bir-ök ilgäli-tartyali saqinsar, sawlari yorimasun. Yasadaqı qınqa tegsünlär.* – «Мен, хурматга сазовор Чинтсунинг оғам, иним, ўғлим, қавм-қариндошим тортиб олмасин. Агар бирор кимса тортиб олишни хаёл қилса, сўзлари ўтмасин. Давлат қонунидаги жазога тортилсинлар» (ТХ,42.6–10).

tört yoli boř

Ушбу бирикмадаги *tört yoli* – «борадиган тўртала йўли, тўрт тарафи» маъносида; *boř* – «бўш, очиқ; эркин» дегани; бу сўз «эркинлик; озодлик» англамини таъминлайди; *tört yoli boř* – «тўртала йўли очиқ» / «тўрт тарафи очиқ», яъни «истаган томонига кетиши мумкин; ўз истагича яшаши мумкин» деган маънода ишлатилади.

Bu Tıtsu atl(i)γ oyul Ćintsu ayayqa tegimligkä bar erginĉä kōnin piřiyin tapinip, ayayqa tegimligtä kin tört yoli boř, öz kōñülinĉä barsun. – «Бу Титсу отли ўғил хазрат Чинтсуга бор эканида [яъни унинг кўзи тириклигида] чин пишиғ хизматини қилиб, ул хазратдан кейин тўрт йўли очиқ, ўз истагича кетсин» (ТХ,42.4–6).

Қадимги туркий адабиётда томон билан боғлиқ бўлган *tört buluñ* тушунчаси ҳам бор. Бу ўринда *buluñ* – «тараф, томон» маъносида; *tört buluñ* – «тўрт томон; тўрт кутб; ўраб турган тарафлар» дегани. Бу бирикма мамлакат танг аҳволда эканлиги, халқ ёв қуршовида қолганлиги таърифида ишлатилади. *Tört buluñ qor yayi ermis, sü sülapän, tört*

bulunđaqi bodunuy qor almıs, qor baz qılmıs. – «Тўрт томон бутунлай ёв экан, қўшин тортиб, тўрт тарафдаги халқни бутунлай олибди, бутунлай бўсундирибди» (К.2).

boş сўзи қадимги туркий тилда бир қанча маъноларда ишлатилган. Масалан, унинг «Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган маънолари:

«озод, эркин»: *boş kişi* – «озод киши»;

«ажралган, эрдан чиққан»: *boş urayut* – «эридан ажрашган хотин»;

«ишдан бўшаган»: *boş elig* – «ишдан ва молдан бўшаган қўл»;

«юмшоқ, бўш»: *boş et* – «юмшоқ гўшт»; «юмшоқ ер»га ҳам шу сўз қўлланади;

«бўшатирилган, бўш қўйиб юборилган»: *boş at* – «бўш қўйиб юборилган от»;

«холи қилинган, бўшатирилган»: *boş ew* – «бўшатирилган уй». Нарсадан бўшатирилган идиш ёки жилдларга ҳам *boş* сўзи қўлланади (ДЛТ,365).

Ундан ясалган *boşu-* феълининг эса қўйидаги маъноларини берган:

anıñ özi boşudı – «унинг ичи бўшалди, равонлашди».

tügün boşudı – «тугун бўшаброқ қолди».

at boşudı – «от боғловидан ечилди, бўшалди».

xan yalavaçıy boşudı – «хон мамлакатиға қайтиш учун элчига рухсат берди».

er urayutın boşudı – «эр хотинини талоқ қилди, ажрашди» (арғуча). Бу феъл ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиздир. Бу феълнинг келаси замон шакли *boşur*, масдари *boşurtaq* бўлади (ДЛТ,415).

Муаллиф *boş* сўзининг биринчи маъносидан ясалган *boşatti* феълини «бўшатди, озод қилди» маъносида берган: *ol bulunuy boşatti* – «у асирни бўшатди». Бошқа бировдан бирон кимсанинг, бирор нарсанинг кутқазилишига ҳам шу сўз қўлланади (ДЛТ,304).

Яна қиёсланг: *ol urayut boşatti* – «у хотинни қўйди» (арғучадир) (ДЛТ,304). Ёки бошқа бир мисол: *urayut boşandı* – «хотин талоқ қилинди» (арғучадир). Муаллифнинг ёзишича, бу мўътабар эмас. Бу сўзнинг келаси замон шакли *boşanur*, масдари *boşanraq* дир (ДЛТ,250).

boş сўзи сифат вазифасида «бўш, лапашанг» маъносида: *бўш ўғил*; «юмшоқ» маъносида: *бўш хамир*; феъл бўлиб келганда «эркин, озод» маъносида: *ишдан бўшмисан?* ҳозир ҳам ишлатилади.

boşa- феъли эса ҳозирги ўзбекчада «ишдан кетди»: *ишдан бўшади*, шунингдек, «озод бўлди; эркин бўлди»: *дарсдан бўшади*; *қўли ишдан бўшади* шаклларида ишлатилади.

Ҳозирги ўзбек тилида *boş* сўзи «талоқ» маъносида ишлатилмайди. Бу маънода *хотинини қўйди, талоқ қилди, ажрашди* дейилади. Қадимги туркий тилдаги *boş urağut* ўрнида эса *тул хотин, бева хотин* ишлатилади.

taplasar, özi tutsun, taplamasar, adin kişikä ötkürü satsun

Ушбу жумладаги *tapla-* феъли «истамоқ, ҳохламоқ; унамоқ» маъноларини билдиради. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида: *ol tonuṭ tapladī* – «у тўн ва бошқа нарсаларни қабул қилди ва ундан рози бўлди». Муаллифнинг кўрсатишича, унинг келаси замон шакли *taplar*, масдари *taplamaq* бўлади (ДЛТ,423). Ёки «Қутадғу билиг»да:

*Köñül taplamadī bu işdin qaçar,
Köñül taplamaz işkă yaqsa, xaṭar.*

(Кўнгил истамаса, бу ишдан қочади,
Кўнгил истамаган ишга яқинлашиш хатардир) (QBQ.112b.5).

özi tutsun – «ўзи тутсин; ўзи ишлатсин». Бу ўриндаги *tut-* «тутмоқ, ишлатмоқ» маъносидадир. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам *tut-* феълининг «ишлатмоқ» маъноси бор, бу сўз кўпроқ нарса-буюмга нисбатан ишлатилади. Чоғиштиринг, *чўмични тутди* – «чўмични тутди / чўмични ишлатди» дегани.

ötkürü satsun – «ўткариб сотсин; сотиб юборсин» деган маънодадир.

Шулардан келиб чиқиб, *Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adin kişikä ötkürü satsun* жумласи «Истаса, ўзи тутсин, истамаса, бошқа кишига сотиб юборсин» деб ўгирилади.

Бу жумла ер-жой олди-бердиси, қўл остидаги қулини ўзга кимсага сотиб юбориш билан боғлиқ ҳолда тузилган васиқаларда бундан буёнги эркинлик унинг янги эгасига ўтганлигини кафолатлаш учун ишлатилади.

Мана васиқадаги мисоли: *Bu tört siçilīy borluq üzä miñ yil, tümän künkä tegi Basa Toy[r]il erklig bolsun. Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adin kişikä ötkürü satsun.* – «Бу тўрт чегара оралиғидаги узумзорга минг йил, туман кунга қадар Баса Тўғрил эгалик қилсин. Истаса, ўзи тутсин, истамаса, бошқа кишига сотиб юборсин» (ТХ,48.11–14).

Эски ҳужжатларда расмий ва бадий услубларнинг қоришиқ ҳолда учраши ёки юридик кимсалар нутқининг бу кўринишда уйғунлашуви туркий расмий услубнинг тўла шаклланиб улгурмаганидан эмас, ак-

синча, унинг ўта тараққий этгани, фикрни ифодалаш, ҳужжатнинг расмийлигини таъминлаш имкониятлари кенглигидан далолат беради.

Васиқаларда сўзловчи нутқи ва унинг берилиши

«Сўзловчи нутқи» дейилганда матн кимнинг тилидан битилганлиги тушунилади. Ўтмишда яратилган ёзма ёдгорликларда нутқ масаласига жиддий эътибор қаратилган. Жумладан, Иккинчи кўк турк хоқонлиги даврида яратилган Тўнқуқ битиги муаллифнинг ўз тилидан баён этилган. Ёки тарихчи ва адиб Йўллуғ тигин қаламига мансуб Кул тигин ҳамда Билга хоқон битигларида (биринчиси 732 йил, кейингиси 735 йил) матннинг катта бир қисми Билга хоқон тилидан баён этилади.

Расмий ҳужжатларда сўзловчи нутқи масаласи, ҳужжатнинг турига қараб, ажралиб туради. Жумладан, хон ва султонларнинг ёрлиқ ҳамда дипломатик мактублари уларнинг ўз тилидан тузилган (тўғрироғи, бахши ёки котиб уларнинг айтиб тургани бўйича ёзган).

Васиқалар эса бундан фарқли. Уларда нутқ матн компонентлари билан боғлиқ ҳолда танланади. Масалан, қулга эркинлик бериш васиқаларида матн, одатда, эркинлик берувчи кимса тилидан (нутқидан) тузилади. Ёки олди-берди ҳужжатларида матн беримчи тилидан (нутқидан); ерни сотиш васиқаларида эса сотувчи нутқидан тузилади. Лекин пулни ёки айирбошланаётган нарсани санаб олаётган олимчининг матн орасидаги сўзи, гувоҳларнинг ва хат битувчининг васиқа якунидаги сўзлари уларнинг ўз нутқидан келтирилади.

Матн битувчи, одатда, ерни ижарага ёки нарсани қарзга бераётган кимса, шунингдек, давлат идорасининг ходими, бирор ўқимишли киши бўлади. Матн, асосан, қарз олувчи тилидан ўқувчига қарата сўзланади. Турган гап, ҳужжат битишнинг жавобгарлиги бор. Бу нарса унинг хотимасида албатта қайд этилади: агар ерни ижарага ёки бирон нарсани қарзга бераётган кимса васиқани битган бўлса, охирида «мен битдим» ёки «менинг ўзим битдим» (*men özüm bitidim; meniñ özüm bitidim*) деб ёзиб қўяди. Мабодо, ҳужжат идора ходими ёки бошқа кимса тарафидан битилган бўлса, унда *Men, Misir, ayitip bitidim; Men, Torcī, aqa-inilārkā ayitip bitidim* сингари жумлалар билан якунланади. Бу жумла «Мен, Мисир, (қарз олувчининг) айтиб турган сўзлари бўйича ёздим»; «Мен, Тўрчи, оға-иниларнинг [яъни қарз олаётганларнинг] айтган сўзлари бўйича ёздим» деган мазмунни англатади.

Одатда, тарихий-бадий, диний-фалсафий асарларда, қиссаларда сўзловчи бирор кимсанинг айтганларини таъкидламоқчи бўлса, қў-

пинча кўчирма гап шаклида беради ва автор гапи *tedi; tep tedi* (деди; деб айтди), қаҳрамон хаёлидаги фикр бўлса, *tep saqinti* (деб ўйлади), кўчирма гап ўтинч мазмунида бўлса, *tep otindi* (деб ўтинди), хонларнинг буйруғи бўлса, *tep yarliqadi* (дея ёрлиқ берди) шаклларида яқунланади ва б. Қизиғи шундаки, биз сўз юритаётган ҳужжатларда нутқнинг берилиш усули бундан фарқли: матн қарз берувчи кимса тилидан битилаётганига қарамай, асосий қисмда, қарз берувчининг қарз билан алоқадор муҳим сўзлари, таъкидлари унинг ўз тилидан берилади. Бу нарсаларнинг бари ҳужжатнинг легитимлиги, ишончлилиги, ҳаққанийлигини таъминлашга хизмат қилган.

Ҳозирда Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида SI 4716 (SI 0/54) кўрсаткичи остида Қайтсу тудунгнинг Чинтсу Шиладан қарзга кумуш олиб, эвазига ўз ўғлини ишлаш учун топширганлиги тўғрисидаги васиқа сақланаётир (УДД, Ра41: 142-144,322; ТҲ,43). Ушбу васиқа мисолида сўзловчи нутқининг берилишини кўриб чиқамиз.

Матндаги сўзловчи нутқини белгилаш учун, бошлаб, ушбу битимга аралашаётган кимсалар аниқлаб олинмоғи керак. Масалан, ушбу васиқани тузишда қатнашаётган юридик кимсалар қуйидагилар:

(1) Чинтсу Шиладан кумуш қарз олиб, эвазига ўз ўғлини ишга топшираётган Қайтсу тудунг;

(2) Қайтсу тудунгга кумуш қарз бериб, эвазига унинг ёш ўғлини ишга ёллаётган Чинтсу Шила;

(3) Гувоҳлар икки киши: Қутадмиш Қая ва Сенгичун;

(4) Ҳужжатни тузувчи Буян Қая. Васиқанинг тартибли ва чиройли хат билан ёзилганига қараганда, ҳарқалай, бу кимса котиб ёки давлат идорасининг ходими (нотариус) бўлуви керак.

Муҳими шундаки, васиқани тузишда қатнашаётган кишиларнинг айтаётган сўзи ҳужжатни тузувчи Буян Қая тилидан эмас, уларнинг ўз тилидан (нутқидан) берилган. Бу нарса васиқанинг легитимлиги билан боғлиқ: матн компонентларининг олди-берди жараёнида қатнашаётган юридик кимсаларнинг ўз тилидан берилиши ваъданинг ҳаққонийлиги, ҳужжатнинг ишончлилигини таъминлайди. Яна расмий нутқнинг таъсири ҳам ошади.

Матн ўз мазмунига кўра қуйидаги компонентларга бўлинади:

Биринчи компонент: Қайтсу тудунгга олди-берди учун кумуш керак бўлиб, ўз ўғлини Чинтсу Шилага ишга топширганлигининг таъкиди:

Toғuz yil, aram ay, on yañıqqa meñä, Qaytsu tuduñqa yuñlaqlıy kümüş kergäk bolup, özümtä tuymış Tıtsu atl(i)γ oylumni Ćintsu Šılaqa üç yilliq tutquy berdim. – «Тўнғиз йили, арам ойининг ўнинчи куни менга, Қайтсу тудунгга ишлатиш учун [яъни савдо-сотикқа] кумуш керак бўлиб, ўзимнинг туққан Титсу отли ўғлимни Чинтсу Шилага уч йил муддатга ишлатиш учун бердим» (матннинг 1–4- қаторлари).

Иккинчи компонент: Қарзга олинаётган кумушнинг миқдори:

Tutquy kümüşin inča sözläšt(i)miz: on satır kümüşkâ tutquy berdim. – «Эвазига тўланадиган кумушни шундай келишдик: (ўғлимни) ўн сатир кумуш учун бердим» (5–6- қаторлар).

Учинчи компонент: Икки киши орасида кумуш олди-бердисининг бўлиб ўтганлиги:

Bu on satır kümüşni bitig qilmiş kün üzä men, Qaytsu tu(duñ) tügäl tartip aldım. – «Бу ўн сатир кумушни васиқа тузилган куни мен, Қайтсу тудунг тугал ўлчаб олдим» (6–8- қаторлар).

Men, Ćintsu Šıla, yemä bir eksügsüz tügäl berdim. – «Мен, Чинтсу Шила ҳам ҳеч бир камчиликсиз тугал бердим» (8–9- қаторлар).

Тўртинчи компонент: Ишга ёлловчи томонидан ўғилчага бериб туриладиган кийим-кечакларнинг сони ва тури:

Bu oγulq(i)yaqa bir yilta bir üm, köküsmäk, bir qay, bir uyuq ĉ(a)ruq, iki yilta bir ĉäkräk, üç yilta bir börk bilä berür-men. – «Бу ўғилчага бир йилда бир иштон, нимча, бир жуфт этик, бир жуфт чориқ; икки йилда бир пахта матоли кўйлак; уч йилда бир бўрк билан берурман» (9–12- қаторлар).

Бешинчи компонент: Ишга топширилаётган ўғилчанинг йўл кўяжак қилмишларига кимлар жавобгар экани:

Oγulq(i)ya Ćintsu Šilaniñ ewindäkilär bilä yoriḡ, oγri tew qilsar, tutquy qarḡu, yoq itük qilsar, men, Ćintsu Šıla başıña bolur. – «Агар ўғилча Чинтсу Шиланинг уйидагилар билан юриб, ўғрилиқ-эгрилик қилса, молдан юлиб, зиён етказса, мен, Чинтсу Шиланинг гарданимга бўлади» (13–15- қаторлар).

Yalıñuz yoriḡ, oγri tew qilsar, yoq-itük qilsar, men Qaytsu tu(duñ) başımqa bolur. – «Ёлғиз юриб, ўғрилиқ-эгрилик қилса, зиён етказса, мен Қайтсу тудунгнинг гарданимга бўлади» (15–16v- қаторлар).

Олтинчи компонент: Ўғилча касал бўлиб қолса, кимлар уни боқа- жаги:

İgläsär, yeti künki mün-aş men, Ćintsu Şila berür-men. – «Касал бўлиб қолса, етти кунлик қуюқ-суюғини [сўзма-сўз: шўрваси билан ошини] мен, Чинтсу Шида берурман» (17v–18v- қаторлар).

Yeti kündin keĉsär, men, Qaytsu tu(duŋ) egälär alip, kün eksükin köni berür-men. – «Етти кундан ўтса, мен, Қайтсу тудунг ҳар кунги чиқимини қоплаб, албатта тўлайман» (18v–19v- қаторлар).

Еттинчи компонент: Касал бўлиб ўлса, олинган қарзни ким ва қай миқдорда қоплаши:

İglär ölsär, yarim tawarī ölür, yarim tawarī tirilür. Tirildäçi tawar yana men Qaytsu tu(duŋ) üzä bolup, köni berür-men. – «Касал бўлиб ўлиб қолса, ярим моли ҳам ўлади [қарзининг ярми ҳисобдан чиқади], ярим моли қолади [ярми тўланади]. Сақланиб қолган моли яна мен, Қайтсу тудунгнинг елкамда бўлиб, (уни) аниқ тўлайман» (20v–22v- қаторлар).

Саккизинчи компонент: Уч йилга қадар васиқа ўз кучида қолажаги, битим бузилган тақдирда зиён учун тўланажак жариманинг миқдори:

Üĉ yil tügämäginĉä, öntürmäz-men. Apam öntür[ür]-men, tesär-men, bu kümüş-ök bermiş küntin berüki asiği bilä köni berür-men. – «Уч йил тугамагунча, сўзимдан кечмайман. Агар сўзимдан кечдим, дегудек бўлсам, бу кумуш берилган кундаги хужжат бўйича фойдаси билан албатта қайтараман» (22v–25v- қаторлар).

Тўққизинчи компонент: Олди-бердини расмийлаштиришни кузатиб турган гувоҳлар:

Taniq – Qutadmış Qaya, taniq – Seŋiĉün. – «Гувоҳ – Қутадмиш Қая, гувоҳ – Сенгичун» (25v–26v- қаторлар).

Ўнинчи компонент: Битимнинг қарз олувчи томонидан тамға билан тасдиқлаб қўйилганлиги:

Bu tamğa men, Qaytsu tu(duŋ)nuŋ-ol. – «Бу тамға мен, Қайтсу тудунгникидир» (26v- қатор).

Ўн биринчи компонент: Хужжатни битувчи кимсанинг оти:
Буян Q(a)ya bitidim. – «Буян Қая ёздим» (26v- қатор).

т/р	Матн компонентларининг мазмуни	Матн кимнинг тилидан битилгани
(1)	<i>Қайтсу тудунгга олди-берди учун кумуш керак бўлиб, ўз ўғлини Чинтсу Шилага ишга топширганлигининг таъкиди.</i>	<i>Қайтсу тудунг тилидан битилган.</i>
(2)	<i>Қарзга олинаётган кумушнинг миқдори.</i>	<i>Қайтсу тудунг тилидан битилган.</i>
(3)	<i>Икки киши орасида кумуш олди-бердисининг бўлиб ўтганлиги.</i>	<i>Қайтсу тудунг ва Чинтсу Шила тилидан битилган.</i>
(4)	<i>Ишга ёлловчи томонидан ўғилчага бериб туриладиган кийим-кечакларнинг сони ва тури.</i>	<i>Чинтсу Шила тилидан битилган.</i>
(5)	<i>Қайтсу тудунгга олди-берди учун кумуш керак бўлиб, ўз ўғлини Чинтсу Шилага ишга топширганлигининг таъкиди.</i>	<i>Қайтсу тудунг тилидан битилган.</i>
(6)	<i>Ўғилча касал бўлиб қолса, кимлар уни боқажаги.</i>	<i>Чинтсу Шила ва Қайтсу тудунг тилидан битилган.</i>
(7)	<i>Касал бўлиб ўлса, олинган қарзни ким ва қай миқдорда қоплаши.</i>	<i>Қайтсу тудунг тилидан битилган.</i>
(8)	<i>Уч йилга қадар васиқа ўз кучида қолажаги, битим бузилган тақдирда зиён учун тўланажак жариманинг миқдори.</i>	<i>Қайтсу тудунг тилидан битилган.</i>
(9)	<i>Олди-бердини расмийлаштиришни кузатиб турган гувоҳлар.</i>	<i>Васиқани битувчи ходим тилидан битилган.</i>
(10)	<i>Битимнинг қарз олувчи томонидан тамға билан тасдиқлаб қўйилганлиги.</i>	<i>Қайтсу тудунг тилидан битилган.</i>
(11)	<i>Хужжатни битувчи кимсанинг оти.</i>	<i>Васиқани битувчи ходим тилидан битилган.</i>

Олди-берди учун кумуш керак бўлиб, Чинтсу Шиладан қарз олингани ва эвазига ўз ўғлини унга ишга топширганлиги тўғрисидаги **бошловчи** ҳамда қарзга олинаётган кумушнинг миқдори кўрсатилган **иккинчи компонент** Қайтсу тудунг тилидан берилган:

Toʻnuz yil, aram ay, on yanıqqa meňä, Qaytsu tuduňqa yuňlaqlıy kümüš kergäk bolup, özümtä tuymış Tıtsu atl(i)γ oylumnı Ćıntsu Šılaqa üç yillıq tutquy berdim.

Tutquy kümüšin inča sözläšt(i)miz: on satır kümüškä tutquy berdim.

Икки киши орасида кумуш олди-бердисининг бўлиб ўтганлиги тўғрисидаги **учинчи компонент** икки киши тилидан берилган. Бунда Қайтсу кумушни тугал санаб олганлигини таъкидлайди: *Bu on satır kümüšni bitig qilmış kün üzä men, Qaytsu tu(duň) tügäl tartıp aldım.*

Унга кумуш топширилганлиги эса Чинтсу Шиланинг тилидан берилган: *Men, Ćıntsu Šila, yemä bir eksügsüz tügäl berdim.*

Ишга ёлловчи томонидан ўғилчага бериб туриладиган кийим-кечакларнинг сони ва тури кўрсатилган **тўртинчи компонент** Чинтсу Шила тилидан берилган: *Bu oʻyulq(i)yaqa bir yilta bir üm, köküzmäk, bir qay, bir uyuq ĉ(a)ruq, iki yilta bir ĉäkräk, üç yilta bir börk bilä berür-men.*

Ўғилчанинг бундан буёнги қилмишларига кимлар жавобгар экани тўғрисидаги **бешинчи компонент** ҳам икки киши тилидан берилади. Чинтсу Шиланинг уй ичидагилар билан билан боғлиқ ҳолда бирор кориҳол бўлса, Чинтсунинг ўзи жавоб беради. Бу шарт унинг ўз тилидан берилган: *Oʻyulq(i)ya Ćıntsu Šilaniň ewindäkilär bilä yoriپ, oʻyri tew qilsar, tutyu qarpu, yoq itük qilsar, men, Ćıntsu Šila bašıňa bolur.*

Бола ёлғиз юриб, бирор кориҳолга йўлиққудек бўлса, унга боланинг отаси жавобгар. Келишувнинг бу банди Қайтсу тудунг тилидан берилган: *Yalıňuz yoriپ, oʻyri tew qilsar, yoq-itük qilsar, men Qaytsu tu(duň) bašımqa bolur.*

Олтинчи компонентда ўғилча касал бўлиб қолса, кимлар уни боқажаги тўғрисида сўз боради. Бу шартнинг ижроси икки кишига юклатилган. Етти кунгача уни ишга ёллаган кимса қарайди. Васиқанинг ушбу банди Чинтсу Шиланинг тилидан берилган: *İgläsär, yeti künki mün-aš men, Ćıntsu Šila berür-men.*

Етти кундан ўтса, отасига юклатилади. Битимнинг бу банди отаси Қайтсунинг тилидан берилган: *Yeti kündin kečsär, men, Qaytsu tu(duň) egäläp alıp, kün eksükin köni berür-men.*

Еттинчи компонент бола касал бўлиб ўлса, қарз олинган кумушни ким қоплаши тўғрисида. Бундай ҳолда, кетган ҳаражат иккига бўлинади: бир қисмидан воз кечилади, иккинчи ярми барибир қайтарилади. Бу банд мажбуриятни ўз елкасига олаётган Қайтсу тилидан берилган: *İgläp ölsär, yarım tawarı ölü, yarım tawarı tirilür. Tirildäči tawar yana men Qaytsu tu(duň) üzä bolup, köni berür-men.*

Уч йилга қадар васиқа ўз кучида қолажаги, битим бузилган тақдирда зиён учун тўланажак жариманинг миқдори кўрсатилган **саккизинчи**

компонент ҳам Қайтсу тилидан берилган: *Üç yıl tügämäginçä, öntürmäz-men. Apam öntür[ür]-men, tesär-men, bu kümüş-ök bermiş küntin berüki asıyı bilä köni berür-men.*

Түққизинчи компонентда олди-бердини расмийлаштиришни кузатиб турган гувоҳларнинг оти кўрсатилган. Бу компонент васиқани битувчи тилидан берилган: *Tanuq – Qutadmış Qaya, tanuq – Señičün.*

Битимнинг қарз олувчи томонидан тамға билан тасдиқлаб қўйилганлиги тўғрисидаги **ўнинчи компонент** Қайтсу тудунг тилидан битилган: *Bu tamya men, Qaytsu tu(du)nuq-ol.*

Ҳужжатни битувчи кимсанинг оти қайд этилган **сўнгги компонент** котибнинг ўз тилидан битилган: хат битувчи матннинг охирига *Buyn Q(a)ya bitidim* деб ёзиб қўйган.

Бошқа бир мисол. Кунимизга қадар Ўтуз ҳамда Тўйинчуғ отли кишиларнинг сўровсиз эр-хотин бўлиб олган қул ва жориялари устидан чиқарган ҳукми битилган васиқа сақланган (QUV,336–338,445; ТХ,31). Васиқа матни шундай:

- (1) Bars yıl, toquzunç ay, altı otuzqa
- (2) biz: Otuznün – Baltur atlıy temirçi
- (3) qarabaş; Toyinçuynuq – Aysiliy
- (4) atlıy ewçi-qarabaş bözçi, bu ikägü,
- (5) beg erläringä ayitmadin, er-ewçi
- (6) bolmişlar. Kin men – Toyinçuy
- (7) Otuz bilä eşitip, adirmadin
- (8) Toyinçuynuq, ewçi-qarabaşniñ
- (9) bertin Toyinçuy-oq alir-men.
- (10) Men – Otuznuq, temirçi qarabaşniñ
- (11) bertin men, Otuz-oq alir-men. Men,
- (12) Otuz qulumnuq nekü ersär, bar
- (13) tep, Toyinçuyqa, ewçikä çam qilmaz-
- (14) men. Men, Toyinçuy meniñ, küñnüg nekü
- (15) ersär, bar tep, Otuzqa, qulqa
- (16) çam qilmaz-men. Tanuq – Qariq; tanuq – Çawsu;
- (17) tanuq – Ötükän Temir. Bu tamya biz, ikägü-
- (18) nün-ol. Men, Muñul Buqa ayitip bitidim.

Матнда аниқлаб олиниши лозим бўлган бир-икки сўз ва жумлалар бор:

3- қаторда: *qarabaş* – «қул» дегани (қаранг, ДЛТ,400 да: *qarabaş* – қулларга нисбатан қўлланади. Эркак бўлса ҳам, аёл бўлса ҳам бир хилда

айтилаверади; «қора бош» демақдир); *temirči-qarabaš* – «темирчи-қул»; *ewči-qarabaš bözči* – «жория-тўқувчи».

5–6- қаторларда: *ebči~ewči* – «хотин» англамида; *er-ewči bol* – «эр-хотин бўлмоқ; турмуш қурмоқ» дегани.

9-, 11- қаторларда: *bert* – қуллардан бир йилда бир матра ундириладиган тўлов, солиқ; товон пули (*қаранг*, ДЛТ,139 да: «*bert (~birt)* – берим, қулнинг ҳар йили ўз хўжайинига берадиган тўлови»).

13-, 16- қаторларда: *šam* (<*хитой. šam*) – «даъво; тортишув»; *šam qil* – «тортишмоқ; даъво қилмоқ».

14- қаторда: *küñ* – қул-хотин, жория (рабыня). Эркақларни – *qul*, хотин-қизларни эса *küñ* дейилган.

18- қаторда: хужжат охиридаги *Men Muñul Buqa ayitiñ bitidim* жумласи хужжатни расмийлаштирувчи кишининг сўзи бўлиб, «Мен Мунгул Буқа айтиб туриб [улар ўз оғзидан айтганлари бўйича] ёздим» деган мазмунда келган. Қаранг, Маҳмуд Кошғарийда: *aytti* – «сўради»; *ol menä söz aytti* – «у мендан сўз сўради». Ўғузлар *men anar söz ayittim* (*мен у билан сўзлашдим*) дейдилар, лекин бу қоидага мос эмас. Бу сўзнинг келаси замон шакли *aytur*, масдари *aytmaq* бўлади (ДЛТ,97).

Васиқанинг мазмуни шундай бўлади:

- (1) Барс йил тўққизинчи ойининг йигирма олтинчисида
- (2) биз – Ўтузнинг, Балтур отли темирчи
- (3) қули, Тўйинчуғнинг Айсилиғ
- (4) отли жория тўқувчиси, бу иккови
- (5) (биз) бекларига айтмай, эр-хотин
- (6) бўлиб олибдилар. Кейин мен, Тўйинчуғ,
- (7) Ўтуз билан эшитиб қолиб, (уларни бир-биридан) ажратмай,
(шунга келишдик:
- (8) мен) Тўйинчуғ (бундан буён) ўз жориямнинг (тўлайдиган)
- (9) тўловларини фақат ўзим оламан.
- (10) Мен Ўтуз, ўз темирчи қулимнинг (тўлайдиган)
- (11) тўловларини фақат ўзим оламан. Мен
- (12) Ўтуз, ўз қулимнинг қандай иши бўлса, бор
- (13) деб, Тўйинчуқ ва унинг жориясига даъво қилмайман.
- (14) Мен Тўйинчуқ, ўз жориямнинг қандай иши
- (15) бўлса, бор деб Ўтуз ва унинг қулига
- (16) даъво қилмайман. Гувоҳ – Қариқ; гувоҳ – Чавсу;
- (17) гувоҳ – Ўтукан Темир. Бу тамға биз, икковимиз-
- (18) никидир. Мен Мунгул Буқа айтиб туриб [улар ўз оғзидан айтганлари бўйича] ёздим.

Ушбу ҳужжатни мазмун-мундарижасига кўра тўққизта компонентга ажратиш мумкин (*қуйироқда келтирилган жадвалга қаранг*). Матнда уч кишининг нутқи турли кўринишларда келган. Булар:

- (1) Ўтуз ва Тўйинчуғ икковининг сўзлари.
- (2) Ўтузнинг ўз сўзлари.
- (3) Тўйинчуғнинг ўз сўзлари.
- (4) Васиқани тузаётган идора ходимининг сўзлари.

Васиқанинг матн компонентлари ва ундаги сўзловчилар нутқининг муносабати қуйидаги жадвалда кўзга аниқ ташланади:

т/р	Матн компонентларининг мазмуни	Матн кимнинг тилидан битилгани
(1)	Васиқа тузилаётган кун (1-қатор).	Ўтуз ва Тўйинчуғ икковининг тилидан битилган.
(2)	Васиқа туздирётган бойлар ҳамда уларнинг қул ва жориялари (2-4- қаторлар).	Ўтуз ва Тўйинчуғ икковининг тилидан битилган.
(3)	Бўлиб ўтган иш тўғрисида маълумот (5-6- қаторлар).	Ўтуз ва Тўйинчуғ икковининг тилидан битилган.
(4)	Хўжайинларнинг бу ишлардан хабар топиб, ёзма битим тузишга киришганлари (6-7- қаторлар).	Тўйинчуғ тилидан битилган.
(5)	Томонлар ўртасидаги келишув шартлари (7-11- қаторлар).	Жория йилда бир тўлайдиган тўловни Тўйинчуғнинг олиши тўғрисидаги шарт Тўйинчуғ тилидан битилган (8-9- қаторлар). Қул йигит йилда бир тўлайдиган тўловни Ўтузнинг олиши тўғрисидаги шарт Ўтуз тилидан битилган (10-11- қаторлар).
(6)	Томонларнинг бир-биридан даъво қилмасликлари (11-16- қаторлар).	Ўтуз ўз қулининг ўринсиз ишлари учун Тўйинчуғ ва унинг жориясидан даъво қилмаслиги Ўтуз тилидан битилган (11-13- қаторлар). Тўйинчуғ ўз жориясининг ўринсиз ишлари учун Ўтуз ва унинг қулидан даъво қилмаслиги Тўйинчуғ тилидан битилган (14-16- қаторлар).

(7)	Васиқа тузиш жараёнини кузатиб турган гувоҳларнинг исми-шарифи (16-17- қаторлар).	Васиқани тузаётган идора ходимининг сўзи.
(8)	Васиқага урилаётган тамғанинг кимга тегишли эканлиги (17-18- қаторлар).	Ўтуз ва Тўйинчуғ икковининг сўзи (<i>Bu tamya biz, ikägünün-ol</i>).
(9)	Васиқани тузган идора ходимининг исми-шарифи (18- қатор).	Идора ходимининг сўзи (<i>Men Muñul Buqa ayitip bitidim</i>).

Эътибор қаратилса, юқоридаги матнларда бир неча кимсанинг (қарз олувчи, қарз берувчи, хат битувчи ва гувоҳларнинг) нутқи ўзаро уйғунлашиб кетган. Хужжатларда юридик кимсалар нутқининг бу шаклда берилиши бежиз эмас: улар ўзаро уйғунлашиб, матн таъсирини оширади, хужжатларда сўз бораётган юридик кимсалар нутқининг легитимлиги, ишончилиги, хужжатнинг расмийлигини таъминлайди.

Энди туркий васиқалар бўйича айтилган фикрларни хулосалаймиз. Илк ўрта асрларда яратилган туркий васиқаларни услубий жиҳатдан ўрганиш қуйидаги хулосаларни айтишга имкон беради:

(1) Илк ўрта асрлардан қолган туркий васиқаларнинг катта бир қисми уйғур хатидадир. Хужжатчилик ишларининг уйғур ёзувда олиб борилгани, айниқса, васиқаларнинг ана шу ёзувда эканлиги, ўша замонларда унинг мавқеи ва қўлланиш доираси ниҳоятда кенг бўлганидан далолат беради.

Уйғур алифбосида ҳарфлар сони оз бўлишига қарамай, ёзувнинг имло принциплари туркий тилнинг фонетик-фонологик, морфонологик хусусиятларига таянган ҳолда мукамал бир даражада ишлаб чиқилган эди. Шунинг учун ҳам, уйғур хати юзйилликлар оша ишлатилди, аждодларимизнинг бебаҳо меросини, маънавий тафаккури маҳсулини кунимизга қадар етказиб келди. Илк ўрта асрлардан қолган васиқалар ҳам ана шундай обидалардандир.

Васиқалар учун, уйғур ёзувининг уч хил услуби танланган: энг оммалашгани ёзувнинг *югурик* (яъни *курсивли хат*) тури; ёзувнинг *классик китобий услуби* (*яримквадрат / полуквадратное*); *классик китобий услуб билан оддий югурик хатнинг бирикувидан келиб чиққан* (*яримкурсивли / полукурсивное*) ёзув тури.

(2) Васиқаларни олди-берди қилиб турган кимсалар битадими, махсус бахшилар ёки идора ходими битадими, бундан қатъи назар, савод-

хонликка алоҳида урғу берилган. Уларни битишда матннинг имлоси, хатосиз, ёзма адабий тил ўлчовлари доирасида бўлишига эътибор берилган. Шунинг билан бирга, ҳужжатчиликда расмий матнлар учун ишлаб чиқилган стилистик ўлчов ва қолипларга амал қилиниши керак эди.

Васиқаларнинг тил ва услубий хусусиятлари илк ўрта асрларда турк жамиятида ҳужжатчилик ишлари ҳамда ҳуқуқий саводхонлик юқори даражада эканидан далолат беради.

(3) Васиқаларда гап тури ҳужжатнинг тури, мақсади, матн компонентларига қараб танланади. Жумладан, олди-берди васиқаларида унинг тузилган санаси, сабаби, олди-бердининг миқдори, битимнинг бошланғич шартлари, васиқа тузиш жараёнини кузатиб турган гувоҳлар, ҳужжат кимлар ўртасида тузилаётганини англатувчи маълумотлар дарак гап шаклида тузилади. Белгиланган берим кечикса ёки тузилаётган битим бузилгудек бўлса, унинг қўшимча қафолатланувини англатувчи маълумотлар эса буйруқ гап шаклида тузилади.

Кулларга эркинлик берувчи ёки мулкни сотиш билан боғлиқ ҳолда тузилган васиқаларда эса ҳужжат тузилаётган сана, кимга эркинлик берилаётгани ёки мулк кимга сотилаётгани, ҳужжат тузиш жараёнини кузатиб турган гувоҳлар, ҳужжатни тузувчи кимса ҳақидаги маълумотлар дарак гап шаклида тузилади. Кул ёки мол-мулкнинг бундан буёнги эгасига берилаётган доимий эгаликнинг қафолатланувини англатувчи жумлалар эса буйруқ гап шаклида тузилади.

(4) Васиқаларда жумлалар содда ва қўшма гап шаклида келади. Гаплар, ўрни билан, мураккаб қўшма гап шаклида ҳам тузилади. Васиқаларнинг илк компоненти мураккаб қўшма гап шаклида бўлиб, таркибида сабаб эргаш гапли қўшма гап қатнашади. Бунда эргаш гап воқеа-ҳодисанинг юзага келишига туртки бўлган сабабни кўрсатса, бош гап айни сабабдан келиб чиққан натижани англатади.

Олди-берди васиқаларида белгиланган берим кечикса ёки тузилаётган битим бузилгудек бўлса, унинг қўшимча қафолатланувини англатувчи, шунингдек, кул ёки мол-мулк савдоси билан боғлиқ васиқаларда унинг бундан буёнги эгасига берилаётган доимий эгаликнинг қафолатланувини англатувчи жумлалар шарт эргаш гапли қўшма гап шаклида тузилади.

Ҳужжат тузиш жараёнини кузатиб турган гувоҳлар тўғрисидаги маълумотлар боғловчисиз қўшма гап шаклида келади. Кўпинча бундай гапларда «гувоҳ» сўзи билан бирга ўша гувоҳнинг исми-шарифи кўр-

сатиб қўя қолинади. Бунда содда гапларнинг бош бўлаклари – эга ва кесими ўзаро тенг муносабатли бўлади.

(5) Ҳозирги тилшуносликда расмий услуб учун белгиланган ўлчовларни ҳеч бир ўзгаришсиз қадимги туркий тилдаги расмий битигларга, қолаверса, илк ўрта асрлар ҳужжатчилигига нисбатан қўллаш ўзини оқламайди. Сабаби, ўша давр ҳужжатларида, ҳозирги тилшуносликда расмий услуб учун қатъийлаштириб қўйилган белгилардан ташқари, оғзаки услубга, бадий матнларга хос воситалар ҳам учраб туради. Битувчи-котиблар фикрни теран англатиш, унинг таъсирини кучайтириш, васиқани мазмунли ва ширали баён қилиш, матн услубининг силлиқ ва оҳангдор чиқиши учун, ўрни билан, бадий воситалардан ҳам фойдаланган. Ҳужжатлар услубига оғзаки, сўзлашув услуби билан бир қаторда, бадий тафаккурнинг, бадий услубнинг, қадимги туркий адабиётнинг таъсири бўлган. Шундай қилиб, васиқаларда оғзаки ва бадий услубга хос бўлган стереотип жумлалар тизими амал қилади. Улар расмий матнларга бадий бўёқ бериши билан бир қаторда, юридик кимсалар нутқининг таъсирли ва мазмунли чиқиши, ҳаққонийлигини таъминга хизмат қилади. Бу нарсани қадимги туркий ёзма адабий тилидаги услублар синкретизми сифатида баҳоламоқ керак.

САККИЗИНЧИ БЎЛИМ

ТАБҒАЧ ЎЛКАЛАРИДА ЯРАТИЛГАН ТУРКИЙ БИТИГЛАР

Илк ва ўрта асрларда туркий давлатлар билан кечган ижтимоий-маданий алоқалар таъсирида Табғач ўлкаларида туркий тилда битилган ёдгорликлар ҳам бор. Улар табғач ва туркий тилларда битилган эпиграфик ёдгорликлар, луғатлар, грамматик асарлар ва дипломатик мактублардан иборат. Нима бўлганда ҳам, бу жараён қўшни Табғач юртида туркий тилга алоҳида эътибор қаратилганидан далолат беради.

ҚАРИ-ЧЎР ТИГИН БИТИГИ

Қўшни Табғач юртида яратилган туркий ёдгорликлардан бири Танг даврига тегишли бўлган Қари-чўр тигин битигидир (*тўлиқ маълумот учун қаранг: Alyılmaz 2015,275–342*).

Кўк турк ва эски уйғур ёзувли қадимги туркий битиглар шу кунга қадар Хитой Халқ Республикасининг Синжон, Ички Мўғулистон ва Гансу ўлкаларидан топилаётган эди. Қари-чўр тигин битиги эса Шанхай вилоятининг қоқ ўртаси, Хитойнинг тарихий кентларидан бўлмиш Шианнинг 10 км. ғарбида жойлашган Занг Ду Йуан деган еридан топилди. Ши-ан кенти ўтмишда Хитойдан Римга қадар чўзилган Буюк ипак йўлининг бош нуқтасида жойлашган эди.

Яғлақар уруғига мансуб Чабиш тигин ўғли, хон Тутуқнинг жигари, қудратли ҳукумдор Бўгу билганинг иниси Қари-чўр тигин Танг императори Даизонгнинг ҳукумронлик даврида 794 йилнинг бешинчи ойида ўлка ичида бош кўтарган исёнларни бостирмоқ мақсадида Чанг-анга келиб, император ўрдасида сўл кучлар қўмондони сифатида ишлай бошлади. Бу лавозим давлат бошқарув тизимидаги энг обрўли ишлардан эди.

Қари-чўр тигин йигирма ёшида 795 йилнинг 20 майида касал бўлиб вафот этди. Ёш йигитнинг қандай қилиб касалга чалингани биз учун қоронғу. Танг императори Даизонг шаҳзодага атаб қабртош ўрна-тиб, унинг юзига хитой ва туркий тилларида битиг ёздирди (*қаранг:*

Alyılmaz 2015,281). Қари-чўр тигин, унинг қилган яхши ишлари ва ўлим маросимининг ўтказилиши билан боғлиқ маълумотлар хитойча битигда анча кенг берилган.

Муҳими шундаки, қабртошдаги туркий битиг кўк турк ёзувидадир. Шунга қараганда, қўшни уйғур хоқонлиғида ўша кезларда ҳали кўк турк ёзувининг мавқеи юқори бўлган. Уйғур хоқонлиғининг илк чоғларида кўк турк хоқонлиғи даврида шаклланган ёзув маданияти ва ёзма адабий тил анъаналарига амал қилинган. Қари-чўр тигин битигида ҳам қўшни маданий муҳитда кечаётган айни анъананинг таъсири сезилиб туради.

Битигтош 2010 йили топилган. Унинг топилиш тарихи ҳам қизиқ. Қари-чўр тигинга аталган битигтош билан бирга, унинг ёнидан мозорга тегишли бошқа бир безакли қопқоқтош ҳам бор экан. Занг Ду Йуан қишлоғидан келган бир киши уларнинг икковини Ши-ан бозорида сотаётганида давлат музейи ходимларидан бири буни кўриб қолади. Сўнг уларни сотиб олиб, «Tang West Market Museum»га келтиради. Битигтош ҳозир ўша ерда сақланаётир.

Битигнинг эпиграфик тавсифи

Женгиз Алийилмаз ўзининг Буюк ипак йўли ёдгорликларига бағишланган китобида битигнинг тавсифи ва ўқилишини яхши берган (Alyılmaz 2015,289–292).

Унинг ёзишича, Қари-чўр тигин битиги 39х40 см. ўлчамли гранитдан ишланган қора тошга битилган. Унинг китобда битигтошнинг расми, ўлчамларигача келтирилган (қаранг: Alyılmaz 2015,289–290). Расмига қараб битигни тавсифласа ва ёзувини ўқиса бўлади. Тош юзасининг катта бир қисмига юқоридан қуйига қараб 15 қаторли хитойча битиг ёзилган. Хитойча ёзувнинг ўнг ёғига эса бир устун қилиб 17 сатрли туркий битиг ёзиғлиқ. Ҳар иккала ёзув ниҳоятда чиройли. Шуниси ҳам борки, туркий ҳарфлар чиройли ва аниқ бўлгани билан, матн қатори бироз нотекис.

Муҳими шундаки, тошдаги туркий битиг хитойчанинг таржимаси эмас. Хитойча битиг кенг ва батафсил; кўк турк ёзувли туркий битиг эса қисқа ва лўнда. Афтидан, уларнинг муаллифлари ҳам бошқа-бошқа кишилар. Кўк турк ёзувли битигнинг чиройлилигига қараганда, унинг битувчиси уйғур бахшиларидан бўлган кўринадди.

Туркий битигда сўзларни ажратиш учун орага нуқта ёки остин-устун қўш нуқталар қўйиб борилган.

Битигнинг ўқилиши

Битигнинг имло хусусиятлари уйғур хоқонлиғи даврида яратилган бошқа битигларга анча яқин.

Характерли белгиларидан бири, сўз боши ва икки ундош ўртасида келган <a> ҳарфи кўпинча ёзилади: ʾʾʾ atī, ʾʾʾ altinč, ʾʾʾ ayqa, ʾʾʾ qan сингари.

Мухими, битигда Қари-чўр тигиннинг уруғи ва насл-насаби берилган. Унинг шажараси шундай: *Безгак Йағлақар хон (уруғи), оти [яъни, насаби] Чабиш тигин ўғли, хон Тутуқнинг жигари Бўғу билга қудратли хоннинг иниси Қари-чўр тигин.*

1-2- қаторлардаги – *Bu kimin? tesār* гапининг маъноси: «*Бу кимнинг (қабри)?*» – *десалар* / «*Бу кимнинг қабри?*» – *деб сўрасалар. Bu kimin? сўроғида қабр, яъни sin* кўзда тутилмоқда. Трансформацияси: *Bu kimin < sinī >? tesār* бўлади.

Битигнинг 2-3- қаторларидаги *Bezgāk Yaylaqar-qan* – уруғ номини англатади.

4- қатордаги *atī* сўзи аслида «оти; унвони» дегани, лекин бу ўринда «насл-насаби; шажараси» англамидадир. У мархумнинг насл-насабига ишора қилади.

9-10- қаторлардаги *tānri qan* – «қудратли хон; ҳуқумдор хон» деган маънони билдиради.

11-12- қаторларда қабр эгасининг оти берилган: *Qari-čor tigin sinī* – «(Бу) Қари-чўр тигиннинг қабри(дир)» дегани. Маҳмуд Кошғарийга кўра: *sin* – «гўр». Асли «қомат, гавда» маъносида. Бу сўздан олиб, *bodluy-sinliḡ kiṣi* (узун бўйли киши) дейилади. «Гўр»ни *sin* дейиш ҳам гўрнинг бўйи, узунлиги – кишининг бўйига тенглигидандир (ДЛТ,370).

Битигнинг 13-14- қаторларида *Yoḡi tabḡač qan yoḡladī* деб ёзилган. Қадимги туркий тилда *yoḡ* – «ўликни эслаб ўтказиладиган йиғин, унда ош тортилади»; *yoḡla* – «йиғинни ўтказмак» дегани. Юқоридаги гап «Йўғини табғач хон ўтказди» деган маънони англатади. Бунинг билан Қари-чўр тигиннинг йўғ маросимида Танг императори Даизонг келиб қатнашганлиги таъкидланмоқда.

Битигнинг хотима қисми *Layzīn yil, altinč ayqa, yeti yaḡīqa* жумласи билан охирлайди. Бу гап битигнинг ёзилиш тарихи бўлиб, «Тўнғиз йили, олтинчи ойининг еттинчи кунида» деган маънони англатади. Агар охирги сўзи *yeti yaḡīsī*, яъни «еттинчи куни» бўлганида эди, жумла мазмунан тугаган бўларди. Шу туришда, бу гапнинг қурилиши кесимни талаб қилади; мазмунга кўра у *bitildi* ёки *bitidimiz* сўзидир.

Эътибор қилинса, туркий битигнинг охирига, 17- қатордан кейин тумшуғида емиш тутган ҳолда қанотларини ёйиб ерга тик қўнаётган умайкуш шаклидаги тамға ишланган. Уни туғро деб бўлмайди, туғро бўлганида матннинг бошланишига қўйилган бўларди. Бу белги, афтидан, яғлақар уруғининг тамғаси бўлса керак. Ана шу тамға биз сўз юритаётган *bitildi* ёки *bitidimiz* кесимининг вазифасини ҳам бажаради ва у битигнинг яғлақар уруғи номидан ёзилганини далиллайди.

Энди битигнинг ўзи, илмий транскрипцияси ва мазмунини келтирамиз (Alıyılmaz 2015,291 даги жадвал билан чоғиштиринг).

<i>Битигнинг ўзи</i>	<i>Матн транскрипцияси</i>	<i>Мазмуни</i>
𐰉𐰺𐰽𐰾	(1) Bu kiminç?	(1) «Бу кимнинг (қабри)?»
𐰽𐰺𐰾𐰿 . 𐰽𐰾𐰿𐰾	(2) tesär, Bezgäk	(2) десалар, Безгак
𐰾𐰾𐰿 . 𐰾𐰾𐰿𐰾	(3) Yaylaqar-qan	(3) Яғлақар хон (уруғидан бўлмиш),
𐰾𐰾𐰿 : 𐰾𐰾𐰿	(4) atı Ćabış	(4) оти [яъни, насаби] Чабиш
𐰾𐰾𐰿 : 𐰾𐰾𐰿𐰾	(5) tigin öyli	(5) тигин ўғли
𐰾𐰾𐰿𐰿 . 𐰾𐰾𐰿	(6) qan Tutuq	(6) хон Тутуқнинг
: 𐰾𐰾𐰿𐰿	(7) atisi	(7) жигари
𐰾𐰾𐰿 : 𐰾𐰾𐰿𐰿	(8) Bögü bil-	(8) Бўғу бил-
. 𐰾𐰾𐰿𐰿:𐰾𐰾	(9) gā tāñri	(9) га қудратли
𐰾𐰾𐰿𐰿𐰾𐰿	(10) qan inisi	(10) хоннинг иниси
𐰾𐰾𐰿𐰿	(11) Qarī-čor	(11) Қари-чўр
𐰾𐰾𐰿𐰿𐰾𐰿	(12) tigin sını.	(12) тигин қабри(дир).
. 𐰾𐰾𐰿𐰿 : 𐰾𐰾𐰿𐰾	(13) Yoyı tabyač	(13) Йўғ йиғинида табғач
. 𐰾𐰾𐰿𐰿𐰾𐰿 . 𐰾𐰾	(14) qan yoyladı.	(14) хон қатнашди.
. 𐰾𐰾𐰿 . 𐰾𐰾𐰿𐰿	(15) Layzın yil,	(15) (Мангутоши) тўнғиз йили,
. 𐰾𐰾𐰿𐰿 . 𐰾𐰾𐰿	(16) altinč ayqa,	(16) олтинчи ойининг
𐰾𐰾𐰿𐰾 : 𐰾𐰾𐰿	(17) yeti yañıqa	(17) еттинчи куни
< 𐰾𐰾𐰿𐰾𐰿𐰿 >	(18) < bitildi >.	(18) < битилди >.

«ИДИКУТ МАҲКАМАСИ СЎЗЛИГИ»³

«Идикут маҳкамаси сўзлиги» минг сулоласи даврида тузилган эски туркий (уйғур тили)даги сўзлар билан хитойча сўзларнинг солиштирма луғатидир. Луғат «Хитой тили билан чет тиллардаги сўзлар таржимаси» китобининг таркибига киритилган.

«Хитой тили билан чет тиллардаги таржима сўзлар» луғатини тузиш ишига император буйруғи билан XV юзйилликнинг саксонинчи йилларида киришилган эди (қаранг: IMS,16). У бошда мўғул тилига бағишланиб, унда мўғулча сўзларнинг ўқилиши хитойча ёзувда кўрсатилган. XVI юзйилликнинг бошларига келиб, ҳукумат девонидаги таржимонлар гуруҳи кенгайди: тибат, ҳиндий, идикут уйғур ва бошқа тилларда битилган ҳужжатларни хитойчага ўгирувчи маҳкамалар тузилди. Шунинг билан боғлиқ ҳолда, бурунги луғатнинг қўлами ва вазифаси ҳам кенгайди. «Идикут маҳкамаси сўзлиги» шунинг баҳонасида тузилди.

Синологияда ушбу тарихий луғат 華夷譯語.高昌館雜字 «*Huá yí yǔ yǔ. Gāo chāng guǎn zá zì*» деб аталмоқда. Бунинг маъноси «Хитой тили билан чет тиллардаги сўзлар таржимаси. Идикут маҳкамаси сўзлиги» бўлади.

Асл қўлёзмада китобнинг биринчи бетига 華夷譯語 *Huá yí yǔ yǔ* («Хитой тили билан чет тиллардаги сўзлар таржимаси») деб ёзилган. Шундан кейин иккинчи қаторга илк боб сарлавҳаси қўйилган. Унинг ўқилиши: 天文門 *Tiān wén mén* (маъноси «Осмон қисми», яъни осмон жисмлари ва ҳодисалари билан боғлиқ сўзлар бўлимадир).

Асарнинг минг сулоласи чоғида кўчирилган қўлёзмалари, чанг сулоласи чоғида чоп эттирилган ёғочбосма нусхалари мавжуд бўлиб, бир неча нусхаси Пекин кутубхонасида, бир қўлёзмаси Япониядаги марказий халқлар институти кутубхонасида сақланаётир (қаранг: IMS,16–18). Луғат қўлёзмаларининг кенг ёйилгани, минг сулоласи давлатида қўшни уйғур тилига эътибор катта бўлганидан далолат беради.

Луғат «Идикут маҳкамаси сўзлиги» дейилгани билан, унда фақат расмий-дипломатик, маҳкамачиликка тегишли сўзларгина берилган эмас. У кенг қўламли лексикографик асардир. Унда давлат идораларига четдан, аниқроғи, Идикут давлатидан келиб тушган хат-ҳужжатларда,

³ Луғатдаги хитойча сўзликни хитойшунос Каримжон Собирий ўқиб, маъноларини айтиб турди. Иероглифларни эски луғатлардан топиб, компьютерда териб чиққан ҳам у киши бўлади. Ушбу луғат бўйича иккимиз биргаликда мақола ҳам чоп эттирганмиз: Содиқов Қ., Собирий К. «Идикут маҳкамаси сўзлиги» – эски туркий билан хитойча сўзларнинг солиштирма луғати. – *Xitoyshunoslikning dolzarb masalalari: filologiya, falsafa, tarix, iqtisod va siyosat. 11- chi ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. Toshkent, TDSHI, 2014- noyabr. – Toshkent, 2014. 14–19- b.*

расмий-дипломатик битигларда қўлланувчи сўзларнинг катта бўлаги қамраб олинган. Шунинг учун ҳам луғатда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларига тегишли сўзлар бор.

Сўзликда 940 та сўз ва сўз бирикмасига изоҳ берилган. Унинг айрим нусхаларида китоб сўнгида сўзликка тўлиқлама ҳам берилган. Шуларни ҳисоблаганда, луғатдаги сўз ва сўз бирикмаларининг сони мингдан ортиқ.

Луғатни ўқишнинг ўзига яраша қийинлиги бор: уйғур ёзувида берилган туркий сўз ва сўз бирикмаларининг кўпи ҳозирги тилларда унутилган, айримларининг маъносини англаб олишнинг ўзи мушкул. Устига устак, хитойчаси ҳам енгил эмас: ҳозир унутилган, аллақачон истеъмолдан чиққан, архаик иероглифлар ҳам анчагина ишлатилган матнда. Дарвоқе, луғат хитой тилини яхши эгаллаган, теран билимли, император девонида хизмат қилувчи уйғур олими томонидан тузилган чоғи. Сабаби, луғатга ўта керакли сўзлар ила сўз бирикмалари киритилган бўлиб, уларнинг инжа англамлари ҳам ёритилган.

«Идикут маҳкамаси сўзлиги»да туркий сўз ҳамда сўз бирикмаларининг маъноси ва ўқилиши хитойчада изоҳланган. У ўз даврида хитой тилмочлари, идора ходимлари учун мўлжалланган китоб эди. Шунинг билан бирга, луғат туркий тилни ўрганувчи хитойлар учун ҳам аталган кўринади. Акс ҳолда, туркий сўз ёки сўз бирикмасининг таржимаси билан бир қаторда, унинг талаффуз шакли хитойча ёзувда берилмаган бўлур эди.

Луғатда сўзлар маъно турларига қараб, бўлимларга ажратиб берилган. Сўзларнинг маъноларга ажратилган турлари қуйидагича:

- (1) Осмон жисмлари ва ҳодисаларининг отлари.
- (2) Ер жисмлари.
- (3) Вақтни англатувчи сўзлар.
- (4) Гул ва гиёҳлар.
- (5) Тинлиғлар (жонзодлар)нинг отлари.
- (6) Кишилар билан боғлиқ отлар.
- (7) Тана аъзолари.
- (8) Ўрда билан боғлиқ отлар.
- (9) Қурол-яроғ ва жабдуқлар.
- (10) Кийим-кечаклар.
- (11) Чинтошлар (маъданлар).
- (12) Егулик ва ичгуликлар.
- (13) Ёзув-чизув (ҳужжатчилик) билан боғлиқ сўзлар.
- (14) Томон тушунчалари.

(15) Рангни билдирувчи сўзлар.

(16) Сонлар.

(17) Юриш-туриш билан боғлиқ сўзлар.

Қўлёзма нусхаларнинг бирида қуйидаги гуруҳлар ҳам ажратиб берилган:

(1) Юриш-туриш билан боғлиқ сўзлар.

(2) Одатдаги сўзлар.

(3) Турли сўзлар.

Бўлимларнинг сарлавҳалари ҳам хитойчада.

Қўлёзманинг ҳар қайси бетида тўрт сўз ёки сўз бирикмасининг таржимаси берилган. Туркий сўз ва сўз бирикмалари уйғур хатида, уларнинг таржимаси ва ўқилиши хитойчада. Туркийси ҳам, хитойчаси ҳам тепадан пастга қараб ёзиб тушилган. Луғатда бошлаб туркий сўз ёки сўз бирикмаси, кейин унинг хитойча таржимаси, учинчи устунда эса туркий ўрнакнинг талаффуз шакли хитойча ёзувда берилган.

Масалаң, осмон жисмлари ва ҳодисаларининг отлари бўлимида: Аввал эски туркий тилдаги *tāñri*, яъни «осмон» сўзи берилиб, кейинги қаторларда унинг хитойча таржимаси ва ўқилиши (туркий сўзнинг талаффузи) берилади. Хитойча маъноси – 天 *tiān* (сўзма-сўз англами «тангри; осмон»); туркий сўзнинг хитойча ҳарфлардаги транслитерацияси (ўқилиши) – 騰克力 *téng kè lì*.

Кейинги сўз *tīn* дир. Бунинг хитойча маъноси – 氣 *qì* (сўзма-сўз «ҳаво»); туркий сўзнинг ўқилиши – 聽 *tīng*.

Ёки вақтни англатувчи сўзлар бўлимидан мисол:

šün ay – шун ойи. Хитойча таржимаси – 閏月 *rùn yuè* (кабиса ой); туркий сўзнинг ўқилиши – 順哀 *shùn āi*.

kün künijä – кундан-кунга. Хитойча таржимаси – 日日 *rì rì* (кундан-кунга); туркий сўзнинг ўқилиши – 坤坤寧克 *kūn kūn níng kè*.

tört öd – тўрт вақт, фасл. Хитойча таржимаси – 四時 *sì shí* (тўрт вақт, фасл); туркий сўзнинг ўқилиши – 禿兒欲 *tū ér yù*.

sekiz čaq – саккиз вақт. Хитойча таржимада – 八節 *bā jiē* (сўзма-сўз «саккиз вақт», яъни фаслларнинг бошланиши ва тугаши); туркий сўзнинг ўқилиши – 塞乞思察 *sāi qǐ sī chá*.

Ёзув-чизув (ҳужжатчилик) билан боғлиқ сўзлар бўлимида:

bildürgülük – билдиргулик. Хитойча таржимада – 勅書 *chì shū* (сўзма-сўз «подшо фармони»); туркий сўзнинг ўқилиши – 兵都兒古祿 *bīng dū ér gǔ lù*.

yarliq – ёрлиқ. Хитойча таржимаси – 聖旨 *shèng zhǐ* (ёрлиқ); туркий сўзнинг ўқилиши – 呀兒力 *ya ér lì*.

bitignij yoruyi – битигнинг, хатнинг мазмуни. Хитойча таржимада – 文義 *wén yì* (асарнинг мазмуни); туркий сўзнинг ўқилиши – 必的倭羽祿幾 *bì de nìng yǔ lù jǐ*.

tonqul bitig – сараланганлар рўйхати. Хитойча таржимада – 榜文 *bǎng wén* (синовдан ўтиб, қабул қилинганларнинг рўйхати); туркий сўзнинг ўқилиши – 統貫必的 *tǒng guàn bì de*.

Гул ва ўт-ғиёҳлар бўлимида:

čecäk – гул, чечак. Хитойча таржимада – 花 *huā* (гул); туркий сўзнинг ўқилиши – 扯扯 *chě chě*.

yīyač – дарахт. Хитойча таржимада – 木 *tu* (дарахт); туркий сўзнинг ўқилиши – 以哈尺 *yǐ hā chǐ*.

«Идикут маҳкамаси сўзлиги» минг сулоласи давридаги Турфон ва Қумул уйғурларининг тили ва ёзувини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжатдан минг сулоласи даврида Хитойга қўшни бўлмиш идикут уйғурлари қадимги уйғур хатидан фойдалангани аён бўлади.

Қўлёмаларнинг ёзуви аниқ ва равшан. Айрим қўлёмаларнинг хат услуги ўта кўркем; улар уйғур ёзувининг классик китобий хат турида. Ёзувда олд қатор, ингичка лаб унлилари ([*ō*] билан [*ū*]) орқа қатор йўғон [*o*] ва [*u*] унлиларидан фарқ қилади. Баъзи ўринларда унлиларнинг чўзиқ эшлари қўшалок ҳарфлар билан берилган: **oot** (ўт, олов), **quur** (белбоғ), **altun quur** (олтин камар) сингари.

Луғатда қадимги туркий битигларда кенг қўлланган, бироқ ҳозирги туркий тилларда унутилган, ишлатилмайдиган **bodun** (халқ, улус), **ögüz**, **mürän** (дарё), **taluy** (денгиз), **yay** (ёз, фасл), **ud** (сигир), **el-kün** (халқ), **nom** (қоида; дин, шариат), **bitig** (китоб; хат; ёзув) сингари сўзлар ҳам талай.

Ўзлашган қатлам орасида хитойчадан (**luu** (аждар < 龍), **linxuva** (гул, чечак < 蓮花) сингари), баъзан арабчадан ўзлашган сўзлар (*‘ināyat* < عناية сингари) ҳам учрайди.

Луғатда сўзлар ва сўз бирикмаларининг маъноларига кўра гуруҳлаштирилгани тилни ўргангучилар учун қўл келган. Айниқса, унга сайлаб олинган сўзлар эътиборни ўзига тартади.

Жумладан, вақтни англатувчи сўзлар бўлимида (IMS,35–36) йил вақтлари, фасллар, кун вақтлари, ойларнинг аталиши келтирилган.

Тўртала фаслнинг оти бор. Дастлабки иккиси ҳозирги туркий тилларда ишлатилмайди. Булар: **yaz** – кўклам, **yay** – ёз. Қадимги туркий тилда «кўклам» билан «ёз» ана шундай аталган. Бу нарса Идикут уйғурлари тилида қадимги сўзлар яхши сақлаганлигининг белгисидир. Кейинги фаслларнинг отлари ҳозирги билан уйғун: улар **küz** билан **qış**.

«Вақт»ни **öd** дейилган.

Ойлар икки хил айтилган: биринчиси, саноқ кетма-кетлигида. Бунда тартиб кўрсаткичи **-nč** (**-inč**, **-inč** / **-unč**, **-ünč**) шаклида қўшилади: **üčünč**, **törtünč** сингари. Яна бир жиҳати, икки хонали сонларнинг айтилишида эскича тартиб сақланган: **bir yigirmınč ay** – ўн биринчи ой.

Иккинчиси, буддавий турк жамоасида ойларнинг оти ҳам бўлиб, улар қадимги санскрит тилидан ўзлашган. Луғатда буддавий турк жамоаси ўз тилида қўллаган ана шундай атамалар ҳам келтирилган: **aram ay** – арам ойи. Хитойчада 正月 *zhèng yuè* (қамариййа ҳисоб бўйича биринчи ой, наврўз ойи), **čaқşabut ay** – чақшапут ойи. Хитойчада – 十二月 *shí èr yuè* (ҳозирги саноқ бўйича декабрь ойига тўғри келади), **šün ay** – шун ойи. Хитойчада 閏月 *rùn yuè* (кабиса ой).

Ойларнинг аталиши ва кетма-кетлиги қуйидагича (IMS,36):

aram ay – арам ойи.

ekindı ay – иккинчи ой.

üčünč ay – учинчи ой.

törtünč ay – тўртинчи ой.

bešinč ay – бешинчи ой.

altınč ay – олтинчи ой.

yetinč ay – еттинчи ой.

sekzinč ay – саккизинчи ой.

toqzunč ay – тўққизинчи ой.

onunč ay – ўнинчи ой.

bir yigirmınč ay – ўн биринчи ой.

čaқşabut ay – чақшапут ойи.

šün ay – шун ойи.

Ушбу бўлимда буддизм қарашлари билан боғлиқ **tört öd** (тўрт вақт, фасл; буддизм тасаввурича, инсон умрининг кези, палласи), **sekiz čaq** (саккиз чоғ; буддизмда бу ҳам инсон тириклигига боғланади) атамалари ҳам берилган (IMS,36).

Луғатнинг ёзув-чизув (ҳужжатчилик) билан боғлиқ сўзлар бўлими (қаранг: IMS,49–50) ҳам эътиборли. Унда йигирмата сўз ва сўз бирикмаси келтирилган. Бундан ташқари, бошқа бўлимларда ҳам ҳужжатчилик ва китобат ишига тегишли атамалар бор. Бир нечтасини мисол келтирамиз:

tamyā (IMS,46) – тамға, муҳр, белги. Хитойча таржимада: 印 *yìn* (белги, муҳр).

altun tamya (IMS,65) – олтин тамға; хоннинг тамғаси, муҳри. Хитойча таржимада: 金印 *jīn yìn* (сўзма-сўз «олтин муҳр»).

kümiş tamya (IMS,65) – кумуш тамға; тамғанинг бир тури. Хитойчада – 銀印 *yín yìn* (қумуш тамға).

nom (IMS,49) – дин, шариат; буддавий қонун-қоидалар; буддавий йўруғлар. Хитойчаси – 經 *jīng* (нўм).

bitig (IMS,49) – китоб; хат, мактуб; хужжат; ёзув. Луғатда бу сўз икки ўринда, икки хил маънода берилган: биринчиси 書 (китоб, мактуб); иккинчиси 文 (қўлёзма асар).

saqurt bitig (IMS,50). Хитойчада – 雜字 *zá zì* (аралаш сўзлар луғати).

bitig üšik (IMS,50) – «ёзув, хат» маъносида. Хитойчада – 寫字 *xiě zì* (хат ёзиш).

toñqul bitig (IMS,50). Хитойчада – 榜文 *bǎng wén* (эълон қилинган асар).

yarliq (IMS,50) – ёрлиқ; хон ёрлиғи, фармони. Хитойчада – 聖旨 *shèng zhǐ* (муқаддас фармон, подшо амри).

bildürgülük (IMS,50) – билдиргулик; расмий хат тури. Хитойчада – 勅書 *chì shū* (подшо фармони).

bitignij yoruyi (IMS,50) – хатнинг мазмуни, маъноси. Хитойчада – 文義 *wén yì* (асар мазмуни).

Сўзликнинг бу ва бунинг сингари ютуқлари саноқсиз. Бир сўз билан айтганда, ушбу луғат идикутлар давридаги туркий ёзма адабий тилни, адабий тилнинг давлат идораларида, халқаро-дипломатик муносабатларда тутган мавқеини, шунинг билан бир қаторда, минг сулоласи чоғидаги турк ва хитой муносабатларини ўрганишда муҳим ёзма манба, лексикографик асар, асосли хужжат бўлиб хизмат қилади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР.

ЁЗМА МАНБАЛАР

АС – Султон Абу Саиднинг турк султони Ҳасан бегга йўллаган мактуби: Kurat 1940,119–134,196–200; Содиқов 2013,130–142.

АУ – *Ceval Kaya*. Uygurca Altun Yarıuk Giriş, Metin ve Dizin. – Ankara, 1994.

АТ – Оға-ини тигинлар қиссаси: Gabain 1950,283–285.

Е – Енисей битиглари: Малов 1952; Аманжолов 2003,107–150.

БН – *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*. Бобурнома. – Тошкент, 1989.

СДГМ – Согдийские документы с горы Муг:

Вып. 1. *Фрейман А.А.* Описание, публикации и исследование документов с горы Муг. – М., 1962;

Вып. 2. Юридические документы и письма. Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. – М., 1962.

Вып. 3. Хозяйственные документы. Чтение, перевод и комментарии М.Н. Боголюбова и О.И. Смирновой. – М., 1963.

ГТТ – Genel Türk Tarihi. 2. – Ankara, 2002.

DDT – Dictionnaire Djaghatai-turc. V. de Viliaminof-Zernof. – SPb., 1869.

ДЛТ – *Маҳмуд Кошғарий*. Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи Қ. Содиқов. – Тошкент, 2017.

ДТС – Древнетюркский словарь. – Л., 1969.

Ибн Баттута 2012 – Ибн Баттута. Саёҳатнома. Туҳфат ан-нуззор фи ға-роиб ал-амсор ва ажойиб ал-афсор (Ғаройиб шаҳарлар ва ажойиб сафарлар ҳақида назар соҳибларига туҳфа). Н. Иброҳимов ва бошқалар таржимаси. – Тошкент, 2012.

IMS – İdîqut mahkaması sözlüğü. Millatlar naşriyatı, 1984.

К – Кул тигин битиги: *Ка* – кичиг битиг, *К, Кб* – улуғ битиг, *К.І–ІІІ, Кс* – тошнинг тарошланган қирралари ва терс томонидаги ёзув. Нашрлари: Малов 1951,19–55; Аманжолов 2003,153–170; Содиқов 2004,96–112.

КС – Кули-чўр битиги: Mert 2015,37–93.

КТТ – Kitab-ı Mecmü-ı Tercüman-ı Türki ve Acemi ve Muğali. Recep Toparlı, M. Sadi Çögenli, Nevzat H. Yanık. – Ankara, 2000.

ЛТ – *Ali Şir Nevayi*. Lisanü't-tayr. Hazırlayan M. Canpolat. – Ankara, 1995.

МК – *Kaşgarlı Mahmud*. Dîvânü Lûgati't-Türk. Tıpkıbasım / Facsimile. – Ankara, 1990.

МЛ – Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Қосимжон Содиқов таҳлили, табдили ва талқини остида. – Тошкент, 2017.

МТА – Moğolistandaki Türk Anıtları Projesi Albümü. Hazırlayanlar: O.F. Sertkaya, C. Alyılmaz, T. Battulga. – Ankara, 2001.

Мун. – *Алишер Навоий*. Муншаот. Истанбул, Тўпқопи саройи кутубхонаси, 808- қўрсаткичли қўлёзма.

MS – Qadimki uyğur yeziyidiki «Maytri simit». I. – Ürümçi, 1987.

НМТ – Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат мин шамойимил футувват. Илмий-танқидий матн. Нашрга тайёрловчи Ҳ. Ислохий. – Тошкент, 2011.

УДД – Уйгурские деловые документы X–XIV вв. из Восточного Туркестана. Предисловие, транскрипция, перевод с древнеуйгурского Л.Ю. Тугушевой. Факсимиле рукописей. – М., 2013.

СОБЛ – Сутра общины белого лотоса. Тюркская версия. Факсимиле рукописи. Транскрипция текста. Перевод с раннесредневекового тюркского языка, предисловие, примечания, указатель слов Л.Ю. Тугушевой. – М., 2008.

СЦ – «Сюань-цзан кечмиши» асари: Тугушева 1991.

Yug – Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асари: *Edib Ahmed b. Mahmud Yükneki. Atebetü'l-Nakayik. R.R. Arat.* – Ankara, 1992. **A** – асарнинг 1444 йили Самарқандда кўчирилган уйғур ёзувли нусхаси: S. I–LXII; **B** – асарнинг 1480 йили Истанбулда уйғур ёзувида ёзилиб, тагма-таг араб хатида изоҳлаб чиқилган нусхаси: S. LXIII–CXVII; **C** – асарнинг XVI юзийликда араб хатида кўчирилган нусхаси: S. CXVIII–CLXVI.

Orhun – Orhun. Moğolistan Tarihi Eserleri Atlası. – Ankara, 1995.

QB – Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асари: **H** – Вена (Ҳирот) нусхаси: Wien, ÖNB, Cod. A.F.13: *Yusuf Has Hacib. Kutadgu Bilig. A. Viyana Nüshası (Tırkıbasım).* – Ankara, 2015; **N** – Наманган (Фарғона) нусхаси: ЎЗР ФА Шарқшунослик институти, 1809 кўрсаткичли қўлёзма. *Yusuf Has Hacib. Kutadgu Bilig. B. Fergana Nüshası (Tırkıbasım).* – Ankara, 2015; **Q** – Қоҳира нусхаси: Миср Миллий кутубхонаси, 168- кўрсаткичли қўлёзма: *Yusuf Has Hacib. Kutadgu Bilig. C. Kahire Nüshası (Tırkıbasım).* – Ankara, 2015.

QUV – Qadimki uyur yeziqidiki vasiqalar. Naşrga tayyarlayuçılar: Muhammadrahim Sayit, Israpil Yusup. – Urumçı, 2000.

T – Тўхтамиш хоннинг Яғайлига йўллаган битиги: Содиқов 2016,120–123.

Топ. – Тўнюкүк битиги: Аманжолов 2003,175–188; Содиқов 2009,17–30.

ТХ – уйғур ёзувли туркий ҳужжатлар: Содиқов 2016,15–118.

ТҚ – Темур Қутлуғ ёрлиғи: Содиқов 2016,123–129.

Ш – Шоҳрух мирзо ёрлиғи: Содиқов 2013,117–123.

УШ – султон Умаршайхнинг суюрғал битиги: Содиқов 2016,148–151.

ЎД – «Ўғузхоқон» достони: Щербак 1959. С. 13–110.

ШН – *Муҳаммад Солиҳ*. Шайбонийнома. Нашрга тайёрловчи Э. Шодиев. – Тошкент, 1989.

X – Билга хоқон битиги: **X** – тошнинг юз томонидаги ёзув, **Ха, Хб** – икки ён-бошидаги ёзув, **Хс** – тошнинг терс ёғидаги ёзув, **X.I–II** – тарошланган қиррала-ридаги ёзув. Нашри: Содиқов 2004,112–120.

ИЛМИЙ АСАРЛАР

Абдурахмонов, Рустамов 1982 – Абдурахмонов Ғ, Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент, 1982.

Азимджанова 1963 – Азимджанова С. Новые сведения о «Хатт-и Бабури». –

XXVI Международный конгресс востоковедов. Доклады делегации СССР. – М., 1963. С. 5–10.

Аманжолов 1978 – *Аманжолов А.С.* К генезису тюркских рун. // «Вопросы языкознания». 2. – М., 1978. С. 76–87.

Аманжолов 2003 – *Аманжолов А.С.* История и теория древнетюркского письма. – Алматы, 2003.

Антонов 1984 – *Антонов Н.К.* Лекции по тюркологии. Новотюркская эпоха. – Якутск, 1984.

Атаходжаев 2011 – *Атаходжаев А.М.* Тюрко-согдийские отношения в политических, социально-экономических и этнокультурных процессах в раннем средневековье. Автореферат докторской диссертации. – Ташкент, 2011.

Аҳмедов 1992 – *Аҳмедов Б.* Ўзбек улуси. – Тошкент, 1992.

Беруний 1968 – *Абу Райҳон Беруний.* Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. I. – Тошкент, 1968.

Бернштам 1951 – *Бернштам А.Н.* Древнетюркский документ из Согда. // «Эпиграфика Востока». № 5. – М., –Л., 1951. С. 65–75.

Благова 1982 – *Благова Г.Ф.* Тюркское склонение в ареально-историческом освещении. – М., 1982.

Васильев 1983 – *Васильев Д.Д.* Графический фонд памятников тюркской рунической письменности Азиатского ареала. – М., 1983.

Гафуров 1989 – *Гафуров Б.Г.* Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Книга первая. – Душанбе, 1989.

Дмитриева 1963 – *Дмитриева Л.В.* Хуастуанифт (введение, текст, перевод). – Тюркологические исследования. – М.–Л., 1963. С. 214–232.

Заднепровский 1967 – *Заднепровский Ю.А.* Тюркские памятники в Фергане. // «Советская археология». – М., 1967. № 1. С. 270–274.

Исломов 1998 – *Исломов З.* Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асарининг қўлёзма манбалари ва арабча-туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матни (Тошкент қўлёзмалари асосида). Докторлик диссертациясининг автореферати. – Тошкент, 1998.

Исҳоқов 1989 – *Исҳоқов М.* Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти. – Ўлмас обидалар (Ўзбекистон халқларининг ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар). – Тошкент, 1989. 5–142- б.

Исҳоқов 1990 – *Исҳоқов М.* Суғдиёна тарих чоррахасида. – Тошкент, 1990.

Исҳоқов 1992 – *Исҳоқов М.* Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент, 1992.

Исҳоқов 2009 – *Исҳоқов М.* Суғдча битигларга янгича қараш. – Мангу битиглар. Ўрта Осиё халқларининг энг эски ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар. – Тошкент, 2009. 5–38- б.

Исхаков 2008₁ – *Исхаков М.* Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Древность и раннее средневековье. – Ташкент, 2008.

Исхаков 2008₂ – *Исхаков М.* Ещё раз к вопросу о создании корейского буквенно-фанетического алфавита. – Сб. В мире корееведения. – Ташкент, 2008. С. 180–194.

- Малов 1951 – Малов С.Е.* Памятники древнетюркской письменности. – М.–Л., 1951.
- Малов 1952 – Малов С.Е.* Енисейская письменность тюрков. Тексты и переводы. – М.–Л., 1952.
- Малов 1959 – Малов С.Е.* Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – М.–Л., 1959.
- Махмудов, Содиқов 1994 – [Махмудов Қ., Содиқов Қ.]* XI–XV асрнинг туркий ёзувидаги ёдгорликлар. – Тошкент, 1994.
- Насилов 1963 – Насилов В.М.* Древне-уйгурский язык. – М., 1974.
- Насилов 1974 – Насилов В.М.* Язык тюркских памятников уйгурского письма XI–XV вв. – М., 1974.
- Рустамов 1976 – Рустамов А.* Ибн Арабшоҳ туркий ёзувлар ҳақида. // «Адабий мерос» (5). 1976. 39–42- б.
- Содиқов 1997 – Содиқов Қ.* Уйғур ёзуви тарихи (манбашунослик ва китобат тарихи масалалари). – Тошкент, 1997.
- Содиқов 2004 – Содиқов Қ.* Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. – Тошкент, 2004.
- Содиқов 2006₁ – Содиқов Қ.* Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. – Тошкент, 2006.
- Содиқов 2006₂ – Содиқов Қ.* Қадимги туркий халқларнинг диний-фалсафий қарашлари. – Шарқ фалсафаси. – Тошкент, 2006, 3–99- б.
- Садыков 2007₁ – Садыков К.* Роль буддизма в историко-культурных взаимодействиях древних тюрков с соседними восточными народами. // Вестник Челябинского государственного университета. Выпуск 7. 23/2007. С. 96–99.
- Садыков 2007₂ – Садыков К.* К проблеме распространения буддизма. / The history of spreading Buddhism. – The 7th International Conference on Korean Studies Central Asian Association for Korean Studies (CAAKS). Tashkent, July 4–5, 2007. Pp. 232–237.
- Содиқов 2008 – Содиқов Қ.* Қадимги турк фалсафаси. – Тошкент, 2008.
- Содиқов 2009 – Содиқов Қ.* Эски туркий битиглар. – Тошкент, 2009.
- Содиқов 2016 – Содиқов Қ.* Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатлар. – Тошкент, 2016.
- Содиқов, Омонов 2010 – Содиқов Қ., Омонов Қ.* Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. – Тошкент, 2010.
- Содиқов 2013 – Содиқов Қ.* Олтин Ўрда ва Темурийлар даврида яратилган туркий ёрликлар: тарихий-филологик талқин. – Тошкент, 2013.
- Стеблева 2012 – Стеблева И.В.* Тюркская поэтика. Этапы развития VIII–XX вв. – М., 2012.
- Тугушева 1975 – Тугушева Л.Ю.* Языковые и внеязыковые значения в дешифровке памятников древнеуйгурской письменности. // «Советская тюркология», №5. – Баку, 1975. С. 27–32.
- Тугушева 1991 – Тугушева Л.Ю.* Уйгурская версия биографии Сюань-цзана. – М., 1991.

Жафаров 2017 – Жафаров Б. «Кодекс куманикус» – қадимги туркий обида. – Тошкент, 2017.

Фрейман 1934 – Фрейман А.А. Описание рукописных документов, извлеченных из развалин здания на горе Муг в захматабадском районе Таджикской ССР около селения Хайрабад и собранных Таджикистанской базой Академии наук СССР. – Согдийский сборник. Л., 1934. С. 33–51.

Фойибов 2011 – Фойибов Б.С. Место владения Панч в конфедерации Согда (на материале раннего средневековья). Автореферат кандидатской диссертации. – Ташкент, 2011.

Фойибов 2014 – Фойибов Б. Илк ўрта асрларда Суғд конфедерациясининг айрим хусусиятларига доир (нумизматик материаллар асосида). // *Sharqshunoslik*. Востоковедение. Oriental Studies. Toshkent davlat sharqshunoslik instituti ilmiy jurnali. 2014 №2. 68–76- б.

Ҳасанов 1963 – Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Кошғарий (Ҳаёти ва географик мероси). – Тошкент, 1963.

Щербак 1959 – Щербак А.М. Огуз-наме. Мухаббат-наме. – Памятники древнеуйгурской и староузбекской письменности. – М., 1959.

Щербак 1961 – Щербак А.М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X–XIII вв. из Восточного Туркестана. – М.–Л., 1961.

Alyılmaz 2015 – Alyılmaz, Cengiz. İpek Yolu Kavşağının Ölümsüzlük Eserleri. – Ankara, 2015.

Arat 1991 – Arat R.R. Eski Türk Siiri. – Ankara, 1991.

Arat 1992 – Edib Ahmed b. Mahmud Yükeki. Atebetü'l-Hakayık. R.R. Arat. – Ankara, 1992.

Gabain 1950 – Gabain, von A. Alttürkische Grammatik. – Leipzig, 1950.

Hazai 1975 – Hazai G. Fragmente eines uigurischen Blockdruck-Faltbuches. – Altorientalische Forschungen, III. Akademie-Verlag. – Berlin, 1975. P. 91–108.

Kitapçı 1994 – Kitapçı Z. Orta Asyada İslamiyetin Yayılışı ve Türkler. – Konya, 1994.

Kotwicz 1928 – Kotwicz W. Le monument turc d'lkhe-khuchotu en Mongolie centrale. RO. IV, (1926), 1928. P. 60–107.

Kurat 1940 – Kurat A.N. Topkari Sarayı Müzesi Arşivindeki Altın Ordu, Kırım ve Türkistan Hanlarına ait Yarlık ve Bitikler. – İstanbul, 1940.

Malcolm 2003 – Malcolm D.E. Great World Religions: Buddhism. The Great Courses. Boston University, 2003.

Mert 2015 – Mert, Osman. Köli Çor Yazıtı ve Anıt Mezar Kompleksi. – Erzurum, 2015.

Orkun 1987 – Orkun Hüseyin Namık. Eski Türk Yazıtları. – Ankara, 1987.

Radlof 1900 – Radlof V. Das Kudatku Bilik. Th. I. SPb., 1900.

Sertkaya 1977 – Sertkaya O.F. İslami Devrenin Yugur Harfli Eserlerine Toplu Bir Bakış. – Bochum, 1977.

Sertkaya 1995 – Sertkaya O.F. Göktürk Tarihinin Meseleleri. – Ankara, 1995.

Tekin 2010 – Tekin Talat. Orhon Yazıtları. 4. Baskı. – Ankara, 2010.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Кириш	7
Биринчи бўлим. Илк ўрта асрларда яшаган туркий қавмлар ва уларнинг ўлкалари баёни	29
Иккинчи бўлим. Ёзув маданияти ва илк ўрта асрларда Марказий Осиёда тил вазияти	77
Учинчи бўлим. Қадимги туркларнинг диний-фалсафий қарашлари ва шарқ тилларининг ўзаро таъсири	119
Тўртинчи бўлим. Ўзбек адабий тилининг тарихий илдизлари	151
Бешинчи бўлим. Илк ўрта асрларда яратилган туркий ёзма ёдгорликлар тили	180
Олтинчи бўлим. Кўк турк ёзувли битиглар: тавсифи, ўқилиши ва талқини	221
Еттинчи бўлим. Уйғур ёзувли битиглар: тавсифи, ўқилиши ва талқини.....	269
Саккизинчи бўлим. Табғач ўлкаларида яратилган туркий битиглар	335
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати. Ёзма манбалар	345

Илмий-оммабон нашр

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

**ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА
МАРКАЗИЙ ОСИЁДА КЕЧГАН
ЭТНО-ЛИНГВИСТИК ЖАРАЁНЛАР**

Муҳаррир: Шаҳзода ҲАКИМОВА
Бадий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник муҳаррир: Дилшод НАЗАРОВ
Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ
Мусаҳҳиҳ: Отабек БОҚИЕВ

Нашриёт лицензияси: АІ №134, 27.04.2009
Теришга берилди: 03.12.2018 й.
Босишга рухсат этилди: 21.12.2018 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 70x100 ¹/₁₆.
Cambria гарнитураси. Офсет босма.
Ҳисоб-нашриёт т.: 18,2. Шартли б.т.: 28,6.
Сони: 100 нусха.
Буюртма № 28

«АКАДЕМНАШР» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^А-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77
e-mail: info@akademnashr.uz
web: www.akademnashr.uz